


«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАХРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2008






ИБРОҲИМ ҒАҒУРОВ




*Мангу  
латофат*

*Бадиалар,  
рисолалар*

**2-КИТОБ**



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАХРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2008




**Ғафуров, Иброҳим.**

Мангу латофат: Бадиалар, рисоалар: 2-китоб. — Т.: «Шарқ», 2008. — 464 б.


Иброҳим Ғафуровнинг «Мангу латофат» китоби қўлингизда. Унга олим ва адибнинг миллатнинг туғилиши, шаклланиши, миллий онгнинг уйғониши ва жуда мураккаб, қийин тарихий, ижтимоий жараёнларда ўзини таниши, ҳозирги замон дунёсига кириб бориши ҳақидаги ўзига хос кузатишлари, ўй-хаёллари акс этган рисоалари жамланган. «Мангу латофат»нинг иккинчи ва учинчи қисмларидан муаллифнинг кейинги йилларда ёзган адабий-бадий бадиалари, ахлоқ, маънавият, инсоннинг ҳозирги замондаги ўрни тўғрисидаги ўй-қарашлари, публицистик тадқиқотлари ўрин олган. Достоевский дунёни гўзаллик қутқаради, деган улуғ умидбахш ҳикмати айтган. Адибимиз Достоевскийга пайров бўлиб, дунёни аслида ҳаё, одоб ва ахлоқ қутқаради, деган ғояни илгари суради. Унинг барча бадиалари ва ҳар икки китобининг ўқ марказида шу бугун, келажак учун, инсон борлиғи учун қимматли бўлган тирик ғоя туради. Зеро, муаллифнинг чуқур эътиқодича «Мангу латофат» бу — ҳаё, одоб ва ахлоқдир. Қалбимизда мужассам мангу гўзал, самовий ахлоқ инсоннинг инсонийлиги учун ягона мезондир.

**ББК.84(5Ў)**



I

МЫМАНТИНИ  
БЫМЪРАНИНИ



## МИЛЛАТНИНГ БИЛЛУРЛАНИШИ

Миллат деганда биз нимани англаймиз?

Миллат қачон юзага келади?

Халқ деганда нимани тушунамиз-у, миллат деганда нимани тушунамиз?

Бу саволларга жаҳоннинг кўп жамиятшунос файласуфлари жавоб беришга, таърифлар айтишга ҳаракат қилиб келганлар. Бундан кейин ҳам бундай ҳаракатлар тўхтамайди. Миллат ҳақидаги ўзимизга яқинроқ манбалардан чиққан бир тушунчага тўхталиб ўтай. Муқтадир турк алломаларидан бири Зиё Кўкалп ўз асарларидан бирида миллат ва унинг маъруф доираси хусусида фикр юритиб қуйидагиларни айтади:

миллат жўғрофий ҳудудлар билан белгиланмайди (чунончи, ер юзининг турли ерларида бир миллатга мансуб одамлар яшайверадилар);

миллат ирқ эмас ва қавм ҳам эмас;

миллат бир империя ҳудудида ягона умумий сиёсат билан яшайдиган одамлар тўдаси ҳам эмас;

миллат хоҳишга кўра мансуб бўлинадиган ёки хоҳишга кўра ундан чиқиладиган жамоа ҳам эмас.

«Унда миллат нима? — деб ўзига ўзи савол беради олим ва шундай мароқли жавоб айтади: — Миллат бу — тарбияси ва тили бир — умумий бўлган одамлардан иборат маданий-маънавий категория. Киши ён-атрофидаги истаганча одамлар билан эмас, балки ўзи билан бир она тил ва бир хил тарбияга эга одамлар билан яшашни истайди. Зеро, инсон шахси унинг танига эмас, руҳига тааллуқлидир. Бизнинг моддий, жисмоний хусусиятларимиз ирқимиз билан боғлиқ бўлса, бизнинг руҳий-маънавий сифатларимиз биз тарбияланган жамиятда шаклланади». Кўкалп тил, дин, ҳуқуқ, ахлоқ ва ижод миллий характерга эга деб билади. Булар жам бўлиб, ўзаро чапишиб, қўшилиб маданиятни ташкил этади. Миллат — маданий-руҳий субстанция. У умумий маънавий маданиятнинг эгаси ва бинокоридир. («Миллий егитим ва култур», 1985, 35-сон; А. Мустафоев. «Национальные отношения в СССР в трудах турецких авторов». Боку, «Элм», 1990) Ростдан ҳам, Худобага осон эди ҳамма одамларни

бир хил қилиб яратса. Лекин табиатда Худо қушлар, баликларни қандай ранг-баранг қилиб яратган бўлса, одамларни ҳам шундай ранг-баранг қилди. Уларга турли мўъжиз тил ва турфа одатлар ато этди. Лекин одам болаларининг жисмоний қурилишида, — одамни бино деб олсак, — одамнинг биносида хилма-хилликка йўл қўймади. Бу томондан ҳаммани бир-бирига тенг қилди. Ўкситадиган, ерга урадиган ҳеч нарсага йўл қўймади. Одамлар жисмонан эмас, рухан фарқландилар. Тарбиялар турлича бўлди.

Лекин миллатларнинг шаклланиши ва юзага чиқиши жуда-жуда узоқ ва хатто кўз илғамас жараёнларда кечади. Бу жараёнлар ҳеч қачон тўхтамайди. Мана, Америкада уч юз йилдан бери миллий жараёнлар давом этади. Озодлик ва демократия ғоялари тарбиясида у ерда янги бир миллат — америкалик дунёга келди. Энди у ерда миллат суриштирмайдилар. Лекин ўзларининг америкалик эканликлари билан ўта фахрландилар ва Америка учун жонларини фидо этишга, қўлларидан келган барча маърифатли ишларни жонбозлик билан адо этишга тайёр турадилар. Улар шиорлар ташламайдилар. Балки ишлайдилар. Энг улуг шиорлар эса дилларида тарбия топган, озодлик ва демократия билан боғлиқ барча ғоялар уларнинг табиатига айланган.

Бу ҳодиса ҳам Зиё Кўкалп ўз таърифида қанчалар ҳақ эканлигига яна бир салмоқли далил.

Кўкалпнинг фикри билан танишмасдан илгари миллатнинг асос белгиси унинг маърифатида ва тилида деб ўйлардим. Илоҳий Қуръонда бир неча маротаба айтилган «Иброҳим миллати» деган тушунча бор. Бунда миллат деганда тўғри йўл топган одамлар тушунилган: Худонинг ягона яратувчилигини тан олиб фақат унгагина иймон келтирадиган, бошқа нарсаларга — уларнинг қандай махобатга эғалигидан қатъи назар, сиғинмайдиган одамлар. Бунда ҳам, эътибор беринг, миллат тушунчаси эътиқодга эга бўлиш, яъни маърифатли бўлишга қараб белгиланган. Эҳтимол, миллатнинг замирида маърифат тушунчаси ётар, ахир тил ҳам асос-эътибори билан маърифат-ку: дунёни билиш-ку, тушуниш-ку, муомала-муносабат-ку! Муомала-муносабат ҳам тўлалигича маърифатга мансуб. Албатта, кейинчалик, айниқса, ижтимоий, маданий, илмий, иқтисодий тараққиёт инсоният ҳаётида

жуда юксак чўккиларга кўтарилган ўн тўққизинчи асрдан бошлаб «миллат» тушунчаси кенгайди, бойиди, ифода диапазони равшанлашди.

Халқнинг меросий маърифати ва меросий маданияти замон-замонлар оша бошқа халқларнинг маданиятлари ва удумлари билан бойиб, оқибат узлуксиз тараққий қилиб борувчи миллийлик вужудга келади.

Миллат — халқнинг маданий-маърифий ўзига хослигидир. Миллийлик миллатнинг ўзига хослигидир. Миллат ҳам, миллийлик ҳам ўз доирасида ўзгариб, янгидан янги сифат белгилари топиб боради.

Қадимги туркийлар шаҳарларда ва кишлоқларда яшовчиларни «улуш» дер эканлар. Балки «улус» сўзи «улуш»дандир. «Миллат» сўзи бизга араб тили орқали, «Қуръон» маданияти орқали кирган. Агар улуш тушунчасини кўчманчиликка нисбатан олға ташланган тараққиёт белгиси деб ҳисобласак, унда «улус» сўзи «миллат» тушунчасига тўғри келади.

Хуллас, тил, тарбия ва маърифат билан миллат майдонга чиқади. Миллат халққа ёхуд авомга хос тарқоқликнинг тугаганлигидир. Давлатчиликнинг мустаҳкам ва тебранмас тарзда шаклланганлигидир.

Халқнинг барча ўз ишларини ўзи бир ёқадан чиқариб қилишга қодирлик касб этиши — унинг миллат бўлганлиги белгиси ва кўрсаткичидир.

Империялар кўпинча миллатлар ва уларнинг ўзига хосликларини емириб ташлашга ёхуд хаспўшлашга, уни жуда юзаки ва ҳеч нарсага арзимас бир ходисага айлантириб кўрсатишга мойил бўлганлар. Империялар агар улар бир миллатнинг гегемонлиги байроғи остида тузилмаган бўлсалар, доим миллат ва миллий ҳодисаларни маҳв этганлар. Миллий гегемонлик учун тузилган курок империялар ҳам бошқа миллатларни камситиш, уларни кириб ташлаш, келажагидан маҳрум қилиш йўлини тутганлар ва шунинг учун ҳам улар узоқ давом этмай, парчаланиб кетишга маҳкум бўлганлар.

Империялар миллий онгнинг уйғонишидан ўт-сув балосидан кўрққан каби кўрққанлар. Барча озодлик курашларида миллий онгнинг тутган ўрни алоҳидадир. Миллий онгнинг уйғониши — ватанпарварликнинг уйғониши, озодлик иштиёқининг уйғониши, ўз ҳақ-ҳуқуқлари-



ни танишнинг бошланиши демак эди. Ҳар қандай империя мана шу қудратли кучларнинг зарбаларидан ҳалокатга учраганлигини тарих кўп маротаба исботлаган.

Ўн тўққизинчи аср оёқлаганда ва йигирманчи аср аввалларида Туронзаминда, бир томондан, мустамлакачилик тамойиллари таъсирида, иккинчи томондан, дунёдан хабардорлик жараёнларининг бошланиши шарофати билан маърифатчилик ҳаракати кучайди. Маърифатчилик ҳаракати ўз-ўзидан миллий ҳаракатларни юзага чиқарди.

Маърифатпарварлик — миллатпарварлик билан туташиб кетди. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмасди. Миллатпарварлик — тарбия билан миллатни тараққиётнинг илғор поғоналарига кўтариш, халқни тараққиёт йўлига олиб чиқиш деган маънони англатади. Аср бошида ва ундан кейин Туронда майдонга чиққан зиёлилар миллатпарварликни шундай тушунар ва уни маърифатпарварликнинг ўзак томири деб тасаввур қилардилар.

Бир замон француз олими Э. Каррер Д'Анкоснинг 1990-йилда Парижда «Миллатларнинг зафари...» деган китоби ҳақида ўқиган эдим. У империяларнинг кулашини илмий исботлаб берган экан. Анкос қайта қуриш даврида бизнинг Осиёда бораётган жараёнларни таҳлил қилиб, шу асосда «Ўрта Осиёда миллий туйғуларнинг биллурлашув ҳодисаси кўзга ташланмоқда», деб ёзган эди.

Бу ниҳоятда топиб айтилган ва ҳодисани нақ тўла қамраб олган гап. Лекин «биллурлашиш» бизда эртарок, XX аср бошларида куртаклаган ва ғоятда тезлашган эди. Империяча тўхтовсиз, узлуксиз ўтказилган қатлиомлардан сўнг биллурлашиш тўхтади. Биллур қонга бо-тирилди. Қон қотди ва биллур кўринмай кетди. Ҳамма биллур махв бўлди, тугади, деб ўйлади. Биллурлашиш ичкарида, аммо ғоятда секин давом этди. Қайта қуриш даврида у қудратли тарзда намоён бўлди.

Аср бошида эса миллатпарварлик миллий тараққиёт жараёнини бошлаб берди ва уни ўз ортидан эргаштириб борди. Империячилар бу ҳодисани кейинчалик «миллатчилик» деб атадилар. Агар империячилар тушунчасидан келиб чиқадиган бўлсак, ҳар қандай миллатпарварлик бу — миллатчилик. Миллатчилик эса уларнинг тушунтиришлари бўйича, бу — ўз миллатини юқорига кўтариш, бошқа миллатларни камситиш, уларнинг ҳақлари-

ни ғорат қилиш, зўравонлик, бакироклик, кибр-ҳаво, ўзини жаҳондан ажратиб ташлаш, махдудлик ва ҳоказо ва ҳоказолар. Қасоскорлик, жангарилик... — миллатчиликда шундай хунук ва ўта ярамас иллатлар ҳам мавжуд. Лекин бу иллатларни айрим тоифаларда ким тарбиялайди? Фақат ва фақат империя. Империягина миллатчилик шундай сифатларга ва хусусиятларга эга бўлишидан манфаатдор. Фақат империягина бундай сифатлар ва хусусиятларни ҳар қандай қилиб бўлса ҳам урчитади, дам солади, «тарбиялайди», вояга етказди. Сўнг қиргинни шу баҳонада бошлайди. Шу баҳонада барча илгорларнинг бўйинини узади. Миллатчилик ҳақида жар солади. Уни ижтимоий ҳодиса қилиб кўрсатади ва унинг баҳонасида умуман миллатга қарши кураш олиб боради.

Шунинг учун биз миллатчилик мустамлакачиликдан ўсиб чиққанлиги ва мустамлакачиликнинг тарбиясини кўрганлигини сира унутмаслигимиз керак. Мустамлакачилик йўқолганда, таг-томири билан барҳам топганда, бундай жангари, қасоскор миллатчилик ҳам ўз-ўзидан барҳам ейди, тарих саҳифасидан тушиб кетади, миллат ҳаётидан ўчади. Чунки унга энди мутлако эҳтиёж қолмайди.

Бизда миллатни англаш миллий туйғуларнинг кучли танқидидан бошланди. Миллат танқиди билан майдонга чиққан зиёлиларимизнинг ҳаммаси дунё мамлакатларини кўриб келдилар. Жаҳонда бораётган шиддатли ўзгаришлардан хабардор бўлдилар. Ўз ҳоллари ва аҳволларига назар солдилар. Шунда уларнинг кўзларига аламли, ачинарли, ҳақиқати аччиқ бир мамлакат намоён бўлди.

Улар миллатнинг ўзагига қарадилар. Ўзак соғлом эканлигини кўрдилар. Соғлом ўзакни қудратли ва яшовчан қилиш учун фақат ва фақат тарбия — миллий туйғулар ва миллий онгнинг мақсадга кучли йўналтирилган тарбияси зарурлигини англадилар.

Тарбияни улар миллий урф-одатларнинг шиддатли танқидидан бошладилар. Албатта, миллат урф-одатларсиз яшолмайди. Урф-одатлардан халос бўлолмайди. Урф-одатлар унинг ҳаётига маъно ва мазмун киритади, урф-одатларини тўлиқ адо этиб, ўзини инсон деб, инсонлик, миллатдошлик бурчини бажарган сингари сезади. Бу унга қониқиш ва фароғат бахш этади. Лекин фақат урф-одатларни адо этишнинг ўзи билангина чекланиш, чунончи,

ҳаётни — тўйдан тўйгача, азадан — азагача, хайитдан — хайитгача деб билиш ва шу чегарадан чиқмаслик, шуни инсон турмушининг бош мезони каби тушуниш албатта миллатни ҳаддан ташқари чеклаб қўяди. Унинг ҳаётӣ, миллий манфаатларининг ўта торайиб қолишига олиб келади.

Манфаатларнинг чекланиши ўз навбатида хафсаласизликни келтириб чиқаради. Миллат миқёсида олганда, хафсаласизлик жуда оғир иллатга айланиб кетиши мумкин. Ёш Чўлпон ўзининг илк бадиаларидан бири ва ҳатто «Доктор Муҳаммадёр»да хафсаласизликни «хушёқмаслик» деб атаган эди. Унинг ёш қаҳрамони «Мунча хушёқмассизлар, биродарлар!» — деб хайкирган эди.

Хафсаласизлик — ғайратсизлик билан айтарли бир нарса. Лекин фарқи бор. Ғайратсизлик — меҳнатга, ҳаракатга, эл-юрт равнақи ва ободончилигига иштиёқларнинг сўниши бўлса, хафсаласизлик ҳам ана шу ғайратсизликни ҳам руҳий сўниклик, тушкунлик, келажакдан умид қилмаслик, келажак учун курашмасликни ўз ичига олади.

Турли жуда мураккаб ва чигал сабаблар билан Туронзаминда кейинги уч аср мобайнида шундай хафсаласизлик ҳукм сурди. Урф-одатларни адо этишнинг ўзи билангина кифояланиш оқибатида хафсаласизлик тобора урф бўлди. Ун тўққизинчи асрда у миллий миқёсдаги ҳодисага — миллий хафсаласизликка айланди. Чекка мамлакатга тобе бўлиб қолиш бу хафсаласизликни янада кучайтирди.

Илк ўзбек газеталари, журналлари, жамиятлари, илк босма китобчалари, қўшиқлари шу миллий хафсаласизликни қаттиқ танқидга олди.

1906 йилдан эътиборан дунёга кела бошлаган «Тараққий», «Хуршид» сингари миллий газеталар, илк миллий ғоялар қўтарилган шеърлар, қўшиқлар олти-етти йил ўтмай «Садои Туркистон», «Садои Фарғона», «Оина» каби нашрларнинг миллат майдонига чиқишига туртки берди. Авлоний, Тавалло, Ҳамза каби шоирларнинг миллиятчилик руҳидаги илк китобчалари дунёга келди. Бу жиҳатдан айниқса, «Садои Туркистон» газетаси соясида чиққан «Сабзозор» миллий шеърлар тўплами Турон миллий адабиётининг кейинги ривожини учун катта аҳамият касб этди. «Сабзозор» оҳанглари ва ғояларидан руҳлан-

ди кейинги барча миллий шеърлар ва ашулалар тўпламлари, барча оқ гуллар ва барча сариқ гуллар...

«Сабзозор» ва ундан бир неча йил кейинроқ чиққан Таваллонинг «Равнакул ислом» шеърлар китоби янги ўзбек миллий адабиётининг майдони очилганидан ва бу адабиёт ўзига маърифий жанговарликни шиор қилиб олганидан дарак берди. Афсуслар бўлсинки, янги XX аср миллий адабиётимизни бошлаб берган бу китоблар узоқ замонлар ёддан чиқариб юборилди. Улар ўрганилмади. Уларнинг кейинги миллий адабиётнинг ҳаракатидаги ўрни ва ахамияти аниқланмади. Қўрқитилган одамларда урф бўлиб кетган сиёсий хафсаласизлик бунга йўл бермади.

Холбуки, булар янги миллат ҳаётини, ундаги ўзгаришларни қутлаган ва миллий хафсаласизликнинг барча турларига қарши танқид ўтини очган илк нашрлар эди.

Ҳозир «Сабзозор» 1914 йилда нашр қилинганига қарамай йўқ бўлиб кетиш даражасига келган. Мен уни қидириб, Шарқшунослик илмий текшириш институтининг кутубхонасидан топдим. Кутубхона илмий ходимларининг илтифотлари боис ўқишга муяссар бўлдим.

Китобча бор-йўғи ўттиз бетгина, у ҳам узук-юлуқ саҳифалардан тўпланиб, тўлдирилган, авайлаб ёпиштирилиб, бир бутун ҳолга келтирилган. Чамаси, бу хайрли ишни, бошқа кўп улуг хизматлар қатори домла Носируф адо этган. Титул варағида у кишининг қўллари билан сана ва мундарижа дарж этилган. 17.XII — 62 йил санаси — таъмир санаси бўлса керак, кўрсатилган. Китоб сарлавҳасининг тагига «Садои Туркистон муштарийларига ҳадя» деб қайд этилган. Китобча кичкинагина шу сўзлар билан очилади: «Садои Туркистон» жаридасина шеър ёзуб тургон ёш шоирларимизнинг дарун дилларидан чиқаруб миллати исломиянинг аҳволи ҳозирасин гўзал суратда тасвир этгон «миллий шеърлари»ни миллат хотирасида абадан қолдирмак орзусинда аксарларини мусоадаи миллатпарвоналари ила бу рисола тартиб ўлинди». Шу сўзларнинг пастиди имзо: «Жомеъи ва ношири Мунаввар Қори. Биринчи табъ. 1914 йил мелодий». Қўл билан ёзилган мундарижада Васлий, Сўфизода, Ҳамза, Абдулла Авлоний, Хислат, Тавалло, Ажзий, Мирмулла Шермухаммад, Хаёлий, Афандихон, Лайли хоним сингариларнинг жаридидаги табриклари ва миллий мавзудаги

шеърлари жамланган. Авлоний ва Тавалло бир қанча шеърлари билан қатнашганлар.

«Сабззор» бошдан-охир миллатга мурожаатдан иборатдир. У миллатни илмга тарғиб қилади ва эски, оёқларда кишан бўлиб ётган урф-одатлардан халос бўлишга даъват этади.

*Аё, эй соҳиби урфон!*

*Ватан богида фарёд эт*

*Отиб тошларун эски одатларни барбод эт —*

дейди Авлоний илм касб этмакликда фарёд ва барбодга кучли урғу бериб. Унга Сўфизода ўз гўзал шеъри билан жўр бўлади:

*Дод ўшал олим руҳонийдан  
Қўшди шариятга ўзи ёнидан  
Хурми эди? Дини азиз жонидан  
Миллат учун кечмади ўз қонидан  
Қумрилар-у булбул-у бедоналар  
Яхши ўқур, сиз ҳам ўқунг, оналар...*

Эътибор қилинг, шоирларнинг мурожаатлари олимлар, руҳонийлар, соҳиб урфонларга қаратилган. Чунки улар миллатни шакллантиришда, унинг тарбияси ва демак, равнақида асос мавқега эгадирлар. Ва улар ўзларининг асосий бурчлари ҳамда ишларини йиғиштириб қўйганликлари учун янги замон шоирларининг аламли ўқларига нишонга айланадилар. Ўша пайтда — аср бошида миллатнинг энг яхши фарзандлари миллатнинг йўлидан хабарсизлик деворлари ва офир тўсқинларини олиб ташлаш пайига тушдилар. Хабарсизлик ҳам миллий хафсаласизликнинг урф бўлишида жиддий сабаблардан бири бўлган ва бўлиб қолмоқда эди. Хабарсизликларни енгиб ўтишнинг биринчи чораси миллий газеталар чиқариш деган хулосага келдилар. Иван Гейернинг «Тараққий» деб номланган либерал газетаси ва сал кейин унинг заминида чиқа бошлаган Исмоил Обидийнинг «Тараққий»си миллий ҳаётда хабарсизликни енгитиш йўлида илк қадамлар бўлди. Шоирлар газетага «миллат учун ҳақнинг эҳсони» деб қарайдилар. «Тараққий» шоирларни миллат йўлида ишлашга уюштирди. Улар миллат тақдири устида жиддий бош қотира бошладилар. Тавалло «Сабззор»даги шеърларидан бирида хабарсизликни

каро ер остига тириклай кириш билан баравар кўяди: «Ким хабарсиз бўлса ўздан нафс танпарвар бўлиб, бу каро ер остига қолғон балога жонидур»... Бошқа бир шеърида эса у кўкларга ёлворади, миллат заифлиги ва касалликларининг сабабини фалакнинг тескари ишларидан кўради:

*Фалак, бизга хабар бер,  
не учун эътибор этдинг  
Жаҳонда жумла миллат ичра  
бизни шармисор этдинг...*

Хору зорлик, тубанлик, колоқлик сабабларини ахтарганда, албатта ўша пайтлар кўп шоирларнинг ақллари шошган эди. Маърифатпарварларни иложсизлик қийнади. Бошлари умуммиллий ожизлик деворларига бориб урилар ва шунда Тавалло каби: «Кўр ўлди кўз, аҳадо! Раҳм этиб кўзимни оч», деб кўкдан илтижо этардилар. Улар нажот излаб, нажотни илм-маърифатда кўрдилар. Ақллар ва онглари тарбия қилсак, қоронғуликдан, кўр ва қарликдан халос бўламиз деб қаттиқ умид қилдилар. Нажотни бошқа бир томондан миллий ҳаёт тарзини кучли танқид остига олишда ҳам кўрдилар.

Ўнлаб шоирлар, маърифатпарварлар, муаллимлар, уламолар хабарсизлик ва хафсаласизликка қарши отландилар.

Миллат онги ва туйғуларининг биллурланиши жараёнга кирди.

Миллий онг тарбияси бошланди. Миллий онгнинг биллурланишида газета, мактаб, турли жамиятлар биринчи даражали аҳамият касб этдилар. Миллий танқид биллурланишни янада кучайтирди.

Шоирлар маърифатни қанча қуйласалар, жаҳолатдан шунчалик қуйдилар. Зотан, жаҳолат ҳам хафсаласизликнинг узвий бир бўлаги эди. Мунаввар Қори 906-йилда «Бизни жаҳолат жаҳли мураккаб» деб чиқди. Жаҳолатнинг бош томирини қидириб, ўша пайтгача бўлган мактаб тарбиясига назар ташлади.

Мунаввар Қори ўша пайтдаги миллий мактаблар ёш болаларга фойдасиз илмларни ўқитиб, қимматли вақтларини зоеъ қилмоқда деб қайғурди. Мактабларда жами «Лавозимоти динияни билдурмак мумкин ўлгон холда, —

деб ёзади Мунаввар Қори ўша мақолада, — тўрт-беш йилгача хижжа усули бирла дунё ва охиратга фойдаси бўлмагон Фузулий, Навоий, Хожа Ҳофиз ва Бедиллар каби мушкул манзума китобларга умр азизини барбод этарлар...» Мунаввар Қори мактабларда ўқишларни ҳаёт учун нафи тегадиган, болаларни яшашга маънан ва руҳан тайёрлайдиган, уларни турмушга қобил қиладиган савияга кўтариш тарафдори бўлиб чиқади. Диний ва дунёвий илмларни теран ўргатиш ўрнига домлалар мактабда таги пуч нарсалар билан шуғулланадилар: «фалонни қоши қаро, қўзи қаро, юзи оқ, сўзи ширин деб, болаларни фасод ахлоқиға биринчи сабаб ўладурғон манзума китоблар ўлмиш», деб захарханда қилади Мунаввар Қори.

Албатта болаларнинг дидини ўстириш, уларга юксак шеърятнинг нафосатини англатиш, муҳаббат уйғотиш ҳам ўз навбатида зарур. Лекин мактабда домлалар фақат шуларнинг ўзи билангина чекланиб қолсалар, бошқа кўндан кўн, зарурдан зарур илмлар ўқитилмаса, болалар ҳаёт олдида албатта заиф бўлиб қоладилар, ўз тақдирлари ва мамлакат, миллат тақдирини ечиш, ҳаракатга келтириш, уни ривож йўлига олиб чиқишдан ожиз қоладилар. Лекин фожиали жойи шундаки, деб таъкидлайди Мунаввар Қори, муаллимларнинг ўзлари болаларга нималар зарур эканлигини билмайдилар.

Мунаввар Қори мунозаранинг кескинлиги билан юқоридаги сўзларни айтади-ю, кейин фикрини яна бирмунча юмшатади. Мен Фузулий, Навоий, Ҳофиз, Бедилларни таҳқирламоқчи эмасман. Уларни мутлақо бефойда демайман. Лекин ёш болаларга улардан таълим бериш фойдасиз демоқчиман, деб ёзади. Албатта бунда Мунаввар Қоридай мактаб, таълим ва нашр ишларида тажрибакор, омилкор одам ўз аниқ тақлифларини ҳам ўртага ташлайди. Мисол учун болаларга Фузулий ўрнига илми кироат, Навоий ўрнига масойили эътиқодия, Хожа Ҳофиз ўрнига масойили амалиёт, Бедил бадалига илми ҳисоб ўқитилса, дин ва дунёси учун қанча фойдалар ҳосил қилиб, мусулмон ўлур, деб айтади!

Мунаввар Қори илмсизлик ва ғайратсизликдан бутун дунё олдида шарманда бўлиш эҳтимоли борлигидан огоҳлантиради. Миллат фойдаси учун жонини қурбон қилишга арзийдиган арслондек йигитларнинг умри бекор ўтавер-

са, миллат ночор ахволга тушади, у бошкалар кўлида ўйинчокқа айланади.

Миллий мактабларда ахволлар шундай бўлгач, уларда таҳсил кўриб чиққан кишилар ижтимоий ҳаётда қандай эдилар, ҳаётга фаол муносабат уларда шаклланганмиди? Миллий онг нималардан озикланарди?

«Тараққий» газетасининг эътиборли бош мақолаларидан бирида шулар тўғрисида фикр юритилади. 905-йилнинг шов-шувлари, хурриятпарварлик нашидалари хали босилмаган эди. Эзилган халқлар ўз озодликлари ҳақида қайғура бошладилар. Ана шундай шароитда «мусулмонлар на ҳолда эдилар?» — деб савол ташлайди газета.

Улар «кардошларига имдод қилдиларму?».

Газета ўз саволларига қониқарли жавоб тополмайди миллат ичидан. Бизнинг мусулмонларимиз ҳамма хуррият учун жон олиб, жон берганда тазйикот ва таҳдидотлар остида уйларида чикмай ётдилар, жон сақладилар, деб ёзади «Тараққий». Зотан уларнинг қалбларига «қўрқоқлик аралашмиш эди». Улар истибдодни емириш палласи келганда бир иш қилолмадилар. Улар холига жумла олам ҳайратланди. Нима, мусулмонларнинг хуррият ва адолатга эҳтиёжлари йўқмиди? — деб яна савол ташлайди «Тараққий». — Ёхуд асоратда қолмоқ истаюрларму?»

Газета бунга жавоб ахтаради. Мусулмонларнинг хурриятга муҳтожликлари майдондадур. Газета мулоҳаза юритиб, ниҳоят катта хулоса чиқаради: мусулмонларнинг бошларига тушган балоларнинг сабаби истибдод, дейди. Газетанинг нажот излаган кўзлари яна илм-фанга, таҳсилга, янги мақомдаги мактаб-мадрасаларга тушади.

«Тараққий»нинг 906-йилда жамият ўртасида ташлаган бу каби саволлари яна кўп йиллар майдонда турди. «Тараққий» тўхтаб қолганда, йиллар ўтиб саволлар бутун шиддати билан Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Самарқанд» газетасига, «Оина» журнаliga кўчди. Бехбудийнинг миллат ҳаётига доир йирик фикрларни ўртага ташлаган «Эҳтиёжи миллат» деган ажойиб мақоласи Мунаввар Қорининг 906-йилдаги «Бизни жаҳолат жаҳли мураккаб» мақоласидан етти йил сўнг чиқди.

Хўш, икки мақола орасидаги етти йилда Турон ва унинг халқи ҳаётида нима ўзгаришлар рўй берди? Етти



йил ахир оз муддат эмас. Тўғри, бирмунча иқтисодий кўтарилишлар бўлди, газета-журналларнинг сони кўпайди. Уларга қизиқишлар ортди. Миллат ҳақида фикрлаш даражаси ўзгарди, микёси кенгайди. Миллат ҳақида қайғуриш 913—917-йилларда баланд чўққиларга кўтарилди. 905-йилда англанмаган ходисалар энди теранроқ англанди. Мустақиллик шабадалари эсиб турар, бу вазиятни 905-йилдагидек яна бой бериб қўймаслик керак эди. Маърифатпарварлар буни жуда чуқур англардилар ва изтироб билан илм-маърифат учун курашардилар. Етти йил ичида маърифатпарварларимизнинг фикр доираси, мантики, баҳс қобилияти жуда кучайганлигини шу икки мақола мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Бир миллатнинг ахволи бошқа миллатлар ахволига қиёсланганда яхши билинади. Маърифатпарварларимиз ўз асарларида қиёсий фикрлашга алоҳида эътибор берадилар. Қиёсий фикрлаш уларнинг энг севган куролига айланади. Миллий онг тарбиясида маърифатпарварларнинг қиёсий фикрлаш тарзлари катта ижобий натижалар берди.

Солиштирилганда, маърифат юзасидан, орифлик ва хабардорлик, ҳаёт тарзининг даражаси юзасидан солиштирилди. Бу қиёслашлар миллатнинг ахволини кенгрок ва чуқурроқ кўриш, мулоҳаза этиш, хулосалар чиқаришга имкон берди.

Солиштиришда миллатнинг фойдаси кўзланди.

«Бошқа миллатларга қаралса, кўрилури-ки, — деб ёзади Бехбудий «Эҳтиёжи миллат» мақоласининг бошиданок, — мунтазам мактаблари бор. Ва ул мактабда диний илм устинда дунёвий илм ва фанлар ҳам ўқилюри. Чунки дунёға турмак учун дунёвий фан ва илм лозимдур. Замона илм ва фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларға поймол бўлури...»

Бошқа халқлар олдида поймол ва шарманда бўлмаслик йўллари ва чораларини ахтариш Мунаввар Қори, Бехбудий, Авлоний, Тавалло сингари адибларнинг фикр ва ҳаракатлари марказида турди. Уларда миллат учун орият туйғуси жуда кучли намоён бўлганлигини ҳар бир сўзларида кузатишимиз мумкин.

Мунаввар Қори каби Бехбудий ҳам миллат учун нажот қидиради. Унинг кўзи обод ва фаровон Европага тушади. Европанинг тараққиёт омиллари устида мунта-

зам фикр юритади. Европа илм, техника ва қонунларга қаттиқ риоя орқали шунчалар катта таракқиёт йўлига чиққанлигини қайд этади:

«50 сана муқаддамги замонда биз, туркистонликлар, якка ва танҳо яшаб, бошқалар ила муомала ва муносабатимиз йўқ эди. Энди замон ўзгариб, бошқа миллатлар илан махлут бўлди. Шариат ва ўз урфимиз устига қонун ва Оврупо одатига итоат қилмоқға мажбурмиз».

Миллатпарварлар ҳеч қачон ажралиб, ўз қобиғига ўралиб яшаш фикрини тарғиб қилган ва ҳатто буни ҳаёлларига ҳам келтирган эмаслар. Аммо кейинги даврларнинг тарихчилари уларни «ажратиб олиш», «ўз қобиғига ўралиб яшаш»ни кўзлаганлик ва зўр бериб тарғиб этганликда айбладилар ва шу асосда уларни «миллатчи» деб атадилар, шу тамғани ўйлаб топдилар ва шу тамғани уларга узоқ муддат ёпиштириб келдилар. Энди маълум бўлдики, уларга қўйилган барча айблар мустамлакачилик сиёсатидан келиб чиқар ва мустамлакачиликни сақлашни кўзда тутарди.

Бехбудий Европа томон қадам ташлаш тарафдори. Ўз урф-одатларига бурканиб яшашга тамомила қарши:

«Замони собиқда фақат шариат билмак кифоя этарди. Энди қонун ва зақунни билмоқ ҳам лозимдир...»

Бизнингча, «қонун» ва «зақун» бир нарса. Лекин Бехбудий бу тушунчаларни фарқлайди ва ёнма-ён ишла­тади. Бу ўзбекча уй билан европача «дом»ни фарқлай­диган бўлганимиз каби шариат қонунлари билан европача дунёвий қонунларни фарқлаб, «зақун» дейди. Маърифатчилар миллатни мана шундай ҳам янги, ҳам анъана­вий қонулар руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор бе­риб қарайдилар. Одамнинг қандайлиги унинг қонунлар­га қандай муносабатда эканлигидан билинади. Қонулар миллатни интизомли ва якнафас қилади.

Лекин қонун доирасида яшайдиган миллат бўлмоқ учун аввал уларни яратиш, уларни ўзлаштириш, яъни қонулар билан маърифатли бўлиш эҳтиёжи туради мил­лат олдида. Бехбудий қонун асосида ижтимоий ҳаётда европача усул-идорага устиворлик беради.

Замонавий дорилфунунларда ўқиган, «замон фақиҳи» бўлиб етишган одамлар, — деб давом этади муфти ҳаз­ратлари, — «Суд маҳкамаларида, давлат доираларинда

кириб, ҳар бир ҳуқуқшунос ўз муваккили ва ўз миллати ва ўз ватани ва ўз давлатининг нафига сўйлашур, мудофаа қилур...»

Бехбудий наздида ўзни англаш — ўз ҳуқуқларини англаш ва ҳуқуқ тарбиясидан бошланади. Шунинг учун заршунос, кадршунос адиб келтирилган парчада «ўз» сўзига алоҳида урғу беради. Қонунларга риояни ўзликни англаш, билиш билан боғлайди. Маърифатчилар ўзликни англашни миллий тарбияда жуда юкори ўринга қўядилар. «Ўз миллати, ўз ватани, ўз давлати» — мана шулар шахсни шахс қилади, шахсни мана шулар миллатнинг бир ориф парчасига айлантиради. Ва мана шулар миллатга — миллат унвонини беради.

Ҳуқуқларни билиш, улар асосида яшаш, ўзликни тўла ва теран тушуниб этиш — миллат туйғулари ва онгининг шаклланишида биллурланишнинг кўринишларидир. Олмос биллурлана-биллурлана ёмби тусга киради ва унинг ҳар бир зарра биллури ёмбининг барча хусусиятларини акс эттиради. Биллурланиш кучайган сайин ёмбининг киррадорлиги ҳам ранг-баранг шакл олади, у ўз зарралигида ҳам, ёмбилигида ҳам бутун — яхлит ходисага, миллатга нисбатан айтилганда эса, тарихий ходисага айланади.

Бехбудийнинг хаёли ўша пайтдаги Давлат Думасига тортилган. У «замон фақиҳлари» Давлат Думасида ўтириб миллат ва миллий давлат манфаатларини химоя қилишларини истайди. Шунда миллат ишларини дунё танийди, хабардор бўлади.

Лекин афсуски, деб қайд этади адиб, «шундай одам бизда йўқ». Миллат илм, фан, қонун, тил билмаса, хаётга юксак манфаатли тус берадиган турли мутахассислар бўлмаса, ҳар қадамда оғир фириб ейиши мумкинлигидан адиб огоҳлантиради ва бу тўғрида изтиробга тўлиб сўз юритади. «Ахир, муҳандис, инженер, техник бўлиш ҳаммолликдан яхши-ку!» — деб дард чекади Бехбудий.

Маърифатчилар Туроннинг жуда бой мамлакат эканлигини яхши тасаввур қилардилар. Лекин бу Худо берган бойликлар нега миллат учун ҳаракатсиз ётади? Нега унинг меваси, дон-дуни, зироати, тупроғи, маданларидан бошқалар фойдаланиб, бойиб, миллатнинг ўзи эса улардан ўз корига манфаат кўролмайдиган?

Уқувсизликдан ҳеч бир иш қилолмаймиз, деб нола чекади адиб. У илк бора Европа бозорларига чиқиш масаласини қўяди. Лекин бунинг бир муҳим шарти бор. Европа билан савдо қилиш учун, дейди адиб, аввал жуда бўлмаганда, ўн йил гимназияда ўқиш керак. Адиб муайян йўлларни ҳам таклиф этади: «бизда шоҳи, адрас, беқасам, олача... бофликлар бор, — деб ёзади муфти ҳазратлари, — агарда бир нафар техник ва муҳандисимиз бўлса, бу дастгоҳларни ислоҳ этар, аҳоли обод бўлур, ва илло, яқин вақтда (хоса дока) бофиларимиздек зое бўлуб кетар. Чунки Оврупо янги асбоб ила мундин яхши қилиб чиқарур»... Бу сўзларни ўқиб, Фитратнинг «Сайёх хинди»си эсимга тушади. Ёдингиздами, сайёхнинг Қаршида моҳир алоча тўқувчи ҳунарманд билан касбнинг ривожини хақида тузган баҳслари... Бу адиблар миллатни миллат қилиш жабҳасида сафланиб, яқдил турганликларидан ва маълум бир мавзуларни қайта-қайта ўртага қўйишдан чекинмаганликларини кўрсатади.

Бехбудий, Фитрат, Мунаввар Қори, Авлоний ўз миллат тарбиясига қаратилган таҳлилларини янада ишонарли қилиш учун ўтмишга мурожаат қиладилар. Ўтмишдан фахрли, соғлом илдизларни топадилар. Шу билан бирга миллатнинг замонга мослашолмай қийналаётгани сабаблари устида тўхталадилар.

«30 сана мукаддам, — деб ёзади Бехбудий, — Самарқандни Ёюми маҳалласида (300) алочабоф ишчи бор эди. Алон, ўттиз нафар йўқ. 10 сана сўнгра тамом махв бўлур.

Хулоса, мактабимиз, дўконимиз, корхонамиз, мадрасамиз ва ҳар нимарсамизни замонча ислоҳи лозимдур. Илло, ҳар нимарсамиз қўлдан кетар, бизда муздурликдан бошқа иш қолмас. Ер ва ускана, дўкон ва саройни ишлатмоққа ҳам илм замоний ва замона шумлигини билмоқ лозим. Ва илло, биздан дунё илмини яхши билатурганларга мулк ва асбобимиз ўтар ва ўтуб турубдур»...

Қанчалар замонавий ва қанчалар илғор, соғлом, салмоқли фикрлайди устод Бехбудий! Ва қанчалар узокни кўрган эканлар бу маърифатчиларимиз!

Нажот излаган Бехбудийнинг кўзи мамлакат бойларига тушади. Бошқа миллатларнинг бойлари фақирлар ва етимлар учун мактаблар, дорилфунунлар солиб берадилар, замонавий касалхоналар очадилар, жамияти хай-

риялар тузадилар, стипендиялар тайинлайдилар ва миллат бундай ишлар билан фахрланади, жуда катта манфаат кўради.

Бехбудий қайғуриб ёзади:

«Бизникилар жуфта оти ила, аробаси ила, тўйи ила ва ... си илами фахр этар?»

Бехбудий миллат олдига замона одамлари бўлиш, замона одамлари қаторига кириш вазифасини қўяди. Бунинг учун миллат қисқа муддатларда ўз орасидан кўплаб ақл эгалари, муаллимлар, инженерлар, врачлар, техник ходимлар, ҳуқуқшунослар, замона тожирларини етиштириб чиқариши керак. «Шулар боис бўлиб, давлат ишига кирармиз», шулар боис бўлиб, «халойикни барбод эта турган тўйлардан халос бўлармиз», деб умид қилади Бехбудий.

Миллат тараққийси ҳақида қайғуриш — миллат тарбияси, миллий онг ва туйғулар, равиш-рафторлар, дид-фаросатлар тарбияси ҳақида қайғуриш ҳамда саъй-ҳаракатлар билан чамбарчас боғланиб кетди. «Самарқанд» газетаси 1913 йил 30 июлда чиққан сонида масалани худди шу тарзда қўйди. У «Миллатлар қандай тараққий этарлар?» — деган саволни жамоатга ташлади. Ва шундай хулоса чиқарди: «Миллат ахлоқ, фазл ва ҳунар ила боқий қолур... Бугун ислох миллатга кўшиш қилинмаса рабъ аср сўнгра диёнат барбод бўлур ва анинг жавоби масъулияти буқунгиларга қолур»...

Шундай қилиб, миллатни шу уч қоя: ахлоқ, фазл ва ҳунар воситасида шакллантириш, қиёфали қилиш, жаҳонга олиб чиқиш масъулияти қўйилди. Миллатнинг ўзи ҳам шу уч нарсанинг бирлигидан бунёд бўлиши белгилаб олинди.

Шу уч олмоснинг биллурланиши, биллурланган, емирилмас қирралари билан томирни пажмурда қиладиган хафсаласизлик, масъулиятсизлик, журъатсизлик ва уларни келтириб чиқарадиган нарсалар, чунончи, ўтмиш тарих ва меросга лоқайд қараш, ўз тарихий анъаналарини ҳурмат қилмаслик, маънавий-ахлоқий ишончсизлик, миллат шарафи учун кураш туйғусининг кучсизланиши — миллий жасоратнинг поймол бўлиши кабиларга жиддий, мунтазам қарши турди.

Бехбудий ўз мақолаларидан бирида: «Мозий истикболнинг тарозусидур. Ҳар ким ўлчасун-да, билсун!» —

деб ёзган эди. Мозий бизга ибрат кўзи билан боқади. Албатта, бугунги миллатимиз кечаги миллат эмас, тараққиёт ўз самараларини берган.

Бугун миллат ўз маърифатчилари орзу қилган ишларга кадам-бақадам яқинлашмоқда, эришмоқда, барча замонавий соҳаларда аста ўз миқёсларига эга бўлмоқда. Бу жараён мустақиллик шарофати билан, узокни кўзлаган оқил, вазмин, ишончли сиёсат шарофати билан хийлагина тезлашди.

Энг яхши миллий тарбия — бу умуминсоний тарбия ҳамдир. Мустақил Ўзбекистонда миллий тарбиянинг ана шундай йўли асос қилиб олинмоқда. Яна қайтараман: энг яхши миллий тарбия бу — умуминсоний тарбия ҳамдир. Бизда миллий тарбиянинг жуда мўътабар тажриба мактаблари мавжуддир. Бу мактабларда тинимсиз ўрганмоқ ва тинимсиз ўқимоқ лозим келади.

Миллат ҳақиқатан ҳам аввало — фазл, ҳунар ва ахлоқдир. Шу ишларга кодир бўлганлар доим ютуқдадир.

Жамиятимизда маънавий-ахлоқий асослар ва ижтимоий-инсоний қадриятлар қайта бунёд бўлаётган бир пайтда яқин ўтмишимизнинг ғоятда ўзига хос маданий-маърифий тажрибаларига кенг назар ташлаш, уларни ҳар томонлама ўрганиш келажак наслларнинг хато қилмай яшашлари учун хизмат қилади. Асримиз бошларида то Туркистон мухториятига бўлган бениҳоя эътиборли бир даврда мамлакатимизда Европа маданиятини ўрганиш, янги усулдаги мактаблар очиш, газета, журналлар нашр этиш, театр ва санъат ишларини андак бўлса-да йўлга қўйиш учун ҳаракатлар бўлди. Аср бошидаги маданий-ижтимоий ҳаракатда «Таржумон», «Тараққий» сингари газеталар билан бир қаторда машҳур ҳуқуқшунос ва жамоат арбоби Убайдулла Асадуллаҳўжаев нашр этган ва муҳаррирлик қилган «Садои Туркистон» газетаси ҳам фаол қатнашди, мамлакатни уйғотиш, ғафлат ва жаҳолатдан халос қилишда бебаҳо роль ўйнади. Айтиш мумкинки, у ўзи чиқиб турган 1914—1915 йиллар орасида маданий-маърифий уйғонишнинг бошида турди. Унинг биринчи сони «Таржумон»нинг ўттиз йиллиги муносабати билан 1914 йил 1 апрелда дунё юзини кўрди. Унинг чиқиб улгурган олтмишдан ортиқ сони миллий

уйғониш ҳаракатининг мақсад ҳамда вазифаларини ўрганиш ва ибрат олишда бир ҳазина дейишлик мумкин. «Садои Туркистон»нинг чиққанига саксон йил тўлди. Бу мақола ўша миллатнинг мунавварлиги учун курашган, миллат қахрамонлари бўлган боболарнинг хотираси учун ёзилди.

## «МИЛЛИЙ ХАЁЛЛАР» ВА «САДОИ ТУРКИСТОН»

Тадқиқотчилар 1905 йилдан кейин то 1918 йил бошланишида Туркистон мухтор ҳукумати куч билан тугатилгунча ўтган қискагина бир даврни «миллий уйғониш даври» деб аташга одатланганлар. Ростдан ҳам худди мана шу йиллар орасида миллий буржуазиянинг шаклланиши ва озми-кўпми юзага чиқишида муҳим қадамлар ташланди. Капитализмнинг туғилиши буржуазиянинг дунёга келиши билан чамбарчас боғлиқ экан, бу икки ижтимоий ҳодиса — ижтимоий куч — ўз навбатида миллатларни туғдиради ва уларни жаҳон сахнасига олиб чиқади.

Кейинги асрлар тарих жараёнларидан маълумки, фақат буржуазиягина миллатни тарбиялайди, уни майдонга чиқаради ва ижтимоий адолат учун курашларда чиниктиради.

Шу маънода агар сармоя дунёси миллатни яратса, ўз навбатида мустамлакачилик миллатчилик ҳодисасини юзага келтиради. Ташқаридан келган босқинчилик, зўравонлик ва ҳуқуқсизлик остида қолган миллат буржуазияси — миллатчи буржуазияга айланади. У ижтимоий зулм шароитида миллатни ва унинг яшаш манфаатларини ҳимоя қилиб чиқади. Шу тариқа мустамлакачилар назари ва талқинида «миллатчи»га айланади. Албатта, мустамлакачилар ўз ҳаётий манфаатларига зид ҳолда эркинлик ва мустақиллик учун курашганларни «озодлик курашчилари» деб атамайдилар.

Бу улар учун ўз-ўзига суиқасд қилиш билан баробар бўлур эди. Шунинг учун улар ҳар қачон миллат фидойиларини «миллатчи», улар олиб борган ишларни эса «миллатчилик» деб юритадилар ва шунга биноан уларга қарши зўравонлик усул-идораларини бор куч билан қўллайдилар. Шу тариқа «миллатчи» ва «миллатчилик» тушунчаси мустамлакачилар томонидан ўйлаб топилган

муғомбир тушунча бўлиб, аслида у мамлакат мустақилликка эришгач, миллий зулмдан халос бўлгач, ўз эркини қозонгач, шу лахзадаёқ йўқ бўлади, тарих саҳнасида ҳодиса сифатида тушади.

Мустақил ҳаёт кечирувчи ҳеч бир мамлакатда «миллатчилик»нинг бўлиши мумкин эмас, бўлмайди ҳам. Чунки мустақил давлатда уни юзага чиқарадиган шароит йўқолади. Бунинг устига мустақил давлатда тарих синови ва тажрибаларидан ўтган демократия ҳоким бўлса, у ҳолда демократия собиқ «миллатчилик»ни том маънодаги миллатпарварлик ва у билан узвий боғлиқ ҳолда инсонпарварликка айлантиради. Энди демократия миллатпарварлик ва инсонпарварликни тарбияловчи куч, яъни ижтимоий мураббий сифатида майдонга чиқади.

Ўзбекистонда миллатнинг вужудга келиши, «миллатчилар» ва «миллатчилик»нинг пайдо бўлиши тарихи бениҳоя қизиқарли, юсак инсоний омололarga тўла, ҳам олижаноб, ҳам фожиали жараёнлар ичида кечди. Хусусан, йигирманчи аср бошидаги бу тарихий жараёнларни кўздан кечириш ғоятда мароқлидир.

\* \* \*

Аср бошида аҳволимиз қандай эди? Аҳволимизда қарамлик ва забунлик ҳоким эди. Ўн еттинчи асрдан бошланган уч юз йиллик иқтисодий-маданий таназзул халқни қарахт қилиб ташлаган, уч хонлиқнинг ўзаро тинимсиз урушларидан халқнинг танасини мислсиз жароҳатлар босган эди. Шундай бир паллада мамлакатга Россия капитализмининг унсурлари аста-секин кириб келди. Ибтидоий темир йўллар, ибтидоий техника, ибтидоий завод-фабрикалар, турли ширкатлар пайдо бўлди. Мустамлакачилик маъмурияти ўз эҳтиёжлари учун газеталар ва мактаблар очди. Туркистон халқининг кўзи капитализмининг илк меваларига тушди. Халқнинг бир қисми анча замонларгача бу мевалардан ўзини четга тортди, унинг тазйиқидан ўз деворлари, бостирмалари ва тоғлари ичига ўралиб олди. Бошқа бир қисми — булар биринчиларга қараганда, жуда озчилик эдилар — капитализм — Россия мустамлакачилик капитализмига мослаша бошлади. 1905 йилга келиб улар мустамлакачилик капитализмини ибтидоий тарзда бўлса-да, лекин бирмун-



ча ўзлаштириб улгурдилар. Капитализмни бундай ўзлаштиришни анча илгарироқ бошлаган Крим, Татаристон ва Озарбойжон, Туркия тарафлардан Туркистондаги мусулмон биродарларга маърифий чакириқлар келди. Журнал, газеталар тарқалди. Айниқса, аср бошларида Исмоилбекнинг «Таржумон» газетаси жуда катта ижтимоий мавқе касб этти. Унинг илм-маърифат, бирлик ва маданиятга чакириши Туркистоннинг битмас-туганмас жарохатларига малҳам бўлди. Сино ўғитлари инсоният табобатида қандай вазифа бажарган бўлса, «Таржумон» ҳам Туркистондаги ижтимоий маърифатпарварлик харақатининг уйғонишида шундай роль ўйнади.

Тадқиқотчи олим Бегали Қосимовнинг ёзишича, газета чиқа бошлаганидан бир йил кейинроқ 1884 йилда Туркистонда икки юз ўқувчига эга бўлган эди. «Таржумон»нинг барча маърифатпарварлик ва миллатпарварлик ғоялари Туркистон заминида ажиб бир тарзда аксадо топди. Тарих ва тараққиётнинг ўз-ўзига маълум сирли қонуниятлари ҳам бўлади, шекилли. Буни қарангизким, ўн тўққизинчи асрнинг охири, йигирманчи асрнинг арафасида «Таржумон» билан бирга Туркистон диёрида Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Ҳамза, Айний, Тавалло, Мунаввар Қори ва бошқа бир қанча кўзга кўринган маърифат фидойилари дунё юзиде кўрдилар. Ғоя туғиларкан, унинг ижрочилари ҳам майдонга келмасдан қолмас экан. Шулар билан бирга, бирликда ёки олдинма-кейин маърифатли миллат ва янги усул мактаблар ғояси юзага чиқди. Шу икки буюк ғояни қанот қилиб парвозга отланганларни жадид деб аташ расм бўлди. Аср бошларига келиб ана шу жадидлар йирик ва таъсирчан ижтимоий кучга айланиб улгурган эдилар.

Мустамлакачилик мафқураси қайси мамлакатда бўлмасин, маърифатпарвар «миллатчилар»ни омма кўз ўнгиде аянчли қилиб кўрсатишга, унинг устидан кулиш, масҳара қилиш, уни киноя ва истехзоларга кўмиб ташлашга турли йўллар билан уриниб келган. Халқ ўртасиде уларни обрўсизлантириш, ҳуқуқсиз, кулгили махлуқларга айлантириш учун ўз ихтиёридаги барча чораларни кўрган. Бу масҳаралаш айниқса, XX асрнинг йигирманчи, ўттизинчи, қирқинчи йилларида авж олиб, ўз чўққисига кўтарилган эди.

Аср бошларида ва ундан кейинги ўн йилликларда ўзбек миллатпарварлари, маърифатпарварлари мустамлакачиликнинг шунга ўхшаш қаҳрли, таҳқирловчи барча кўргиликларини ўз бошларидан тўла кечирдилар. Не-не машаққатлар билан янги усулдаги мактаблар очдилар, театрулар бунёд этилар, жаридалар ва мажаллалар чиқардилар, ижтимоий ҳаракатчанлик муҳитини яратиш учун турли хайрия ва эътиқодия жамиятлари туздилар. Шулар воситасида бутун куч-ғайратларини миллатни уйғотишга сарф этилар.

Бизнинг Туркистон диёри шароитида улар қандай бўлмасин, ҳатто истимлок маъмурияти билан келишган ва ҳамкорлик қилган ҳолда халқнинг онгини ёритиш, уни асрий жароҳатлардан халос қилиш учун жонларидан ҳам, молларидан ҳам кечдилар. Ажабмаски, оз вақт ичида улар ҳақиқий миллат қаҳрамонларига айландилар. «Миллат қаҳрамонлари» деган тушунчани биз энди-энди йигирманчи асрнинг охирига келиб, бу аср устидан баъзи хулосалар чиқараётиб ишлатмоқдамиз. Миллат қаҳрамонлари чин маънода миллатнинг ўзи билан бирга чиққан, миллатни ижтимоий ҳаракатга келтирган ва бу ҳаракатга маъно ҳамда мазмун бахш этган сиймолар эдилар. Бехбудий, Авлоний, Қодирий, Ҳамза, Айний, Тавалло, Сўфизода, Убайдулла Асадуллахўжаев, Фитрат, Ажзий, Чўлпон, Мирмулла ва Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Мунаввар Қори, Нўширавон Ёвушев ва булардан сўнг майдонга чиққан ўнлаб сафдошлари ва издошларини ҳақиқий миллат қаҳрамонлари демай яна қандай атайлик? Улар миллатнинг кўзини очиш, юзини ёруғ қилиш учун жонларини тикдилар.



Яқинда бир қаламкаш биродарим куйиниб-куйиниб сўйлади:

— Жаҳолат, жаҳолат деявериб қулоғимизни ейишдику! Наҳотки, айнийлар, қаххорлар, яшинларнинг болалиги шунчалар жаҳолатда ўтган бўлса? Йўқ, ҳеч ишониб бўлмайди бунга! Рост, улар ўз асарларида жаҳолат шунчалар эди ва баттар эди деб ёзиб қолдирганлар. Барибир шунчалар бўлганига ишониш қийин! Бизни камситмоқчи бўлганларнинг қаттиқ муболағалари бўлса керак. Шу йўл билан бизнинг иродамизни синдирмоқни

кўзлайдилар. Ахир халкнинг иродасини синдиришнинг турли-туман йўллари ва усуллари бор-ку! Камситиш, ўтмишни қоралаш ва ерга уриш, халкни жоҳил деб кўрса-тиш шундай усуллардан бири. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, жаҳолат бутун вужудни энг майда ҳужайраларига-ча захарлаб ташлаган бўлиши мумкинми? Борингки, шундай ҳам бўлган дейлик. Лекин ундай десак, биз қандай омон қолдик? Нима бизни қутқарди? Ким? Жаҳолат хақида гапирмайликми?

\* \* \*

1914 йил 4 апрелда «Садои Туркистон» деб кейинчалик машҳур бўлган газетанинг биринчи сони чиқди. Бундан олдин ҳам, шу йилларда ҳам Туркистонда бир қанча газеталар чиқиб, баъзи бирлари олам юзини кўрмай жон бериб, баъзилари беш-ўн сон чикқач, маблағ етишмаслиги ёки бошқа турли сабаблар билан ёпилиб қолаётган замон эди. «Садои Туркистон»нинг муҳаррирларидан бири Рауф Музаффарзода бу ҳақда «Бизда зиёлилар ва миллий матбуот» деган мақоласида («СТ», 1914, 44-сон) 1906 йилдан сўнг Туркистонда матбуотга қизиқиш бирмунча ортганлигини қайд қилиб, яна шуларни ҳам ёзиб ўтганди: «Бизда «Тараққий»дан сўнг кўпгина газеталар чиқиб оз фурсатда яна ёпилиб қолди. Агар ўша пайтда чиқиб сўнг ёпилган жаридаларни йиғсак, жуда катта жарида мазори ҳосил бўлади». Шу билан бирга Рауф Музаффарзода 1906—1914 йиллар орасида миллий матбуот жуда кам тараққий қилганидан ўкинади. «Аmmo бизда нима бор?» — деган саволни ўртага қўяди. Мазкур муддат ичида сезиларли тараққий асари кўрилмайди. «Бу бадбахий бир ҳақиқатдур. Демак, туркистонлилар она тили, миллий матбуот, миллий адабиёт тўғрисида ёзишга қалам уёлурдай қизғонч фикрдадурлар. Миллат жонлануб бу масъалалар аҳамият касб этсалар эди, ҳол буйла бўлур эдими? Бу саволга зиёлиларимиз жавоб берсунлар».

«Садои Туркистон» миллатнинг юзага чиқишида миллий матбуотда жуда катта аҳамият беради. «Ёшларимизга миллий рух ва маданий тарбия бермак ёлғиз миллий матбуот таъсири илагина ҳосил бўла олу», деб ёзади газета юқорида кўрсатилган мақолада. «Садои Туркистон» миллий матбуот ва янги усулдаги мактаб яратишга

хисса қўшишни ўзининг асосий мақсадларидан бири деб каради ва ҳар бир сониди у ёки бу тарзда бу масалаларга дахлдор чиқишлар қилиб турди.

«Садои Туркистон» ўз йўналиши ва мундарижа доирасини «Тошкандда ҳафтада икки мартаба чиқадирган фанний, иқтисодий, адабий ва ижтимоий миллий жарида» деб белгилади. Газета асос эътибори билан миллий уйғониш ғоясини илгари сурди. У тез орада публицистик йўналиши анча ўткир газетага айланди, унинг атрофига ўз даврининг илғор фикрловчи барча зиёлилари йиғилиб келдилар. Газетанинг мавзулар доираси анча кенг эди. У барча ҳаётий масалаларни кўтарар ва уларга маърифий нуқтаи назардан қарар, ёндашар ва баҳо берарди. Газетани ўз даврининг жуда илғор сиймоси, ҳуқуқий, фалсафий билимларни теран эгаллаган, дунёнинг оқу қорасини хўб таниган олим ва маърифатпарвар Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев ташкил этган ва ўзи муҳаррирлик қиларди. Бу кўркем ва фасих фикрли зотнинг бутун ўй-хаёли Туркистонни зиёли қилиш, уни қарамлик ва зулмдан қутқариш, эзилган бечора халқнинг аҳволини қандай бўлмасин енгиллатишга қаратилган эди.

Убайдулла Асадуллаҳўжаевнинг ҳаёти ва олиб борган фаолияти ўзи бир улғуф дoston. Бул шариф зотни билиш учун алоҳида асарлар ёзмоқ керак бўлади. У мустамлакачиликка қарши кураш олиб борди ва охири шу мустамлака томонидан махв этилди. У озодлик йўлидаги ўз ишлари билан ҳақиқий миллий қаҳрамон унвонига сазовор зотлардан биридир.

Убайдулла Асадуллаҳўжаев газета воситаси билан эл ва халқини энг оғир забунликдан, унинг оғир кишанларидан — ғафлат ва жаҳолатдан қутқаришни ўз олдиға мақсад қилиб қўйди. У газетанинг маромномасини ёзди ва унга «Убайдулла» деб имзо чекди. Билмадим, олий таҳсилни Россияда олгани боисиданми, Зиё Саид «Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар» мақоласида Убайдулла Асадуллаҳўжаев ҳақида «Бу киши мусулмонча ёзиш-ўқишни билмайди. Шунинг учун бош мақолани Муннаввар қори ва Абдурауф Музаффаров деган бир татар ёзиб берар эди», деган маълумот беради. Улуғ зиёли хонадониди тарбия кўрган Убайдулла ҳақидаги бу гап қанчалар ҳақ экан, айтиш қийин. Лекин «Маромнома»-

нинг услуби билан «Убайдулла» деб имзо чекилган бошқа мақолаларнинг услуби ва фикрий йўналишини қиёслаганда, бундай ўткир ва оригинал фикр дунёси фақат Убайдулланинг ўзиники ва уни бошқа одам унга ҳар қанча бўлганда ҳам яратиб беролмайди, деган хулосага келиш мумкин. Шу маънода Зиё Саиднинг гапи «миллатчи»ни камситиш учун тўқилган «узун кулоқ» гапдан бошқа нарса эмас. Лекин бошқа бир жихатдан Зиё Саидга тан бериш керакки, у «Садои Туркистон» «миллатдан ҳиммат аҳллари ва зиёлилар кўпайтириши йўлида кўп ҳаракат қилди... ўз атрофига кўп кишини жалб этди. Ўлкадан мухбирлар етиштирди», деб ҳолис баҳо ҳам беради.

Убайдулла «Маромнома»да чунончи қуйидагиларни алам билан ёзди: «Биз, туркистонликлар ўтган ҳақим ва олимларимизнинг бирини сохирликка, иккинчисини кофирликка, тағин билмам, наларга иснод веруб исмларини авлодимиздан унутдирмақдамиз...

Бундан маълум бўладики, биз туркистонлилар ҳозирда на замонга қараб ҳаракат қилурмиз, на дин ва шариатимизга бўйсунурмиз ва на тарихимиздан ибрат олурмиз. Бизим шул қадар ғафлат ва жаҳолатимизни кўра туриб, янадан сабр ва таҳаммул ила сукут этмак муқалдас ватанимиз ва меҳрибон онамиз бўлган Туркистонга кўп оғир келди...»

«Садои Туркистон»нинг муҳаррирларидан бири, оташин фикрли шоир Абдулла Авлоний газетани ҳам, унинг ўқувчиларини ҳам биринчи сонда шундай деб қутлаган эди:

*Маслаки бетараф, тараққий йўли,  
Қаламин илм учун тугибдир қўли,  
Сарф этар қанча бўлса, бор пули,  
Адвокатлар мудури масъули,  
Чиқди бошлаб «Садои Туркистон»  
Ўқунгиз шавқ бирла, эй дўстон!*

Гарчи бунда Авлоний газетанинг йўлини «бетараф» деб белгилаётган бўлса ҳам, аслида у миллат шаъни учун курашар, бундай курашда эса бетарафлик фақат нисбий бир тарздагина бўлиши мумкин. Эҳтимол бу бетарафлик чор сиёсатига қарши курашмасликни назарда тутар, унда бу тўғри ва у ҳарбий назорат тазйиқига учрамаслик учунгина қилингандир.

Маърифатпарварлар маиший турмушга чуқурроқ назар солиб, уни бир чеккадан ислох қилиш ҳаракатига тушдилар. Маиший турмушни ўзгартириш — асосан халқнинг кўтарилишига йўл бермай, унинг оёғида эски кишан бўлиб ётган кўхна урф-одатларнинг айрим энг характерли кўринишларига қарши кураш тусини олди. «Садои Туркистон» атрофидаги маърифатпарварлар янги усулдаги мактаблар очиш билангина кўп нарсага эришиб бўлмаслигини тушунар, шунинг учун ҳам, ислохотлар доирасини кенгрок олишга ва айниқса, маиший турмуш ичига чуқур киришга бел боғлаган эдилар. Шунинг учун «Садои Туркистон» биринчи сонидан бошлабоқ ҳашамдор тўйлар, серҳаражат ва сермашаққат азадорлик маросимлари, тўй ва азалар боисидан ер-сув, ҳовли-жойларни сотишларга қарши жиддий чиқишлар қилди.

Дин пешволари, уламолар, диндорларни маърифатли пешво, маърифатли уламо, маърифатли диндор қилиш ҳаракатида бўлди. Жуда кўп сонларини бу борадаги аччиқ, аламли баҳслар, тортишувларга бағишлади. «Садои Туркистон» динни бу — тугал илм ва маърифат деб тушунтирди.

Бир қарашда оддий ва жўн бўлиб кўринган бу ҳаракатларнинг тагида жуда жиддий ва узокни кўзлаган мақсадлар кўзга ташланарди. Газета миллатнинг савияси ва даражаси учун курашар ва жон куйдирарди.

«Садои Туркистон» маърифатпарварлари манший тузумни ислох қилишдан яна қўйидаги мақсадларни кузатардилар:

Энг аввало, исроф бўлиб кетаётган миллий сармойани озод этиш; уни миллатнинг раванкига хизмат қиладиган иқтисодий, маданий, маърифий соҳаларни вужудга келтириш учун йўналтириш, хусусан, ёшларни замонавий мактаблар ҳамда илғор мамлакатларда ўқитиш, олий мактаб ва мадрасалар очиш, замонавий асосга қурилган ҳунармандчиликни авж олдириш, ўлка табиий жўғрофиясини ҳисобга олган холда завод ва фабрикалар қуриш, халқнинг техникавий маданияти ва билимларини кўтариш, жаҳон мамлакатлари билан Россиянинг соясида туриб иқтисодий-маданий муомалаларга киришиш, тарихий ижобий анъаналар ва тажрибаларни тиклаш ва жонлантириш...

Албатта, кўриб турганингиздек, кенг ижтимоий миллий ислохотларни амалга ошириш учун сармоя керак бўларди. Маърифатчилар шунинг учун сармоя учун ҳам кураш бошладилар. Сармояни озод этишнинг бирдан-бир йўли маиший ҳаётдаги исрофгарчиликларга бутунлай барҳам бериш орқали бўларди. «Садои Туркистон» тинимсиз равишда халққа ва бойларга мурожаат қилади.

Хайрия жамиятлари тузишни ёқлаб чиқади, уларни илк сармояли миллий ташкилотлар сифатида қўллайди ва қўтлайди.

«Садои Туркистон» реал тарихий шароитни ҳисобга олган ҳолда Туркистон мустамлака маъмуриятига ҳам бевосита мурожаат қилар, маориф-маданият соҳаларига андак бўлсин маблағ ажратсин деб, маъмуриятнинг мададига умид боғларди. Бунинг қандайлигини англаш учун бир кизиқ мисолга эътибор бериб ўтайлик. Туркистон ҳарбий мустамлака маъмурияти 1915 йилда Тошкентнинг забт этилганлигининг 50 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрарди. Шу муносабат билан Убайдулла Асадуллаҳўжаев «Садои Туркистон»да бир махсус мақола ёзиб чиқди. Мақолада ношир ва муҳаррир тўғридан-тўғри шундай саволни ўртага қўяди: хўп, руслар байрам қилмоқчи? Биз нима қилишимиз керак? У бунга шундай жавоб беради: «Дуруст, Русия ҳукумати бизим шахримизни забт этди. Бундан бизга нима зарар келди? Бизим фикримизча, Русия ҳукуматидан Туркистон мусулмонлари ҳеч бир зарар кўрганлари йўқ. Билъакс мамлакатимиз обод бўлди. Зироат ва тижоратларимиз хийла тараққий қилди. Аҳолида илм ва ҳунарга рағбат ортди»... Бу сўзларни муаллиф ким учун ва нима учун ёзаётганлигини тушунгандирсиз. Шундан сўнг Убайдулла эҳтимол андак «қисинқилиқлар» бордир. Лекин улар вақт ўтган сари бартараф бўлади. Бухоро ва Хива мусулмонларининг аҳволига қарайлик. Ва шукр айтайлик, деб қўшимча ҳам қилади. Шундан сўнг Убайдулла асосий мақсадга кўчади ва бу сана муносабати билан миллат учун қилиниши керак бўлган ишларга эътиборни қаратади. Турли фойдали жамиятлар ва кенгашлар тузиш ҳақида фикр юритади. «Ўзимизнинг эллик йиллик садоқатимизни шафеъ келтириб, бундай бир фойдали ишга ижозат сўралганда ҳукуматимизнинг ҳам рад қилмаслиги табиийдир», деб ёзади. Шундан сўнг Убайдулла олий

дорулмааллимин ва мадрасаи олия ташкил этиш учун ижозат сўраш лозимлигини уқтиради. Сана муносабати билан шу икки катта ишга ҳукуматдан маблағ ва рухсат олишни кўзлайди.

Қарангким, садоқатни шафеъ келтирибгина миллат учун энг зарур ишларга ижозат олиш мумкин эди. Бу бир сиёсат эди ва у ажабланарли эмаски, яқин-яқин йилларгача давом этди. Садоқатни шафеъ келтирмасдан, мадҳия ўқимасдан, офаринбозлик қилмасдан ҳеч нарсага эришиб бўлмасди. Убайдуллаҳўжа ва унинг атрофига йиғилган маърифатпарварлар, ўз тилларича айтганда, жадидлар мустамлака маъмуриятининг хатто миллатни таҳқирловчи тадбирларидан ҳам қўз юмай, улардан миллат манфаати учун фойдаланишга интилардилар.

«Садои Туркистон» замон ва жамият олдига жуда қўп саволлар қўйди. Гарчи уларга қўп ҳолларда жавоблар тополмаса-да, лекин муҳими, шу саволлар атрофида баҳс ва мунозараларни ғоятда қизитди. Газета миллат микёсидаги мунозарали газетага айланди.

Албатта, мунозара ва баҳс бор ерда танқид ҳам бор. Мунозара ва танқид бир-биридан ажралмайдиган, бири иккинчисини тўлдирадиган ходисалардир.

Лекин жадидлар танқидининг ўзига хосликлари, ўзига хос йўналиш ва мақсадлари бор эди.

Бу танқиднинг асосий йўналиш ва қирраларидан бири миллатни танқид билан белгиланарди. Жадидларнинг миллатни танқиди ўз даврида жуда ўткир қирралари билан намоён бўлди.

Жадидлар миллатни беҳад севар эдилар. Танқидлари ҳам севгилари қадар шиддатли ва аёвсиз эди.

«Садои Туркистон»нинг илк сонларидан бирида босилган андижонлик ёш қаламкаш Абдулҳамиднинг (*имзо «Абдулҳамид» деб қўйилган ва ёнига Андижон деб кўрсатилган. Шунга қараганда, бу радифли лекин қофиясиз шеърни ёш Чўлпонники дейишга барча асослар бор*) «Туркистонли қардошларимизга» деб номланган шеъри жадидлар танқидининг йўналишини аниқлаш жиҳатидан муҳимдир. Бу шеър кейинчалик қайта босилмаганидан уни бу ерда тўлиқ келтиришни лозим кўрамыз:



## «Туркистонли қардошларимизга

*Илму маърифат ҳам ҳунардан қолди маҳрум бизни халқ,  
Маърифатсизлик балосига йўлиқгон бизни халқ.  
Бир киши миллатпараст ўлса, деюрлар даҳрий деб,  
Бир киши миллатни сўкса, иззат айлар бизни халқ.  
Мактаб ўрнида ҳар маҳалда очилди майхона,  
Нафрат этмак нори турсин, шоду хандон бизни халқ.  
Мактаба йўқ бир тийинни тўйга минг сўмлаб берур,  
Чораси мушкул касалга мубталодур бизни халқ.  
Ибрат олмайдур бошига шунча кулфат келса ҳам,  
Мисли бир калтак йўқотган кўрга ўхшар бизни халқ.  
Кўр-да фарқ айлар йўли тўғри-ила нотўғрисин  
Тўғри йўлга бошласанг-да, эри хоҳлар бизни халқ.  
Ҳар шаҳарда ихтилофдан, жиққамуштан сўз бўлур,  
Иттифоқдан сўз очилса, мисли қуён бизни халқ.  
Орзу қилмас ўғлими мактабда айлай тарбия,  
Тўй қилиб карнай чалурни орзу айлар бизни халқ.  
Бошқа миллатлар солурлар ҳар маҳалда мадраса,  
Онларинг аксига солган чойхоналар, бизни халқ.  
Бўлдилар бой арманитар пиво сотмаклик ила,  
Топганига олуб ичкай, хор бўлғай бизни халқ.  
Бошқалар бонка очуб, савдо қилиб пул топсалар,  
Топганини шунда беруб оч-ялангоч бизни халқ.  
Кес сўзингни, эй «Қалам», бас, мунча фарёдинг етар,  
Кўп бақирсанг, оғзингга тошларни откай бизни халқ.*

Абдулхамид. Андижон».

«Абдулхамид»нинг «Садои Туркистон»да чиққан бу илк асари ўзида жаҳид танқидининг барча унсур ва истилоҳларини акс эттиради. Шу билан бирга эндигина адабиёт оламига қадам қўйган ёш муаллифда ўткир нигоҳ ва ўткир норозилик аланга олаётганидан дарак беради. Ёш адиб миллий мавзунини кўтаришда Авлоний ва Таваллога эргашаётгани ва шу билан бирга ўта бир жиддий салоҳиятга эгаллигини намойиш этади. Абдулхамиднинг «Туркистонли қардошларимизга» шеъри узоқ йиллардан сўнг «ЎзАС» саҳифасида (1992 йил, 9 октябр) ёш тадқиқотчи Рустамжон Тожибоевнинг сўзи билан қайта эълон қилинган эди. Тадқиқотчи шеърнинг «Чўлпон ижоди тақомилини ўрганишда муҳим»лигини айтган ва шу билан бирга «шеър бадиний юксак эмас»лигини таъкидлаб ўтган

эди. Мен бу шеърни энди «Садои Туркистон»нинг ўз сарғайган, титилиб кетган, йиртилган, зўрланган сахи-фасида ўқиб бутунлай бошқача таассурот олдим. Шеър кўзимга ўз мухити — ўзи яралган мухит ичида гуллаб кетгандай бўлди. Ахир ҳар нарсанинг киммати мухит ичидагина билинади. Мен энди ўз кўзим билан кўриб тургач, ёш тадқиқотчининг «бадий юксак эмас» деган фикрига кўшилолмадим. Балки у шеърнинг очиқ қофия-си бўлмагани учун шундай хулосага келгандир. Лекин шеърни ўқиб ёш Абдулхамид шеърда атай қофиядан қоч-ганлигини сезасиз. У «бизни халқ» деган фикрга урғу беришни, уни ҳар томонлама кучайтиришни бадий мақ-сад қилиб қўйган. Шеъринг сатрларнинг охирида баъзан қофия бўлмаслиги ҳам мумкин ва шоир ўз ижодий мақ-садига кўра сатрларда бирон лафзни такрор-такрор ўртага қўйиши маълум гап. Буни стилистик фигура сифатида «эпифора» деган номи ҳам бор. «Садои Туркистон»нинг айтишича «ўн беш ёшар» Абдулхамид ана шу бадий усулдан ғоятда мохирона фойдаланади. Ва ҳақиқатда ҳам шу илк чиққан шеъри биланоқ ўзининг ҳадемай буюк шоир бўлажигидан тўла башорат қилади. Буюк шоирлар ҳар қачон шундай буюк овоз кўтариб чиққан-лар сахнага. Бунда халқ ва шоир борасида сирли башо-ратлар бор.

Бу ўринда «Садои Туркистон» Чўлпонни ва ҳатто унинг «Чўлпон» номини ҳам, талант ва сиймо сифатида кашф этгани, очгани, адабиёт ва ижтимоий ҳаёт ичига олиб кирганлигини алоҳида миннатдорлик билан қайд этиб ўтмоқ лозим. «Садои Туркистон» қаерда ялт этган талант кўринса, уни дархол магнит каби ўзига тортар, сахибаларини унга саховат билан очиб берарди. Чўлпон-нинг илк йирик насрий асари «Доктор Мухаммадёр» шу газетанинг аллақанча сонларида давомли тарзда босилиб чиққани ва ёш Абдулхамид ҳам газетани суюб унга ти-нимсиз ёзиб тургани газета миллий талантларни тарбия-ловчи ижодий масканга ҳам айлана борганлигини кўрса-тади. Ажаб эмаски, айнан шул газета сахибаларидан туриб ўз тенгдошларига мурожаатлар қилди, уларни халқ ичига кириб, ҳаётни ичдан ўрганиб, материаллар йиғиб, шулар асосида рўмонлар ва театру асарлари ёзишга ча-қирди («СТ», 58-сон). Чўлпон, Тавалло, Авлоний, Мир-

мулла, Ажзий, Сўфизода, Ҳамза, Иброҳим Даврон, Лутфулла Олимий газетанинг чинакам юрагига айландилар. Уларнинг шеърлари, мақолалари, хатлари билан «Садон Туркистон» чинакам жўшқинлик касб этди, таъсирчан ижтимоий овоз бериб янгради.

Маърифатпарварлар Туркистоннинг турли ерларида янги усул мактаблар очар, халққа турли ўйин ва томошалар кўрсатар, театрулар ташкил этар, ишқилиб, қандай бўлмасин, миллатни янгича маданий ҳаётга тортиш пайида бўлар эдилар. Лекин уларга «қадимчилар» деб аталган эски мутаассибларнинг қаршилиги ҳам озмунча эмас эди. Газета ана шундай қаршиликлар ҳақида жойлардан тўхтовсиз хабарлар ёритиб турди. Чунончи, «Наманган уламоларин театру ва мактабга назарлари» деб номланган мақолада «Қалампир» таҳаллусли муаллиф жойларда бундай мутаассиблар театру ва томошаларга қарши фатволар чиқариб, тошбўронга ҳам даъват этаётганликлари ҳақида ёзди. У илмсизлик ва ҳунарсизлик орқасида халқ фарзандлари ўтакетган жўн ва паст ишлар — чилим ташиш, мардикорчилик ва турлича «фуруш-фурушликлар» билан ўралашиб қолаётганликларидан, умрлари миллат учун нафсиз ўтаётганлигидан қаттиқ куюнади. Тез орада замонавий машиналар чиқиб, мардикорчилик ва пахтафурушликлар ҳам барҳам топиши мумкинлигини айтади. «Эй жаноблар! — деб хитоб қилади «Қалампир», — усули жадида бошланганига хали икки йил ҳам бўлгани йўқ... Мактаб исмини олган охурларингизнинг тупроғига ағнаб, таёқларингизни ер тарбият топган одамлардир...»

Шуни ҳам айтиш керакки, «Садон Туркистон» ўз танқидида шиддатли бир тезлик олиб, ўз миллий яшноқ орзуларида ҳаётдан ўзиб кетади ва миллий орзулашлар тезликда рўёбга чиқавермаганлигини кўргач, у аксарият ҳолларда тушқун кайфиятларга ҳам берилади. «Туркистон ёшларида бунча ҳимматсизлик, руҳсизлик ва фикрсизлик ҳукм сурган замонда аҳолининг тараққий ва тамаддунини қайдан кутмак керак? Ҳозир бизнинг энг тараққийпарвар деганларимиз ҳам ишга келган вақтда тезроқ қоча бошлайдилар, — деб ёзади Музаффарзода ва шундай аянчли хулоса чиқаради: — Туркистон аҳволидан ҳақиқий хабардор, ҳамиятли, чин инсонлар бор деб айтишга ҳеч бир йўл қолмайди... Туркистонга Ов-

рупо маданияти кира бошлаганига эллик йил бўлди, — дейди у. — Бизда ҳамон эски ҳаммом эски тос...»

Унинг бу қайғуларига Тавалло шундай жўр бўлади:

*Дедим: Эй муҳтарамлар! Яхшими гафлатда ётмоқчиқ?*

*Дедилар: Бил, Тавалло, бизда ҳеч бир ор йўх, йўх, йўх...*

Ўқинчга тўлган нидолар «Убайдулла»га ҳам бегона эмас. Лекин у бундан чиқиш йўлларини ҳам кидиради ва таклиф этади. «Бизда шаҳар солиқлари» деган мақолада Убайдулла халқнинг аҳвол манзарасини иктисодий равиш-рафторини чизаркан, шундай хулоса чиқаради: «Хозирда ҳар жиҳатдан ҳоллар оғирлашди, халқнинг даромади камайди. Ва ҳануз сиқилмақдадир. Энди бизим ҳолимиз бу кунда бундай бўлса яна 10—20 йиллардан кейин қандай бўлур экан? Ва не тарик ила ҳаётимизни сақлармиз экан? Раҳмсиз маданият албатта ўзининг таъсирин беруб турар ва бизга шафкат кўрсатмас. Демак, биз истикболимизни таъмин ва ҳаётимизни сақламак учун бу кунда ниҳоятда қўп ғайрат ва ҳимматларга муҳтожмизки, тезроқ бунга ёпишмоқдан бошқа чорамиз йўқдир...» Шу мақола тагида яна Тўлаган Хўжамёровнинг фарёдга тўла саси:

*Ютса қон миллат тўқуб ёшин мисоли дарёдек,*

*Эй Тавалло, ўйлагил, қайфу сафолардан на суд?*

Лекин «Садои Туркистон» яхши ишларга ташна. Йилт этган хушxabар дархол унинг саҳифасидан ўрин олади. 14-йил кузида Тошканднинг бир гуруҳ маърифатпарварлари йиғилиб «Нашриёт» ширкати туздилар. Газета дархол умид билан бундан хабар беради: Охунжон Абдурахмонов, Абдукарим Саримсоқов, Мунавварқори Абдурашидхонов, Мансурқори Абдурашидхонов, Мулла Абдулла Авлонуф, Тожи Ҳожи Азизхожаев, Муҳаммадхон Подшоҳўжаев, Ҳасанхўжа Додахўжаев, Убайдуллахўжа Умархўжаев, Тўлаган Хўжамёров, Саид Абдулла Саид Карим ўғли Саидазимбоев, Илхомжон Инъомжонов ва Комилбек Норбеков афандилар бу ширкатга бош бўлдилар. Ширкат Туркистонда жаридалар, турли фойдали китоблар, журналлар тарқатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Биз энди бу номларни билишимиз керак. Улар бизнинг келажагимиз учун қайғурган боболаримиздир.

«Садои Туркистон» қисқа бир пайтда Авлоний, Тавалло, Чўлпонни қандай очган бўлса, Ҳамзани ҳам шундай очди. Ҳамза жариданинг фаол муаллифларидан эди.

«Садои Туркистон» саҳифаларида шеърят катта жаҳорат билан миллат қайғусида улкан баҳс-мунозара олиб борди. Тафаккур ўти гурлаган бу шеърый мунозаралар ўзига хос мушоира шаклини олди. Билмадим, бошқа бирон ерда бирон газетада шеърый мунозара шу қадар қизиганмикин ва шу қадар таъсирли бўлганмикин?

Шеърят 14-йилда Туркистонда жуда кучли ижтимоий тўлқин ясади. Бу тўлқин халқнинг уйғониши ва ўзини миллат деб ҳис қилишида буюк аҳамият қозонди.

Газетанинг 14-йил ёз сонларидан биридаги «Ватандошларима хитоб» деган катта бир шеърни ўқиб юрагим оғир бир қадарга ботди. Шеърнинг имзоси йўқ эди. Ким ёзган экан? Чўлпонми? Авлонийми? Тавалломи? Ажзийми? Олимийми? Ким? Бошим қотди. Уззу кун бу шеър устида ўйланиб ўтирдим. Дафтаримга кўчириб олдим. Қоронғу тушди. Кўзим тинди ва бошим айланди. Қишнинг кечки аёзида кўзларим ёшланиб уйга қайтарканман, шеърнинг дардли ҳайқириклари қулоғимда сасланар, овоз жуда танишга ўхшар, лекин толғин миям бошқа ўйлагиси келмасди. Уйга келиб ёруғроққа солиб яна ўқидим. Аллакимга жуда ўхшайди ва жуда кадрдон бу овоз. Лекин ким бўлди?

Эртаси «Садо»ни ўқишда давом этдим. Газетанинг 28-сонида кўзга кўринмасдек бир жойга кичкина қилиб босилган «тасхих» деган сарлавҳачага кўзим тушди. Унда шундай деб ёзилган эди: Газетанинг 27-сонида босилган «Ватандошларима хитобан» унвонли шеър охирида (Хўқанд Х. Ҳакимзода Ниёзий) деган имзоси саҳван босилмай қолган...» Баракалла! Баракалла! Ҳаёлим ярқ очилди. Ҳамза! Кеч уйга бориб Ҳамзанинг охириги Беш томлик тўла асарларини қўлга олдим. Илгари жилдларни ўқиганимда бу шеърга дуч келмаган эдим. Яна ким билади. Балки фаромуш қилгандирман. Аммо тўла асарлар жилдларидан «Ватандошларима хитоб»ни тополмадим. Чамаси тадқиқотчилар бу шеърни кўрганлар-у, лекин остида имзоси бўлмагач, уни Ҳамзага алоқаси йўқ деб ўйлагандир. Кўзга кўринмас «тасхих»га ким ҳам қараб ўтирибди дейсиз. Мен газетачи бўлганим учунгина бундай нарсалардан бир нарса чиқишини сезаман. Шун-

дай қилиб Ҳамза: «Ватандошларима хитоб!» Бу шеър «Садои Туркистон»нинг бадиий-шеърӣй мунозараси доирасини қанчалар бойитади!

Жадидона шеърӣй ижтимоӣй миллий танқид руҳи ҳукмрон бу шеърни бу ерда тўла келтириш айни муддао деб биламан. У Ҳамзанинг «Йиғла, Туркистон», «Оқибатсиз Туркистон» каби шиддат ва миллий шикваларга тўла шеърларининг узвий давоми ва уларни тўлдирар эди:

### **«Ватандошларима хитоб»**

*Эй аҳли ватан! босди сани мунча гафолат,  
Фарқ айлади мунча сани дарёи жаҳолат,  
Тушди сани бошинг уза шум заллаю разолат,  
Боқ! ҳолингга налар бўла? гар бўлса басорат?  
Қоплаб келур миллатингни зулмату горат,  
Инсон сифатинг вор эса тур! айла жасорат!*

*Фафлат уйқусидан кўзинг оч! боқ! замона,  
Илм айла! маориф тутуни тўлди жаҳона,  
Солди ҳама миллат бу маорифга ҳазона,  
Биз миллат этуб ор ила номуси баҳона,  
На мактаб илм ўлди, на бозорда тижорат,  
Хушк ўлдигимиз боисидан бўлди касолат.*

*Олимларимиз ичар тама бирла адоват,  
Давлат элида кибру ҳаво бирла сафохат,  
Фақр аҳли аро фисқу ҳасад этди давомат,  
Хотун, эру қиз ёшу қари ичра жаҳолат,  
Топсунми тараққий яна бизларда камолат,  
Кетсунми таассуф элидан бугзу адорат?*

*Инсон эсанг ўлгил ҳама дам толиби миллат,  
Зийнатласун абдангги гайрат ила ҳиммат,  
Нўш этсанг ажал шарбатидин узма муҳаббат,  
Қўл силтама келса на бало бирла машаққат,  
То умри ичида кўрмаса ҳар кимса залолат,  
Топмоглик анга мумкин эмас иззу шарофат.*

*Миллат деганнинг боши агар кетса ризодур!  
Ҳар лаҳзада минг жабру жафо етса ризодур!  
Ҳар тийги ситам кўкси уза текса ризодур!  
Миллат йўлида қони оқуб ётса ризодур!  
Бир зарра юзин тобламас ул келса на ҳолат,  
Бош узра кўрар келса на хил зулм ила горат.*

*Кир! Лаззат дунёдан умид уз, мосуво қил,  
Миллат йўлида мол ила жонингни фидо қил,  
Дилдан ҳама кибр ила адоватни фано қил,  
Бу хидмати оламда қолурликни адо қил,  
Тоқим ҳама халқ айласа сўнгингда мудомат,  
Ҳар икки жаҳонда санга ўлмазми саодат.*

*Солма қулогинг таъна киби сўзларга, кар бўл,  
Хизматга жадал айла, кеча шому саҳар бўл,  
Минг жоҳил ўқи келса, жигар бирла синар бўл,  
Миллат йўлида кетса агар жондан ўтар бўл,  
Парво қила кўрма бошингга тушса қиёмат,  
Тоун, ситам ёгса-да ҳеч қилма надомат.*

*То чекмаса гурбат ватанинг қадри бўлурми?  
Фарқ ўлмаса дарёя гуҳар қўлга келурми?  
Кўр! тарбиясиз ҳеч шажар мева қилурми?  
Сойиллик эдан кимсая давлат йиқилурми?  
Тун-кун йўқу гафлатда ётуб айладук одат,  
Шул-чун адам ўлди мана бизларда диёнат.*

*Боқ шул эса аҳвол начук бўлгусидур вой,  
Ким миллат учун ўзни фидо қилгусидир вой,  
Мактаблар учун борини сарф этгусидир вой,  
Дунёйи лазиз баҳрасидан ўтгусидир вой,  
Бу бойлар аро сирқ ҳасад этса зиёдат,  
Олимлар аро бўлмаса бир сулҳу садоқат.*

*Бу халқимиза айш ила ишрат эса матлаб,  
Кундан кун ошмазми бизим жаҳли мураккаб?  
Ким олиму маориф кутадир, ким сола мактаб?  
Бир кун қолуриз охирида зорлар аглаб,  
Суд айламагай ул кун минг оҳу надомат,  
Луқмон тирилиб келса тузалмас бу жароҳат...*

Ҳамзанинг ёниқ шеъри, жигарсўзон лафзи шу ерда тугайди. Эҳтимол тугамагандир. Эҳтимол ном билан бирга нисбали банди ҳам тушиб қолгандир. Эҳтимол бора-бора бу ҳам аниқланар. Лекин миллий хаёллар, миллат ғамидаги ўйлар тугармикин? Уларнинг охири бўлармикин?

Миллий ҳаёт ҳеч қачон сўнмаганидек, миллий хаёллар ҳам туганч билмагай. «Садои Туркистон» бир пайтлар, бундан роппа-роса саксон йил бурун миллий орзулашларнинг алангасини шу қадар юқори кўтарган эди. Ўша барча зоти киромларнинг рухлари хамиша шод бўлсин!

## БЕҲБУДИЙ ШАХСИЯТИ ХАЛҚИМИЗНИНГ ВИЖДОНИ, ОРИ

Маҳмудхўжа Бехбудий ўн тўққизинчи асрнинг охириги чораги ва йигирманчи асрнинг дастлабки ўн йилликларида Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида ёрқин из қолдирган сиймолардан бири. У ўз даврида мана шу давлат, жамият, инсон ҳаёти йўналишларида жуда катта инқилобий ўзгаришлар юзага чиқа бошлаганлигини кўрди, ўз ҳаётини тамомила шу инқилобий ўзгаришларга бағишлади. Кўп ҳолларда инқилобий ўзгаришларнинг муаллифи ва етакчиси, пионери бўлди.

Миллий озодлик, ижтимоий ўзгаришлар учун кураш замонларида майдонга халқнинг оталари чиқади. «Халқ отаси» деган тушунча унчалар илмий бўлавермаса-да, лекин миллий истиқлол ҳаракатини бошидан ўтказган барча халқлар тарихида шу тушунчага дуч келамиз. Аслида у патерналистик бир тушунча бўлса-да ва маълум даражада унда халқоналик зухур этса-да, унинг орқали ўз халқини улкан ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ўзгаришлар сари етаклаган ва бу ўзгаришларга йўл кўрсатган, уларнинг бошида турган, теран демократик қарашларга эга бўлган сиймолар назарда тутилган.

Шу маънода Маҳмудхўжа Бехбудий ўз серқирра фаолияти баробарида миллат отаси деган буюк номга сазовор бўлган эди. Унинг энг иқтидорли садоқатли сафдош, замондошлари фожиали ўлиmidан сўнг унинг шарафига бағишлаб ёзган асарларида тўғридан-тўғри уни ота деб атаган ва миллат отаси каби таърифлаган эдилар.

*Золимнинг тахтини титратган*

*бир товуш қичқирди:*

— *Отамнинг қабрини қай ерга ёшурдинг?!*

(Фитрат.)

*Азиз отам, қўлимдаги гулларнинг*

*Мотам гули эканлигин билмайсан...*

(Чўлпон.)

Садриддин Айний эса уни «Турон дохийси» ва «олийшон устод» деб улуғлаган эди. Шундай улуғ номга Мах-



мудхўжа Бехбудийнинг сафдош, замондоши Мунаввар Қори Абдурашидхонов ҳам сазовор бўлган эди. Абдулла Кодирий, Абдулхамид Чўлпон, Абдулла Авлоний, Айнӣ, Фитрат, Ҳамза Ҳакимзода, Сўфизода сингари улкан ижтимоий-маданий ҳаракат соҳибларини ҳам халқ ота ўрнида кўра ва иззатларди.

Биз ота ўрнида кўришни сал бошқачароқ тушунамиз. Ота ўрнида кўриш мумкин... Лекин бунинг учун биринчи ва асосий шарти ота ўрнида қаралаётган инсон аввало халқнинг, миллатнинг виждони бўлиши даркор.

Маҳмудхўжа Бехбудий ва унинг сафдошлари, маслакдошлари, қолаверса, тақдирдошларини миллатнинг, халқнинг виждони деб тўла ва ҳар томонлама маъно бағишлаб айтиш мумкин.

Бехбудий миллатнинг виждони. Туркистоннинг иймони.

Унинг ҳар бир ёзган сўзидан ва тарихда рақам суриб қолган ҳар бир ҳаракатидан, ҳар бир қилган ишидан, Ватанга, халққа, инсонга, ҳаётга, ўз халқининг тақдирига муносабатидан виждон, имон гуркираб, янграб туради. У икки асрнинг ҳам виждони эди.

У виждон мужассаами бўлганлиги учун ҳам ҳар ким ота деб аташга ҳақли.

Мунаввар Қорининг ҳибс ва маҳкумлиқда ёзган даҳшатли хотираларини, алам-фарёд, буюк маърифат билан тўлган мақолалари, шеърларини ўқисангиз, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Саёҳат хотиралари» ва алангали оташ бўлиб ёнган мақолаларини ўқисангиз, миллат отаси, миллатнинг виждони мужассаами нима эканлигини тўла англаб, билиб етасиз, албатта.

Биз Маҳмудхўжа Бехбудий ва Мунаввар Қорини буюк муаллим ҳам деймиз. Санокли буюк муаллимлар каби у миллат ҳаётида илк театрга асос солди, илк журналга асос солди, илк жамиятларга асос солди ва уларнинг фаолиятида фаол қатнашди. Алангали ижтимоий чиқишлари билан зулм остида эзилган халқ онгини уйғотиш, янги маданий турмуш асосларини қуришга интилди...

Маҳмудхўжа Бехбудий ёки Мунаввар Қорининг ўзлари қандай инсон эдилар? Уларнинг шахсиятларининг қирраларида қандай инсоний хусусиятлар устунлик қилди ёки етакчи? — деган саволларга биз хали ўзимиз ва замондошларимизни қаноатлантирадиган даража ва миқ-

ёсда жавоб беролмаймиз. Замондошларининг хотиралари жуда кам, санокли ва уларда кўпроқ умумиятли муҳим гапларгина айтилган, холос.

Махмудхўжа Бехбудийнинг шахсиятини, унинг инсон сифатида белгили хусусиятларини бизга мерос қолган асарларидан билса бўладими? Уларда бизнинг саволимизга жавоб бўладиган бундай маълумотлар топиладими?

Бу жиҳатдан унинг 1914 йилда ёзган ва бобма-боб «Ойна» журналида босилиб чиққан «Саёҳат хотиралари» асари жуда катта ва ўлмас қимматга эгадир. Саёҳатномалар ёзувчиларнинг дунёга, дунё масалаларига муносабатларинигина эмас, шу муносабатлар орқали уларнинг ким ва қандай инсон эканликларини ҳам ёрқин намён этади. Носир Хисрав, Бобур, Радишчев, Гёте, Гейне, Нитше, Нервал, Ибн Батута, Марко Поло, Авлиё Чалабий, Муқимий сингари жуда кўп улуг адибларнинг бири биридан гўзал ва бениҳоя мазмундор саёҳатномаларини эшлаш мумкин. Уларнинг ҳар бири ҳаётий ва инсоний кузатишларнинг бойлигига кўра бир неча романларнинг қудратидан кўпроқ қудратни ўзида жамлаган.

Адибларнинг таланти, ҳаёт ва инсонга қарашлари қанчалар бой бўлса, уларнинг саёҳатномалари шунчалар қизиқарли ва улуг ибрат кучини қозонади. Саёҳатномалар, қолаверса, энг ишончли тарих ёки тўғрироғи, тарихларнинг энг ишончлисидир. Геродот, Плиний ва бошқа Рим, Юнон, Шарқ тарихчиларининг буюк асарлари — инсоният учун энг қимматли ёдгорликлар саёҳатлар таассуротлари ўлароқ пайдо бўлмади! Ҳали Ибн Арабшоҳ ва Клавихоларни айтмаёқ қўяйлик. Бу гувоҳликлар бизнинг ўз тарихимизни танишимизда чексиз бир қиммат ва аҳамиятга эга.

Биз Махмудхўжа Бехбудий шахсиятининг айрим нозик қирралари ҳақида сўйламоқчи бўлиб турамыз. Уларни унинг асарлари ва айниқса «Саёҳат хотиралари»дан худди ҳар ерга сочиб кетилган олтин зарралари каби ахтариб топамиз. Кўп замонлар уларга унчалар эътибор бермай ўтиб ҳам кетамиз. Чунки олтин зарралари ҳаёт тупроғи билан аралашиб ётади. Илғаб олгангина, олади.

Баъзан инсон шундай бир ҳилқатким, ёнида юз йил бирга яшасанг ҳам, уни билолмайсан. Ёки билиб улгу-

ролмайсан. Баъзи хилқатларни билиш учун асрлар кетади. Навоийни, Саккокийни, Атоийни, Машрабни ҳамон билолмаймиз. Буюк Ҳаким ота — Бақирғон ҳақида нима биламиз? Ҳолбуки у ҳаммадан дардли қилиб:

*Одам ўгли тугдуқимиз ўлмак учун —*

деган ер юзига келган энг буюк сўзлардан бирини шундай содда ва энг гўзал қилиб айтган. Нимани биламиз Бақирғон ҳақида?

Баъзан инсон шундайин бир хилқатки, бир зум ичида, бир оғиз сўзидан унинг кимлигию ота-боболарининг хам ким ўтганлигини билиб оласиз.

*Ҳар золимнинг еринда тўқсон турлуғ чиён бор  
Учмоқ айтур санда йўқ, манга келса ўлим йўқ.  
Турлуқ неъматлар онуқ юз минг ҳазор алвон бор  
Тамуғ мунглаша келди билдиргучи раҳмон бор...*

Тамуғ мунглаша келди... — шунчалар афсункор бу сўзлар. Бу — Бақирғон шивирлаб айтган сўзлар. Дунёни унинг фантастик томуғи била бирлан билишга, кўз ўнгига ибрат мусаввироти каби келтиришга чақирадиган сўзлар... Ҳар ерда бор нарсаларни билиш учун саёҳатномалар ёзилади. Билган балки ибрат олади. Махмудхўжа Бехбудий ибрат олиш ва ибрат бериш учун Россия, Европа, Кичик Осиё ерларига борган.

Умуман инсонни билиш қийин. Оловни билиш, Ҳаво хазратлари, Нур хазратларини билиш осонроқдай туюлади. Асли уларни хам билиб бўлмайди. Қаердан келяпти, қаерда тугайди? Нега одам Ҳаводан бино бўлди?

Махмудхўжа ўта шоирона табиатли. У гўзал манзараларни севади, қалбига, хотирасига жо қилади. Улардан ўта қаттиқ таъсирланади. Катта бир романист адибнинг қаламига хос бўлган унсурлар пайдарпай ёғилади. Махмудхўжа Дамашқ — Шом шаҳрига борганда у ердаги Умавийё жоме шарифини шундай тасвирлайди: «Уч тарафи равоқ ва масжиди муштамил (ўз ичига олган). Ҳарамни узунлиги 240 газ, эни 100 газ бўлуб, ўртаси мармар сахндур. Ва сахн ўртасинда хаштсу бир мармар фаввора шодурвонлик (соябонлик) жорий ҳавз бор. Ва харамни хар тарафинда бир неча фавворалик вузуъ махаллари бордур. Асл жоме шариф ушбу харамни қибла ва тўлоний (узун) тарафинда бўлуб, нафси жоме ичи-

нинг турли 210 газ, арзи 58 газ бўлуб, масжидни ичида якпора қирк дона мрамар стун бордур. Хар бир мрамар стунлар яна мрамар равоқлар ила бир-бирига мрамбут бўлуб, яна бу равоқларни хар бири устида ажойиб сурагда икки дондан равоқлар ясаиб, онинг устинда масжиднинг саҳфи бино қилингандур. Масжидни тўрт тарафи ердан 8 газ юкориғача деворлар мусайқал, гулдор ва жавҳардор оқ ва кўк ва қора аъло жинс катта ойинадек жилолик самоқ (ялтироқ, ойнадек оқ тош) ва мрамарлар ила бино қилиниб, бу мрамарлар ундай усталик ила бир-бирига васл қилинибдурки, дарзини топмоқ мушкулдур...

Узунлиги 4—5 газ, эни 2—3 газ мрамарларни устига қозма ва қабартма мунаббат (ёғочга ўйиб ишланган нақш), исломий, гирех ва нақшлар қозилиб, бизни мамлакатда ганч устинда деворларга намоя, меҳроб, ироки, мукарнас, мунаббат, морпеч... қилғонларидек, рахом (мрамар) устига ажойиб нақшлар, ўтқарибдурларки, инсонни хар бир тош ўзига парастииш этар даражасиғача тасхир этар...»

Махмудхўжа хар бир кўрган нарсасини шу қадар аниқ-тиниқ ва шоироналиғича тасвирлайди. Меъморий буюклик, унинг асир этувчи хусусиятларини меъморчиликнинг унча-мунча одамлар билавермайдиган, фақат жуда катта билим эгаларигина биладиган ўзига хос тушунчалари, терминларини ўз ўрнида қўллаб шу восита орқали предметни гўзал бир равишда гавдалантиради. Буларни ҳеч қандай тайёргарликсиз йўл усти ёзиб, йўл устида пешма-пеш ўз журнали «Оина»га жўнатаётганлиги эътиборга олинса, Бехбудийнинг қанчалар кенг билимларга эга бўлганлиги, энг мураккаб дунё ҳодисаларини ҳам тафаккур қудрати билан ечиш, тушунтириш, ифодалаш юксак иқтидори борлигини ҳам воқеабандда кузатиш мумкин. Таассуф билан тан олишимиз керакки, Бехбудий тасвирда қўллаган жуда кўп махсус меъморий тушунчалар, атамалар хали ҳамон замонавий луғатларимизга кирмаган, уларда тил ва термин бойлигимиз сифатида ўз аксини топмаган. Биз шундай билимдон ва гўзал тасвирларни ўзбек насрининг бошқа намуналарида учратмаганмиз. Умумиятли тўқилган тасвирлар сонсиз-саноксиз, лекин бундай аниқ эътиборли жуда катта ҳаёт ва предмет билимини талаб қиладиган тасвир жуда кам... Яна бир парча:

«.. меҳробларни икки тарафинда ва ичинда ҳамда устинда мармар ва жавохирлик мусайқал тошлар устиндаги қозма ва қабартма нақшлар инсонни дучори ҳайрат этар. Бутун меҳроб ва атрофидаги тошларга холис олтун қабартмалар ила оят ва ҳадислар ёзилган садаф, ақиқ, зумуррад ва забаржад тошларидан чархи ишлаб, мармарлар устинда мош ва нахуддан бошлаб данак катталигига майда, шундай музойиқ ва кошинкорилар этганки, ўзбекча сўйлайин, бир табоқдай жойиға бир соат караған ила кўруб тамом қилолмайсан. Инсон ўзини бир олам хунар, бир дунё санъат ичинда кўруб, аввалғи мусулмонларнинг дин йўлида этгон сайи ва қилғон ихлосларининг ҳамда хунар ва нафис санъатда этган тараккийларининг ва сарф этган пул ва ғайратларини ўйловиға фарқ бўлуб, кўзи тинар ва ҳеч нимани кўрмас даражасиға келур...»

Эътибор беринг, кимда ва каерда учратгансиз мана-ви тушунчаларни:

*жавохирлик мусайқал тошлар  
қозма ва қабартма нақшлар  
олтун қабартмалар  
садаф, ақиқ, зумуррад ва забаржад тошлар  
чархи ишлаб...  
музойиқ ва кошинкорликлар...*

Бехбудийнинг ўзи ҳам бу санъатларни кўриб беихтиёр хитоб қилиб юборади:

«Илоҳо, бу на хориқадура!» Бехбудий шаҳарлар, мамлакатлар, ёдгорликлар, осори атикалар, одамлар, уларнинг феъл-атворларини ўз сеҳрича ва ҳақиқий сеҳри ва синоатини топиб улкан санъаткорона сўзлар билан тасвирлаб ўтади. Унинг тасвирларида маърифатнинг кучи жилоланиб туради.

Бехбудий табиатни севади, унинг кудратли гўзаллигидан беҳад таъсирланади. Унинг табиатга муносабатида маърифатли қалбининг ўткир, бой, олижаноб хиссиётлари кўзга ташланиб туради. Бехбудий ўз назари тўхтаган манзара, ходисалардан лоқайд ва бефарқ ўтиб кетмайди. Дунёни унинг бутун гўзаллиги ва мураккаблигича юрагига сингдириб, унга бўлган ўзининг инсоний муносабатларини аниқлай бошлайди. Бу тасвирларда Маҳмудхўжа беҳад синчков ва ўта эътиборли одам сифатида кўзга

ташланади. Унинг тасвирларида муаллим, падар, маърифатчи, миллат отаси, тараққийпарварлик, ватанни севиш, доим улуғ мақсадларни олдига қўйиш ва уларга етиш йўллари кидиришга интилиш хусусиятлари рўёбга чиқади.

Маҳмудхўжа ҳар нарсага қизикади ва ҳар нарсанинг туб моҳиятини топишни истади. Унда ўрганишга бўлган майл ва лаёқат ҳам жуда кучли. Булар кўп жадидларга ва умуман жадидларга хос бўлган теран инсоний хусусиятлар. Агар жадидларни якка-якка эмас, яхлит бир бутун ходиса сифатида қарасак, уларнинг барчаларига хос бўлган хусусиятларни топишни мақсад қилиб қўйсак, унда Маҳмудхўжа Бехбудийнинг бутун инсоний хусусиятлари ва интилишларида жадидчиликнинг умумий белги ва хусусиятларини кўришимиз, топишимиз мумкин. Худди шундай ходисани Исмоилбек, Мунаввар Қори, Қодирий ва Чўлпонда ҳам энг чўққига кўтарилган ҳолда кузатишимиз мумкин.

Бехбудий дунёни кўра-кўра, курашларда тажрибалар орттира-орттира шундай хулосага келди: дунёни яхши томонга фақат инсоннинг фидокорлиги ва илм ўзгартиради. «Саёҳат хотиралари»нинг бир ерида одамларнинг ўз тарихларини тиклашга уринаётганликларидан таъсирланиб шундай хитоб қилади:

«Бу бўлмаса ва мундоқ фидокорлик қилинмаса миллат ва динлар махв бўлуб кетар...»

Маҳмудхўжа ўз дунёқарашлари ва нуқтаи назарларида доим унинг тили билан гапирсак, мусулмонларга қайишган, ёнбосган, доим уларнинг манфаатларини кўзлагандай, бутун фикри-зикри улар билан бир, якнафас бўлиб туюлса ҳам, аслида у жуда кенг фикр юритади, дини, ирки, миллати, тили, урф-одатларидан қатъий назар барча халқларнинг фарзандларига фақат инсон сифатида қарайди. Уларга тенг ҳақ-ҳуқуқларни раво ва муносиб кўради. Кимлигидан қатъий назар ҳар бир инсонни ўзига биродар деб билади. Ҳар қандай шароитда биродарона муносабатда бўлади. Бу биродарона муносабатда жуда юксак инсоний маданияти ва назокати ўзгармас константа тусини олганлигини кўраимиз. Биродарликни кадрлайди. Унинг «Китобул атфол» асаридаги «хат ёзмоқ шартлари» бўлимига қайта-қайта эътибор қилинг-а, бундаги маданият, ички гўзал одоб-икром,

инсонни кадрлаш қанчалар Бехбудий ва жаидлар учун юксак мавқе тутганлигини кўрасиз. Унинг барча танқидлар ва барча бахсларга, энг оғир, чигал масалаларга муносабатида ҳам шундай ўзгармас маданият, ички куч ва одоб-икром ҳукмрон даражада акс этади.

Маҳмудхўжа инсонни севолганча биродарликни унданда ортиқроқ севади.

Туркман, тожик, рус, қозок, ўзбек, араб, яхудий, юнон, француз, инглиз — бари унинг учун инсонликда биродардирлар.

У туркистоний ўзбеклар ёки усмонли турклар учун қанчалар куюнса, дард чекса, бошқалар учун ҳам шундай дард чекади, куюнади ва улар учун ҳам маърифат ва тараққиёт йўлини соғинади.

Лекин ажаб ва ҳеч тушуниб бўлмас беътиборлик-ким, биз ҳамон Маҳмудхўжа Бехбудий шунчалар меҳр, завқ, билимдонлик билан ўргатган, гўзал намуналар таклиф қилган хат ёзишга, ёзишмалар олиб боришга одатланганимиз йўқ. Фикр, қараш, одат ҳам шунчалар консерватив бўлишига кишининг гоҳо ақли бовар қилмайди.

Мен юрагим орқамга тортиб ўйлайманки, биз ҳамон маданий миллатга айланиш, азму қарорда маҳкам туришда Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори ва Чўлпондан сабоқ олмаймиз. Холубки, маърифат дарсларини улардан хижжа-хижжалаб ўрганмоқ миллатга айланиш йўлида бизга энг катта фарз ҳам қарз эди. Уларнинг васиятларига риоя этмаслик, ўз тақдирига бепарволик қоронғуликдан бошқа қаерга олиб бориши мумкин?

Ўлганлар ортидан қайғуриш, тубсиз армон, унинг кетидан келадиган умидсизликдан эмас:

— Биз Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори, Қодирий, Салимхон Тиллахонов, Чўлпон, Авлоний ва бошқа чин озодлик курашчилари тимсолида кимларни йўқотганлигимизни биламизми, ўзимизга дамба-дам ҳисоб берамизми?

Бул азиз инсонларимиз ўша пайтлар жуда кўп нарсалардан умидсизликка тушишга, кенг авом аҳволи даражасида тирикчилик ўтказишга ҳақли эдилар. Лекин улар Чор Россияси қудрати олдида ва қарамликнинг тенгсиз азоб-уқубатлари қошида ҳам умидсизликка тушмас эдилар. Ожизлик фалсафаси улар учун ёт эди. Одамни чуқур ўйлатадиган бир лавҳа. Бехбудийнинг «Исмоил-

бек хазратлари билан суҳбат»и. Исмоилбек Маҳмудхўжа билан уни қаттиқ севиб суҳбат қиларкан ва унга ўз васиятларини айтаркан, орада шу сўзлар бехос оғзидан чиқади:

— «Ох билмийм, шу Бухоро на ўлур...»

Мен дерман: «Афандим, Бухорони ҳукуматимиз, яъни Русия тарбият этмагунча Бухородан бир шайи умид этиб бўлмас».

Чунончи... устод дерлар:

— «Эвет, охири шуйла ўлмоғи лозим келур...»

Халоскор ўз ичингдан чиқмагунча зулмдан халос бўлмайсан. Лекин бунинг учун миллатнинг ўзи туганмас куч-қудрат манбайига айланмоғи даркор. Бу буюк инсонлар суҳбати ўтаётган ўн тўртинчи йилда ичимизда беш-ўн беҳбудийлардан ўзга халоскор куч етилмаган эди. Шунинг учун улар аҳволни ўнглашда кучли мамлакатларга ва чунончи Чор Россиясига умид боғлардилар. Аммо касал ичдан тузалмагунча тузалмас.

Аммо бу фикрга одамлар узоқ-узоқ йиллар ўтибгина келадилар.

Ва бунга танқидга лаёқат касб этгандагина эришиш мумкин.

## **ФИТРАТ ВА МИЛЛАТ ТАНҚИДИ**

Тун яримдан анча оғди. Мезон ойининг осмони булутсиз, тиник. Оёқ томонимда жанубга оғиб чиққан ой мовий юлдуз парпар ёнади. Уйким ўчган, у билан анчагача суҳбатлашаман. У кечмишнинг кўп воқеаларига гувоҳ. Лекин сир сақлайди. Менинг уйқусиз сўроқларимга жавоб бермайди. У нима деб жавоб берган бўларди деб ўйлайман. Масалан, миллат болаларининг миллат аҳволига кўзлари очилиши қандай рўй беради? Қачон рўй беради? Фитрат ва Фитратга ўхшаганларнинг миллат ҳолидан бу қадар озурдадил бўлишларига сабаб нима? Юлдузнинг пирпираган ингичка ҳаворанг нур толалари кўзимга ўткир қадалади. Юлдузлар мен қанчалар ёлвормай сўйламайдилар. Бир жойда бир зум ҳам тўхтамайдилар. Менинг мовий юлдузим бўғотга илинди, бир он кўз ёшидек ярқираб турди, сўнг том бошига ўтиб кетди. Осмон гўё зерикарли бўлиб қолди. Майда-майда сонсиз юлдузлар шигалаб қарайдилар, лекин уларнинг шуълалари менга етиб келмайди. Кўзимга файз бермай-



ди. Том ўтгани билан юлдуз йўқолмайди. Мен ўрнимдан туриб қарайман. У ҳақиқатан ҳам том бошида яркираб турибди. Мен жойимга қайтаман. Юлдуз яна ғойиб бўлади. Менга кўринмагани билан юлдуз йўқ бўлди дегани эмас, деб ўйлайман. Биз, одамлар, кўпинча кўзимизга кўринмаса, йўқ экан деб ўйлаймиз. Ҳолбуки, у бор. Фақат шу тобда бизга кўринмай турибди.

Фитрат ва Фитрат замондошларининг миллат ҳақида қайғуришлари, аламли ва аччиқ ўй суришлари, кескин танқидлари аср бошларида қадим Турон осмонида ўша пар-пар кўк юлдуздай ёнган эди. Кейин бу юлдузни кўзларимиз илғамай қўйди. Кўзимизни чирт юмиб у йўқ дедик. Кўздан йироқ — кўнгилдан йироқ бўлди. Аммо кўк юлдуз Турон осмонини қоплаган булутлар ортида порлар, чорлар, йўлдош бўл деб чақирарди.

Йигирманчи йил аввалида қора булутлар остида шўнғиб-шўнғиб сузаётган бу улуғ юлдузга икки буюк Турон шоирининг кўзи тушган эди.

1919 йил май ойида Фитрат ёзди:

*Гўзал юлдуз, еримизнинг энг қадрли тувғони!  
Нега биздан қочиб мунча узоқларга тушибсен?  
Тувғонингга нечун сира гапирмасдан турибсен?  
Сўйла юлдуз, ҳолинг надири? Нечук топдинг дунёни?  
Бизнинг ерда бўлиб турган тубанликлар, хўрликлар  
Сўйла юлдуз, сенинг доҳий қучоғингда бўлурми?*

Ердаги одамлар Миррихдан жанговарлик белгиларини излашади. Фитратнинг бошқа бирон юлдузга эмас, айнан Миррихга мурожаат қилаётганида ўзига хос маъно товланишлари зуҳурланади. Фитрат юлдузга эмас, ер юзида жуда кўп нарсаларни ўзгартиришга, адолат ўрнатишга кодир алп ўғлонга қарата сўйлаётгандек ҳам бўлади. Жанговарлик, адолатпешалик юлдузига жанговар, мард, ўта одил сўзларни айтишга журъат этади. Унинг журъати фарёд каби. Ҳа, фарёд каби тингланади.

Фитрат жанговарлик юлдузи билан таъбир ўринли бўлса, ўткир мунозара олиб боради. Унга устма-уст кескин, ҳаддан ортиқ аламли саволлар беради. Саволларнинг юки жуда оғир, улар мунозарага ўта фожиона тус берадилар. Саволларда миллатни фожиага олиб келган ҳоллар чўнг аксланади.

*Борми сенда ўксуз, йўқсилнинг қонин  
Гурунглашиб — чоғир каби ичганлар?*

*Борми сенда бутун дунё тузугин  
Ўз қопчигин тўлдиргани бузганлар?  
Борми сенда бир ўлкани ёндириб,  
Ўз қозонин қайнатгучи хоқонлар?*

Фитрат бу саволларига Миррихдан жавоб ололмайди. Жавоб саволларнинг ўз ичига яширинган эди. Бирор миллат тарихда харобликка учраган бўлса, бунинг ўз ички ва ташқи сабаблари бўлади. Ички ва ташқи сабабларнинг залворини солиштирсангиз, албатта, ҳар қандай ҳолда ҳам, ички сабаблар устунлик қилганини кўрасиз, кузатасиз. Ташқи сабаблар ички сабабларга чамбарчас боғланган. Душман ички сабабларни жуда яхши ўрганиб, ўз ғалабасига тўла ишонч ҳосил қилгачгина босқинчиликка журъат этади. Ички сабабларингиз бўлмаса, билингки, душман сизни ҳеч қачон енголмасди.

Фитратнинг онги жуда эрта кўз очди. Онгнинг очилиши миллатнинг аҳволига боғлиқ. Миллатнинг аҳволини қанчалар англаганига, қанчалар тўқнашганига, қанчалар буларни ҳис қилганига боғлиқ. Фитратнинг онги очилди деганда, унинг миллат аҳволига онги очилганини назарда тутмоқ керак. Миллатнинг аҳволига очилган онг ўз даражасига кўра жуда кучли йўналган онгдир. Бу гапларни Фитрат ўн тўққизинчи йилда айтяпти. Лекин бу гапларни у 909-йилда ҳам айтган. Ўшанда у юраги ва онгини ўртаган фикрларни айтиш учун фаранг ва бухоролик мударрис мунозарасини ўйлаб тошган эди. У мунозара билан Миррих мунозараси ўртасида ўн йил ўтган. Мунозара руҳи ва мавзуси ўзгармаган, лекин кучайган, ижтимоий жиҳатдан янада шиддатли тусга кирган. 909-йилдаги мунозарага хали бирмунча батафсил тўхталиб ўтамиз. Лекин унғача эътиборли бир адабий фактни яна қайд қилиб ўтсак, ортиқча бўлмас. Бир томондан даврнинг ўзи қаттиқ мунозарага чорларди. Мустамлака бўлган ўлкалар қуллик ва қарамликдан қутулиш имконига эга бўлган эдилар. Асрнинг биринчи чорагида кетма-кет бўлиб турган ғалаёнлар ва инқилоблар одамлардагина эмас, кўпгина халқларда ҳурлик иштиёқини уйғотган ва бу иштиёқ йил ўтган сайин тобора жўш уради. Бухородан жўшган овозга водийдан бошқа бир жўшқин ва ниҳоятда ўктам овоз жўр бўлди. Чўлпоннинг 1920 йил августда ёзилган «Ёруғ юлдузга» деган шеърини эслатмоқчиман. Фитратнинг ҳам, Чўлпоннинг ҳам юлдузга муро-

жаат қилган шеърлари «Ўзбек ёш шоирлари» мажмуасида босилган.

Чўлпон ёзади:

*Гўзал юлдуз, нурли юлдуз, тез сўзла  
Оталарнинг тарихдаги хатосин.  
Шул хатодан осуфланиб, ёвларнинг  
Эл кўксига сурган шират сафосин...*

Чўлпон Фитратга бу ерда очиқ пайравлик қилади, унинг овозига очиқ онгли жўр бўлиб чиқади. Худди Фитрат каби юлдузга «гўзал юлдуз» деб мурожаат этади, «сўзла юлдуз», деб Фитратнинг даъватини такрорлайди. Фитрат сингари юлдузга кетма-кет шиддатли саволлар ташлайди. Ёруғ юлдуздан мадад ўтинади.

Хар иккала улуғ шоирнинг шеърни «гўзал юлдуз» деган сўз ва таъриф билан бошлашлари тасодифиймикин? Оддийгина бадиий усулмикин? Чўлпон истаса, бошқача сифат топарди-ку. Лекин нега у Фитратнинг тавсифини айнан қайтараяпти, шеърини шу таъриф билан бошляпти?

Бизнингча, бу юлдуз — юлдуздан ҳам ортиқ — у — аъмол, у — саодат. Аъмол ва саодат рамзи. Миллатнинг жуда олис ва жуда юксакда порлаган келажак саодати. Аъмол ва саодатга — яна улар миллат аъмоли ва саодати бўлса, «гўзал» деган сўздан ҳам ортиқ, аниқ, равшан таъриф бўлиши мумкинми! У шоир ҳам, бу шоир ҳам ўз идеалига мурожаат этади. Миллат бошига унинг саодатли юлдузини чорлаб келтиради. Шоир наздида ерларда дардларни тинглагучилар қолмагач, дардкаш ва дўст, ҳамкор кўклардан изланади. Худди шундай ажойиб жўровозликни биз яна бошқа кўпгина ҳолларда ва хусусан, Фитратнинг «Бехбудийнинг сағанасин изладим» шеъри билан Чўлпоннинг «Махмудхўжа Бехбудий хотираси» шеърисида ҳам кузатамиз:

Фитрат ёзади:

*Ўз йўқотқонин излади, сўрди.  
Бир дарак топмагач, бирдан бир тикилди  
Бор кучин тўплади  
Золимнинг тахтини титраткан  
бир товуш қичқирди:  
«Отамнинг қабрини қаерга яширдинг,  
Бот сўйла...?!»*

Чўлпон ёзади:

*Амалимнинг юлдузи-ким, кўз тикди  
Қора, жирканч... ўлим кони ерларга.  
Савол бердим: «Йўқотқоним қайда?» деб  
Ўзимни ҳам ютмоқ бўлган эрларга...*

Кўряписизми, бояги гўзал юлдузнинг таърифи мана бу ерда чиқди. Чўлпон уни «амалимнинг юлдузи» деб атади. Биз эса аъмол юлдузи деб олган эдик. Аъмол ва амал юлдузи — қанчалар теран ифодалар! Қанчалар Фитрат ва Чўлпонга хос! Шеърлардаги излаш мотивига эътибор бердингизми? Фитратнинг «Ўз йўқотқонин излади» ибораси билан, Чўлпоннинг «Йўқотқоним қайда?» — деган изтиробли саволи нега жўр чиқаётганини англадингизми? Улар албатта, шунчалар йирик талантлари бўлгани ҳолда бошқача сўйлашлари ҳам мумкин эди. Лекин бу ўринда эътиқоднинг тили бир ва эътиқод шеърда ҳам бир турли ифодаларни танлайди. Фитрат ва Чўлпон фақат юлдузларгагина эмас, ўз ижодларида денгизлар, шамоллар, баҳорлар ва хаёлларга ҳам дам-бадам мурожаат қиладилар. Бунда ҳам бир-бирларига ажиб бир тарзда ижодий жўр бўладилар. Буларнинг бари улар онгли тарзда шу усулни танлаганликларини, асарлари билан бир-бирларига мадақкор бўлганликларини, сафдошлик туйғусини яратганликларини кўрсатади. Ижодий, эътиқодий сафдошлик улар учун бениҳоя муҳим ва принципаал аҳамият касб этади.

Чўлпон Бехбудийга бағишланган шеърда яна бир қарра юлдуз образига тўхталади:

*Шунинг учун юлдуз каби ярқираб,  
Элда қолгон исминг билан тураман —*

Шу тарикка «юлдуз» тимсоли уч буюк шахсни бирлаштиради. Фитрат ва Чўлпон юлдуз деганда Бехбудийни ҳам назарда тутганлар. Миллат ва унинг озодлиги, маърифати, келажаги учун жон фидо қилган буюк инсон икки шоир назарида албатта, юлдуз билан тенг бўлган, халқ йўлини қоронғу тунларда юлдуз каби ёритган... назаримда, бу ажойиб адабиёт ёдгорликларининг яратилишида эътиборли бир воқеа тарих бўлган кўринади. Лекин билмадим, у тарихнинг излари ўчиб кетганми? Ё ҳали зулматлардан бир толим зиё ҳам келиб қоларми бу воқеаларни ёритгудек?

Умуман, жўровоз бўлиб қуйлаш фақат Фитрат ва Чўлпонгагина хос бўлиб қолмай, эътикод қудратидан тугиладиган бу ходисани биз Авлоний ва Тавалло, Сиддикий ва Сидкий, Сўфизода ва Ҳамза, Ибрат, Мискин, Камий каби қатор ўша давр шоирлари амалиётида ҳам кузатамиз. Улар учун миллатнинг аҳволи улуғ бир мушоира ва мунозара учун мавзу бўлган эди.

Равнақни кўзлаган миллий танқид руҳи шулар ижодида росмана ҳаракат тусини олди ва кучланди.

Фитрат аср бошларидаги Бухоро аҳволини ва Бухоро воситасида бутун Туркистон ва бутун миллатнинг аҳволини хорижлик уламо шахснинг нигоҳи билан кузатди, бу аҳвол ва бу ишларга унинг ақли билан баҳо берди. Ҳинд сайёҳи ва фаранг уламози гарчи Бухорога ёт одамлар, лекин унга дўст одамлар: уларнинг ҳар бир сўзлари, ҳаракатларида шу муқаддас юртни севишлари, уни эъзозлашлари, унинг буюк тарихи ва меросий қадриятларини бениҳоя юксак англашлари сезилиб туради. Улар миллат ва унинг аср бошидаги аҳвол-руҳияси ҳақида ўзларини биров четга тортиб туриб фикрлагандай бўладилар. Шу четга тортиб туриб фикрлашларида ёрқин бир ҳолисликлари кўзга ташланади. Холис одамда муҳаббат ёки нафрат бўлмайди. Аммо фаранг сайёҳининг ҳам, хинд сайёҳининг ҳам холислиги замирида улкан, теран, самимий муҳаббат ва дард қўлқаланиб ётгани аниқ билиниб туради.

Фитрат нега ўз илк мунозаравий асарларига бошқа мамлакатлар одамларини қатнашчи — қаҳрамон қилиб олди? Бухоро ва миллат ишларини чет, холис одамнинг фикр-қараши орқали баҳолаш ва улар тўғрисида холис хулоса чиқаришни кўзлагандир. Чеккадан келган одам мабодо у назар соҳиби бўлса, албатта ҳамма нарсаларни барча ўткир қирралари билан кўради ва бу ишларни жаҳон маърифати нуқтаи назаридан баҳолайди. Албатта, Фитрат буни ҳам назарда тутган. Шу билан бирга у бошқа жуда муҳим бир нарсани ҳам кўзлаган: Бухоро воситасида бутун Туркистон ишларини у европача адабий-бадиий таҳлилдан ўтказишни мўлжаллаган. Бинобарин, «Ҳинд сайёҳи» ҳам «Мунозара» ҳам Турон заминидан, ўзбек адабиётида европача таҳлил усули қўлланган, аналитик фикрнинг қудратли тўлқинлари илк намоён этилган асарлардир. Бу асарларни ўқишга муяссар бўлган

одам албатта аввало, Европа сайёҳларининг Шарқ ҳақидаги асарларини ва қолаверса, Стендал ва Гейне каби даҳо адибларнинг саёҳатномаларини дарров хотирасига келтиради. Мен хусусан, айниқса, Стендалнинг Франция бўйлаб саёҳатлари ҳақида ёзган гўзал китобини «Ҳинд сайёҳи» муносабати билан эсладим ва улар ўртасида — қарашларда, баҳолашларда, мамлакатга яхшилик ва бахт соғинишларда, тараққиёт йўлларини излашларда ажиб бир ўхшашликлар кўрдим. Мен бу ерда Фитратни буюк француз романаписи билан тенгламоқчи эмасман. Мен фақат уларнинг миллат ғамида, тараққиётни соғиниб қайғуришлари, ватанпарварлик кайфиятлари, танқид ўтининг кучлилиги бир мақомда эканлигини ва миллатпарварлик ҳар қандай мамлакатда ҳам бир хил мавқе ва кўринишларга эга эканлигини андак бўлса-да таъкидлаб ўтмоқчиман, холос.

Европача адабий-бадиий таҳлил усули Фитратга бутун Туркистон воқелигини очиқ-ошқора, бўямай, бўрттирмай, сохта ватанпарварликка берилмай кўрсатиб ўтиш имконини яратади.

Тарихий манбалардан маълумки, аср бошларига келиб, миллатнинг ижтимоий ва маиший ҳаётида таназзул ва турғунлик сўнг нуқтасига етган эди.

Турғунлик ва таназзулнинг ички ва ташқи сабаблари кўп ва мураккаб. Лекин ташқи сабаблардан кўра ҳам ички сабаблар жиддийроқ.

Ички асосий сабаблардан бири — миллий беҳабарлик эди. Халқнинг кўпчилик қисми дунё ишларидан, бошқа мамлакатлар ва халқларнинг ҳаёти, турмуш даражасидан, ўз ҳақ-ҳуқуқларидан, улар учун курашдан хабардор эмас эди.

Рост, Туронда темир йўллар қурилган, мустамлакачилик руҳидаги газеталар ва Туркистон тўпламлари вақти-бевақт чиқиб турар, чеккалардан ҳам ислох руҳидаги газета-журналлар келиб турар, бироқ, халқ уларни билмас, ўқимас, энг ёмони, билишни истамас эди.

Миллат иши учун ҳамиша куйган, қайғурган ва доим маърифатпарварлик ғоялари билан юрган Мунаввар Қори Абдурашид ўғли 1906 йилдаёқ «Тараққий» газетасида чиққан «Бизни жаҳолат — жаҳли мураккаб» деган аччиқ мақоласида ана шундай умумий хабарсизлик ҳақида ёзиб, қадим «Қобуснома» донолигига жўр бўлиб, алам

билан: «... билмаслар, билмаганларини ҳам билмаслар», деб ёзган эди.

Европа тараққиётига жуда шиддатли тус берган ва жаҳонда мустамлакачиликнинг янги урчугини ясаб берган порох (борут) ҳали Турон халқлари ва уламолари онгида ўзгариш ясаб улгурмаган эди. Европада Шарқдан олиб кетилган порох оламни ағдар-тўнтар қилиб ташлаган, у Туронга биқинибгина кириб келган бўлсада, лекин моҳиятини англаб етилмаган, ундан фақат босқинчилар усталик билан фойдаланар, ундан фойдаланолмаганларни ўзларига тобе этар, Аллоҳ томонидан шу халқнинг умргузарлиги учун ажратилган бойликларни талаб кетардилар.

Тарихнинг ва тараққиётнинг яна бир аламли ўйинларини карангким, ўн еттинчи асрдан эътиборан Европа порохни қанчалар орқада қолган халқлар бошларида ўйнатган бўлса, XX асрнинг ярмига келиб Европа ва ундан сўнг Америка атомни кашф этиб, ядро ваҳималари билан ер юзини титратиб келадилар. Билмадик-ки, келаятган асрларда одамларни қирғин ва қарам қиладиган яна нималар ихтиро қилиб топилар экан.

Мен хабарсизликни мутлақ фожиа деб атамоқчи бўлман. Бу бир янги топилган гап эмас.

Лекин кун тартибидан тушган ҳам эмас. Хабарсизлик... «Мунозара»да фаранг олими Бухоронинг энг илғор кишиси, яъни аҳволдан хабардор бўлиши керак бўлган кишидан «Бухоронинг аҳоли нуфуси қанча?» — деб сўраса, уламомиз нима дейди денг: «Биродар! Мен бир ишлик одам эдим. Бухоро кўчаларида юриб, одамларнинг ададини санаганим йўқ...»

Яъни у ўз юртининг қанча халқи борлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган, бу билан мутлақо қизиқиб ҳам кўрмаган, эҳтимол буни хатто хаёлига ҳам келтирмаган... Унинг гапидаги зарда оҳангини сезяпсизми? Бу — ҳамма билмасларга хос бўлган зарда! Ҳамма билмаслар билмаслигини яширадиган ибтидоий парда. Унда яна «Бухоро уламоси» деган сохта ғурур ҳам бор. Зарданинг бир чеккаси шу ғурурдан. Иккинчи чеккаси бу ғурурни қандай бўлмасин сақлаш керак: шунинг учун у болаларча: «Мен иш билан банд эдим», дейди. Лекин қандай иш билан? У иш билан банд бўлса, Бухорода қанча аҳоли яшашлигини билмаслиги, бу билан қизиқмаслиги керакми?

Фаранг яна сўрайди: «Сизлар, Бухоро уламози, хўб арабийдон эмишсиз...» Лекин тез орада мударрис қалтираб қолади. У йигирма етти йил арабча ўқиб, «арабийдон» бўлган эса-да, лекин фаранг билан икки оғиз араб тилида сўзлашолмайди. Фаранг эса арабчани уч йил ўқиб мукамал ўрганиб олган. Фаранг билан мулоқотда мударрис ҳар бир нуктада ўз хабарсизлигини кўрсатади. У ҳар ҳолда мударрис, ўз мамлакатининг зиёли одами, фарангдан «Бу оғир дардларга чора нима?» — деб сўрайди. Фаранг одамларга тез манфаат етказадиган ва ажойиб натижалари тезда-тезда юзага чиқадиган миллий мактаблар очиш зарурлигини айтади. Мударрисимиз эса янги миллий мактаблардан ўтдан кўрққандек кўрқади. Фарангнинг янги мактаблар, янги таҳсил усуллари, ислоҳпарварлик ҳақидаги фикрларини Бухоро ҳаётига тўппа-тўғри диверсия деб қабул қилади.

Хабарсизлик ўзи бундай қараса, беозоргина, турмуш кечириш, нон ейишга ҳеч бир ҳалал бермайдиган бир нарса бўлиб туюлади. Кўплар бунини шундай деб ҳам тушунадилар. Лекин аслида-чи?

Аслида хабарсизликдан:

Халқнинг ҳаётга қизиқиш доирасининг мутлақо торашиб кетганлиги —

ҳаётдан кузатилган ва кузатиладиган манфаатларнинг йўқ даражага ёхуд ўта жайдари бир ҳолга тушиб қолганлиги —

халқ ўзини халқ деб ҳис қилмай қўйганлиги —

қавм даражасида ўралашиб яшашга қўникканлиги —

йирик маданий қатламлар тахлаган, ўз ичидан даҳо олимларни ва адибларни етиштирган, чинакам улуғ тарих ва давлатчилик анъаналарини яратган халқ —

ўз ўтмишидан фахрланишни унутганлиги —

халқнинг нуфуси унчалик катта бўлмаса-да, лекин бир ўзига бирваракай учта хонлик вужудга келтирганлиги —

бу хонликлар ўртасида низолар ҳеч тўхтамаслиги —

булар ҳаммаси хабарсизлик оқибатларидир.

Хабарсизлик шуларга кўра таназзул ва турғунликнинг онасидир.



Фитратнинг ҳар иккала мунозара асаридан шундай хулоса келиб чиқади. Фитрат икки хорижий мусофир воситасида хабарсизликнинг дахшатли картиналари билан оламни таништиради.

Бизга қолса, хабарсизлик халқнинг бутун куч-қувватини ўлик ҳолга келтирган, унинг ихтиро, кашфиёт қувваларини сўндирган, ҳаракат майдонини энг кичик нуктагача торайтириб келган ашаддий оғир ижтимоий ҳодисалардан биридир.

Хабарсизлик қуртлари миллат дарахтининг ғоятда мустаҳкам танасини ичдан емириб, чиритиб, уни ҳаёт иморатини қуришга яроқсиз ҳолга келтирган иллат эди.

Кейинги уч юз йил мобайнида Туронда кашфиётчилик ва ихтирочилик руҳининг сўнганлиги, ҳеч бир нарсада улар юзага чиқмаганлигини нима билан изоҳласа бўлади?

Фитрат бу икки асарида худди ана шу хабарсизлик фожиаларини ҳар томонлама — барчасини ҳаёт реалликлари асосида кескин таҳлил қилади.

Турон маданияти ўн еттинчи асрдан кейин кетма-кет таназзуллар ичида қолиб, халқ ижтимоий-маданий, салоҳий жихатдан болалик ҳолатига тушиб қолган эди.

Маданий, ижтимоий, иқтисодий болалик даври барча миллатлар, барча халқлар ва мамлакатларда бўлиб ўтган. Уни бошдан кечирмаган халқлар йўқ. Туронда ҳам у қарийб уч юз йил давом этди.

Хабарсизлик ва болалик... мен ижтимоий болаликни назарда тутяпман. Улар бир-бирларига жуда яқин ва доим бир-бирларини етаклаб юрадилар. Хабарсизлик ва болаликнинг ўз психологияси мавжуд.

Фитратнинг мунозараларида ижтимоий болалик касалига чалинишнинг белгилари, зуҳур ҳолатлари жуда кучли намоён этилган...

Фитрат миллат фикри ва қарашларининг маълум бир нуқталар ва маълум бир чегаралар ичида тўхтаб, қотиб қолганига алоҳида эътибор беради. Ҳинд сайёҳи ҳам, фаранг ҳам Бухоро уламоларини ҳақиқатни англамоқ учун баҳсга тортадилар. Лекин баҳс ўша фикр қотган нуқтага тақалиб, дарҳол тўхтади. Муллалар зардаланадилар, аччиқланадилар, сўкинадилар: буларнинг бари фарангнинг ёки Ҳинд сайёҳининг илгари сураётган фикр-

лари, сўраётганларига жўяли бир жавоб топилмаслиги, далилларнинг — ишончли далилларнинг уламолар қўлида йўклиги билан изоҳланади. «Мунозара»да мударрис янги усулдаги мактаблар ярамайди, чунки улар болаларни кофир қилади, деб шу фикрида қимирламай туради. Фаранг олими ёлвориб сўрайди-ки, ахир, таксир, нега, тушунтириб беринг? Нихоят мударрис узок пайсалга солгач, болалар бу янги мактабларда курсиларда ўтирадилар, шунинг учун кофир бўладилар, дейди: «Курсида ўлтурмак овруполиларнинг ишидир. Шунинг учун болаларимиз агар курсида ўлтурсалар, кофир бўлурлар». Янги усулдаги мактабларга қарши бухоролик мударриснинг далили шундай. Болалик ҳолатига тушиб қолган одамнинг далили. Бу ҳинд сайёҳининг ховуз борасидаги мулла билан савол-жавобини эслатади. Ҳинд сайёҳи: ховузнинг сувидан ичиб бўлмайди, чунки у одам чайиндилари, ювиндилар, турли ифлосликлар билан булғанган, деса, бухоролик мулла: бу гапдан мақсадингиз нима? Сув ичманглар демоқчимисиз? — деб ўдағайлайди. Лекин мағзавалар билан тўлиб-тошган сувни ичиш қони зиён эканлигини ҳаёлига ҳам келтирмайди. Бу ҳақда мулла бўла туриб ўйлаб ҳам кўрмаган, барча бола ҳаёлли кишилар каби: сув етти думаласа, тоза бўлади, деб ишонади.

Лекин ҳинд сайёҳи бундай муллаларгагина эмас, Бухоро заминида разолатлардан ичи ўт бўлиб ёнаётган, «доно, ҳамиятли, зукко, мутафаккир ёшлар» ҳам етишиб чиқаётганига эътибор беради. Шундай юраги шаъм ёшлардан бири билан дўстлашади, унинг кўмагида миллат ҳаёти ичига чуқурроқ киради.

Ҳинд сайёҳи ўзини мушоҳада этувчи, танқид қилувчи, таҳлил этувчигина эмас, балки яхшигина ислоҳотчи сифатида ҳам намоён этади. У турли чиркинликларни танқид қилибгина қолмай, уларни ислоҳ қилиш йўллари ҳам кўрсатади. Унинг кўрсатган йўллари ҳар доим ҳам қўшилиб бўлмаса-да, лекин ўз даври учун улар ҳар қалай анча илғор эди. Чиркинликлардан, асрий разолатлардан қутулиш имконини очарди. Ҳинд сайёҳи миллатнинг ислоҳи учун уч нарса зарур деб билади: «бир жоҳил миллатнинг олим бўлиши учун уч нарса зарурдир: пул, мадраса, саъю амал...» У Бухорода бу уч нарса ҳам мавжуд. Уларни тузатиш осон. «Тўла

ишонч билан айтаман-ки, бир одил, тўғри фикрловчи амир ва тадбиркор, Худодан қўрқадиган вазир бўлса, бу ишларнинг барчасини ислох этса бўлади», деган ишонч билдиради.

Миллатлар ва мамлакатлар тақдирида маърифатли, миллатпарвар подшоҳларнинг хизматлари албатта беқиёс аҳамиятга эга. Лекин ҳинд мутафаккири Бухоро ва Турон шароитида бундай одил, илмпеша, марҳаматли ва тараққийпарвар подшоҳни қаердан олишни айтмайди. Йўл бор. Аммо йўлдан юрувчи йўқ. Йўл бор. Аммо йўлдан бошловчи йўқ. Боши берк кўчага кирган кишилар. Уларнинг кайфиятлари. Қарашлари. Боши берк кўчага кириб қолган халқ ва мамлакат аввал орқага қайтиши ва шу берк кўчадан чиқиши керак. Лекин бунга миллатнинг чамаси, ўша пайтда мажולי қолмаган эди. Шунинг учун миллатнинг халоскор ёшларидан бири фарёд солиб айтади:

— «Сиз бу миллат ҳақида қанчалик илиқ фикр айтманг, мен бари бир уларни ёмон кўраман. Сиз бу миллатга қанчалик умид билан боқсангиз, мен шунчаки умидсизланаман. Бу шундай миллатки, ҳақини ғорат этсалар, ўзи ана шу яғмогарлар оёғига бош қўйишни фазилат деб билади. Фано қудуғига бошлари билан ботиб турсаларда, ўзларининг халоскорларини кофир деб атайдилар. Улардан нимани умид қилиш мумкин, қайси келажакни орзу этиш жоиз?!».

Аччиқ алам, изтироб билан тўла бу сўзларда миллат мазлумлигининг даражаси акс этади. Бу сўзлардан миллат ўз-ўзини ва ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қодир бўлмай қолганлиги ҳам англашилади. Булар ҳам болаликка тушиш, болаликка қайтишнинг жиддий фожиали белгиларидандир. Лекин ҳинд сайёҳи бундай оғир тушкунлик кайфиятлари миллатнинг бошига оғир талафотлар келтириши мумкинлигидан огоҳлантиради. У тушкунликка қарши саботни қурол қилиш зарурлигини уқтиради. «Бир одамнинг саботи буюк бир миллатни ислох этишга қодир. Ислох этувчилар тоифаси учун саботдан бўлак асл қурол йўқ», дейди донишманд сайёҳ.

Сабот ҳақидаги бу сўзлар ўша пайтда ёшлар тарбиясида жуда катта аҳамиятга эга эди. Ҳозир ҳам унинг аҳамияти заррача пасайган эмас. Шуниси диққатга сазоворки, миллатнинг тараққиёти учун бел боғлаган киши-

ларнинг ҳаммалари Бехбудийдан тортиб Фитратгача, Авлонийдан тортиб Таваллогача, Мунаввар Қоридан тортиб Чўлпонгача сабот тариқини тутдилар. Чин маънода саботни ўз ижтимоий курашларида қурол қилиб олдилар. Яна диққатга сазовор томони шундаки, улар бу саботдан охириги дамгача айрилмадилар.

Фитрат ва Чўлпон каби ижтимоий тараққийпарварлар миллатнинг моҳиятини англашга, унинг психологияси ва характери ичига киришга ва шу йўл билан уни чиритаётган, фаолиятдан, ихтирочилик ва ислохчиликдан маҳрум қолдираётган хусусиятларни юзага тортиб чиқаришга киришдилар. Бу ўз даври учун жуда катта аҳамиятга эга иш эди. Уларгача ҳеч ким миллатнинг психологияси ва характери ичига теран ижтимоий мақсадларни кўзлаган ҳолда киришни ҳаёлига келтирмаган эди. Улар шу тарика миллатнинг асил табиатига ҳос бўлмаган фақат зулм ва зулмат ичида, зўравонликлар остида узоқ муддатларда орттирилган кайфиятлар ва ўрганиш-одатларни фаҳмлаб етдилар ва шунинг учун уларни каттиқ танқид остига олдилар.

Миллат зулм остида орттирган кайфиятлардан бири: ҳамиятсизлик, иккинчиси: ғайратсизлик эди.

Ижтимоий тараққиёт учун курашга бел боғлаганлар шу икки нарсага қарши ва шу икки нарсадан ҳосил бўлган бошқа илмсизлик, жаҳолат, қизиқишларнинг ўлиши каби хусусиятларга бир ёқадан бош чиқариб жанг олиб бордилар.

Буларнинг барига сабабчи бўлиб юқорида айтиб ўтганимиздек, хабарсизлик касали ётарди. Европа хабарсизликка қарши қудратли қуролларни аллақачон топган — шунинг учун тез ўсиш-ўзгариш, фаровонлик топиш йўлига чиқиб олган эди. Юқорида донишманд сайёҳнинг маърифатли ва ғайратли амир бўлса, барча ислоҳлар юзага чиқади, деган фикри билан танишган эдик. Лекин Европа бир қуролни ўйлаб топди-ки, у ҳар қандай маърифатли амирдан ҳам қудратлироқ ва таъсирчанроқ бўлиб чиқди. Мен газетани назарда тутяпман. Туронда ёппасига хабарсизликка қарши жангни энг муваффақиятли суратда олиб борган нарса ростдан ҳам газета, босма китоб ва журналлар бўлди. Тараққийпарварларимиз газета миллатнинг қиёфасини шакллантирадиган тенгсиз мураббий эканлигини тез англаб етдилар. Аср бошларида Туронда

саводхон одамлар ўртасида газетага кизиқиш беҳад ажиб тус олди. Улар газетани миллатни чин ислоҳ этишга қодир куч деб тушуниб етдилар. Шунинг учун ҳам миллатпарварлик ғояларининг кучайиши, ёйилиши асосан, газеталар билан ва айниқса, олтинчи йилда чиққан икки «Тараққий» газетаси билан чамбарчас боғлиқдир.

«Тараққий»ни varaқласак, Фитрат ўнинчи йиллар арафасида ва ундан кейин илгари сурган ғоялар ва олиб борган танқид — миллатни танқид — асосан илк бора шу «Тараққий» саҳифаларида, олтинчи йилда майдонга ташланганлигини кузатамиз.

«Тараққий»нинг қудратими ёки замоннинг сирли бир кучлари чорладими, аср бошларидан эътиборан энг яхши ўзбек зиёдиларининг ҳаммалари сафарга отландилар. Исхоқхонни оласизми, Сўфизодани оласизми, Фитратни оласизми, Беҳбудийни оласизми, ҳамма-хаммалари дунё мамлакатларини кўришга, аҳволни билишга, йўл-йўриқ ўрғанишга отландилар. Ўз миллатини ўзга миллатлар билан қиёслай ва орадаги фарқларни англай, фахмлай бошладилар. Чоралар изладилар.

Бу жихатдан Иван Гейер муҳаррирлигида чиққан «Тараққий (Ўрта Осиёнинг умргузарлиги газети)»нинг 1906 йил феврал, 8-сонидан эътиборан босилган Мунаввар Қорининг «Никоҳ тўғрисида» деган мақоласи катта кизиқиш уйғотади. Мунаввар Қори унда чамаси Туронда илк маротаба маиший бир мавзу баҳонасида жиддий ижтимоий масалаларни кўтариб чиқади. Миллатнинг ижтимоий ҳаёти манзараларини чизади. Энг муҳими, миллат ва мамлакат таназзулининг тарихий сабабларини қидиради. У чунончи шундай сўзларни ёзади:

«Аммо бул замондин юз йилдин зиёдароқ муқаддам замондин бошлаб, охиста-охиста миллат деворининг ҳар тарафиға раҳналар пайдо бўлди. Мунга сабаб уламо ва уламоларимизни ўз нафсларини риоясида ҳаракат қилмоқлари бўлди. Подшоҳ ва хонларимиз бўлса, миллатга қилғон хизматлари танҳо хотун олмоқ ва кучук уриш-тирмоқ-у бағайрат ва ҳаққоният диндор кишиларни бадарға қилмоқ ва тутуб ўлдирмоқ бўлди. Миллат нима ва шарият нима — билмадилар ва қарамадилар. Шунинг учун миллат деворининг раҳналари тобора зиёда бўлди. Бўзахўрлик, қиморбозлик, бачавозлик, базм қилмоқ ва яллачи ўйнатмоқ, эркакни хотун қилмоқ ва хотунни эр-

как қилмоқ, зино қилмоқ, шикоят қилмоқ ва бир-бирларини ҳақорат қилмоқ, хусусан, оғизга ҳақорат қилмоқ-ким, куфрри сарихдир ва шуларга ўхшаш ҳаром амаллар ўрталарида чунон шойиъ бўлди-ки, ҳаромлиғи ҳеч кимнинг дилидан хутур қилмади.

Бу ишларни алхол, бизларни ота-бобомиз расмларидур, деб истеъмол қилмакдадурлар...»

Мунаввар Қори «Никоҳ тўғрисида» деб жуда беозор сарлавҳа қўяди-ю, шу сарлавҳа остида миллат залолати ва таназзулининг туб сабабларини ахтаради. У мақола давомида фахрланиш ҳақида ҳам тўхталади. Лекин фахрланишда ҳам фахрланиш бор экан. «Ота-бобомиз расмлари...» дейиш қанчалар яхши! Лекин расмлар деганда ўта жайдари ва жўн нарсаларни англаш ва улардан ифтихор қилиб, оғизнинг сувини чиқариб мактаниш ҳам бир чеккаси миллий таназзулнинг, тубанлашувнинг кўринишларидан эди. Бу ҳақда Мунаввар Қори яна шундай ёзади:

«Ҳатто-ки баъзи мўйсафидларимиз бизлар йигитлик вақтимизда мундай ишларни қилур эрдук ва мундай базмларни қилур эрдук, бизларни бачаларимиз мундай ўйунчи эрди, қани ул бачалар, замона фосид бўлди, йигитлар хотун бўлди деб, ўткан замонларга фахр ва бу замонларга афсус ва надомат қилурлар...»

Мунаввар Қори бу нохуш психологик кайфиятларни — таназзул кайфиятларини — олтинчи йилда қаламга олган бўлса, орадан беш-олти йил ўтиб, Фитратнинг ҳинд сайёҳи Бухоро кўчаларида дастлаб дуч келган бир манзара ҳақида шундай ҳикоя қилган эди:

«Беш-олти қадам юрганимни биламан, нимани кўрдим денг? Хайҳот! Бу шарофатли жаннатнинг ёнида жаҳаннам дарвозалари очилибдир. Бу муқаддас мозорнинг ёнида Лут қавмининг разолати пайдо бўлибдир! Одамлар чойхоналарнинг ўртасида беш кишилик-ўн кишилик давра тузиб, давранинг ўртасида биттадан ёш ўғил болани ўтиргизишган. У масъумлик ва уятчанлик билан икки-уч ёдлаган байтини айтиб берар эди. Атрофдагиларнинг ҳар бири, худди шайтондек, унинг атрофини ўраб олишган, ўзларининг шахват тўла нигоҳларини бечорага қадаган эдилар. Ушбу ваҳимали ва куфрли томошадан бутун вужудимни титроқ босди...»

Бундай ҳоллар миллат ўз кучини қаерга ва қандай сарфлашни билмаганда, ҳақиқий ижтимоий-ҳаётий қизиқиш ва инсоний баланд даражали манфаатларини йўқотиб қўйганда рўй беради. Ҳар қандай миллат шу ҳолга тушиши мумкин: агар у туб ҳаётий, инсоний мақсадларини бой берса, йитирса... Бой бермоқнинг оқибати эса ғоятда оғирдир. Мунаввар Қори бундан шундай хулоса чиқаради: «...охирулумр, бу афъол қабиҳаларимизни сабабидан мулк-мамлакатимиз тағйир-у табдил бўлуб, асир-у, хор-у, залил бўлдук...»

Миллат манзараларини чизишда миллатпарвар адиблар бир-бирларига ҳамиша жўр бўладилар, бир-бирларининг мотивларини давом эттирадилар, маълум бир жиҳатларини муҳим тафсилотлар билан тўлдирадилар. Мунаввар Қори ва Фитратга нисбатан бирмунча ёш Чўлпон 14-йилда «Баҳор авваллари» деб номланган бадиасида миллат аҳволи руҳиясига қуйидаги чизгиларни қўшади: Чўлпон қаҳрли қишдан сақланиш учун қора меҳмонхоналарда ўт ёқиб, беҳуда гаплар билан вақтини ўтказган дехқон далага чиқиш палласи етганидан суюнганлигини изҳор қилиб, сўнг бой меҳмонхоналар тасвирига ўтади: «Қишда зийнатлик меҳмонхоналарда қалин кўрпачалар устида, катта ўчоқлар олдида чиройлик-чиройлик болаларга каклик кабобларни қилдуруб, ўзларининг кўнгиллари тортган дўстларини чақируб, ҳалиги ширин кабоблардан еб қиш ичи семириб чиқгон бойларимиз ҳам ёздаги срукка пул истаб банкага қараб югурадилар.

Шеър:

*Миллат гами ҳам қарз гами эсга тушарми  
Кўрпа қалин, тишса кабоб, бўлса жавонлар...»*

Бу ҳам миллат ҳаётидан бир манзара ва Фитрат ҳамда Мунаввар Қори чизган манзараларга ҳамоханг, уларни жуда муҳим жиҳатдан тўлдиради. Бойлар ва қора меҳмонхоналарда ўт ёқиб беҳуда гаплар билан қиш чиқарган дехқонлар ўртасида маиший декорацияларда фарқлар бўлса-да, лекин бир миллатга тегишли ҳодиса сифатида умумий жиҳатлари ҳам мавжуд. Ҳамма гап шундаки, бойлар ҳам, дехқонлар ҳам қимматли вақтни тўлатқис бой беряптилар. Демак, бир чеккаси қимматли ҳаётни бой беряптилар. Бирлари қора тутун босган уйларда, иккинчилари каклик кабоблар жазиллаши усти-

да. Қиш чоғлари иш тўхтарди. Одамлар фаслга қараб ишлардилар. Фаровонлик ҳам шунга яраша эди. Фаслга қараб ишлаш умрни чала-ярим ўтказиш учунгина кифоя қиларди. Нега узок қиш бекор ўтиришимиз керак? — деган оддий савол безовта қилмасди. Чўлпон миллий ҳаётга доир бу ношойиста манзараларни шундай яқунлайди: «Мударрисларимиз кишда тушган тўн, чойларни ҳисобламоқда, шаҳарлардаги қоп-қора самўварлар очилуб, хушёқмас халқ самўварларга йиғилмакдадурлар.

Шеър:

*Ичинг чой, ўтирунг беҳуда гийбат сотиб, эй халқ,  
Келур қиш бир вақт, қолмас сизга бу давр-у давронлар.*

Қандайдир фавкулудда осуда ва ўта ялқов манзаралар! Чўлпон бу такасалтангликлардан фарёд кўтаради. Хар бир сўзининг орасида: ахир шундай ҳам яшаб бўладими, биродарлар?! — деб изтиробланиб сўраётганга ўхшайди. Фаслга қараб яшаш ҳам ночорликдан! Миллий қизиқишларнинг хаддан ортиқ камайиб кетганидан! Юқоридаги Чўлпон парчасида «хушёқмас халқ» деган иборага эътибор бердингизми?

Чўлпон ҳам, Фитрат ҳам, Мунаввар Қори ҳам, Беҳбудий ҳам ўз халқини беҳад севадилар, унга, унинг равнақиға жонларини фидо қилишға хар қачон тайёр турдилар. Шу билан бирға, тўғрироғи, шунинг баробарида халқнинг оёғи иллатларға чирмашиб ётишиға тоқат қилолмайдилар. Бу аёвсиз иллат занжирларини фақат ўткир курул билангина даф қилиш мумкинлиғиға ақллари етади. Шунинг учун танқидларида — миллий танқидларида шафқатсиз сўзларни айтишдан чўчиб ўтирмайдилар. Табибнинг кўнгли бўш бўлса, касал оёққа турмаслиғини яхши хис қиладилар. Халқнинг умумхос психологиясидаги иллатни ёш Чўлпон «хушёқмаслик» деб белгилайди. Чор-ночор турмуш кечираётган халқ қандай бўлсин ахир: хушёқмас бўлади-да! Фитратнинг мунозараларидан кўрдик-ки, мулла ва саводхон уламолар аксар халқ учун қилинадиган барча яхшилик ва ислохий ходисаларни куфр деб эълон қиладилар ёки жуда шафқатлари келганда, бу яхшиликларға халқнинг нафратини уйғотишға ҳаракат этадилар. Халқнинг тарихий бир даврда-



ги ҳолатини англаиб турадиган бу таърифга Чўлпон тасодифан келган эмас. Илгарироқ ўқишга кетаётган Муҳаммадёр тўлқинланиб, хаёлан ватандошларга шундай хитоб қилган эди: «Эй, ватандошларим! Қачонгача бу ғафлат? Нимага бунча хушёқмаслиқлар. Ахир, сизлар ҳам одам-ку! Одамлардек ҳаракат қилингизлар... Уйқудан кўз очинглар! Илм, маърифат ва ҳунар изланглар! Вақт етди, балки ўтди!»

Фитратнинг «Ҳинд сайёҳи киссаси»да донишманд сайёҳ Қаршида алоча тўқувчи мохир устадан, Оврўпода ўз ишларининг ўн-йигирма, ҳаттоки юз-икки юз йил кейинги ривожини кўзда тутадилар, сиз ҳам ҳунарингизнинг келгуси тақдирини ҳеч ўйлайсизми? — деб сўрайди. Шунда уста: «Ҳозир ишимиз яхши, ўн йилдан кейин ким тириг-у ким ўлик», деб жавоб беради. Хушёқмасликнинг моҳиятини англаяпсизми? Агар у миллатнинг ҳатто энг илғор намояндалари — мохир ҳунардон усталар психологиясига ҳам сингиб кетмаганда, Чўлпон ҳам, Фитрат ҳам унга алоҳида эътибор бериб ўтирмас эдилар. Хушёқмаслик унча оғир касаллик эмасдай кўринади. Лекин моҳиятан олиб қаранг-чи! Хушёқмаслар охир-оқибатда келажакларини йўқотиб қўядилар. Уларнинг нонларини бошқалар ейди, бойликларини бошқалар ўзлаштиради, ерларини бошқалар экади, курсиларида бошқалар ўтиради, уйларини бошқалар эгаллайди. Хушёқмасларни ҳаётдан тобора нари суриб чиқаверадилар. Неъматлардан маҳрум этадилар. Сўфизода бир шеърида азбаройи куйиб кетганидан айтган эди:

*Мусулмонлиг агар шул бўлса, мўъминлар,  
парангланглар.*

«Паранглашиш» — бу ўринда образ. Бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишнинг белгиси. «Паранглашиш» — ҳаётни бошдан охир илм-маърифат деб тушуниш ва шунга кўра ҳаракатланишдир. Фитрат, Чўлпон, Мунаввар Қори тасвирлаган ҳаётда одамлар ўзларини гўё бошқа, шундан бошқа ҳаёт йўқдай тутадилар. Улар бошқа ҳаётлар ҳам борлигини тасаввурга ҳам келтирмайдилар. Бошқа — нисбатан юксак даражали ҳаёт борлиги англамаган эди. Одамларда бу тушунча ёришмаган эди.

Интилишлар сўнган эди.

Фитрат, Мунаввар Қори, Чўлпоннинг миллий танқиди миллий сўнган интилишларнинг чирогини қайтадан ёкиш мақсадини ўз олдига қўйди. Улар ўз аччиқ ва аламли миллий танқидлари воситасида халқнинг дид-фаросатини қайтадан бино қилишни кўзладилар. Миллатга қарата айтилган «Парангланглар!» нидосини улар том маънода тушундилар ва том маънода шунга томон қадам ташладилар.

Уламо, қози, мулла, уста... — булар ўша даврда миллат шонасининг устунлари эдилар. Лекин устунлар умумий эътиборсизлик, хушқўмаслик натижасида ё қийшайиб, ё чириб миллатнинг муқаддас уйини кўтариб туришдан ожизланган эдилар.

Фалсафа ва психологияда англаган зарурат деган кўпқиррали тушунча бор.

Миллатнинг тараққиёти фақат малака, ранг-баранг салоҳиятлар, юксак иқтидорли интилишлар, кашфиётчилик, ихтиролар руҳи билан яшаш орқали юзага чиқади. Буларни ҳар қандай миллат — унинг ёшу кичиги, давлатманд-у ўртаҳоли англаб етиши — англаган заруратга — ўз кундалик ҳаётининг таомилига айлантириши — ўз келажагини таъмин этиш билан баробардир.

Яна бир муҳим хулоса шуки, буларни англаб етиб, ўз турмушининг заруратига айлантиролган миллат камбағал бўлмайди. Унинг камбағали бошқаларнинг энг бойига тенг бўлади.

Муқаддас ваҳий китоб хабар беради: бизнинг амалларимиз бизга бир умр ҳамроҳ бўлади. Дилимиз нимани касб этган бўлса, ўша бизники.

Дилимиз фаровонлик ва мунавварлик касб этишини қанчалар истаган эдилар миллатимиз тараққиёти ва раванакининг элчилари!

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

*Фитрат.* Хиндистонда бир фаранги ила бухороли бир мударрининг бир неча масалалар ҳам усули жадида хусусида қилғон мунозараси. Туркистон кутубхонаси. Биринчи жилд. 1913 йил. Мутаржим: Хожи Муйин ибн Шукрулло Самарқандий.

*Фитрат.* Хинд сайёҳининг қиссаси. «Шарқ юлдузи» журнали, 1991 йил, 8-сон. Мутаржим: Ҳасан Қудратуллаев. Сўз: ЎзФА муҳбир аъзоси Бахтиёр Назаров.

*Фитрат*. Шеърлар. «ЎзАС», 1987 йил 11 декабрь. Нашрга тайёрловчи: Наим Каримов.

*Чўлпон*. Асарлар III жилдлик. II жилд. Тошкент — 1993. Нашрга тайёрловчи: Дилмурод Қуроноф.

*Сўфизода*. Тароналар. Тошкент — 1968. Тўплаб нашрга тайёрловчи — Тўлқин Расулов.

*Мунаввар Қори*. Никох тўғрисида. Рисола. «Тараккий», 1906 йил, 8-сон.

## АМИР НЕГА БЕҲБУДИЙГА ҚЎЛ БЕРМАДИ?

### Бадиа

Бухоро қайнарди. 1917 йилнинг апрели эндигина бошланган эди. Бухорода ўлим шарпаси кезарди. Қаллалар кесиларди. Дарралар визилларди. Айний амирнинг обхонасида инграб ётарди. Маҳбуслар орқангизни бўйрага бериб ётинг, бўйра калтак зарбидан илвираган этингизни қотиради дейишар, Айний инграб улардан оёқ-қўлларини уқалашни илтижо қиларди. Бўйра эскириб кетган, ҳаммаёғига қон ва эт парчалари ёпишиб ётарди. Лекин тажрибакор маҳбуслар нечукдир бўйра жароҳатни қотиради деб ўйлашарди. Буни фақат маҳбусларгина билишар, агар амир одамлари ҳам билсалар, албатта обхонадан бўйраларни чиқариб ташлаган бўлардилар...

Мен ўз-ўзимга: астафурилло, астафурилло! — дейман. Бунчалар ваҳимали қилиб ёзмасликнинг иложи йўқми? Иложи йўқ! Чунки буни ўз бошидан кечирган одам шундай ёзган.

1917 йилнинг апрели бошланганда Бухорода усули қадим ва усули жаҳид ўртасида даҳанаки тортишувлар жуда қизиқ кетган, иш ҳали очиқ жанг ва алғов-далғовга етиб бормаган, вазият қил устида турарди.

Амир ва унинг аъёнлари икки ўт орасида қолган эдилар. Амир нима қилишини билмас, тинмай телефон орқали рус консули Миллер ва унинг ишончли одамлари билан маслаҳатлашарди. Консулнинг ўзи ҳам февралдан бери ақли ғоят шошган, янги ҳукуматнинг сиёсатига ўрганолмас, шунинг учун осон ва қулай деб эски, ўзига яхши таниш сиёсат ва дасисани давом эттирарди.

Бухоронинг ўт-олов ёшлари эса ислохотлар ва эркинликлар талаб қилардилар. Улар ўз вақтлари келганлигини англади ва замон энди ўзгаришлар замони бўлажagini амирдан кўра теранроқ тушунар эдилар. Амир ҳам европача ўқиган, дунёнинг паст-баландига ақли етар, Русиядай улуг мамлакатда қудратли чор ағдарилиб, фаройиб-фаройиб ўзгаришлар бўлиб турганда, Русияга қўшни ва дўст Бухорода бундай ўзгаришлар бўлмаслигига ҳеч ким кафолат беролмас эди.

Лекин нима қилиш керак? Манғитлар тахтини қандай сақлаб қолса бўлади?

Амир консул Миллер билан маслаҳатни бир жойга қўйиб, Бухорода ислохотлар ўтказишга қарор берди. Миллер жаноби олийлари номидан бир манифест тайёрлайдиган бўлди. Манифестни саодатли бир айёмда, тантанали бир вазиятда эълон қилишга келишди.

Миллернинг одамлари бутун Бухорода ислохотлар манифести эълон қилинари деган гапни бир неча кун бурун тарқатдилар. Халойиқ ўртасида шов-шув қизиб кетди. Манифест хабари усули қадимчилар ва усули жадидчилар ўртасидаги алангали баҳсларни янада қизитиб юборди.

Бухоро амири Олимхоннинг ислохот ҳақидаги фармони рус элчихонасининг бошлиғи Миллер томонидан ёзилгани ва тайёрланиши бир ажойиб ҳодиса бўлса, иккинчи ундан қолишмайдиган ажойиб ҳодиса, бу фармон эълон қилинмасдан ўн кун илгари Туркистон губернатори Куропаткиннинг 25 мартда Самарқанд волийсига хат билан мурожаат қилиши эди.

Бу хатнинг мазмунига кўра Бухоро амири ёки у ердаги рус консулхонаси Туркистон губернатори Куропаткинга мурожаат этишиб, ўз ислохотлари тўғрисидаги фармондан хабардор этишган ва шу билан бирга шу ислохоти шаръия муносабати билан Бухорога қўшни халқ ўртасида қўзғолон ва норозилик чиқишидан ҳадик баён қилинган эди. Генерал Куропаткин қўшни Туркистондан Бухорога таҳдид солинишининг олдини олиш мақсадида Самарқанд волийсига огоҳлантириш хати билан мурожаат этган эди.

Куропаткиннинг ушбу хати Самарқанд ижроия қўмитаси мажлисида махфий муҳокама қилиниб, ахволни би-

лиш учун Бухорога бир неча кишидан иборат вакиллар жўнатиладиган бўлди.

Махмудхўжа Бехбудий ҳазратлари Самарқанд мусулмонлар ижроия қўмитасининг иккинчи раиси сифатида Бухорога юборилган Самарқанд (Туркистон) вакиллари орасида бор эди.

«Хуррият» газетасининг 1917 йил 1 май сонида ана шу воқеалар муносабати билан муфти Махмудхўжа Бехбудийнинг «Бухоро воқеалари ва дафъи тухмат» деган мақоласи чиқди.

Мақола менга ғоятда мароқли бўлиб туюлди.

Аввало у амирнинг манифести қандай сиёсий вазиятда ва нима мақсадларни кўзлаб қабул қилинганлигини кўрсатса, иккинчи бир ёқдан Бехбудий тақдирида бурилиш нуқтаси бўлганлигини ҳам англатади. Шунинг учун ҳазратнинг ушбу мақоласини тўла келтириш, яъни бу замонамиз кўзи билан қайта ўқиш ва шарҳлашга эҳтиёж бор.

Мақола шундай бошланади:

*«Санаи ҳозира 5-нчи апрелда Самарқанд ижроия қўмитаси мажлисида раис мажлис тарафидан хуфя машварат борлиги эълон қилиниб, генерал (Куропаткин)нинг Самарқанд волийсига 25 мартда ёзган расмий бир мактуби музокарага қўйилди.*

*Бухоро амири ва ё рус консулининг мактуби сабабиндан (Куропаткин) ушбу мактуб ила Самарқандга мурожаат этган эди. Гўё Бухорода кенг бир ислоҳот шаръия жорий этар эканким, Бухоро ҳамсоясиндаки халқнинг Бухорога фасод нашр қилмоқларидан қўрқуш борлиги муғлақ бир суратда баён қилинур эди.*

*Мактуб сарбаста ёзилгани учун ҳар ким бир навъ англр эди. Охирда мажлис қарор қўйдиким, Уврупо аҳллридан жанобон (Чартуф) ва (Гартсфилд), мусулмонлардан Маҳмудхўжа Бехбудий ва мулла Хайдарбек Абу Саъид ўғли, яҳудийлардан (Исохорурф) фууро Бухорога бориб, аҳвол ила ошно бўлсунлар ва аларға лозим маълумотлар берилди...»*

Бу ерда бир неча савол ўртага ташланади:

Нима учун амир Куропаткинни ўз ислоҳотидан ҳабардор қилаётир?

Нега «шаръий ислохот» жорий этишни мақсад қилиб қўйган амир шу боис Бухоро ҳамсоёларида, бу ўринда Самарқанд (Туркистон) халқидан хавфсираб турибди?

Ислохот сабаб бўлиб, Туркистон ва Бухоро ўз-ўзидан бирлашиб кетиши мумкинлигидан қўрқиш оралаганми юрагига?

Нега «фасод»ни у Бухоронинг ўзидан эмас, Самарқанддан кутади? (Унинг «фасод» деганини «озодлик» деб англамоқ керак. Бу турли сўзлар турли тоифалар ва табақалар тилида тамомила бошқа-бошқа маъноларни англатиши мумкинлигига яна бир ёркин мисол. Амир учун «фасод», эзилганлар учун озодлик)...

Амир ва Бухоро ҳукумати Россиядаги феврал инкилобидан ғоятда шошиб қолганлигини эслатган эдик. У қандай бўлмасин, демократик ислохотларни тўхтатиб қолишни кўзларди. Бухорога четдан исён оралашини истамасди. Аллақачон чириб тугаган ҳокимиятни яна бир оз чўзиш учун ажиб бир найранглар устида бош қотирарди. У ҳаммани чалкаштириб юборишни хоҳларди: ўзгаришчи Россияни, ўзгаришчи Туркистонни, ўзгаришчи жадидлар ва Бухоро ёшларини... — ҳаммасини! Гарчи муваққат Россия ҳукумати ислохотларни амирнинг ўз инон-ихтиёрига хавола қилган бўлса-да, лекин амирнинг бу кучларнинг биронтасидан хотиржамлиги йўқ эди. Уларнинг бари уни қўрқитарди. Бу ўринда Бехбудий қўллаган «муғлақ» сўзига эътибор беринг. У берк, ноаён, сирли, чалкаш деганга ўхшаш маъноларни англатиши мумкин.

Амир ўзи хоҳлайдими йўқми, — албатта хоҳламасди! — жаҳоншумул микёсдаги сиёсий гирдоб ичига аллақачон тушиб бўлган эди. Бу гирдобнинг қанчалар дахшатли эканлигини англармиди англамасмиди, айтиш қийин. Лекин унинг бутун хатти-ҳаракатлари, у яратган ҳукумат машинасининг хатти-ҳаракатлари ҳаммаси гирдобда қолганларнинг аҳволини эслатади. Ўзи чалкашиб ётган одам бошқаларни ҳам бутунлай чалкаштиришни пайида бўлади. Шунинг учун унинг Куропаткинга «фасод» ва унинг олдини олиш ҳақида ёзган хатини ҳеч ким тушунолмади. Бехбудий бу ҳолатни жуда топиб айтади: «хар ким бир навъ англар эди»...

Бехбудий давом этади:

«Бизлар 6 апрелда Бухорога бордук. Вогзалда (Миллер) жанобларини кўруб, бир вогунда ўлтуруб қоғазларимизни кўрсатдук. Ул киши деди: «Бу кун жаноб олий амир ҳазратлари катта ва кенг бир манифест эълон қилурлар, сизларнингда Арк олийга бормоқингиз мумкинду...»

Сафир ила бир вогунга ўлтурдук. Мазкур манинг ила форсча ва русча бир хейли сўйлади: «Сизни ғойибона танийман. Ушбу манифестни ҳануз ҳеч ким ўқигон йўқ, биринчи дафъа сизга кўрсатурман» деб матбуъ бир когаз узатди. Ташаккур айтиб, олиб ўқидум. Икки-уч еринда ирод айтдим. Баъзисига жавоб берди. Вогун ичида яна икки форсидан ноиби ҳам бор эдиким, орамизда бир хейли суҳбат ва баҳслар бўлуб ўтди...»

Бу ажойиб парчадан бизда яна бир неча саволлар туғилади: Нега амирнинг ҳали эълон қилинмаган манифести, яъни фармони рус консулининг қўлида турибди? Нега расмий дипломат ўта расмий ва буткул давлат аҳамиятига эга бўлган фармонни бутунлай бегона бир одамга ўқитяпти?

Буларнинг бари нималарни англатади?

Албатта, Бухоро Россия ҳомийлигидаги хонлик эди. У ҳали мустақиллигини тўла йўқотиб улгурмаган эди.

Аслида шундайми?

Бу икки ҳолат амирнинг расмий ҳукумат идоралари ҳам, бу идоранинг фармонлари ҳам мутлако бошқа кимсалар қўлига ўтиб кетганлиги, амир ва унинг фармонлари тамомила ўйинчоқ бир вазият касб этганлигини кўрсатади.

Юртнинг тақдири ва келажагини ҳал қиладиган манифест, яъни фармони олий кимлар томонидан тайёрланганлиги ва кимлар томонидан жорий этилаётганига эътибор беринг. Ўйинчоқликнинг энг сўнг ва энг тубан даражасида мамлакат ва унинг амири шу ҳолга тушса керак. Лекин... Миллернинг манифестни Бехбудийга кўрсатишидан мақсади нима? Унинг фикрини олмоқчи-ми ёки бир нарсага зимдан тайёрламоқчими?

Бехбудийни ўқишда давом этамиз:

«Бизлар ҳам бирга 7 апрелда соат тўққизда Аркга бордук. Соат ўнгача бир меҳмонхонада чой ичиб ўлтурдук. Насрулло қушбеги ила бир хейли сўйлашдук. (Мил-

лер) жаноблари киссасидан манифестнинг аслини чиқоруб, қушбегига берди. Куйисига амирнинг катта давра муҳри босилган эди. Қушбеги ўқуб кўруб қўл қўйди.

(Миллер) жаноблари асл нухани менга берди. Охиригача яна ўқуб чиқдим. Таҳрирининг бир неча жойига сакталари бўлуб, хати баъзан маънони бузар эди. Фолибан, муни муслмони била тургон рус ёзон эди...»

Шу ерда андак тўхтаб ўтамыз. Бу ерда ҳам яна манифест, яъни ислохот тўғрисидаги амир фармонининг эгаси ким деган савол туғилади. Қушбеги Бухоро ҳукуматида амирдан кейинги энг йирик мансабдорлардан бири. Фармони олийни яратишда қушбеги, қозикалон, амирнинг саводхон мирзолари бош чолғучи бўлиш ўрнига улар бутунлай четда қолиб, ташаббус консулнинг қўлига ўтиб кетганлиги ва ҳозиргина ўқиганимиз Бехбудий парчасида қушбеги консулга эмас, консул қушбегига фармони олийнинг асл нухасини қўл қўйиш учун бераётгани ўта таажжубланарли ҳолдир. Бундай тартиб-усуллар бошқа давлатлар тажрибасида бўлганми йўқми, ҳозир айтиш қийин, лекин бўлган бўлса ҳам, бу ўта таҳқирли бир ҳодисаи усул каби қабул қилингандир эҳтимол.

Нима бўлдикин? Амир бундай бениҳоя муҳим манифест — фармони олийни ёзишни ўз муншиларига ишонмадимикин? Уларнинг жимжимадор, болохонадор тили замонавий ислохот манифестини ёзишга ўтмайди ва ўрганмаган ва бинобарин, улар буни қойиллатолмайдилар деб ўйладимикин?

Ёки ислохот тўғрисидаги барча ташаббус амир ҳукумати томонидан эмас, консулхонадан чиқдимикин ва фармони олийни ҳам консулхонанинг ўзи ёзиб қўя қолдимикин? Албатта, консул ва консулхона амир жаноби олийларини уринтиришни, бошоғриғи қилишни, унинг шошган хаёлини янада шоширишни истамагандир. Лекин консулнинг буни андаккина бўлсин пардалашга уринмагани жуда-жуда кизик. Одам беихтиёр бир хаёлга боради: балки ўзга мамлакатнинг консулхонаси ҳам Бухоро амирлигининг ўз аркони ва идорасига айланиб кетгандир... Акс ҳолда қандай қилиб ўзга мамлакат ҳукуматнинг ички фармонлари ва ички хаётига бунчалар теран аралашishi мумкин? Тушунишга ақл ожизлик қилади. Балки ҳамма нарса ўтакетган ожизликдадир... Агар амирнинг ҳурмат-



эътибори шу даражага тушиб қолган бўлса... яна нимани орзу қилиш мумкин?

Бехбудий давом этади:

*«Соат 10 дан ўтди. Бизларни «Раҳимхоний» меҳмонхонасига олиб бордилар. Меҳмонхона 20—30 газ узунликида, 12—15 газ ҳам энликида бўлиб, тўртдан уч ҳиссаси уламо ва ақобири Бухоро ва таъбаа билан тўлган эди. Бизлар бир кунжда турдук, беш дақиқадан сўнгра Насрулло қушбеги жаноб олийни олиб келди. Ҳамма туруб таъзим бажо келтурдилар.*

*Миллер ва нойиблари ила мир кўрушди. Бир кўрпача, бир заррин лўла қўйилган эди. Амир анинг устига мурабаъ ўлтурди. Аммо семизлигидан захмат чекар эди. Халқ амирни дуо этди. Қушбеги фармони ҳумоюндан бир нухасини жаноб қози калон Шариф махдумга берди. Амирнинг ўзи ва ҳамма ҳозирун тек турган ҳолатда жаноб қози калон баланд овоз ила охиригача ўқудилар.*

*Халқ яна амирни дуо этди. Баъзи ёшлар: «Яшасун амир ҳазратлари!» — деб чоқирдилар...»*

Бехбудий саҳналарнинг ўзгаришини қанчалар гўзал чизади. Унинг гўзаллиги ўта аниқлигида ва энг муҳим ҳолатларни бениҳоя зийраклик ва заковат билан илғаб турганида. Ўзгаришни сездингизми? Энди фармони олийни, яъни манифестни ўқиш учун қози калонга консул ёки амир эмас, қушбеги узатади. Жамоат ўртасида андак одоб сақлаш зарурлигини консул, амир ва қушбеги-лар ҳис қилдилармикин? Мени бу ерда, яна билмадиму сизга қандай кўринади — Бехбудийнинг «Насрулло қушбеги жаноб олийни олиб келди» деган фавқулудда жумласи ҳам хайратга солади. Ҳолбуки, амир жаноблари қушбеги ва бошқа аъёнлар ўрамида келишлари керак эди. Лекин: «олиб келди!» Бехбудий амирда ҳеч қандай куч-қувват, шуқуҳ қолмаганлиги, унинг иродаси батамом синдирилганлигини шу қисқагина жумлада ифодалаб бераяптими? Шуқуҳсизлик шу ҳолга етишганмиди?

«Яшасин амир!» — деб кичқираётган ёшларнинг сямимий хаяжонлари одамни тўлқинлантиради. Ўша йиллар ва ўша кунлар Бухоро ёшлари жуда-жуда жўшқин эдилар. Мусовот ҳақидаги романтик ҳаёллар ва кайфиятлар уларни бутунлай ўз домига олган эди.

Амир эса... амир эса... «семизлигидан захмат чекар эди!» Бехбудийнинг бу тарихий мақоласи манифест қабул қилингандан ва Бухорода қонли намоёиш бўлиб ўтгандан, Айний каби беҳад ажойиб инсонга етмиш беш дарра урилгандан сўнг йигирма уч кун ўтгач «Хуррият» да чиқди. Шундан унинг қанчалар шитоб билан ёзилганлиги ва босилганлигини билиш мумкин.

Бу бебаҳо ҳужжат-мақола амирнинг кўзига тушдимикин? Ўқидимикин? «Бухоро воқеалари» деб аталган мақолага ва бунинг устига Бехбудийнинг мақоласига унинг кўзи тушмаганлигига ишониб бўлмайди. Амир Бехбудийнинг сўзларини юрагига тугиб қўйди. У кин ва қон ичида улғайган... бошқа иложи ҳам йўқ эди. Кейин у икки йил кутади. Икки йилдан сўнг апрелда Шаҳрисабзда Бехбудийни қўлга туширади. Орзусига етади. Ўзбекистон куёшини сўяди ва ерга тикади. Лекин унгача хали икки йил бор. Унгача Бехбудийга ҳар қадамда таҳдидлар уюштириш мумкин, ҳақоратлар қилиш, тухмат тошлари отиш мумкин...

Бухоро воқеаларининг бевосита иштирокчиси Айний ҳам ўз таассуротларини ёзиб қолдирган. Фақат у уч кундан кейин эмас, уч йилдан кейин уларни қаламга олган. Чунончи Айний домла ёзади:

*«Чақирилганлар соат ўнларда (кундуз) «Раҳимхоний» меҳмонхонасида расмий ўринлари ва амаллари тартиби билан ўтирдилар. Ушбу мажлисда рус элчихонасининг аъзолари, Когон ижроия қўмитасидан намоёндалар, Самарқанддан табрик учун келган қози Ҳайдарбек ва яна бир европалик ҳозир эдилар.*

*Мажлис тамом ҳозирлангандан кейин амир юқори эшикдан кириб, рус элчихонасининг аъзолари ва бутун европаликлар билан кўришди.*

*Мулоқот маросими битгандан кейин амир ўзи учун ҳозирланган тўрдаги ўринда ўлтириб, қўл кўтариб фотиҳа ўқиди. Сўнгра Насрулло қушбеги маълум фармонни қози Шарифжон қўлига бериб ўқимоққа ишорат қилди. Қози калон фармон ўқимоқ учун тикка турганда амир ва бошқалар фармон шарафига тикка туриб қулоқ осдилар...»* Айний шундан сўнг ўз машҳур асарида фармоннинг асл нусхаси ва унинг ўзбекча таржимасини айнан келтиради. Сўнг шундай қўшимча қилади: «Фар-

*моннинг таъбири ва таркибларининг бузуқлигидан биз-  
зот Миллер ва Шулка тарафларидан таҳрир қилин-  
ганлиги англашилди. Зеро, дарбор котиблари ва Нас-  
рулло қушбегининг ўзи форсий таҳририда бир даража  
иқтидорли одамлар эдилар...»*

Айний домла бу воқеага бошқа машҳур асарларида кейинроқ яна тўхталиб ўтганлар. Фармонга, унинг мо-  
хиятига тўла ўз баҳоларини берганлар:

*«Бу фармон киши тушунолмайдиган иборалар би-  
лан ёзилган эди. Унинг бир неча жойида қуйидаги сўзлар  
қайта-қайта такрорланарди... «Бизнинг ҳукумат идо-  
раларининг ислоҳоти ва ўзгаришлари шариати шариф-  
га мувофиқ бўлади...»* Бу қайднинг ўзиёқ бирон нарса  
хам бўлмаслигини кўрсатар эди. Ислохотчилар нимаки  
таклиф этишса, «бу шариати шарифга мувофиқ эмас»,  
деб рад этар эдилар. Бироқ, ислохотни орзу қилган  
кишилар бу нозикликни тушунмадилар, уларнинг раҳ-  
барла-ри — жадидлар эса, «амирнинг бу мукофотини  
шодиёналик билан қабул қилиб, провокация йўлида амир-  
га ташаккур изҳор этишга тайёрлик кўрмоқда эдилар».

Яна Бехбудий ҳазратларига қайтамиз. «Бухоро воқе-  
алари ёки дафъи тухмат»нинг давоми шундай:

*«Амир яна элчилар ила ва биз била борган икки  
нафар уврупойи ила қўл узотиб кўрушди. Биз икки  
нафар мусулмон-да мунтазир эдукки, қўл узотсалар,  
токи зиёрат қилсак. Ва илло, олий ҳузурда ҳаммамиз  
аралаш турган эдук. Фолибо, салла ва чопонларимиз  
зарар келтурди. Амир ҳазратлари на аввалда ва на  
охирда, агарчи бир калима бўлсун, сўйламасдан фуран  
чиқиб кетди...»*

Бу Бехбудий асарининг энг қизик жойларидан бири.  
Яна ёруғ оламни ўзинг тушунмаган ва тушунишни иста-  
ган саволларга тўлдириб ташлагинг келади. Саволла-  
рингга жавоб ололмайсан. Жавоб берадиганлар ўтган.  
Шунинг учун саволингнинг ўзи ўзингга худди жавобдек  
эшитилади.

Амир ҳазратлари нега «уврупойилар»га алоҳида эъти-  
бор бериб, иззат-ҳурмат кўрсатдилару, ўз миллатдошла-  
рига келганда, улардан юз ўгирдилар.

Нега амир ҳазратлари замонасининг таниқли адиби  
бўлиб танилган, «Падаркуш»и бепоён Туркистоннинг бар-

ча пучмоқларига овоза бўлган, ўткир мақолалари ва саёхатномалари барча миллатпарварларнинг тузалмас жароҳатларига доруйи шифо каби таъсир қилган Маҳмудхўжа Бехбудийдек бир мунаввар сиймони танимагандек бўлиб ўтди.

Уврупойиларга амир тобе эди. Улардан, уларнинг куч-қудрати ва ҳарбий машинасидан қўрқар, улардан ўзини эҳтиёт қиларди.

Амирда ўзи истайдими-йўқми, қуллик аломатлари зоҳир бўлган эди. Тобелик фожиасига дучор бўлган ҳукмдорларда ўз тобеинларини менсимаслик, кўзга илмаслик, улардан нафратланиш белгилари пайдо бўлади. Бу ожизликнинг энг ёмон аломатидир.

Амир Бехбудийни танимаган, билмаган деб айтиш қийин. Ҳар ҳолда у замонасининг ўқимишли кишиси эди.

Эҳтимол, у Бехбудийни танигани ва жуда яхши билгани учун ҳам у билан қўришмай ўтгандир. Уни қаттол душман деб билиб қўл узатмагандир. «Ғолибо, салла ва чопонларимиз зарар келтурди», деб нозик киноя қилиб ўтади ҳазрат Бехбудий. Лекин гап салла-чопондами? Ўшанда амир тез орада Бехбудийни қўлга туширишни кўзламаганмикин? Шу мақсадда унинг кетидан айғоқчиларини қўймаганмикин?

Унинг бир калима бўлсин сўзламасдан бу мажлисдан чиқиб кетганлиги юраги буюк талваса, кин ва адоват, алам ва нафрат билан тўлиб ётганлигини кўрсатмайдими?

Айғоқчилар, бадхоҳлар, қадимчилар Бехбудийнинг изидан тушган эдилар. Бу ҳақда ҳазрат «Хуррият» газетасининг 1917 йил 16 июн сонисида шундай гувоҳлик ҳам бериб ўтадилар:

*«Манинг ўзумни ҳам исмсиз мактубда ўлум ила қўрқутадилар. Аммо мен йигирма саналардан бери ёмон сўзларни халойиқдан кўп эшитдим ва мундай адабсиз мактублардан кўб кўрдим. Ниятимнинг холислиги учун мундай сўз ва мактублар манга таъсир қилмайду»...*

*«Мани ёшлар, савдогарлар, муллалар ва руслар жамиятига бормагил демоққа ҳеч кимнинг ҳақи йўқ ва монe ҳам бўлмайду»...*

*«Такрор айтарман ким, мани қўрқутарман деб, беҳуда захмат чекмасун, ўшал исмсиз мактубни таклифига мувофиқ жавобимизни мана газетада ёздук. Ва энди мактуб эгасининг бизга юборатурган ўлумига мунтазирмиз. Ҳар ҳолда ўлум бирдур, икки эмас!»*

Шундан икки йил кейин...

Нега ўлумкашларни чақирдингиз, ҳазратим!

Ахир улар кимни аяганлар? Кимга шафқат қилганлар?

Сизнинг бу мардона сўзларингизни амир ҳазратлари ўқимади деб ўйлайсизми?

*«Бухоро воқеалари...»ни охирлатиб қўяйлик. Шу кичкина асарда тарих, ҳаракат, ўлка кишиларининг замон ўзгараётгандаги аҳвол руҳияси ниҳоятда аниқ акс этади:*

*«Мен (Миллер)дан рухсат олиб, ҳозир унга шу арзни қилдим: «Ҳазрат уламо ва аъёни Бухоро! Жаноб олийнинг ушбу кунги марҳамат олийлари ила бутун Бухоро қариндошларимизни табрик этмоқга жасорат этарман. Умидвормизки, бу қийматбахо фармоннинг жорий ва маърифий бўлушига ҳазрат уламо ионат этсалар. Амир ҳазратларининг бу бахшиши шоҳоналари халойиқнинг тараққий ва осойишига албатта сабаб бўлур. Бутун Самарқанд аҳолиси номидан бандалари бул мажлисда арз табрик ва эҳтиром этарман!»*

*Ҳозирунлардан бири: «шаръи шарифга мувофиқми?» — деди. Қози калон бунга хитобан: «Мен бошдан охиригача ўқудум. Шаръи шарифга мувофиқдур. Бинобарин, ёрдам қилурмиз», дедилар. Мен ташаккур айтиб, ўртадан чекилиб, еримга қайтдим.*

*Фармон фақат 500 нусха қадар босилган эканким, (Миллер) котибининг қўлида эди. Халқга 500 нусха қадар тарқатдилар. Аммо андаги халқ мингларда бўлуб, сўнг устига ҳужум эткан эдилар. «Халқ бетартиблик қилди» деб (Миллер) жаноблари манифест тарқатмоқдан манъ этди. Гўё қогоз қаҳат, ёинки, ақча йўқ эди ва илло, эллик минг нусха тарқатмоқ керак эди. Бухоро ҳукуматини бул байда билмайман, ақлими етмади ёинки ихтиёрими йўқ эди?!*

Хаммамиз ва элчи чиқиб кетдук. Арк атрофида бир неча минг халқ тўпланган эди. Мен, Чартуф мулла Ҳайдарбек ва Исохуруфни ёшлар бир ҳовлига таклиф этдилар. Бордук. 50—60 нафар ёшлар тўпланди. Табрик этдук. Алар кўчаларга чиқиб намойиш қилмоққа машварат этдилар. Бизлар манъ этдук. Ёшлар қабул қилмадилар. Охири бироз эътидол ила ҳаракат этмоқга шиддатли суратда тавсия этиб чиқдук.

Бориб бироз истироҳат ва таом этдук. Соат 3. Яна ёшлар мажлисига қайтдук. 200 га қадар киши тўпланган экан, Лаби Ҳовуз ва бошқа жойларда митинг ва жамият қилиб эканлар. Фармонни баланд овоз ила ўқуб халойиқга тушунтурубдурлар. Ҳатто бирикки минг халқ тўпланган жойлар бўлубдур. Ёшлар ниҳоятда масрур ва масъуд эдилар.

Бизлар (Маҳмудхўжа ва мулла Ҳайдарбек) бир исломия қулуби (мажмуи) таъсис этмоқга машварат бердук. Ўзлари ҳам бир жамият хайрия учун қонун тузатган эканлар. Бизлар ҳам аъзо ёзилдук. 2 минг сўмга қадар ақчалари бўлди. Ёшлардан Файзуллахўжа Убайдуллахўжа ўгли жаноблари 500 сўм, Сатторхўжа 100 сўм берди.

Эртага намойиш қилиб, амир ҳазратларига арзи ташаккур ва изҳори убудият учун алам кўтариб аркга бормоқчи бўлдилар. Бизлар уламога қаттиқ тегар деб манъ этдук...»

Лекин масарратга тўлган ёшлар Маҳмудхўжанинг вазмин гапларига қулоқ соладиган аҳволда эмас эдилар. Уларнинг кўзларига ажиб бир ғалаба жилваланиб кўринмоқда ва ҳозир улар назарида амир бир фариштага айланган эди.

Бехбудий намойишни манъ этиб қанчалар ҳақ бўлганлиги бир неча соат ичидаёқ даҳшатли бир тарзда намоеън бўлади-қўяди. Ёшлар ўз юлдузли онлари келганлигига ишонардилар. Вақт эса шиддат билан ўтиб борар, эҳтимол Николай II вақтнинг ана шундай шиддатига тоб беролмай икки ой бурун ўз салтанати ва тахтидан ўз ихтиёри билан воз кечган эди. Балки Бухоронинг жўшқин ёшлари амирнинг ҳам шундай ўз тахтидан воз кечишини орзу қилгандирлар. Улар қадимчиларни яхши билмас-

ликлари кўп ўтмай ошкор бўлди. Ихтилофлар изидан қонли воқеалар келди.

Бехбудий шундай хикоя қилади:

*«Бул бобда ихтилоф бўлди. Оқибат ёшлардан 4 нафари биз ила бориб (Миллер) ила машварат этмоқчи бўлдук. Ёшлар бир неча алам-да ҳозирлаб қўйган эканлар. Умаро, уламо, савдогарлар ила ҳусни хулқ бирлан ва ювошлик ила муомала қилишни ёшларга оғизона тавсия этдук. Оқшом Когонда (Миллер)нинг олдида бордук. Йўл узасинда мулоқат этиб, намойишни сўйладук. Миллер манъ этди. Ёшлардан баъзи қилмоқчимиз, деди. Миллер Маҳмудхўжага: «Намойишга сиз ташвиқ қилибдурсиз», дегандек бўлди. Маҳмудхўжа: «Бу иш мандан эмас, балки манъ этдим, қабул қилмайдилар, дедим». Миллер: «Мен биламан, агар сиз қатъиян манъ қилсангиз, қабул қилурлар», деди.*

*Мен дедим: «Бўлмаса, сулҳ қилурмиз шундайким, элчи жаноблари подшоҳлик иморат ва ё ҳовлилардан бирини (қулуб) учун бериб, йўмқшодисда (?) ҳозир бўлсунлар, ёшларнинг ўзини ва жаридасини ҳимоятларига олсунлар. Намойишни бир неча кун сўнгра амир ҳазратлари боғига чиққандан кейин қилсунлар». Мунга ҳамма кўнди.*

*Мен ва мулла Ҳайдарбек алардан ажралиб, қўшхонамизга бориб, 8 апрел шанба кун ирта бирлан соат 8 да Каттақўрғонга кириб икки фирқа бўлган мусулмон қариндошларимизни яраштурмоқ учун рижъат этдук.*

*Эшитқонимизга кўра, шанба кун аввало яҳудийлар ва кўча халқи намойиш учун бир ерга жамланурлар. Ёшлардан бир қисми ҳам ноилож буларга қўшилурлар. Охири акси ҳаракат бошлануб, ёшларга ҳужум қилинур, ёшлардан бир нечаси урилуру. Бири зарб сабаби ила шаҳид бўлуру. Бу сабабдан Самарқанддан рус аскар ири бориб, ишни яхшилик ила бостируру. Самарқанд мусулмонларидан ҳам аскар ила бир неча депутат боруру. Бухоро тинчлашуру, аммо бир-икки беғуноҳ мударрис-да эскилик тарафдорларидан таёқ ейар. Биз бу ҳодиса ражъиянинг сабабини бошқа бир мақоламизда баҳс этармиз.*

*Бизлар Каттақўрғонга кириб, биродарларимизни яқинлаштуруру, яраштирдук. Сўзимизни рад қилмаган-*

лари учун ташаккур этамиз. 8 апрелда Самарқанд мавзейида Бухорода воқеа бўлган қора хабарни эшитдик. 9-нчида Тошканд «краевой сиезди»га бордик. Бир-икки кундан сўнгра сиезд мажлисида руслардан баъзиси Бухоро ҳодиса ражъиясига Самарқанддан борган депутатлар сабаб бўлди, Самарқанддан ўз ихтиёрлари ила бордилар, деб минбардан сўйлади. Камина Маҳмудхўжа туруб, минбар юқоридаги сўзларни муфассалан сўйлдим. Андаги уврупойи йўлдошларимиз ва Самарқанд ижроия қўмитасининг раиси Аранский жанобларини шоҳид кўрсатиб, хасмни мулзам ва сукут этуб, ўзумдан ва рафиқларимдан дафъи тухмат этдим. Бухоро уламо ва умаросидан баъзиларининг бу фармон олийдан норозиликлари сабабини бироз баён этдим. Лозим бўлса, бошқа бир мақола ила мўътабар «Хуррият» қориларига-да баён қилинур. Самарқанд. Маҳмудхўжа Бехбудий».

Устод Бехбудийнинг матонатга тўлиқ бу сўзларини ўқиб ўтириб, ҳазратнинг қатъият ва синмас ирода чакнаган донишманд кўзларини кўргим келди. «Мунтазирман!» — деган беҳад шижоатли овози қулоғимда янграб турди. Лекин юртнинг нури илохийси акс этган бу беҳад суюкли дийдорни энди ким кўра биларкин?

Устодга тенгдош ва ҳаммаслак, ҳамқур бўлган буюк Жовиднинг ҳасратли бир сатрини эсладим. У ўз буюк устози ва муаллими Мухаммад Тағи Сидқийни соғиниб, соғинчининг шиддатини шундай ифодалаган экан:

*Урайим билир, ман билирам, бир да билир урайим...*



## II

# ADNABAP SYALLAH



### ФАЗЛ. ФАСОҲАТ. ЗАКОВАТ.

*(Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов)*

Олти-етти яшар болалик чоғлари қаттол уруш йилларига тўғри келган, уруш туфайли барча одам боласи қисматига тушиши мумкин бўлган машғум айрилиқлар, талафотлар, азоб-укубатларни мурғак бошларидан кечирган, масъум юракларини уруш ваҳималари тилкалаган, эзган ва худди пўлаланган анор ҳукқачасидай қилиб қўйган кишилар тинчлик, эминлик, фаровонлик, нисбатан тўқчилик даврида ўсган, суяги қотган одамлардан доимо ҳар бир жихатда, ҳар бир ҳодисотда фарқланиб турадилар. Улар ҳеч қачон ҳеч бир кимсанинг ҳақини емайдилар, ҳеч қачон ҳеч бир кимсага зиён-заҳмат етказмайдилар: кишиларнинг эрки, ихтиёри, қарашлари, ўзлигини бўғмайдилар, даҳл қилмайдилар, аксинча, ҳамisha ўзгаларга ҳақ берадилар, кишиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини қаттиқ химоя қиладилар. Қўллари доим эзилган, кийналганларнинг бошини силашга, уларнинг оғирини енгил қилишга, етим ҳолини сўрашга чоғланган...

Уруш ва ундан кейинги турли ҳаёт қаттиқчиликларини кўравериш улар чиникиб, метиндай бўлиб кетиш ўрнига табиатлари хаддан зиёд юмшоқ, ҳалим, ўта назокатли бўлиб қолганлар. Шу билан бирга улар ҳаётини қарашлари ва принципларида жуда собит, барқарор кишилардир. Уларнинг ҳаёт бўронларига собит туришлари феъллари, хатти-ҳаракатларининг юмшоқ, майин назокати билан сира келишмаётганга, булар ўзаро бир-бирларига жуда зид келиб уларни ҳамisha кийнаётган, ҳамisha йўл танлашга мажбур қиляётганга ўхшайди. Чунги гап уларнинг ҳаётини принциплари ҳақида борганда, улардан ҳам қаттиқроқ, улардан ҳам кескинроқ, улардан кўра ўткирроқ бошқа биров топилармикин? Ўта юмшоқлиги, ўта қаттиқлиги билан уйғун, мутаносиб одамлар бўлса, улар болалиги ўша машғум уруш йилларига тўғри келган, суяги уруш йилларида қотган, уруш йилларининг иродасини ўзлаштирган одамлардир. Улар энди олтмишдан ошиб, етмишларни қоралаб, қувлаб бораётирлар.

Эл-юрт чин дилдан севган, ардоқлаган, номи дунёга танилган ўзбек шоири, адиби, жамоат арбоби Эркин Воҳидов болалиги ана шу уруш даврига тўғри келган авлоднинг вакили: у ўзида шу авлоднинг барча фазилат хусусиятларини мужассамлаштирган дейилса, бу сўзда ҳеч қандай муболага йўқ.

Унинг барча ёзган асарлари замиридаги тиниқ самимият, маҳрамона инсонийлик, меҳр-оқибатни одамийликнинг энг юксак идеали даражасида тушуниш ва ўз асарларида шундай талқин этиш, яъни шеър-достондагина эмас, ҳаётда ҳам, ҳаётнинг ҳар қандай ҳолатларида шунга риоя этиш, оғинмай амал қилиш, Ватанга худди отага суянгандай суяниш, халққа худди онага топингандай талпиниш, юртнинг, элнинг қамолини ўйлаш, орзу қилиш, унинг учун тинимсиз қайғуриш ва юрт маънавияти, тарихи ва анъаналаридан доим завқларга тўлиб юриш, қадим мумтоз шоир, муаррих, донишманд адиб аждодлар каби комилликка сажда қилиш, комилликни кўрган, унга дуч келганда дарҳол илҳомга тўлиш, ҳаяжонланиш — Эркин Воҳидовни инсон, шахс, қатта санъаткор шоир сифатида ўз даври, ўз авлодининг жуда ёрқин пешқадам вакили деб қарашга имкон беради.

Эркин Воҳидов ўзини шеърга бағишлаган ва ҳеч қачон шеър устида ҳиёнат қилган эмас. Рост, балки унинг, мана, қирқ йилдан бери нашр қилаётган китоблари, асарлари жилдларини ўта қийиқ танқидчи кўзи ва талаби билан ахтарса, балки замонасозлик руҳида битилган айрим намуналарни топиш мумкин. Лекин шундай замонасозликда айбсотиш мумкин бўлган намуналарда ҳам шеърини сатрлар худди арғанун торларидек тегмасангиз ҳам, ўз оҳангдорлиги билан жаранглаб туради. Холбуки, ўша замонасозлик, тоталитар тузум, унинг мафкураси билан мурасасозлик кўп шоирлар талантларининг эркин ўсишига йўл қўймади, баъзан талантларни ўтмаслаштириб, уларни ўта жўн, сийқа, таъмагир мадҳиябозлик, маддоҳлик йўсинида асарлар ёзишга кўндирди. Замонасозлик, мадҳиябозлик ижоднинг эркин томирларини касаллантирди.

Эркин Воҳидов тоталитар муҳитнинг замонасозлигига қатъият билан қарши туролди. У ҳоким гуруҳнинг эмас, қалбининг амри билан ижод қилди, ўз инсоний,

ижодий принципларини мафкуранинг шиддатли тазйик ва амрбозликларидан сақлашга муяссар бўлди.

Эркин Воҳидовнинг илк босилиб чиққан шеърлари эллигинчи йилларнинг айни бошларига тўғри келади. Ўшанда мафкуравий тазйиклар, шахсга сифиниш деб аталган ижтимоий ҳодиса, коммунистик дағдағалар авж нукталарига кўтарилган ва етилган миллий шоирлар яна навбатдаги таъкиб ва қатли омга учраган чоғлар эди. Эркин Воҳидов ўқувчилик пайтлари ҳам ҳукмрон мафкуранинг пуч тумтарокликларига эмас, эл-юрт юрагига, ўз қалбининг зарбларига қулоқ тутди. Тазйиклар, чеклашлар, ҳақларни поймол қилишлар қанчалар зўр бермасин, халқ назари-эътиборида ҳаётбахш неқбинлик доим тирик эканлигини эрта англаб етди. Эрта ёшлик чоғидан шу ҳақиқатни у қалби-қалбидан туйди. Унинг илк шеърларидан бири «Олма» кўпларнинг ҳамон эсида. Халқим «олма» демайди, «ол» дейди. Боғбон мевасини халқ учун етиштиради. Халққа тухфа этади. «Олма» дейишлик мехмондўст халқимнинг одатига зид. Халқим ўз боғида ниманики етиштирса, уни бошқаларга тортиқ қилади. Эркин Воҳидов халқнинг бағрикенглиги, саховатпешалигини болаликдан жуда чуқур туйди. Шу бағрикенглик, саховатпарварлик шоирнинг ҳамиша илҳом манбаи бўлиб келди. Катта Эркинни яхшироқ тушуниш учун кичкина Эркин ҳаётининг айрим лавҳаларига назар ташлашга тўғри келади.

Кичкина Эркин ҳамма нарсага қизиқарди. Саволларининг охири кўринмас, уларга жавоб топиш баъзан катталар учун ҳам осон кечмасди.

Бир куни Эркин Воҳидов билан биргаликда Тўхта-син Жалоловнинг 90 йиллигини нишонлаш учун Фарғонага Ёзёвонга бораётган эдик. Самолётимиз Фарғонага етиб, Қиргули устидан айланаётганда: «Дарров Қиргулига келибмиз», дедим. Эркин Воҳидов самолёт дарчасидан ташқарига қараб Қиргули манзараларига кўз югуртираркан, ўйланиб қолди. Қиргули бирдан унга олисларда қолиб кетган мурғак болалигини эслатди. То самолёт ерга қўнғунча шоир шуларни ҳикоя қилиб берди:

— Уруш бошлангунча уч-тўрт яшар болакай эдим. Ёшгина онамнинг қўлида кичкинагина сингилчам бор эди...

— Эркин ака, уч-тўрт яшар болалик чоғингизни эслай оласизми? У пайтлар яхши эсингизда қолганми? — деб сўрадим. Эркин Воҳидов мактабда ўқиб юрган кезлари хотираси ўткирлиги билан машҳур эди. Бир ўқиган, эшитган нарсаларини дархол эслаб қолар, сўнг оқизмай-томизмай сўйлаб берарди. У шунинг учунмикин аниқ фанларга — физика, математика, иқтисод, геометрияга ҳам ғоятда қобилиятли эди. У ўқиган мактабда бу фанларнинг ўқитувчилари жуда кучли деб ҳисобланардилар ва ўқувчилар уларни севар, уларга эргашиб, таклид қилар, уларнинг ўғитларини жон қулоғи билан тинглар, улардай бўлишга уринардилар. Умуман, Эркин Воҳидов мактабда жуда фаол эди. Мактаб ҳаётининг барча тадбирларида иштирок этар, ўзидан икки-уч синф юқорида ўқийдиган, мактабнинг илғор, етакчи ўқувчиларидан бўлган Сайёр Пўлат Файзуллаев сингари дўстларига эргашар, адабий-бадий учрашувлар ташкил этар, мактаб саҳнасида спектакллар кўйишда қатнашар, байрам тантаналари, сиёсий митингларда Сайёр билан бирга шеърлар ўқирди. Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» саҳна асари жуда довруқ қозонган йилларда 22-ўрта мактаб саҳнасида бу спектаклнинг айрим саҳналарини ўқувчилар тайёрлаб ўйнаган, унда Эркин Воҳидов, Мўмин Мирзо, Сайёр Пўлат Файзуллаев Алишер Навоий ролида чиққан эдилар. Эркин Воҳидов бу фожиали ролни хўб қотириб адо этиб, ўқувчилар ўртасида машҳур бўлиб кетган эди...

Суҳбатимизга қайтайлик.

Шоирнинг кўзида завқ учқунлари чакнади.

— Уйимиз Олтиариқда эди. Отам ҳар доим шинел, кител, ялтираган этик кийиб юргани эсимда. У мактаб директори, ўша пайтга кўра катта одам эди. Чамаси, ўша пайтнинг раҳбарлик лавозимида ишлайдиган кишилар шундай шинел, кител, қўнжи баланд этик кийиб юрган бўлсалар керак. Уруш хавфи чиққан, балки урушга тайёр бўлиш учун шундай қилишармиди, билмадим. Отамни мен уч яшар чоғимда Марғилондаги МТСга партком қилиб ишга қўйишган экан. Эсимда, эшигимизга танкка ўхшаган ўрмалаб юрадиган катта трактор келди. Бутун кўчларимизни шу тракторга ортиб Олтиариқдан Марғилонга йўл олдик. Бизга мана шу Қиргулига яқин ердан ҳовли-жой ажратилган эди. Тракторнинг ор-

касига — темир филдирагига резина кийдирилган автокчка дейиладиган арава тиркалган эди. Унинг тепасида отам ва амакиларим бизнинг жуда ҳам каттакон шкафимизни қўллари билан тираб ушлаб келишарди. Бир пайт каттиқ силкиниб кетдик. Автокчканинг филдираги йўлни кесиб ўтган чукургина ариқка тушиб кетиб, шкаф кийшайиб ерга ағдарилган эди. Қаранг, ўша ўттизинчи йилларнинг охирида шкафимиз бўларкан...

Отам МТСда ишлаган пайтлар шу Қиргулига чиқардик. У пайтлар бу ерлар яйдоқ кир эди, ҳеч ким яшамасди. Баҳор келганда лола чаман бўлиб очиларди. Битта-яримта эски кулбалар бўларди. ...Ўша пайтлар ҳар нарсага қизиқадиган бола эканман. Ҳар қадамда «бу нима?», «бу нима?» — деб савол бераверардим. Катталарни баъзида безор қилиб юборардим.

Бир куни амаким уйимизга гўшт кўтариб келди. Мен кўярда-қўймай «бу нима?» — деб сўрайвердим. Амаким бир гўшт, деди, икки гўшт деб жавоб берди. Мен эса сўрайвердим. Ниҳоят амаким: «Бу-ми?! Бу — гўшт!» — деб кичкирди-да, қўлидаги гўшни деворга отиб урди. «Бўлдим?! Энди билдингми, нималигини!» — деб бакирди. «Амаки, гўшни деворга ёпадим?» — дедим мен ҳам бўш келмай. Амаким ўрнидан туриб кетди. У жуда тажанг, серзарда, жаҳлдор одам эди.

...Бир куни ўйнаб юриб отам ишлайдиган МТСга бориб қолибман. Отам уч-тўртта кишилар билан ҳовлида нималарнидир гаплашиб турган экан. Мени кўрдида, негадир ўрисчалаб: «почему босиком?» — деб сўради, оёқяланг юрганимни ёқтирмай. Отам нега ўрисчалаб гапирганини тушунолмадим. Илгари ҳеч бундай гапирганини эшитмаган эдим. Унинг шу сўзлари қулоғимда муҳрланиб қолган. Кўп бора эслаганман кейин. Балки олдида турган одамларга биз уйда ҳам русчалаб гаплашиб турамиз, дегандай қилдимикин, хайронман... Отам жуда келишган, кўркам одам эди. Унга ҳавасим келарди...

Одамнинг жуда эрта болалик чоғларида эса муҳрланиб қоладиган шундай воқеалар бўлади. Улар сўнг бир умр кишининг хотирасидан кўтарилмайди. Умрнинг дамларида бот-бот ёдга тушади. Улар балки кейин рўй берадиган алланималардан дарак берадилар. Уларда худди шу одам умрининг мазмуни, маъноси ўчмас бўлиб

мухрлангандай кўринади. Ҳеч нарса тасодифан рўй бермайди. Ҳамма нарсаларнинг учи болаликда яшириниб ётади. Навоийнинг уч яшар чоғида «Мантикут-тайр»ни тўлалигича ёд олиб, хаёлпараст бўлиб қолгани тасодифмикин? Ёки унинг сабий чоғида даштда Шарафиддин Али Яздийга дуч келгани, унинг дуосини олгани тасодифмикин? Кейинчалик бу воқеалар унинг ҳаётига таъсир кўрсатиб, умр саҳифаларига шуъла сочиб турмади-ми?

Эркин Воҳидов ҳикоя қилиб берган соддагина воқеада унинг заковати уйғониб келаётганлиги, атрофини қуршаган нарса-ходисаларга жуда ҳам қизиқиб қараши, унда дунё ва одамларни билишга майллар уйғонаётганлиги, сўзларни эътибор билан тинглаш ва уларнинг устида ўйлаши, мулоҳаза юритиши, яъни катта ижодкор шахсларда камол топадиган характерли унсурларнинг зухурланишларини кузатиш мумкин.

Сухбатларимиздан бирида Эркин Воҳидовдан энг биринчи ёзилган ёки мияда туғилган шеър ҳақида сўрадим.

— Биринчи туғилган шеърим «Қора қушлар қўнарлар Мажнунтолнинг шоҳига...» деб бошланадиган шеър бўлса керак. Уни узоқ вақт ҳаёлимда пишириб юрганман. Биринчи маротаба биздан пича тикроқ Сайёр акамга ўқиб берганман. Ўшанда у жуда қаттиқ ҳаяжонланган ва мени шеър ёзишга ундаган, тўгаракларга, домла Файратий ҳузурига етаклаб борган эди. Лекин нега шундай ёзганман, бу ҳаётини манзарадан олинган бир оний таассуротнинг натижасими ёки бунинг тагида одам англаши қийин бир маъно бормиди, ҳанузгача тушунтириб беролмайман. Балки бу миянинг остки қаватларида чўкиб ётган аламли тасаввурларнинг акс-садосидир. Эллик иккинчи йиллар оғиргина йиллар эди... — Эркин Воҳидов анчагача ўйланиб қолди. Сўнг: — Баъзан тушунтириш қийин бўлган жуда ғалати маънодор ходисалар бўлади. Қора қушларнинг келиб тол шоҳига ўтириши, уларнинг оғирлиги остида шохларнинг эгилиб нола қилиши ва кейин қушлар учиб кетгач, шохларнинг яна асл ҳолига қайтиши, сизнинг бугунги тилингиз билан айтганда, ўзини тиклаши менга ўша пайтда қаттиқ таъсир қилган бўлса керак ва эҳтимол нималарнидир эслатгандир. Балки бу эзилиш, эгилиш тирик жон учун ўткинчи эканлигини

англатар ва ҳамиша тирик жонзотда тикланиш, ўнгла-ниш умиди, имконияти борлигидан дарак берар... Бу шеърни қоғозга туширганимда ўн беш яшар ўсмир эдим. Лекин уни кўп вақт миямда пишириб юрган бўлсам ажаб-мас. Биринчи босилиб чиққан шеърим «Собиржоннинг туфлиси» деб аталарди. У 1952 йилда «Муштум» жур-налида чиққан эди. Тагига «Эркин Воҳидов, 7-Б синф ўқувчиси» деб имзо қўйилган эди. Илк машқларим ҳақида профессионал сўзни Мақсуд Шайхзода айтган. Ўша пайт-да «Қизил Ўзбекистон» газетасида унинг адабий обзор-лари мунтазам босилиб турарди. 1957 йилда Ернинг сунъ-ий йўлдоши учирилди. Шунда «Кичик Ой сўзи» деган шеър ёздим. У «Қизил Ўзбекистон» газетасида чиқди. Мақсуд Шайхзода кўп ўтмай ўзининг адабий обзорлари-дан бирида бу шеърни тўлиқ келтириб, таҳсин айтган эди...

Эркин Воҳидовнинг болалиги осон кечмади. Ота-она-дан эрта айрилди. Яраси битмас-туганмас бу айрилиқ-нинг мунги сергак, закий, мурғак юракнинг тубига бир умрга чўкди.

Уни Карим Сахибобоев, Рихси Сахибобоев сингари зиё-ли, маърифатли тоғалари ўз бағирларига олдилар. Кич-кинагина Эркинни ўз маърифатли, олижаноб, ҳамиша нафосатга йўлдош давраларининг тенг аъзоси, иштирок-чиси каби тарбият этдилар. Ўқиши, ўсиши, болалик, ўсмирлик, ўқувчилик, талабалик эҳтиёжларидан доим зор-риктирмай хабардор бўлиб туришди (болаликда бундай эҳтиёжлар оз бўлади дейсизми?). Эркин Воҳидов илм-маърифат, ижодий муҳит ҳукм сурган шароитда (Рихси Сахибобоев сиёсий адабиётларни маҳорат билан таржима қилар, журналист, жамоат арбоби сифатида тез-тез ма-қолалар ёзарди) ташки томондан қийналмай, ўксинмай ўсди. Тоғаларининг фозил, оқил, серкарам муносабатла-ри унинг инсоний шаклланишида асосий рол ўйнади. Шоир бунга ҳамиша миннатдорчилик билан эслайди. Ле-кин ота-онанинг ўрни ҳар жиҳатдан билинди. У бунинг қийинчиликлари, мушкуллари, армонларини ўзи енгиб ўтишга ўрганди. Унда кичик ёшидан ирода, матонат, табиий маданият тобланди. Кўнгил кўзи илк шеърлари билан бирга, устозлар далдасида ярақлаб очилди. Ус-тозлар, яхши инсонлар билан бирга унга кичиклигидан СЎЗ мададга келди. Китоблар, шеърлар, катталар,



ўқитувчиларнинг ўғитлари унга ёшлиқдан садокатли, меҳрибон ҳамроҳ бўлди. Ҳамроҳлик бора-бора дўстликка айланди. Дўстлик, ҳамроҳлик, меҳрибонлик, мунислик табиий тарзда унинг ёшлиқ, ўсмирлик даври ва шу давр илҳомларининг манбалари эди. Болаликнинг таассуротлари, тасаввурлари, ҳаяжонлари шеърят ва умуман ҳар қандай ижоднинг битмас-туганмас манбайи. Кейин катта бўлганда юзага чиқадиган ижодий ҳодисаларнинг бари болалик ва унинг таассуротларида муҳрланган бўлади.

Болаликнинг таассуротлари, айниқса, унинг илк ижоди намуналарида 60-йилларда ёрқин намоён бўлди. Унинг барча шеърларидан беғубор тонг нафаси руҳи сезилиб туради. Шу билан бирга отани соғиниш руҳи илк давр шеърятининг мағзига сингиб ётади. Дунёга ёрқин бир шоир келганлигидан хабар берган «Буюк ҳаёт тонги», «Нидо» сингари шеърини гўзал дostonларининг тубида ота соғинчи ётади. Бу соғинч ёш шоир қалбининг беҳад теран қаърларидан чиқади. У билиниб-билинтирмай асарларнинг руҳига кўчиб ўтади. Бу жиҳатдан айниқса, «Нидо» соғинишнинг апофеозига кўтарилади. Уруш даврининг болалари бу дostonни ўз армонларининг овози каби қабул қилган эдилар. Унда инсоний соғиниш юксак самимият билан ифодаланган эдики, хали-ҳануз бу асарни ҳаяжонланмасдан ўқиб бўлмайди. «Нидо»дан бошлаб соғиниш ва у билан боғлиқ ранг-баранг кечинмалар Эркин Воҳидовнинг бутун ижодида ўзига хос ўрин ва мавқени ишғол этади. Унинг шеърятига ўзгача колорит бағишлайди. Шоир ижодида бунчалар юксак ўрин тутган юрт севгиси, ҳақни эъзозлаш, инсонни баланд пардаларда қуйлашда ҳам шу катта маънодаги соғинишнинг кучли таъсири борлиги аён.

Ўқувчилик чоғлари, талабалик йиллари ва ундан кейинги узоқ шарафли, машаққатли, зиддиятларга тўла ҳаёт йўлларини кузатиб, бу йўлларни баъзан бирга ўтиб шунга тўла ишонч ҳосил қилганмизки, Эркин Воҳидов инсон ва ижодкор сифатида бахтиёр одамлар тоифасига киради. У қайси даврада иштирок этаётган бўлса, ўша даврада файзу шуқуҳ ва фазлу фасохат шуълалари кезиб юради. Унинг сўзлари, тиник, нафис байтлари кериб борган қалблар ичдан нурланиб, шеър файзи билан гўзаллашади. Унга илҳом, фасохат ва фазл нурлари эргашиб юради. Унинг сатрлари одамларни ўз оҳанграбо

доирасига тортади. Ўқувчилар унинг илк шеърлари ва дostonларидаги оханграбони жуда тез илғаб олган, мафтун бўлган, янги шеърларини ихлос билан кутар, қаршилардилар. Унинг атрофидан сабоқдошлар аримасдилар. Тенгдошлари ҳам, катта ёшдаги кишилар ҳам уни ўзларига жуда яқин олар, яқин кўрар, унинг шеърларидан инсон бу қадар гўзал, фасих ва самимий бўла олиши мумкинлигини англадилар. Аллақандай инсоний жозоба, назокат, маданият ва одоб-икром унга туғма тарзда тортиқ қилинганга ўхшарди. Буларнинг бари унинг табиати, феъл-атворида ич-ичидан табиий тарзда шуълаланиб турарди. Фикр унда эрта шаклланди. Шахси тез камолга етди. Шу камол ҳам балки илгаридан ато этилгандир. Шоирнинг бахтиёрлиги шундаки, у ўзига ато этилган камолни тез илғаб олди, уни ўзидан бир зум ҳам нари четлатмади, унга бепарво бўлмади, уни емириши мумкин бўлган жунуний хислатлардан ўзини йироқ тутди. Камолот у билан бир умр дўстлашиб қолди. Одамларни жалб қилган, унинг чироғи атрофига тортган ходиса инсоний камолнинг ана шу даражаси ва сифати бўлса керак. Эркин Воҳидовнинг илк асарлари мухлисларнинг меҳрини қозонганда, у пайтлар ҳали Ўзбекистон ҳавосида Фафур Фулом, Ойбек, Шайхзода, Миртемир, Зулфия, Уйғун, Абдулла Қаҳҳор сингари жўшқин эхтиросли, эски маърифатли, шарқона файзли ижодкор адибларнинг асарлари маънавият дунёсида кучли таъсирга эга эди. Уруш шароитидан омон чиққан болалар Фафур Фуломнинг «Яша дейман, ўғлим!», «Билиб қўйки, сени Ватан кутади», «Аввал ўқи», «Тонготар қўшиғи», «Қуёшчалар шеъри», «Чароғларим-қароғларим» сингари ватанпарварона гўзал ўғит тўла шеърларини худди ўз манифестимиздай ўқир ва ёдлар эдик. Эркин Воҳидов эса Фафур Фулом, Хамид Олимжон шеърларини сифиниш даражасида севарди. Шу севги илк ёзаётган асарларининг руҳига ҳам таъсир ўтказарди. Хассос шоир Туроб Тўла унинг илк дostonидан ўта ҳаяжонга тушиб, атоқли шоир ёш шоирнинг асарига тақриз ёзган, унинг улкан келажagini башорат қилган, янги замонларнинг Хамид Олимжони дунёга келганлигидан давр ўқувчиларини огоҳ этган эди.

*Халқу ватанимиз қуёш бўлсалар,  
Биз шу кенг осмонда қуёшчалармиз —*

деб уктирарди Фафур Гуломнинг кўтаринки юксак пафосли сатрлари, Фафур Гуломнинг урушдан кейинги йилларда оқил падар нуктаи назари билан битилган асарларида замон кишисининг бир идеали яратилган эдики, биз шу идеалга таассуб қилар, ўзимизни кам деганда шоир айтмоқчи қуёшчалардай кўриб, шундай бўлишликни орзу қилардик. Ҳолбуки, ҳаёт тамомила бошқача эди, миллатга тазйик зўрайгандан зўрайиб борар, уни эзиш, маҳв этиш янги бир босқичга кирган эди. Эркин Воҳидов илк шеърисида айтган қора қушлар ҳаёт мажнунтолининг шохларини тамомила эгаллаб бўлган эди. Лекин биз буларни билмас, шеър сўзларига қараб келажагимизни чамалардик. Биз шеърлар ўқиб ҳаётдан шоир айтмоқчи бўсалар олиб, аълочи фарзанд бўлиб умрнинг хушбахт найини чалишга тайёрланардик. Ёзувчи ва шоирларга қуёш ва қуёшчалар бўлиб ёзиш, яшайдан бошқа йўл қолмаганга ўхшарди. Эркин Воҳидов ҳам шу умумий тўлқин ичида эди. Бир кескин фарқи, у ҳам айтганимиз — ўзига ато этилган юрак камолотининг овозига қулоқ тутарди. Илк даврда у Фафур Гулом илгари сурган идеалдаги инсон каби яшашга чоғланди. Ҳаётдан, одамлардан фақат тиниқлик, сурур, мағрур юксалишни кўзлади. У илм тоғи чўккиларини забт этмоққа отланди. Тириклик боғларида баҳорий илиқлик ва наҳорий тиниқликни кашф этди. Яшириб нима қилдик, қуёшча бўлиб шеърлар ёзиш унинг ўзига ҳам ёқар эди-да! Олам чаман. У шу чаманда мангу қолиш ва ундаги ҳар бир чечакни куйга солишни истайди. Дунё унинг шеърларида оппоқ нурларга чулғанган ҳолда намоён бўлади.

Идеалга интилиш қанчалар кучли бўлмасин, шоиримизнинг шахсида асил оригиналликни иташ ҳам жуда кучли эди. Бу Эркин Воҳидов шахси ва талантининг фаровон белгиларидан бири. У «Сен етим эмассан»га қанчалар мафтун ва асир бўлмасин, ҳамма гап шундаки, ҳеч қачон юксак асарларнинг асоратида қолмади. Унинг юрагидаги камолот бунга асло йўл қўймасди.

Эркин Воҳидов ўта мафкуравийлашган идеалнинг таъсиридан жуда тез қутулди. У табиийлик, самимийлик, эркинликка юз бурди. Тоталитаризмнинг даҳшатли иллатлари фош қилингани унинг юрагига қувват бағишлади, талантнинг оригинал имкониятларини намоён қилиш йўли очилди. Мафкуравийликдан безган ўқувчилар учун

Эркин Воҳидовнинг шеърлари ўртанган юракларга худди малҳамдай таъсир қилди. У қисқа муддатда ёд олинган шоирлар сирасига кирди.

Эркин Воҳидов университетни 60-йилда тугаллади. Университет даври унинг учун билимлар билан бойиган йиллар бўлди. Ажиб дўстлар орттирди. Адабиётнинг катта қарвонини етаклаб бораётган устозлар давраларига кирди. Уларнинг ҳурмат-эътиборини қозонди. Эркин Воҳидовни қайноқ ҳаёт ўз бағрига олди. У ёшлик боғидан ажиб мевалар терди. Ўз такрорланмас шеърий боғининг асосини қўйди. У ёшликни қанча улуғласа, ёшлик унга шунчалар гўзал тухфаларини кетма-кет пайдарпай тортиқ қилди. У ёшликнинг бир дамиди ҳам бекор ўтқизмади. Адабий давраларга кирди. Халқ ичига кирди. Тинмай юрт кезди. Халқнинг ҳаётини яқиндан таниди, ўрғанди.

Олтмишинчи йилларда унинг «Тонг нафаси», «Кўшиқларим сизга», «Юрак ва ақл», «Менинг юлдузим», «Нидо», «Палаткада ёзилган достон», «Ёшлик девони» сингари шеърий китоблари дунёга келди. Уларда ўз қарашлари ва турфа кечинмаларини баён қилди. 1953 йилда ўрта мактабни битириш арафасида ёзган шеърларидан бирида у она юрт олдида туриб сўз берган эди: «Мен жилғаман, Дарё бўлиб тўлгим келади, Она юртим, Сенга ўғлон бўлгим келади»... Бу унинг учун Ватан қошида аҳд-паймон, Ватанга қасам каби янграган эди. У аҳдини қадам-бақадам адо эта борди. Олтмишинчи йилларда у, чиндан ҳам, бамисли дарё каби тўлиб оқди. Эркин Воҳидовнинг бу ўн йилликда шеър ёзмаган, шеър ўқимаган куни йўқ эди десак муболаға бўлмас. У тўхтовсиз илҳом қанотида учди. Юрагига ато этилган камол уни баланд парвозга ундар, рағбатлантирарди. Олтмишинчи йиллар унинг ижоди тадрижма-тадриж «Ёшлик девони» ҳамда «Ўзбегим» сари кўтарила борди. «Ёшлик девони» шоирнинг қисқа бир давр ичида шеърятнинг қанчалар юксак чўққиларига кўтарила олганлигини ва маданиятимизда янги бир миллий адабий-бадий ҳодиса пайдо бўлганлигини кўрсатди. У қасида, фахрия, ғазал, мухаммас, достон каби шеър турлари ва жанрларини янги замон мақомига олиб чиқди. Кўҳна анъаналарни янгилаш санъаткорлик билан бойитди. Энг муҳими, уларда инсонни унинг бутун зиддияти, оғриқли, дардли ке-

чинма ва ўйловлари билан тасвирлади. Шаркнинг даҳо шоирлари қасиданинг беҳад гўзал намуналарини, уларда образларнинг мислсиз фасиҳ порлокликларини яратганлар. Лекин «Ўзбегим» қасидани янги мазмун юксакликларига кўтарди. Ниқобдор истибдод остида ётган халқнинг ўзини англаши ва таниши, ўзига ишонч ҳосил қилишида мислсиз аҳамият касб этди. Коммунистик мафкура бу асар тимсолида ўз душманини кўрди ва унга қарши турли йўллар билан кураш олиб борди. Ундан миллатчилик руҳини топишга уринди. Шоир турли тазйиқларга учради, лекин «Ўзбегим» ва «Ёшлик девони» бу пайтда энди халқ ичига кенг тарқалиб бўлган, темир сарҳадлар оша ташқи дунёга чиққан, ўзбек халқининг миллат сифатида ўлмаганлиги, ухламаганлиги, ўз тарихини яратишда давом этаётганлиги, миллий озодлик йўлидаги кураш ҳеч қачон тўхтамаганлиги, йигирманчи аср бошида миллий озодлик, мустақиллик учун курашган маърифатпарварларнинг иши йўқ бўлиб кетмаганлигини намён қилди. «Ўзбегим» халқни ўзига янги нуқтаи назар билан қарашни ўргатди. Бир пайтлар халқ «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романлари билан қандай туташган бўлса, олтмишинчи йилларнинг охирида, ундан кейинги, бу асарнинг одамлар ичига юриши бошланган чоғда «Ўзбегим» билан ўзбек халқи шундай туташди. Асар бутун бир халқнинг дардига дармон бўлди. Лутфий ва Навоийдан сўнг шунча асрлар ўтиб «ЎЗБЕГИМ» сўзига Эркин Воҳидов тамомила янгича урғу бағишлади. Уни тушунчага — миллий ҳодисани англатадиган салмоқли тарихий-ижтимоий тушунчага айлантирди. Тушунча бадиий-образли тарона каби халқ ичиде ўзлашди.

Эркин Воҳидов, «Ўзбегим»нинг драматик ва шонли юриши то авжга юксалиб бораверар экан, 70-йилларга шу ҳодисаларнинг шуқуҳи ҳамда ташвиш, изтироблари билан қадам қўйди. «Ўзбегим» халқ орасида кўп фикр тўлқинларини уйғотмоқда эди. Шоир ҳам шу тўлқинлардан ташқарида эмас эди, уларнинг шиддатли овозлари, бутун симфонияси ўз ҳаёти баробарида қулоқлари остида янграб турди. Шоир мавзуни давом эттиришга қарор қилди. Етмишинчи йилларнинг бошларида «Ўзбегим» мавзуини давом эттирувчи икки салмоқли асари — «Ўзбекистон» фаҳрияси ҳамда «Инсон» қасидаси яра-

тилди. Шунинг билан миллий уйғониш, ифтихор ва ўз-ўзини таниш мавзуида бир-бирини тўлдирувчи, бойитувчи, мавзунинг янгидан янги қирралари ва йўналишларини очувчи ёрқин кўтаринки триада туғилди. Улар гарчи тўрт-беш йилнинг орасида ёзилган бўлсалар-да, лекин ягона рух — миллий парвоз руҳи, кўтаринкилик уларни ўзаро бир-бирларига мутаносиб қилиб, маълум маънода бирлаштириб, триадага айлантириб туради.

Кўтаринкиликдан кўтаринкиликнинг фарқи бор. Кўтаринкилик теран мазмундан узоқ бўлса, у куруқ риторика тусини олади. Ўттизинчи — эллигинчи йиллар шеърлятида советизм мафқураси талаби ва тўғридан тўғри таъйиқи ва таъсири остида бундай риторика шеърлятда урф бўлган ва охир-оқибат уни бутунлай емиришга олиб келган эди. Эллигинчи йилларда пуч риторика янада кучайган эди. Эркин Воҳидовнинг шеърлари маълум маънода ана шу риторикага қарши исён тусини олган эди. «Ўзбегим», «Ўзбекистон», «Инсон» триадаси Эркин Воҳидов томонидан истифода этилган кўтаринкилик бу — юрт ва халқнинг тарихий тақдири, келажаги билан чамбарчас боғланган, асли мақсади миллатда ифтихор туйғуларини уйғотиш ва шу орқали ҳаракатга чорлайдиган кўтаринкилик эди. Шоир бу асарларини бежиз «фахрия» ёки «қасида» деб атамайди. Уларда жанр талабларидан келиб чиқиб, ва албатта уларни ўз заковати қудрати билан бойитиб, янги ўзанга солиб ўзининг асил фарзандлик фахри, ифтихори, ғурури ва шулар орқали туганмас муҳаббатини изҳор этди. Кўхна жанрларга янгидан жон бағишлади.

70-йиллар Эркин Воҳидов ижодида янги давр. У «Ўзбегим»да ўзи учун тамомила янги тасвир усулини очди. Биз унинг бу усулини МИҚЁСЛИ ТАСВИР УСУЛИ деб атаган бўлардик. «Ўзбегим»да бу усул ўзини тўла намоён қилди. «Ўзбекистон» фахриясида, «Инсон» қасидасида миқёсли тасвир усули янада мустаҳкамланди. Триадада қўлланган бу усул — тасодифий ҳодиса эмаслигини кўрсатди. Шоир унга онгли тарзда келган ва ўзининг йирик ижодий мақсадини рўёбга чиқаришга сафарбар этган эди. Уч шеърини асарда қўллангач, у том маънода бадий усул тусини олди ва барча хусусиятларига кўра усул деб қарашга имкон беради. Бу усул маълум даражада ва маълум меъёрада «Ёшлик девони» учун

хам характерли бир бадий ҳодиса бўлган эди. Шоирнинг ғазалга тўла маънода даврон юкини, XX аср кишининг драмаларини юклаши, шеър воситаларига — қофия ва радифларга даврнинг микёсли ходисаларини чиқариши кабиларда ҳам микёсли тасвир усулининг ўзига хосликлари кўзга ташланган эди.

Микёсли тасвир усули Эркин Вохидов шеъриятининг 70-йиллардаги тўлқинларида тўла ва ранг-баранг тарзда намоён бўлди. 70-йиллар унинг шеърияти шу микёсли тасвир усулининг ҳукмрон бўлганлиги билан характерланади. Бу шоирнинг ажиб бир муваффақиятли топилмаси эди ва у санъаткор адибга ёрқин бадий асарлар яратишга хизмат қилди. Микёсли тасвир усули унинг шу йиллардаги асарларида кенглик ва теранлик яратиши учун зўр восита бўлди.

Бу усул маълум маънода даврнинг характеридан келиб чиқди. Бошқа маънода эса шоирнинг янгиланган, ўзгарган ижодий мақсадларини ҳам акс эттирди.

Дунё сиёсатида қарама-қаршилик, қутбланиш кескин кучайди. Тоталитаризмга асосланган тузум билан эркин бозор иқтисодига асосланган демократик тузум ўртасида ҳар соҳада кураш драматик тус олди. Икки системанинг зид туришидан дунёнинг турли қитъаларида бухронлар, қонли низолар, можаролар чиқди. Инсоният вужудга келган темир деворларни емириш заруратга айланганлиги, тоталитаризмга ажратилган муддат шиддат билан қисқара ва охирлай бошлаганлигини англади. Берлин девори остида ҳалок бўлаётганлар қисмати Афғонистонда олиб борилаётган ўта машъум шафқатсиз уруш, Куба, Ҳабашистон, Вьетнам, Африка мамлакатлари атрофидаги оғир машмашалар ғоялар ўртасидаги омонсиз кураш маълум бир ҳал қилувчи босқичга қираётганлигини кўрсатарди. Совет салтанати Афғонистондаги урушда ўта ҳолдан тоймоқда эди. Шарқий Европа мамлакатларида таланиш оқибатида норозиликлар кучайгандан кучаярди. Совет республикаларининг ўзи ҳам нотинч эди. Қозоғистон, Украина, Болтиқбўйида рўй бераётган воқеалар империя ўз тарихининг энг оғир яқунловчи қисмига кириб бораётганлигини англатарди. Салтанат қайта қуриш деб аталган даврга кириб бормоқда эди. Оғир ижтимоий-иқтисодий аҳвол билан генсекнинг кителени тўлдирган нишонларнинг шарақ-шуруғи ўртасида ҳеч келиштириб

бўлмас зиддият аён кўзга ташланарди. Советизм ғоялари ўзини тамомила барбод қилмоқда эди. Халқнинг асосий кўпчилиги ўртасида уларга ишонч йўқолди.

Дунёда ғоялар ўртасида янги босқичга кирган кураш Эркин Воҳидов ижодида ҳам ўз аксини топди. Бу даврда ўзгача фикрлаш ва ўзгача фикрлашга қарши кураш авжга минди. Ўзгача фикрга қарши курашда ютиб чиқиш, мустаҳкамланиш учун расмий мафкура миллий адабиётларнинг атоқли намояндаларига бир миқдор йўл беришга мажбур бўлди. Ана шу сиёсатнинг натижаси ўларок Эркин Воҳидов бир қатор ўзбек адиблари билан бирга мамлакат миқёсидаги анжуманларда, халқаро йиғинларда қатнашиш имкониятига эга бўлди. Совет адиблари билан бирга чет эл сафарларига чиқди. Кўпгина мамлакатларга борди. Анжуманларда ўзбек шоирининг сўзини айтди. Шеър ўқиди. Кўп адиблар билан мулоқотларда бўлди. Баҳслар, мунозараларда фаол сўзи билан иштирок этди. Украина, Қозоғистон, Россия, Озарбойжон, Белоруссия, Латвия, Литва, Эстония, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон адиблари қаторида адабиётнинг тақдири, халқлар ўртасидаги маданий алоқаларнинг мазмуни, ҳаёт ва инсон муаммолари юзасидан баҳсларда ўз сўзини айтди. Инсон ғояси атрофида кўп фикр юритди. Бинобарин, бу даврда инсон ғояси етакчи ғоя тусини олди. Инсон ғоясидан миллий адабиётларда шахс эркинлиги масаласи туғилди ва аста юзага чиқди.

Шу мулоқотларнинг каттариши ва кенгайиши Эркин Воҳидов ижодида юқорида эслатганимиз миқёсли тасвир усулининг ишланишига замин яратди.

Эркин Воҳидов бу пайтда буюк немис адиби Гётенинг машҳур «Фауст» асарини таржима қилишга ўтирди. Европа шеърляти ва бу шеърлятга хос тафаккур чўққисидан туриб ўз шеърига, миллий адабиётимизга назар солди. Миллий адабиётимизнинг аҳволи, моҳияти, дунёдаги бошқа миллий адабиётларга унинг туташ қирралари устида мушоҳада юритди. Есенин, Блок, Светлов, Твардовский, Ҳамзатов ва Шарқ шеърлятининг улкан намояндалари — Иқбол, Ҳофиз, Сино, Ғолиб, Бедил, Тагордан қилинган таржималар Эркин Воҳидов ижодининг янги қирралари очилишига бир туртки берди. Миқёсли тасвир усули пайдо бўлишига бу ижодий интилиш ҳам ўз таъсирини кўрсатди. «Фауст» билан 70-



йиллар Эркин Воҳидов шеърятининг чўққиси бўлган «Рухлар исёни» ўртасида тўғридан тўғри боғланиш йўқ, албатта. Лекин «Фауст» таржима қилинмаганда «Рухлар исёни» худди мана шу шаклда ва йўналишда вужудга келиши мумкинмиди? — деб савол қўйиш ҳам мумкин. 70-йилларда Эркин Воҳидовнинг «Хозирги ёшлар» (1975), «Тирик сайёралар» (1978), «Муҳаббат» (1976) сингари шеърый китоблари дунёга келди. «Муҳаббат» шоирнинг илк сайланмаси эди ва унинг қирқ ёшга тўлиши муносабати билан сарҳисоб тариқасида чиқарилган, унга Лазиз Қаюмов сўнгсўз ёзган эди.

Шеърят шоир тимсолида инсон ҳаётининг энг муҳим ҳодисаларини қидиради. Шоир ҳаёт ва тирикликнинг энг муҳим муаммоларини ечишга, топишга ўзини чоғлайди. Ҳаётнинг маъноси ҳам ана шу энг муҳим нарсани топишда. Муҳим фикр, ғоя, воқеа, кечинмаларнинг тузини топиб олиш ҳамма вақт кийин ва ҳамма вақт ҳар кимга ҳам муяссар бўлавермайди. Лекин катта истеъдод эгалари топади, ўз ижоди учун, замондошлар учун, умуман инсон учун муҳим бўлган ҳодисаларни топади. Ўтган асрда ўтган Америка шоири Уолт Уитмен: «Қасам ичманки, мен коинотда ҳар бир нарса абадий ўлмас қалбга эга эканлигини англаб етдим», деб ёзган. У зарралардан тортиб, ҳатто чексиз самоларнинг қалбини топишга интилган шоир. У ёзган ва тўла ҳуқуқ билан нарсаларнинг қалбини топдим деёлган.

*Деразамдан тушган тола нур  
Сомон йўли каби товланур, —*

деб ёзади Эркин Воҳидов «Тирик сайёралар» деб аталган шеърисида. Шоир заррадан нима қидираётир ва нималарни кутаётир?

*Ҳар бир зарра балки бир дунё  
Эҳтимол бир ўзга сайёра...*

Шоир заррани коинотга қиёслайди. Заррадан тараққиёт ва ҳаёт ҳаракатини кўради. Одам ҳам коинотда бир зарра. Чексиз самолардан ўзи каби оқил бир мавжудотни излайди ва ўз келиб чиқишини кўкдан қидиради.

*Аммо билмас, қилмас тасаввур  
Ҳаёлига келтирмас башар*

*Ўзга жонзот балки бўлиб нур  
Оҳанг бўлиб у билан яшар...*

Шоир ўзга ҳаётларни тасаввурга келтиради. Уларни баайни ердаги тирик ҳаёт каби — камишларнинг шовуллаши, шафақларнинг ловуллаши сингари манзараларни чизади. Инсон ҳамма нарсани ўз ўлчовлари, ўз жонли тасаввур андозасига солади ва шу ҳаёлий бўлиб кўринган ҳақиқат эканлигини исботлаш қийин тасаввурлар ичидан ўз тириклиги учун зарур қонуниятларни топади. Шоир, одамлар асрларча қидираётган ўзга сайёра — аввало унинг ўз қалбида деган хулосага келади. Лекин буни қарангки, фазоларни фикрат кучи билан излаётган, тадқиқ ва таҳқиқ этаётган инсон ўз қалбида яшаётган сайёрани тугал билиш ва таҳқиқ этишга ожиз:

*Аммо не бор ўз юрагида  
Билмай ўтиб кетадир инсон...*

Шоирнинг фикри бир муҳим фикрдан иккинчисига худди занжир халқаларидек чирмашиб ўтиб боради ва унинг энг салмоқли йирик фикри шеърнинг сўнгги бандида очилади:

*У яшайди тилсимлар аро  
Ҳар кашфиёт янги маррадир  
Унинг ўзи сирли бир дунё  
Дунё эса фақат заррадир...*

Заррадан бошланган изланиш яна охири заррага қайтиб келди. Шу эмасми, инсон изланишларининг фожи нуқтаси? Эркин Воҳидов кашфиётларимиз, ихтироларимиз, илмий-техник тараққиётимизнинг, технологиялар асрининг қудрати аввало, одамнинг ўзини билишга, ўзлигини кашф этишга қаратилиши керак, деган хулоса чиқаради. Одамнинг коинотга йўли унинг ўзини билиши ва очишидан бошланади. Коинот йўли — одам миясидаги миллиардлаб тўқималардан чиқади.

Шоир ўзи кашф этаётган миқёсли фикрлаш усулидан келиб чиқиб замонавий, илмий, маданий, фалсафий ходисаларга тўхталади, уларнинг мағзини чақишга уринади. Унинг «Бизлар ишляяпмиз», «Арслон ўргатувчи» сингари шеърлари ходисалар моҳиятини фалсафий, ижтимоий изчиллик билан очади. Шеърда ижтимоий танқид руҳи уч кўрсатади. Саксонинчи йилларга бориб, тўқсо-

нинчи йилларнинг аввалларида бу ижтимоий танқид жуда ўткир тус олади. Ижтимоий танқид билан бирга Эркин Воҳидов талантининг янги бир қирраси кучли суръатда намоён бўлади.

Эллигинчи-олтмишинчи йилларда ўқувчилар Эркин Воҳидовни нафис лирик шоир, ақл билан юрак ўртасида зиддият ва мутаносиблик кидирган, ақл билан юракни ҳўб солиштириб, қиёслаб, уларнинг вазнини ўлчаб, ўзи учун юрак амри билан иш тутишни танлаган шоир деб таниган бўлса, эндиликда, 70-йилларнинг иккинчи ярмида, саксонинчи йиллар бошланишида шоир кўпроқ ақл изми билан ҳаракат қилишга интиланлигини кузатишлари мумкин. Ақлнинг изми унинг шеърий тафаккурида янги йўналишлар очди. Эҳтирос ва кечинмаларнинг лирик тўлқинлари ўрнида ижтимоий муҳокама, танқид, ривоят — интеллектуал шеъриятга хос унсурлар, хусусиятлар куч олди. Шеърий ривоятларда юмор, киноя зарофат билан бирга ўткир танқид кучайди. Унинг кинояси, танқиди жамиятнинг турли иллатлари — даб-дабазлик, нўноқлик, манфаатпарастлик, соддалик, эпсизлик, ожизлик, кулларча фикрлаш ва иш тутиш сингариларни ўзининг ўткир тифи остига олади, лекин бу танқиддан мурод — ҳажв эмас. Бу лирик-фалсафий, ижтимоий йўналишдаги танқиддир. Унинг асосий тифи жамиятнинг ахлоқий-маънавий муҳитини яхшилашга қаратилган.

Эркин Воҳидовнинг таланти — ҳаракатчан, ўсишга, янгиланишга, яшариб боришга қобил талант. Унинг кейинги йилларда яратган «Бедорлик», «Шарқий қирғоқ» (1983 йилда Давлат мукофотига сазовор бўлган), «Шоир-ру шеър-у шуур», «Изтироб», «Яхшидир аччиқ ҳақиқат» сингари китоблари, «Рухлар исёни», «Донишқишлоқ латифалари» туркум асарлари, «Истанбул фожиаси», «Олтин девор» сингари драматик асарлари чуқур фалсафий-ҳаётий мазмуни, ифодаларининг реалистик ёрқинлиги ва соддалиги, шоирона мантиқий инсоний қувватининг кучига кўра ўзбек интеллектуал шеърияти, публицистикаси, шеърий драмаларининг энг яхши намуналаридан бўлиб қолди. Унинг ривоятлари, «Қумурсқалар жанги», «Тоғ лочини», «Арслон ўргатувчи», «Тандир ҳақида эртақ» сингари кўплаб асарлари замирида драматик туғёнлар, аҳдлар, ҳақиқат йўлидаги бахслар ётади.

Шоир ижодининг хали ўсмирлик чоғидаёқ элга фидойи фарзанд бўлишга аҳд қилган эди. У кейин шу аҳдидан бир зум бўлсин чекинмади, уни ёдидан чиқармади. Балки аҳди йилдан йилга кучайиб борди. Элни қанча яхши билса, дунёни қанча кўи кезса, ўзга юртларни кўрса, бу аҳд зўрайиб борганлигини, шоир ўз олдига халқининг жуда катта мақсадини қўйиб яшаганлиги ва ёзганлигини кузатиш мумкин. Унинг барча асарлари шу аҳд ва юракдаги камолдан етишди. У аҳдида қанчалик каттик ва устивор туриши айниқса, «қайта қуриш» деб аталган йилларда қатъият билан намоён бўлди. 1988—90-йилларда унинг «Рухимиз эҳтиёжи», «Ўзбекча саломга ўзбекча алик бўлсин», «Инсон маъмур бўлмаса...», «Мулоқот», «Эғалик ҳуқуқи», «Улғайиш азоби» сингари истиклол арафасидаги миллий тараққиёт, озодлик, халқнинг янғидан уйғониши, XX аср охири, инсониятнинг ўта азобли масалаларини кўтарган мақолалари ва суҳбатлари одамлар ўртасида қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди. Бу каби ўйчанлик ҳоким мақолаларида у жамиятимизнинг равнақи ва ўнгланиши, тикланиши учун ғоят муҳим бўлган таклифларини ўртага қўйди. Унинг халқ ишончини қозонган депутат эканлиги ҳам халқ, мамлакат турмушини яхшилаш, жамият ҳаётини янги асосларда йўлга қўйиш сингари давр тақозо қилаётган масалаларни катта масъулият билан кўтариш имконини берди. 1989 йилда ёзилган «Ўзбекча саломга ўзбекча алик бўлсин» деган ўта жонли чиқишида у Давлат тили билан чамбарчас боғлиқ жиддий масалалар ҳақида фикр юритаркан, Атамалар маркази тузиш, уни Ўзбекистон Олий Кенгаши ёхуд Вазирлар Кенгаши қошида ташкил этиш таклифини илгари сурди. Кўп ўтмай жамоатчилик ва Ўзбекистон раҳбари томонидан қўллаб-қўлтиқланган бу таклиф асосида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Атамақўм тузилди, шундай комиссия Олий Мажлис Кенгаши томонида ҳам ташкил этилди. Улар Давлат тилини жорий қилиш ишларида ҳукумат ва жамоатчиликка яқиндан ёрдам бера бошладилар. Эркин Воҳидовнинг 1989 йилда чиққан, жамоатчилик фикрини уйғотган «Эғалик ҳуқуқи» ҳамда «Улғайиш азоби» сингари чиқишларида жумҳуриятимизда фавқулодда истеъдодли болалар учун махсус мактаблар — ижтимоий фанлар мактаби, техника мактаби, бизнес, менежерлик сингари мактаблари таш-

кил этиш, ёшларни кенг суръатда хорижнинг илғор университетларига юбориб ўқитиш, ва айниқса, жамият ҳаётида кўп партиявийлик яратиш сингари йирик ижтимоий таклифлари жамият муҳокамасига қўйилди. Бундай миллат тақдирини тубдан ўзгартирадиган ва тубдан яхшилашга, уни тиклашга хизмат қиладиган ғоялар, таклифларни рўёбга чиқариш учун миллий истиқлолгина, миллий озодликгина қодир, шунинг учун ўз ҳаёти ва тақдирига эгалик ҳуқуқини тўла ва барқарор қўлга киритиш зарур эди. Бу улкан ижтимоий-тарихий ҳодиса 1991 йилнинг августида Ўзбекистон етакчиси Ислом Каримов раҳбарлигида, унинг улкан сайъ-ҳаракатлари билан амалга оширилди. Шоир илгари сурган юксак ғояларни рўёбга чиқара оладиган ижтимоий шароит туғилди.

Эркин Воҳидов кейинги ўн йиллар ичида халқ депутати, давлат ва жамоат арбоби сифатида халқнинг унга билдирган катта ишончи, меҳр-муҳаббатини оқлаш йўлида фаолият олиб бормоқда. Ислом Каримов етакчилик қилаётган кўламли ислохотчилик ҳаракатларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий йўналишлари муваффақиятли амалиёти учун ўз зиёли хиссасини қўшмоқда, Ўзбекистоннинг парламентлараро муносабатларининг ривожланиши, обрў-эътибор қозониши учун зиммасига юклатилган кўп қиррали вазифаларни фидойилик билан адо этмоқда.

Эркин Воҳидов кейинги ўн йилдан ортиқ ҳаёти ҳамда жамоатчилик фаолиятини Ўзбекистон Республикаси парламентига тўла-тўқис бағишлади. Истиқлол арафаси, ва айниқса, тўла миллий озодликка эришилган йилларда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов бошчилигида мустақил мамлакат тақдирини белгилайдиган бир-биридан улуғ асос ҳужжатлар яратилаётган, давлат билан бирга бутун халқ ҳаёти янги иқтисодий-ижтимоий изга тушаётган энг юксак масъулиятли онларда бу ишларнинг барини қўллаб-қувватлаб, ёқлаб, алқаб зиёлиларнинг пешқадам намоёндалари ва улар ичида Эркин Воҳидовнинг вазмин, ишончли, донишманд овози ҳамма вақт эшитилиб турди. Президент истиқлол қурилиши йиллари мамлакатнинг тамомила янги маънавий-маданий-маърифий вазифаларини белгилаш ва ечишда ижодкор зиёлиларнинг ёрқин вакилларига суянди, мамлакат олдида турган вазифалар ҳақида улар билан ҳамшиша мунтазам фикр алмашишни

йўлга қўйди. Фикрлар ранг-баранглиги, плюрализм, қарашлар эркинлиги ва даҳлсизлигини рағбатлантирди. Шундай ўта тўлқинли, масъулиятли даврда Эркин Воҳидовнинг парламентда аввалда Ошкоралик, сўнграқ Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмиталарининг раиси бўлиб ишлаши бежиз эмас эди. У янгидан вужудга келаётган демократик парламентаризмнинг асосларини яратишга ўз муносиб улушини қўша борди. Парламентимиз халқаро алоқаларининг бекиёс кенгайиши муносабати билан у 1995 йилдан эътиборан Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси лавозимида ЕХХТ Парламент Ассамблеясининг анжуманлари ва семинарларида Ўзбекистон делегацияси аъзоси ҳамда раҳбари сифатида қатнашди (Олий Мажлисимиз 1993 йилдан буён ЕХХТ аъзоси). Шу билан бирга жаҳоннинг 140 парламенти аъзо бўлган халқаро ташкилот — Парламентлараро Иттифокнинг конференцияларида фаол иштирок этди, муҳим ҳужжатлар қабул қилинишида ҳисса қўшди.

2000 йилдан буён Эркин Воҳидов Европа Ҳамкорлиги билан Ўзбекистон ўртасида келишувга мувофиқ тузилган «Ўзбекистон — Европа Иттифоқи» парламент ҳамкорлик комитетининг ҳам раиси, Ўзбекистон делегациясининг раҳбари сифатида ҳам фаолият кўрсатди. 2005 йилда Эркин Воҳидов Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси этиб рўйхатга олинди. Ҳозирда Сенат қўмитасининг раиси вазифасида хизмат қилмоқда.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида Эркин Воҳидовни Ўзбекистоннинг ҳаётий манфаатларини кўтариб чиқувчи босиқ, қатъиятли, салоҳиятли парламентарий сифатида яхши танийдилар. Эркин Воҳидов ХХ асрда етишган халқ дипломатиясининг ёркин намояндаси каби дунёнинг қайси ерида бўлмасин, ҳамма вақт мамлакатимизда бораётган тарихий янгиланиш, ўсиш-ўзгариш жараёнлари ҳақида жаҳон аҳлини воқиф этади. Мамлакат ва халқ обрўси учун зарур сўзни айтади. Унинг мунавар толейига шундай элни сўз билан мўътабар этмак шарафи ёзилган. Толенинг бу амрини юртнинг чин ўғлони сифатида аъло ўтамакка у хамиша ўзини тайёр сезади.

Унинг ёшлиқдаги Она-Ватанга жонни фидо этишга, ўла-ўлгунча унга жон бағишлаб хизмат қилишга берган

ваъдаси бор эди. У ваъдасининг устидан мана шунча тарихий замонлар ўтиб қандай чиқди?

Ўзни фидо этмаклик аҳди ўз ичига нималарни олади? Нималарни такозо қилади? Бунга унинг бутун ранг-баранг, салмоқли ижодиёти, ижтимоий инсоний тинимсиз фаолияти, Ўзбекистон шон-шавкати, обрўси учун олиб борган ва олиб бораётган бахслари, муҳокамалари, аччиқ ҳақиқатларни кўтариб чиқишдан чекинмайдиган фуқаролик жасорати маълум даражада жавоб бўлолади.

Эркин Воҳидовнинг дунёкараши, эстетик меъёрлари анча мураккаб даврларда, мураккаб шароитларда, лекин ўта интенсив тарзда шаклланиб борди. Бу шаклланишга тадрижийлик, бир поғонадан иккинчи поғонага кўтарилиб бориш, ҳаракатчанлик хос бўлганлигини кузатиш мумкин.

У ҳақ сўзни айтиш қийин бўлган, фақат пичирлабгина айтиш имкони қолган замонларда яшади ва улғайиш йўлини босиб ўтди. У ўзини ўзи ижодкор ва инсон сифатида доимо янгилаб бориш эҳтиёжини сезади, ўзи учун шу йўлни — йўл деб билади. Баъзан мухлислари, ўқувчилари бундан ҳайрон бўладилар. Чунончи, «Тирик сайёралар»ни «Ёшлик девони»га қараганда бадий жихатдан орқага чекиниш деб қараган ўқувчилар ҳам йўқ эмас. Улар шоирнинг бу ижодий қадамини гўзаллик ва нафосатдан ва катта маънода йўлдан чекиниш деб билдилар ва шоирга: «Сиз заргарсиз, кулол эмассиз», деган мазмунда эътирозлар баён қилдилар. Шоир бундай кайфиятдаги ўқувчиларига жавоб бераркан, «буни ижодий, эстетик маслақдан чекиниш деб бўлмас. Бу китоб ҳам (*яъни «Тирик сайёралар» — И.Ф.*) юрак туйғуларига, унинг ҳолатларига ифода услубини излаш йўлидаги бир уриниш», деб айтди ва яна давом этиб: «Қирқ ёшда шоир елкасига бир юк тушар экан. Бу аввало, адабиётда ўз ўрнингни, ўз услубингни топдингми, деган савол юки», дейди («*Изтироб», 129-бет*). У шу ерда яна оҳанг ва усулларни тинимсиз ўзгартириб, янгилаб туриш зарурати борлигига тўхталади. Бу гаплар 1978 йилда бўлиб ўтган эди. Лекин бироз вақт кейинроқ шоирнинг «Шарқий қирғоқ» китоби дунёга келганда ўқувчилар бу масалага яна қайтдилар. Баъзи мухлисларда «Шарқий қирғоқ», «Рухлар исёни», «Ёшлик девони», Есенин ва Гётедан таржималар — булар бошқа-бошқа нарсалар. Улар-

ни бир ижодкор яратганига ишониш қийин деб ёздилар. Бироқ улар шеърят фақат қалб амри, қалб садоси эмас, ижтимоий борлиқ, миллий ҳаёт воқелигининг ҳам садоси эканлиги ва шундай бўлиши зарурлигини ҳисобга олмадилар. Шоирнинг ўзи ҳам бошқа бир баҳс муносабати билан: «Халқни мақтаган шоир улуғ эмас, унинг ўзлигини ўзига кўрсатиб беролган, аёвсиз гапни айтолган шоир улуғ. «Сопқон отолмайсиз ҳануз» деб аччиқ гапларни ёзган Тавалло «Ўзбегим»нинг авторидан юз қарра баландроқ кўринади менга...» («Изтироб», 166-бет), дейди. Албатта, бу ғоятда баҳсли фикрdir. Чунки «яхшидир аччиқ ҳақиқат» принципи, ғояси қанчалар кучли бўлмасин, бу универсал принцип, универсал ғоя бўлолмайди. Таваллонинг шеъри ижтимоий ҳақиқатнинг бир қирраси. «Ўзбегим» эса унинг ўзга бир қиррасидир. Уларнинг ҳар бири ҳам халқ ичида яшайди, ишлайди ва тарбиялайди.

Хамма гап шундаки, Эркин Воҳидовнинг таланти ва инсоний интилишлари «Ёшлик девони»га сиғмади.

Унинг таланти «Шарқий қирғоқ», «Тирик сайёралар», «Рухлар исёни»га ҳам сиғмади.

Унинг таланти «Изтироб» ва «Яхшидир аччиқ ҳақиқат»га ҳам сиғмайди. Ҳар бир китоб, ҳар бир дoston, драматик асарлар унинг талантининг бир қобиғи ва у доим ижодкор сифатида шу қобикларни ёриб ўтишга, ўз-ўзини такрорламасликка, янгилаб боришга интилади. Шунини ўз ижодий принципи деб билади. Бундай сиғмаслик катта адибларда бўлади. Навоий «Хамса»дек улуғ асарга сиғмаганлигини армон билан ёзганлигини эслайлик. У шохномалар ёзиш орзуси билан яшаган эди. Машрабнинг ўз ғазаллари алангалари ичига сиғмаганлигини ҳам тушунса бўлади: «Бир ўзумдурман бу дам, хафт осмонга сиғмадим» ёки: «Шариат ҳам, тариқат ҳам, ҳақиқат ҳам мендадур мавжуд, Чу султони азалдурман, ки арши аълога сиғмамдур...» Бу ҳодисанинг тескарисини Хусайн Бойқаро беради: у фақат бир вазнда ишқий ғазалларгина битган эди.

Усул, вазн, овозни бир идиш десак, қиррадор талант ҳеч қачон бир усул, бир овоз, бир идишга сиғмаган. Айниқса, кучли ижтимоий йўналишга эга қиррадор талант.



Эркин Воҳидовнинг улкан ижодиёти, ижтимоий фаолияти халқ томонидан тўла тан олинди. Давлатнинг катта эътиборини қозонди. У «Буюк хизматлари учун» юксак орден нишондори. Эркин Воҳидов Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг 1999 йил 25 август Фармони билан «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва «Олтин Юлдуз» медали билан тақдирланди. Шоиримизнинг кўп қиррали ижодиёти ҳақида Лазиз Қаюмов, Озод Шарифидинов, Наим Каримов, Турсуной Содикованинг портрет-рисолалари, заҳматкаш олим Раҳматулла Иноғомовнинг жуда жонли ва ҳаётий «Шоир қисмати» китоби, иқтидорли, жонкуяр ёзувчи Дадахон Нурийнинг «Покистон «Олтин девор» тиркишидан» деган ғоятда қизиқарли асарлари дунёга келди. Камина учун ҳам Эркин Воҳидовнинг ҳар бир китобининг туғилиши байрам бўлган, кўп минг сонли мухлислари қатори.

Эркин Воҳидов — юксак масъулиятли инсон, ижодкор ва арбоб. У Ватан, халқ равнақи, бахт-саодати йўлида фидокорлик билан ҳормай-толмай ишламоқда.

Унинг иш қуроли — сўз. СЎЗ эса ҳамиша навқирондир.



## ФАФУРОНА ТАРОНА

### *Вақтни енгиб*

Фафур Фуломнинг таваллудига ропна-роса юз йил тўляпти. Канда қилмай навбатма-навбат етиб келадиган йиллар, асрларнинг силсиласида бу унинг илк асри, ўзининг илк асрини ишғол этиши. Фафур Фулом жисман ҳаётни тарк этганига ўттиз етти йил бўляпти. Лекин унинг асри, асрнинг ҳар бир дамида баралла янграган ва акс-садо бериб турган мероси бус-бутунлигича кўз ўнгимизда.

Фафур Фуломнинг тўрт томлик, беш томлик, ўн томлик, ўн икки томлик сайланмалари, танланган асарлари мажмуалари XX асрнинг иккинчи ярмида кўп чиққан.

Яқинда шоирнинг XXI асри кўраётган, у билан рўбарў келиб юзлашаётган биринчи сайланмаси чиқди. Фафур Фулом юз йиллигининг маълум даражадаги сарҳисоби — XXI аср ва унинг ўқувчилари олдидаги хисоботи деб айтиш ҳам мумкин. Сарҳисобни шоир ва алломанинг ўзи эмас, унинг ўлмас ижодий мероси қиляпти, Фафур Фулом орзу қилган ва бутун қалбининг қўрини шунга бағишлаган навқирон насли — набиралари, эваралари сарҳисоб қиляптилар, асраб, авайлаб, ардоқлаб келажак қопқасидан абадиятга олиб қиряптилар.

Абадиятга Фафур Фуломдан сўз кириб боряпти. Унинг суюкли устозларидан Мухаммад Фузулий тили билан айтганда:

*Вер сўза аҳёки, тутдуқча сани хоби ажал,  
Эда ҳар соат сани ул уйқудин бедор сўз.*

Фафур Фуломнинг бадий сўзи энг мушкул савдо — вақтни енгиб, янги вақт кенгликлари ва маконларига йўл оляпти. Вақтни енгиш хунари ва санъати эса фақат бедор сўзга мансуб ва муяссардир.

Фузулий:

*Вер сўза аҳёки...*

деяпти. Сўзга ҳаёт берилгандагина у бедорлик касб этади. Асрлар қаърларидан келиб сени безовта қилишга,

уйғотишга қодир бўлади. Бу ўлимни, вақтни енгган сўздир.

Фафур Фуломнинг сайланмаларини ўқиганда шундай ўлмас, абадиятга дахлдор аллома адиб бор бўй-басти билан кўз ўнгимизда гавдаланади.



XIX асрда Европадан эсган, Европада туғилган ва унинг бутун маданий маконларини камраб олган социалистик шамоллар XX асрга ўтиб Россия империяси маконларини эгаллаб, кўшни диёрларга — Осиё мулку мулкларига кўчди.

Осиёда Европадан келаётган социалистик ғояларни маърифат ғоялари каби қабул қилдилар ва унга эътиқод қўйдилар.

Тенглик ва тараққиётни минг йилларча орзу қилиб келган Осиё ушбу жозибали маърифатга бири ордидан минги қувиб келган адолатсизликлар, тўхтовсиз қон тўкишлар, ўзаро биродарқушлик урушлари, камсонли қашшоқ халқларнинг ҳақ-ҳуқуқларини чеклаш ва пой-мол қилишлар, улар елкасига миниб сайр қилишлар ва шу сингари жуда кўп ранг-баранг эзиш воситалари орқали етиб бўлмаслиги, эгаллаб бўлмаслигини ўн йилларча давом этган, оти «социалистик» бўлса ҳам, моҳияти мутлақо социалистик бўлмаган жуда аччиқ фожиали ижтимоий тажрибаларда англаб етдилар.

Осиё пучмоқларида социализм дастлаб ғоятда жозибали кўринди. Осиёда социализмни, энг муҳими, феодализмдан, унинг ваҳшатларидан, қолоқлиги, қашшоқлиги, ғариблиги, мутаассиблиги, техникадан йироқлигидан қутулиш ва қутулишнинг бирдан бир чораси деб тушундилар. Осиё зиёлилари томонидан феодализмдан қутулиш бу қандай ижтимоий шаклда бўлмасин, бу ижтимоий шаклнинг остида империячиликнинг қандай найранг, маккорликдан иборат иллатлари қалашиб ётган бўлмасин, ҳақиқий маърифат — оқартувчилик деб тасаввур қилинди. У эътиқод ва қарашларга оқартувчилик каби сингиди. Яна буни ҳам қарангки, бундан таажжублансангиз ҳам, — феодализмдан қутулиш маърифатини озодлик деб англанди ва ўн йилларча ҳақиқий озодлик деб тушунтириб, уқтириб келинди. Бу озодликда ҳақиқий

маънодаги миллий эрк, мустақиллик ва улар билан чамбарчас боғланган инсон ҳақ-ҳуқуқлари гарчи йўқ эди — лекин ҳар қалай эзилиб ётган халқ учун ва ҳар қалай озодлик эди. Асли ўзи озод бўлмаган зиёлилар ўзларини озод ҳис қилиб, ўз навбатида мазлум элларга озодлик тилар, уларни озодликка чақирардилар.

Феодализмдан қутулиш беҳад катта аҳамиятли ҳодиса бўлгани учун ҳозир зиёлиларнинг бу ҳиссиётлари ва даъваткорликка интилишларини тушуниш мумкин. Қутулиш орқали мазмунан янги ҳаётга кириб бориш ижтимоий ҳодисаси кўплаб зиёлиларни ўзига ром этди. Улар феодализмдан халос бўлиш маърифатига тамомила асир бўлдилар ва мафтунликларини ранг-баранг шаклларда жон-дилдан тўлиқиб-тошиб куйладилар.

Тенглик, адолат, озодлик олижаноб, инсониятга керакли ғоя. Лекин уни амалга ошириш учун синфий кураш йўли, аҳолининг бир қисмини кириш, таъқиб, тазйиқ, зўравонликлар йўли танлангани — ва бу жамият тараққиётининг бирдан бир тўғри йўли деб англатишга уринилгани ҳамма нарсаларни остин-устун қилиб юборди. Бунинг устига синфий кураш империячилик мақсадларини амалга ошириш учун ҳам қулай ниқоб ва усул бўлиб чиқди. Классик Европа фалсафаси талқинида социализм моҳият эътибори миллий озодлик билан чамбарчас ва унинг даракчиси эди. Лекин синфий кураш ва унга эргашиб келган империячилик мақсадлари миллий озодликни ҳам, уни орзу қилганларни ҳам батамом маҳв этди. Бу ваҳшат миллий ўлкаларда айниқса қўрқинч уйғотди.

XX аср бари миллий заминларда қўрқинчлар ичра ўтди.

Қўрқинч кўп зиёлиларнинг ҳаракатлари ва асарлари га ўз соясини ташлади...

Ғафур Фуломнинг жуда бой ижтимоий-илмий меросига тўғри баҳо бермоқ, унинг замирида — мундарижаси ва ғоялар оқимида нималар ҳукмрон куч бўлиб ётганлигини англамоқ учун албатта XX асрда кечган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг бу хусусиятларини билмоқ ва тушунмоқ зарурдир. Умуман, социалистик замонда яшаб ижод қилган барча маданият, санъат, адабиёт намояндларининг меросига мурожаат қилганда уларга бевосита ва билвосита кўрсатиб келинган тазйиқ ва мафкуравий зўравонликларни бир зум ҳам ёддан қочирмасликка тўғри

келади. Лекин ҳар қандай мафкуравий зиддиятлардан қатъий назар улар аср ўзбек маданиятининг қурувчилари, Фафур Фулом таърифи билан айтганда, «замон яратувчилари» халқ ва мамлакат тақдири учун қайғурган ёрқин пешқадам намояндаларидирлар.



Ҳақиқий миллий мустақилликка эришилган йилларда халқ маънавиятига янги қарашлар вужудга келиб бир бутун тизим тусини олди. Ўтмиш меросга миллий маданият ва унинг ривожининг таркибий қисми деб қаралди. XX аср маданият намояндаларининг халқ олдидаги улкан хизматлари янгидан қадрини топди. Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримовнинг қатор-қатор фармонлари чиқиб, яқин ўтмиш маданиятимиз, санъатимиз, адабиётимиз, фанимизнинг улуғ намояндалари юксак даражада эъзозландилар, миллий истиқлолнинг олий нишонлари билан тақдирландилар. Бу ижтимоий адолатнинг ёрқин бир кўриниши эди. Шу билан маданият ўзини буржуа ва ишчи маданияти, сарой ва халқ маданияти деб сохта ажратишлардан тамомила халос бўлди.



Фафур Фулом ижтимоий бўронлар гурлаган XX асрнинг тонгида дунёга келиб, ўз ўрнини ҳам унинг суронли сафларидан топди. У тўхтовсиз рўй бериб турган сиёсий zilzilалар таъсирида ўсди. Оқил, фозил, даврни теран тушунган, адабий истеъдод нури-зиёсидан баҳраманд бўлган илғор қарашли ота-она тарбиясини олди. Аср бошидаги миллий мактабларда таълим кўрди. Мадраса таҳсилани тугатди. Россия, Қрим, Татаристон, Ҳиндистон, Афғонистон, Туркиядан келиб турадиган газета-журналлар, китобларни қидириб, топиб ўқиб, улардан ёш онги ва қалбининг изланишларини баҳрадор қиларди. Шоирнинг отаси Фулом Мирза ўғли эл-юртга таниқли маъруф, нозим кишилардан бўлиб, унинг атоқли хонадониди Муқимий, Фурқат, Асирий, Мухйи, Хислат каби кўзга кўринган халқпарвар шоирлар тез-тез меҳмон бўлганлар. Фафур Фулом ўсмирлик пиллапояларига қадам қўйган кезларда бирин-кетин ота-онадан айрилди. Сабийликда ака-сингиллари билан биргаликда етимлик-

нинг оғир захрини тотди. Улар ёш бўлишларига қарамай ҳеч қандай меҳнатдан оро килмадилар, болаларни меҳнат қутқарди. Уларнинг ҳаммалари ишга ҳам, ўқишга ҳам ғоятда ўч эдилар. Етимликда забунликни тан олмай илм, билим, таҳсил олиш пайига тушдилар. Фафур Фулом жуда серхаракат, серғайрат, ҳар нарсага қизиқадиган, серзавқ бола — ҳаётнинг не-не дорилфунунларида таҳсил кўрди, бой тажриба орттирди. У маърифат тарқатувчи — муаллим бўлиб етишди. Жон-дилдан мамлакатда бошланган маданий янгиланиш ишларига шўнғиди. Бутун вақтини янги мактаблар ташкил этишга, етим, қаровсиз болаларни тарбиялашга, уларни бошпана билан таъминлашга бағишлади.



Болаликда кишининг кейинги бутун ҳаётига таъсир кўрсатадиган, изчил давом этиб борадиган, катталик ҳаётининг асил моҳиятини белгилайдиган воқеалар, ходисалар, характерли башоратлар бўлади. Эрта бошга тушган етимлик Фафур Фуломнинг кейинги бутун ҳаётига, унинг доимий кечинмаларига, касб-кор танлашига, ижодининг мағзи-мазмунига жуда кучли таъсир ўтказди.

Унда шаклланган буюк етимпарварликнинг асл манбайи болалик эди. Улкан маърифатпарварлигининг манбайи сабий чоғлар ота-онасидан олган ҳеч унутилмас, олтин харфлар билан битилган таълим-тарбия эди.

Фафур Фуломни бутун элга танитган, унга элнинг муҳаббатини уйғотган «Нетай», «Тирилган мурда», «Ёдгор» ва айниқса, «Шум бола» сингари насрий асарларининг мазмун-моҳиятида етимлик кўргуликлари, етимлик саргузаштлари, етимликдан қутулиш, уни енгиб ўтиш йўлидаги уриниш ва интилишлар туради. Фафур Фулом етимлик нималигини ҳаммадан кўра яхшироқ билгани учун ҳам етимлар ва етимлик тақдирини мислсиз бир ҳамдардлик билан ёзади, ўзида туганмас, йўқолмас, битмас инсонпарварликни кашф этади. Унинг энг улуғ асарларидан бирининг «Сен стим эмассан» деб аталиши бежиз эмас. Бу асар инсон шарафига гимндир. Агар адабиётда гимндан ҳар ортиқроқ тантанали бир нарса бўлса, бу шеър ҳам ўша гимндан ҳам ортиқ бир ходисадир. Фафур Фулом асарларида етимпарварлик оталик хиссиёт-

лари билан чамбарчас. Бири иккинчисидан келиб чиқади. Етимликдан хўрланган, ҳақоратланган, камситилган, эзилганларни химоя қилиш, уларни зўравонликлардан муҳофаза этиш, асраш, химояга отланиш Ғафур Ғулом ижодиёти мундарижасининг етакчи қирраларидан бирига айланган. Болаларга, етимларга, эзилганларга ғамхўрлик қилиш, шафқат ва мурувватда бўлишни патернализм деб аташади. Ғафур Ғуломда бу патернализм жуда катта инсонпарварлик даражасига кўтарилганлигини унинг ижодининг бошидан охирига қадар мунтазам кузатиш мумкин. Ўзини халққа ва айниқса, ёш бўғинга ота деб билиш ва ҳис қилишдан Ғафур Ғулом ижодиётида яна бир қанча мотивларнинг, ижодий йўналишларнинг мундарижавий хусусиятлари томир отади.

Улардан бири шеърӣй услубга алоқадор нотиклик. Ғафур Ғулом барча шеърларини нотик бўлиб ёзди. Албатта, бу жуда юксак даражадаги шоирона нотиклик.

Нотикликнинг муҳим бир белгиси ва хусусияти бу — мурожаат. Ғафур Ғулом ўз шеърларида ва достонларида ва ҳатто прозасида ҳам доим кимгадир мурожаат қилади. Ва доим кимлар биландир — ўз ўқувчилари, кенг омма билан мулоқот юритади. Шоирлик халқ билан бўлади деган ақида унинг қон-қонига сингиган.

Мулоқотлар ва мурожаатлардан бош мурод: ватанпарварлик туйғуларини уйғотиш, жўш урдириш, миллий ғурур ва ифтихорни ғалаёнга келтириш, шарқлик одамнинг шаъни, ори, номусини кўтариш, ёшларга мурожаатларида эса уларни илм-фан чўкқиларини эгаллашга чақириш, ранг-баранг техникаларни, саноат ва мутахассисликларни эгаллашга илҳомлантириш, ўз халқи, Ватанига муносиб етук фарзанд бўлишга кучли даъват! Унинг ёшлик жўшқинлиги, маърифати илмга чанқоқлик билан тўлган «Бари сеники», «Яша дейман, ўғлим», «Билиб қўйки, сени Ватан кутади», «Навқирон наслимиз синов олдида», «Турсунали нега варракдан айниди» ва жаҳон уруши йилларининг шоҳ асарлари: «Сен етим эмассан», «Кузатиш», «Соғиниш», «Вақт», «Аввал ўқи», «Ўқи», «Олтин медал», «Йигитларга», «Ўзбек элининг ғурури», «Қуёшчалар шеъри», «Сизга», «Фарзандларга», «Қизимга», «Орзу», «Диплом» (бир бошдан бу каби шеърларининг барини санаб чиқиш қийин) ва бошқа асарларини кузатинг, уларнинг ҳаммасида ёш насли мамла-

кат ва миллатнинг таянчи деб қараш, энг улуғ орзу ва умидларни уларнинг камолоти билан боғлаш, жуда камдан кам топиладиган ишонч ва мухаббат, фахрланиш акс этади. Ёшларнинг қалбини ифтихор нури билан тўлдириш ва уларни келажакка илҳомлантиришда ҳеч ким Фафур Фуломча бадий юсаклик ва қудратли таъсирчанликка эришолмаган эди.

Фафур Фулом шеъриятида ва умуман бутун ижодида оталик меҳру мурувватига тўла тиниқ булоқдан отилиб чиқиб, ортиқ даражада ҳаяжонли бадий ифодасини топган мотив-йўналишлардан яна бири бу — Шарқ мавзуйи билан боғлиқ.

Шарқда ўзини ота деб билиш, ота мақомида туриш, ҳаётга оталардек муносабат азал-азалдан донишмандликнинг белгиси, нишонаси деб қаралади. Шарқ ва Фафур Фулом бу — бепоён мавзу. Фафур Фулом юрак-юракдан ўзини Шарқ шоири деб аташларини, Шарқ шоири каби танишларини севар ва орзуларди. «Мен Шарқ шоириман, — деган эди Фафур Фулом мақолаларидан бирида. — Шунинг учун Шарқ классикларининг ҳаммаси менинг хеш-ақраболарим, десам ажабланарли бўлмас». Шарқ мавзуйини кўтарган кўплаб асарларида Фафур Фулом халқлар ўртасидаги қариндошлик ғояларига алоҳида урғу берди. Бу мавзуларни қатта минбарлардан туриб очаркан, башариятнинг бахтиёр, озод келажакга учун курашишни ижодининг бош манбайи деб билди ва ҳақиқатан ҳам бош манбаага айлантиролди. Қардошликни қуйлаганда шоир асарларида миллий ғурурнинг жўш уришини кўринг! У айниқса, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, озар, рус, украин, белорус адабиётларини ўзига яқин кўради, бу адабиётларнинг улкан намояндалари билан ҳамоҳангликка, жўровозликка интилади. Лоҳутий, Нозим Ҳикмат, Файз Аҳмад Файз, Самад Вурғун, Собит Муқонов, Иван Ле ва яна бошқа не-не донгдор адибларни дўстим деб атайди, улар билан адабий ҳамкорликларни йўлга қўяди ва мустаҳкамлайди.

Фафур Фулом Шарқ шоири бўлиб ёзганда улкан тарихий камровга интилади. Унинг ижодкор тасаввури беҳад кенг қулоч ёзади. Ўзини кўҳна Шарқнинг фарзандидай тутуди ва серилҳом, серзавқ шоир бутун турфа Шарқ ўлкалари манзаралари, ўзига хосликларини кўз ўнгида тутуди ва ўта ҳаяжонли тимсолларда гавдалантиради.



Унинг Шарқ мавзуйидаги шеърларида кўзга ташланадиган наъракорлик ҳам балки шу — ўзини Шарқ фарзанди ва шоири деб билишдан туғилган бўлса ажабмас. Халқ бошига тушган катта фожиани енгиш учун шундай шеърлар керак бўлган-да...

*Не тонгки, ҳозир бундай ёзмайдилар*

*Не тонгки ҳозир бундай сезимлар сезмайдилар.*

Ва ҳозир бундай наъра тортмайдилар. Ҳар замоннинг ўз хоссаси бор.

Балки ғала-ғовур, турли ерларда экстремистлар бош кўтараётган вақтда шундай кучли нотикона қамров билан ёзишни даврнинг ўзи ва масалаларнинг долзарблиги талаб ҳам қилаётгандир.

Ҳозир эндиги шоирлар бутун Шарқ номидан, Шарқ халқларининг позицияси ва нуктаи назаридан туриб эмас, балки индивидуал бир инсон, бир шахс, бир ижодкор назаридан туриб сўз айтадилар. Замонлар бошқача. Ижодлар бошқача. Ижодларга қарашлар бошқача. Ўзга талқинлар. Ўзга равишлар, ўзга рафторлар.

Ғафур Ғулум эса ўз даврида миллионларнинг қалби ва интилишига доир сўзларни айтишга ўзини бурчли деб билган эди.

Шоирлар энди ўз қалбларини ўзлари тинглайдилар ва ўз қалбларига доир гапларнигина шеър гапи деб биладилар. Шунга кўра баъзан Ғафур Ғулумнинг шеъри ва бу шеърни севган, қалбида олиб юрган ўқувчилари олтмишинчи йилларнинг ўрталарида қолиб кетмадилармикин деган безовта дардли хаёллар ҳам туғилади.

Рост, ўттизинчи-қиркинчи йилларнинг наъра тортиш, хайқиришлари бугун ажабланарли туюлиши мумкин. Зотан бугун наъраларга ўрин йўқ. Ҳар замоннинг ўз садоси ўзига ярашади. Ҳозир бўронлар тингандай, осуда, вазмин, оқил таҳлиллар, талқинлар замони киргандай.

Ғафур Ғулумнинг ўттизинчи-эллгинчи йиллардаги ўқувчиси наъра тинглайдиган, хайқириқларни ёктирадиган, хайқириқларсиз ҳеч ишини битирмайдиган, бир сўз билан айтганда, наърага мойил ўқувчи эди. У ўқувчи маршларни севар, маршлар тинглаб, жабҳаларга, меҳнат майдонларига сафланарди. Наъра солиб ижтимоий майдонлари ва сахналарида жўшга кирарди. У замонлар ўтганидек, у садолар босилганидек, у ўқувчилар ҳам

бирлари ўтдилар, бирлари кексардилар. Лекин наъра колди. Наъра сўзи колди. Чунки у юракдан ўт олган хақиқий бедор сўз эди. Тирик сўз эса абадиятга дахлдор:

*Ҳе Осиё, Европа  
кўҳна дунёнинг  
Африка  
У қора танларинг сенинг,  
Афгоннинг, Эроннинг,  
жумла жаҳоннинг қуллари,  
Дамашқнинг, Басранинг етим, туллари,  
Марокаш эрлари,  
Сиём шерлари  
раъдвор набралар  
тортмоқлик галинг...*

Ғафур Ғуломнинг йигитлик чоғларида ёзган мана шундай шердам, ғаройиб чарсиллаган, қалдираган қофияларида замоннинг қадами, кураши, аёвсизлиги жам бўлгандек эди. Ғафур Ғулом учун сўз қурол эди. Буни тушунишда ва амалий ифодасида шоир ўз даврининг кам одамлар етиб кироладиган пешқадами эди.

\* \* \*

XX аср эски дунёдан батамом воз кечамиз деб уйғонди. Ғафур Ғулом эса асрнинг шундай мафқуравий уйғониш тонгида туғилди. У вақт ва аср дарёсининг четига чиқиб томошабин бўлиб туролмас эди. Унинг табиатида ҳаётни фаол меҳнат ва кураш билан ўзгартиришга интилиш майли жуда кучли эди. Унинг йигирманчи йиллар аввалида ёзган илк шеърларидаёқ хўрланиш ва қарамликка исён аланга олди. Ғафур Ғуломнинг инсонпарварлик дунёқараши эрта илгариллаган, шаклланган, у йигирма ёшидаёқ ижодий мақсадини ўзи учун белгилаб олган ўскин йигит бўлиб етилган эди. У замон воқелигига бор бўйича шўнғиди. Юрагидаги жуда катта ижодий куч-қувватни юзага чиқариш учун ҳаётнинг бепоён хайрли, кураш, меҳнат билан тўлган майдонлари — сохаларини топди. Ғафур Ғулом табиатан ғоятда актуал одам эди. У ўзини янги меҳнаткашлар замонининг агитатори ва тарғиботчиси деб тушунарди. Кейинчалик бир мақоласида буни аниқ-равшан ифодалаб бер-

ган эди: «Ўзим актуаллик ва хозиржавобликни, сиёсий ўткирлик ва партиявий юксакликни ижоднинг ўзаги деб тушунганим учун...» Унинг маърифатли хонадонда тарбия топганлиги бу хонадоннинг зиёли анъаналари ҳам шуни тақозо ва ҳатто талаб қиларди. Йигирманчи йилларнинг ўрталариданоқ тарғиботчилик янги шаклланаётган совет адабиётининг бош йўлига айланди. Кўп ёзувчилар ва шоирлар ўзларини «партиянинг дастёрлари» деб эълон қилдилар.

Ёш, ғайратли Фафур Фулом каби катта иқтидорли шоирларга ўлкага худди «мангу бахт, толе» келгандай бўлиб туюларди. Янги қурилишлар, янги саноат шаҳарлари, янги техникалар, янги мутахассислар асрий қоқоқлик, мудроқлик, феодал шароитлар, урф-одатлар, қашшоқлик, забунликни енгиб ўтувчи, уларга бутунлай барҳам бергувчи мўъжизавий бир қудрат деб қараларди. Ёшликнинг жўшқинлиги, шижоатига ўзгаришлар мислсиз бир тўлқин бағишлар, 1935 йилнинг бир шиддаткор шеъри «Текстилкобинат ва Миср эҳроми»да айтилганидай, «дунё томида туриб ғалаба новорасини чалишга» чақирарди. Наъралар ва хайкириқлар фақат Фафур Фуломгагина хос бўлмай, балки бир идеология ортидан эргашган, унга эътиқод қўйган Нозим Ҳикмат, Маяковский, Лоҳутий, Ҳамза, Бедний, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Уйғун ва уларнинг издошларининг овозларида ҳам баралла қулоққа чалинарди. Баъзан паровозлар, болғалар, синфий босқинлар гулдуролари орасида эрта кўклам очилиб, совуқ шамолларда титраб қалтираб турган жозибали бодом гулларининг ҳам таровати кўзга чалиниб қоларди.

*Хей, қўшиқ айтгим келаёттир*

*Кўклам қўшигин*

*Бодом гулларининг*

*юмшоқ ҳидлари*

*йигит ўпкаларга*

*бошлади оқин...*

Диктатуралар, синфий курашлар бугун ўтмиш тарих саҳифаларида сарғайиб, инсониятнинг истеъмолидан чиққан каби ётади. Лекин ҳаёт ғолиб, бодомлар ҳамон азал гўзал қўшиғини айтиб гуллайди. Ва Фафур Фуломнинг «Боғ», «Чаман», «Аввал баҳор эди...», «Қоғоз», «Сиёҳ-

дон», «Икки шеър», «Алишер Навоий қабри устида», «Тун билан тонг», «Собиқ ой юзлигимга» каби ўнлаб гўзал, нафис, инсоний туйғулар юлдуздай сочилган, боғ-бонлик, ошиқоналик, энг юксак ватанпарварлик рухи билан суғорилган шеърлари ҳамон ҳар қандай одамни тўлкинлантиради, севишнинг қудрати нималарга кодир эканлигидан дараклаб туради.

XX асрнинг биринчи ярмида Фафур Фулом ўз шеърларида авангардга, модерн шеърнинг жуда таъсирчан замонавий янги шаклларига интилди. Уларнинг ёркин буюк намуналари билан адабиёт хазинасини бойитди. Фафур Фулом улуғвор, қудратли истеъдод соҳиби эди. У ҳар қанча жозибали бўлмасин, хайкириқлар ичида қолиб кетишни, олқишлар, қутловлар, минбарлар овози билан чекланишни истамди. У эҳтимол олқишларни ҳаммадан кўра ҳам яхшироқ ифодалай оларди. Лекин унинг улуғ иқтидори ва даҳоси ҳамиша бу чекловларни ёриб ўтиб борди.

Фафур Фуломнинг кўтаринки пафос ва патетикага мойил талантига «Турксиб йўлларида», «Яловбардорликка», «Таклиф қиламан», «Нон», «Қалблар можароси», «Маданий катра», «Тугасин така», «Олкиш» ва уруш йилларида дунёга келган «Сен етим эмассан», «Мен яхудий» сингари жарангдор, жангжў шеърлар қанчалар хос бўлса, «Кузатиш», «Соғиниш», «Хотин», «Вақт», «Аввал ўқи», «Куз келди», «Чин арафа», умрининг охириги йилларида яратилган «Алишер Навоий қабри устида», «Хамма ердан сен гўзал», «Тун билан тонг», «Собиқ ой юзлигимга» сингари улуғвор инсоний кечинмалар акс этган дилрабо шеърлар ҳам шунчалар хос эди. Бундай шеърлар улкан шоир ижодий меросида оз эмас. Бу каби асарлар ўз донишманд фалсафаси, ҳаётийлик қудрати билан Фафур Фуломни Муҳаммад Иқбол, Назрул Ислон, Рабиндранат Тагор, Нозим Ҳикмат, Пол Робсон сингари шоир адиблар каторида мустаҳкам туришига мангу гувоҳнома беради. Улар бари вақтни енгиб бораётган асарлардир. Қолаверса, «Шум бола» ўзбек насрини Америка адабиётининг фахри «Геклберри Финн» ва «Том Сойер саргузаштлари» сингари улуғ ҳаётпарварлик даражасига кўтармадими, бир етимнинг шўх ва аламли саргузаштларини инсониятнинг Раблезиан саргузаштлари микёсига олиб чиқмадими? «Ёдгор», «Нетай»,

«Шум бола», «Менинг ўфригина болам», Афанди туркум хикоялари адабиётнинг энг улуғ хунари ва санъати саргузаштда эканлигини исботламадими!

\* \* \*

Фафур Фулом ижодининг бошидан охиригача хаётийлик ва инсонийликка интилди.

У хаётийликни — инсонийлик, инсонийликни — хаётийлик деб тушунарди. Унинг ўзи ҳам, қарашлари ҳам, бутун шоирона кечинмалари, ҳиссиётлари ҳам ўз даврининг, ўз халқининг хаёти билан чамбарчас бўлиб кетган эди. Бу жиҳатдан, айтайлик Пушкин ўз даври жамиятига қанчалар фаол таъсир кўрсатган бўлса, Фафур Фуломнинг ҳам XX аср Ўзбекистон одамларига ва халқига таъсири шунчалар кучли бўлган эди. Бундай ялли эмоционал таъсир кўрсатиш жуда камдан кам шоирларгагина насиб этади.

1948 йилнинг апрелида биз ўн ёшни тўлдирган, бешинчи синф дарслиklarини иштиёқ билан ўзлаштиришга шўнғиган эдик. Адабиёт муаллимимиз дарсга ёшлар учун чиқариладиган газетани кўтариб кирди. Газета яп-янги, ундан қўроқшин ва керосин ҳиди анкиб турарди. У одатдагича йўқлама ҳам қилмай, ўтилган дарсни сўраб ҳам ўтирмай, газетани шалдиратиб очди-да, «Бугун шоиримиз Фафур Фуломнинг шеърлари чиқибди. У сиздек ёшлар учун ёзилган. Шуни ўқиб бераман» — деди-да, «Сизга» деб номланган шеърни ўзининг адабиётчиларга хос ширали ва ўткир овози билан ўқий кетди.

*Мажлисда муборак юзингиз кўриб,  
Шоирнинг довдираб қолиши мумкин.  
Қайсингиз Алишер, қайсингиз Пушкин,  
Қайсингиз Нодира, Ломоносов ким?*

Биз кутилмаганда шеър тўлқини ичига кириб сел бўлдик-қўйдик. Гарчи оташин бу шеър университет студентларига қарата айтилган бўлса ҳам, лекин ҳамма сўзларни бизга ҳам тааллуқли эди.

*Хато айтмоқдаман, доно авлодлар,  
Бу мажлис эгаси сиз ўзингизсиз.  
Эндиги оламнинг ҳар бир мушули  
Хал бўлмас мўътабар бир сўзингизсиз.*

Юрагимизга ҳеч бир тўсик билмай оби ҳаёт томчиси каби тўкилди бу сўзлар. Ўзимизни ростданам оламнинг мушуқулларини ҳал қилишга куч-қудрати етадиган, сўзи, иши мўътабар кишилардек ҳис қилардик. Шоирнинг бизга, мурғак ақлимиз ва тушунчаларимизга виқор ва буюклик билан мададга келаётганлиги туйғуларимизни умидли кўкларга қадар кўтарарди:

*Сиз, ахир, осмонни олмоқ бўлсангиз,  
Не учун елкамни тугиб бермайин.  
Ақлу балоғатнинг шотуларидан  
Юксала берингиз секундлар сайин...*

Биз бу шеърни ўз сўзимиз ва ўз шоирона ҳаётий дастуримиз каби қабул қилдик. Уни ёдлаб олдик. Ўшандан бери бу шеър умр бўйи бизга ҳамроҳ. У бизнинг фикримизни юксалтирган, дидимизни тарашлаб тарбиялаган. Биз неча замон бу шеър таъсирида юрганмиз. Ўтирсак ҳам, турсак ҳам уни ўқиганмиз. Университет даргоҳига илк қадам қўйганимизда ҳам илк эшитган шеъримиз шу шеър эди. Ёшгина домламиз Лазиз Қаюмов биринчи дарсга кириб, дарсини шу шеърни ёд ўқишдан ва унинг бадий теранликларини изоҳлашдан бошлаган эди.

Биз шу шеър таъсирида шундай бўлдик. Балки Эркин Воҳидов сингари шоирларнинг ҳам шундай бўлгани ушбу шеър файзидандир. Шундан сўнг Фафур Фуломнинг шеърӣ китобларини қидириб топиб ўқишга берилдик. Ҳаётимизга «Шум бола», «Ёдгор», «Нетай», «Соғиниш», «Кузатиш», «Вакт», «Яша дейман, ўғлим», «Сен етим эмассан», «Ўқи», «Олтин медаль»... эҳ-ҳе, не-не дурдоналар ва шеърлар ва шеърятнинг олтин дамлари кириб келди. Шоирнинг ўша пайтларда чиққан «Тонг-отар қўшиғи» китоби бизнинг энг севимли китобимизга айланди. Сўнг акамга қарашиб пул топиб шоирнинг 1953 йилда нашр этилган энг мўътабар китобларидан бири — «Танланган асарлар»ни сотиб олдим. Бу китобнинг чиқиши биз учун чинакам байрам бўлган эди.

Фафур Фуломнинг асарларини ўқиб, фикримиз, ҳаётимиз фазолар, ойу юлдузлар қадар юксала борарди. Аллақандай даҳватан тушунтириш ҳам қийин бўлган ёркин фалсафӣлик кўксимизни тўлдирар, кўнглимизга яшаш илҳомини соларди.

Биз ўқирдик:

*Азиз асримизнинг азиз онлари  
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.  
Фурсат ганиматдир, шоҳ сатрлар-ла  
Безамоқ чоғидир умр дафтарин...*

Бу сатрлар дунёга келганда Ўзбекистон кўкида унинг дурахшон юлдузи балкигандай бўлган эди. Кунда ўқирдик бу сатрларни, ҳар дамда ўқирдик ва дилларимизга олтин сўзлар қуюлгандай туюларди. Ўзбекистонда бу сўзларни ёд ўқимаган ва уларни ўзиники деб билмаган киши чамаси йўқ эди.

*Бизнинг янтоқлардан ҳалво пишгандай,  
Бизнинг қамишлардан шакар тўкилур;  
Бизнинг тариқлардан бир тўйган чумчуқ  
Жаҳонлар айланиб йироқдан келур...*

Жонимиз, конимизга ифтихор каби оқиб кирарди бу каби оҳанграбо сўзлар. Ифтихор, ғурур агар шоирона сўзларда моддийлашса, улар Фафур Фуломнинг шеърларида юксак даражада моддийлашган — қуйма жавоҳирларга айланган эди.

Фафур Фулом бу каби шеърлари билан бизнинг назаримизда толе яратарди. Бизнинг қалбларимизга кириб толе яратарди. «Ассалом»да «толе синамадик, толе яратдик» деганда шоир минг бора ҳақ эди.

Биз инсон ҳурмати, эъзози, маърифати, унинг Ватани севиши нималигини Фафур Фулом шеърларидан ўқиб, англрдик ва шу ўқишларда ёшлигимизнинг эътиқодлари туғиларди:

*Инсонга ҳурмат бу — ўзин танимак  
Муқаддас атамак яшаган ерни...*

Инсонга ҳурмат Фафур Фуломнинг шоҳ сатрларида янграб турарди. Фафур Фуломча инсонпарварлик қалбларимизга реза-реза сингирди. Бу шеърларни биз ўзимизга мураббий деб билардик. Улар ақлимиз, идроки-мизни чархлаб борарди:

*Дуруст, виждонлимиз, ақл эгаси,  
Геркулес қудратли инсонпарварлар,  
Бор бутун бу ҳислат кибр бўларди  
Ақлда ихтиро бўлмаса агар...*

Шоирнинг шеърлари шу қадар таъсирга эга эдики, биз Самарқандга бағишланган шеърларини ўқиганда, ўзимизни шу дурахшон шаҳарлик деб ҳис қилардик, Наманган тўғрисидаги гўзал шеърларини тинглаганда, нега Наманганда туғилмаган эканмиз, дердик. Тошкент, Фарғона, Хоразм ҳақидаги порлоқ шеърӣ дурдоналарни-ку асти қўяверинг! Шоирнинг назар уфқлари шу қадар кенг эдики, у дам бизни озодлик учун курашаётган Жазойирга, Ливанга, Ҳиндистонга, Афғонга, Хитойга, океанлар оша Пабло Неруда ва Тунон яшаётган Лотин Америкаси ўлкаларига бошлаб борарди.

*Ўзимиз шу ерлик, меҳмондўст авлод,  
Дўстларни чақиринг чаманингизга;  
Отам шу ерда денг, мен ҳам бўлай шод,  
Бир даста гул бўлинг Ватанингизга!*

Фафур Фулом дўстларни ўз чиройли Ватанига чақирар, бизни ҳам шунга ундар, дўстларга бағри очиклик — унинг дунёсида ўта инсоний овозга — ўзбекона яшаш удумига айланган эди. Фафур Фуломнинг дўстлик туйғулари юксак чўққиларга кўтарилган «Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим», «Она қизим Жамилага», «Юракдан юракка», «Буюк оламга салом», «Ливан омон бўлади», «Анор», «Улуғ ҳинд халқига», «Самад Вурғунга» каби улуғ инсоний иктидор акс этган асарлари жуда кўп мамлакатларда акс-садо берган, Фафур Фуломни ўз даврининг улкан маданият ва жамоат намояндалари қаторида мустаҳкам сафбаста бораётганидан, адабиётимизни дунё микёсига олиб чиқаётганидан дарак берган эди.

Биз Фафур Фуломнинг ҳаётӣлиги, инсонӣлиги, жуда катта микёсларда тафаккур юритиши туб ва асил миллийлик билан тутшиб кетганлигини ва уларни ижодиетида бир-бирдан ажратиб бўлмаслигини сезардик. У беҳад олижаноб хиссиётларни куйларди. Сатрларидан тўкин, беғубор, самараси ҳеч қачон тугамайдиган ва балки бутун инсониятга татийдиган миллий боғнинг ифорлари гурқирарди:

*Кошқийди, халқим учун Ҳофиз газалларидек  
Тинч-омонлик замоннинг лирикасин ёзолсам.  
Кошқийди, бир нафас мен бу хуршидий хонамда  
Ота-бобом бошлаган дафтарин тўлгазолсам...  
Кошқийди, Бенавою Халиуллолар билан*



*Бир дастурхон устида «мўрча миён» чой ичсак,  
Кошкийди, видо айтиб жаҳоний кулфат билан  
Истиқбол субҳидамин бирга-бирга қучишсак...*

Улуғворликда — ҳаётийлик, ҳаётийликка — улуғворлик — Фафур Фулом сатрларида шунчалар мислсиз қийматга эга.

Қадимда китоб варақлари очилиб кетмаслиги учун уни ипак билан тикиб қўядилар ва буни шероза дер эдилар. Фафур Фулом шеърларини бир-бирига ҳеч қачон сочилиб кетмайдиган қилиб чамбарчас улаган ва бирлаштирган куч-қудрат унинг ўзбекона миллий ўзига хосликларни энг таранг пардаларда куйлагани эди. Агар таъбир жойиз бўлса, миллий ўзига хослик Фафур Фулом ижодиётининг мангу шерозасидир. У энг нозик инсоний туйғуларни қоғозга туширганда, энг долзарб сиёсий мавзуларнинг шоирона талқинларини яратганда қанда қилмайдиган — ҳамиша боғ ва боғбонлик файзини, руҳини, шоирона кўтаринкилигини улар ичига олиб киради. У ўзининг донишманд, фалсафий, инсонийлик гупуриб турган тафаккурий силсилаларига ҳамиша табиат, коинот, юлдузлар, боғ йўллари орқали кирди. Фафур Фулом муҳташам боғининг эшиклари ҳамиша коинот сари очилган.

*Шеърим дўстларимга келсин деб фором  
Дилимнинг боғига анор ўтқазай...*

Қанчалар гўзал, қанчалар халқона ва қанчалар чин маънода гафурона бу каби образлар ва бу каби миллий қарашлар, миллий образли фикрлашлар:

*Олтин ерим мақтовини олсам тилимга,  
Кўксим танбур косасидай лиммо-лим жаранг.  
Куйга солинг шу дамларнинг шивир-шивирин,  
Илк ўпичнинг илигидек шифо бундадир.  
Койиш топмай, ҳасса тутмай юз ёшнинг сирин  
Туққан ерни муккай ўпмак — шифо шундадир...*

Фафур Фулом бутун ижодида — хоҳ насри, хоҳ фелъетонлари, кулги ҳикоялари, латифалари, мутойибалари, шеърлари, йирик манзумалари, кенг публицистик меросида — ҳаммасида толейи, қисматида чинакам ўзгариш, тикланиш, янгиланиш рўй бераётган одамларни тасвирлади. Уларни кенг миқёсларда акс эттирди. Шоир доим ўзбек халқининг муносиб замонавий маданий тур-

муши учун курашди десак бунда муболаға йўқ. У катта хаёл эгаси эди, бинобарин, ҳар бир бадиий сўзи катта хаёл меваси каби туғилди. У бир шеърда: «Бир замон яратдик сизга мерос бўлсин деб» деган сўзни айтади. Замон яратиш осон ҳунар эмас. У ҳар кимга ҳам насиб бўлавермайди. Лекин шоирнинг ёшлар учун том маънода замон яратгани бу бор гап ва бунда муболаға йўқ. Фафур Фуломнинг қалби ёшларга, болаларга — истиқболга доим очиқ эди. Унинг ёшларга пешвоз чиқмаган дами йўқ ҳисоб. «Сиз учун шеърлар ёзиб тўймайман», дейди. Бу унинг чин сўзи. Фафур Фуломнинг ён дафтарларидан бирида шундай фикр қайд этилган: «Ахлоқ билан адабиёт бир-бирининг давоми. Бир халқнинг ахлоқини билмоқ учун адабиёти билан таниш». Фафур Фуломнинг ўзи ўз халқининг асил маънавий-ахлоқий гўзалликларини, унинг яшовчан, ҳаётий қарашларини тўлалигича асарларида ифодалади. «Шум бола», «Гилос данагидан тасбеҳ» туркумига кирган сўнгги асарларида саргузаштлар, қизиқ воқеалар замирига теран ижтимоийликни сингдирди. Мумтоз ва замонавий адабиёт муаммолари устида оригинал тадқиқотлар ўтказди. Сон-саноксиз фелъетонлари ва кулги асарларида янги ҳаёт муносабатлари шаклланиши учун тинимсиз жанг қилди.

Фафур Фуломнинг шоирлик этаги мудом дуру жавохирларга тўла эди. Ҳазал гуфтию дур суфти деган Ҳофизнинг фахриёна сўзи гўё Фафур Фулом учун айтилгандек эди. Унинг жони жаҳони, дилу дунёси ҳазалга тўлган эди. У бекорга айтмаган:

*Кўзимдан ойнакни иргитиб ташлаб,  
Келажак қиссасин ёзишим керак.  
Йигитлик умрини қайтадан бошлаб,  
Минглаб кон бағрини қазиишим керак...*

Лекин 66-йил баҳорги ер силкинишларида унинг қалби беҳад ларзага келди. Шоир ўзининг куёш билан тутинган не-не сатрларини мангу сафарига ола кетди. Бирок шоирнинг ўзи башорат қилгандай:

*Не-не тарихларни бошдан ўтказиб,  
Талай жафоларни тортган эски Шарқ —  
Не-не даҳоларни тарбият қилиб,  
Офтобдай жаҳонни нурга қилди гарқ...*

Ғафур Ғуломнинг шеърляти ва бутун ранго-ранг бой мероси ўзбек ери, ўзбек қалбининг нурига фарк бўлиб келаётган наслларга пешвоз бораверади.



Ғафур Ғулом кўтаринки образларга бенихоя бой ижодиёти билан ҳаётда ҳам, адабиёт дунёсида ҳам қудратли таъсир майдонларини яратди. Бу таъсирнинг баракали оҳангдор кучини Шайхзода, Зулфия, Саида Зуннунова, Саид Аҳмад, Туроб Тўла, Асқад Мухтор, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Шукрулло, Рамз Бобожон, Шухратлар авлоди ва ниҳоят Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари мамлакат ҳурматиға сазовор бўлган адиблар ижодида ҳам кузатиш мумкин.

Ғафур Ғуломни ўқиш — илхомёр ва илхомбахш ўқишдир.

Ғафур Ғулом ижодининг уфқлари жуда кенг жўғрофий маконларни қамраб олади. У ўзбек адабиётини Шекспир, Лопе де Вега, Фридрих Шиллер, Ҳоди Тоқтош, Маяковский, Нозим Ҳикмат, Пушкин, Грибоедов, Рудакий, Руставели, Саъдий каби улуғ алломаларнинг асарларининг жаранги билан бойитди. Унинг бадиий таржима сўзи шоирона кашфиётлари, кутилмаган, тонгрикма ихтиролари билан бизни ўзига тортади. Ғафур Ғулом инсониятнинг мангу майсазорларини севарди. Унинг севгиси ҳар бир сўзида садо бериб туради.

Ғафур Ғулом ёзувчиликни ўқитувчилик билан баробар қўяр, уларни халқ ўртасида маърифат зиёсини ёқувчилар деб биларди. Ўзи эса ўқитувчилар каби олимлик ва тарғиботчиликни бирға қўшиб олиб борарди. Унинг барча тарғиботлари олимнинг тадқиқотиға, тадқиқотлари эса тарғиботға ўхшарди. У ўзининг ўтмиш ва замонавий адабиёт ҳамда ижтимоий-маиший ҳаёт масалаларига бағишланган илмий публицистик чиқишларида, тадқиқот мақолаларида адабиёт ва ҳаётнинг шу пайтгача муаммо бўлиб келган томонларига равшанлик киритар, ишончли далолатлар келтирар, адабий жамоатчилик унинг муҳокамаларини эътибор бериб тингларди. У адабиёт ходисаларини ҳаётийлик мезонлари асосида баҳолар, ёш ниҳолларни қўллаб-қувватлар, уларни устодларча талабчанлик билан ардоқларди. Ғафур Ғуломнинг илмий-пуб-

лицистик меросида «Фольклордан ўрганайлик», «Навий ва замонамиз», «Икки Машраб», «Атойи эмас, Отойи», «Мукимий» туркум тадқиқотлари, Қорий, Ажзий, Васлий, Фурқат, Айний, Аваз, Тўқай, Олтой, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Шайхзода, Собир Абдулла, Низомий, Жомий ижодининг бебаҳо қирраларини очишга қаратилган таҳлиллари ва ахборот тариқасидаги илмий маълумотлари ҳали-ҳанузгача ўз қимматини йўқотган эмас.

Ўз даврида Хомил Ёқубов, Озод Шарафиддинов, Салоҳиддин Мамажонов, Адхам Акбаров, Наим Каримов, Ваҳоб Рўзиматов сингари олим ва адиблар қизиқарли ва кенг кузатишлар олиб борганлар. Шубҳа йўқки, шоирнинг кенг мероси янги тадқиқотлар, янги талқинлар, янгича изланишларни кутади. Келажагимиз Ғафур Ғуллом каби оташин шоирлари билан ҳам фахрлидир. Шоир билан бирга биз ҳам комил ишонч билан такрорлаймиз:

*Тириклик чоғида айтолганим сўз  
Ғарчанд умрларга қилур кифоя.  
Ўлимни билмаган дўстларим сифат  
Мени ҳам минг йиллар қилур ҳикоя...*



## ЧАРАҚЛАБ ТУРГАН КУН

*Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмаднинг  
саксон ёшни тўлдирган кунинда*

Кимдир Саид Аҳмад асарларини чарақлаб турган оддий қуёшли кунга ўхшатди. Чарақлаб турган кунни у хар қанча оддий бўлса ҳам беармон кадрига етсанг арзийди. Баъзан бундай кунларга ўрганиб қоламиз: ўзи азалдан шундай бўлади, шундай бўлиши керак деб ўйлаймиз. Ўтаётган, ўтиши муқаррар кунлар қаторида, улардан бесаноқ бири деб қабул қиламиз. Холбуки, у такрорланмас, бугун ўтади ва бошқа ҳеч қачон қайтиб келмайди. Келгани энди бошқа кун бўлади. Чарақлаб турган оддий қуёшли куннинг ўз қайтарилмас нури, меҳри, сирсиноати, йўл-йўриғи, равиш-рафтори бор. Одамнинг кўнгли равшан тортади Саид Аҳмад асарларини ўқиганда. У ҳикоя қилган воқеалар замирида тоза бир гавҳар товланаётгандек кўринади. Тасвирдаги сўзлар ва тасвирдаги юракларни ҳам шу гавҳар нури ич-ичидан ёритиб туради.

Бу чарақлаган кун ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. Унинг улуғ манбалари бор. Дикқат билан қаранг: чарақлаган куннинг қуёши Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаҳхорлар чопони этагидан чиққанлигини кўрасиз. Ҳаёт учун билмадиму лекин ўзбек адабиёти учун Саид Аҳмад шу адиблар этагида туғилган, шу адибларнинг меҳр-зиёсидан тўла баҳраманд ва баҳрадор бўлган. Қоронғуда туғилган, қоронғулик, тундлик, бадқовоқликни ёктирган ёки улуғлаган ўзбек адиблари бўлмаса керак.

Ўзбек адиблари бошларига қандай ишлар тушган бўлмасин, аксаран ва асосан ҳаётсевар бўладилар. Ўзбек адиблари ҳамиша яхшиликка чоғланганлар. Умид билан муносиб яшашга чақирадилар. Ўзбек халқининг табиатида ва характерида чарақлаган қуёшли куннинг улушлари ва улгилари бор. Меҳр, оқибат, иймон, диёнат, мухаббат, вафо қуёшли кунда туғилган ўзбекнинг ўзак илдизларидир. Унинг ўзагини сабр, матонат ва қаноат азал-азалдан қувватлантириб туради.

Миллий ғоя хақидаги юксак суҳбатларда Ислом Каримов миллий ғоя ва миллий мафқурани жуда ҳам мураккаблаштириб, унга ҳалдан ортиқ илмий-назарий тус бериб юборманглар. Миллий ғоя ҳам, миллий мафқура ҳам худди ҳадислардек содда ва ҳаммага тушунарли, таъсирли бўлсин, деган фикрни айтди. Тагини ўйласангиз, жуда чуқур бу фикрнинг. Узоғи билан иккита, учта, ўнта сўздан иборат бўлиши мумкин миллий ғоя. Лекин унинг қудрати азалга ҳам, абадга ҳам кифоя қилади. Яқинда сталинча қамоқ азобларини кўп кўрган рус адиби Солженицин ўз ўқувчилари билан китоб ва кутубхоналар тўғрисида сўзлаша туриб, миллий ғояга тўхтади. Бизнинг миллий ғоямиз рус халқини асраш бўлиши керак, деди адиб. Халқни асраш миллий ғояси остида яшаш ва ишлашга чақирди. Қаранг, қанчалар содда, оддий ва ҳатто жуда, эҳтимол, жўн сўз. Халқни асраш! Лекин Россия учун, русларнинг ҳозирги ҳолатини назарда тутганда, улар учун нақадар зарур ва нақадар ҳаётбахш ғоя!

Президентимиз тинчлик, эминлик, фаровонлик, эркинликда миллий ғоямизнинг асослари бўртиб турганлигини кўрсатайти. Ҳар қалай ўзбек халқи, Ўзбекистон халқи учун миллий ғоя шу тушунчалардан туғилади, шу тушунчалар замирида кўкаради ва самара беради.

Ҳадис бу аввало — соддалик, кейин ҳаётийлик ва ундан сўнг — инсон муаммолари, қалбнинг тугунларини ечиш, ҳал қилиш.

Саид Аҳмад асарларига миллий ғоя нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, улар бадиий тўқимаси ҳадислардек содда ва ғоятда таъсирчан эканлигини кўрамиз. Шу маънода улар худди Қодирий насри каби ўта халқона, халқнинг қарашларига яқин.

Ўзбекнинг меҳри кенг, бардоши ва қаҳри ҳам қаттиқ. Унинг меҳри қанчалар бўлса, қаҳри ҳам шунчалар бор.

Саид Аҳмаднинг романлари, худди таронага ўхшаган гўзал ҳикоялари, Такла-макондан Атлантика океанининг нариги қирғоғигача сайлга чиққан «Келинлар кўзғолони» асари, кулдириб куйдирадиган ҳажвлари меҳр ва қаҳрнинг юғуруми. Ҳатто унинг гўзал хотира асарларида ҳам меҳр ва қаҳр тутшиб ётади. Кечириш — улуғ фазилат. Кечириш — шунчаки кунда бўладиган ҳодиса эмас, у одамни ва умуман умр деган жуда мураккаб

ва ноёб ходисани тушуниш ҳамда донишмандлик билан бўлади.

*Авф чироғи қачон ўлгай ёруқ,  
Қилмаса исён тунн осий ёзуқ? —*

дейди Навоий. Гуноҳкорлик ва кечирим бир-бирига шундай боғланиб ётади. Лекин ҳамма нарсани кечириш мумкинми? Хусусан, эл-юртга хиёнатни? Халқдан, унинг азал туриш-турмушидан, халқни халқ қилиб уни не-не бало-офатлардан саклаб келаётган удум-урфу одатлардан юз ўгириш, диёнатсизлик, иймонсизликни кечириш мумкинми?

«Уфқ»даги жигари куйган ота Икромжонни эсланг. У қочоқ, кўрмоқ ўғли Турсунбойни қанчалар севмасин, унинг хиёнатини кечиролмади. Ўз кўли билан ўғлини отиб ўлдирди.

*Ҳар кимки осию гунаҳқарроқ,  
Афв ила раҳматқа сазоворроқ... —*

деб ёзади яна Навоий.

Саид Аҳмад Ўзбекистонимизнинг не-не миллатпарвар фарзандлари каби гуноҳсиз тарзда айбланиб, оғир азоб-уқубатларни бошидан кечирди. У гуноҳ ва гуноҳ нима эканлигини жуда чуқур билади. Ўз ҳаётининг қиммати баробарида тўғри хулосалар чиқарган. Ўз ва ўзгалар ҳаётининг ўта изтиробли, фожиали ҳолатлари ҳақида ёзганда Саид Аҳмад кечириш ва кечирмаслик масаласига яна қайта-қайта мурожаат қилади. Буни унинг кейинги вақтлар ичида кетма-кет эълон қилаётган воқеий асарларини ўқиб, кузатиб бораётган китобхон ҳам илғаб олди. «Сароб» номли ҳикояда олим отаси ва ота орқали халқимизнинг инсоний удумларига хиёнат қилган Кимсанбой мустабид шўро даври сиёсатининг хаддан ортиқ аянчли қурбони сифатида итдан ҳам баттар бўлиб ўлди. Олимжон домла қамоқда сўнгги дамда ўғлини таниди. Ўғлининг ўлими ҳар қанча аянчли бўлмасин, уни кечиролмади:

«— Домла, бир мусулмоннинг боласи оламдан ўтди, — дедим. — Шунга жаноза ўқитсак бўлармиди?»

Домла индамади. Узок сукутдан сўнг:

— Унга жаноза лозим эмас, — деди. — Кўкрагида кофирнинг сурати бор. Энди у бежаноза, бекафан кўмилади...»

Олимжон домланинг азоби Икромжон фожиасидан кам эмас. «Қоракўз Мажнун» хикоясида бегона юртларга кетиб қолган суюкли ўғлини ўттиз йилдан бери қутаётган кампир Саодат ая... Ўғли бўйнига бут тақиб келганда Саодат аянинг қандай ҳолга тушганлигини тушуниш мумкин. Кампир узоқ замонлар бошқа халқ ичида яшаб унинг урф-одатларини қабул қилган, ёши эллиқдан ошган ўғли Бўрихонга қараб тураркан, «ўзбеклиги қолмабди», деб ўйлайди. «Бўрихон учун Ўзбекистонда мустақиллик бўлдим, бўлмадим, барибир эди. У ўзга юрtnинг фуқароси, ўзга эътиқоднинг сифиндиси эди. Туғилган юртга муҳаббат туйғуси уни тарқ қилганига қўй йиллар бўлган. Она тили қадим-қадим замонлардаёқ унутилиб кетган Шумер тили қатори туманлар орасида қолиб кетганди...» Кампирнинг юрагида ўғлининг бу ғариб аҳволини кўриб нимадир узилади. Ўғлидан тирик айрилганини ҳис қилади. Бўрихоннинг шунча йиллардан бери асраб келган, гўдақликда кийган кийимларини ҳовли ўртасига олиб чиқиб ёқади. Саодат кампир ҳам, Икромжон ҳам, Олимжон домла ҳам, ёки «Азроил ўтган йўлларда» хикоясидаги Жалол полвон ҳам ўз гуноҳкор фарзандларини кечирришлари мумкин эди. Лекин улар кечиролмайдилар. Кечиримни қиёматга қолдиришни афзал кўрадилар. Саид Аҳмад улуг меҳрли, лекин қаҳри ҳам ўта каттиқ одамларни шундай тасвирлайди.

Саид Аҳмад бундай ҳолларда ўзининг кимнинг тарафида эканлигини яшириб ўтирмайди. Ёзувчи сифатида холис ва бетараф бўлиш зарурати ҳам мавжудлигини хаёлига ҳам келтирмайди. Кечирриш ва кечирмасликни аниқ тасаввур қилади. Бунда ўзбекнинг қадим ахлоқ тушунчаларидан келиб чиқади. Диёнат ва диёнатсизликка келганда халқнинг бу нарсаларга соғлом қарашлари ҳамда нуқтан назарларини ифодалайди.

Воқеаларга, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларига ўз муносабатини очик, яширмай ифодалаш Саид Аҳмадга хос. Бу ҳол унинг барча асарларига лирик-публицистик тус беради.

Шу ерга келганда, яна бир нарсани айтиб ўтиш жоийиз. Саид Аҳмад барча қаҳрамонларини ўз шахсидан олиб, ўзидан чиқариб, ўзига чоғиштириб тасвирлаётгандек туюлади. Худди шунингдек, унинг барча мушфик, меҳрибон, вафодор, жонфидойи аёл қаҳрамонларида ҳам



ғўзал адиба ва шоира Саида Зуннуовадан алланималардир бор. Улар бир халқнинг аёллар шажарасининг жуда лазиз, шафқатлар ва меҳр-оқибатларга тўлиқ меваларидир. Қахрамонларнинг юракларига ёзувчи юрагидан алланималардир кўчади. Бетараф бўлмаган адибларда қахрамонлар ёзувчининг фарзандлари каби дунёга келади.

Саид Аҳмад ўз ўқувчилари билан учрашувларидан бирида: мен ўртача яшамдим. Ёниб, куйиб, ўртаниб, севиб яшадим, деган сўзларни айтди. Бу сўзлар қанчалар ҳақ эканлиги унинг асарларида ҳам кўзга ташланади. Ўртачалик ҳаётнинг меъёри бўлиши мумкин. Лекин ўртачалик ижоднинг меъёри, ўлчови бўлолмайди. Ҳамма гап шундаки, ижоддаги ўртачаликда таъсирчанлик йўқ. Таъсирчанлик бўлмаган ерда ҳақиқий тарбия — инсон тарбияси ҳам йўқ. Адабиётни эрмакка айлантириш, ўртача бир ҳунарга дўндириш кўнгилни озурда қиладиган бадбинликдан ўзга нарса эмас.

Бугун муҳаббатли сўзнинг ёши саксонга чиқди. Муҳаббатли сўз мактабга айланди. Саид Аҳмаднинг романтик, хикоячилик, ҳажвчилик мактабидан Худойберди Тўхтабоев, Ўткир Ҳошимов, Неъмат Аминов, Ўлмас Умарбеков, Мурод Муҳаммад Дўст, Хайридин Султонов, Эркин Аъзам ва яна бошқа кўплаб шоирона эркин сўзли ёзувчилар етишиб чиқдилар. Ўзи қодирийлар этагидан бош кўтариб чиққан Саид Аҳмад устоз-шогирдлик мактабида ва ўз нурли тўни енгидан бу каби халқимизнинг суюкли адибларини чиқарди.

Саксон ёшида ҳам истиқлолимиз шарафи учун курашиб, халқпарварлик йўлида катта ишлар қиляётган, Навоийча айтганда, элимизнинг ҳақиқий маънодаги навобахши бўляётган бузруквор, моҳир адибимизнинг умри узок бўлсин, ибратомуз асарлари халқимизни ҳамиша ўзини англаши, билиши, эркинликни ҳимоя қилишга руҳлантирсин, далда ва мадад етказсин.

*4 май, 2000 йил*

## САИД АҲМАД ВА САИДА

Саид ва Саида...

Улар бир-бирларига суяниб яшашди. Бир-бирларига қараб илхом олишди. Ўрталаридаги меҳру муҳаббатнинг ҳамма вақт қадрига етишди, ардоқлашди.

Саид ва Саида...

Энг оғир айрилик дамларида бир-бирларини бирор зум унутишмади. Тақдир ёрлакаган пайтларда қувонч ва эркаликларни доим бирга баҳам кўришди.

Саид ва Саида...

50-йилда икки меҳрибон, икки ошиқ-маъшук, севишганларнинг никоҳ тўйлари ўтар-ўтмас Саидни «миллатчи», «халқ душмани» деб куракда турмайдиган тухматлар билан қоралаб сургун қилишди. Улар ёзувчилар уюшмасининг аъзоси эдилар. Уларга Фафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаххор, Миртемир, Шайхзодаларнинг назари тушган, адабиётнинг машаққатли йўлларига оқ фотиҳа беришиб кузатган ва хайрихоҳлик билан қўллаган эдилар.

Саиданинг бошига ўшанда Саидникидан кам бўлмаган оғир, мушкул иш тушди. Уни уюшманинг котибиятига чақириб, «Халқ душмани» — Саиддан воз кечишни талаб қилдилар. Ўшқирдилар. Дўк-нўписалар ёғдирдилар. Саида ёш эди. Ёш бўлса ҳам икки олий институтни тугатган, таҳсил кўрган, тошдан қаттиқ бардошли қиз эди. Ўртага олиб кистадилар. Воз кечмади. Шунда маълум бўлди: ҳеч қандай куч уни воз кечишга мажбур қилолмасди. Йўқ, у Саида бўлгани учунгина эмас. Унинг дегани, танлагани, тақдирига қўшгани Саид бўлгани учун ҳам у ҳеч қачон воз кечмас эди. Узоқ йиллар ўтгандан сўнг, ҳатто Саида ҳам дорулбақога кўчгандан сўнг Саид бу ҳақда ёзди. Йиғлаб-йиғлаб, жигари хун бўлиб ёзди. Йиллар юраги тубида ётган армон, алам, муҳаббатини қоғоз саҳифаларига тўкди. Унинг Саида ҳақидаги хотираларини Саиднинг энг гўзал достони, ўлмас таронаси дейиш мумкин.

Саид ва Саида...

Саида ўша тунлари оқармас йиллар Саидни кутди. Изларидан юрди. Тазйиқлар, таъкиблар, хўрланишлар-

нинг хаммасига чидади ва кутди. Саидани тақдир кутиш ва бардош учун яратганга ўхшарди. Узундан узоқ романлар, таржималарни уйқусиз тунлар, қутсиз кунлар ўтириб машинкалади. Шунда меҳнатни халоскор деб билди. Кейин у ҳамма вақт меҳнатнинг гўзаллиги ва инсонийлиги ҳақида ёзди. Ҳамма қаҳрамонларини меҳнатнинг турфа синовларидан ўтказди. Барча шеърлари, достонларини туганмас меҳнат ичра ўзини ўзи яратган ва туганмас меҳнатда ютиб чиққан одамларнинг ва айниқса хотин-қизларнинг қўшиғи каби яратди.

Меҳнат қила билмаслик, бировнинг эрки, ихтиёрини бўғиш, ўзгалар ва уларнинг бахтсизлиги ҳисобига кун кўришликни бориб турган маънавий қашшоқлик ва разолат деб ҳисоблади. Ўша қийин эллигинчи йиллар уни шуларга ўргатди.

У ўзини Саидга бағишлашга қарор қилди. Унинг бу қарори 40—50-йиллар орасида етилди. Саидни тамом ноҳақ жазолаганларидан сўнг унинг бу қарори қатъий мустаҳкамланди. У ўз олдига Саидни кутиш ва бу қийинчиликни енгиб ўтиш мақсадини кўйди. У Саиднинг ҳақлиги, бегуноҳлигига ва ўзининг ҳам ҳақлиги, тўғри эканлигига ишонарди. Бу емириб бўлмас ишонч Саиднинг ноёб характериға қўшилиб, алоҳида поэтик оламға айланди ва унинг эндиги ёзадиган барча асарларининг тўқимасига кирди.

Саида ва Саид...

Саида сабрсизни тиз чўктирадиган, иродасизни етти букиб ташлайдиган, бебурдликни бир умрга юзи қаро қиладиган ўша оғир шароитдан юқори кўтарила олди. Саиданинг қонида бормикан маҳрамлик?

Ёки бу қимматли хусусиятни ўзи дуч келган жуда оғир атмосферада унга зид инсоний куч-қудрат сифатида кўнгил қаърларида тарбияладимикан?

Аёлларнинг қони маҳрамликдан қоришган бўлади. Ўрта аср Европа файласуфи Монтеннинг эссесидаги эрлари ўлимға ҳукм этилган римлик аёллар уларға оғир дамларда қандай далда берганликлари, қандай ибрат кўрсатганликлари ва эрлари билан бирға ўлим шарбатини ичганликлари бежиз эмас. Аёллар маҳрамликда бундай фидойилик, жон беришға тайёр бўладилар.

*Сен менға бемалол суянавергил  
Мушкулнинг, дардингни — борин тўкиб сол...*

Бу Саиданинг сал кейинрок ёзган сатрлари. Фақат ўзига жуда ишонган киши шундай махрамона ёзади. Ҳаёт қандай бўлмасин, унда мустақил, мустаҳкам тура оладиган киши шундай диловарлиқ билан ёза олади ва шундай махрамона ҳаракатларга доим қодир бўлади.

Саида ўз характеридаги мана шу теран инсоний фазилатни барча асарларига олиб кирди, қахрамонлари тақдирида уни таҳлил қилди. Ёзувчи ва инсон, аёл ва унинг асарлари мана шунчалар бири бировига уйғунлашиб кетган эди.

Саиданинг кейинчалик бадиий асарларида урғу олган садоқат, меҳр, вафо, оқибат сингари ахлоқий меъёрлар хусусидаги қарашлари ҳам худди шу махрамлиқдан кучкуват олар эди.

*Бирга жарга тушгум ва ошгум доvon  
Дўстсиз, садоқатсиз ҳаётми ҳаёт?!*

Саида ва Саид...

Улар доим бир-бировларига жўровоз бўлишга интилдилар. Лекин ҳеч қачон рақобат қилмадилар. Кимўзарга ёзмадилар ёки ҳаракат қилмадилар. Саидага бундай мусобақа руҳидаги эгоизм тамомила ёт бир нарса эди. Саид «Уфқ» романини ёзганда, саҳифама-саҳифа Саиданинг далдасини ҳис қилиб турди. Саиданинг тунлар бўйи бедор кўринган хорғин, фикрчан, серташвиш нигоҳи роман қаватларига тўлқин-тўлқин мавж бўлиб кирди. Саиданинг ишончи Саиднинг кучига куч қўшди.

Саиднинг илк ўқувчиси Саида эди.

У худди илхом париси каби Саиднинг қоғозлар билан тўлиб кетган иш столи, унинг тинмаган эски қаддон машинкаси, бир зумда тўлиб чиқадиган кулдони, Саид яратаётган ҳаёт чорловларига лаббай деб турган қахрамонлар узра парвона эди.

Саид ва Саида ўзлари беҳад севган ёзувчилик ишида қийин, ўта шарафли бахтларини топган эдилар.

Саида ва Саид...

Бугун уларнинг файзли хонадонлари фарзанд, куёв, набиралар, шогирдлар, мухлислар билан гавжум. Саид тез-тез Саида бу кунларни кўрмади деб армон қилади. Лекин Саида бу хонадон барча орзуларининг ичида бор, Саиднинг ҳамон саксонга кирдим, толиқдим демай ёниб-куйиб, ўртаниб, завқ-шавққа берилиб ёзаётган асарлари битганда, биринчи бўлиб ҳамон Саида: «Ҳорманг! —

Яхши ёзибсиз!» — дейди. Саид ва Саиданинг сўнгсиз суҳбатлари тугамайди. Зотан, «Рух билан суҳбат», «Лирик нутқ»ида бу суҳбат ҳеч қачон тугамаслигига шоира ишора қилиб кетган эди.

*Бўстон бўлди боғим ҳавасманд қўлларида...*

— деган эди Саида ўйинқароқ Саид хақида эркалаб. Бу аёл, инсон, адиба тан бериши, айтиши мумкин бўлган энг гўзал сўз, эътироф эди.

Саид ва Саида ўртасида шундай рўшнолик бино бўлган эди.

Бу азал боғининг сўлмас бўстонларидан биридир.

### **Рухий чекиниш:**

Ҳаётнинг ховури ўтиб кетади. Иссиғи-совуғи, шовкин-суронлари, жангу жадаллари ўтиб кетади. Сизнинг хотирангиз қолади сайланган кўнгилларда. Кўнгилларнинг дилбар мақомларида. Сизнинг нозик адоларингиз, дилбар, жонипор сўзларингизни, ноёб истиораларингизни эслаб юришади давраларда. Ишқнинг ўйноқи ҳаволарига тўлган ғазалларингизни куйлашади тўй-ҳашамларда.

Балки ёзганларингизни ҳамма ҳам бирдай шавқ билан ўқийвермас. Сизнинг нозик руҳингиз бундан ранжирмагай. Ўқимай қўйганлар деб ўқинмагай. Булар янги замон ўқувчилари. Сизнинг сўнгги ҳикоянгиз, сўнгги ғазалингиз битганига чорак асрдан кўпроқ вақт ўтди. Бу ёқларда ҳамма нарсалар ўзгариб кетди. Бу ёқларга озодлик келди. Бу ёқлардан зулм, истибдод, қарамлик кетди.

Сиз тасвирлаган дам меҳрибон, дам вафодор, дам турмуш ишларида тангу тор, олчоқ қайноналар, ўз хақи учун талашолмайдиган, ўта андишали беозор, сочи сурпури келинпошшалар, эрини уруш майдонларида йўқотган ва ҳамон кўзи йўлда уларни кутаётган бева аёллар, эрки ўта чекли хотин-қизлар замонлари орқада қолдикетди. Ўзбек аёлларининг ор-номуси, уят-андишаси сиз учун беҳад қадрли ва сиз ушбу одоб-ахлоқ мезонлари, ўзбек аёли маънавиятининг жон томирларини химоя қилишга ҳамиша тайёр эдингиз. Асарларингизни шу олижаноб ишга бағишлардингиз. Сиз ўзбек қизлари сочларини узун ўриб юришларини ёқтирар эдингиз:

*Сочим узун бўлса, тим қора бўлса,  
Орқамда тўлганиб турса юрганда. —*

дер эдингиз. Бу 40—50-йилларнинг идеали эди. Сиз вафосадокатга ҳам идеал деб қарардингиз. Уруш беваларининг вафоларида қанчалар инсонийлик кўргансиз, уларни аёл сифатида қанчалар улуғлагансиз. Лекин ҳозир сочларини ўриб юрадиган кизлар жуда кам. Сочни икки ёки қирқ ўрим қилиб юриш ҳамма замонлар учун ҳам идеал эмаслиги, модалар тамомила ўзгариб туриши одадий бўлиб қолди. Ҳозирги кизлар ўзларига қандай турмак ёқса, шундай қилиб чиройли бўлиб юришади. Бунга қанча ҳаражат-чиқим бўлса ҳам, сарфлашади. Ўзларига ёқса бўлди-да!!!

Сиз тасвирлаган аёллар ҳаддан ташқари камтарин эдилар. Аввало уларнинг ҳаётга қўядиган талаблари ҳам камтарин эди. Улар кўп нарса истамайдилар. Оддий нарсалардан қаноатланадилар. Эҳтиёжлар кўп эмас. Кўп бўлса ҳам юзага чиқармайдилар. Бу яхшими, ёмонми? Тўғрими, нотўғрими? Яқинда қизимиз америкаликлар ҳузурида инглиз тилидан синовдан ўтиб келди. Унинг инглиз тилидан билимлари юқори баҳоланди. Лекин қизимизга: «Ҳаммаси яхшию, жуда уятчан экансиз», дейишибди. Қизимиз буни кулиб айтиб берди. Лекин бизни бу сўз ғоятда ўйлантириб қўйди. Аввал: «Нима, биз бола уятсиз бўлиши керак эканми?» — деган хаёлга бордик. Лекин америкаликлар аёл киши ҳеч қачон уятсиз бўлишини талаб қилмасалар керак. Гап чамаси ортикча тортинчоқликнинг зарари ҳақида боради. Улар балки тортинчоқлик, уятчанликни ички ожизликдан, шахсининг ўзига ишончсизлигидан, мустақил фикрлай олмаслигидан деб билишади. Ҳозир маънавият, ахлоққа қарашлар шундай ранг-баранг бўлиб боряпти. Саида Зуннунованинг жуда кўп қаҳрамонларида шундай тортинчоқлик, уятчанлик кўзга ташланиб туради. Бу ёзувчи ўйлаб топган нарса эмас. У узоқ давом этган тарихий муҳитнинг натижаси. Қолаверса, биз XX асрда хотин-қизлар эмансипациясини ҳамиша ўзимизча чала-ярим талкин қилиб келганмиз. Эмансипация ҳар доим жуда жиддий бош қотирадиган масала. Аёлнинг тўла ҳажмдаги тенгҳуқуқликка эришиши ва ундан тўла ҳар томонлама фойдаланиши бу — бу ҳаётнинг ва айниқса, биз яшаб келган, бизга ўрганиш бўлган ҳаётнинг тўла ўзгариши, янгиланиши ва шулар асосида ғалабаси бўлар эди, албатта.

Саида Зуннунованинг асарларини қайта ўқиб ўтириб, унинг мунаввар сурати қошида шуларни сўзлагандай бўлам.

## ОРФЕЙ ВА ОЛИЙ ЖАМОЛ

*Абдулла Ориф — Ўзбекистон Қаҳрамони*

Орфей ва Абдулла Ориф... Гапни бунчалар узоқдан бошламас эдим. Лекин бизнинг сўз тарихимиз бунчалар узоқ бўлса ва у жуда қадим, ҳатто тарихдан олдинги замонларга бориб тақалса, бир-бирига боғлиқ бўлса, бири иккинчисидан келиб чиқса, мен нима қилай... Бунинг устига суриштириб келса, инсоният тукқан шоирларнинг барчаларининг киндикларини афсонавий ва афсонасоз Орфей боғлаган бўлиб чиқса, тарих олдида, одамзоднинг шоирлари олдида бош эгмай иложинг йўқ.

Орфей — шеър, қўшиқ, сознинг илк сеҳргари. Одамзод шоир, созанда деганда илк уни таниди ва ўзи севган кейинги барча шоирларни унга ўхшатди.

Ростдан ҳам, сўзу созда қайдаки сеҳр бор, билингики, миллатидан қатъи назар, у ерда Орфей ҳам бор. Демакки, Орфей ўзбек шоири Абдулла Орифга ҳам тўғридан тўғри дахлдор. Уларнинг қавмлари бир: сеҳрсозлар қавмига кирадилар.

Шеърни кўпдан жоду билан тенг кўраман. Ибтидода жодудан кейин шеър сўзи оҳанги билан дунёга келган. Балки аксинча ҳамдир. Аввал сўз келиб, сўнг унга ҳавасда жоду тувилгандир. Балки жодунинг онаси шеърдир.

Шоиримизда мен «олий жозибаси» ва «олий бир жамол» деган классик ёрқин ибораларни учратганман. Шеър моҳиятан аслида шундай олий бир жамолдир. У инсон фаолиятининг олий бир жозибаси сифатида дунёга келади ва шундай жозибаси сифатида яшайди. Бўлмаса, Навоий сўзласаю биз йиғламас эдик. Бўлмаса, Қуръон сўзласаю биз йиғламас эдик. Бўлмаса, Инжилу Таврот сўзласаю биз йиғламас эдик...

У бизни жозибаси ва жамол каби ром этади ва олий жозибаси каби олий бир жамол каби тарбиялайди. Мангу тарбияда бўлади. Мангу адолат, меҳрибонлик либосларини кияди. Мангу мурувват сингари хар сафар бизни соғиниб кўришади. Шеърнинг бу таърифи эсингиздан чиқмасин. У кейин керак бўлади. Чунки бошқа таърифлар айланиб-айланиб шу эшикка келадилар. Шу эшикдан нон-туз тотадилар.

Шундай одамлар бўладики, улар мангу савол билан туғиладилар. Ўз мангу саволларига умр бўйи азоб-изтироб билан жавоб излайдилар. Ҳаётда энг юксак шарафларга эришган чоғларида ҳам бу мангу савол уларни асло тарк этмайди. Бу: «Одам ким?», «Ҳаёт нима?» — деган саволлардир. Биз Абдулла Орифнинг ҳар бир шеърда бу саволга у ёки бу тарзда дуч келамиз. Шоирнинг барча изтиробни осон бўлмаган ўйлари, андешалари, фикр қийноқлари шу ўқ атрофида айланади. Унинг барча ёзган асарларига, улар тўртликми ё дoston, ва ё қасида, фалсафий кўлам бағишлайди.

Ҳаётда ҳамма нарсаларнинг баҳсли томонлари албатта бўлади. Лекин фақат вақтгина ҳеч қандай баҳсни кўтармайди. Вақт билан баҳслашиб бўлмайди. Вақт билан баҳслашиб ҳеч ким ҳали уни енгган эмас.

Лекин ҳалиги савол уруғи билан дунёга келадиганлар ўз саволларига жавоб излаб, беихтиёр вақт билан баҳсга киришадилар. Гарчи вақтни енгиб бўлмаслигини билсалар ҳам, барибир ўз мангу саволлари уларни тинч қўймайди. Улар енгиб бўлмас ҳодиса билан беллашишдан чўчиб, ҳадиксираб ўтирмайдилар.

Мангу савол билан туғиладиган одамлар булар — шоирлар, инсониятнинг муаллимлари, донишмандлари, муаррихлари... Улар мангу баҳс учун туғиладилар.

Шеърни фақат шеър деб англайдиган эҳтиросли ўқувчи бизнинг бу кўтаринки мулоҳазаларимизга қўшилмаслиги ҳам мумкин:

— Шоир дунё ва тирикликнинг, ўз ҳаяжонларининг қўшиқчиси. У сўзни вазн ва қофияга солиб айтади, холос. Мухими: унинг қўшиқчилиги... Баҳс, мангу савол ва ҳоказо-ҳоказоларни сизлар, шеър танқидчилари ўйлаб топгансизлар. Қўшиқни фақат қўшиқ, шеърни фақат шеър деб қараш ва англаш жойиз...

Агар шеърга олий жамол ва олий жозоба деб қарама-сак, қадрли ўқувчимизнинг фикрларига қўшилиш мумкин.

Орфейдан қолган бир хосият шуки, у шеърни сеҳр ва соз билан оғушта қилди, сўзни созлади ва шунда сўз янги моҳият, даража касб этди. Орфей — энг қадимги шоир ва созанда ҳеч қачон қўшиқ ва сўзни бир-бирдан ажратмаган, шеър билан созни бир нарса деб тушунган. Шеърятни: «Лирам!», «Созим!» — деб атаган. Орфика, орфизм деган шеърый тушунчалар шундан қолган.



Ўқувчим мангу савол, вақт билан баҳс деганга ўхшаш ходисаларни ўйлаб топиб шеърни чигаллаштирмаслик, мураккаблаштирмасликни хоҳлайди. Ҳамма нарсалар ҳамма вақт оп-ойдин бўлишини истайди.

Биз ҳам шуни истаймиз. Лекин орифона, орфейёна шеър деганда уч карра уч тўққиз деб чекланиш мумкин эмас.

— Лекин майли-ку, — дейди яна эски ва янги ўқувчим. — Сиз, мана, боядан бери Абдулла Ориф хақида сўз бошламоқчисиз. Нимадир демокчисиз. Илгарилар ҳам кўп бир нарсалар дегансиз. Лекин нега Орфей? Афсонавий юнон созанда ва қўшиқчиси билан XX асрнинг ёрқин шоирларидан бири ўртасида нима ўхшашлик, яқинликлар бор? Орфейдан келаётган азал қўшиқ қисмати унга ҳам тегишли, унга ҳам бегона эмас. Орфей каби у ҳам сўзни созга айлантиролган. Жиндек лутфга ўрин бериб айтсак, у ҳам ўша азал шоири каби эли учун созга айлана олган...

Абдулла Орифни Орфейга менгзашдан хайрон бўлаётган замондош мусохибимни кўриб турибман.

Лекин... нега? Орфей ва Ориф мукояса манбайи бўлмайдими? Номлардагина чиройли ўхшашлик ҳамда охангдошлик борми? Балки шу ўхшашлик ва қофиядошлик чуқурроқ қаралса, тасодиф эмасдир?

Орфей — Ориф — буларда қўшиқнинг азал қисмати мужассам ва булар наҳот мангу савол ва мангу дардни инкор этолса?!

Мен бундай тушунаман бу нарсаларни.

У илон чакқандай оғир қарахтликда ётган ўлкани қарахтлик ва заифлик чангалидан чиқаришда — Чўлпонлар, Ойбеклар, Қодирийлар, Фафур Фуломларга издошдик қилмадими? Улар билан ўзини маслакдош, сафдош билмадими? Шоирлар, адиблар, муаллимлар зиммасига тушган озодлик, миллий равнақ ишини ўз ухдасига олмадими?

Озодлик хақида қайғуриш яқин ўтмишимиз, XX аср тарихимизда шоирлар, муаллимлар, адиблар зиммасига тушмаганмиди?

... Орфей илон чақиб ўлган гўзал ёри Эвридикани ер остидан олиб чиқишга уринди. Унгача ҳеч ким севган ёрини ер тагидан олиб чиқишга жасорат қилмаган эди.

Мен бунда барча йирик шоирлар қисматига дахлдор азал бир маъно ва маънавийликни кўраман.

Орфей ер ости илоҳини кўшиқ айтиб, соз чалиб рози қилди ва ром қилолди, сеҳрлай олди. Ер ости илоҳи рози бўлди ва фақат бир шарт қўйди: ёринг сенга эргашиб бораётганда, ортингга карама, ўгирилма. Акс ҳолда Эвридика яна ер остига кириб кетажак! Орфей най чалиб, ёрини эргаштирди. Бир ерга етганда, келяптими, йўқми, деб хавл олиб орқасига каради. Орфей энди Эвридикадан абадул-абад айрилди.

Бу одми гап билан айтганда, ҳеч ким бино бўлиб у дунёдан қайтиб келмаслигига ишорадир. Қолаверса, одам боласининг ожизлигидан нишона. Бундай ўйлаб қарасанг, одам психикаси ва мияси шундай қурилганки, у орқасига қарамаслиги мумкин эмас. У албатта ўгирилиб қарайди. Чунки бу унинг қисматида ёзилган.

Одам боласи ўтмишига ўгирилиб боқмай иложи йўқ. Чунки одам боласининг табиатига орифлик битилган. Яъни у ҳамма нарсаларни билишни хоҳлайди. Нега ман этилганлигини билиш ва тушунишни истайди. Уни бу истакдан махрум этиш кечириб бўлмас ёвузликдир.

Одамга билиш тилаги урф бўлди.

Лекин орқага ўгирилиб карама, деганда нима ҳикмат бор экан?

Яна бир илоҳий қиссада битилгандирким, Худо Лут қавмига жазо тайинлади. Бу қавм Лут даъватларига кирмади. Худонинг хайрли йўлини тутмади. Оғир разолатга ботди. Фаҳшга мук кетди. Худо жазо тайинлаган кеча шаҳардан ўз аҳли аёлини олиб чиқиб кетишликни амр этди. Орқанга карама! — деди. Лекин Лутнинг хотини разолатга берилган қавмдан эди. У кетар чоғда ўз орқасига қайрилиб каради. Шу захот туз тепага айланиб қолди. Ўгирилиб қарамасликда қандай ҳикмат бор? Балки Худо ўз иродаси билан яратаётганда бизнинг томошабин бўлишимизни хоҳламас.

Лекин одам боласининг шарафи ва фожиаси унинг ўгирилиб қарашга, яъни билишга, маърифат олишга маҳкумлигида.

Абдулла Ориф худди Чўлпон боболари каби ёниқ най чалиб занжирланиб ётган эли юртини уйғотишга бел боғлади. Унинг шеърлари уйғотиш шеърлари ва куйлари — бари уйғотиш куйларидир.

У XX асрнинг сўнги чорагида миллий сўзни ва миллий созни асоратнинг ўта маккор кўриниши — ғоявий демагогия, мадҳиябозлик ва социалистик чақирикбозлик чангалидан қутқаришга интилди. Бу хайрли ижтимоий интилишларда у албатта ёлғиз эмасди. Буюк тажрибалар унга ёр эди. Фафур Фулом, Шайхзода, Миртемир, Ойбек, Зулфиянинг умр поёнидаги ёзганларида синфий биқиклик ва тангу торликлардан фарёд саслари эшитиларди. Инсон овози янграётган эди. Эркин Воҳидов, Хайридин Салоҳ кабилар ижоди баробарида шеъриятда эркинлик руҳи жасоратга тўла бошлаган эди. Абдулла Ориф булар билан изма-из, сафма-саф ўз сертуғён овози билан майдонга кирди.

Унинг сиймоси, шахсида даврнинг овози, халқнинг иродаси, хоҳиши мужассамлаша бошлади.

Ҳақиқий шоирнинг ҳар бир шеъри бу аввало — гўзал бир иқлим, гўзал бир диёр, гўзал бир ҳилқатдир. Абдулла Ориф ўқтам жасорат билан шеъриятда шундай ўз иқлими, ўз диёри, ҳилқатларини яратди.

Ҳар бир гўзал шеър бу — шоир шахсининг шу шахсда мужассамлашган гўзал ва олий жамолларнинг намоён бўлиши, тафаккури олмос қирраларнинг даврни ёриб — давр ичига чуқур кириб бориши, яна шу олмос қирралар билан замондошларнинг юракларидан ўрин олишидир.

Абдулла Ориф шеърияти шундай куч касб этди.

Ернинг қаърларидан улкан ёриқлар, синиқлар ўтади. Ер дарзлари, улар нимага керак? Бу дарзлар Ери-мизни яхлит тутиб туришга хизмат қилади. Шу қудратли дарзлардан Ернинг теран нафаси ҳамиша чиқиб туради. Бу заминимизни оғир талафотлардан асрайди.

Абдулла Орифнинг энг яхши шеърларида Ернинг шу тугёнли нафасига уйқаш бир дам бор. Буни у айниқса шеър ўқиганда одамлар яхши ҳис қиладилар.

Абдулланинг ижодкор сифатидаги яна бир тарихий миссияси — у шеърни ҳаётга яқинлаштирди. Одамийлик тирилди. Навоийнинг энг улуғ ғояси — ўзбек адабиётининг бош ғояси — одамийлик яна кўклади. Одамийлик билан шеър яна кенгликка чиқди. Фалсафадан йироқлашиб кетган, сафсатага мук тушган шеър яна Навоий ўзанига қайтди. Унинг шеъри одамийлик маърифати би-

лан тўлиб, одамни озод яшашга ўргатадиган сўзга айланди ва шу мақомда ўз юксак бадиий тарихини яратди.

\* \* \*

Абдулла Орифни доим хаёлга фарқ холда кўраман.


Унинг хаёллари ўз ичига қаратилган. Юрагининг тубсиз қаърларидан гавҳар излайди.

Абдулла ўз хаёлини тинглайди. Шундай фарқи хаёл бўлган дамларда тоғ ортидан аста чиқаётган қуёшдек кўшиқ сўзлари туғилади:

*Шоир аҳли куйлармикан битта қўшиқни  
Борми экан бу дунёда олий, комрон дам.  
Қуёш бир кун чулгармикан ҳар тўрт уфқни  
Туғиларми бахти комил, бус-бутун одам?*

Туғилар деймиз. Чунки армонли, дардли шеър қаърларида худди шундай одам яшамайдими, ахир?

*Март, 2001 йил.*



## ДАШТЛАР МАЙСАСИ

### *Қуриган ёввойи ялтиз*

#### **2.04.91.**

Самарқанддан чиқиб Қарши йўлидаги Жом қишлоғи рўпарасида тўхтадик. Самарқанддан Қаршига қараб юрганда йўлнинг ўнг томони бир-бирига мингашиб кетган адирлар. Чап томонда тоғ тизмалари ястаниб ётади. Ҳозир тизмаларнинг усти оқиш мовий жилва билан қопланган. Тизмалар йўл ёққа энган сари баланд тепаларга, сўнг елкадош адирларга туташади. Адирлар ҳозир нимтатир яшилликка ўранган. Онда-сонда оқ гулларга бурканган олмазор боғлар учрайди. Боғлар ғоятда сийрак. Қирларнинг бети яккам-дуккам ҳайдалган ва ҳозир кузда сочилган уруғ кўк аланга бўлиб товланади.

Олис тоғ этақларида ер бағирлаган лойкесак кулбалар етти-саккиз тўп бўлиб, шу мунғайиб туриши билан неча минг йиллар илгари бу ерларда мавжуд бўлган ҳаёт равишларини эслатади. Подалар олислардан нашвати гулига ёпишган болариларга ўхшайди. «Бу ерлар жуда бой, хаддан ташқари бой бўлиши мумкин, — деган ўй келади. — Лекин ернинг бойлигини билдирадиган фақат битта ўлчам бор, у ҳам бўлса, шу ер эгаларининг юраги... Ер эгасидаги юрак бойлигигина ернинг бойлигини юзага чиқаради...» Эҳтимол, ўша пайтда етти машина қатор бўлиб йўлдан шувиллаб кетаётганда бундай кўтаринки ҳаёл миямга келмагандир. Эҳтимол, ҳозир шундай деб ўйлаётгандирман.

Кўтаринки гаплар ўзининг хосилсизлиги ва ёлғонга яқинлиги билан киши юрагини эзади. Баъзан тўғри гаплар кўтаринки шаклга киради. Бу шаклни кейин ҳеч нарса қилолмайсиз. Қўлингиздан келмайди. Шаклни бузолмайсиз. Чақалокни она қорнига қайтариб юбориб бўлмайди. Фикр ҳам шундай. Қайсар ва ўз дунёга келиш қонуниятлари бор. Мен Фафур Фулом ёки Ҳамид Олимжонни улар усуллар ва жумлазорларининг кўтаринкилиги учун айблай олмайман. Булар туғма кўтарин-

килик. Уларни ё қабул қилиш керак, ё қабул қилмаслик. Бошқача йўл йўқ.

— Шу боғларнинг ўзигина ҳосилга кирса, бутун дунёни мева босиб кетса керак-а? — дейман машинада бирга кетаётган биродарларимга.

— Хаа-а... — дейди Абдураззоқ ака чўзиб. Абдураззоқ ака жуда чиройли киши. Юзидан ўзбек барқ уриб туради. У жуда олижаноб фикрлайди ва дунёга олижаноб назар билан боқади.

— Тўғри-ю, ярмидан кўпи чириб кетади бу олмаларнинг... қолган ярмини қурт ейди...

— Нега ундай? Ахир, қаранг, беш-олти ёшли дарахтлар қаҳрабодай сарғайиб ётибди-ку, яхшилаб дориланган бу боғлар. Нега қурт есин? — дейман ўсмоқчилаб.

— Барибир қурт ейди. Бу сепган дорилари мевани, ҳосилни ҳамма қуртлардан саклолмайди. Бирини ўлса, бошқаси қиради олмаларни...

— Дорилар олмаларнинг ёғочини сарғайтириб ташлабди бу дорилар заҳарли бўлса керак. Улар кейинчалик мевага ҳам таъсир қилса керак.

— Йўқ, таъсир қилмайди. Дорини олма гуллагандан олдин сепадилар.

— Лекин дори олманинг вужудига ҳам ўтади-ку. Вужудига ўтгач, гулига ўтмайдами, гулга ўтгач, меванинг маъзига ҳам кириб боради, — дейман нечукдир шаҳар бозорларидаги олмалар тобора бемаза бўлиб бораётганини эслаб.

Абдураззоқ ака ўйланади. У билан ёнма-ён ўтирган ҳамкасб дўсти тасдиқлайди:

— Таъсир қилса керак... Ҳа, албатта, таъсир қилади. Дори маълум муддатдан сўнг зарарсизланади деймизу, лекин ҳали заҳарли дориларнинг таъсири қанчага чўзилади? Уларнинг ўзгаришларининг ўзи яна қандай ўзгаришларни келтириб чиқаради? Ўзгарганда у дорилар нималарга айланади? — Буларни ҳали мутахассислар охиригача текшириб етмаганлар. Жуда-жуда нозик иш... Лекин бизнинг дориларни қўллашимиз тўла ҳамоқат даражасида...

Мен буйрагимни ўйлайман. Олма дарахтларининг дориланган қаҳрабо вужудларига қарайману буйрагимда симиллаб оғриқ қўзғалади.

«Шу дориларнинг бари охир-окибат бориб менинг буйрагимдан ўтади. Буйрагим ҳам охир-окибат шу ота юртимда ўсган дарахтлардай... уларнинг пажмурда ме-валаридай... берч олмалар... берч буйрақлар... яллиғ-ланган буйрақлар...»

• • •

А.нинг шеърларини ўйлайман. Бизнинг ҳаммамизни йўлга отлантирган А.нинг шеърлари.

Кечагина дорилфунунда сўйлаган сўзларимни қайта хаёлимдан кечираман: А.нинг шеъри ҳаёт учун курашади. А.нинг ўзи ҳам ҳаётда ўз ўрни учун курашади. Унинг бутун умри шундай ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиш учун курашдан иборат. Ҳаёт эса мудом бизнинг курашларимиз устидан кулади... А. йигитлик куч-қудратига тўлган чоғларида кўп башоратангез сатрлар айтган. Улар миллий онг, миллий хаёлни шакллантирган фикрлар. А. «Ниманидир ахтараман шеърдан ҳам улуғ» деган. А. албатта буни ўзи хақида айтган. Лекин бу олтмишинчи йилларда мингларча ўйли ёшларнинг фикрига айланган... Сатр-ку айтилди. Лекин А. орадан йигирма беш йил ўтиб ўзи ахтарган нарсасини топдимиз? Топмадимиз?

*Кўзларимга гоҳ кўринар телба мисоли  
Мен бир вақтлар сажда қилган ҳазрати инсон...*

А. ўз шеъри билан мурожаат қилган авлод топдимиз? Топмадимиз? Шараф ҳам келди шоирга. Шухрат ҳам келди. Давлат ҳам... Лекин А. шуларни ахтарганмиди? Лекин булар ҳар қанча жозибали бўлмасин, шеърдан улуғ эмас. Шоир хаёлли одам назарида шеърдан улуғ эмас. А. узоқ йиллар ўтиб, жуда кўп нарсалардан ҳафсаласи пир бўлиб, гоҳ тортиниб, гоҳ ҳаволаниб ва ҳар сафар яна ўша асил дарвешона хаёллари оғушига қайтиб, мен кидирган нарса Муҳаббат эди, деди.

Рост, муҳаббат шеърдан улуғ бўлиши мумкин.

Аксинча шеър қайда?

Қайдан келади?

Лекин барибир, А. ахтарган нарса Муҳаббат бўлганда ҳам у сиз билан биз ўйлаган, тасаввур қилган муҳаббатмикан? Муҳаббат деганда, А. тамомила ўзга бир олам ва унинг равишларини тасаввур қилса керак. Биз эса бу тасаввур оламига хали-ҳамон кириб боролмаётгандир-

миз? Дўстим Олим Отахон бир пайт: «Алхамдулиллох...» деганда, арабнинг кўз ўнгида бошқа бир олам, бизнинг кўз ўнгимизда эса бошқа бир олам рўёси турса керак, деган эди.

А. мухаббат деганда, кўз ўнгида нималар пайдо бўлади? Бу сирни у бизга очган эмас. Очмайди ҳам.

\*\*\*

Адирлар кавлаб ташланган эди. Ҳар томонга қараб кавланган. Ҳар томонга қараб тартибсиз симлар, сим-ёғочлар тортиб кетилган. Кавланган жойларнинг қир-қоқларини ёмғир, қор ювиб тушган, тупроғи сарғайиб кўринади. Эскироқ кавланган ерлардан майсалар унган. Ер ўз вужуди яра бўлиб ётишини истамайди. Ярасини дарров майса билан ёпади. Кечиринг. Яна чиройли гаплар...

Орқада келаётган уч машина бирдан йўлнинг ўнг томонидаги адирлар сари тушган чоғроқ йўлга бурилди. Биз олдинга ўтиб кетдик.

— Юраверайлик. Биз уларни Жомда кутиб оламиз, — деди машинамиздаги аллаким.

Бироз юргач, Жомнинг мрамар кони кўринди. Мрамарни Белоруссиядан келиб олиб кетишар экан. Мрамар эвазига бу ерларга мактаблар, боғчалару ва турли замонавий болалар муассасалари қуриб беришни келишилган экан.

— Қуриб бердиларми? Кўрсак бўладими? — деб сўрадим Абдураззоқ акадан.

— Қайда дейсиз? Ҳеч нарса қурилган эмас.

— Мрамар-чи?

— О, мрамарни майдалаб олиб кетишаяпти.

— Нега ундай?

Бу ерларни ва унинг урф-одатларини биладиган ҳамроҳларим елкаларини қисдилар. Адабиётшунос Исроил Самарқанддан чиқаверишдаги боғда бизнинг шарафимизга ёзилган дастурхондан захира тарзида олинган чойнакдек анорни қонини оқизмай сўйди. Ҳаммамиз тамшана-тамшана анор едик.

Йўл босарканмиз, мрамар кони доим кўз ўнгимизда, чап кўзимиз устида турди. Кон. Бағри тилиниб, ўйиб ташланган унча баланд бўлмаган тоғ. Атрофи айлана



йўллар. Юк машиналари тўхтовсиз чопади. Тоғнинг боши оқиш ғубор билан қопланган.

Мармар тоғнинг нарисиди Жом. Ўз номига жуда ярашган. Адирлар бу ерга келиб айланади ва пасаяди. Улуғ кулол бу ерда адирларни шапатилаб-шапатилаб сўнг бир гўзал жом ясаган. Жомни ясаб бўлгач, кўнгли ўрнига тушиб, яна адир-адирлаб кетган...

Бу йўлда Самарқанддан кетаверишда барча қишлоқлар чап томонда, яъни тоғ тизмаси этакларида муюшган эди. Ўнгда эса фақат мингашган улкан адирлар ва орачора боғларгина кўзга ташланади.

Жомгача бўлган каттагина қишлоқ Оксой ҳам сўл ёқда. Йўлдан Оксой жуда жозибали кўринади. У ерда яшагинг келади. Сўлим, сурурли ранг-бўй хали бундан ўчмаган. Лойшувоқ уйлар нечукдир ўзига тортади. Оксой ёнидан ўтиб бораётганимизда Абдураззоқ ака:

— Оксой чиройли қишлоқ. Бу ерда Суннатилла Анорбоев ишлаган. Айтмоқчи, нега Суннатилла Анорбоев кўринмай кетти? — деди. Саволини ҳаммага қарата айти.

Ичимда: «Ростдан, нега Суннатилла ака кўринмай кетди?» — деб ўзимдан сўрадим. Ичимизда икки шоир бор эди. Улардан бири:

— Ўта дилкаш одам Суннатилла ака. Шахматни жуда қотиради. Этагингдан тутиб олиб ўйнамаганингга қўймайди. Ажойиб...

Бошқа бир шоир менинг ёнимда бирга ўтириб эди. Кўпга эмас, менга эшитарли қилиб: «Хозир кўчага чиқиш, бир жойга бориш ҳам қийин бўлиб қолди. Бир гуноҳингни эслатиб дарров юзингга сапчишдан тоймайдилар. Ҳаёт жуда дағал бўлиб кетди. Суннатилла ака эса кўнгли нозик одам...» — деди. Сўнг бироз ўйланиб ўтирди-да: «Бир дунё тугаб, бошқа дунё бошланди... — деди. — Энди кўплар бу дунёга етиб юролмайдилар. Улар бошқача тарбияланганлар, бошқача ёзганлар. Ўша бошқача ёзилганларни кейин қизиқиб, топишиб ўқишармикан?» У елкасини қисди. Ўсиқ қошларини юқорига кўтариб, узун киприкларини тез-тез пирпиратди. «Ҳай, билмадим. Билмадим-ов, — деди. — Балки қидириб ҳам ўтирмаслар... Бу фожиа...»

Бошқалар бу гапга аралашмадилар.

Машиналаримиз сой ичига эниб борди ва кўприкдан ўтгач баландликка кўтарилди. Баландликнинг белига чиқканимизда бу ерда, йўлнинг хар иккала томонида йиғирма-ўттиз чоғлик турли машиналар қаторлашиб тургани, кўп одамлар йўл четида А.ни кутаётганликларини кўрдим.

Шу тепадан эътиборан Қарши ерлари бошланаркан. Йўл Қарши томонга ҳам улкан адирлар оралаб кетарди.

— Мен бу йўлдан ўқиб юрган пайтларим кўп ўтардим. Жуда қадимги йўл... — деди Абдураззоқ ака машинадан тушаётиб. — Анави қишлоқ эса Жом. Ёзувчиларингиз Мурод Мухаммад Дўст шу қишлоқдан чиққан...

Кимдир унинг гапини бўлди:

— Жой ҳам солаётган эди шу ерда.

Кўплар билан қучоқлашиб кўришдик. Бошка бирлар эса чеккароқда бизга қараб турдилар. Чамаси, уларни А.дан бошка ҳеч ким кизиқтирмасди.

Кўклам куёши анча ҳаволаб қолган. Осмонни нимта-тир оқиш, кир булутлар чулғаган. Куёш шу булутлар орасидан эриган кумушдай ярақлайди.

Йўлнинг ўнг томонидаги баландгина тепага чиқдим. Шу ердан Жомни, кадрдон Муроднинг қишлоғини томоша килдим. Қишлоқнинг уйлари тўп-тўп ва тартибсиз қурилган эди. Янги солинаётган жойларнинг сони эскиларидан қолишмайди. Энди кўтарилаётган уйлар сойнинг узоқ ичкариларигача кўзга чалинарди. Шулар ичидан Муродга ўхшаган уйни ахтардим. Олисда энг чеккада қадди баланд уй кўзимга чалинди. «Балки шудир...», — деб ўйладим. Сўнг бу бехосил машғулот ўзимга нашъа килди. «Сенда заковат бўлса, — дедим ўзимни ўзим яниб, — бировнинг қурилиб битмаган уйини кидириб ўтирмас эдинг. Мана, А.да чинакам заковат бор».

*«— Устоз, — деди бир кун тулки тулкига,  
Нечун биз нишонмиз доим кулкига!»*

Шу икки қатор шеърнинг ўзидан истаганча заковат нишонасини топиш мумкин. У «Калила ва Димна»даги заковатдан кам эмас. Шогирд тулки ҳам, устоз тулки ҳам, гарчи уларнинг ҳеч қандай тавсифи келтирилмаган бўлса-да, кўз ўнгингизга келади. Шоир чизмаган нарса-ни ўз хаёлингизда чизасиз. Шоир сизнинг заковатингизга йўл очади. Шогирд тулкининг ори келганга ўхшайди.

Менга тажрибакор тулкининг шогирд тулкига: «ука» деб мурожаат қилиши жуда маъкул келади. Агар шу ерда у «ука» демаса, шеър ҳам шеър бўлмасди:

*«— Ука, — деди шунда тулкига тулки  
Бул ҳодисотнинг сабаби шулки,  
Касбини эплолмай қолса аксари  
Тулкилик қилади ҳайвонлар бари...»*

Бу нозик қочирим ғоят нашъали. Устоз тулкининг донолиги ҳам, тулкилиги ҳам бунда тўла мужассам.

Мана шу шеър ҳақида одамларга сўзлаб бермоқчи бўламан. Лекин қачон қаерда сўйласам, ҳеч фикрни шу шеърга тўғри келтиролмайман. А.нинг моҳиятини бошқа, қўтаринки ватанпарварона шеърларидан топмоқчи бўламан. Хаёлим шу томонга оғади. Рост, А. кўтаринкилик ва мадҳда ҳам чакки эмас. Бекорга у Ғафур Ғулом билан аллақандай туғма яқинлик сезмайди ўзида. Лекин менга қолса, мадҳ А.нинг стихияси эмас.

А.нинг стихияси — зарофат.

Шуниси ҳам борки, зарофат — сўз ўйинларигина эмас.

Зарофат — нимкулги.

Зарофат — ўткир киноя.

Зарофат — беозор ҳазил.

Зарофат — кутилмаган нигоҳ.

Заковат ва зарофат — А.нинг стихияси. Фалсафий, таълимий, қочирим шеърларда у ўз юксак баландлигига кўтарилади.

А.нинг рубойларида ҳам шу икки хислат шоҳ хислат. Улар худди Бадахшоннинг ложувард тоши каби. Кўзингизни майин ва бебаҳо шуълага тўлдиради.

Мен тепага чиқиб ўтирдим. Бу тепанинг номи бордир. Лекин мен билмайман. Бу ерда биладиганлар ҳам йўқ. «Тошкентга борсам, албатта Муроддан сўраб оламан», деб сўз бераман ўзимга.

Тепанинг энг тепасига чикдим. Пастдагилар кўринмай қолди. Фақат биз келган йўл, мрамр кон ва Жомгина кўринади.

Осмон эса гарчи юпқа булутли, аммо бепоён. Баҳорнинг осмони. Мрамр кон чангиб ётир. У ердан қимматбаҳо оқ мрамр чиқади. Йўлдан онда-сонда машиналар ўтади. Лекин ўнгга бурилиб кетган уч машинадан дарак

йўк. Тик турган кишилар машиналарнинг ичига ёки соя-сига ўтдилар. Нариги тепаларга ҳам одамлар ва хотин-халаж, бола-бақра ўрлаб кетдилар.

«Ўтир!» — деб буюрди ғайбдан кимдир. Бир чимдим бўлиб қолган майсага ўтирдим. Чумолилар қалъаларидан чикиб ширин ўтларни ялаб, заиф очилган чечаклар узра ўмбалоқ ошиб юрадилар. Олдинги қўлларини қуёшга кўтариб силкитадилар, сўнг шу қўлларини ялайдилар.

Бу ер жим-жит. Йўлдан ўтаётган машиналарнинг овозини ҳам тепалик ютади ва шовқин бу ердан беозор эшитилади.

Қир. Яна қир.

Пода. Яна пода.

Бир тепа. Яна бир тепа.

Бир жар. Яна бир жар.

Қишлоқ ичида хурпайиб гуллаган ўриклар. Хурпайган ўриклар.

Хурпайган гуллар.

Жомнинг қантак ўриклари шундай хурпайиб гуллайди.

Гўзал Зарафшон тизмалари шу ерда, Жом қишлоғининг тагида тугайди. Бурилиб кетади.



Хурпайган, эй, қадим жом! Кечир мени! Сени билмайман!

Адир тепасида тош устида ўтирибман. Бирдан турналарни беҳад маъюс овозлари келди. Хира булутлар тагидан турналарни қидириб топдим. Улар учта тўда эдилар. Учала тўда бир-бирини хабарлаб ва бир-бирларига учиш йўлини кўрсатиб қурайлардилар. Дунёда турнанинг овозидан ҳам маъюс овоз бўлмаса керак. Балки алла шундай маъюсдир. Турналар жуда баланд учаётир эдилар. Орқада қолган дўстларини чақирар эдилар. Олдинда учаётган тўда Жом тепасида анчагина айланди. Кейин бошқа тўдалар етиб келгач, учала тўда Жом узра айланиб ўтдилар-да, сўнг тўғри Самарқанд томон йўл олдилар. «Йўл олдилар», деб ёздим. «Учдилар» десам, тўғрироқ эди. Лекин гап карвон устида, турналар карвони устида кетаётгани учун «йўл олдилар», дедим. Карвон йўл олади-да...

Мухаммад Юсуфнинг кеча дорулфунундаги зарофатини эсладим. «А. баҳор билан бирга юради. У турналар борган томонга боради. Бугун мен Самарқандда турналар Қаршига қараб учганларини кўрдим. Эртага биз турналар изидан Қаршига борамиз...»

Шоирлар ёлғон сўйламайдилар. Лекин бугун турналар ўз азалий йўлларида, Қаршидан Самарқанд сари учиб борардилар. «Ўзбеклар қадимдан содда халқ бўлганлар, — деб ўйладим. — Улар содда сўзлайдилар. Содда иш қиладилар. Содда ўйлайдилар...» — деб ўйлаб ўтирдим-да, турналарнинг хазин нолиши таъсиридами ё Жом қишлоғининг бағри кенг шукухими, хаёлимда «Содда тушунчамда... содда тушунчамда... менинг содда тушунчамда...» — деган жумла тилимда айлана бошлади.

*Менинг содда тушунчамда —  
ой осмонга одамни  
сеҳрлашга чиқади,  
ойдан бўлар одамларнинг  
жигари.*

*Менинг содда тушунчамда —  
чин шоир сеҳргардир,  
одамларга одамни  
жигар қилар  
гамгузорий сўзлари.*

*Менинг содда тушунчамда —  
қуёш чиқар кўк юзига  
ўт бергани одамларнинг  
қонига.*

*Менинг содда тушунчамда —  
қуёши йўқ одамлар  
бўлар доим шафқатсиз.*

*Менинг содда тушунчамда —  
ўзбек кўкси тилсимдай,  
бу тилсим калитини кўкка отгандай  
Худо.*

*Менинг содда тушунчамда —  
шу калитни кўк бетидан  
қидиради шоирлар.*

*Менинг содда тушунчамда —  
на ўзини,  
на ўзгани  
тиндиради шоирлар...*

Қир тепасида тош устида ўтириб шуларни ўйладим. Жомдан менга шу сўз келди. Жом менга А.нинг отаси сўйлагандай факат бир кадам орадангина эшитиладиган ва факат рубойий ўқиладиган гамгузорий овозда: «Ўтир!» — деб эди.

Энди: «Тур!» — деди. Туриб қир устини кездим. Тошбақалар шибир-шибир ўт оралардилар. Пастга тушдим. Бир болакай тошбақанинг боласини тутиб ўйнарди. Унинг кунгирасини қўлчалари билан силарди.

Қолиб кетган машиналар келди.

Биз яна йўлга чиқдик.

Болакай тошбақасини қир бағрига қўйиб юборди. Тошбақа одам қўлининг изларини олиб кетди.

\* \* \*

Дафтарим ичидан бир кафт қуриган ёввойи ялпиз чиқди.

Кўп уриниб уни қаердан олганим, ким берганини ҳеч эслолмадим.

Ялпиз ўткир исини йўқотмаган эди.



## ҚЎТИРБУЛОҚ

### 3.04.91.

Қир ошдик. Қир ошиб текисликка чикқанимиз йўқ. Яна бошқа қир-адирлар орасига кириб бордик. Йўлнинг ўзи адирлар ичидан ўтади.

Мен бу қирларни билмайман. Бу адирларни билмайман. Зарафшон тоғларини билмайман. Тизмалар устида ё остида юрган эмасман. Менинг бу «Билмайман» дейишим мақтанишга ўхшаб кетаяпти. Лекин бу мақтаниш эмас, уят. Ўз ерини билмаслик жуда уят. Баландпарвоз сўзлаяпти деманг, ўз элини билмаган одам бошқа нима билди? Агар билганда ҳам, унинг булардан ташқаридаги, булардан истисно, холи билимига ишониб бўладими? Шунинг учун мен билмаганимдан уяламан ва шу уятдан озгина бўлса-да халос бўлиш учун, буни очик тан олаяпман. Менинг ҳеч қандай гуноҳим йўқ, деган фаришта одамдан, хўп, сенинг сира гуноҳинг йўқ экан, сен тоза экансан, айт-чи, сен ўз элингни биласанми, ўз юртингни, ўз жуғрофиянгни биласанми, деб сўранг. Мабодо, билмаса, унинг фаришталиги ва тозалигига ишониш қийин. Элини билмаган кимса эли олдида гуноҳкор. Бу ерда «гуноҳкор» деганим «қарздор» деганим ҳам.

— Иброҳим ака, бу қирларда кузда ё ёз ўртасида бўлганмисиз? — деб сўради адирнинг майса кўрпасига ёнбошлаб ётганимизда шоир Икром.

Бўлмаганман, дедим, бўйнимни қисиб. Билмаган одамнинг бўйни доим қисик-да ва иши мудом орқага кетганда. Билган ўн дақиқада етиб борадиган манзилга билмаган ярим кун, баъзан эса йиллар давомида етиб боролмайди. Гапларим доноликка ўхшаб кўринмасин. Билмаган ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам овора қилаверади. Билмаганнинг билгани курсин. Қийнаб юборади.

Икром денгизчиларникига ўхшаган кўли билан шабадада тебраниб турган майсаларни силади ва кафтини чалғи чалгандай у ёқдан бу ёққа чалди.

— Такрон нима дегани, биласизми? — сўради Икром.

— Билмайман.

— Ёз чиққанда кирда ўтларнинг сарғайиб қуришини бу ерларда «такрон» дейишади. Такрон чоғи ҳам бу ерлар чиройли бўлади.

«Такрон» сўзини дафтаримга ёзиб қўйдим. Атрофимга қарадим. Сайлга чиққан ўзбеклар. Машиналар, отлар, эшаклар, туялар, бир сўз билан айтганда, кўхна ва замонавий уловлар тепалар чеккасига қантарилган. Нотиклар сўз айтмоқдалар. Шоир шеър ўқимокда. Одамлар кирда ранг-баранг гуллаб ётган чечакларга ўхшайдилар. Улар ўланларга қоришиб кетганлар. Уларни майса-чечаклардан ажратиб бўлмайди. Ўзбеклар майса. Ўзбеклар қир ва сахро одамлари. Сахро ва қир улардан ҳеч қачон ётсирамайди.

Қизлар эса шунчалар алвон либосларга ўранганларки, капалаклар мисол у томондан бу томонга тўда-тўда бўлиб ўтадилар. Бунақа чиройли капалакларни ҳеч кўрган эмасман.

Шунчалар ранго-ранг издиҳом!

А.нинг шикаста овози бу издиҳомнинг эр ҳайқирикларига кўмилиб кетади. Лекин булар шикаста овозни ҳам диққат билан тинглайдилар ва уни ўз қийқирикларига кўмиб юборадилар. Барибир, А. шуларнинг шоири. Шу тўлқинда туғилган. Эҳтимол, ҳозир бу қийқириклар уни чўчитади, лекин унга ёт эмас. Бу ранго-ранг азамат издиҳом манави баҳор чечакларини қанчалар сўйса ва қиш бўйи орзиқиб кутса, А.нинг шеърларини ҳам шундай суяди. Ўқиганман: «Кибор шоир» деган тушунча бор. Халққа юксак булутларнинг оқ тўдаси ичидан боқадиган шоирлар балки кибордирлар. Лекин А. ундай эмас. У кибор эмас. Кибор фикр эгаси эмас. Унинг сўзи халққа яқин. У ўз халқининг тилини топган. Унинг шеъри бу баҳор майсаларига ва баҳор шабадаларига, илк чечаклардан шарват эмадиган ва ҳеч қачон ҳеч нарсани яқсон қилмайдиган мана шу капалакларга ғоятда яқин.

У ҳайқиролмайди. Ҳайқиришни истайдими, йўқми, билмайман. Истамаса керак. Ҳайқирик унга ёт. Лекин баъзан аллақандай кайфият таъсирида ҳайқириб шеър ўқимокчи бўлади. Шунда нозик комати орқага, ҳа орқага (олдинга эмас) ёй каби эгилади. Тобора жўшиб шеър ўқиркан очилган қавсга ўхшаб қолади. Бу зўриқиб шеър ўқиш туфайли бўлса, эҳтимол. Ҳамма шеърларини эмас,



айрим шеърларини ўқиганда, унинг ҳолати шундай очилган қавс ҳолига киради.

*«Ҳайқиряпман ҳозир... Баъзида лекин  
Заиф шамолларга бўйсунар созим.  
Юрагим, юрагим, миттисан-ку сен,  
Ҳайқирши аслида сенгами лозим...»*

Турғунлик бошланмаган, лекин унинг шабадаси келаетган ва коммунизм ўзининг энг чўққисига кўтарилган пайтда айтган буни А.

Митти юрак. Митти юлдуз. Митти шеър. А. ўзи ҳақида ўзи шундай дейиши мумкин. Бунга ҳақли. У ўзини «Энг нўноқ одамдан нўноқман» деб ҳам пастга уриши мумкин. Бир чеккаси шоирона камтарлик удуми. Бошқа бир чеккаси ўзи табиатан дарвешликка мойил. Лекин бошқалар унга бундай деёлмайдилар. Бошқалар бундай десалар, бошқача эшитилади. Шоир ҳақли бўлган нарсага бошқалар ҳақли бўлмасликлари мумкин.

Ўзбек миллий ҳаётида «базм» тушунчаси ўзига хос. Ўзбек ўз ҳаётини базмсиз тасаввур қилолмайди. Базмни айш-ишрат маъносида тушуниш ҳам йўқ эмас. Лекин халқ базмни умрнинг байрами деб билади. Навоий базмни ижод ва шеърят, гўзал шеърый мусобақалар деб тушунган. У барча йирик асарларида базмларни алоҳида шавқ-завқ билан тасвирлайди. Унинг ҳар бир ғазали эса туйғулардаги чексиз гўзалликларнинг чин базмидир.

Агар ўзбекнинг базми тортиб олинса, унинг энг қиматли нарсаси — ҳаёти тортиб олинган бўларди.

А. ўйга ботиб юради.

Юраги митти. Ўйи полвон.

У ўйнинг исканжасидан кутулиш учун муттасил уринади.

• • •

Капалаклар пориллаб учиб кеттилар. Отлар дупур-дупур ҳар томонга тарқади. Майсалар яна ёлғиз осмон билан сўйлашмоққа тушдилар.

Йўл четидаги бекат.

Йўлга қарата солинган шинам қўналға. Қўналғанинг икки томони баланд айвон.

Дастурхонга бир неча турли ковордоқлар катта лаганларда уюлган. Чойнакдек-чойнакдек ноклар. Кафтга

сигмайдиган анорлар. Нок ва анор апрелнинг бошида бениҳоя лаззатли бўлиб кетади. Бу дастурхон Германиядаги бир князликни бир ҳафта тўйдириши мумкин. Етти-саккиз хил, турли шаклда қизартириб пиширилган сом-салар.

Булар дастурхонга қўйилган таомларнинг фақат бир қисми. Тортилаётган таомлар алоҳида. Жўжа қовурдоқдан лаззатли шўрвагача. Фақат қўйнинг қовурғасидан қовурилган қовурдоқдан икки-уч турли кабоб ва охири паловгача... Еган билан, ичган билан дастурхон устида ҳеч бир таом озаяётгани йўқ. Бўшаган лаганларнинг ўрни тўхтовсиз тўлиб турибди.

Одам ўзини жуда ожиз ва ҳақир сезади бу ўзбекнинг базм дастурхони рўбарўсида.

#### **4 апрел, жума.**

Болалик чоғларимизда, қирқ олтинчи, қирқ еттинчи йилларда ёз ва куз пайтлари чуқурсойлик Салом аммамизнинг узумзор ва нокзор боғларига сайлга чиқардик. Салом аммамнинг боғлари ва улкан кўрасига темир йўл изидан ўтиб бориларди. Темир йўл ва поездлар бизга фавқулудда қудратли нарсалар бўлиб кўринарди. Катталар олдинга ўтиб кетиб, биз чўян изларга энгашиб ётиб диққат билан изга қулоқ солардик. Узоқлардан бўлса-да поезд келаётган эса чўян из ажиб бир тарзда зинғиллаб турарди. Биз чўян изга қулоғимизни қўйиб шу товушни эшитишни севардик. Анчагача зувиллаган овоз келмаса, катталарнинг орқасидан қоронғу қамиш ариқдан тезроқ ўтиб олайлик, бўлмаса, бувимиз кетиб қоладилар, деб зинғиллардик.

Қарши четидаги улкан қадимий қабристонда туриб ҳозир, шу тобда, ҳеч нарсага қарамасдан, гарчи галстук таққан одам бўлсам ҳам, ерга ётиб, қулоғимни қабристон майсаларига тутгим келди.

Қабристоннинг кунботарида ҳайбатли девдай тепа. Жуда маъюс тепа. У ерга Жинлар ва Рухлар макон қурган. Дунёнинг сирли тепаси. Нигоҳимни қадим ва янги қабрлар эмас, нуқул шу тепа тортади.

Бу орада А.нинг отаси ёнимдаги кимгадир тушунтира бошлади:

— Муқанна ўтган жойлар-да бу ерлар. Ана шу тепа ҳам Муқаннанинг тепаси бўлган. Унинг қўрғонлари ва

коровулхоналари бўлган бунда. Бу ҳамма тепаларда... — Қарши атрофидаги барча тепаларни кулочини ёзиб кўрса-тади.

Бобонинг қиёфасида жуда қадим одамларнинг нуқси бор. Қошлари қуюлиб, қийик, асл ўзбекона, манғитона кўзларига тушган. Даштнинг ҳавоси юзини ва қўлларини мумдай қорайтириб юборган. Хастароқ овоз билан равшан-равшан сўйлайди. Тетик фикрлайди. Қабристондан чиқиб борамиз. Атрофдагилар ола-ғовур сўйлашиб борадилар. Мен бобонинг сўзларини яхшироқ эшитиш учун унга яқинроқ юраман. Ҳассасига мункайиб бораётган бобога шовур-шувур нечукдир ёқмайди.

— Қабристондан чиқаётганда дуо ўқиб чиқинглар. Бу ерда ётганлар тиланиб ётибдилар. Сиздан дуо тилайдилар. Кимлар ётибди бу тепаларда...

Шунда мен бу тепага сажда қилиб, уни тинглагим, қадим боболар ва момоларнинг, Муқаннанинг сасини уққим келди.

Муқаннанинг овози келиб турганига ҳеч шубҳам йўқ. Фақат у овозни эшитгувчи зийрак қани?

Исо ҳазратлари чин дилдан ўлик тирилсин десанг, ўлик тирилади. Ихлос қилсанг, ихлосинг рўёбга чиқади, деганлар. Бунинг учун дилнинг тозалиги ва ихлоси қай мақомда бўлиши керак...



Рўза ойи эди. Кун ботганда, бобо билан унинг кенг ҳовлисининг ғарбий томонига қўйилган чоғроқ сўрисиди ўтириб ифторлик қилдик. Бобо бизнинг тегимизни суриштирди. Айттик. Бобо нечундир бизга эшон деб мурожаат қилдилар. Бободан буни мақтов ўрнида қабул қилдик. Бобо А. атрофини қуршаган ёки бир пайтлар А. билан яқин бўлган барча адибларни яхши билади ва улар хақида билганларини кулиб-кулиб ҳикоя қилиб ўтиради. Сайёр, Шукур Холмирза, Махмуд Саъдийни эслаб, нега булар кўринмай қолди, дедилар. Замон ўзгариб бориши, шунга яраша А.нинг атрофи, уни қуршаган одамлар доираси ҳам, табиийки, ўзгариб боришини бобо тан олгилари келмайди. У киши бир пайт дўстликда дилдорликлар қилган одамлар охиригача ҳам шундай бўлиши керак деб ўйлайдилар. Йўловчини йўлда ташлаб кетишни ақлларига сиғдиролмайдилар.

Омон Азиз бобони гапга солиб ўтиради. У кимни сўйласа, бобо уни таниган бўлиб чиқади. Ўша одам ҳақида бир қизик тафсилотни албатта айтиб ўтади.

Коронғу тушди. Бугун булутлардан холи кўкда тиник юлдузлар бодради. Битта ярқирок кўкимтир йирик юлдуз сўримизнинг нақ тепасида мовий шуъла сочади. Ҳовли чорси ва кенг. Атрофда уйлар. Бобонинг ўзи ховлининг кунботишига қатор солинган камтарона уйларда ёлғиз истиқомат қилади. А. кунботишга тушган, лекин кунчиқишга қарата солинган шу уйлардан бирида туғилган. Уйларнинг томига қараб ток сўрилари тортилган. Биз ўтирган сўридан сал қуйроқда битта олма кийгоч гуллаган. Юлдузларнинг шуълаларида у худди шамдай оқариб кўринади.

Омон Азиз бобога Қўтирбулоққа борганимизни ҳикоя қилади. Бобонинг мийиғида табассум жилваланади.



Булоқ қўнғиртовнинг этагида. Баланд-баланд тепалар орасида. Биз булоқ бўйига борган маҳалда кун уфқка оғган, ётоғига тез эниб борарди.

Булоқ икки тепалик орасидан чиққан ва айлана бўлиб бироз ергача чўзилган. Булоқнинг суви хаддан ташқари шўр. Омон Азиз пича чеккароққа бориб авайлаб қўлини билагининг ярмигача сувлади. Қўли бир зумда оппоқ оқариб қолди. Булоқнинг ичи юзлаб ховузчаларга айлантирилган. Ҳовузчаларнинг атрофи лой билан ўралиб гўё «ванна» ҳосил қилинган. Ҳозир бу ерда зоғ йўк. Лекин ёз келиши ҳамоноқ булоқ атрофи зиёратчилар ва даволангани келганларга тўлиб кетади. Қасалга чалинганлар шу «ванна» — ховузчаларга тушиб бўйинларига-ча кўмилиб ўтирадилар.

Ҳозир баҳор. Сувга ҳеч ким тушмаган ва хира кўкимтир. Лекин одамлар туша бошлагач, ховузчаларнинг сувлари қанчалар лойқаланиб кетишини тасаввур қилиш мумкин. Шуниси фаройиб-ки, барча ховузчаларнинг суви бир сатҳда. Булоқнинг суви ҳеч қачон қамаймас экан. Булоқнинг кунботиш тарафида ёлғиз бир қабр сўппайиб туради. Шу қабр туфайли булоқ ғоятда сирли кўринади. Бу ерга номаълум бир хотин кўмилган дейдилар. Қачон кўмилган, ким кўмилган? — ҳеч ким билмайди.

Чоллар биз болалигимизда ҳам бу қабр шундай эди, дейдилар.

Менингча, бу қабрда шу мўъжиза булоқнинг париси ётади. У булоққа ва ундан даво истаб келувчиларга хомийлик килади.

Бироз вақт шу маънос қабр атрофида булоқ тепасида жимгина ўтирдик. Назаримда, миллион-миллион оппоқ капалаклар ховузчалар узра чарх уриб ўйнар, сув юзалаб шўх учсалар-да ва ишқ ойинларини адо этсалар-да, лекин сира булоқ сувига мўъжаз қанотчаларини теккизмас эдилар.

Ғамгин шеърга ўхшаган булоқ ва унинг сирли париси билан хайрлашдим.

Ҳали-хануз булоқ тез-тез ёдимга тушади ва тушларимга киради. Бир куни ўз-ўзидан миямнинг аллақайси ерларида шу сўзлар туғилди:

*Булоқ бўйи. Ғариб бир қабр.  
Ҳаёлимга келди шул таъбир:  
Бунда ётур йиглаб тўймаган,  
Висол лаззатларин тўймаган.  
Мен дардимни баён айласам,  
Қўшилишиб менга қуяди.  
Таскин бериб, ҳолин сўрасам,  
Нола қилиб ёшин қуяди.*

Париларнинг тулпорлари ўтлаган Қўнғиртов, дардлари минг йиллардан бери ердан қайнаб чиқаётган кўхна булоқ, Аржаспу, Афросиёб, Муқаннанинг руҳи безовта кезиб юрган азамат тепалар ва умуман бу алп ерларнинг бари юрагимга нечукдир далда беради.

Халқимиз жуда қадим халқ. Лекин унинг ҳақиқий тарихи, назаримда, энди-энди бошланадигандай туюлади.

Бу алп ерлар майда одамларнинг ери эмас. Йўқ. Бу ерлар алпларни туғмаса, унда яшаганимиз бекор...

1991 йил.

## МАТОНАТ ВА МУҲАББАТ

*Ўзбекистон Қаҳрамони, устоз, мураббий,  
муаллим, танқидчи Озод Шарафиддинов*

Ҳаёт шундай. Кўп нарсаларнинг номи ўзига муносиб. Кўп нарсаларнинг номи ўзига номуносиб. Ўзига муносиб номлар ўз иши-хуши билан банд. Тараккийда. Номуносиб номларга эса муносиб ном топмоқ зарурати бор. Муносиб ном топилгач, улар тақдирда белгиланган тараккий даврасига киради.

Озод Шарафиддиновнинг номи ўзига жуда муносиб. Ўзига жуда ярашган. У эътиқодли инсон ва демак, чинакам озод инсон. Озод фикрлайди. Озод туйғулар билан яшайди. Унинг мардлиги, тўғри сўзлиги, ўз шаъни ва ўзгалар шаън-шавкати қаттиқ риоя қилиб, инсонга чуқур ҳурмат билан қараши ҳам ўша озод табиатга эга эканлигидан. Унинг неча юзлаб шогирдлари севадиган ва рангин бу дунёда бировга ёқадиган, бировга ёқмайдиган журъати ҳам ўзини ҳамиша озод инсон деб ҳис қилганлигидан. У ўз озодлиги тепалигида туриб бошқа барча фазилатлари — олимона, маърифий, ижодий, инсоний, ижтимоий хусусиятларини тарбиялаган ва вояга етказган.

Мен аслида УСТОЗ ҳақида ёзсам, уни шундай сўзлар билан бошлайман деб кўпдан бери ният қилардим. У ниятга кўра сўзнинг илк жумласи бундай бўлиши керак эди:

### **Озод Шарафиддинов — туғма танқидчи**

Лекин менга хозир одам озодми, озод эмасми? — деган масала беҳад муҳим бўлиб кўринади. Тириклик ва олам борлигининг мутлақ қонуниятлари мавжуд. Лекин мутлақ озодлик йўқ. Коинот чексизлигида мутлақ озодлик борми? Ҳар қандай чексизлик яралиш ва яратилиш расм-русумлари, қонун-қоидалари билан чекланган, меъёрланган, ўлчанган эмасми? Туғилишдан озод махлуқотлар ва хусусан, инсон боласи муборак ОНА ва ОТА батни ва сумбаларига абадул-абад бойланган эмасми? Одам қайси ёшда бўлмасин, шу бойланганликни ҳар

дақиқада ҳис қилиб яшамайди дейсизми? Бу бойланганлик одам тўлиқ озод эмаслигини англатиб туради. Балки бу ёруғ оламда Кўк назари ва Кўк шарти билан таваллуд топган биргина зот — Исо Масихоғина инсон эришиши мумкин бўлган озодликнинг мукамал бир мисолидир. Лекин Исонинг Кўкка йўллаган илтижолари, ёлворилари, Кўкдан нажот кутишлари унинг киндиги Кўкка бойланганлиги, демак, озодлигида интихосиз эмаслигини кўрсатади. Балки Исо Масихо тақдири бутун одамзод учун мутлақ озодлик йўлидаги бир мўъжизавий интилишдир. Мен озодликнинг бош меъёрини маърифатга интилиб яшашда кўраман. Маърифатга интилган одам озоддир. Ана ундан кейин келади ўз ҳақини таниган озоддир деган тушунча. Ана ундан сўнг келади яна бир тушунча: инсоннинг барча ҳақ-хуқуқларини тўла рўёбга чиқарадиган ва тўла оғишмай рию қиладиган мамлакат озоддир. Маърифат озодлиги, ҳақ озодлиги, мамлакат озодлиги ҳаммавақт биргадир. Уларни бир-бирларидан ажратиб бўлмайди. Мана шу уч нарсанинг жамулжамлигида шахс озодлиги тўлиқ намоён бўлади. Мен Озод Шарафиддиновнинг номи изоҳсиз қолмасин деб, бу муҳокамаларни келтиряпман. Шайхзода, ном номусга эгадир, деб кўп улуғ ганни айтган.

Озод Шарафиддинов туғма танқидчи, деганда нимази назарда тутаман? Бу билан унинг маърифатга интилишининг туғмалигини таъкидлаб кўрсатмоқчи бўламан. Озод Шарафиддиновни туғма муаллим, деб айтиш ҳам айни ҳақиқат. Барча улуғ ва кўзга кўринган танқидчилар туғма муаллим бўлганлар. Туғма мураббий бўлганлар. Туғма устоз бўлганлар. Демак, муаллимлик танқидчиликнинг ва танқидчилик муаллимликнинг узвий бир давомидир. Танқидчи илм, адабиёт, ижтимоий ҳаётни дид ҳамда фаросат меъёрлари, қонуниятлари асосида талқин ва таҳлил қилувчи муаллим. Танқидчи муаллим ниманидир тасдиқлар ёки ниманидир инкор қиларкан, дид ва фаросат меъёрларини таъкидлайди ва шакллантиради. Туғма танқидчи муаллим бизга жавохир яширинган қутича қаерда ётганлигини билдиради. Агар билдиришдан ожиз бўлса, жавохир қаерда яшириниб ётганлигини тахмин қилади, бизга ўз тахминларини айтади ва шундан сўнг, биз эҳтимол, олтин рудаларининг табиий қувурла-

ри изига тушамиз. Истибдод замонларида истибдодга қарши курашувчилар ҳам, истибдодни сақлаб қолишга уринувчилар ҳам танқиддан ўз орзу-истаклари йўлида кураш қуроли сифатида фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Истибдод замонларида танқид кураш қуролига айланди. Истибдод замонида, умуман, бадиий адабиётни ҳам кураш қуроли деб тушуниш ва тушунтириш расм бўлди. Чор ҳукмдорлари ва совет раҳбарлари пардоз-андозни ғоятда севар эдилар. Улар эртаю кеч ўз ишларини пардозлаш ва андозлаш билан шуғулланардилар. Ҳаммадан аввал пардоз-андозни авло кўрардилар. Улар адабий танқид зиммасига ҳам аввало миллатпарвар кучларнинг юрагига найза уриш, уларни маҳв этиш ва ундан сўнг зўр бериб воқеликни пардозлаш, упалаш, эликлаш, чиройли қилиб кўрсатиш қуроли сифатида фойдаландилар. Танқидчилик найза уриш ва пардоз-андозчиликда хийла ишларни қилиб қўйди. Найзобозлик ва пардоз-андозчилик айниқса, Сталин шахсига сифиниш, Хрушчев, Брежнев сингари совет раҳбарларини кўқларга кўтариб мадҳу сано ўқиш замонларида авж олди. Бадиий адабиётни ҳам, адабий танқидчиликни ҳам боши берк кўчага киришиб қўйди. Лекин кейин маълум бўлди, пардоз-андоз зийнат сифатида жуда маъқул нарса бўлса ҳам, лекин ижтимоий ҳодисага айлантирилганда, у фақат таназул ва қотиб қолишга олиб борар экан.

У дунё жуда чигал эди.

Озод Шарафиддинов эллигинчи йилларнинг биринчи ярмида катта-кичик ўқишларни тугатиб, диссертацияни муваффақиятли химоя қилиб, Ўзбекистон ҳаёти ва адабиёти илмига кўтаринки руҳ билан кириб келди. Сталин замонасидан кейинги эрувгарчилик эди. Мафкура зўравонлиги тугамаган, сувоқчилик ва лойгарчилик ҳамон давом этарди. Зўрлик билан йўқ қилинган адибларнинг қувғин асарлари аста-секин ёруғликка чиқиб келаётган эди.

Мана шундай бардавом ҳарбий коммунизм шароитида Озод Шарафиддинов ўзини аслаҳахонага киргандай сезиши ҳам мумкин эди. Бинобарин ўша пайтда аслаҳа кўтарган танқидчилар оз эмас эди. Уларга танқидчи адабиётга аслаҳа билан кириши керак деб уқтириларди. Улар ҳам аслаҳаларини одамни ҳуркитадиган даражада фахр билан кўтариб юрардилар. Зотан, Қодирий роман-



лари, Чўлпон, Усмон Носир, «Алпомиш»... — худди мана шу аслаҳахонада аввалбошда хароб қилинган эди. Лекин Озод Шарафиддинов гарчи шу даврнинг одами бўлса-да, аслаҳа тутмади. Талантли асарларга қарши аслаҳа ишлатмади. Унинг интилишларида мураббийлик ва муаллимлик хусусиятлари кучли эди. У адабиёт, шеърят, китобларни беҳад севарди.

Ўша эллигинчи йиллар шароитида Озод Шарафиддинов ўзини аслаҳахонага эмас, муҳаббатнинг саройига киргандай тутди. Ҳа, муҳаббатнинг саройига кирган ошиқдай тутди ўзини.

Ҳозир тушунтираман бунинг нима эканлигини... муҳаббатнинг саройи деган гўзал тушунчани мен Чўлпондан олаётирман. Эсингизда-ку, Яшин акалар, Ҳалима-хон опалар ёдлаб юрадиган бу ажиб ғазал:

*Муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлни йўқотдим-ку,  
Асрлик тош янглиг бу хатарли йўлда қотдим-ку...*

Менга кимдир тушунтириб бера оладими, «муҳаббатнинг саройи» деганда буюк адиб нимани назарда тутяпти? «Асрлик тош»чи, у бизга нималардан хабар беради? Нега бу йўл хатарли? Нега ошиқ муҳаббат саройида дархол «карашма денгизи»га ўтди? У муҳаббат саройидан нималарни излаган эди ва нега дунё кезиб, ёрини топмай кулбасига қайғулар, аламлар, сўнмас изтироблар билан қайтди? Оҳанглари бизни кўкларга бошлаб кетадиган бу сирли шеър ўз бағрига нега бунчалар кўп афсоналарни яширган? Муҳаббатнинг саройи деганда гўзал ижодкорлик, гўзал нафис адабиёт майдони — маконларини тушунса бўладими? Ахир бадий адабиёт қуролдан эмас, айни муҳаббатдан яралади-ку! Бадий адабиётнинг онаси муҳаббат-ку! Шу маънода адабиётни сиёсий-мафкуравий аслаҳахона эмас, муҳаббат саройи деб қарасак тўғри бўлмасмикин? Жуда кўп нарсалар ўз ўрнига тушмасмикин? Жуда кўп саволларимизга жавоб топилмасмикин? Бу ҳеч қачон, ҳеч қайси бир шароитда адабиётнинг ўлмаслигига инкор этиб бўлмас далолат, асос бўлмасмикин?

Озод Шарафиддинов ҳам адабиёт майдонига ўз муҳаббати билан кириб келди. Бу туғма танқидчининг муҳаббати эди. Туғма танқидчининг туғма муҳаббати эди. Танқидчи муҳаббат изҳор қилади. Танқидчилик менинг

тушунчамда — мухаббат изхор қилиш. Бу сўзга, гўзал сўзга мухаббат. Танқидчига яна бошқа кўп фазилатлар ҳам сув ва ҳаводай зарур. Лекин у фазилатлар қанча бўлмасин, қандай деб аталмасин, қандай тушунтирилмасин — ҳаммаси шу туғма мухаббатдан бошланади. Аввалбошда шу туғма мухаббат бўлмаса, танқид ҳам, танқидчи ҳам йўқ. Пала-партиш сўз ўрамлари, силлик, текис баёнпазликлар, давр аслаҳасини кўтаришлар бўлиши мумкин. Лекин булар ҳали ҳеч қачон танқидчилик деб саналган эмас.

Эллигинчи йиллар тугаётган ва олтмишинчи йиллар бошланаётганда биз — ўша пайтнинг ёшлари Озод Шарафиддиновнинг адабиёт дарсларини тинглаганмиз. Бу дарсларга у бутун юрагини бағишларди. Адабиёт ҳодисаларини энг илғор нуқтаи назар билан тушунтирарди. У баъзан керакли сўзларни топишга қийналарди. Лекин биз ҳаммамиз унинг мухаббатини ҳис қилардик. Мухаббатли одамни севардик. Ёшлар бари Озод Шарафиддиновни севардилар. Унга эргашардилар. Унинг раҳбарлиги остида илмий дунёга кириш иштиёқида бўлардилар. Бизнинг назаримизда Озод Шарафиддинов адабиётнинг жонли, жуда мураккаб жараёни ичидаги одам эди. Усмон Азимнинг Озод Шарафиддинов эътиборига тушган бир сатр шеъри бор: «Курашиб яшайдиган одам бахтиёр» деган. Озод Шарафиддинов худди мана шундай курашиб яшайдиган, курашиб ёзадиган, одамлар учун курашадиган одам эди.

Мен ўйлайманки, ишончим комилки, шундай мухаббат ва шундай курашиб яшаш туйғуси ва иштиёқи бўлмаса, Озод Шарафиддинов ҳеч қачон Эркин Воҳидов мийиғидаги нозик зарофатни, Миртемир сўзлари замирида қалашиб ётган мунгни, Шайхзода юрагидаги маърифат оқимларини, Абдулла Орипов шеърларида безовта титраган миллат дардини, Зулфия шеърларидаги мумтоз оҳангларни англамас ва бунчалар ёниқлик билан таҳлил эта билмасди.

Ҳали-хануз фахрланиб юраман. Мен нашриётга илк ишга бориб, муҳаррирлик касбини энди-энди ўзлаштириб келаётганда, не бахтки, Озод Шарафиддиновнинг биринчи йирик китобини ўқиб, унга муҳаррирлик қилганман. У китобга биргаликда «Замон — Қалб — Поэзия» деб ном қўйганмиз. Назаримизда ҚАЛБ хамиша

ўртада туриши керакдай эди. Замон ҳам, Поэзия ҳам қалб орқали тушунилар ва яратиларди. Бу китоб менинг ва мен тенгиларнинг адабиётни тушунишимизда, унга муносабатимизда, ундан инсонийлик ва маърифат ахтаришимизда янги бир марра бўлди. Янглишмасам, бу ўша давр адабиёти учун ҳам янги бир марра каби қабул қилинган эди. Бу китобга кирган «Замон — қалб — поэзия», «Лирика ҳақида мулоҳазалар», «Ниҳоллар», «Поэма ва қаҳрамон» туркумидаги мақолалар даврнинг энг илғор мезонлари, андозалари, талаблари руҳида ёзилган эди. Улар эрувгарчилик даври адабиётида ва унинг ходисаларини англашда воқеа бўлди. Бу китоб танқидда ҳалоллик, ёрқин ҳаққонийлик, инсонийлик пайдо бўлганлигини кўрсатди. Ўша даврда бу китоб Одил Ёқубов, Саид Аҳмад, Зулфия, Миртемир, Пиримкул Кодиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, Ҳусниддин Шарипов сингари адибларнинг янги асарлари каби кўп баҳслар, мунозаралар, шовшувларни уйғотди. Китобдаги танқидни ҳамма ҳам бирдай қабул қилмаган бўлиши мумкин. Лекин бу жўмард, танти, журъатли, очик, ҳалол танқид эканлигини Фафур Ғулом ҳам, Уйғун ҳам, Мирмуҳсин ҳам тан олди. Танқидчи эллигинчи-олтмишинчи йилларда яратилган рангбаранг асарларга мурожаат қилиб, улардан янгилик кидирди, шоирларнинг изланишларига алоҳида урғу берди. Давр адабиётига изланиш ва кашфиёт талаби билан ёндашди. Шеърни сўзбозлик, насиҳатбозлик, тавсифбозликка айлантириб юборишга кескин қарши чиқди. Аччик бўлса ҳам очик таҳлиллар қилди. Иллюстративлик нимаю образлилик нима? — деган саволни такрор-такрор қўйди. Саволларига шеърят намуналаридан жавоб кидирди. У ўша пайтда авж олган тавсифбозлик ва баёнчилик шеърни қуритади, деб очик ёзди. Шу билан бирга адабиётдаги изланиш ва кашфиётчилик, янгилик излашни жон-дилдан қутлади. Ўша даврнинг жуда катта шоирлари ижодида тез-тез учраётган шарҳчилик ҳақида дадил танқидий мулоҳазалар айтди. Бу чин маънода гўзал бир старт бўлган эди. Кейин мана ҳозирга қадар Озод Шарафиддиновнинг кўп йирик китоблари оламга келди. Уларнинг барида ўша илк йирик асарнинг — «Замон — Қалб — Поэзия»нинг файзи, шукухи, равшан андозалари ва руҳи давом этди. Йигитлик тантилиги ва муҳабба-

ти билан яратилган бу таҳлилларда Озод Шарафиддиновнинг ўзига хос ижодкорлик қиёфаси кўзга ташланди. У адабиёт жараёнлари ва манзараларини кенг ва батафсил ёритадиган, аниқ-равшан ўлчовлар, мезонлар билан ёзишмай иш кўрадиган, адабиёт ҳақида улуғвор тасаввур уйғотадиган ижодкор танқидчи сифатида танилди. У ижодий қиёфа яратиш ва манзара яратишда маҳорат касб этди. Унинг Абдулла Қаххор, Шайхзода, Зулфия, Фафур Гулом, Миртемир, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари қатор адиблар ҳақидаги қиёфа яратувчи асарлари, «Йиллар ва йўллар» тадқиқоти ҳали-ҳануз ўз кучи, танқидий, таҳлилий тароватини йўқотмаган. Бу каби жуда кўп асарларида Озод Шарафиддинов ҳақиқий қамрови кенг танқидчи сифатида намоён бўлди. Албатта, у давр асарларини ҳозирги кун озод кишиси, унинг озод акли, кишанлардан халос бўлган файзи билан ўқилса, жуда кўп қарашлар, ёндашишлар, фикр-мулоҳазалар кўп давомли эътирозлар уйғотиши мумкин. Биз ҳаммамиз буни ҳозир жуда табиий деб биламиз. Қарашларимизда кўп илгарилар кетганмиз. Энди ҳеч қачон декларатив танқид ва унинг қурол-аслаҳалари қайтиб келмаслигига ишонамиз. Озод Шарафиддинов бир авлод, бир даврнинг танқидчиси бўлиб қолгани йўқ. У бир неча авлод сафларига кўшилиб борди. Бир неча авлодга чин маънода ҳамнафас бўлди. Ўзини доим қизиқишлари доираси жуда кенг ижодкор сифатида кўрсатди. Ёдимда, 65-йилда Озод Шарафиддиновнинг машинасига ўтириб, «Тирик сатрлар»нинг қўлёзма нусхаларини кўтариб йигирмадан ортиқ элнинг кўзга кўринган адибларининг уйларига остана-остона юриб уларни «Тирик сатрлар»нинг муҳокамасида қатнашишларини сўраганмиз. Ўшанда мен Мамарасул Бобоев ҳам, Зулфия ҳам, Миртемир ҳам, Асқад Мухтор ҳам — ҳамма-ҳаммалари Озод Шарафиддиновни қанчалар ҳурмат қилишлари, унинг порлоқ келажакига ишонишлари, ундан жуда кўп нарсаларни кутишларини сезган, пайқаган, гувоҳи бўлганман. Ўшанда улар ҳаммалари «Тирик сатрлар»нинг нашриётда ўтган муҳокамасига жам бўлган ва бу фавқулодда муҳим тўпланнинг чиқишини ёқлаган, қўллаган, тўпланга кирган унутилган, маҳв этилган шоирлар ижоди ҳақида танқидчилар билавермайдиган ноёб сўзлари, кузатишларини айт-

ган эдилар. Мен ўшанда билганман бу ташқаридан жуда бахтиёр кўринадиган, бахтиёрлик тўғрисида шеърлар ёзадиган таниқли кишиларнинг юракларига қанчалар оғир, кўтариб юриш қийин дардлар, оғриқлар чўкиб ётганлигини. Улар бу оғриқларини билдирмас, халқнинг қурбонларини яна кўпайтиришликни балки истамас эдилар. Кейинчалик Зулфия хоним ўлимидан пича бурун бу оғриқларни ўзининг «Хотира синиқлари» достонида ларзали сўзлар билан ифодалаб берди.

Озод Шарафиддинов кўп замон зарбаларини ўз юрагидан ўтказди. Унинг матонати бизга дарс эди ва далда берарди. Ҳозир ҳам биз унинг янада ортган матонатидан дарс ва далда оламиз. У қисқа бир пайтда оғир хаста бўлишига қарамай қанчадан қанча бугунги ўзбек ўқувчиси учун нондай зарур китоблар ёзаётгани дунё тафаккури жавоҳири бўлмиш эсселар намуналарини ҳормай-толмай навқирон бир ғайрат, шижоат билан ўзбекчалоштираётгани ҳам барчамизга ҳавас ва далдадир. Озод Шарафиддинов сўз баҳрига толмас ғаввос каби шўнғишдан чарчамайди. Эллик йилдан бери унинг сўзи муҳаббатга айланади. Эллик йилдан бери унинг муҳаббати сўзга айланади. Унинг муҳаббати ҳаёт яратади.

*7–8 март, 1999 йил*



## ЗАМОН ЗАРГАРИ

*(Абдулла Қаҳҳор — ўтмиш ва  
номсиз қаҳрамонлар)*

Авлод келади, курашади, яратади, насл қолдиради, ўтади. Инсон авлодларининг тарих саҳнасига тўлқин-тўлқин бўлиб келишлари ҳам ўта сирли, тўлқин-тўлқин бўлиб саҳнадан тушиб кетишлари ҳам сирли. Авлодлардан наслларга фақат тажрибалар қолади. Насллар бу тажрибаларнинг кўп қисмини такрорлайдилар ва яна бир қисмини ўз кунларига яроқсиз бўлиб қолгани боисидан ўтмишда қолдирадилар.

Одам одамдан фарқ қилгандай авлодлар ҳам авлодлардан фарқ қиладилар. Одамлар одамларга ўхшаганларидай авлодлар ҳам авлодларга ўхшайдилар. Фарқларда уларнинг ўзига хосликлари, такрорланмас белгилари зохир бўлади. Ўхшашликлари эса уларнинг ёлғиз бир бани-башардан тарқаганликларини доим эслатиб туради.

Мана, йигирманчи аср охирляпти. Ўтган аср ва бу аср инсоният учун инқилоблар даври бўлди. Фашизм инқилоблари бўлди, кизил инқилоблар бўлди, демократик инқилоблар бўлди. Инсоният исёнлар ва кўзғолонлар қила-қила шу инқилобларга етиб борди ва бу инқилобларнинг оғир, фожиали, ғоятда аччиқ тажрибаларидан тажрибалар олиб, ўзига хулосалар чиқариб — фақат тенглик — шахснинг ихтиёрини бўғмаслик, халқлар, мамлакатлар, ўлкаларнинг эркини тортиб олмаслик, ўз измига бўйсундирмаслик асосидагина адолатли ҳаёт қуриш мумкинлигини англаб етди. Энди инсоният ўз табиий тараққиёт йўлини топиб олди. Табиий тараққиёт йўли табиатнинг ўзидаги тараққиёт ва азалий қонунлар ва қонуниятларгагина суянади ва уларни бузишга эндиликда ҳеч қачон йўл қўймайди. Жамият табиатдан бир кўчирма. Шунини унутганлар инсониятни доим ҳалокатга, урушлар, бир халқни иккинчи зўрроқ халқ томонидан қарам қилишга бошладилар. Шунини ҳисобга олмаганлар ўз халқи ва инсоният олдида ҳамиша жинояткор кимсалар бўлиб қолдилар. Абдулла Қаҳҳор саксон бешга ки-

рибдилар. Абдулла Қаххор ҳақида ёзмокчи бўлиб ўтириб, Абдулла Қаххорлар авлоди ҳақида ўйламаслик, сўз юритмасликнинг сира иложи йўқлигини англаб турибман. Абдулла Қаххорлар авлодидан (авлод сўзини бу ерда ижтимоий-фалсафий тушунча маъносида оляпман) жуда оз одамлар қолди. Улар ғоятда ноёб. Аср аввалида дунёга келган бу авлод ўтиб кетди. Аслида бу авлод Сталин ўлиб, Хрушчев сиёсат тегирмонига келгандаёқ маънан ўтиб бўлган эди. Сталиндан давр то Горбачёвга тегирмонни топширгунча аслида шу Сталин ясаган даврнинг у ёки бу қадар давом этган оқавалари эди. Чамаси, сталинизм ниҳоят Саддам ва Кастро билан барҳам топади. Ва инсоният ниҳоят бу ўта сиёсийлашган балодан буткул қутулади.

Абдулла Қаххорнинг авлоди... Бехбудий, Фитратлар авлоди... Илгари бу авлодларни белгиларини кўрсатганда, уларни жаҳид — миллатчи адиблар ва шўро адиблари деб фарқлар, ажратар эдилар. Жаҳид адибларининг аксар қисми ўтган ўн тўққизинчи асрдан йигирманчи асрга кириб келган, шўро адиблари эса асосан йигирманчи асрнинг иккинчи чорагида шакллана бошлаган ва Сталинча мустамлака даврининг кўз, қулоқ эшитмаган зўравонлиги остида ўзларини қизил инкилобчилар сафига олган эдилар.

Аслида ижтимоий ҳаётнинг табиий тараққиётига кўра бу икки қудратли авлод бир-бирига қуюлиб бориши, бири иккинчисига қуч бағишлаши, тўлдириши ва устоз-шогирд, давомчи бўлиши керак эди. Лекин сиёсий тўнтарилар, янги мустамлакачилик сиёсати туфайли бу авлодлар зўравонлик ва турли хийла-найранглар воситасида бир-бирларидан ажратиб ташландилар. Ажратиб ташлашнинг ўзи билангина кифояланилмади. Балки улар ўртасига ўтиб бўлмас ғов ташланди. Бир миллатпарварлик, озодлик ва мустақиллик жабҳасида туриши ва тинимсиз кураш олиб бориши керак бўлган авлодлар аллапалла дегунча икки жабҳага ажратилди. Мустамлакачилик сиёсати уларни бир халқнинг зиёли, мунаввар фарзандларини мутлақо бир-бирига зид икки жабҳага итқитиб юборди. Янги империя — қизил салтанат ўзи босиб олган ерларда ҳаётни ўта сиёсийлаштирди. Синфий кураш ниқоби остида халқларни икки рангга ажратди. Шу даҳшатли рангли ниқобни кийган ҳар бир халқ ўз ичи-

да ўз-ўзини кира бошлади. Болта тутқизиб ўз томирини ўзига кестирди.

Бу сиёсийлашувнинг оқибатлари хали-ҳамон тамоми-ла битган эмас.

Шундай қилиб, Абдулла Қаххорлар авлоди сиёсийлашди. Уларнинг тоза, гўзал онгларига зўрлаб қизил кўйлак кийдирилди. Улар янги қизил мустамлака ғояларини тўла қабул қилдилар ва ўзлаштирдилар. Қайси бир асарларида бўлмасин, ниқобланган мустамлакачилик ғояларини ёқладилар, куйладилар ва шу сиёсатни, шу ғояларни айни ҳақиқат деб танидилар, унга эътиқод кўйдилар.

Жадид миллатпарварлари эса ҳеч қачон бу ниқобдор ёвуз ғояларни қабул қилмадилар, улар билан муро-са қилмадилар, сўнгги нафасгача озодлик ва мустақиллик учун кураш олиб бордилар.

Лекин янги шўро адиблари билан жадид адиблари ўртасида бир муҳим нарсада умумийлик сақланиб қолди. Ҳар икки томон ҳам баб-баробар халқпарвар, баб-баробар миллатпарвар эди. Уларни шу улуғ миллатпарварлик хамиша бирлаштириб туради ва кейинги авлодни олдинги авлоднинг ўзи истайдими-йўқми, давомчисига айлантиради. Ойбек ўз миллатпарварлигида қанчалар юксакда туради! Фафур Фулом миллатпарварлигининг эҳтироси, шиддати-чи! Абдулла Қаххордаги миллатга ўта изтиробли, аламли муҳаббат-чи! Бу улкан адибларнинг қай бири миллатпарвар эмас эди? Йўқ бундай улкан адиб! Шу маънодаги миллатпарварлик табиий тараққиёт учун янада табиийдир. Чунки миллатпарварлик бўлмаса, ҳар қандай миллат йўқ бўлиб кетишга маҳкум. Миллатпарварлик инсонпарварликнинг энг муҳим узви. Ҳеч қачон уларнинг бирини иккинчиси бўлмаса, тасаввур этиш мумкин эмас. Миллатчилик эса бошқа миллат фарзандларига адовати билан фарқланади. Бу адоват эса охир-оқибатда сиёсий эзилишдан келиб чиқади. Бу эзилганнинг эзувчига адовати билан баробардир.

Абдулла Қаххорлар авлоди... ҳа, бу авлод ўтиб бораётир. Бу авлоднинг умумий қиёфаси қандай?

Бу авлоднинг бир ижтимоий белгисини эслаб ўтдик. Уларнинг ҳаётлари ўта сиёсийлашган ҳаёт, уларнинг қарашлари ўта сиёсийлашган қарашлар эди.



Шу белги — улар учун бош белги. Қолган барча белгилар ва хусусиятлар шунга боғланган, яъни ўта сиёсийлашув остида шаклланган. Бу авлод ўз эҳтиросли миллатпарварлигини маърифатпарварлик остига яширди. Халқни маърифатли қилиш учун зўр берди. Жаҳидлар учун эса маърифат мустамлакачилик зулмларидан қутулишнинг бир йўли, чораси, қуроли эди. Абдулла Қаҳҳорлар ўзларини озод деб билдилар. Қодирий ва Чўлпонлар эса ўзларини озод деб билмадилар. Ҳақиқатан том маънодаги озодлик йўқ эди. Озодлик турлича олижаноб тушунчаларни ифодалайдиган сўзлар билан ўрин алмаштирилган эди. Сўзлар, ғоялар олижаноб эди. Лекин ҳақиқий озодлик йўқ эди. Чўлпонлар, қанчалар кўрқинчли бўлмасин, йўқ нарсани баралла йўқ дер эдилар. Қаҳҳорлар эса йўқ нарсани бордай қилиб сўйлар, ўзларини бордай тутар эдилар. Балки улар йўқнинг йўқлигини улкан ақл ва иқтидор эгаси сифатида ичларида теран англагандирлар. Лекин бу англовларини ҳеч қачон ошқор қилмасдилар.

Қаҳҳорлар авлоди қиёсларга берилган эди. Улар ҳар бир қадамда мавжуд турмуш билан кечаги кунлар — яъни ўтмишни чоғиштирар эдилар. Ўтмиш билан янги мустамлака воқелигини чоғиштириш жуда қулай эди. Ҳар ҳолда қоғозда бўлса ҳам, жумҳурият эълон этилган, унинг дастурига салтанатдан эркин ажралиб чиқиш ҳуқуқи битиб кўйилган эди. Лекин бу ажралиб чиқиш ҳуқуқидан фойдаланаман деган ҳар қандай кас ўша захоти бўғиб ташланар эди. Нисбатан яхши замонларда ҳам шундай эди.

Шўро адиблари турмушдан қандай бўлмасин яхшилик топишга, халқнинг ҳаётида яхши ўзгаришлар кўришга, ҳар қалай ҳаёт яхшиланиб бораётганини ҳис қилишга одатландилар. Бу жиҳатдан янги ҳаётни ўтмиш ҳаёт билан солиштириш, қиёслаш улар назарида яхши самаралар берар, бошқа бир томондан олганда эса, «комиссарлар» кўз қарашида ҳам бу нарса маъқулланарди. Тинч яшаш, ижод қилиш, маълум бир рўшноликларга эришиш, тазйиқлардан вақтинча бўлса-да эмин бўлиш учун бу жуда катта аҳамиятга эга эди.

«Комиссарлар» эса ҳар соҳани ғоятда қаттиқ назорат қилардилар. Ҳаммининг фикрини бир қолипга солиш учун беҳад қаттиқ ҳаракат борарди. Ана шундай шароит-

да янги ҳаётни ўтмиш ҳаёт билан қиёслаш ва янги ҳаёт фойдасига ҳукмлар, хулосалар чиқариш жуда яхши самаралар берарди.

Шуни қайд этиб ўтиш зарурки, ўтмиш билан қиёслар янги шўро адабларигагина хос бир ходиса эмасди. Аслида ўтмишга қиёслар дастлаб Фитрат ижодида бошланган эди. Кейин бу йўлни Қодирий ҳам, Ҳамза ҳам, Чўлпон ҳам қабул қилди. Улар ўтмишни теран англамагунча янги замонни ва халқнинг ҳолатини тушуниб, тушунтириб бўлмайди деган хулосага келган эдилар. Мамлакат, халқ нега шундай аҳволга тушди ва нега ҳар нарсага тоқат қилишга одатланди? — деган муаммага янги ҳаётнинг ўзидангина жавоб излаш етмас эди. Ўтмиш тарих ҳар томонлама таҳлил этилган чоғдагина рўй бераётган залолатларнинг илдизи очилар ва шундагина даволаш, тузатиш чораларини қўллаш мумкин бўларди. Фитратлар забунлик ва зулм илдизларини куйдириш учун ўтмишга мурожаат қилдилар. Ёш шўро адабларининг ўтмишга мурожаати фақат қиёс ва тарғибот учунгина эди. Бироз ўтиб у янги замонни мадҳ этиш, тасдиқлашнинг бир воситаси бўлиб қолди. Шўро адаблари забунлик ва зулм илдизларини очдилар, лекин ҳодисаларни таҳлил қилиб ўтирмадилар. Таҳлил хатарли эди. Хулоса бир жойга тақаларди. Бу жойга эса тегиб бўлмас эди. Тегиш ўлим билан тенг эди.

Қаҳҳорлар авлоди худди фитратлар авлоди каби ўтмишни яхши билади. Уларнинг суяклари ўтмишда қотган. Қонларига яхшими-ёмонми ўтмиш сингиган. Ҳар икки авлод зиёлилари ҳам ўтмишдан кескин қутулишга тарафдорлар. Улар ўтмишни ёқламайдилар. Лекин қодирийлар ўтмиш тарих саҳифаларида халқни халқ қилиб ушлаб ва сақлаб турган қудратли нурли кучларни ҳам қўрадилар. Тарихнинг энг тушқун дамларида ҳам мадаккор оқ шарпалар юзага чиқадиладар. Улар назарида ўтмиш бағрида озодлик учун курашга ярайдиган буюк қўр яшириниб ётади.

Лекин хусусан, Қаҳҳор бундай қарашга қўшилмайди. У ўтмишни яхши билади ва унда тугал забунлик, хорлик, гадолик қўради. Ўтмиш Қаҳҳор назарида қора ўпқон. Халқ шу ўпқонда яшайди. Бу ўпқонда фақат офрик, хулиё ва иситма ва бош-кети қўринмас забунлик

бор. Ўпқондан тинмай фарёд овози келади. Қаххор ростдан ҳам бу ўпқонни кўрган, ўзини унинг ичидан таталаниб чиққан деб билади. Унинг қулоғи остида ўтмиш ўпқонидан чиқаётган садолар сира битмайди. У ўтмиш сасларини мазорлар ва тобутлардан чиқаётган овозларга ўхшатади.

Айтайлик, Фитрат ва Қодирий ўтмишни тарих орқали тушунтиришга интилади. Қаххор ва Фафур Фулом эса ўтмишни — ўтмиш орқали англамоқчи бўладилар. Сиз тарих ва ўтмиш бир нарса эмасми? — дейишингиз мумкин. Лекин булар бир нарса эмас. Қаххор назарида ўтмиш — бу оддий халқнинг турмуши, Мўминжон Мухаммаджонов — Тошқин домла жуда топиб айтгандай ўтмиш бу «турмуш уринишлари». Ва шу холос. Фитрат ва Қодирий назарида эса ўтмиш бу аввало — тарих. Юртнинг, халқнинг неча минг йиллик тарихи.

Қаххор доим ўтмишга ёзувчи кўзи билан қаради, унинг ўтмишга қарашлари тузумда шаклланган сиёсий қарашларга тўла уйғун. Жуда оз истиснолардан ташқари Абдулла Қаххорнинг ўтмиш ҳақида яратилган барча машҳур асарларининг қаҳрамонлари — мазлумлар. Уларнинг барчалари забонсиз мазлум. Миркарим Осим асарининг гўзал ибораси билан айтганда, тилсиз гувоҳлар. Ҳаддан ошган зулмнинг тилсиз гувоҳлари. Туробжон. Сотиболди. Қобил бобо. Бабар. Исмлар ҳам жуда оддий. Айтиш мумкинки, тупрокдай жўн. Бир пайтлар адабиётчиларнинг тилида «антигерой» (яъни зиддиқаҳрамон) деган тушунча сўз юрарди. «Антигерой» дейилганда қаҳрамонлик хусусиятларидан маҳрум бўлган кимсалар тушуниларди.

Ҳақиқатан ҳам юкоридаги номлари саналган қаҳрамонлар — қаҳрамонлик хусусиятларидан маҳрум. Улар ўзларининг нега бундай аянчли ҳолга тушганликларини тушунтириб, ифодалаб беролмайдилар. Забунлик уларни шу қадар лол ва карахт қилиб қўйган. «Бемор»га қулоқ соламиз: «Бемор офирлашди. Сотиболди хўжайиннинг олдига арзга борди, аммо бу боришдан муддаоси нима эканлигини аниқ билмас эди...» Бу ниҳоятда теран анланган ҳол: Туробжон арзга борадию арзини баён қилолмайди. Қашшоқлик бошдан ошиб уни забонсиз қилиб қўйган. «Анор»га қулоқ соламиз: «Туробжон-

нинг бу сўзлари хотинининг қулоғига нотайин бир ғулдираш бўлиб кирар эди. Унинг Туробжон билан уй қурганига уч йил бўлиб келаётир, назарида, бу одам шу уч йилдан бери ғулдираб келган, хозиргиси шунинг давомидай эди. Иттифоқо, бу кун нима бўлди-ю, уч сўзни равшанроқ айтди: «жигарларинг эзилиб кетсин», деди... Мужмал турмушга яраша мужмал ғулдирашлар. Уч йил бирга бир ёстикқа бош қўйиб яшаган ёш эр-хотин ўрта-сида уч сўздан ортиқ ҳеч эсда қоладиган воқеа бўлмаган. Забунлик бу бечораларни шу даражада гунг қилган. Кўп ҳолларда Қаххор бу каби қахрамонларига хатто исм ҳам қўймайди. Сотиболдининг хотини, Туробжоннинг хотини деб қўя қолади. Ғулдирашлар ҳам, исмсизликлар ҳам, арзини баён қилолмасликлар ҳам зулмининг оқибатлари. Бабар ҳеч кимга ўзининг гуноҳсизлигини тушунтириб беролмайди. Атрофдагилар унинг гуноҳга қодир эмаслигини тушуниб етишга қодир эмаслар. Бу турғун, чириган муҳитнинг белгиси. Шунинг учун то Бабар ўз гуноҳсизлигини тушунтиргунча жонидан айрилади. Қобил бобо-чи? Унинг тушунтиришлари бари: «ола хўкиз эди...» деган сўзлардан нарига ўтмайди. Атрофдагилар ҳам уни тушунмайдилар ёки ўзларини тушунмаганга оладилар. Абдулла Қаххорнинг ўтмишдан ёзган асарларида қахрамонларнинг кўксиларидан инграгандек садогина чиқади. Шу ингроқ овоз ёзувчининг хикоя усулидан ҳам дам сайин келиб туради.

Мана шу ўта кучли маҳорат билан чизилган қахрамонлар... Уларда на рухий ҳолат ва на изтиробли ички ўйлар, кечинмалар зоҳир. Улар нега бундай, деган саволни ўз олдларига қўймайдилар. Истибдод ва зулм уларни шундай сўнг даражага етқизган. Ўтмиш уларни тамомила қиёфасиз қилиб қўйган. Бундай юксак маҳорат билан яратилган асарлар қандайдир тарзда бу халқнинг ўтмиши ва ўтмишда нурли чироғи йўқ эди, деган мафкуравий хулосага олиб келар, бу эса ўша давр адабий ҳаёти ва адабий сиёсати учун жуда қулай эди. Қахрамонларни адабий сиёсат учун қулай тарзда тасвирлаш, ғояларни ҳукмрон сиёсатга бўйсундиришга уришилар жуда талантли тарзда «Сароб»да ҳам, «Қўшчинор чироқлари»да ҳам, «Синчалак»да ҳам тўла намоён бўлади.

Буларнинг бари адабиётни ҳукмрон сиёсий тузумнинг манфаатларига мослаш ва тўла бўйсундириш, бадний сўз ва бадний ижодкорликни тамомила сиёсийлаштиришнинг оқибатлари эди.

Шўро адабиёти бугун ўтмиш бўлиб қолди. Бу адабиёт ҳаёт ва халқ ҳақида, тарихий воқеликлар тўғрисида маълум сиёсий гуруҳнинг нуқтаи назари бўйича ўзига хос тасаввурлар яратди. У тасаввурларнинг кўпи «социалистик эртақлар» эканлиги бугун равшан бўлди.

У давр ҳам, у адабиётлар ҳам эндиликда тарихнинг мулки. Социалистик авлод ва у яратган маданият ҳам биз учун меросга айланди. Меросга айланган маданият обидалари эса насллар томонидан ўрганилади, уларга эндиликда ва бундан сўнг турли сиёсий тепа ва тепачалардан туриб эмас, жаҳоннинг барча халқларига қадрли бўлган барча инсонларга бирдек азиз умуминсоний қадриятлар нуқтаи назари билан қараб баҳо берилади, эъзозланади.

Абдулла Қаҳҳорнинг асарлари шўро даври маданиятининг барча хусусиятларини ўзида акс эттирган ёрқин намуналаридир. Улар ҳаёт ва халқнинг ички-ташки оламини қанчалар ёритолди, улар ҳақида қанчалар таълим беролди — шунга кўра янги насларга ҳамроҳ бўлажак.

Абдулла Қаҳҳор ўз даврининг юксак иқтидор ва салоҳиятга эга адиби. У халқни маърифатли қилиш, унинг умумий маданиятини юқори савияга кўтариш йўлида бутун адиблик таланти баробарида тер тўқди. Ўз замонасининг етук зиёлиларидан бирига айланди. Халқ ўртасида катта обрў қозонди.

Шахснинг тарихда қозонган ўрнини белгилаш ва унга тугал баҳо бериш бир одам ёки бир даврнинг иши эмас. Ҳақиқий адибнинг садоси минг йиллар қаърларидан ҳам баралла эшитилаверади. Зотан, илоҳий Битик башорат қилганидай зиғирдек яхшилик ҳам ва зиғирдек ёмонлик ҳам асло унутилмагай.

Абдулла Қаҳҳор олти жилд асарлари билан тарихнинг йўлига кирган. Бу йўлда унга мақтовлар ҳам, ёқловлар ҳам ҳожат эмас. Унинг зиёли руҳини маърифатли наслларнинг одил ва холис таҳлилларигина шод этади.

## МУҲАББАТ НОЛАСИ

### *Хунар эгалари*

Хунар эгаси ўлим нималигини билмайди. Албатта, агарда у чинакамига хунар эгаси, яъни уста — устоз — устод бўлса. Ўзбек адиби Абдулла Қаххорнинг орамиздан кетганига қарийиб йигирма йил бўлиб бораётир. Лекин у ҳақда ўйлаганимизда, дўстлар билан у ҳақда узоқ-узоқ суҳбатланган, асарлари, яратган образлари, бадний сўз яратишдаги мохирлиги тўғрисида тортишган, бир-бирларимизга турли-турли қарашларимизни, мулоҳазаларимизни уқтирган чоғларимизда, кўз ўнгимизда Абдулла Қаххор тирик одамдай гавдаланиб туради. Унинг асарларини ўзимизга энг яқин тирик адибнинг сочмаларидай ўқиймиз. Тирик одамдан хайратлангандай хайратланамиз.

Одам ахир нима билан тирик? Ўлган-ку деймиз. Лекин ўлган эмас. Бизнинг кошимиздан абадиян кетган-ку деймиз. Лекин кетган эмас. Ким уни, бизнинг юрагимизда яшаётган, минглаб муҳаббатли кишиларнинг қалбида тирик инсонни кетган-ку деб айтолади. У бизнинг ишларимизда, бизнинг кунларимизда, қайта қуриш одами бўлиб, қайта қуриш пионери бўлиб яшамаяптими? Ўтган кунларнинг оғир чигалликлари, омма орасига кенг оралаган фожиали хатоликлардан дараклар бермаяптими?

Инсон қилаётган иши билан тирик. Уста хунарининг самараси билан оламда боқий яшайди. Миллий адабиётимизнинг атокли намояндаси, «Сароб», «Қўшчинор чироклари» сингари мазмундор романлар, «Синчалак», «Ўтмишдан эртақлар», «Муҳаббат» каби совет адабиётида янгилик бўлган қиссалар, «Шоҳи сўзана», «Оғрик тишлар», «Тобутдан товуш» каби ҳам қувнок, ҳам беҳад аччиқ комедиялар, ўтмиш ва янги воқеалик ҳақидаги ёмби олтиндай хикоялар ва очерклар муаллифи Абдулла Қаххор ўзи қўл урган барча соҳаларида йирик устод даражасига кўтарилган эди. Бу асарлар унинг номини бутуниттифоқ китобхонларига шарафли қилди. Асарлари Европа мамлакатларида, Осиё ҳамда Яқин Шарқ ўлкаларида эътибор қозонди, кўп марталаб нашр этилди. «Шоҳи сўзана» эса жаҳон театрлари сахналарига чиқиб бори.

## Афсоналарга ишониш

Ҳозирги замон миллий ўзбек ва Ўрта Осиё романчилиги, новеллистикаси, комедиянавислигининг шаклланиши ва тараққиёти козок, кирғиз, тожик, туркман, ўзбек миллий совет адабиётларига асос солган Мухтор Аvezов, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Берди Кербобоев, Собит Муқонов, Сотим Улуғзода, Ойбек, Фафур Фулом номлари билан узвий ва чамбарчас боғланган. Улар «Ўрта Осиё романчилиги» мактабини яратдилар. Ўзига хос шарқона ҳикоя услубига асос солдилар. Миллий адабиётларда реализм принципларининг устивор бўлиши ва йирик муваффақиятларга эришиши, Горький анъаналарининг ижодий ўзлаштирилиши ва шу орқали жаҳон адабиёти ўлчовлари сари ҳаракат қилиниши ана шу адибларнинг ижодий жасоратлари билан юзага чиққан. Мана шу улуғвор санъаткорлар ва улар қаторида Миртемир, Шайхзода, Бородин ҳамда Уйғун, Зулфия, Яшин каби ватанпарвар ёзувчиларнинг эл олдидаги хизматлари шундаки, улар адабиётни катта ижтимоий миқёсларда фикрлашга ўргатдилар, адабиётнинг жаҳонга боққан нигоҳини кенгайтirdилар, тарихан теран фикрлаш, ўткир ва салмоқли социал йўналиш, ёрқин замонавийлик хусусиятини бағишладилар. Уларнинг барча асарлари очик ғоявий-мазмундор йўналиш ва шу билан боғланган бадиий хусусиятлари билан ажралиб туради. Улар ўз асарларини жамият илгари сурган ғоялар ва идеалларга буткул бўйсундирдилар. Бор ҳақиқат шуки, ҳаётларини ҳам, қаламларини ҳам социалистик Ватанга ва унинг ишига бахшида қилдилар. Дунёга социализм ғоялари баландлигидан туриб боқдилар... Шу ғоялар таъсирида оламни бахт ва эрка бурканган ҳолда кўрдилар. Улар социализмнинг афсоналарига ром қилинган эдилар.

Улар ўтмишдан Октябрга келдилар. Октябрга ишондилар. Уни қадрладилар. Октябрнинг ғояларини ҳаётларидан ҳам ортиқ кўрдилар. Уни куйладилар. Унинг учун жангларга кирдилар. Ўзларини Октябрнинг граждани деб ҳисобладилар. Тўғрими йўқми, лекин бу уларнинг йўллари. Балки бу сўзлар жуда тантанавор туюлар. Лекин шу тантанавор сўзлар ва тушунчаларда улар ҳаёти ва ижодиётининг туб моҳияти, ҳақиқати жамланган. Ахир ҳар нарса, ҳар ҳодисанинг ўз номи, ифодаси бор-ку. Бу

тантанали сўзларни бошка даврда яшаган ижодкор ёки қаламкаш эҳтимол мутлақо англолмаган, қабул қилмаган бўларди. Буни англаш учун эса уларнинг замирида ётган тарихий ходисалар ва шу ходисаларга хизмат қилган инсон тақдирлари ва иродаларини теран билиш керак бўларди. Аммо тантанали сўзлар босиб ўтилган инқилоб йўлларининг барча ҳақиқатларини бўғиб ёки тўсиб, ёки ёпиб қўймаслиги керак. Йўлларнинг оғирчиликлари ва энг муҳими, чин ҳақиқат сўзлар тагида кўмилиб кетмасинлар. Мураккабликлар ва чигалликлар, йўл қўйилган оғир хатоларни сўз шалолалари тўсиб қўймасинлар. Чунки тарих сўз пардаларига эмас, рўй берган ҳақиқатларга қараб ўз солномаларини яратади.

### Ўтмишдан чиқиш

Абдулла Қаҳҳор ғоятда қаттиққўл, кескин фикрли реалист эди. Муросасозлик, келишувчанлик унга тамомила ёт эди. Унинг асарлари, ўтқир мақолаларини ҳозир қайта ўқиб ўтириб, ахир, у бошдан оёқ бир бутун ҳолда ва тугал кўринишда ошкоралик ёзувчиси экан-ку, деб юбордим. У ўзининг янги ҳаёт ҳақидаги асарларида илғор анъаналар, илғор ғояларни қатъият билан ёқлади ва химоя қилди. У ёлғонлар ва сохтагарчиликларга, қаердандир етмиш минг бошли аждаҳо каби бош кўтарган ва тобора авж олаётган кўзбўямачиликларга, асрларнинг томирларидан оқиб келаётган порахўрликларга қарши шердай аёвсиз курашга ташланди. У умр бўйи жанг қилди. Унинг ҳаётида жангсиз ўтган дақиқа йўқ. Абдулла Қаҳҳор инсон сифатида ҳам, ёзувчи сифатида ҳам доимо ошкоралик ичида яшади. Ошкораликка чақирди. Бу жиҳатдан у айниқса, Қодирий ва Фафур Фуломга яқиндир. Улар елкама-елка туриб, халқнинг оёғидан тортган, унинг бўғзига минг чангалини солган, кўзларини муфсид доғлар билан булаштирган жаҳолат, риё ва қулларча яшашга қарши очиқ-ошқора жанг олиб бордилар.

Улар ўтмишни яхши билардилар. Ўтмишда суяклари қотган эди. Ўтмиш қонларига сингиган эди. Лекин ўтмиш билан муроса қилмаган эдилар. Айниқса, Абдулла Қаҳҳорнинг ўтмиш билан ўз алоҳида ҳисоб-китоби бор эди. Мунажжимлар коинот бағирларида қора ўпқонлар бор дейдилар. Қора ўпқонлар коинотни ютаман дермиш.



Ўтмиш Қаххор назарида ана шундай қора ўпқон эди. У инсон болаларини ўз қора комига қандай ютиб юборганлигини кўриб кўзлари пишган эди. Ўтмиш манзараларидан онгларда сиркирок оғриклар, хулиёли кўринишлар, иситмалар туғиларди. Хотира ва онг ижтимоий адолатсизликлардан эзилиб кетган эди. Ўтмишдан фарёд келади. Фарёд ичра жуда ингичка нола саси ҳам бор. Ёзувчи тинимсиз шу нола сасларини эшитгандай бўлади. Нола унинг қулоқларидан нари кетмайди. Қайга борса, қайда турса, ўтмишдан шу нола уни таъқиб этади. Дам мазорлардан келаётгандай, дам тобутлардан чиқаётгандай, дам ер остига кўмилган ва бостирилган неча миллионлаб савил жонларнинг қирқ минг йиллик қаватларидан сизиб кўтарилаётгандай туюлади. Не нола экан бу таъқибкор, таъқибкор, тажовузкор? Ўзимча ўйлайман, шундай нолалар Достоевский, Гаршин, Успенский, Диккенс, Франко, Тагор, Фолкнер... сингари адибларнинг ҳам қулоқларида тинимсиз зингиллаб, зувиллаб, зиркираб тургандай. Улар асарларининг ҳар сатрларидан нола сасини сиз уқмаганмисиз ахир? Шу нолаларни ҳозирги замон Лотин Америкаси ёзувчиларининг тирқираган қон билан ёзилган асарларидан, Солженицин, Васил Биков, Чингиз Айтматов қиссаларидан эшитмаганмисиз? Одам нола қиладики, адабиёт нолакор. Одам нола қиладики, адабиёт нолали. Ноласиз адабиёт — адабиёт бўладими? Абдулла Қаххорнинг ўтмиш хақидаги асарларидан нола овози келади...

## Насабсиз — номсиз кишилар

Абдулла Қаххор «антигерой» деган сўзни эшитганмикин, билмадим. У Гоголь, Чехов, Достоевскийни тинмай ўқирди. Айтгандай, «антигерой»<sup>1</sup> деган сўзни адабиёт оламига Достоевский олиб кирганди. Абдулла Қаххор рус улуг адибларини, Толстойни таржима қиларди. Биз бу сўзни талаффуз қила бошлаганимизга унчалар кўп вақт бўлгани йўқ. Бошқа кўп нарсалар қатори бу галати сўздан ҳам худди Гоголнинг шайтондан қўрққан-

---

<sup>1</sup> «Антигерой» балки насабсиз, номсиз, жамиятда ўрни, мавқеи тайин бўлмаган қахрамонлар дейилса, тўғри келар (И. Ф.).

дай оғизга олишга кўрқардик. У бизга ваҳимали бўлиб туюларди.

Мана энди бу сўз воситасида ўтмиш ва ҳозирги замон бадиий адабиёти изланишларидаги кўп ажойиб ходисалар теранроқ тушунтирилмоқда. У «чин қахрамонлик хусусиятларидан маҳрум бўлган типлар»ни — уларнинг мураккаб ички рухий ҳаётларини англатар экан... Ахир ҳаётда ҳамма қахрамон эмас-ку. Жуда оддий ва жуда оддий одамлардан ҳам оддийроқ, жуда кичкина ва жуда кичкина одамлардан ҳам кичкинароқ одамлар кўп-ку. Уларни «антигерой» дейилса нима қипти? Қачонгача кўрққанга қўшалок кўринади?

### **Ўз ҳолини тушунтириб беролмайди**

Ўтмиш, мен инкилобдан аввалги ўтмишни айтаётирман, бизнинг онгимиз ва ҳаётимизга Абдулла Қаҳҳорнинг «Бемор», «Анор», «Ўғри», «Томошабоғ», «Миллатчилар», «Дахшат», «Ўтмишдан эртақлар» каби асарлари орқали кириб келди. Бу асарлар мутенинг фарёди. Адолатсизликлар остида эзилганларнинг, тирик юриб ўлганларнинг ноласи. Бу асарларнинг кўп қахрамонлари ижтимоий норозилик туйғусидан маҳрум. Интихосиз зулм уларни забонсиз қилиб қўйган.

«Антигерой»ларимиз ўзларининг ночор аҳволларини англаш ва англатишдан ожиз бўлиб қолганлар. Уларнинг кўксиларидан инграганга ўхшаш сўзларгина чиқади. Мана шу ўз аҳволини тушунтириб беролмаслик Абдулла Қаҳҳор асарларини англашда (айниқса, ўзга маданий муҳит, қатлам ва анъаналар ичида тарбия топган ўқувчилар томонидан қабул қилишда) айрим ғалати ҳолатларга ҳам сабаб бўлади. Чунончи, «Анор» ҳикоясининг таржимонига (А. Садовский) ҳикоянинг «Туробжон жавоб бермади. Унинг вужуди титрар эди», деган сўзлар билан тугалланиши ғалати кўринади. У ҳикоя персонажларининг аҳволини тушунтириш учун бу сўзлар етарли эмас деб ҳисоблайди ва Қаҳҳор текстига анчагина қўшимча қилади: «Открыв глаза он с тоской посмотрел на жену, и губы его скривила болезненная улыбка. А из груди вырвалось мучительно, тяжело, с каким-то надрывом:

— Не я... бедность... будь она проклята!»

Таржимоннинг бу «тушунтириш» тексти Қаххор хикоясининг архитектуроникасини ҳам, хикоянинг бадиий савиясини ҳам бутунлай бузиб юборган. Туробжон аввало ўз ахволини бундай изоҳлашга қодир эмас. Иккинчидан, хикояда бундай «тушунтириш»га ҳеч қандай эҳтиёж йўқ. Учинчидан, у Қаххорнинг «антигерой» яратиш, нарсаларни уларнинг асил номларини айтмай туриб англатиш принципига мутлақо ёт. Тўртинчидан, Туробжон шу тобда гап тушунтирадиган, ўзини оқлайдиган ҳолатда эмас. «Унинг вужуди титрар эди», деган сўзлар кўп нарсаларни ифодалаб бермоқда. Бу ерда тушунтиришга ўрин қолмади. «Тушунтириш» хикояни бўғиб юборди. Худди шунга ўхшаш ҳол «Бемор» хикояси таржимасида ҳам кўзга ташланади. И. Боролина ажойиб олим. Қаххор ижодининг билимдони. У ҳақда биринчи маротаба мухаббат билан ижодий очерк ҳам ёзган. Қаххор асарларини чуқур тушунади. Лекин «Бемор» таржимасида жиддий нуқсонга йўл қўяди. У онасини уйқу аралаш дуо қилаётган қизчанинг сўзларини «Боже милостивый, исцеление дарующий...» — деб таржима қилади. Лекин бу ғоятда салмоқли сўзларни қизчанинг қандай талаффуз қилишини тасаввурингизга келтиринг. Ҳолат ишониб бўлмайдиган даражада сохталашиб кетади. Хикоянинг чўккиси, дунёга айтаётган ноласи ўзи мана шу сўзда. Қизчанинг дуоси дунё эшитмаган ва эшитишга хали қодир бўлмаган фарёд. У: «Худоё, аямди дайдига даво бейгин...» — дейди. Боролина таржимаси билан бу сўзлар ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Яқинда Ганна Немирко «Бемор»ни янгитдан таржима қилишга жазм этди. У Абдулла Қаххор текстига анча яқинлашиб борди: «Боженька миленький, вылечи мамочку мою... пожалуйста, вылечи мамочку мою... пожалуйста...» Лекин бунда ҳам сўзлар кўпайиб кетган, аммо ҳар қалай, ёзувчи кузатган маъно ўқувчига бузмай етказилмоқда.

### **Бабар «ижобий қахрамон»ми?**

Абдулла Қаххор романнавис ҳам, Абдулла Қаххор хикоянавис ҳам қахрамонларнинг руҳий ҳолатлари, уларнинг ички мушкул монологларини тасвирлашдан ўзини

доим сақлайди. Унинг қахрамонлари ўз хатти-ҳаракатларини психологик чуқур таҳлил қилмайдилар. Қийналиб, ўйларга берилмайдилар. Адиб уларнинг қийналишлари, ўйларини ғоятда лўнда образли ифодалар билан англа-тиб ўтади. Абдулла Қаҳҳор асарларини тушуниш ва тушунтиришда шунга ўхшаш ғалатиликлар танқидчиликда ҳам бўлиб турали. Н. Худойберганов мақолаларидан бирида Қаҳҳор ўзининг «Бемор», «Анор» сингари ҳикояларидида ёрқин ижобий қахрамон намунасини яратди, деб айтади. Наҳот шундай бўлса? Ижобий қахрамон тўғрисида гапирганда, биз аввало, унинг актив фаолият эгаси, умум иши учун жонбозлигини назарда тутамиз. Умуман олганда эса «ижобий қахрамон» тушунчаси (худди «салбий қахрамон» тушунчаси каби) шартли тушунча. Аммо на Қобил бобо, на Сотиболди ва на Бабар тарихан олиб қараганда ҳам ўзларини фаолиятда кўрсатолмайдилар. Улар ўзларига жонбозлик қиладиган майдон топмаганлар. Уларнинг хатти-ҳаракатлари жуда тор доирада, чекланган. Улар шунинг учун ҳам қахрамондан кўра зиддиқахрамонга («антигерой») ўхшайдилар. Эҳтимол Абдулла Қаҳҳор зиддиқахрамон яратишни ўз олдига мақсад қилиб ҳам қўймагандир. Лекин ўша давр — ўтмиш воқелигини тарихан теран идрок этиш уни шу ҳақиқатга олиб келган. Шу билан бирга ўтмиш кунларда салгинага норозилик, салгина одатдан ташқари бош кўтариш дарҳол раҳмсиз сувратда таъқиб остига олинган ва жазоланган. «Ўтмишдан эртақлар»даги ўн олти яшар навроста қиз Савринисони эсга олайлик. Отаси уни зўрлаб эрга бериш пайида. Савринисонинг эса ота танлаган одамга сира кўнгли йўқ. У поезд мени чакиряпти!.. чақир, мени!.. каттиқроқ чақир, паровоз!.. Мени узоқ ўлкаларга олиб кет! — деб айтгани учунгина отаси томонидан ўласи қилиб калтакланади ва бевақт хазон бўлади.

Лекин зулм ва истибдод қанчалик кучаймасин, халқ юрагида норозилик, ўз аҳволини англаш ҳиссиёти аста куртак отади. Онларнинг кўзлари очилади. Аҳмад полвон («Кўр кўзнинг очилиши»), Асрорқул («Асрорбобо»), Унсиной («Дахшат») сингари истибдоддан кўркмайдиган, кўкрак кериб олдинга чиқадиган кишилар майдонга келади.

## Саидий қаноти қирқилган пашшами?

Катта ва матонатли талантлар доимо даврнинг чигал ва мураккаб воқелиги марказида бўлишга ва уларни шижоат билан ёритишга интиладилар. Абдулла Қаҳхорнинг «Сароб» ва «Қўшчинор чироқлари» романлари янги социалистик деб аталган воқеликнинг ғоятда зиддиятли қирраларини ёритиб берди. «Сароб» Абдулла Қаҳхор англаган, тушунган, билган маънодаги миллатчиликнинг инқирози ҳақидаги романдир. Унда Абдулла Қаҳхор кескин бир томонлама қарашларга эга адиб сифатида майдонга чиқди.

Роман марказида йигирма олти яшар ёзувчи ҳамда журналист Раҳимжон Саидий образи ҳаракат қилади. Саидий катта бойлик ва енгил ёзувчилик шухратига интилади. У енгилтаклик билан ўзига тиргак ва суянчиқ кидиради, унга махсус қулай шароит яратиб беришларини орзу қилади.

Романнинг дастлабки саҳифалариданоқ у ҳамма нарсадан норози, янги тузумнинг ишлари кўнглига уриб кетган одам сифатида кўзга ташланади. У Эҳсон, Шафрин, Кенжа каби ёзувчи назарида илғор, навқирон кучлардан қочади. Уларни тор кўнглига сиғдиrolмайди. Саидийнинг кўнгли доим ғаш. Шу ғашлик, тор кўнглилик уни тез қаритиб кўяди. У «миллат дохийлари»нинг чангалига тушади, уларнинг тўкин дастурхонларига шерик бўлади ва сўнг уларнинг хоҳиши ва талаблари асосида асарлар ёзишга киришади. Ёлғон мактовларни чинга қабул қилади. Рўёни ҳақиқат ўрнида кўради. Оқни қора деб кўрсатишни касб этади. Роман «миллатчилик» нима учун инқирозга учраганлигини ва нима учун ўзини тарих олдида ноқобил тутганлигини анча ҳаққоний кўрсатади.

Саидий ва унинг ҳомийлари янги муҳитга ўзларини тобора ёт сезадилар. Саидий инқироз кучайган бир дамда боғга чиқиб толғин дарахтга суянади. Сўнг бундай хушига келиб қараса, дарахтнинг тепаси чириб қулаганлигини кўради.

Мен бу ерда ўзимча жуда маънодор рамз кўраман. «Миллат ғамини еган» кўп кишилар худди Саидий каби тепаси чириб ва ёхуд чакмоқ уриб қулаган, яъни кўкариши қийин бўлган дарахтга суянган эдилар. Мени роман-

даги яна бир рамз ҳам хайратга солади, Муродхўжа домланинг қизи, Саидийнинг хотини Сорахон қиладиган иши йўқ эрка қиз уйда уззу-кун пашша тутиб, қанотларини қайчи билан кесиб, сўнг пашшанинг ғинғиллаб учишини томоша қилишни яхши кўради, бундан беҳад лаззат олади. Романда Саидийнинг ҳам қаноти шундай қирқилган. У тинмай ўзини учишга чоғлайди. Лекин учолмайди. Тинмай зинғиллайди. Ўзини ойнага уради. Ёзувчи талқинида «миллатчилик» унинг қанотини қирқиб ташлаган, уни аянчли оғир қисматга маҳкум этган. Абдулла Қаҳҳор «миллат ҳомийларига» хос бўлган онг ва рух оғриқларини ёрқин юзага чиқара олган.

Абдулла Қаҳҳор «миллатчиликни» «карикатура» ҳолатига тушириб тасвирлади ва талқин қилди. «Миллатчилик» асорат ва эркисизлик туфайли юзага чиққан ходиса эканлигини англаб етолмади.

### **Сиддиқжон интилган сароб**

Қаҳҳор ўзининг иккинчи романи «Қўшчинор чироқлари»ни Ўзбекистонда коллективлаштириш воқеаларини ёритишга бағишлади. Янги тузум юзага чиқарган бу мавзу адибни хийла вақтлардан бери қизиқтириб келди. Лекин янги колхоз қишлоғи ҳақидаги китобни ёзувчи 1951 йилда ёзиб тугаллади. Романнинг бош қаҳрамони Сиддиқжон Саидийнинг тенгдоши. Лекин Саидий янги тузум кишиларидан қанчалик қочса, Сиддиқжон янги тузум, колхоз ҳаётига шунчалик интилади. У ўз ҳаётининг мазмунини коллектив бўлиб меҳнат қиладиган, ақл бо-вар қилмас қийинчиликларни енгаётган, ҳалол меҳнат жараёнида маънан ўсаётган одамлар билан бирга бўлиш, бирга нафас олишда деб билади. Ёзувчи романда коллектив ҳаётнинг айрим қирраларини маҳорат билан гавдалантириб берди. Шу билан бирга романда қаҳрамонларнинг тақдирлари етарлича яхлитлик ва тугаллик топа олмади. Ҳақиқий, ҳаётий зиддиятлар четлаб ўтилди. Сиддиқжон сингари образлар ёрқин, чигал, мураккаб қирралари билан намоён бўлмади. Унга характер бойлиги етишмади. «Конфликтсизлик назарияси»нинг совуқ шамоллари роман бобларини ора-оралаб уларни бирқадар қуруқшатиб қўйди...

## Фаол шарқ қизлари

Абдулла Қаххор ўзининг шундан кейинги «Шоҳи сўзана», «Синчалак» сингари асарларида ўзбек қишлоғи ҳаётининг жуда ўткир масалаларини кўйди. Урушдан кейинги йилларда шаклланган янги типдаги инсон характерларини гавдалантиришга бел боғлади. Саида Алиева тимсолида катта жасоратга эга бўлган, ақли ва юраги фаол Шарқ кизи образини яратди. Абдулла Қаххор умр бўйи шундай образ яратишни орзу қилиб келгандек эди. Кўпгина ҳикояларида бунга йўл кидирган эди. У жасоратли аёлларни севарди. У яратган барча ёрқин ва гўзал аёллар образларида жасорат энг юксак фазилат каби тасвирланади.

Адиб «Синчалак», «Шоҳи сўзана», «Оғриқ тишлар», «Тобутдан товуш» сингари асарларида ўша йилларда ҳаётда жиддий сувратда куртак отиб келаётган оғир иллатлар ҳақида гражданди адиб сифатида тинмай бонг чалди. Оғохлантирди. Нуқсонларнинг олдини олишга чақирди. Лекин унинг қўшиб ёзишлар, кўзбўямачиликлар, аёл кишига тубан муносабатлар ҳақида урган бонгига қулоқ солилмади. Касаллик чуқур илдиз отди...

Абдулла Қаххор жозибадор миллий характерлар галереясини яратолган адиб. У яратган жуда кўп характерлар том кашфиёт даражасидадир. Шу маънода у Чеховнинг шогирдигина эмас, издоши деб аталишга сазовордир.

Абдулла Қаххор юксак дид соҳиби эди. У адабиётга ҳам, ўз талантига ҳам, ҳаётнинг оқимида ҳам беҳад жиддий ва беҳад қаттиққўл муносабатда бўлди. Унинг қаттиққўллиги ва шафқатсизлиги юксак маънодаги олижаноблигидан эди. У ҳаёт ва адабиётга валломат каби муносабатда бўлди. Валломат ҳеч қачон ўз танлаган йўлидан, омолидан, ишончидан, мақсадидан тоймади. У аланг-жаланг қилмай яшади. Аланг-жаланг қилмай ёзди.

У онгли ҳаётининг бошиданок қайта қуриш одами сифатида ҳаракат қилди. Қайта қуриш одами сифатида яшади ва ижод этди. Уни ва унинг асарларини ўзига хос ошкоралик рамзи дейиш мумкин. Ошкоралик ҳукмрон расмий мафкура ғояларига эътиқод қилган ижодкорнинг, албатта чекланган, маълум бир мафкура мақсадига бўйсундирилган ошкоралиги эди.

Ёзувчилик иши ва ёзувчининг ҳар бир сўзига буюк масъулият билан қараган улкан адиб Константин Симонов Абдулла Қаххор рус тилида чиққан «Танланган асарлари»нинг икки томлигига ёзган сўзида Қаххорнинг «Синчалак» ва «Ўтмишдан эртаклар» асарларини таржима қиларканман, ундан кўп нарсаларни ўргандим, деб ёзган эди. Бу шунчаки бир қаламкашнинг иккинчи бир қаламкашга тан беришигина эмас. Бу Симоновнинг Қаххор жуда катта иқтидорли адиблар учун ҳам ўрناق бўла олади дегани эди. Ҳар қалай, адабиётимизда характер яратиш ва ҳар қачон ҳақ сўз айтишнинг Қаххор мактаби бунёдга келгани аён. Лекин бу мактабга янги замон одамлари қандай қараркинлар? Қандай хулосалар чиқараркинлар?

Абдулла Қаххор асарлари маълум бир тарихий давр ва унга хос қарашларнинг мулки. Уларни янги дунё тадқиқотчилари тамомила бошқача бир кўз билан таҳлил қилишларига ва ғоят қизиқарли хулосалар чиқаришларига шубҳа йўқ.

## Шафқатсизлик

Шафқатсизлик деган сўзни ишлатдик. Шафқатсиз реализм деймиз. Шолохов, Платонов сингари адибларнинг реализмини назарда тутамиз. Бу шафқатсизлик — ҳаёт ва инсон ҳақида бор ҳақиқатни ошқора, ғоят аччиқ ва чидаш қийин бўлса-да, очиқ-ошқора айтиш демакдир.

Очигини айтсам, ўсмирлик чоғларимда Қаххорнинг «Қизлар» ҳикоясини ўқиб ҳузур қилган Нурматжондай ўхшаши топилмас йигитларнинг галварслигидан, отдан тушса ҳам эгардан тушмаслигидан завқланган эдим. Шу билан бирга ёзувчи уни тасвирларкан, мишмишларни сўйлаб бераётгандай қилиб: «Ёзда унинг кетидан пашша эргашиб юрар эмиш. Ёлғон! Нима қилади эргашиб? Лабининг икки бурчи ҳамиша оқариб туради дейишади. Бу ҳам қусур эмас, балки фазилат — маъсумлик нишонаси...» — деб таърифлаганини ўқиганимда, сўз шафқатсиз бўлишини ҳис қилганман. Нурматжон кўз ўнгимда иштони доим сарғайиб юрадиган нопок йигит бўлиб гавдаланган. Абдулла Қаххор — сатирик бу сўзларни айтмаслиги мумкинмиди?



Сўнг эсим кирган пайтларда «Синчалак»ни ўқидим. Бу мен илгари дунё адабиётидан ўқиган ҳеч қайси китобларга ўхшамас эди. Кичкинагина, чивиндаккина қизнинг юрагига, омилкорлигига, иш тўқишига қойил қолдим. Ҳаётда ҳеч ағдариб, енгиб бўлмайдигандек кўринган Арслонбек Қаландаровларга қарши чиқадиغانлар кўп бўлмаса керак. Яна хотин-қизлар ичида. Лекин бор! Халқнинг юрагида жасоратдан тўқилган шундай қизлар яшайди. Улар Ўтрор қалбаларининг деворларида жанг қилганлар. Улар Чирчиқ ва Сирдарё бўйларида ҳар қандай ёвдан тап тортмай гурзи, чалғи кўтариб майдонга чиққанлар. Саиданинг олдида баттаррок ёв турарди. У шу тизгинсиз ёвни енгилга ўзида кучирода тополди. Саида балки сал қуруқроқдир. Шу тоифа аёллар ўзи қуруқроқ бўладилар. Лекин улар элга катта нафъ келтирадилар. Лекин ҳозир гап шафқатсизлик ҳақида бораётган эди. «Синчалак»ни ўқиб бирдан лол бўлиб қолганман ўшанда. Не кўз билан кўрайки, ғалати, елимдай ёпишқоқ хотин Кифоятхоннинг юзи кутилмаганда эски чарм кавушга ўхшатишган эди. Бироз фурсат китобни давом эттиролмай ўқишдан тўхтаб қолдим. Абдулла Қаҳҳордай хотин-қизларни ҳурмат қилган, уларга буюк муҳаббат ва умид билан қараган адиб аёлнинг чехрасини кавушга ўхшатадими? Бу ўта раҳмсизлик эмасми? Инсонпарварлик, назокат қаерда қолди, деб ўйладим. Ҳеч ўзимга сингдиролмадим бу ўхшатишни. Мана, ҳозир «Синчалак»ни яна қўлимга олиб яна ўша жойга дуч келдим. Ўттиз йил илгариги таассуротларим тагин қайтадан жонланди. Яна келишолмадим. Ҳар қалай Кифоятхон бўлсаям хотин-қиз-ку, дедим...

Сўнг «Ўтмишдан эртақлар»ни ўқиган Мирзакалон Исмоилийнинг сўзларини эсладим. У Абдулла Қаҳҳорга том маънода эланиб, Абдулла ака, қулингиз бўлай, сиздан биргина илтимосим бор, йўқ деманг, қиссадан отангиз Уста Абдуқаҳҳор хотин-қизларни қайтариқ қилган, қоронғу ҳужрада боласиз хотинларга дам солган, «ўқиган», фолбинлик қилган жойларни олиб ташланг. Ҳар ҳолда, у сизнинг отангиз-да, ўқувчиларнинг сазаси ўлмасин, орияти келмасин, деб турганлари эсимга тушди. Абдулла Қаҳҳор ўшанда нуруний жилмайиб, Уста Абдуқаҳҳор ўзи шундай ишни қилган эдилар-да. Мен

буни ўзгартиролмаيمان, буни бўяб кўрсатолмаيمان, дедилар...

Мен ўшанда Қаххор тушунчасида реализм ҳақиқатан ҳам шафқатсиз бўлишини билдим. Лекин, бу деётганимиз «шафқатсиз реализм» жуда-жуда шартли эди. У ўрни-ўрни билан замонасозлик ва сохтакорлик билан қоришиб кетган эди. Бундан Шолоховдан Фадеевгача, Ойбекдан Қаххоргача ҳеч ким қочиб қутулган эмасди.

Ёзувчи шароит имкон берган қадарли борини — борича, бадииятини топиб тасвирларди. Ёзувчининг эса ҳеч нарсани безашга ҳақи йўқ деб ҳисобларди. Шунинг учун ҳам Кифоятхон масаласида балки ёзувчи ҳақдир. Ҳақиқат эса бизнинг хиссиётларимиздан баландроқдир. У ўз шафқатсиз қонуниятларигагина бўйсунди...

## ИНСОНИЙЛИК РИСОЛАСИ

### *Абдулла Қаҳҳорнинг 100 йиллигига бағишлайман*

Абдулла Қаххор ўзини ниҳоятда чуқур билган ва таниган, то тирик экан, танишга ҳаракат қилган инсон сифатида ўта камтар эди. Ва ўзини танийдиган барча камтарин одамлар каби ўта тортинчоқ ҳам эди. Буни уни билган, атрофида юрган, фазлий суҳбатларидан баҳраманд бўлган барча замондошлари тан олиб, қайд этиб ўтишган. Иван Ле, Константин Симонов, Чингиз Айтматов сингари адибларнинг кўзларига ҳам бу хусусиятлар дарҳол ва биринчи навбатда ташланган.

Лекин фарқи бор.

Унинг ифрот камтарлиги ва инсоний тортинчоқлиги остида куч яшириниб ётарди. Таъбир жоиз эса, бу Бобораҳим Машраб ёхуд Мансури Ҳалложнинг товонини ялашга журъат этган шернинг камтарлиги ва қазойи азалдан келаётган тортинчоқлиги эди.

Камтар деб уни камситиб бўлмасди. Камтар деб уни четга суриб бўлмасди. Камтар деб уни ҳисобдан чиқариб ташлаб бўлмасди.

У кези келган пайтларда ўзини ҳамиша: «Мен темирчининг ўғлиман», деб айтиш ва таъкидлашдан чарчамасди. Шу сўзларни айтиш, билмаганларга билдириб қўйишликни ғоятда хуш кўрарди. Бундан билиш мумкинки, темирчининг ўғли бўлганлиги билан фахрланарди. Ни-

масини айтасиз, темирчилик ҳам, худди таржимонлик каби одамзотнинг энг қадим хунар-касби. Унинг кўзи отасининг темирчилик асбоб-анжомларини кўра-кўра очилган. У кўра, сандон, боскон, улкан болғаларга соатлаб тикилиб ўтирар, уларнинг шаклларини худди кафтлари ва бармоқларига мангуга муҳрламоқчи бўлгандай сийпа-лаб, тархларини томоша қилар, бармоқларини бу тархларга ўргатар, кўниктирарди. Қўрада ланғиллаб турган чўғлар унга беҳад сирли ва ажойиб туюлар, оловнинг соф, ингичка, афсункор ховурлари унга чўғнинг эртақларини сўйлаётгандай, одамлар ва дунёнинг сира охиригача билиб бўлмайдиган кор-холларидан хабар бераётгандай бўларди.

Абдулла Қаҳҳор одамларни мафтун қилишни оловдан ўрганди.

У болалигидан кўрада темирнинг қандай кизиши, қандай яраклаган ўтга айланиши, сўнг отасининг чайир, бакуват, устакор кўллари остида қандай эгилиши, қандай турли-туман ажиб шаклларга кириши, букилиши, яссиланиши, ипакдек мулойим буралиши ва ниҳоят асбоб, аслаха, анжом тусига киришини кўп кузатган, ўзи ҳам чўғдай темирнинг бағрига болтачасини уриб-уриб кўрган, капчалар ясашга уринган.

Темирчиликнинг бошқа бир яхши томони – одамлар доим уларнинг эшикларига чақириб келишар, ўзларига керакли асбобларни буюришар, харид қилишар, бу ердан улар ўз эҳтиёжларини битириб кетишарди.

Бола жуда ёш чоғидан муомала ичида ўсди. Муомала муҳиtida тарбия топди. Шу ранг-баранг муомалаларда туганмас, ҳаёт учун бениҳоя зарур инсонийлик борлиги, ҳаётнинг аввал сири шу зухурланиб турувчи инсонийликда эканлигини сезди.

## I

Абдулла Қаҳҳорни қаҳри қаттиқ одам бўлган дейишади. Балки шундайдир. Биз, кейингилар, буни комил ишонч билан айтолмаймиз. Балки тасдиқлай ҳам олмаймиз. Чунки биз, кейингилар, унинг ҳаёти ва умргузаронлигининг энг охириги дамлари, сўнгги эпизодларинигина тез ўтиб кетувчи кино лавҳаларидай кўз қири билан кўришга муяссар бўлганмиз. Аммо унинг китобларини

50-йилгача ҳам ўқирдик. Унинг «Йиллар» деган китоби ўшанда чиққан эди, ҳеч кўлимиздан кўймасдик. Биз уларнинг воқеаларига ишонмасдик. Худди эртақдай қарар ва қабул қилардик. Кейинроқ кўп шов-шувли томошаларини кўрганмиз. Машҳур кишилар ҳақида халқ ичида юрадиган фантазиянамо жозибали гапларни эшитганмиз.

Ҳа, Абдулла Қаҳхорнинг адабий қаттиққўллиги тилларда дoston эди. Унинг қаттиққўллиги баробарида айтиладиган ҳақиқатпарварлиги ва ҳақиқатдан қайтмаслиги ҳам ундан-да ортиқроқ таъсирли, сирли дoston эди. Абдулла Қаҳхорни ҳеч кимдан ва ҳеч нарсадан кўрқмайдим, дейишардим.

Дарҳақиқат, унинг мардлиги ва жасоратини барча замондошлари барабар тан олганлар. Эҳтимол, буларни барабар қабул қилмагандирлар, барабар ёқтирмаган, ёқламагандирлар, лекин барабар тан олганликлари ҳақ.

Биз, кейингиларга (кейингилар деганда, болалиги уруш йилларига тўғри келган, болалигида тўйиб нон емаган, янги кийим киймаган, ўсмирлиги 50-йил ва йигитлиги 60-йилларга тўғри келганларни назарда тутяпмиз) – аввал бу таърифлар, овозалар жуда ёқарди. Ўсмирларга, ёшларга, йигит-ялангга довярак кишилар ёқади. Улар довярак одамларга эргашгилари келади. Бу инсониятнинг жанг майдонларидан қолган удум. У қонда йўқолмайди.

Лекин рости биз, кейингилар унчалар ҳам тушуниб етмасдик, унчалар ҳам билмасдик бу қаҳри қаттиқлик, қаттиққўллик, бу ҳақпарастлик остида нималар борлиги, улар қандай воқеалар, қандай хатти-ҳаракатларда юзага чиққани ёки чиқишини.

Лекин кейинчалик 50-йиллар ўртасида университет даргоҳида таҳсил кўриб юрганда, шахсга сифиниш очилгач, таъқиб-таъйиқ, оммавий зўравонликлар маълум бўлгач, Абдулла Қаҳхорнинг жуда ўткир фелъетонлари, шафқатсиз ҳажвлари, ҳажвий-фожиавий руҳга тўлиқ «Синчалак», «Ўтмишдан эртақлари», «Сўнгги нусхалари», она тилимиз аҳволи тўғрисидаги пайдар-пай чиқишлари, Қодирий ҳақидаги жасоратга тўлиқ сўзлари, Фафур Фулом билан нозик мунозаралари, репрессия жаллодларига берган кескин таърифлари, дам у ерда, дам бу ерда паст овозда янграган, лекин атомдай портлаган нутқларини ўзимиз ҳам эшитиб, ўқиб, кўриб, баҳо бе-

риш холи қудратига эга бўлганимизда, у ўша довораклик, жасорат, мардлик, ҳақпарварликнинг ҳаётдаги реал кўриниши ва асл ўзи нимадан иборат бўлишини англагандай бўлганмиз.

Ана шулар натижасида Абдулла Қаххор миллий адабиётимиз ва санъатимизда сўзи ва иши бир ва танлаган йўли, ҳаёт принципларидан чекинмайдиган санъаткор инсон эканлигига ишонч ҳосил қилганмиз. Унинг асарларини диққат билан ўқиганимизда, бу ишончимиз янада мустаҳкамланарди. Унинг ҳаётий қарашлари бадиий қарашларига кўп жиҳатлардан, балки тўла тарзда уйғун эканлигини фаҳмлардик.

Абдулла Қаххор келиб чиқиши ва таржимаи холига кўра, каттиққўллик бўлмаса, темирни эгиб, бўйсундириб, инсон эҳтиёжларига яроқли ҳолга келтириб бўлмаслигини анча эрта тушуниб етган. Бу унинг кўздан кўп ҳаёт сабоқлари ичида энг асосий – ўзак сабоққа айланган. Бу ҳақда у ўзига ҳисоб берганми-йўқми, ўйлаганми-ўйламаганми, буни айтишимиз қийин. Лекин бу мурғак юракда оғишмас ҳаёт принципига айланганлиги равшан ва унинг бутун ижоди, ҳаёт йўли, ҳаётдан кузатган мақсадларида жуда аниқ-тиниқ кузатилиб туради.

Унинг ўз асарлари шаклларини ғоятда нафис ва нуқсонсиз ишлаши, қайси жанрни қўллагасин, ихчамликка интилиши, ҳатто романларида ҳам ихчамликни бадиий қонуният даражасида истифода этиши – ота хунари хусусиятларини жуда диққат билан кузатгани ва фаросатига сингдирганидан.

Бизга темирчилик билан заргарлик ўртасида ер билан осмонча фарқ борга ўхшаб кўринади. Заргар – безак яратади. Темирчи турмуш ва меҳнат учун зарур асбоб-ускуналарни ясайди. Ҳар иккиси ҳам шакл ва мазмундорликка алоҳида эътибор қаратади. Абдулла Қаххор темирчиликнинг ҳам, заргарликнинг нозик томонлари ва айниқса, шакл яратиш, унга ўта зикновлик билан ишлов бериш кераклигини яхши тушунади. У шаклни жуда инжиқ ҳис қилади. Нарсанинг фойдали бўлишини безақдорликка бегона бўлмаслиги билан уйғунлаштиради. «Асарларда қандай улуг ғоялар яширинган бўлмасин, агар уларнинг шакли заиф бўлса, натижа йўқка чиқади», дейди Ф.М.Достоевский. Машҳур расом Шемякин эса: «Асарнинг юракка таъсири фақат ва фа-

кат шакл оркали ўтади», дейди. Абдулла Қаххор бадий-ижодий қарашларида шаклга фавқулодда шундай муносабатда бўлганлигини кўрамиз. Шу жихатдан уни нафақат кичик хикоя устаси, балки айни пайтда кичик роман, кичик қисса, кичик сахна асарлари устаси, деб ҳам аташ мумкин.

Абдулла Қаххорнинг ён дафтарларига қайдларида «Хат» деб номланган фикраси бор. Унда мактабда ўқиб юрган чоғларида Мухаммаджон Холиқий деган домла илк бора дарсга кириб, синф тахтасига икки қатор шеър ёзганлигини хикоя қилади. Холиқий домланинг ёзуви шунчалар чиройли эдики, болалар нафас чиқармай анграйиб қоладилар. Ўсмир Абдулла Қаххорнинг юрагига ўт тушади. У бунчалар чиройли ёзувни ҳеч қачон кўрмаган эди. У домланинг хуснихатига ошиқ ва мубтало бўлади. Холиқий ёзган шеърни дафтарига юз маротабадан ортиқ кўчиради. То хати домланинг хати каби чиройли бўлгунча кўчираверади. Чиройли ёзиш билан аъло ўқиш, чиройли ёзув билан яхши одам бўлиб етишиш, чиройли ёзиш билан одамнинг ўз-ўзини ва ўзгаларни ҳурмат қилиши, ҳурматнинг севишга кўтарилиши ўртасида назарида ажралмас боғлиқлик бордек туюлади.

Бу унда гўзалликка мубталоликнинг уйғониши эди. Чўғга айланган темир парчасининг уста қўлида гўзал бир тарзда эгилиши, ёй хосил қилиши, ёйнинг чиройли асбобга ўтиши ўртасида қандай сир бўлса, ёзувнинг хуснихатга айланиши, одамни мафтун қиладиган даражада гўзаллик касб этиши ҳам шунга яқин бир ходиса бўлиб туюлади унга.

Мана шу ўсмир чоғида бирдан чиройли ёзув қаршида туғилган ошиқлик, мубталолик унинг бутун ҳаёти, ёзувчилик ҳунарининг шаклланишида асосий роль ўйнади.

Чиройли шакл мурғак ва маъсум калбга шунчалар қучли таъсир қилди. Абдулла Қаххор жуда чиройли ёзишга ўрганди. Бу ҳамма ишни истисносиз чиройли адо этиш майли ва иштиёқини тарбиялади. Шу ўринда ўсмирнинг домланинг чиройли ёзувини кўриб, унга ўта ҳавас қилиб, ёш бўлишига қарамай чиқарган хулосаси ҳам эътиборга лойиқ. «Қайси дарсни чиройли ёзмасам, ўша дарсдан пастроқ баҳо олар эканман... чиройли ёзишга уришиб, қайта-қайта кўчириш дарсни яхшироқ ўзлаштириш-

га ёрдам берар экан. Шундан кейин бошқа дарсларни ҳам чиройли ёзишга... ҳаракат қиладиган бўлдим, бора-бора шунга одатланиб қолдим, ҳамма дарсдан аълочи бўлдим».

Бу ҳам бўлажак адибга шаклга – гўзал шаклга муҳаббатнинг туғилиши. Юксак бадиий шакл ҳиссиётининг шаклланиши. Ихлос натижасиз қолмайди. «Бир йилга қолмай хатим чиройли бўлиб қолди. Иккинчи ўқиш йилининг бошида мени деворий газетага «мудир ва муҳаррир» қилиб сайлашди». Мана, ёзувчи, ижодкорнинг ибтидоси, адибнинг адиб тарзида туғилиши. Ўсмир тез ўсиб, тез ва тўғри хулосалар чиқараётганига ҳам эътибор беринг. Мустақил фикрлаш, хулосалар чиқариш – талант, иқтидорнинг белги ва нишонаси.

Машҳур муаллим ва маърифатпарвар, кейинчалик академик Қори-Ниёзийнинг Абдулла Қаҳҳорлар синфидан дорулмуаллиминда ўқиш учун ажратиб олган иқтидорли болалар орасида кичкина Абдулла Қаҳҳор ҳам бор эди. Хуснихат, илхом, муҳаббат ва тиришқоқлик ортидан ўсмирга катта ҳаёт йўли кенг очилмоқда эди. 1957 йилда ёзилган «Мактабдошлар» деган мақоласида Абдулла Қаҳҳор ўша йилларни хотирлаб шу сўзларни ёзган эди: «1917 йилнинг дастлабки йиллари... «ҳукумат бир қўли билан бизнинг бошимизни силаб, биримизни кўчадан, биримизни ошпазнинг ўчоғи ёнидан, биримизни қашшоқ оиладан олиб мактабга жойлади, боқди, кийинтирди, ўқитди... ҳукумат бизга ҳамиша шаҳар йўлларини, ҳамма олий мактаб эшигини катта очиб берди». Ижтимоий ҳаёт ўша ўн еттинчи ва ундан кейинги йиллар жуда шиддатли тус олган эди. Дунё ағдар-тўнтар ўзгариш палласига кирган эди. Бу шиддат одамлар ва айниқса, ёшларнинг тақдирига жуда кучли таъсир кўрсатарди. Шу ҳаётнинг шиддатли тўлқини ҳали техникумни ҳам битирмаган ўсмир зиёли Абдулла Қаҳҳорни, буни қарангки, унинг ўз тили билан айтганда, ўша пайтдаги «Қизил Ўзбекистон» газетасига ишга таклиф этди. Ёзувчи кейинча «Ҳақ сўз кучи» (1957) мақоласида ҳикоя қилганидек, унинг қандайдир беш-олти ой ичида хотинқизлар газетаси «Янги йўл», «Муштум» ва бошқа матбуотларда номи кўриниб қолди. Матбуот қаерда йил этган талант бўлса, ишга чақириб, амалий ишда тарбиялар эди, деб ёзган эди адиб.

Биз Абдулла Қаххорни ғалатироқ қилиб, ўсмир зиёли деб атадик. Ҳақиқатан ҳам, ўсмир зиёли. Ҳақиқатан, янги авлод. Ўша пайтлар ва ундан беш-олти йил аввалроқда Фитрат, Қодирий, Чўлпон, Ҳамза, Авлоний, Тавалло ва яна кўплаб (Ойбек, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон) шундай ўсмир зиёли бўлиб халқнинг катта тарих ижтимоий саҳнасига шитоб билан кириб борган эдилар. Улар чин маънода жанговар зиёли ўсмирлар эдилар.

## II

Абдулла Қаххор ва у тенгиларнинг ён-атрофларида ўша пайтлар ва ундан анча олдинлар ҳам қашшоқлик, тенгсизлик бисёр эди. Хеч нарса топилмаганда, худди мана шу нарсалар истаганча топиладди. Ёшгина ўсмирнинг онгида ҳали шу қашшоқликлар қашшоқлик бўлиб кўринмасди. Тенгсизликлар тенгсизлик, деб англамасди. Ўсмирнинг қулоқларига ҳадеганда беш қўл баробар эмас, деган гап чалиниб турар, бунинг нималигини ҳали билмас, лекин кўп такрорланаверганидан қулоғига маҳкам ўрнашган эди. Одамлар бир-бирларини шундай деб овулар ва бир-бирларига бармоқларини ёзиб букиб кўрсатардилар.

Ҳали олдинда ёш мухбирликни ўринлатиб бажариши керак бўлган Абдулла Қаххорга ҳаёт тўзиб кетган эски шолчага ўхшаб кўринадди. У отаси қаерга кўчса, отаси билан қаерга бориб темирчилик дўкони қурса, қайси гуваалак хонадонга кирса, шу «эски тўзиб кетган шолча»ни кўрарди. Ҳамма ерда шу эски шолча. Кўз шу шолчага ўрганган, вақти-вақти билан чанги қоқилиб, йиртилган ерларига қанор ямоқ ташланса, шолча яна янгидай бўлиб кўзларини қувонтирарди. Бинойдайд қадрдон туюларди.

Қашшоқлик ва тенгсизлик нималигини билиш, унинг сабабини аниқлаш учун ўқиш керак экан. Қашшоқ ва тенгсиз бўлмаган нарсаларни кўриш ва чоғиштириб кўриш имкони бўлиши зарур экан.

Абдулла Қаххор мухбир бўлиб ҳар куни қаламини киртиллата бошлагач ва кўп ўтмай университетнинг ишчилар факультетида таҳсил ола бошлагач, қашшоқликни ёшига номуносиб тарзда жуда чуқур ўйлайдиган бўлди. «Қаердан келган бу ҳўл бало?» деган савол бошини тинимсиз пармаларди. Бу оғир савол эди. Унга жавоб



топмаса, бўлмасди. Бу савол кетидан бошқа ундан ҳам оғирроқ саволлар туғилаверди. Муқимий, Фитрат, Қодирийларни ўқиб саволларига жавоб топмади. Топган жавоблари унинг ўта изловчан безовта ақлини қониқтирмади. Назарида «қашшоқлик нима?» деган саволга қониқарли жавоб топиш учун аввал «инсонийлик нима?» деган бошқа бир ғалати саволга жавоб топиш керакдай туюлди. Бу савол устида ўйлай-ўйлай у чексиз маънос бўлиб қолди. Ақли ичига қараб кетди. У энди кам гапирадиган бўлди, аллақандай тортинчоқлик пайдо бўлди. Саволларига жавоб тополмай сўзлари заҳарханда тус олди.

У яқин ораларда Холиқий домладан ўрганмиши хуснихат орқали турли дарсларни қандай аъло эгаллаган бўлса, энди ўша ихлоси билан кеча-кундуз рус тилини ўрганиб олишга бел боғлади. У жазм этса, ҳар бир иш, ўқиш, ёзишга қаттиқ киришарди. Киришганини то эгалламагунча қўймасди. Темирчиликнинг кунти, иродаси, қайсарлиги, топқирлиги унда ҳамма нарсалардан кўра етарлироқ эди. 20-йилларда Фрейд, Нитше, Бергсонларнинг рус тилида асарлари чиққан эди. Ғарб фалсафаси, психологияси, социологиясини ўрганаркан, у ўзини қийнаган саволлар равшанлашиб бораётганлигини сезди. Бир Петербургда чиққан китобда у Фромми, Фрейдми, кимнингдир – авторитар этика деган тушунчасига дуч келди ва узоқ хаёлга толди. Авторитар этика инсон шахсини кул қилиб ишлатиш, уни ўз иродасига бўйсундириш, ўз айтганини зўрлаб, мажбурлаб қилдиришдан пайдо бўларкан. Лоп этиб кўз ўнгида бутун Ашт даштларида, Қўқоннинг не турфа қишлоқ, уваларида ота қаватида юрган чоғларда кўрган, дуч келган одамлар бирин-бирин гавдаланди. Одамларни кўрқитиш, маънавий зўрлаш, хўрлаш, зўравонликлар экан-да, у кўрган бепоён қашшоқликларнинг отасию онаси!

Кўрқитилган одамлар ўзларига ишонмай қўядилар.

Ўзига ишонмайдиган одамлар ҳамма ишларни чалачулпа, ўлда-жўлда бажарадилар. Қарам киши ҳеч қачон бир ишни рисоладай адо этмайди. Қарам шахс ишга ярамайди. Халқда бундай одамни нобакор дейдилар. Нобакор ўзининг ноқисулақл эканлигини сезиб, ҳар ерда ҳар ишнинг устида бўйнини қисади. Ана холос! Бундан

шундай хулоса чиқадики, у бўйсунувчан бўлади! У бойнинг, пули борнинг амрини сўзсиз бажаради.

Авторитар этика, яъни ахлоқ ҳукм сурганда, одамлар шундай ахлоққа риоя этганларида сўзсиз итоат этиш, бўйсунуш ва бу жуда чўқкига чикқанда, ўзини бағишлаш – яхшилик деб қаралади ва ёкланади.

Абдулла Қаҳҳор бундай фикрларни ўқиркан, «э-ҳа, бу асло инсонийлик эмас, инсонийлик бўлолмайдик-ку!» деб юборди. Лекин яна лоп этиб миясига бир фикр урди: бу ахир ҳаммаси эмасдир! Дунёнинг мароми фақат шундай этика асосига қурилмагандир. Бошқача бир ахлоқ ҳам бордир. Кейин Абдулла Қаҳҳор ўқиб-ўқиб, гуманистик этика деган тушунчани топди.

Э, бор экан-ку, дунёда шундай зўр фикрлар!

Билди: гуманистик этика инсонни ҳамма нарсаларнинг ўлчови, меъёри деб қарайди. Қойил! Инсон ҳаёти энг олий мақомга эга. Инсонни севиш – инсонпарварлик. Инсон туғилгандан табиат унга шу севги жавҳарини ато этган. Одамзотнинг дид-фаросати турлича. Тушунчалар, қарашлар хилма-хил. Бировга яхши кўринган нарса бошқасига ёмон туюлади. Аммо энг муҳим фикр бу ёқда экан: ўша этика деганимиз, яъни ахлоқ-одоб талаблари, қоидалари барча одамлар учун универсал, яъни баробар, тенг қимматга эга. Э-ҳа! Аристотелларни ўқиш керак экан-да, дунёни ва унинг гултожи инсонни тушуниш учун. Гоголь, Чехов, Толстой деган ёзувчиларнинг фикри қандай экан-а?

Лекин рост! Яшаш бу – санъат. Шу санъат ичида одам ҳам меъмор, ҳам мармар. Ҳам шифокор, ҳам бемор. Ҳам темирчи, ҳам заргар. Яшаш санъатини эгаллаган одам ҳақиқий гуманист, яъни инсонпарвардир. Бу ўзини, ўз имкониятларини намоён қилиш, куч-қувват қобилиятларини рўёбга чиқариш. Инсонпарварлик этикаси — яхшилик, деганда мана шуни тушунади. Инсонийлик деганда шунга, ҳа, аввало шунга риоя қилишни аёнлайди.

Инсонийлик эса яхшиликни бошқаларга ҳам раво кўриш.

Чехов хикояларини рус тилида ўқиб мияси ҳам, юраги ҳам ёришди. Уни қийнаган нарсаларнинг учи топилди. Мен шундай ёзишни хоҳлайман. Шундай ихчамлик,

лўндалик, шундай ичдан ёришиб турадиган кулгилиликни хоҳлайман. Мана шу яшаш ва ёзиш масъулияти. Ҳаёт масъулиятини сезган, билган киши ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам яхшилиқни соғинади. Яшаш масъулияти – мана яхшилиқ, инсонпарварлик. Иллатлар масъулиятсизликлар оқибати. Иллатлар киши кучини қирқади. Барча харақатларни чил-парчин қилади, хайфга чиқаради.

Ҳа, тўғри, пуч данак осон чақилади. Аммо ичида ҳеч нарса йўқ. Эҳ, қанча-қанчалаб пуч данакларни кўрди. Унинг бутун кўрган-билганлари, ўйлаганлари тасаввурида тизилиб гавдалана бошлади. Ҳикоя кетидан ҳикоя, ҳикоя кетидан ҳикоя... Ўтмиш бутун мураккабликлари билан эртақ тусини олди. Эртақлар шаклига кирди.

Ишчилар факультети унинг онги, тасавури тархларини очиб юборди: Ёш ўсмир зиёли ўқишлар ва ёзувчиликка океан мисоли шўнғиди ва сўнг бу ишдан охирги дамгача бош кўтармади.

### III

Демак, инсонийлик масъулиятни тақозо қилади.

Абдулла Қаххор бу фикрга келгандан сўнг уни қаттиқ тутди. Бахтиёр йўл-йўриқлар таъсиридами, у шу пайтлар рус тилини яхши эгаллаб олиб, улуғ рус ва Европа адабиётлари майдонларига чиқди. Ўша бахтли йўл-йўриқ туфайли у Антон Чеховни ўқиб чиқди. Шунда ноаён бўлиб турган бадий қарашлари (эстетик қарашлари) бир тизимга тизилди ва ажиб бир тарзда равшанлик касб этди. У Чехов ҳикоялари билан чекланиб қолмади. Гоголь асарларини бош кўтармай ўқиди. Кейин ўша пайтлар бир чиқишида қизиқ бир гапни айтиб ўтди: «Гоголь асарлари билан танишганимдан кейин бундан бурун ёзган «ҳажвий» асарларим кўзимга шундай ғариб кўриндики, минбаъд бундай асарлар ёзмасликка ўзимга ўзим сўз бергандай, бурунги яширин имзом «Норин шилпиқ»дан воз кечиб, сўнгги фелъетонларимга бошқа имзо («Мавлон куфур») кўядиган бўлдим». Сўзга жуда закий бўлган ёш Абдулла Қаххор бу ерда андак сўз ўйини қилиб ҳам ўтади.

Шилпиқ деб кўзи доим ёшланиб, жияклари қизариб, яхши кўрмайдиган одамни айтишади. Куфур – тажанг,

хар нарсдан тез жаҳли чиқадиган, доим танг вазиятда юрувчи одам. У Гоголни ўқиб, шилпиқ кўзим очилди. Турмушда кўп нарсаларни тез ўткирроқ фахмлайдиган, уларни ўткирроқ қаламга оладиган бўлиб қолдим, демокчи. Ўзгаришлар тез куч олди.

Абдулла Қаххор болаликдан кўп нарсаларни кўрганлиги, оила саргардонликларида бошидан кўп ҳолларни кечирганлиги, гўдаклик «тажрибалари» етарлидан ҳам ортиқроқ эканлиги ҳаётий, инсоний ўзгаришлар ҳам шитоб билан сифат ўзгаришларига айланди. Баъзан унинг йигирма ёшида роман ёзишга ўтирганидан ишонқирамай ажабланамиз. Лекин унинг ичида жўш урган тўлқинлар янги ҳаёт тўлқинлари билан тўқнашиб, баланд-баланд долғалар яратди. Шунинг учун ҳамма воқеаларни тийрак нигоҳ билан кузатаётган, ўткир кинояли фикр қиличларидан ўтказаётган ўта тиришқоқ, тиришқоқлиги табиий талантини тинимсиз тарзда чархлаётган ўсмир зиёлининг роман ёзишга ўтириши бежиз эмасди. Бунда кучли талант табиати учун қонуниятли бўлган нарса мавжуд эди. Бундан ташқари, Абдулла Қаххор талантининг Гоголь, Чеховдан ўт олиши ҳам бежиз эмас. Унинг бу каби эътирофларида ёзувчилик талантининг табиатини англашга имконият очилгандай бўлади.

Пушкиннинг катта замондоши Василий Жуковский шоир ва улуғ таржимон эди. Шу Жуковский бир суҳбатда ўзи ҳақида менинг илхомим ҳам худди чакмоқ тошига ўхшайди, у бировларнинг тошига урилганда ўт чиқаради, деган экан (Наби Алимухамедов. «Таржима санъати тўғрисида»). Бу гап одамни ўйлатади. Абдулла Қаххор талантининг табиати ҳам худди Жуковский таланти сингари воқелик билан тўқнашганда кучли ўт чиқарарди. Учқунлар отади. Алангаси гуриллайди. Бунинг устига унинг темирчининг ўғли эканлигини биз ҳам ҳеч унутмайлик. Ҳа, Абдулла Қаххорнинг илхоми ёки таланти воқелик, одамлар, уларнинг турфа тақдирлари, китоблар, ўқишларда чакнаб кетарди. Унинг ёшликнинг ифбат пардаларига ўралган, исмат пардаси ичида ётган таланти Гоголь, Чехов, Толстой асарларини ўқиганда, учқунлар, ўт оларди.

Унинг таланти яна ўзи бошдан кечирган ўтмиш воқеалар, ўтмиш одамлар қисматларини тасаввурига келтирганда, алангаси оламни тутарди. Чакмоқтош учқун

чиқариши учун бошқа тошга қаттик, кучли урилиши керак. Шу «урилиш», «ишқаланиш» боис ўт чиқади. «Урилиш»ни жонли ижодкор одамга нисбатан тадбиқ этилганда, уни дард, азоб, имтиҳон, синов деб тушуниш тўғри бўлади.

Абдулла Қаҳҳорнинг адабий, ҳаётий таъсирланишлари бир улуғ лаборатория ва улуғ мактаб бўлганидек, унинг таъсир кўрсатишлари, таъсирлантиришлари ҳам худди шундай улуғ мактаб лаборатория эди. У ҳаётга, яшашга, инсонийлик масъулиятига қандай қараса, ижод, сўз айтиш ва яратиш масъулиятига ҳам шундай жиддий қарар, уларни айниқса ижодкор, санъаткор инсон учун бир нарса – бир катта ходиса, деб биларди.

Бу нарсалар устида ўйларкан, уларни ҳаёт ва ижодда юзага чиқараркан, у доим Қори-Ниёзийнинг ўша Фарғона дорилмуаллимини учун иқтидорли ўқувчиларни қандай танлаб олганини сира ёдидан чиқармасди. Ўшанда унинг мурғак онгида тотли бир фикр, юрагида тотли бир ҳис ўрнашган эди. Сараланганлар, танланганлар қаторида бўлиш унга ёқарди. Бу одамнинг ўзига бўлган ишончини орттирарди. Қори-Ниёзий унинг дилида худди Холиқий ва унутилмас Пўлатхон Қаюмий сингари жуда чуқур ўрнашди. Ахир, бу домлалар ҳам доим танлаш, танланишга ўргатишарди. Оқни қорадан ажратиш, ҳаётда яхши-ёмон йўлларни фарқ қилиш, узоқларни мўлжаллаб иш юритиш ва қолаверса, одамларнинг муносибларини танлаш, кадрлаш, эъзозлаш бу ўзинг ҳам муносиб, кадрли, эъзозли инсон бўлиб етилишингда муҳим аҳамият касб этаркан. Муносиб, кадр-қиммати юксак одамлар ичида бўлиш, улар ёнида юриш, улардан ўрганиш, уларга эргашиш инсон учун ва айниқса, мурғак диллар учун кўп ажойиб қулайликлар туғдираркан.

Абдулла Қаҳҳор Қори-Ниёзийдан талабчанлик билан ғамхўрлик қилиш, ёшларни йўлга олиб чиқиб қўйиш, талантларини ардоқлаб тарбиялашни ўрганди ва мен ҳам шундай тарбиячи бўламан, деган мақсадни дилига қуйди. У олижаноб, чуқур ўйланган ишларни бағоят ёқтирарди. Шундай ишларга интилар, бутун куч-қувватини сарфларди.

1929 йилда Абдулла Қаҳҳор йигирма икки яшар йигитча эди. Аммо кўплардан фарқли ўларок, у ишчилар факультетини энди тугатган, рус тилини пишиқ эгалла-

ган, хатто, бир қанча таржималарга ҳам қўл урган, аллақанча хикоялари, фельетон, мақолалари босилиб турган, фаол адабий-маданий жараён ичига кирган эди. «Муштум»да Абдулла Қодирийлар билан бирга ишлагани, шу буюк давра инсонлар билан ҳар кун ижодий, инсоний мулоқотларда бўлгани ёшлик босқичларини йилдиримдек тез босиб ўтганлигини кўрсатади.

Бир нарсага доим эътибор беришимиз керак: у қандай ёшда бўлмасин, ўзини доим масъулиятли ижодкор, масъулиятли инсон каби тутарди. Худди Қодирий, Ойбек, Фафур Фулом, Чўлпонларда бўлгани каби унда мураббийлик туйғуси, масъулияти кучли эди. У адиб, журналист деганда мураббийни назарда тутар ва тушунар ва шунга яраша ҳаракат қиларди.

Ўша 1929 йилда ёзган илк мақолаларидаёқ у ўзини масъулиятли мураббий каби тутганлигини кўрамиз. Ўзи энди йигирмадан ошган бўлишига қарамай, мақолаларида «ёш сатириклар етиштириш», «ёш ёзувчиларни тарбиялаш» каби масалаларни қўйиб, булар устида самимий қайғуради. «Ёш кучларни тўплашга» айрича аҳамият беради. Қандай ёзиш керагу қандай ёзиш ярамайди, кулгичиликда нима яхшию нима ёмон, деган масалаларни қўйиб, мухокамага ташлайди. Ёш қаламкашларни ўз атрофига тортишга уринади.

Абдулла Қаҳҳорнинг ёшлар билан ишлаши, уларнинг таланти, ўсиши ҳақида қайғуриши, ғамхўрлик қилиши ўша 20-йилларнинг ўрталариданоқ жуда эрта бошланган эди. Кейин тез орада бу иштиёқ кенгайиб, кучайиб, инсоний принципга, ҳаёт ва ижод мактабига айланди. Бизнинг барча буюк адибларимиз ёш ижодкорларни тарбиялаш масъулиятидан асло қочмаганлар. Аксинча, бу иш билан муттасил шуғулланганлар. Ҳамзаю Фафур Фулом, Уйғуну Ҳамид Олимжонгача... Лекин улар ичида Абдулла Қаҳҳор ёшлар адабиёти, унинг тарбияси, муаммолари билан энг чуқур, энг изчил ва энг самарадор шуғулланган, бунда ўз зиммасига Горький изидан бориш вазифасини ортган йирик адиб ва муаллим эди. У Қори-Ниёзий, Ҳамза, Пўлатхон Қаюмийларни назарда тутган ҳолда муаллим талабчан, қаттиққўл ва шу билан бирга ҳар жиҳатдан ғамхўр бўлиши керак, деб тушунар, бу унинг эътиқодий-ҳаётий, ижодий принципларидан бирига айланган эди.

У ғоятда қахри қаттик мунаққид эди.

1940 йилда ҳар ишга ҳавасманд йигитча Саид Аҳмадининг «Тортик» деган рамзий ном берилган кулгили ҳикоялар китобчаси чиқди. Унда ёш муаллиф ҳаётдаги қизик воқеаларни қизик қилиб ёзишни ва охирини айниқса жуда қизик ва кулгили қилиб тугатиш йўлидан борарди. Бу ҳикоячаларни ўқувчилар кулиб-кулиб ўқишарди. Лекин «Тортик» Абдулла Қаҳҳорга сира ёқмади. Уни ҳўб диққат билан ўқиб чиқиб, редакцияларга ва айниқса, «Муштум», «Қизил Ўзбекистон»га учиб-қўниб юрган андак димоғдор, унча-мунчани менсимайдиган фаранг йигитча кўз ўнгига келди. Ҳикоялари ҳам шундай учиб-қўниб жуда энгил-елпи ёзиб ташланганга ўхшарди. Суриштириб қаради, бу ёш қаламкаш ҳали тузук-қуруқ бирон ерда ўқимаган, адабий билимлари саёз, дам унга-дам бунга қизиқиб, ҳаваслари тез-тез ўзгариб турувчи ғайратли бир йигитча экан. Абдулла Қаҳҳорнинг назарида адабиётга жуда хавfli бир нарса – энгил-елпичилик, адабий такасалтанглик кириб келиб ўрнашаётгандек, ўзига ўрин ва ҳақ талаб қилаётгандек бўлиб туюлди. У бу адабий такасалтангликнинг олдини олишга аҳд қилди ва «Тортик» ҳақида мақола ёзди. Мақолада аямади. Шафқатсиз сўзлар айтди. Бу сўзларга киши чидаши қийин эди. «Тортик» тўпламидаги кўп ҳикоялар мана шунақа хожати йўқ «илмий» асарга ўхшайди», деб ёзди Абдулла Қаҳҳор. «Севинчи» деган энгилгина, жуда қувноқ ҳикоячани таҳлил қилиб, «Сароб»нинг муаллифи ёш автор бу ҳикоя билан ҳеч нарса демокчи эмас. Ёзувчи ҳеч қандай мақсадни ўз олдига қўйган эмас, ҳикоя сўз бўтқасидан иборат», деб хулоса чиқаради. Лекин Абдулла Қаҳҳор бу ҳикоячанинг «ҳеч нарса демокчи эмас»лигини жуда тўғри аниқлаган. Аммо гап шунда эдики, Саид Аҳмад ҳақиқатан ҳам ҳеч нарса демокчи эмасди. У кичкина ҳикояча елкасига катта юк ортмоқчи эмас, фақат кулгили, қутилмаганда қизик воқеани худди Зошченкога ўхшаб жуда қизик қилиб ҳикоя қилиб бермоқчи эди, холос. Лекин Абдулла Қаҳҳорнинг бадний принциплари ўзгача. У ҳар бир ҳикоя «Бемор», «Ўғри», «Томоша-боп», «Анор», «Майиз емаган хотин» каби жуда чуқур инсоний ижтимоий мазмун юкланиши ва замон дардлари – иложсизликларидан дарак бериши зарур, деб ҳисоблайди. Саид Аҳмад эса фақат энгил кулги ва қизикчи-

лик учун ёзади. Унинг «Тортиқ»даги хикоячалари ростдан ҳам жуда кулгили. «Анор»нинг мақсади бошқа. Саид Аҳмад «Севинчи»сининг мақсади бутунлай бошқа. Лекин «Анор» даражасидан, позициясидан туриб баҳоланадиган бўлса, албатта, ва ҳеч қандай шак-шубҳасиз «Севинчи» тўлақонли хикоя эмас. Абдулла Қаххор ўша шафқатсиз талабчанлиги юзасидан Саид Аҳмаднинг бошқа кулги хикоячаларини ҳам таҳлил қилиб чиқади-да, уни гўлликда айблади. «Ёзувчиликка интилган, китоб чиқаришга журъат қилган Саид Аҳмад нега нима демоқчи эканини аниқламасдан хикоя ёзади? Шу адабий тажрибасизликдан, «ёш»ликдан келиб чиққан нарсами? Ҳеч! Масъулиятсизликдан келиб чиққан», деб қатъий ҳукм чиқаради. Бу хикоялар, ҳатто, машқ даражасида эмаслигини айтади. Бу гаплар 40-йилда ёзилган. Саид Аҳмад кейин устози ҳақида теран хотиралар ёзиб, устоз шогирд ўртасидаги бу сероғриқ эпизодга ҳам холисанилло тўхтаб ўтади. Ўшанда бу кескин фикрлар ўзига қандай таъсир қилганлигини самимий баён қилади. Устоз фикрларининг ҳақлигини тан олади. Абдулла Қаххорнинг принципиал гаплари. Унинг прозага қарашлари шундай. Шунга яқин гапларни у фақат шогирди Саид Аҳмадгина эмас, Маъруф Ҳакимга, М.Абдуллаевга, Чустийга, Ҳаким Назирга, Саид Назарга ва бошқа талай-талай ёзувчиларга, уларнинг муайян асарлари муносабати билан айтган.

Абдулла Қаххор «хаётни ташкил қилолмаслик, яшай билмаслик, турмушда интизомсизлик таланти учун офат», деган фикрни айтади («Талант» мақоласи). Қанчадан-қанча қисматларнинг оқибатини кўриб ёзилгандай бу сўзлар. Уларнинг ҳаққонийлиги ҳозир ҳам ва ўйлаймизки, эртага ҳам сезилиб туради. Бу сўзларда кўп қисматлар акс этиб турибди. Абдулла Қаххор кескин сўзлар, кескин муносабатлар айтибгина қўймасди. У улкан инсонийликка, чин меҳрибонликка ҳам ҳамиша қодир эди. У Саид Аҳмад ва Саида Зуннуовага ўзи учун «Янги ариқ» маҳалласидан жой солишга ажратилган ерни берди. Маъруф Ҳаким жўжабирдай оила бўлгани учун ёзувчилик шароитини яхшилосин деб, ўзига берилган кенг-мўл тайёр уй-жойни Маъруф Ҳакимга тортиқ қилди. У қаттиққўл бўлса ҳам бениҳоя беғараз, беҳасад инсон эди. Яхшиликларга қувонарди.



Саид Аҳмаднинг 60-йилда «Тўлқинлар» деган лиро-публицистик ҳикояси босилди. Абдулла Қаххор уни ўқиб чиққач, «биттагина жумла шундоқ ҳикояни хароб қипти. Нахотки, ҳайвон учун одам ўлса. Одам одам учун ўлиши керак», деб Саид Аҳмадга айтган экан. «Манаман деган ёзувчи ҳавас қилса арзийдиган ҳикояни афсус битта жумла йўққа чиқаради». «Тўлқинлар»да бригадир аёл Жўраҳон сел келганда қўй-қўзиларни қутқариш учун ўзини қутурган сувга отиб, дам қўй, дам қўзини олиб чиқади. Кейин унинг кўзи дарё ўртасида оқиб кетаётган чўпон отага тушади. Уни қутқариш учун ўзини дарёга отади. Ваҳший дарё Жўраҳонни ҳам, чўпон отани ҳам ютиб кетади. Уларнинг жасади топилмайди. Мухбир йигит Жўраҳонни қидириб бориб, бу воқеани эшитгач, «адирдан териб келган лолаларини тўлқинлар устига сочдим», дейди ва ҳикоя тугайди.

1961 йил 11 сентябрда ўша пайтдаги машҳур «ЛГ» газетасида Чингиз Айтматовнинг «Музаффар яхшилик» деган мақоласи босилиб чиқади. Унда дунё адабиётида гуманизм масаласи таҳлил этилади. Мақолада инсонни севиш гуманизмнинг асоси экани тўғрисида сўз боради. Биз баъзан арзир-арзимас нарсалар туфайли одамлар ўз ҳаётларини қурбон қилганликларини ёзамиз. Ўлим билан яқунлаш айниқса, Ўрта осийлик ёзувчилар асарларида кўп учрайди, дейди ёзувчи ўз-ўзини қурбон қилиш Ватан учун, инсониятнинг олий идеаллари учун бўлса, ярашади. Аммо ўз-ўзини қурбон қилишни бирдан-бир мақсадга айлантириб юбориш – инсонни ерга уриш, ўз-ўзини ўлдиришни оқлаш бўлади, дейди-да, Чингиз Айтматов шундай ёзади: «Яқинда «ЛГ» ўзбек ёзувчиси Саид Аҳмаднинг «Дарё узра лолалар» (*ган «Тўлқинлар» ҳикояси устида боряпти.* – И.Ф.) ҳикоялар тўплами чиққани ҳақида хабар босди. Бу хабарда ҳикоянинг қахрамони Жўраҳон колхоз қўй-қўзиларини қутқараман, деб дарёга чўкиб кетганлиги, энди миннатдор ҳамқишлоқлари унинг қабри йўқлиги учун дарёга гул-чечаклар оқишилари ҳақида ҳикоя қилади. Аммо бу қурбонликка зарурат бормиди, деган нарсага жавоб чиқмайди. Инсон ўз номи билан инсон ва унинг ҳаёти – бизнинг жамиятимизнинг энг қимматбаҳо бойлиги». Чингиз Айтматов яна гуманизмни ибтидоий тушуниш ва талқин қилишларига кўп мисоллар келтиради. Лекин қизиқ томони шундаки,

Абдулла Қаҳҳор ҳам, Чингиз Айтматов ҳам ҳикоя қаҳрамони гўзал аёл Жўраҳон кўй-кўзини қутқариш учун ўзини қурбон қилди, бу ақлли одамнинг иши эмас, деб хулоса чиқарадилар ва буни сохта гуманизм деб изоҳлайдилар. Лекин аслида ҳикояда Жўраҳон кўй-кўзи учун эмас, қари чўпонни қутқариш учун ўзини дарёга отди. Мақсад инсонни қутқариш эди. Воқеага шундай қаралса, албатта, ҳикоя ва унинг қаҳрамонига бериладиган баҳо ўзгаради, бошқача бўлади.

Абдулла Қаҳҳор инсонийлик нуқтаи назаридан Саид Аҳмадга «Уфқ»нинг охирини ўзгартиришни таклиф этган эди. «Ўз боласини отиб ўлдирган отани халқ лаънатлайди. Одам ўлдирган киши ижобий қаҳрамон бўлолмайди. Икромжоннинг яхши бир кайфиятда кўрсатиб қўйинг. Ўқувчи сал эркин нафас олсин», деб маслаҳат қилган эди. Саид Аҳмад шу маслаҳатни амалга оширишнинг жуда чиройли бадий йўлини топди. Икромжоннинг инсонийлиги юксак даражада таъсирчан сақлаб қолинди. Устозга бу якун бениҳоя маъқул бўлди ва шогирдни алқади. Ҳатто, унга узоқ йиллар ичида илк бора ўз китобини дастхат ёзиб тақдим этди.

Абдулла Қаҳҳор алқарди. Алқашни энг баланд инсоний даражада адо этарди. У Одил Ёқубовнинг илк қиссалари, «Эр бошига иш тушса» романини шундай алқаган эди. У Пиримқул Қодировнинг илк ҳикояларини ўқиган, уларни талабчанлик билан баҳолаган ва шу билан бирга ёш адиб биринчи йирик асари «Уч илдиз»ни ўқитганда, адибнинг бу самимий романидан боши осмонга етиб, «Анчадан бери мен ўзбек адабиётида момақалдирок гулдуросини эшитмай юрган эдим. Назаримда, мана шу асар адабиётимизда момақалдирокдай гулдурос солиб, чакмоқдай ялтиллаб кириб келяпти», деган эди асарнинг муҳокамасида (*Пиримқул Қодиров, Хотиралар*).

Абдулла Қаҳҳор адабиётдаги янгиликларни ўта зийраклик билан кузатарди. У Шукур Холмирзаев, Ўткир Хошимов, Анвар Муқимовларнинг илк асарларини қутлаб, ёш каламкашларга муҳаббатга тўла хатлар ёзган ва уларни ижодга рағбатлантирган, сабот ва матонатга чорлаган эди. Абдулла Қаҳҳорнинг ок фотиҳаси билан Учқун Назаровнинг «Одамлар» деб аталган гўзал парвозли ҳикояси худди Шолоховнинг «Инсон тақдири» асаридай ўқилган, китобхонларга кўп гўзал кайфиятлар, илҳомёр-

ликлар бахш этган эди. Абдулла Қаҳҳор Ўлмас Умарбеков, Саида Зуннуова, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳусниддин Шарипов, Носир Фозилов, Ойдин Ҳожиёва, Неъмат Аминов сингари адибларнинг ижодларини эътибор билан кузатиб борар, янги асарлари чиққанда уларга ўз яқин мулоҳазаларини айтар, парвозга ундар, қанотлантирарди. Уларга «кексаларга салом бериб, улардан ўтиб кетавериш»ни маслаҳат берарди. Абдулла Қаҳҳор алқарди. Беҳад беғараз алқарди. У бадий танқидга ҳам бепарво эмасди. Унга жуда катта масъулиятли адабий соҳа каби қарарди. Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов, Умарали Норматов, Салоҳиддин Мамажонов, Норбой Худойберганов каби мунаққид олимларнинг чиқишларини ўқир, ўз фикрларини айтарди. Унинг маслаҳатлари жуда юксак профессионал савияда бўларди. У Озод Шарафиддиновга «Синчалак»ни қандай таҳлил қилиш, қайси образларга, уларнинг муносабатларига қандай ёндашиш, қандай тушуниш ҳақида бебаҳо сабоқ берган эди. Мунаққидларни «адабиётни ҳар қандай балоқазолардан қўриқлаш, унинг сергак жасур посбони» бўлишга даъват этарди. «Рангсиз, нурсиз, ҳароратсиз ёзилган» асарларга бефарқ бўлмасликни уқтирарди. Соф ва бутун умрга етадиган профессионал йўл-йўриқлар кўрсатарди. У Озод Шарафиддиновга: «Энди сиз ўз услубингизни яратинг. Уни ҳамиша пок сақланг», деб айтган эди. Озод Шарафиддинов шу сўзларга доим амал қилиш, рўёбга чиқаришга интилиб келди. Шу билан бирга Абдулла Қаҳҳор адабий қоидалар, усул-услугларнинг нисбийлигини ҳам савқи табиий билан англади. «Эплаб ёзилса-ку, ҳамма услуб ҳам яхши. Ҳамма гап эплаб ёзишда», дерди. У Ўткир Ҳошимовга ёзган хатида: «Аланга сўнмасин. Ижодингиз ҳеч қачон тутамасин», деб истак билдирган эди. Ўткир нима ёзмасин, ҳеч қачон бу сўзларни ёдидан чиқармайди.


Абдулла Қаҳҳор ёшларга муносабатларида ҳеч ким қилмаган, ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган, етти ухлаб тушига кирмаган ишларни ҳам дадил меҳрибонлик билан қиларди. У «Нурли чўққилар» ва «Ўтмишдан эртаклар»дай улуғ асарларига Абдулла Ориповдан эпиграф олган ва бу билан ёш шоирни ўзидан, ўз асаридан тўрроққа чиқарган эди. У «Маҳалла» деган ҳикоясини ёзиб тугаллаганда, унинг мазмунини Эркин Воҳидовга

хикоя килиб бериб, шунга мос эпиграф ёзиб беришни тилаган эди. Бунга жавобан «Муҳаббатдан ҳаётнинг боши» деган гўзал фалсафий шеър дунёга келган эди. Абдулла Қаҳҳор бу ҳаракатлари билан талантли ёшларни қўриқлашни ҳам истарди. Уларнинг миллий адабиётнинг порлоқ келажаги бўлишларига том маънода ишонч билдирарди. Шу билан бирга ўз эски авлодининг адабиёти билан янги адабиёт ўртасида кўприк, узилмас ришталар боғланиб туришини хоҳларди. У ўзидан юқори қўя биларди. Юқори қўйишга жасорати етарди.

Унинг инсонийлигида олижаноблик ўлмас жавҳарга айланган эди.

У бир куни ён дафтарига шундай деб қайд этган эди: «Адабиётга яшнаб кирган ёшларни қўриб, қувониб кетман. Қувончимни ўша ёшнинг ўзига миннатдорлик изҳор қилиб айтаман, бу яшнаган чўғни елпиш демакдир».

Кўряпсизми, ҳеч бир сўзида, фикрида, бадий тафаккур оламида Абдулла Қаҳҳор ўзининг темирчининг ўғли бўлганлигини унутмайди. Доим ўтли, нурли, зарбали, серучқун фикрлайди. Унинг илҳоми самарали XXI асрда гўзаллик ва ҳақиқат чўғларини аланга олдиришга қодир. Темирчи ҳазратларининг бу чўғлари ҳамиша тирик ва бедор.



## ОЙБЕК БИЗНИНГ ҲАЁТИМИЗДА

### Ҳар кимнинг ўз Ойбекномаси бор

Назаримда Ўзбекистонда ҳар бир одамнинг ўз ойбекномаси бордай бўлиб туюлади. Ойбек ҳар биримизнинг таржимаи ҳолимизга ўз таъсирини ўтказган. Менинг 1946 йилда ўқиган энг катта китобим — «Қутлуг қон». Ўқиш китобимизда «Қуёш қораймас» деган романидан парчалар босилган эди. Бу қутилмаган сўзлар, товушларнинг шитоб билан чалинаётган дўмбира садосидай тарқалиши, оҳанглардаги ҳали биз онгли тарзда англаб етолмайдиган олижаноблик, шоироналик бизни лол қолдирарди. «Қутлуг қон»дан кейин ва изма-из «Навоий»ни ўқидим. Менда бу китобларнинг илк нашрлари ҳамон қимматбаҳо ёдгорлик каби сақланади. Энг муҳими уларни акамнинг помидор чопиғига қарашиб, акам берган ҳайитликка сотиб олганман.

Кейин эллагинчи йилда биринчи марта нашр этилаётган ўзбек шеърятини антологиясига ёзилдим ва уни ҳам акам, отамга қарашиб юриб, улар берган ҳайитликка Эскижўвадаги машҳур китоб дўконидан сотиб олдим. Ўша урушдан кейинги эллагинчи йил учун бу ниҳоятда ҳашаматли, бамисоли бизнинг назаримизда қизил хонтахтадай олтин ҳаллар, ипак қоғозлар билан безатилган ажойиб-ғаройиб китоб эди. Ойбек бизнинг эстетик қарашларимизга жуда чуқур таъсир кўрсатган антологияни тайёрлашда қатнашган, унга ўта рангин сўз ҳам ёзган эди. Антологиядан ўзбек шеърятининг тарихий босқичларидан, яшаб ўтган ҳамда барҳаёт шоирларнинг ижодидан ҳар қанча хабардор бўлиш имконияти туғилган эди. Бу ҳалол ишлаб топган пулимга сотиб олган китобимни ҳам қимматли китоб реликвияси сифатида сақлаб юрман ва баъзан тўққиз-ўн яшар болалик чоғларимни соғинсам, бу ўша пайтнинг бизга байрамдек туюлган китобларини варақлаб қўяман. Уларни болалигимнинг тикка ва ҳеч қачон ётмайдиган қора сочлари каби силаб қўяман. Уларни сап-сарик, қахрабо бўлиб кетган узум ишқомлари тагида, акиқдек кизариб пишган олчазорлар-

да оёғимни чексиз қўшиғи ни айниб боғлар файзини куйлаган муздек боғариклар ичига силтириб ўтириб ўқиганман. Эскижўвага тушсам, Хадра. Кўкча, Ўрдага борсам худди «Қутлуғ қон», «Навий», «Қуёш қораймас»нинг парчаларида ўқиганимга ўхшаган паройиб, баланд бўйли келишган, ўзига жуда ярашган кийимлар кийган одамларни кўп кўрардим. Холматлар, Гулнорлар, Қора Ахмадлар, Зайниддинлар эса бизнинг ўта ночор, камбағал, умри бутун хонадонлар билан бир шолча ёки бир бўйранинг устида ўтган маҳалларимизда ҳар қадамда кўзга ташланарди. Оқ яқтак кийиб, белига бир нечалаб белбоғ боғлаб, кенг пешонасини кизил кийиклар билан танғиб юрадиган азамат боғдорлар, полизчилар, дехқон бувамларнинг ҳаммаси ўша пайтда менга Холмат ва Йўлчи бўлиб туюларди. Рост, Чуқурсойдаги, Хасанбойдаги, Юнусободдаги барча эркак қариндошларимиз валлоҳу аълам худди шу Холматларга ўхшашарди. Уларнинг боғқўрғонлари дарвозаларидан Гулнорга ўхшаш сўлим қизчалар, Йўлчи каби азамат ўғлонлар чиқиб келишарди. Ўша пайтдаги бизнинг болалик давримизнинг одамлари ҳақиқатан ҳам Ойбек романларининг қаҳрамонларига туптус менгзашарди. Улар аср бошидаги одамлар билан балки бир авлод бўлгани учун шундай кўринса керак. Авлодларнинг қиёфалари, тарзлари, бўй-бастлари, ҳатти-ҳаракатларида ўхшашлик кўп кўзга ташланади. У пайтлар номусли одамлар жуда кўп эди ва Холматнинг ўчи менинг мурғак онгим ошиёнасида жуда чуқур таъсир қолдирган эди. То университетга таҳсил учун киргунимча «Қутлуғ қон»ни ўн икки марта ўқидим. Айрим ўзим севган саҳифаларга бот-бот қараганимнинг эса саноғига етиб бўлмайди. Роман қандай сиёсий мақсадларни кўзлаб ёзилганидан қатъий назар, у том маънода асл ўзбекнинг сўзи эди. Ўзбекнинг юрагидан чиққан дардли ва ўта маънодор, ўта ифодали бадиий сўз эди. Ойбекнинг ўзига ўз халқининг тарихий номига жарангдор қофияли маънодор таҳаллус танлаганидан ҳам таъсирланардик. Уларнинг бир-бирига шу қадар мослиги, уйғунлиги болалик хис-туйғуларимизда ўзгача завқлар ҳам уйғотгани сир эмас.

Кейин ўша қирқинчи йилларнинг охирлари, эллагинчи йилларнинг бошларига қайтиб шуни ҳам яхши эслайманки, бизнинг мурғак назаримизда Ойбекнинг Покис-

тонга бориши жуда катта воқеа бўлган эди. Негалигини билмайман, лекин ўша чоғлар менга Ойбекнинг Покистонга боргани жуда сирли бир воқеадай туюларди. Биздан бировнинг чет эллардаги мамлакатларга чиққанини ҳеч қачон эшитмаган эдик. Бизга бир ўзбек ёзувчисининг чет элга, айниқса Покистонга ўхшаш ўз мустақиллиги ва эркини қозонган мамлакатга ва бунинг устига мусулмон диёрига бориши ғаройиб воқеа бўлиб қабул қилингани бежиз эмасдир ўша пайтлар учун. Тоғам ажойиб муаллим, нотик Ҳусанбек Ибодов билан бир боғ ховлида турардик. Тоғам оқартув техникумида, бир қанча мактабларда адабиёт дарсини ўтардилар. Ҳар куни эрталаб тоғамнинг эшигидан бир қанча янги газеталарни ташлаб кетишарди. Ўша газеталар ичида «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») дегани ҳам бўларди. Мен ҳам бу газеталарни катта тут, тошнок, беҳи, жоноки олмалар туташиб кетган ховлининг қуюқ соясида супада қурок кўрпачага узала тушиб ўқиганим-ўқиган эди. Бир куни шу газетада Ойбекнинг бир саҳифа Покистон хотиралари чиқди. Аввал бундай нарсани ҳеч кўрмаган ва ўқимаган эдим. Биздан ташқаридаги олам ҳақида ўқиган биринчи нарсамиз худди мана шу Покистон хотиралари. Ўзбекнинг назари ҳам шундай нарсаларга етар экан-да, деб ўйлардик ва бу бизга мўъжиза бўлиб туюлди. Кейин улғайиб яна Покистон хотираларини ўқимокчи бўлдим. Ўқий олмадим. Шўнчалар жўн, ибтидоий ва арзон сиёсат бўлиб кўринди. Ёзувчи буларни қанчалар кучли тазйиқ остида улкан юрагини минг бора чангаллаб ёзганлигини ва ҳатто ўз ҳаётини катта хавф-хатар остига қўйиб ёзганлигини ўшанда бироз бўлса ҳам англаб етгандай бўлдим. Лекин у барибир болалигимиз, болалик ўқишларимизнинг чин мўъжизаларидан бўлган эди ва барибир шундай бўлиб қолади. Ойбекнинг Покистон хотиралари бизда дунёга чиқиш, дунёни кўриш иштиёқини уйғотган, аммо бу у замонларда осон эмас эди. Балки мумкин ҳам эмасди. Шундай дунёдан узилиб яшардик.

Биздан бир боғ ошиб ўтсак, Қичқирик ва Калковуз сойларининг Тахтапулдан нариги бетида Ойбеклар, Миртемирлар, Қуддус Муҳаммадийлар, Абдулҳақ Абдуллаевлар яшарди. Бизга «Қутлуғ қон» ёки «Навоий»ни қайта-қайта мутолаа қилган чоғларимизда Тахтапулнинг

шоввасининг гувиллаши билан бирга Ойбекнинг хансираб ишлаётгандек буюк нафаси келиб турарди, ё мен гўдакка шундай туюларди.

Биз университетга ўз-ўзимиздан борган эмасмиз. Университетга бизни Фафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаххорнинг асарлари, Куддус Муҳаммадийнинг «Йигирма коидаси» қўлимиздан етаклаб борган. Уларни ўқимасак университетнинг йўлини қаердан билардик? Шунинг учун бу мақолани ҳар кимнинг ўз ойбекномаси бор, деб бошладим. Бу таржимаи ҳолдан, унинг ўчмас таассуротларидан қандай юз ўгирайлик? Одам ўз ҳаётини ўзи яратади, дейишади. Балки тўғридир. Менга қолса одамни кўпроқ ташқи дунё, ташқи муҳит кўпроқ яратади. Одам ташқи муҳит ва ўзини қуршаган ва ўзига ҳар қадамда дуч келадиган одамларга караб, уларнинг кўзгусида ўзини кўришга, ўзини баҳолашга ўрганиб, ўзгаларни баҳолашга ўрганиб, мураккаб муомала, мулоқотларга ўрганиб, фикр ҳосил қилиб, ўзини ярата боради. Воқеаларнинг туб-тубига караганда, болалик таассуротлари одамнинг бутун кейинги умри давомида етакчилик қилишини кузатиш мумкин. Учинчи, тўртинчи синфларда ўқиб юрганимизда «сан ким бўласан?», «сан-чи?» деган саволларни кўп эшитардик. Мен ҳеч ўйланиб ўтирмай: «адабиётчи, тарихчи бўламан» деб жавоб берардим. Адабиёт, тарих ўқитувчиларимизнинг бизга таъсири жуда кучли эди. Уларга эргашишимиз келарди. Қолаверса, «Қутлуғ қон», «Навоий» юрагимизга жуда чуқур ўрнашган эди. Улар бизни илм, тарих сари чорларди.

Университетни тугатгач, Давлат бадиий адабиётига йўлланма билан бориб ишлашимиз ҳам менга тасодиф бўлиб туюлмади. Бизнинг бу гўзал адабиёт даргоҳига кириб боришимизда болалик ҳаёлларининг ўрни, таъсири йўқмикин?

Университетни кечагина битирганимга қарамай, ноширлик олами сир-синоатларини эгаллаб-эгалламай ва мени ёш демай мумтоз адабиёт, фольклор, танқид ва адабиётшунослик ҳамда крим-татар адабиётлари редакциясининг мудирини қилиб қўйишди, бўлимни пича илгари куёши кўтарилиб келаётган танқидчи, устозимиз Озод Шарафиддинов ва ўқтам шарқшунос Рустам Комилов бошқаришган экан. Эстафета байроқчасини менга беришди. Кўп ўтмай редакциямиз кўп томлик асарларни ҳам



тайёрлаб чиқара бошлади. Дастлаб Навоийнинг 525 йиллиги муносабати билан унинг ўн беш томлик асарларини чиқариш режалаштирилди. Фанлар академияси хайъатининг қарори ҳам чиқди. Шу қарор тасдиқланган Президиум кенгашида нашриёт вакили сифатида мен ҳам қатнашган эдим. Чамаси 1963 йил эди. Президиум йиғилган кичкина залда илк бора Ойбек домлани жуда яқиндан кўрдим. Шу йиғилишга билмадим қандай тарих шамоллари учирган, қутилмаганда Айний домла ва Лоҳутий домланинг ўғли кириб келишди. Кимдир уларни Ойбек домла ўтирган ерга етаклаб борди. Айтишди. Ойбек домла бирдан чарақлаб, гул-гул яшнаб ўрниларидан турдилар ва Лоҳутий домланинг ўғлини маҳкам бағирларига босдилар. Ойбек домланинг кўркам чехраси шунда қуёшдек порлади десам муболаға бўлмас. Ойбек энг яқин қадрдонларини кўргандай бўлди ва уларни буюк самимият билан эъзозлади. Навоий ўн беш томлигининг дунёга келишида Ойбек ва Фафур Фуломнинг маърифатли нафаси теккан.

Мумтоз адабиёт ва фольклор эмасми, редакциямиз эшигини очиб ажойиб ғазалхон ва ғазалнавис қариялар Мунирхон Муинзода, домла Васфий, домла Чустий, домла Боқир, домла Тўхтасин Жалолов, домла Улфат, домла Ҳошимжон Раззоқов, домла Порсоҳон Шамсиев, домла Ходи Зариф, домла Мансур Афзалов, домла Мўминжон Муҳаммаджонов Тошқин, домла Баҳром Иброҳимов, домла Субутой Долимов, домла Фулом Каримов, домла Солиҳ Муталлибов, домла Шотурсун Шомақсудов, домла Муҳсин Зокирий, домла Абубақир Ражабий, домла Нурмат Мақсудийлар кириб келишарди. Уларнинг сухбатлари дутор куйидай ёқимли, дилрабо покрав мавлонолар эди. Навоий ўн беш томлиги билан бир вақтда, изма-из Фафур Фулом, Абдулла Қаххор, Шайхзода асарларининг жилдлари чиқа бошлади. Шу муносабат билан Абдулла ака, Фафур ака билан кўришиш, гаплашишга муяссар бўлдим. Улар ўзларини катта олмай редакцияга келишар, жилдларнинг нашри, ахволи билан яқиндан кизикишарди. Бир куни Фафур ака редакцияга кириб келганда, Алмай домланинг Субутой Долимов тайёрлаб келган қўлёзмасини ўқиб ўтирар эдим. Фафур ака жилдга киритиш учун ижодхонасидан яна баъзи намуналар келтирган эди. Уларни менга бера ту-

риб столимдаги ғазалларга кўзи тушиди ва: «Нималарни ўқияпсиз, мулла йигит?» — деди. «Алмаий», дедим. «Ийе, ийе, кани кўрсат-чи! Қори Фазлуллох! Баёзларда кўп ўқиганман. «Қалила ва Димна»ни таржима қилган. Аллома шоир! Ким тайёрлади?» Домла Долимов нашр этаётганлигини эшитиб, Фафур ака мамнун бўлди. «Яхшилаб қаранглар. Хатолар ўтиб кетмасин. Тағин жавобгар бўлиб юрманг!» — деди ўзига хос лутфкорона оҳангда. «Фафур ака, Алмаий биринчи марта чиқяпти. Катта эмас, кўриб беринг», — дедим. «Ҳозир бандман. Кейинрок. Лекин хўб иш!» — деб оқ фотиҳа бергандай ҳам бўлдилар. Ўшанда мумтоз адабиётимизнинг жуда кўп намояндаларининг асарлари илк бора нашр этилди ва ажойиб мумтоз адабиёт кутубхонаси ўқувчиларнинг қимматли маданий мулкига айланди. Навоийнинг ўн беш томлиги, ўзбек халқ ижодининг ўттиз беш жилдли асарларини нашр этишга ҳам кенг йўл очди. Бу ишга Тил-адабиёт институти, фольклорчи олимлар Ҳоди Зариф, Мансур Афзалов, Музайяна Алавия, Тўра Мирзаев, Охунжон Собиров, Зубайда Ҳусаинова, Малик Муродов, Ё. Жўраев сингари фидойи фольклоршунослар бош-кош бўлдилар. Улкан халқ ижоди кутубхонаси яратилди. Навоийнинг 525 йиллиги муносабати туфайли Ҳоди Зариф домла билан келишган ҳолда Ойбек домланинг Навоий ижодиётига бағишланган мақолаларини жам қилиб чиқаришни режалаштирдик. Ҳоди Зариф домла Ойбек домла билан келишиб бу тўпламни тезлик билан тайёрлаб келтирди. Унга «Навоий гулшани» деб ном қўйиладиган бўлди. Ойбек домла бу номни маъқулладилар.

Ҳа, Ўзбекистонда ҳар кимнинг ўз ўзига ярашган ойбекномаси бор. Ва имоним комилки, уларда ҳар кимнинг ўз катта эътиборга лойиқ сўзи, хотираси, эсловлари жой олган.

Баъзан менга Ойбекнинг шеърияти унинг кўҳна тоғлардай юксалган романларининг соясида қолгандай туюлади. Унинг шеърияти шу тоғларнинг улкан сояларида, улардан баҳрадор бўлиб очилган мангу бойчечаклармикин? Бойчечак ўзи бениҳоя нозик. Лекин у қудратли зирваларда тошдан ҳам қаттиқ музликларни ёриб чиқиб очилади, ўз гўзаллигини қуёшга намоён қилади. Лекин бойчечак табиатнинг қудратли кучлари — шамоллар, музлар, бўронлар, коинот ҳаводислари — қуёш, ой, ер,

юлдузлар — обу хаволарнинг минг турфа ўзгаришлари билан кураш ва мулоқотда бойчечак бўлади, ном қозонади.

Ойбек домланинг хоҳ насрий, хоҳ назмий, хоҳ илмий асарлари — бари XX асрнинг миллий озодлик кураши тўлқинларида, шу тўлқинларнинг энг жазбий нукталарида туғилади. Гарчи совет даври бўлса ҳам, лекин миллий озодлик харакати ҳеч бир ижодкорнинг ижоди кун тартибидан тушгани йўқ. Совет зўравонлик машинаси озодлик учун курашнинг устки қисмини мажақлаш ва вақтинча йўқотишга эришди. Лекин курашнинг остки, туб илдиз қисмларини у қанча уринмасин куритолмади, йўқотолмади, мажақлаб ташлай олмади. Яхшилаб қаранг, совет мафкураси тазйиқи даврларида яратилган энг яхши асарларнинг барида ҳеч истисносиз миллий озодликнинг соғинчи, идеали ва ғоясининг шабадалари эсиб турганлигини кўрасиз. Буни кўриш ва англаш учун ҳеч бир зўриқиш ёки йўқ нарсаларни бор қилиб кўрсатишга уринишнинг ҳожати йўқ. «Наъматак»! айтинг, озодлик гимни эмасми! «Вақт» айтинг, озодлик гимни эмасми! «Ҳолбуки, тун!..» айтинг, озодлик гимни эмасми! Чўлпон-ку гимн! Қодирий-ку бус-бутун гимн! Авлоний, Бехбудий, Ҳамза-ку тугал ва тугалланган гимн! Ўз халқининг тақдирини ўйлайдиган ва шу тақдир ичида яшовчи миллий ижодкор борки, у ҳеч қачон ва ҳеч бир ҳолда, агар ватани қарамликда қолган бўлса, бу қарамликнинг оти нима деб аталмасин, қандай мафкура асос келтирилмасин, миллий озодликни ўйламай, у учун курашмай иложи йўқ. Бундан ташқари ҳоллар ҳақиқий ижод ва ижодкорликдан жуда йироқ ва унга бегона бўлган ҳоллардир. Ижод ва миллий озодлик деганда ва унинг қайноқ курашлари, жабҳалари деганда ана шуларни тушунмоқ зарур бўлади.

Ойбек Қодирий, Чўлпон учун курашларда — демак миллий озодлик овози учун курашларда ўзини ўтга қўйди. Уларни баркамол бадииятнинг тимсоллари каби тушунтириш, сақлашга жон-дилдан интилди. Бу, таъбир жоиз бўлса, ўзининг ҳам боши кундада турган, қонли болтанинг ҳар дақиқада тушишига тайёр турган жонбахш одамнинг интилишлари, қуйишлари, фарёд уришлари эди. Унинг Чўлпон ҳақидаги мақолалари фарёд эмасми? Унинг

Кодирий хақидаги мақолалари шафқатсиз тунда янграган фарёд эмасми!

Хозир Ойбек домланинг шеърларини диққат билан мутолаа қилган одам балки бир феноменни пайқаши мумкин. Буни феномен дейдими демайдими, лекин холис қараганда у феномен даражасида.

Ойбек бир қисм шеърларини ўзи учун ёзган.

Ойбек яна бир қисм шеърларини ўзи ва маҳбубаси учун ёзган, қолган қисм шеърларини замона учун, унда катта аъмол идеални бир зум ҳам назардан қочирмай, сақланиб туриш учун ёзган. Золим билан муроса қилмаган. Айни чоғда золимнинг ёмон гумонлари ва ваҳшиёна, шафқатсиз кекчилигига озук ҳам бермаган, унинг гашига тегмаган.

Таъбир жоиз бўлса, мафкура аждаҳоси комига унга тотли туюладиган асарларни ташлаб турган. Азбаройи сабий кучларни сақламоқ учун!

Бўлмаса Ойбек ўта рангин ва ўта рангпардоз шоир! Унинг оти Ойбек. У олтин ранглар — олтинсимон рангларни севади. Унинг ижодий оти Ойбек ва у ўта олижаноб табиатга эга. У олижаноб қора рангларни севди. Олтин рангларини қора рангларга тазод қилади.

Бу нозик зиддиятлар балкиб турмайди. Лекин улар шеърларини бутун ички оқимига сингиб ётади.

Ойбек «Наъматак»ни ва наъматак руҳидаги шеърларини ўзи учун ёзган. Бунда ҳеч қандай сиёсий, ижтимоий мақсадлар йўқ. Бунда бор фақат юрак! Ва бунда бор фақат табиат! Шу иккисидан туғиладиган мангу олтин кесишмали кечинмалар! Бунда у Чўлпон, Блок ва Лермонтов ёнида туради.

Ойбек домла Зарифа Саидносировага бағишланган ва аксарият фақат кейин нашр этилган рубоий шеърларини ўзи ва маҳбубаси учун ёзган. Бу шеърларнинг ҳар бир сўзида илҳом парилари сеҳрли рақс тушади. Бекорга эмас Нитше образ яратиш санъатини рақс деб билади. Рақс инсониятнинг энг қадимий санъати ва ҳамма санъатлар ва шунингдек, сўз санъатининг ҳам ота-онаси. Булар илҳомёр шеърлар. Уларда истеъдод, илҳом барқ уриб туради.

Ойбек ўзининг турли йилларда ёзилган бир қатор шеърларида дарвеш образига мурожаат этади. Ким бу дарвеш? Мавҳум бир зотми? Ўтмиш сиймосими? Ким у?

Мана, «Ўғит» деган шеър. У 1929 йил августда ёзилган. Ўз вақтида шоир уни бостирмаган. Фақат ноширлар томонидан йигирма жилдлик асарларига киритилган.

*Эй дарвеш, кулдими жононинг  
Нақадар чирпиндинг йўлида?  
Парвона сингари хаёлинг  
Кўп ёнди саробнинг чўлида...*

Жонон бу тимсол. Рамз. Дарвешнинг идеали. Дарвеш идеал, яъни интиладиган энг юксак мақсади, аъмоли бор одам. Гап кашкул кўтариб одамларни дину ибодатга даъват қиладиган одми, анъанавий маънодаги дарвеш устида эмас. Идеалига етиш йўлида у сароб чўлларни кўп қувиб ўтаяпти. Йўлнинг қийинчиликларидан кўрқиб ундан воз кечмаяпти. Лекин етдими у сароб йўллардан сарсари бориб ўз идеалига?

*Йиғилар, нолалар, ҳижронлар  
Хаётнинг сирларин очмадим.  
Қалбингда ўйнаган ёш қонлар  
Учқунсиз, ёнишсиз қақради...*

Етолмади у жонон тимсолидаги идеалга! Бутун саъй-ҳаракатлар бекорга кетди. Тортилган барча азоб-укубат, қийинчиликлар ҳаёт сирларини сочишга олиб келмайди. Бир фожиа. Ўткир ёш қон гупуриб ҳаёт яратаман деб турибди, лекин яратолмайди.

Шоир худди аллақандай дарвешга эмас, ўзига ўзи айтаётгандай дейди:

*Бўш, қора диёрдан дарвеш, қоч!  
Яшамоқ, курашмоқ йўлин тут!  
Фан йўли порлоқдир. Кучни соч  
Қари Шарқ куйини бас, унут!*

Мана, шеърнинг ўғит деб аталишининг сабаби. Қора диёр — мангуликнинг тутунларидан қорайган дарвешхонами? Ё озодлик ҳақидаги бари умидлар саробга айланган ўтмишми? Бу қора диёрда фақат йиғи, нола, хижрон ва уларнинг ҳосиласи — сароб хукмронми? Дарвешга халоскорлик йўли кўрсатилляпти, таклиф этилляпти, фан йўлига қайноқ қонлардан туғилган кучни сочишга чакирилляпти. Шоирга фан йўли энг самарали, махсулдор йўл бўлиб туюлляпти.

Жадидлар бир маҳаллар юрт ва халқ учун халоскорлик йўли ҳақида ўйлаганлари ва уни қидирганларида Мунаввар Қоридан Бехбудийгача ўтмишнинг чиркин идеалларидан юз ўгириш, юзни фақат янгиликлар, Европа илм-фани, маданияти сари буришни кўзлаган ва тарғиб этган эдилар. Биз бу ерда ўша ғоянинг акс-садоларини тинглаймиз.

Порлоқ йўлга чиқмоқлик учун Қари Шарқнинг эски куйларини унутиш керак! Ана! Лекин ўтмишни унутиб бўларканми? У тешилган бир дўппи эмаским, ташлаб юбориб қутулсанг! Ўтмиш ҳар бир одамнинг қонида яшайди. Ўтмишсиз инсон йўқ. Ойбекнинг ўзи ҳам ўтмишдан куч олди. Ойбекнинг сира кўз ўнгидан кетмайдиган дарвеш наздида кўклам гуллари тез сўлган, боғлар хазонга айланган, кўкдаги қуёш ҳам унинг-чун сўнган. Энди унга тоғлардаги булоқлар нағмаларини чалмайди. Ҳеч ерда гўзаллик қолмаган, булбуллар, хушнағмалар бари битган.

*Дарвешнинг кўзлари қонли ёш сочар  
Руҳи ҳеч қулмайди... доим нолакор.*

Бу 1925 йилда ёзилган «Айрилик ва дарвеш» шеъри. Дарвеш бу гўзал шоирона нарсаларнинг — унинг борлиги, тириклиги бўлган барча нарсалардан айрилган. У диёрсиз. Ҳатто ётишга совуқ бир мазор топмайди.

1929 йилда Ойбек домла яна бу мавзуга қайтади:

*Бир кеч... боқарди кўкдан гўзал ой,  
Сукунат ичида қуларди боғлар.  
Дердимки, ғамларни озгина отай  
Кечирмас суюкли шу нозли чоғлар.  
Мен оғочликларда кезаркан ногоҳ  
Узоқдан туюлди ҳижронли бир оҳ  
Боқдимки: дарвеш у эски дарвеш  
Сочлари оқарган, кўзлари сиёҳ...*

Бу турли вақтда ёзилган уч шеър — бир триада. Дарвеш ва йўқолган фусункор дунё. Дарвеш ва ҳижрон. Дарвеш ва диёрсизлик. Дарвеш ва идеалларни йўқотиш. Мангу айрилик. Нега йиллар оша бу дарвеш Ойбек домлани — унинг лирик «Мен»ини сира тарк этмайди?

Нихоят, 1942 йилда ёзилган ва лекин шоирнинг ўзи ҳеч қаерда эълон қилмаган яна бир шеър:

*Салом, эй ой, мунгли эски дўст,  
Боқ, тагимда яна ўша тақир пўст.  
Ўша шамшод асо, ўша қамиш най  
Фақат ўзга ҳижрон, ўзга жон ва май.  
Мажхул саҳродамен, ой, бўл пир ва эш,  
Фояга эришсин бу сўнги дарвеш!*

Хўш бу дарвеш ким? Мажхул бир образми? Шоир фантазиясими? Йўқ. Булар эмас. Бу — Ойбек. Тунлар бедор, телбавор кезган Ойбек. Ўз тахаллусига ва ўз қисматига доим содиқ Ойбек. Охирда соғайсам, тўйиб ёзаман деб орзу қилган Ойбек. У ўзини дарвеш қиёфасида тасаввур қилишни севарди. У буюк ҳаётсеварлик баробарида ҳаётни дарвешона, яъни чин шоирлик маърифати ва сўнгсиз, адоксиз ғам-қайғу-айрилиқлари билан ўзида жо қилган йўловчи дарвеш эди. Бу дарвеш Ойбекнинг асл қиёфаси, замон довуллари, олатўполонларида ўзгармаган, айнамаган, айнамайдиган асл табиати бўлса керак. Унинг асл, ўлмас сўзларини балки мана шу дарвеш ёзган.



## ДУНЁНИ ТИНГЛАГАНДА

(Шайхзода — интеллект тажассуми)

Мақсуд Шайхзода файзли инсон эди. Файз нима дегани? Шаҳарларнинг файзи, далаларнинг файзи, боғларнинг файзи деймиз. Ёввойи, ваҳший нарсаларда файз бўлмайди. Файз инсоннинг мавжудлиги, қатнашчилиги, ақл-идроки, салоҳиятидан ҳосил бўлади. Кимсасиз муз кутбларида файз йўқ. Бразилиянинг инсон қадами етмаган селва-чангалзорларида файз йўқ. Қоракумнинг кум уюрмаларида файз йўқ. Лекин шу ерларга ҳам инсон салоҳияти ва иродасидан бир назар етса, у ерлар ҳам назаргоҳга, яъни файз маконига айланади.

Аслида одамнинг қадами етган ерда табиат бойиб кетади.

Мен салоҳиятли одамни назарда тутяпман. Салоҳиятсиз инсон ўз қадами етган ерларни қуритиши мумкин. Биз ҳар икки ҳодисага ҳам кўп гувоҳ бўляпмиз.

Одам ўз қадами етган ерни нурхонага айлантироладими, йўқми? Гап энди ана шу ҳақда боради. Ернинг, инсониятнинг омонлиги энди шу саволга қандай жавоб беришимизга боғлиқ.

Биз атрофимизга бу бизнинг еримиз эмас деймизу қоғоз парчаларини ташлаймиз. Ер юзини кезиб юрган шамол бу қоғоз парчаларини чирпирак қилиб учириб олиб юради, дам учмоққа ташлайди, дам пучмоққа. Шамолда чирпирак бўлган ўша қоғоз парчасида ҳеч ихтиёр йўқ. Кўпгина одамлар шу қоғоз парчаси каби яшайдилар. Умрни шу қоғоз парчаси каби совуриб юборадилар. Табиатни булғатиб яшаш керакми ёхуд балоғатга етказибми? Зиёнқашлик билан яшаш керакми ёки файз киритибми? Масала шу тарзда қўйилган. Кураш файз билан зиёнқашлик ўртасида боради. Бу азалий кураш. Уни азалдан яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кураш дейдилар. Оламнинг қурилиши шу курашларнинг ўртасида туради ва шу курашлар азалдан инсон ижодиёти, бадиий адабиётнинг ҳам предмети бўлиб келади.

Мақсуд Шайхзода шеърлари олам ҳақида ўз ҳикоясини айтади. Шайхзода шеърляти одамнинг файзли он-



ларидан илҳомланади ва муаллифини файзу фасихлик шоири каби танитади.

Шайхзода том маънода зиёли шоир. Унинг шеърियाи бошдан охирга қадар зиёли шеърдир.

Шайхзода асосли нарсалар, ҳодисаларни севади. Зиёли ақлдан яралган нарса-ҳодисаларгина асосли бўлади, деб ишонади ва умр бўйи шу ақидасига риоя қилади.

Шайхзода шоирлик салоҳиятининг энг гуллаган паллаларидан бири олтмиш иккинчи йил. Унинг кўпгина фалсафий теран, рамзи кучли шеърлари мана шу йилда яратилган. Улардан бири «Денгиз ахлоқи» шеъри. Шоир уни олтмиш иккинчи йилда қоралаб қоғозга туширган. Лекин шеърни олтмиш бешинчи йилда тугатган. Бир шеърнинг маъзи тўлмоғи учун тўрт йил вақт керак бўлган.

Баъзи шеърлар чакмоқдек бир онда туғилади ва абадиятга киради. Баъзи шеърларни тугаллаш учун ўн йилларча вақт кетади. Чунки бундай шеърлар ҳиссиётнинг эмас, кўпроқ ақлнинг зўридан яралади. Катта ҳақиқатларни одамларга қолдиради. Шоир денгизга тирик мавжудот деб қарайди ва унинг табиати, ваҳший асов қудрати ҳақида эмас, ахлоқи тўғрисида ҳукм юритади.

Денгизда ахлоқ бўлиши мумкинми, дейсиз? Шоирга қулоқ солсангиз, ҳа, денгизнинг ҳам ўзига яраша ахлоқи бор. Шеърнинг қудрати шундаки, у бўлиши мумкин бўлмаган нарсаларга сизни ишонтиради.

Берунийнинг бир ҳикоятида чумчуқ чолга мени бекорга кўйиб юбординг. Аттанг! Кўкрагимда каптар тухумидек дур бор эди дейди. Чол бунга ишониб яна чумчуқни қайтадан тутмоқчи бўлади. Шунда чумчуқ, хой одам, ахир мен ўзим бир чумчуқ бўлсам, ўйлаб кўрсангчи, менинг кўкрагимга каптарнинг тухумидек дур сиғадими, деган экан. Поэзия ана шу доно чумчуқ каби ўз кўксига фусункор дур яшириниб ётганлигига сиз билан бизни ишонтиради.

Шундай қилиб денгизнинг ахлоқи... нимада намоён бўлар экан? — деймиз. Шайхзода ўзига жуда қизиқ ҳол бўлиб кўринган нарсани шошилмай ҳикоя қила бошлайди:

*Шуниси қизиқки, енгил ашённи,  
Ашёлар сафида сур — беҳаённи,  
Яъни мағзи сассиқ ҳар бемазани,  
Ёки пўк, мазмунсиз, жўнроқ нарсани —*

*Денгиз асло, асло қучиб олмайди,  
Бемаъни буюмни олиб қолмайди.  
Йўқ унинг буларга тоқати сира...*

Денгизнинг табиати шундайки, у енгил нарсаларга сира тоқат қилолмайди. Уларни қандай бўлмасин соҳилларга улоқтириб ташлаш, уларни кўтариб юрмаслик пайида бўлади. Енгил нарсалар шоирга жуда жўн ва ғоятда сур бўлиб кўринади. Яъни улар жўн бўлгани учун ҳам сур. Сур бўлгани учун ҳам жўн. Қирғоқлар денгиз ўз муҳитидан чиқариб ташлаган шундай нарсаларга тўлиб ётади. Лекин улар тўлқин кўтарилганда яна сурлик билан денгиз ичига тушишга уринадилар. Денгиз эса уларни тўхтовсиз қирғоққа отади. Шоир «сур», «беҳаё», «енгилтак» деган сифатлар билан коникмайди. Сифатлашни янада кучайтиришга эҳтиёж сезади. Ва енгилтак ашёнинг моҳиятини «пўк», «мазмунсиз», «жўнрок» деган сифатлар қатори билан янада теранрок ифодалайди. Буларнинг бари унинг кўзларига ҳаддан ташқари бемаъни бўлиб кўринади. Сўнг у худди тўлқин — пайдарпай келаётган ва қирғоққа ўзини ураётган тўлқинлар ритмида сўзлар, сатрлар тизади:

*Ана боқ, тўлқинлар сирама-сира  
Итариб,  
кўтариб,  
силжитиб,  
туртиб,  
Иргитиб ва гоҳ елкага ортиб,  
Чирик бир олмани соҳилга ташлар.*

Шоир денгиз умуман барча енгил ва жўн нарсаларни ўз бағрига сиғдирилмаслиги тўғрисида фикр юритаркан, умумий фикрини хусусий фикр билан конкретлаштиради. Шеърга денгиз ва чириган олма темасини олиб киради. Чирик олма шоир назарида ҳам, денгиз назарида ҳам «жойпараст» ва «ялтоқ» бўлиб кўринади. Охири денгиз уни қирғоққа чиқариб ташлаб қутулади. Шоир инсоннинг денгиздек жўмард ва жўшқин, бағри кенг бўлишини истайди. Аблахларга нисбатан муросасиз, кескин муносабатда бўлишга чақиради.

Шайхзода адабиётга сиёсий лирика билан кириб келган, сиёсий лирикаси билан танилган, актуал мавзулар куйчиси сифатида шуҳрат қозонган эди. У ўз даврининг

кўп йирик шоирлари каби бадиий адабиётни жамиятнинг сиёсий вазифаларига хизмат қилишга чорланган деб билар ва тушунарди. Унинг эътиқоди шундай эди. Эҳти-мол ўша шароитларда ўзга эътиқодларни тан олмас эди. Биз бугун қайта куришнинг илғор ғоялари ва демокра-тизм шабадалари таъсирида ўша даврларда нега шеъри-ят аксаран савлатли чақириқларга айланиб қолганлигини тушунамиз ва буни фақат даврнинг ўзига хослиги, сиё-сий вазифаларнинг ўзига хослиги билан тушунтирамиз. Ростдан ҳам, кўп ҳолларда тарих фидирагини ҳаракатга келтирувчи инсон шиорларнинг, сип-силлик қилиб тас-вирланадиган якка қаҳрамонларнинг орқаларида қолиб кетган эди. Меҳнатга чорлаш, беш йиллик, етти йиллик режаларни ошири билан адо этишга чорлаш бош мавқега чиқди. Шеър сафарбарлик комбинезонини кийди. Ай-ниқса, урушдан кейинги йилларда демократизм, хур фикр, танқид жамият ҳаётидан мутлақ суриб чиқарилди. Адабиёт ҳаёт ҳақида эркин фикрламай қўйди. «Ижобий кулги», «ижобий сатира» деган ғалати гаплар пайдо бўлди.

Шайхзода, Миртемир каби шоирлар не синоатларни бошдан кечириб, не-не оғир шароитларни кўриб қайтиб келдилар. XX аср шахсга сиғинишни кескин қоралади ва жамият таппа-тақ беркитиб ташланган демократизм эшикларини очиб юборди. Кўп ўтмай навбатдан ташқари XXI съезд бўлиб ўтди. Хрушчев яқин йилларда Амери-кани қувиб ўтиш ва коммунизм куриш шиорини ташла-ди. Унинг назарида шиор ташланса, бас, коммунизм ўз-ўзидан курилиб қоладигандай эди. У коммунизм куриш-га жуда шошилар ва ҳаммани шошилтирарди. Мана шу даврда, эллик тўққизинчи ва олтмишинчи йилларнинг бошларида Шайхзода шеъриятига коммунизм темаси — «даврнинг бош масаласи» каби кириб келди. Хрушчев-нинг энгилтак башоратларига чиндан ишонган эътиқодли шеърият «коммунизм манзили ёношар ҳар дақиқа» деб куйлай бошлади. Кўп асарларда коммунизмнинг реал-ликдан ғоятда йироқ, бўялган-бежалган образи яратил-ди. Кўпгина шоирлар наздида коммунизм манзаравий бир ҳодисага айланди. Бизнинг давримизга келиб, Хруш-чев наздидаги бундай коммунизмни публицистларимиз «жўхори коммунизм» деб атадилар. Шеъриятда комму-низмни сохталаштириш, уни демократик ҳодиса каби та-

саввур қилиш анчагача давом этди. Адабиёт фақат шундай жуда катта ва бепоён масалалар — тўқиб чиқарилган бош масалалар билан банд бўлиб қолди. У майда бўлиб кўринган ҳақиқий турмуш масалалари билан шуғулланмай қўйди. Масалалар масаласи, масалалар асоси, асосий бош масала деган таърифлар шу пайтда ўртага ташланди. Шеър катта таърифлардан қониқмай ундан катта таърифлар излашга тушиб кетди. Таъриф устига таърифлар қўшгиси келаверди. У ўз таъриф-тавсифларини маст бўлиб куйларкан, жамият орқага кетди. Шайхзода сиёсий декларациялар ва қуруқ декларацияларнинг ўзи билангина коммунизмга чиқиб бўлишига чиндан ишонармиди? У даврнинг энтузиазмини ақл-идрок ва реаллик ҳиссиётидан юқори қўядиган одамлари учун жавоб бериш қийин.

Лекин Шайхзода ҳам, Ғафур Ғулом ҳам, Ойбек ҳам ҳаддан зиёда ақлли кишилар эдилар. Шайхзода эса кўп халқларнинг маданиятларидан баҳраманд, юксак шарқона маданиятга эга, том маънодаги зиёли эди. У социализм ишига ишонарди. Бу ишонч унда жуда эрта шаклланди. Лекин эллигинчи йил охирида у яқингинада лагердан қайтган эди. Заҳматли ерларнинг қора шўрваларини тўйиб ичган эди. Жаҳонда шунча мушкул кунлар, кўз ўнгидан ўтган, ўзи ҳам бошидан кечирган драмалар унда реал бир қарашни нечук шакллантирмади? Воқеликка тирик, рост нигоҳ — хур нигоҳ билан қарашни ўргатмади? Наҳот бизга ҳозир сохта бўлиб кўринаётган ҳодисалар унга ўшанда чин ҳақиқат — «масалаларнинг масаласи» бўлиб кўринган эди? Жавоб топа олармикинми бу саволларга? Ахир тарих олдида уларга жавоб бериш керак-ку!

Ўттиз еттинчи йилларда ваҳшиёна қийноқларга солинганлар, «империализм жосуси»га чиқарилганлар, «халқ душмани»га айлантирилганлар, резинка калтакларнинг дахшатли зарбалари остида ўзлари ўзларига қарши гувоҳлик берганлар «фақат Сталин ҳақ, фақат Сталин қутқаради!» — деб эътиқод қилган эдилар. Бу қандай кўр-кўрона эътиқод экан ўзи? Эътиқод одамни кўр қилиб қўйиши мумкинми? Ёки бу охирги илинж эътиқодимиди? Қайта қуриш йилларида халқ томонидан чуқур ўйга ботиб ўқилган Солженицин асарлари, Рибаконинг «Арбат болалари», Бекнинг «Янги лавозим», Гранининг

«Зубр», Дудинцевнинг «Ок либослар», Приставкиннинг «Олтин булутлар» ва бошқа ўнлаб китоблар шу эътиқоднинг кўз кўриб қулоқ эшитмаган фожиялари ҳақида хикоя қилиб берди.

Лекин чамаси, бундан бошқа яна бир сабаб ҳам бор эди. Қаламкашлар урушдан кейин, Жданов докладидан сўнг юрак олдириб қўйган эдилар. Ахматова, Зошченко ва сал ўтмай Пастернак, миллий адабиётлар намояндalари — юксак салоҳият эгалари қанчалар ерга урилганлиги ҳамманинг кўз ўнгида эди.

Бўяб-бежаш аввало қўрқувдан пайдо бўлади. Қўрққан одам ҳақиқатни айтмайди. Керакли одамларга ёки тўғрироғи, қўрққулик одамларга ёкадиган ёхуд уларнинг ғазоби ва қаҳрини қўзғатмайдиган гапларни айтади. Оз пайтда киши бунга ўрганади. Сўнг ёлғонларни худди айни ҳақиқат каби сўзлашга тушади, дабдабозликларга ҳам аслида шу қўрқув воситасида келинди.

Булардан ташқари, олам — гулистон, ватаним — улуг, сингари шеърлар ҳар томонлама рағбатлантирилди. Улар мисоли оғу эди. Аллаларди. Рўёларнинг осон оламида бош қотирмай яшашга ундарди.

Йўқ, олам — гулистон эмас. Оламнинг қоронғу, қайғули ерлари ҳам бор, деган фикр матбуотга яқинлаштирилмасди. Посбонлар бундай фикр эгаларини дарҳол тамғаларнинг занжирига солар эдилар. Тамғаларнинг энг беозори — «тушқун» ва «ийғлоқи» бўларди. Ҳа, бошқача фикр оз бўлмаса «қўпоровчилик» ёки «исён» деб қабул қилинарди. Ва бошқа барча муносабатлар шунга яраша бўларди.

Ушанда, эллик тўққизинчи йилда Хрушчев совет кишилари коммунизм қуришга киришдилар, сал ўтмай, яъни етмишинчи йилга бориб аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқаришда АҚШни қувиб ўтамиз ва фаровонликда дунёда биринчи ўринга чиқамиз, деб ишонч билдирган, ҳар икки сўзининг бирида шу фикрни такрорлар эди. Сўнг ўн йиллар ўтди. Сўнг бу каби хаёллар волонтаризм деб аталди. Хрушчев эса — қисқа вақт ичида амалга ошиши қийин хомхаёлларни жамият ҳаётига синдиришга уринган киши — прожектер сифатида тарихга кирди. Волонтаризм бадий адабиётдаги ишларнинг кескин бузилишига олиб келди. Поэзияда мадҳиябозлик, прозада бўямачилик — «мехнат симфонияси» авж пар-

даларда янгради. Шайхзода шеърияти ҳам, Фафур Фулом, Ойбек, Уйғун ва бошқа йирик шоирларнинг шеърияти ҳам мана шундай кийинчиликларни бошидан кечирди. У шеъриятни ҳаётдан узоклаштириб юборди. «Календарь» шеърият авж олди. Не-не истеъдодларнинг кудрати «календарь» шеърларга сарф бўлди.

Лекин катта истеъдод ҳеч қачон бирёкламалик билан чиқишиб кетолган эмас. Бирёкламаликка кўниколган эмас.

Шайхзода ҳам чин зиёли шоир — санъаткор сифатида бирёқламаликка кўниб ўтиргани йўқ. Унинг шеъри турғунликнинг маънавий-ахлоқий қатқалоқлари билан баҳсга киришди. Баҳсларда Шайхзода ўз интеллектининг энг кучли томонларини намоён қилди. Шоир бутунлай ўзгариб кетди. Ажинлари ёзилди. Юзида фикрий тортишув онлари илҳом шуълалари ўйнади. У худди яшараётгандай бўлади. Яшарган юрак, яшарган туйғулар билан шеърий фикр тизимларини тизади.

Шайхзоданинг жуда кўп замонасоз, даврнинг сиёсий мақсадларига хизмат қилган «агитка»ларини ўқиб келасиз-да, бирдан «Ёмон эмас» дегани — «яхши эмас», деб аталган шеърнинг устидан чиқасиз. Дим ердан келиб баҳаво манзилга кўнгандай енгил тортасиз. Шайхзода бу шеърида «ёмон эмас» деган таъриф билан жиддий баҳсга киришади. Қундалик ҳаётда бу жумлага бот-бот дуч келамиз. У турлича вазият, ҳолатлар, турлича одамлар тили, талаффузида беҳад кўп маъноларни ифодалайди. Лекин «ёмон эмас» деган баҳо шунчалар ноаён, шунчалар бетараф ва шунчалар умурткасизки, у бир вақтнинг ўзида ҳар нарсани англатиши мумкин. Ва худди шунингдек, бир вақтнинг ўзида ҳеч нарсани англатмаслиги ҳам мумкин. Шайхзода ўз шеърий психологик таҳлили давомида «ёмон эмас» бу — «махлуқ» сўзи билан баробар деган хулосага келади. Шоир «ёмон эмас» дейилган одамни «бетарафлик эшагининг» думидан ушлаб судралиб кетаётган одам қиёфасида гавдалантиради. Шайхзода қотиб қолган қарашларнинг авра-астарини ағдариб ташларкан, инсон ҳақида тўғри фалсафий яқун чиқаради:

*Ёмон эмас, аммо яхши ҳам эмас,  
Ўзи ўғри эмас, соқчи ҳам эмас,  
Ўзи совуқ эмас, илиқ ҳам эмас,  
Балиқчи эмасу, балиқ ҳам эмас,*

*Билмаски, кўн масъул хизмат инсонлик  
Яхшилик қилмаслик — ўзи ёмонлик.*

Шайхзода шеъри шундай тортишувларда зиёли (интеллектуал) шеъриятнинг энг яхши хусусиятларига эга бўлади. Бахс эса интеллектуал шеърнинг энг кучли қуролларидан биридир.

Интеллектуал шеър ҳодисаларнинг моҳиятини очади ва маданий-маърифий тушунчаларнинг жуда кенг оламига мурожаат қилади. Чунончи, шоир юқоридаги шеърда ўхшатишлар тизмасини давом эттириб, ёмон эмас таърифини сийқа назмга ва ундан ҳам ўтиб, ниҳоят «ўлган шароб»га ўхшатади. Ўлган шароб сирка бўлса керак. Ўлган шароб масрурлик бахш этмаганидан ёмонмас дейилган ҳар қандай нарса-ҳодиса тугал аросатнинг ўзгинасидир.

«Шоир қалби дунёни тинглар» деган машҳур шеърда эса товушлар табиати ва моҳияти хусусида баҳсга киришади. Олам унинг назарида товушлар қуршовида яшайди. Товушлар тирикликнинг рамзи. Товушларни англамаган шоир қалби ҳам сағанага айланади. Шоир назарида товушларнинг ранги, бўйи, майин-қаттиклиги бор. Шуларни тушунмаган киши дунёдан уни англамай бебаҳра ўтади. Шайхзоданинг бу шеъри худди товуш ҳақида бадиа (эссе)га ўхшайди. Лекин у шеърий бадиадир. Эссе — далолатларнинг гўзаллиги, образлар оламининг ахлоқий-фалсафий қарашларнинг ёрқинлиги билан эссе деб аталади.

Шайхзоданинг зиёли шеъри Бомбайнинг фонусларидан, Адриатика ва Қизил денгиз соҳилларидан, поэзия ва яшайиш нафосатига тўлиқ ҳаёт уфқларидан бахс этаркан, доимо уларни инсон ақл-идрокининг файзи, ноёб хиссиётларнинг музикаси билан жаранглатади. Борлиқнинг фалсафий моҳиятини шоирона моҳиятга тенг ва жамулжам тутиб кашф этади. Ва шунда у инсониятнинг азал қадриятлари билан ўртоқлашади.

*У нақадар зумрад уфқлар...  
У ердаги кўк соҳилларда  
Фирузаранг кўрфаз чайқалар  
Ва ҳаворанг нағмаларнинг  
мовий нақоратлари  
қуйланади тилларда,*

*Яшамоқ керак, биродар, яшамоқ!  
Уфқларни умиднинг ишқи билан куршамоқ!  
Яшамоқ керак, биродар!  
Ва кезмоқлик у боғларда баробар!*

Шайхзоданинг шеъри тириклик боғларида кезиб юрибди. Келажакнинг умидли боғларини кезмоқ ҳар кимга шундай насиб этсин!





## ЗУЛФИЯ ҲАҚИДА СЎЗ

Одамнинг умри хотираларга айланиб борадиган бир нарса экан. Ҳаёт хотиралардан иборат бўлгани каби адабиёт ҳам бошдан-оёқ хотиралар хазинасидир.

Зулфияхоним ўз улкан умрининг хотиротларини шеърга айлантирган.

Хотира бутун бўлолмайди. У доим парчалардан иборат.

Парчаларда яшайди. Хотиранинг табиати ўзи шундай. У синади, сўнади, яна чўғланади, яна аланганинг тилларига айланади, куюди, куйдиради, омонсиз жароҳатларга, юракнинг дардларига малҳам бўлади.

Зулфияхоним ўз шарафли умрининг хотираларини шеърга айлантирган.

Шеърга айланган хотиранинг битта сири бор.

Шеърга айланган хотиралар сўнмайди, синмайди, вақтнинг шиддатли аёвсиз тегирмонида янчилиб кетмайди.

Шеърга айланган хотиралар асилланади.

Абадиятга ошно тутинади.

Асрлар қаъридан яна янгидан янги асрларга кириб боради.

Албатта, хотиралар доим зиддиятли. Раҳматли шоир Туроб Тўлага ўхшатиб айтадиган бўлсак, ярми офтоб — ярми соя, ярми довул — ярми мавж, ярми сариқ — ярми яшил...

Лекин одамнинг умри шундай бўлар эканки, довуллар ўтади, мавжлар қолади.

Ва фақат шеъргина довулларнинг шиддатидан мавжларнинг гўзаллигини ва абадий битмас симфониясини ярата олади.

Зулфияхонимнинг шеърियाги ўз даврининг, шу севги, икбол, садоқат ва рўшноликка ташна киз қалбининг ҳаёт охангларига беҳад бой симфониясидир.

Зулфияхоним XX аср ўзбек адабиётининг катта авлодига мансуб санъаткорлардан. У ҳаммамизнинг хотирамиз ва дид-фаросатимизни тарбиялаган ўша катта авлоднинг улуғ номларига издошлик қилди, уларга жўр бўлди, ўз такрорланмас созини топди ва улар сафида елкадош бориш ҳақини қозонди. Фафур Фулом, Ойбек,

Ҳамид Олимжон билан баробар бўйлашиб, шеър ёзиш осон эмасди.

Лекин яратган шу ўзбек кизига буюк бир интилиш, завқ ва истейдод ато қилдики, шонли булбуллар оҳанграбо овозлари ичида ҳамиша Зулфиянинг ҳам жарангдор саси янграб эшитилиб турди.

Зулфияхонимни садоқат тимсоли дейишади. Ростдан ҳам, барча шеърлари, дostonларининг замири шу туйғу, шу олижаноб туйғуга қурилган.

Қадимдан қолган нақл борким, одам қандай бўлса, шеър ҳам шундай.

Табиат Зулфиянинг хамирини садоқат кимёси билан қорган.

У ҳар қандай шароитда ўз халқининг садоқатли кизи бўлди. Ҳар қандай шароитда суюкли Ватан — Ўзбекистонга садоқат сақлади.

Унинг садоқати комил эътиқод даражасига етишди.

Зулфия шахси ва ижодиёти жозибасининг сири ҳам фақат мана шунда — эътиқоднинг комил нуктага кўтарилганида.

Коинот ҳам бизга марҳаматли эгамиздан хотира.

Одам боласи ҳам бизга унинг марҳаматидан хотира.

Бағоят ноёб хотира.

Зулфия ўттизинчи йиллар бошида қўлига қалам олгандан бери олам ва одамнинг шундай ноёблигини бутун вужуди, қалби билан хис қилади.

Ҳар сафар унинг ипакдай пишиқ сатрларига кўз югуртирганда кўрамир:

Ер, осмон, одам, садоқат, меҳр, эътиқод унинг учун муқаддас.

Ҳар сатрида ибодат бор, сифиниш бор: баҳорга, тонгларга, шаффоф нурларга.

У ўз ибодатида сифиниб соғинади, соғиниб сифинади.

Унинг бари шеърлари ибодат.

Завқи йўқ одамнинг, эҳтироси йўқ одамнинг, эътиқоди йўқ одамнинг ибодати ўтмагай.

Зулфиянинг шеърида завқ, эҳтирос, эътиқод ажиб бир ҳарир пардага чулгангандир.

Бугун ҳеч кимга сир эмас. Муқаддас мустақилликкача бўлган оғир тузумнинг мафкураси одамларни, одамлар орқали миллат ва миллатларни тиз чўктириш, мил-

латларнинг шаън-шавкати сўндириш, гурурини синдиришни асосий мақсад қилиб қўйди. Бунга ақл бовар қилмайдиган доғули, маккорона йўллар билан эришди. Расмий эзувчи мафкура миллатларнинг шоирларини ҳам тиз чўктириш пайида бўлди.

Лекин табиатнинг адолатини карангким, ҳар қандай зўравонлик асосида ожизлик яшириниб, пайт пойлаб ётади.

Ўша расмий зўравон мафкура миллий шоирларнинг қалбларини енголмади. Асл орзу-аъмолларини енголмади. Шоирларнинг оёқларини букди, синдирди, лекин қалбларини тиз чўктиролмади. У қалбларни эгаллай олмади. Ўша даврларнинг энг яхши асарлари ва шоирларнинг кейинги гувоҳликлари буни исботлаб турибди.

Зулфия саксон ёши арафасида «Хотирам синиқлари» достонини бизга тортиқ этди.

Ўша давр ҳақида гувоҳлик бўлса, шунчалар бўлар.

Ростгўй сўз бўлса, шунчалар бўлар.

Эътироф бўлса, шунчалар бўлар.

Тазарру бўлса, шунчалар бўлар.

Дахшатли машинага қарши туролмаганларнинг қалблари фарёдларга тўлиб ётарди. Армонларга тўлиб ётарди.

Ҳар сўз, ҳар сатрдан фарёд саси, армон саси келарди.

Бу улуғ ёшда шунчалар сернаво асар яратиш ажиб жасоратдир.

Зулфияхонимнинг шоир овози ер юзида тинчлик-омонлик тилаган барча софдил кишиларнинг овозига ҳамдам, ҳамнафас янграйди. У доим катта нафас билан ижод қилди. Жаҳон шоирларини шеърий мусобақага чорлади. Мушоираларда озодлик ғояси етилади деб эътиқод қилди. Дунё шоирлари унинг овозини эшитдилар. Зулфия шеърининг тиниқ чироғи атрофига жаҳон шоирларининг гўзал шеърлари жам бўлди.

Зулфиянинг шеърляти дунё шеърлятининг ҳамма нуқталаридан баралла кўзга ташланиб туради.

Зулфия опа! Сиз шу буюк эъзозли ёшга кирмоқ учун ўзингизда куч ва ирода топа олдингиз.

Биз бунда ҳам айнан сизга хос комил садоқатни кўришни истаймиз.

Сиз бунда ҳам улуғ сафдошларингизга садоқат сақладингиз.

Ғафур Ғулом учун, Ойбек учун, Ҳамид Олимжон учун, Миртемир, Шайхзода учун ҳам саксонга кирдингиз.

Бугун сизга таъзим қила туриб, ўша нурафшон сиймоларни кўргандек бўламиз. Улар сўзларини эшитгандек бўламиз. Бугун сизнинг садоқатингизга фақат битта улуғ мукофот бор! У ҳам бўлса, сизга халқнинг, ўқувчиларингизнинг меҳри, садоқатидир.

Умр ва ижод ва илҳом сизга ҳамиша шундай вафо қилсин!

### Назм ҳамма вақт хур

Вақт югурик. Ҳамма нарса орқада қолади. Умр бўронлари ҳам. Катта-кичик — бир одам миқёсидаги, бир мамлакат ва ҳатто бир улкан тузум миқёсидаги ўзгаришлар ҳам орқада қолади. Умрнинг шундай бир палласи қиради. Ҳаёт ўзанида сув энди тўлғин ва сокин оқади. Хогира қолади. Хотираларга айланган умр довуллардан кейинги денгиз юзасидек текис мавжланади, тоза ярқирайди. Кўпиклар ва турли хас-чўпларнинг энди бу денгиз учун ҳеч қандай қиммати қолмайди.

Умрнинг шундай бир палласи қиради: барча яралар, барча ғам-аламлар, ўртанишлар, изтиробларнинг ўрни битади. Битмайдиган яра йўқ. Ҳаёт шу паллага кириб, тугал бир бутунлик касб этади. Табиат оро бериб тарбият қилган гўзал дарахт каби ажиб бир шаклга қиради. Қуриган шохлар, куйган япроқлар яшил издиҳом ичра кўринмай кетади. Дарахт албатта, япроқлари ёнганда, шохлари омонсиз бўронларда айрилиб тушганда, гармселлар шиддатида қуриб қолганда, танасида оғриқлар сезган, йиғлаган, зорланган, шикоятлар қилган, лекин доно табиат унга қуритишни эмас, кўқаришни ўргатган, яшил оломонга чулғаниш, қуёшнинг саҳий океанида чўмилиш, шамолларда, ёмғир-қорларда ўз кўшиғини айтишни ўргатган. Дарахт учун мана шу нарсалар муҳим. Ўз ҳаёти ва қисматини олий бутунликка етказиш муҳим.

Умрда шундай бир палла келади: донишмандлик палласи. Ақл чироғи равшан тортиб, равшан ёниб, равшан, ишончли зиё таратадиган палла.

Бугун халқимизнинг энг олий орзуси амалга ошган, чинакам эркига, чинакам истиқлолига эришган, ўз мамлакати ва ўз давлатига эга бўлган, ўз ихтиёрини ўзи белгилаш иродасини касб этган эндиги кунларда шоир Зулфиянинг шеърларини қайта ўқиркан, шу ўйлар хаёлимдан кечди. Булар бир инсон, ижодкор умрини таърифлашга етадими? Аслида умрни таърифларга ва умуман сўзларга сиғдириб бўлармикин? Сўз ожиз. Истаган умрнинг истаган бир лахзасини тўла таъриф-тавсифлайман десангиз, сўз етмайди. Гарчи у океанлар қадар чексиз бўлса ҳам. Таърифлар, сўзлар умрларнинг маъно-мазмунини камраб ололмайди. Таъриф жуда оз нарса. Умр эса табиатнинг ўзидай чексизлик, поёнсизликда.

Ҳар бир одамнинг тақдири — ер тақдирининг ажралмас бир улуши. Ҳар бир одам қисматида ернинг қисматидан ажрамас бир рамз бор. Одам ер, тупроқ билан шу қадар чамбарчас бўлиб кетган. Биров буни сезади, англайди. Бироқ билмайди, ўйламайди, хаётни қандай бўлса шундай, борица қабул қилади.

Аслида ўйламаслик, фикр қилмаслик, қаердан келаётирман, қаерга бораман, қай манзилга етаман деб хаёлга толмасликнинг сира иложи йўқ.

Коинот одам боласини жуда ноёб қилиб яратди.

Зулфия ўттизинчи йилларнинг бошида қўлига қалам олгандан бери оламнинг ва одамнинг шундай ноёблигини бутун вужуди, қалби билан ҳис қилиб яшайди.

Ҳар бир сатрида баҳорга тонгга, шаффофликка сиғинади.

*Сигинмаган кезлари соғинади.*

*Соғинади ва шуларсиз яшолмайди.*

*Юрагига шуларни чорлайди.*

*Шеърига чорлайди шуларни.*

*Шеърисида шуларни чақиради.*

*Шеърисида фақат шуларга мурожаат этади.*

Табиат, уни қуршаган ўзбек мухити Зулфиянинг кўксига шундай ноёб эътиқодни тарбиялади.

Зулфия ким десалар, мен албатта, аввало, бу эътиқод: шеърга, бахтга, гўзалликка, инсонийликка, ўз халқининг тақдирига эътиқод, деган бўлардим. Унинг барча ёзганларидан келиб чиқиб ва барча шеърларининг тоза замирига назар ташлаб эҳтимол бошқалар ҳам шундай деган бўлардилар.

Зулфия эътиқоди гўзал ва тоймас инсонлар қаторида туради. Эътиқоднинг кучи билан у ихтиро қилади. Шеърӣ ихтиролар қилади.

Баҳорлар, тонглар, шаффофликлар ҳақида қанча шеър ёзмасин, ҳар бирида буларни қайтадан кашф этади, уларни хиссиётнинг яшноқ чаманлари билан безайди.

Зулфия учун ҳар баҳор — ихтиро, ҳар тонг — ихтиро, ҳар қалб — бир ихтиро, йўллар, умрлар — ихтиро...

Албатта, Зулфия ўз даврини куйлади. Коммунистик тарғиботдаги бахтни — бахт, эркини — эрк, шодликни — шодлик деб билди. Лекин у ҳеч қачон коммунистик тарғиботнинг чекланган, ўта меъёрланган ва ўта сохта-лаштирилган ўлчовлари доирасида қолиб кетмади. Унинг чин инсоний ҳаяжонлари, хаёллари уларнинг қалбаки, козиб ўлчовларига сиғмади. Зулфиянинг юраги бу ўлчовларни ёриб чиқишга интилди. У — инсонийлик, юртпарварлик, халқпарварликни оъмол қилиб олди. Унинг инсоний эътиқоди ҳамиша расмий мафкуравий эътиқодлардан устун турди. Расмий мафкуравий эътиқод шоир қалбини енголмади. Жуда кўп шоирлар шундай расмий мафкура зўравонлигидан «енгилдилар». Лекин расмий зўравон мафкура ҳар қачон бир энг муҳим нарсадан ожиз қолди: у миллий шоирларнинг қалбларини, асл соғинчлари, асл оъмолларини енголмади. У одамларни ўз қалбининг қаърларига чўкиб яшашга мажбур қилди. Лекин қалбларнинг қаърларини ҳеч қачон эгаллай олмади. Ўша даврларнинг энг яхши шеърлари ҳам, ўша давр шоирларининг кейинги гувоҳликлари ҳам буни тўла исботлаб туради.

«Хотира синиқлари» деган нолакор дoston туғилмас эди, агарда қалб енгилган бўлса, нимталанган бўлса, қорайган бўлса... Бу етук донишмандлик билан ёзилган ва ҳар бир сатридан буюк фарёд ва буюк армон саслари отилиб турган дoston ўша зўравонлик даврларида шоирлар ўз қалбларининг тоза қаърларига чўкиб яшаганликларини кўрсатади. У зўравон мафкура тазйиқ қилиб ўтказган хурриятлар — хуррият эмаслиги, ватанлар — ватан эмаслиги, инсонпарварликлар — инсонпарварлик эмаслиги, дўстликлар — дўстлик эмаслиги — буларнинг бари остида фақат империячилик ғаразлари ётганлиги, энг

кабих ишлар байналмилалчилик никоби остида қилинганлигини у пайтда ақли расо одамлар тушунар, англар, лекин бу дахшатли машинага қарши туришга ўзларида куч тополмасдилар. Ўз юракларининг тоза қаърига чўкишдан ўзга чора тополмасдилар. Армон... армон... чексиз армонлар шоирларимизни ўртар эди. Ўша улуф армонлар бўлмасайди, шоира Зулфия саксонни қоралаганда ёзган достонини шундай сатрлар билан бошламасди:

*Хуррият, келдингми — нахотки келдинг...  
Пинҳона соғиндим, пинҳона кутдим.*

Агар олдинги хуррият — хуррият бўлганда, шоир ҳеч қачон ўз достонини бу ажиб «Хуррият, келдингми?» — деган сўзлар билан бошламас эди.

У алданишлар бари шу жуда қисқа савол ичра англанади. Ва у рўёлар ва алдам-қалдам каззобликларнинг бари шу қисқа бир сўроқ билан тўла инкор этилади. Сўроқ маънога тўла. Жуда узоқ кутган, умидсизланиб бўлса ҳам, лекин бари бир кутган одамгина шундай сўроқлайди. Жуда узоқ ва жуда умидсизланиб кутган одамларгина ҳали ишониб-ишонқирамай туради. Ўз бахтига ва шундай тўла батга эришганидан талмовсирайди ва албатта, «нахотки келдинг...» дейди. Шу оддийгина сўзларда бутун зўрланган замоннинг саси бор, армони бор, ўкинчи бор, ишончсизлиги бор...

Ўз бахтини йўқотган одамлар ҳақиқий бахт келганда, унга ишонмай туришлари, хатто уни қабул қилишдан ҳам чўчиб туришлари табиий.

Лекин шеърнинг иккинчи сатри ундан ҳам ортиқроқ маъноли:

*«Пинҳона соғиндим, пинҳона кутдим».*

Бу ҳеч кимга айтилмаган сир. Аммо ҳақиқий шоир, ўз элининг ҳақиқий фарзанди ўзи учун, халқи учун, ватани учун чин хурриятни соғинмай яшаши мумкинми-ди? Зулфия хурриятни тириклик деб билади. Хуррият ўлганда, ундан фақатгина увада, ҳеч ким ишонмайдиган сўзлар ва тушунчаларгина қолганда, одамлар — ақли расо одамларнинг қалблари сахрога айланади. Сахро ҳам кутади, сахро ҳам соғинади... Зулфия биринчи сатрдаги «нахотки келдинг...» сўзларини кўп нуқта билан яқун-

лайди. Бу кўп нукта хиссий чексизликни англатади. Туби кўринмас қалб қаърларига ишора қилади. Маъно кўп. Барини англатиш мушкул. Кўп нукта эса англатиш ғоятда кийин бўлган маъно товланишларини ҳам ўз ичига олади ва шу билан бирга ўтмиш эрксизлик йиллари, уларнинг оғир тажрибалари сари қулайди. Лекин Зулфия «пинҳона кутдим» деганда, кўп нукта кўймади. Сўзни кескин тугаллайди. Бу ерда самимият худди мана шу кескин ва қатъий кўйилган нуктада. Эътирофнинг қудрати ҳам шу нуктада. Мен нукта ва кўп нуктанинг бу қадар чексиз маънога эга бўлишини энди кўришим. Балки улар умрларнинг ҳақиқатига шерик бўлганлари учун ҳам менга шундай туюлгандир.

Эътироф чоғи ҳар нарса самовий теранлик касб этармикин?

Зулфиянинг бу достонининг ҳар бир сатри эътироф ва самимиятнинг қудрати билан битилган.

*Сукутдаги халқ. Сукутдаги ўғлонлар.  
«Мен синдим, қонимдан гиштлари тишди».*

Халқнинг энг етук ўғил-қизлари зўравонлик зарбалари остида синганларида халқнинг ўзи синмай қолиши мумкинмиди? Ахир у сиёсатнинг бутун машъум кучи халқларни синдиришга, уларни қора, ўзини англамайдиган тўдага айлантиришга сарф қилинмаганмиди?

*Алам. Ёмон алам кўзинг кўр бўлса,  
Лекин сўқир диллик ундан-да даҳшат.  
Халқ ганжин юлмоққа чўзилган қўлга  
Биз алвон гулдаста тутибмиз фақат.*

Бу ўткир сўзларни шархлайман дейману, лол тураман. Ахир бир аср, замон, халқ, инсон ҳақиқатини бундан ҳам ортик ифодалаб бериш мумкинми? Бунинг уҳдасидан фақат шеър чиқади, кўриб турганингиздек. Шойра ўтган умр лахзаларини ақл тарозусида ўлчайди, уйғониб ўз қудратини сезган виждон ҳукмига ҳавола қилади. Олий инсоний ҳақиқатларга жавоб бермайдиган савоб ўйиндан бошқа нарса эмас деган кескин хулосага келади.

Зулфия ҳар қандай шароитда Матонат, Ишк, Меҳнатни улуғлаб яшади. Ардоқли шеърый китоблар яратди. Уларни ўзига ва элига ҳамроҳ қилди. Ўз даврининг



кўзга кўринган сиймолари билан дўстлашди. Улар билан бўйма-бўй бир сафда борди. Овозини Фафур Фулом, Ойбек, Уйғун, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Шайхзода, Расул Ҳамзатов, Қайсин Қулиев, Мустай Карим, Елисавета Багряна, Десанка Максимович, Габриела Мистрал, Анна Ахматовага жўр қилди.

Мамлакат, халқ, тарих миқёсидаги нарсаларни биз одатда ҳодиса деб атаймиз.

Зулфия сиймоси, унинг олижаноб ижоди ана шундай ҳодисалар сирасига киради.

Зулфиянинг бўйи басти дунё шеърятининг ҳар бир нуктасидан кўзга баралла ташланиб туради.

Гулбадан бегим, Зарифа хоним, Халима хоним Носирова, Сора хоним Эшонтўраева, Саодат хоним Қобулова сингари халқимизнинг пешонасига ёруғ юлдуз бўлиб битилган аёллар билан қандай фахрлансак, Зулфия хоним билан ҳам шундай ифтихор қиламиз.

Улар миллатимизнинг райхонларидир.

## РОБИЯ ҚИЗДОРИЙДАН ЗУЛФИЯГАЧА...

### *Шоирамизнинг 85 ёшига сўз*

Робия Қиздорийлардан, Зебуннисолардан, Нодирабегим, Увайсий, Маҳзуна, Анбар отинлардан қолиб келган, ўзбек аёлларининг каттадан кичик барчасига мерос бўлиб ўтаётган бир орзу бор. Бу эрк истаги. Озодлик хаёли. Бу озодликни улар табиат ато этган ноёб неъмат — хаётда ўзини энг гўзал ва энг муносиб тарзда намоён этиш имконияти ва ҳуқуқи деб тушунар эдилар. Рухоний, диний, маънавий, маърифий ва ўзга инсоний талаблар худди мана шу оддий ва беҳад табиий нарса — аёлнинг ўзлигини намоён қилишга хизмат этсин деб интилар эди. Шарқ аёли ўзи учун ҳаммадан ҳам аввал зарури деб топган бу интилишлар қайси замонда бўлмасин, қайси тузум инсон бошида от ўйнатиб турмасин, унинг бошига чексиз фожиалар, алам-ситамлар, хўрлик ва зорликларни ёғдирди.

Бирон халқни тобе қилиш аввало унинг аёлларини тобе ва қарам қилишдан бошланади. Аёллари ҳар қанча зулм кўрса ҳам тобе бўлмаган халқ ҳеч қачон тобе

бўлмайди. Ҳеч қачон зулм ва адолатсизликка бўйин эгмайди. Кишанларга кучини бермайди.

Табиат озод. Лекин у ўз қатъий қонуниятларига бўйсунди ва шу қонуниятлари доирасида яшайди, ўз мангу дастгоҳини айлантиради. Аёллар табиатга бениҳоя яқин бўладилар. Улар табиатни ҳаммадан ҳам ўткирроқ ҳис қиладилар ва табиат қонуниятлари билан яшашни ёқтирадилар. Уларга табиатдан озодлик ва қонуният ўтган. Улар хоҳ англаган ҳолда, хоҳ англамаган ҳолда шу озодлик ва шу қонуниятларга риоя қиладилар. Ва буларни улар аллақайдан келган гўзаллик, меъёр, юксак даражадаги саранжомлик билан юзага чиқарадилар. Шарқ аёлларининг бу орзуси не тақдирларга айланмади, не-не асарларга, ёниқ сатрларга айланмади...

Зулфия хақида сўйламоққа шайланиб, шуларни эслаб ўтаётирмиз. Зулфияни тўлароқ, теранроқ, кенгроқ тушуниш учун бу гаплар керак. Аёл калбининг калитини топмасангиз, у ҳеч қачон очилмайди. Калит эса озодлик ва табиат қонуниятларида...

Моҳиятга қараганда...

Зулфия озод аёлнинг орзуси эди. Ўзбек аёлининг орзуси эди. Ўзбек аёли озодлик ва гўзаллик Зулфиядай бўлади деб тушунарди. Дунёвийликда ҳам, руҳонийликда ҳам, маънавийликда ҳам орзу этилган эҳтимоллик мужассамлашган каби кўринарди. Эҳтимоллик деяпмиз. Советча озодлик патриархал ёхуд феодал озодликдан анча фарқланарди. Лекин бу империяча озодлик эди. Унинг ўта ўзига хос талқинлари ва қаттиқ чек-чегара, шартлари мавжуд эди. Советча озодлик империяга тобе бўлиб қолган халқларни узок замон қарамликда тутиб туришга хизмат қиладиган, ўта ниқобланган мудҳиш бир ҳодиса эди. Империянинг барча мафкуравий тушунчалари ўта ниқобланган тушунчалар эди. «Иттифоқ», «бўлинмаслик», «буюк давлат», «тақдиримиз бир, тарихимиз бир» — сингари империяча тушунчаларда ҳамон ўша эскидан қолган мудҳиш ниқоб ва сиёсат устивор. Усул ният-мақсадлар ҳамон шу ниқобланган тушунчалар билан ифодаланади. Лекин энди... XXI аср... дунё империяларнинг мўлтонилик ва зўравонлик даврига ҳеч қачон қайтмайди. Ҳар қанча уринилмасин, бу машъум «жозиба» энди миллий мамлакатларни ром этолмайди...

Зулфияда соф, тиник, гўзал ҳарир озодлик бор. Озодлик истаги унда идеал бир нуқтага кўтарилган.

Шунинг учун мен шу тобда Зулфияни Нодира орзу қилган эди... Зулфияни Анбар отин орзу қилган эди... деган сўзларни ёзгим келади. Шундай қилсак озодлик истагида ва орзусида тарихий бир узлуксизлик пайдо бўлади... Зулфия империяча талқиндаги озодлик ичида ҳам, гарчи мудом репрессиялар тазйиқида нафас олган бўлишига қарамай ўз тақдирида буюк момоларнинг орзуларини тўла рўёбга чиқариш нияти билан яшади. Империя ўз мақсадларини кўзлаб, ўз никобдор ғояларини бутун жаҳонга ёйиш иштиёқида эзилганларнинг Зулфия каби фавкулудда ноёб намояндаларини дунёга чиқарди. Зулфия империя қобикларини, алдамчи пўстлоқларини қудратли тарзда ёриб ўтди. У ўзбекнинг орзусини дунёга олиб чиқди. Дунё ўзбекнинг эрк истагида бўлганлиги, курашганлиги ва ҳар қандай шаклда бўлмасин, курашаётганлигини кўрди, гувоҳ бўлди.

Эллигинчи йилларнинг ўрталаридан бошлаб дунёда Зулфияни Шарқ аёли озодлигининг элчиси каби англадилар. Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатлари адибларининг бирдамлик ҳаракати майдонга келганда, Зулфия ўша давр Шарқ маданиятининг энг мумтоз намояндалари қаторида шу ўзига хос ҳаракатнинг марказида турди, ҳаракатнинг жонига айланди. Шу йиллари у ХХ аср ўзбек адабиётида аллома адиблар бўлмиш Ойбек, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Миртемир сафига дадил кириб борди. Уларга жўровоз бўлиб куйлади. Ўша даврнинг эрк шамоллари сталинизмнинг ваҳшат деворларини ўпира бошлаган эди. Дунёнинг илғор фикрли, пешқадам адиблари бир-бирлари билан соғинишиб мулоқотга киришган бир ажиб замонлар бўлган эди. Ўшанда Зулфия атрофида оламнинг қанчадан қанча шуҳратли ало юлдузлари тўпланмадилар дейсиз! Чингиз Айтматов, Турсунзода, Ҳамзатов, Тихонов, Симонов, Кугултинов, Кулиев, Мустай Карим, Абашидзе, Дилбозий, Межелайтис, Эди Огницвет, Вера Инбер, Шчипачев, Сажжод Зоҳир, Муйин Бсису, Файёд, Амрита Притам, Неруда, Нозим Ҳикмат, Кербобоев, Файз Аҳмад Файз... яна ўша замон муҳитининг неча-неча мўъжизакор ғаввослари... жамланар эдилар Зулфия орбитасида. Зулфия улар билан таниш-билишгина эмас, балки фаол ижо-

дий бахслар, мунозаралар, учрашувлар, мулоқотлар ва ҳаммадан ҳам муҳими, мушоираларда бўлар, сара сўз айтар, сара шеър ўқир, шеърлари унутилмас «Мушоира» каби дунё руҳи, дунёнинг ўша давр тенденцияларини ёрқин ифодаларди. У жаҳонга донг таратган Десанка Максимович, Габриэла Мистрал, Елизавета Багряна, Евдокия Лос сингари адибалар қаторидан ўз шарафли ўрнини мустаҳкам эгаллаган эди.

Бир тола нур қабарик призмадан ўтса, минг тола зиёга айланади. Зулфиянинг шеъри, аёл тақдири хақидаги сўзи дунёнинг юрагидан ўтди ва жуда кўп одамлар қалбида акс-садо топти. Фафур Фулом: «Муаззам Шарк намоёндин сенинг покиза жонингда», деганида, бунда ҳеч қандай муболаға йўқ эди. Унинг шеъри, ҳақиқатан ҳам, аср нидосига, шарқлик аёллар қалбининг сирли садосига айланолган эди.

Зулфиянинг боқий дунё сафарига кўчганича кўп ҳам бўлгани йўқ. Лекин у яшаган, ишлаган, не-не армонлар оғушида оҳ урган замонлар шитоб билан узоқлашиб бормоқда. Баъзан у замонлар шунчалар узоқлашиб кетганки, худди туш ва рўёларда кечгандек... Йўқ! У ҳеч қачон кичрайиб-кичрайиб бориб сўнг унутилиб кетмайди. Аксинча, у тобора юксала боради. Унинг замон долғаларини ўзида жамлаган инсоний қиёфаси янги маъноларга тўлади. Сатрлари замон ўтган сайин янги маъно касб этиб жаранглайди. Достонлари, шеърлари янги образлари дунёни янги ўқувчиларини топади. Вақт ўтган сари сўзларининг ўзгача кирралари очилади. Шеърининг образлари дунёни янги уфқларга кўтарилади. Инсоннинг жисмонан дунёни тарк этгандан сўнг ҳам худди тирикдек, балки тириклардан ҳам ортиқроқ шуқуҳ билан яшаши бу не деган ажойиб ҳодиса!

Дунёда сўзлаб эмас, чин маънода бўзлаб шеър айтган икки шоирни биламан: бири Миртемир, иккинчиси Зулфия... Зулфиянинг ўз дардларини бўзламоғида маъно бормиди? Поён бормиди? Халос бормиди? Борми эди яна биз билмаган ва энди ҳеч қачон билолмайдиган яна алланималар? У ўз қалбининг тубсизликларига назар ташлай олган эди. Аёл қалби дунёсининг сирларини хўб сирли қилиб англата олган эди. Зулфия ўз машҳур асаарида мушоира чодири ичига жаҳон шоирлари оёқларини ечиб кирганларини тасвирлайди. Бунда гўзал бир маъно

Ўқийман. Шоирамиз дунё шеърляти эхромига қалбининг мусаффо, покиза, тиник, шаффоф зиёси билан кирган эди. У хаётда ҳам доимо шундай покиза зиё каби яшади. У иқтидорини яширар эди. Ҳеч қачон кўз-кўзламас эди. Лекин иқтидорни яшириб бўладими? У шеър, сўз дурдонасига айланарди. У Пушкинни таржима қилганда ҳам, Пушкин Зулфия бўлиб айта бошларди. У Марина Цветаева, Соломея Нерис, Анна Ахматова, Леся Украинка, Қайсин Қулиевни таржима қилганда ҳам шу ҳол рўй берарди... Улар бамисоли Зулфияга айланиб шеър ўқирдилар... Унинг иқтидори шу қадар уларга яқин, уларга қардош, туғишган эди... У табиат билан ўта аёлларга хос сирлашганда ҳам, баҳор, ёмғирлар Зулфия тили билан куйлар эдилар...

Воҳид Зоҳидов каломи билан айтганда, «зеби замона» Зулфия ўзи севиб куйлаган нурларга чулғаниб халқининг умидли келажагига нафис одимлар отиб кириб бораётир, у бизнинг кўз ўнгимизда шундай қолган.



## ҚИСМАТНИНГ ОВОЗИ

(Усмон Носир илҳомлари)

Усмон Носирий олдида бизнинг ҳеч узиб бўлмайдиган сўнгсиз қарзимиз бор. Ҳар сафар Усмон Носирни хотирлаганда, ҳар сафар унинг сўзидан — шеърлари ва дostonларидан баҳрадор бўлганда, доим шу қарз мозийдан узатилган бир қўл каби одамнинг елкасидан тутати.

Оламни шеър суронлари билан тўлдиришга қодир бўлган йигит ўз ватанини ҳар нарсадан ортиқроқ севиб, шу севгисини куйлагани учун зўравон салтанат томонидан махв этилди.

Шу ҳаёт завқларига тўлиб тошган йигитнинг ахир нима гуноҳи бор эди? Наҳот у зўравон ва адолатсиз салтанат учун шу қадар хавфли эди? Наҳот у салтанатни тагидан қўпориб, ўз тупроғини босқинчилик зулмидан халос қилишга жазм этган ёки шунга қодир эди? Наҳот лоақал порлоқ истеъдодни аяш мумкин эмасди? Ахир бундай истеъдод эгалари ҳар қандай халқ ичида ҳам ноёб ва демак, ардокли саналади-ку!

Лекин бу саволларга жавоб йўқ. Империя қаттол эди. У ўз жирканч ҳукмдорлик мақсадлари йўлида ҳар қандай истеъдодни янчиб ташлашга доим тайёр эди ва буни заррача шубҳага бормай, иккиланмай адо этарди. Ўз ерлари, туганмас бойликлари бўла туриб, бир неча юз йиллар давомида ўзгалар ерлари ва ўзгаларнинг бойликларига кўз тикишга, шу ерларни эгаллаб, уларни созуриб тасарруф қилишга одатланган бу тоифа ўз босқинларини доим турли найранг ғоялар билан ниқоблаб, халқларнинг кўзига чўп солиб келди. Империячилик тамоийллари уларни беҳад шафқатсиз қилиб қўйди. Шафқатсизлик насл-наслларнинг онгларига турли йўллар билан сингдириб келинди. Халқларнинг эркин, хур, мустақил яшашга интилишларини улар шу найранг ғоялар билан бўғадилар, тинимсиз, «бирлашишга», «иттифоққа» чақирадилар. Ўзлари ўз асил юртларини обод, фаровон ва ҳар жихатдан саодатли қилиб яшашни ҳатто хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Мана шу йўлда бор куч-қувватларини сарфлаш ўрнига турли тоифаларга бўлинадиган

лар ва ҳокимият даъвосида тўхтовсиз жанжаллар уюштирадилар, тўхтовсиз баҳс-мунозараларга берилдилар, бир-бирларини тинмасдан қоралайдилар, ўз бошларига ва бошқа халқлар бошига ёлғон-бўхтонларни дўлдай ёғдирадилар. Халқлар ўз ирода ва ихтиёрларини билдирганлари, том мустақиллик йўлини танлаганликларига қарамай яна уларни эски найранг ғояларини ўртага солиб қарам қилиш, эски замонга қайтариш пайида бўладилар. Улар бу хатти-ҳаракатлари нақадар ғайри ахлоқий эканлигига эътибор бериб ўтирмайдилар. Ҳолбуки, оламда империячилик даври тугади. Олам энди тугал цивилизация асосида бино бўлади. Халқларнинг бирдан-бир яшаш йўллари тугал цивилизация ва ҳаётни, дунёни сақлаб қолишнинг ҳам бирдан-бир йўли тугал цивилизация воситасидагина мумкин.

Ҳақиқий шоирлар ҳар қачон ўз юртларининг тимсоли бўладилар. Улар ўз юртларининг дарёларига, ўз осмонларининг булутларига, ўз тоғларининг мингашма чўққиларига, ўз йўлларининг карвонларига ва ўз оналарининг чақалоқларига ўхшайдилар.

Шулар билан бирга ҳақиқий шоирлар ўз миллатининг қалбига ўхшайдилар.

Гейне ўз халқининг қалби эди. Пушкин ўз халқининг қалби. Байрон — ўз халқининг қалби. Бу қалбларни топтамоқ шу халқларнинг ҳаёт асосларини топташ билан баробардир.

Усмон Носирийни сўзларининг миқёси, кечинмаларининг миқёсларига кўра ўз халқининг қалби деб айтсак, бунда муболаға йўқ. У том маънода халқ тимсолига айланиш йўлига кирган эди.

Усмон Носир ватанни ҳеч иккиланмасдан севади. Ватан деб, халқ деб, ўзини ҳар қандай синовларга ҳозирлаган.

Ватан ҳисобидан ҳеч қандай муросага бормайди.

Халқ ҳисобидан, халқ устидан бошқалар билан шу юрт, шу халқ учун зарарли муросалар тузмайди.

Унинг севгиси бутун ва бўлинмас.

Усмон Носирнинг шеърлари нурдан тўқилган.

Улар ичдан нурланиб турадилар.

Ичдан нурланиш жуда ноёб ҳодиса. Инсониятнинг камдан-кам фарзандларига насиб бўлади. Сўзнинг ичдан

мўъжиза касб этиб нурланишини мен Бобораҳим Машраба, Мирзо Ғолибда, Гейнеда, Лўркада, Чўлпонда, Усмон Носирда кузатганман.

Усмон Носирнинг шеърлари ва дostonлари оралаб булутлар билан олишаётган ва булутлар орасидан янада яраклаб чиқаётган ва хиссиётли юракларни беҳад тўлқинларга соладиган нурафшон ой кезади. Ой, шамол, булут — гўзаллик ва ҳаёт яратишдек қодир табиатли булутлар Усмон Носир шеърларига фусункорлик бахш этадилар.

Усмон Носирни ҳижроннинг гирдоби қуршаб келаётгани.

Ҳолбуки, у эрка шоир эди. Шеърлари ўзбек заминидан тушган, тим қора сочлари қайсар жингалакланган оловли боши узра шухрат яловлари хилпирарди. Шунчалар ёш бўлишига қарамасдан, Самарқанд дорилфунунидан талабалик чоғидаёқ уни ўзбек шеърятининг энг талантли вакили сифатида Россияга, Арманистонга, Тожикистонга адабий анжуманларга шеър ўқигани юборардилар.

Усмон Носирнинг жўшқин юраги кенгликларга чиқиб, ўлкаларни кўриб, таассуротларга тўлди. Ҳали гўдаклик чоғларидаёқ у таассуротларга ташна эди. У олам тасвирларини исёнкор юрагига кўчиришга ошиқарди. Янги-янги таассуротларда яшаш унга ёқар, беҳад завқ бағишларди.

У ҳеч нарсага бепарво қарай олмас ва ҳеч нарсанинг қошидан бепарво, беғам ўтолмасди.

Рим тарихи ҳам, Клеопатра ҳам, Гейне, Лермонтов, Данте ва Шекспир ва буларнинг қаҳрамонлари ҳам, ён-атрофидаги тенгқур дўст-ёрларининг тақдирлари ҳам унинг юрагига жазиллаган учқунлар ташлар ва учқунлар илҳом парисининг оппоқ кафтида ёмби, қўйма шеърларга айланарди.

Илҳом париси Усмон Носирга қанчалар ярашарди.

Яшашга ташналик, яшаш иштиёқи қанчалар кучли эди Усмон Носирда!

Эътибор беринг: унинг шеърлари, дostonлари ва хатто таржималари нақадар гўзал умидворлик билан тўла!

Усмон Носирда сўзлар умидворликнинг порлок даражаларига кўтарилади. Олам меники! Қуёш меники! — деб нидо солади дунёга бу умидворлик.



Афтидан, бу умидворлик ва яшаш иштиёкининг йўлини тўсадиган ҳеч қандай куч оламда йўқ! Ҳеч нарса унга бас келолмайди. Ҳеч нарса уни енголмайди. Ахир шу куч — илҳом париси-да! Яна нима!

Лекин... барибир... шоир ҳижрон гирдобиди эди.

Унинг барча шеърларида, таржималарида қисмат тилга кирган сатрлар, бандлар бор! Балки қисмат унинг қалбида жуда эрта тилга киргандир. Лекин шеърларида қисматнинг овози ўттиз учинчи йилдан тўхтовсиз эшитила бошлади. Эсингиздами, унинг дастур шеъри «Юрак»даги сўнги сатрлар: «Ёрил, чақмоққа айлан сен, Ёрил! Майли тамом ўлсам!..» Мен буни қисмат овози деб билман. Шоир ўз тақдирини башорат қилишга ўтган эди. Ёки машҳур «Монолог»ни эсланг. Бунда барча ўтли сатрлар — қисмат овози. Ва айниқса: «Эҳтимолки, тамом қилмасдан — Умрим тугар...» Чамаси, «Нил ва Рим» ҳам бошдан-оёқ қисмат саси. «Ламшам ёнур... яраланган қанотдек оғир Ўй босади. Юрагимда гўё сел ёғар...» Усмон Носирнинг бу сирли шеърда Ҳомер билан баҳслашуви ҳам, Рим саҳнасида гладиатор билан йўлбарс олишуви ҳам, халқнинг бу қонли манзарадан завқланишлари ҳам ва ниҳоят, «Рим — ўйиндан ўлим кутган жинни театр» сатри ҳам бари-бари ўз тақдирига башоратлар эди.

Шоир шеърлари башоратнинг англашилмас ажиб сирли тасвирларига тўлган. Унинг ҳар сатридан бу буюк инсоннинг қисмати кўриниб туради:

*Жим!.. Уфқдан ботар қуёшни  
Шарт кесилган бошга ўхшатдим.  
Парча-парча куйган шафақлар  
Тирқираган қонни эслатди!*

Даҳшатли Сибир ўрмонларида яланғоч кўксини ўйиб қонга ботирган Усмон Носир!

Сенинг шеърларингда қисматнинг хайкиради!

Гуноҳинг нима эди, сени бунчалар шафқатсиз забун қилдилар?!

\*\*\*

Усмон Носирнинг «1870» деб аталган ажиб пўртанадор, оҳанг товланишларига тўла шеърини кўплар биледи, кўплар ёдлаб юради. Бунда бировлар Разиннинг

бошини юмалаб кетган қирмизи қуёшга ўхшатиладиган мутаассир бўлади. Яна кимдир шеърда онанинг ҳеч қачон ботмайдиган ойга, унинг бағри оқ юмшоқ булутга менгзаланидан таъсирланади. Бу шеърда боғ тимсоли ҳам йўқ эмас, она тимсоли боғ тимсолига шуъла ташлаб туради. Ой уларга ҳаёлий суратлар бағишлайди. Ой нури эса сирлантиради. Бир шеърдаги ҳамма образлар бир-бирларига ўзаро шуъла ташлаб, бир-бирларини шуъладор қилиб турадилар. Бундаги ташбеҳлар ва оҳангларда чинакам илҳомийлик жўш уради.

Мени эса бу шеърда «бурлаклар» деган сўз-тушунча билан шеърнинг кейинги учинчи бандида келувчи «бурдалар» ва «мурдалар» деган сўз-тушунчаларнинг ўзаро муносабатдорлиги ҳар доим ҳайратга солади.

Бундай ходисалар Навоий, Ҳофиз, Байрон, Гейне сингари даҳолардагина даҳо санъатининг савқи табиийлиги орқали намоён бўлади.

Аслини олганда, бу учала сўз-тушунча бир-бири билан ҳеч қандай боғланмаган. Улар қўлланган сатрлар ва бандлар бошқа. Лекин Усмон Носир юрагида шеър савқи табиийлик қудратидан туғилгани боис у бояги уч нарсанинг — туйғу, сўз ва оҳангларнинг порлоқ гармонияси — уйғунлигига эришади.

Усмон Носирнинг ҳамма шеърларида шундай: барча сўзлар ва образлар ўзаро ё маъно, ё оҳанг, ё шуъла билан боғланган, ўзаро нурафшон!

Шунинг учун Усмон Носир шеърига бир бегона товуш сизмайди. Унинг ётлиги дарров билинади. Шу шеърда 84-йилги тўпламнинг ношири яна бир ғалатга йўл қўяди. Усмон Носир шеърига ғоятда эҳтиёткор муносабатда бўлиш керак деб айтдим. Жуда кичкина эҳтиётсизлик шеърга жуда ёмон путур етказиши мумкин.

Шоир она учун бола тарбиялаш машаққатини чизаркан:

*Ва азобга сўз бермайди у.*

*Бу сафар ҳам тоғдай чидади —*

деб бир бандни яқунлайди. Сўнг шундан кейин шеърнинг охириги банди келади. 84-йил нашрида ўқиймиз:

*О... билмади кимни туққанин,*

*Фақат ҳар ғалгидай шод эди.*

Шу холос. Бундай қараганда гўё ҳеч нарса ўзгармаган. Шеър табиий давом этапти. Фикр оқими ва мазмун ривожда узилиш йўқ. Лекин худди шу ерда Усмон Носирнинг гўзал санъаткорлиги билан чамбарчас боғлиқ бир муҳим бадиият тамомила йўқолган...

«Меҳрим»нинг биринчи нашрини қўлга оламиз. Не кўз билан кўрайликки, унда шундай ёзилган:

*Бу сафар ҳам тоғдай чидади —  
— Йу... билмади кимни тукқанин.*

Кўрдингизми, ана шу холос! Бир юклама-ю (ёки: йу) ундов сўз «о»га алмаштириб юборилган. Усмон Носир эса тепадаги сатр билан пастдаги сатрни бир «ю» товуш-оҳанги билан ажиб бир тарзда бир-бирига боғлаган. Аслида юклама «Чидади»га тегишли. У чидадию деб ўқилиши керак. Лекин шоир тоғдай чидади деган жумлани тугалланган жумла каби ёзади. Бу — тугал фикр. Унда ҳеч қандай иштибоҳ, иккиланиш, сарсилиш маънолари йўқ. «Тоғдай чидади». Тамом-вассалом. Аммо кейинги мисрани узоқ чўзилган «-йу» билан бошлади. «Билмади кимни тукқани дегандаги жуда катта залворли маъно «Тоғдай чидади» деган тугал фикр билан шу «-йу» сўлиши воситасида боғланыпти, ўзаро бир-бирини тўлдиришти ва кучайтиришти. Бу «-йу» шундайки... нима десамикин... осмонда қуроқ варрак дариллаб учяпти. Варрак кўриниб турибди, унинг бироз салқиган каноп ипи кўриниб турибди. Паға булутлар кезган осмон кўриниб турибди. Булар ҳаммаси бир-бирига боғланган... фақат шамол кўринмайди. Ҳолбуки, шамол энергия, восита... у бўлмаса, қуроқ осмонга кўтарилмасди. Демокчиманки, Усмон Носирнинг шеъридаги «-йу» ана шу шамолга ўхшайди. У варракни олиб қочиб, уни юлқилайди, уни дариллатади-ю ўзи кўринмайди. Оҳанг бузилишлари ҳақида сўзлаяпмиз, гап очилиб қолгач, яна шу шеърдаги бир мисрага тўхталиб ўтайлик:

*Дарё-дарё тўқар ёшини  
Ким билмайдиким боиси на?*

Қарангиз: бу ерда ҳам фаромуш қараганда ҳеч қандай хато йўқ. Ҳеч нарса тушиб қолмаган, ҳеч нарса ўзгартирилмаган... фақат «-ки» боғловчи кўшимчаси «билмайди» сўзига қўшиб юборилган. Ҳолбуки, бу ерда у

алохида ёзилиши ва алохида талаффуз этилиши зарур. Акс ҳолда мисранинг маъноси бузилади. «Билмайди» сўздан сўнг бунда жиддий пауза бор. Бунда «ким билмайди» дегач, тўхтаб, сўнг «ки боиси на?» деб ўқима-сак, шоир кузатган мақсадни англолмаймиз. Шеър санъаткорлигини топтаган бўламиз.

*Ким билмайди, ки боиси на?*

Мисра шундай ўқилади. Бу ердаги ўта нозикликни мен японларнинг чой тайёрлашлари ва хитойларнинг чинни яшашларидаги ўта нозикликка қиёслагим келади. Жуда-жуда нозик ҳунар, нозик поэзия...

Ҳақиқатан ҳам, Усмон Носир сўзи жуда нозик. У оз сўз билан жуда теран инсоний ҳолатларни ифодалайди ва манзараларни чизади. Кичкинагина шеъри эсингизда-дир:

*Шафақ ўчай деб қолди  
Каптар қонидек рангсиз...  
Кўзларимни узмайман.*

*Дединг: энди ўчар у,  
Ўтган қайтиб келмайди,  
Эртани севиниб кут!..*

Шоир ростдан ҳам ўттиз тўртинчи йилда эртани севиниб кутарди. У болалик укубатларидан қутулгандек севинарди. Шеър жуда маънос оханг билан бошланди. Иккинчи мисра бу маъносликни тагин ҳам кучайтирди. Каптар ҳақида, ўлдирилган каптар ҳақида, унинг қони ҳақида, қонининг рангсизлиги ҳақида эслатиляпти. Нега? Шафакнинг сўнгги шуълалари каптар қонидек рангсиз тортганлиги учунми? Бу ерда ўхшатишдан бошқа ҳеч нарса йўқми? Нега каптар? Каптар — рух ва фаришта тимсоли... Лекин дарҳақиқат айни ўчаётган шафақ каптар қонига ўхшайди. Шоирни ҳаёл қайларга олиб қочиб кетди? Нималарни ўқияпти у ўчаётган осмон саҳифасидан?

Бу ерда сирли бир одам пайдо бўлди. У бир нарса деярди. У ҳам ўчаётган шафаққа тикилиб турибди. Лекин унинг туйғуси шоир туйғусидан фаркли. Шоир ҳазинликка мойил. Унинг шериги эса некбин. Умидвор. Донишманд. Балки бу ерда ҳеч ким йўқдир. Эшикни ҳеч ким тақиллатмаётгандир. Шоир ўзи билан ўзи сўзла-

шаётгандир. Ўзига ўзи деётгандир бу сўзларни. А, балки бу каптардай покиза ва напармон ва нилуфар каби бир қиздир... Олти қатор қисқа бир парчада шунча некбинлик, шунча маъюслик, дард ва сурур оғуштаси.

Бир пайтлар ёшлигимда Гейненинг бир кичкина шеърини ўқигандим. Унинг русча матнини тўлиқ келтирай:

*Девница стоя у моря,  
Вздыхала сто раз подряд, —  
Такое внушал ей горе  
Солнечный закат.*

*Девница, будьте спокойней,  
Не стоит об этом вздыхать:  
Вот здесь оно спереди тонет  
И всходит сзади опять.*

Буни ўзимча шундай машкий таржима қилган эдим:

*Қиз денгизнинг бўйида  
Хўрсинади юз бора  
Офтоб ботиб қуйида  
Қайғуга солар қора.  
Қизгина емагин гам  
Хўрсинмак нега керак:  
Бугун ботса олдиндан  
Орқадан чиқар эрта...*

Усмон Носир шеърисидаги манзара билан бу шеърдаги манзарани солиштириб кўрсангиз, Гейне билан Носирий худди ака билан укадек кўринади. Лекин уларнинг дунёни қабул қилишлари ва дунёга муносабатлари ўртасидаги ғоят нозик ўзига хосликлар бунда жуда юксак ифодасини топади. Гейне ўта теран қочиримлар шоиридир. Эҳтимол бошқа ҳеч кимда қочирим, ғалати киноя бунчалар камолга етмагандир. Усмон Носир шеърларида эса некбинлик ва ҳазинлик: қон тупуриш ва эртани севишиб кутиш қоришиб ётади. Гейне қанчалар сўз, туйғу ва киноя даҳоси бўлса, Усмон Носир ҳам шунчалик сўз туйғуси ва хассослик даҳосидир. Хассослик эса фақат илҳомийдир. Шу маънода Усмон Носир — том илҳомий шоир...

*Тошкент, 1993.  
7 сентябрь.*

## ИЖОД МАЙДОНИ

### Одил Ёқубовнинг «Излайман» китобига сўз

Ёзувчига илҳомни ўз ҳаёти беради. Бошқалар ҳаётини тасвирлаётганда, ёзувчи ҳаёлни кувватини ўз ҳаётидан олади. Унинг ҳаётда кўрганлари, бошдан кечирганлари, кўнглидан ўтказганлари, фикр этганлари бошқаларда кузатганларига гўё бир хамиртуруш бўлиб таъсир қилади. Тасаввур кучи кишида қанчалар улуғ бўлмасин, лекин ҳаётда тиниқ сувдай бир жойда тиниб, кам уриниб, ўзини кам қийнаб, кўп кўрмай ўтаётган бўлса, у шунчалиқдан нарига ўтолмайди. Ким табиб — бошдан ўтган табиб деган ҳикматли сўз табибдан ҳам кўра ёзувчига кўпроқ тааллуқлидай бўлиб туюлади. Зотан одамларнинг суҳбатидан қочган ёзувчининг асаридаги диалоглардан одамлар қочади. Чунки улар одамни хуркитадиган даражада ҳаётдан йироқ сунъий, тўқима гаплардан иборат бўлади. Ҳаёт ҳар нарсадан кучли шундай санъаткордирки, у ўзини билмаганлардан, билиш шарт эмас, деб, димоғдор бўлиб юрганлардан ўшандоқ қаттиқ ўч олади. Ҳаётда ҳам тиниб-тинчимай, унинг буюк ва жонли китобини ўқишдан тўхтамаётган, доимо изланиш иштиёқи билан яшаётган ёзувчиларнинг асарларигина қизиқиш билан ўқилаётганлигининг, фикр уйғотаётганлигининг боиси ҳам уларнинг ҳаётни биз кўрмаган томонларини кўрганлигидадир.

Гапни узоқдан бошлаганимизнинг боиси шуки, қирларнинг қафтига яширинган бир қишлоқ бор. Бу қишлоқни «Девону луғотит турк»нинг муаллифи қадим ўғузларнинг шаҳарларидан бири деб атайди. Бу қишлоқ боғу боғотга кўмилган кўк бир маскан. Бу қишлоқ — булоқ қишлоқ. У қирларнинг бениҳоя гўзал кўзига ўхшайди. Бунда ноёб гуллар, ноёб мевалар боғ деворларидан ошиб ётади. «Қарноқ» унинг доқиюнусдан қолган номи. Қарноқ туркий халқларнинг эски сўзларидан. «Ҳарноқ эр» қориндор йигит дегани дейди Маҳмуд Қошғарий. Лекин қарноқ мажозан «кенг», «яғриндор», «улкан» маъноларини ҳам англатадики, қишлоқнинг номини шу талқинда тушунмоқ жоиздир. Қарноқ азалдан Туркистоннинг обод,

маданий ўчоқларидан ҳисобланади. Бунда қадимдан талай серталаба мадрасалар кўп эди, ҳозирда эса қувноқ, опшоқ мактаблар кўп.

Адабиётгимизни талай қиссалар, ҳикоялар билан бо-йитган, унинг ривожига маълум даражада ўз хиссасини кўшиб келаётган Одил Ёқубов мана шу қишлоқда туғилди. Болалиги муздек булоқларнинг кўзида, бепоён бугдойзорлар бағрида, олмазор, ўрикзор, жийдазор боғлар қучоғида кечди. Шулар уни шоир этди, шулардан у биринчи илхомни олди, шулар уни умр бўйи ўзига ошиқ қилди, шулардан уйғонган муҳаббат унинг қалбида олижаноб туйғуларни тарбиялаб вояга етказди.

Одил Ёқубовнинг бирон асари йўқки, унда шу гўзал қишлоқнинг таъсири, таъбири сезилмасин. Унинг роман, ҳикоя, қиссаларида тасвирланган кўп дилбар манзаралар, ажойиб одамлар, муносабатлар Одил Ёқубовнинг қишлоқда кўрган манзаралари, яқиндан билган одамларини эслатиб туради.

Баъзан ижод бизга аввалбошдан арзимаган бир турткидан бошлангандай бўлиб кўринади. Баъзан у синфда, мактабда биринчилардан бўлиш, деворий газетада фамилиясини кўриб тўлқинланиш, шунда қаламга ҳайрат билан тикилиш ва бошқаларни қойил қолдиришга ҳаракатдан бошланади.

Кўпларда ва эҳтимол, Одил Ёқубовда ҳам ёзиш иштиёқи шундай қуртак отгандир. Балки бошқа бир нарсадан ўз-ўзини англаш ва бошқаларга ҳам англатишдан, дардларни изҳор қилиб, кўнгил бўшатишдан — қанот пайдо қилгандир. Лекин нима бўлганда ҳам, ижод иштиёқи оддийликни енгилдан, оддийликдан юқори кўтарилишдан, яъни таассуротларни қоғозга тушириш учун занжирлаб қўйганда ҳам қайтмасликдан дунёга келади. Нима учун тўрғай живирлаб осмонга тик кўтарилиб, қуйлай-қуйлай милт-милт бўлиб кетади? У ерни ўзи билан осмонга олиб чиқиб кетмоқчимасмикин? Қуйининг ипига ерни боғлаб тортиб олмоқчимасмикин? Ерни сеҳрламоқчи эмасмикин? Ер ҳадеса унга эргашмагач, пастга тик отилиб, қайсарлик билан уни яна қуй илгагига илинтириб кўкка интилади. Тинимсиз, адоқсиз қуй ўқийди, дoston яратади. Бу — ерга ошиқ тўрғайнинг ижоди. Одам ҳам тўрғай каби ерни опичлаб кўкка кўтариб кетгиси келади. Лекин опичлаб кетолмайди. Ер ўз зил ўқи

атрофида айланади. Ер бошқаларга, бошқалардан яна бошқаларга қолади. Лекин ерда одамнинг ҳам дostonи қолади. Одам ҳам ўз дostonини яратиш учун ерни яхшироқ кўриши керак бўлади. Шунинг учун ҳам у ерга қасида айтмоқ қасдида парвоз қилади. Одил Ёқубовда, таъбир жоиз бўлса, парвоз хохиши эллигинчи йилларнинг бошларида пайдо бўлди.

У аввал болалар учун кичик кассалар ёзиб юрди. Шунда бирдан унинг «Икки муҳаббат» хикояси чиқди. Бу хикоянинг ичида эркин парвозга хохиш бор эди. Шу самимий хохиш одамларга ёқди. «Икки муҳаббат» Одил Ёқубов бошдан кечираётган изланиш жараёнларини ҳам маълум даражада акс эттирди ва бир муайян нуқтага етказди. Менга Одил Ёқубовни ёзувчи даражасига кўтарган «Муқаддас»да ҳам, ундан кейин яратилган «Ларза», «Тилла узук», «Бир фельетон қиссаси» каби асарларда ҳам шу «Икки муҳаббат»дан эргашиб келаётган бир ўзак нарсa борга ўхшайди. Буни, янглишмасам, инсоннинг ўз-ўзини очишга, ўз майлини намойиш қилиш, иродасини кўрсатиш ва тасдиқлашга бўлган интилиш деб аташ мумкин. Булар ахир ижод ва ижодкор учун ўзак, асос нарсалар эмасми? «Ларза»да раис Муталнинг, «Бир фельетон...»да Салтанатнинг, «Тилла узук»да Розиянинг, «Эр бошига иш тушса...»да Барнонинг бошига оғир тухматлар тушади. Булар бўхтонларга қарши курашда чиниқиб пишадилар, сувнинг шамол теккан жойи қанчалар зилол ва тоза бўлиб кўринса, булар ҳам бўхтон қаршисида шунчалар тиниқ ва тўлқинли бўлиб кўринадилар.

Яна шу ўринда Одил Ёқубовнинг кейинги пайтларда яратган «Матлуба», «Қанот...», «Излайман» қиссаларида қахрамонларини кўпроқ ички уринишларда, ички изланишларда кўрсатиш йўлидан бораётганлигини, қахрамонлар табиатидаги драматик тангликни аввалги асарларида бўлгани каби кўпроқ ташқи таъсирлардан эмас, уларни ўз ички дунёси тугёнларидан келтириб чиқаришга уринаётганлигини таъкидлаб ўтишга тўғри келади. Фаришта сурат қиз Матлубанинг покиза ва тиниқ севгиси оқибатда тоқ севги бўлиб қолганлигининг сабабини қидирадиган бўлсак, уни қахрамон юрагида содир бўлган худди шу драматик тангликдан тонамиз. Матлубада юксак даражада тарбия топган ҳаё сезгиси у севган йигит-



даги ўта эркинликка, Матлуба назарида эса шу ўта эркинлик ичига кирадиган ёки ундан келиб чиқадиган бе-хаёлик, ибосизликка қарши оёққа туради. Матлубанинг севгиси жиловсиз эркин тан олмайди, ўзига сингди-ролмайди. Ҳаё, дунёқараш, уят сезгиси муҳаббатдан голиб чиқади. «Қанот...» повестининг қахрамони Акрамда ҳам, тўғрироғи, Акрамнинг онгида, юрагида кучли кураш бо-ради. Бу анъаналар ва янгиликларнинг нисбати, нисбат-лар ўртасидаги тўқнашувлардир. Акрам замонавийлик ва анъаналарни бир-бирига сиғди-ролмай, ковуштирол-май, ўзи улар ўртасидан энг тўғри йўлни тополмай оғир изтиробларга тушади. Повесть ўткинчи туйғуларнинг ин-кирози, инсон юрагида абадий голиб хиссиётларнинг тан-танасини ўз қахрамонларининг изтироби, изланишлари орқали ёркин гавдалантириб беради.

Изтиробли изланишлар...



Бу повестда ақлни шоширадиган фавқулодда сюжет ҳаракатлари йўқ. Унда ўтган урушда янграган сўнги тўп садолари, сўнги машаққатли йўллар. Бу йўлларда улфайган, матонат орттирган кишилар ҳақида хикоя қили-нади.

Бунда йўқ ердан тўкиб чиқарилган қахрамонликлар, юракни увиштирадиган, дилни ўйнатадиган, қаттол қалам-пирдай баданни жувиллатадиган қийинчиликлар, изти-роблар, ўртаниб-қуйишлар учрамайди. Ёзувчи ўзининг ҳаётда кўрганларидан бир шингилини дўстларига суҳбат ўртасида сўйлаб бераётгандай бўлиб туюлади. У даврага баланд, хашаматли, атроф-тумонотга етгулик гулхан ёқмоқчи эмас. Бу йўлда бораётган одамнинг камтаргина гулхани. Лекин у йўловчиларга узоқдан ҳам, яқиндан ҳам баралла кўриниб, ўз даврасига тортиб туради. Ки-тобхонда бу гулханнинг ҳароратига шерик бўлиш иштиё-кени уйғотади.

Авалло шуки, повесть ёзувчининг ўз бошидан кечир-ган, кўз ўнгида содир бўлган воқеалар асосида ёзилган. Иккинчи жаҳон урушининг сўнгида совет қўшинлари Гоби саҳроси, Хинган тоғларидан ўтиб, япон қўшинла-рининг орқа томонидан чиққан ва уларга қашатқич зарба берган эди. Ўн саккиз яшар кўнгилли солдат Одил Ёқубов бир қанча ўзбек йигитлари қатори мана шу тари-

хий операцияда иштирок этгач, оғир сафар машаққатларини тортиб, қиска, лекин шиддатли жангларда қатнашган эди. У уруш тугагач ҳам хийла вақт Узоқ Шарқда кўшинлар сафларида хизмат қилди.

Бу йилларда бошдан кечирганларини у кўп вақтлар кўнглига тугиб юрди, бу асаргача самимият ва лиризм билан суғорилган, кишлоқ ҳаётининг бой манзараларини акс эттирган талай повестлар, хикоялар, романлар ёзди. Ва ниҳоят, уруш ҳақида кўнгилда узоқ тугиб юрилган асарнинг ғояси, шакли етилиб пишди. Ёзувчи повесть вокеликларининг кўпида ўзи озми-кўпми иштирок этганиданми, асарда одамни ишонтирмайдиган гаплар деярли учрамайди. Китобхон повесть вокеаларининг ҳаётийлиги, чинлигига сира ҳам шубҳа қилмайди. Қайси бир ўринларда ўн саккиз яшар шоиртабиат йигит номидан хикоя қилиб бераркан, у ёзувчи билан бир шахсдай англанади. Лекин бу шундай ҳам, шундай эмас ҳам. Чунки солдат Мансур Муродов ҳали шоир ёки ёзувчи бўлиб улгурмаган, лекин табиатнинг шу мубороқ хамиртурушидан бенасиб бўлмаган ғўрроқ, сахройироқ, лекин самимий бир йигитча образидир. У жуда кўп пайтларда ўзини панага олиб, кўпроқ капитан Даврон ва унинг дўстлари тақдирини хикоя қилишга, китобхон кўзига кўпроқ шуларнинг ҳаётини кўрсатишга интилади.

Повестда Одил Ёкубов қатор ёш солдатлар образларини чизди. Булар Волгадан Берлингача уруш йўллари ни босиб ўтиб, мана энди япон милитаристларига қарши жангга отланган кекса солдатлар уруш ветеранларига ҳавас кўзи билан боқадилар. Улардан ўрганишга, улар олдида паст кетмасликка қаттиқ тиришадилар. Улар, айниқса, батальон командири капитан Даврон Ғозиевга қаттиқ меҳр қўядилар. Бу туйғу Мансурда ҳаммадан ҳам кучлироқ намоён бўлади. Шунинг учун ҳам, унинг оғзидан Даврон Ғозиев тушмайди, кўзи эса қаерда бўлмасин Даврон Ғозиевни излаб топади.

Одил Ёкубов ёш солдатларнинг ветеранларга бўлган муҳаббатини тасвирлар экан, уларни чинакам муҳаббатига сазовор кишилар сифатида жонли талқин эта олган. Ёзувчи капитан Даврон Ғозиев, кичик лейтенант Оля Куприянова, катта лейтенант Харитонов, старшина Сало сингари кекса солдатлар ўртасидаги солдатча ме-

тин дўстликни, садоқатни, муҳаббатни ҳаётий, ишонарли қилиб тасвирлай олган.

Ёзувчи ўз қаҳрамонларида мана шундай хислатларни яланғоч ифодаламай, уларни қизиқарли воқеаларнинг мағзига сингдириб юборади. Воқеалар эса мунтазам бир такомилга эга.

Асарда жараёнлар узлуксиз тугунлар ва уларни қизиқарли ечиш орқали кечади. Биринчи тугун капитан Давроннинг «қорасувлик» йигитлар — Мансур, Арслон, Мирҳайдарлар билан учрашувида, уларнинг бундан ўзаро мамнун бўлганликларида кўринади. Капитаннинг «Қорасув» деган қишлоқни, шу қишлоқлик тегирмончининг кизи Саломатхонни билишлиги Мансурнинг кўнглида тугун пайдо қилади. Повестнинг қатор воқеалари шу тугун орқали ривожланади.

Мансур ўша шаҳарга ўқишга кетган гўзал Саломатхонни «йўлдан уриб» қишлоқ йигитларини доғда қолдирган, шов-шувларга сабаб бўлган фарғоналик йигитнинг ўзи шу капитан Даврон эмасмикин, деган ҳаёлга боради. Бу чиндан ҳам, Саломатхонни олиб қочиб кетаётган йигитлар қўлидан қутқарган, уни деб хийла азиятлар тортган чапдаст фарғоналик йигит бўлиб чиқади. Мансур билан танишган чоғларида эса у қишлоқдан, Саломатхондан хат ололмай, у ҳақда тухмат гаплар эшитиб, ўртаниб юрган пайтлари бўлади.

Иккинчи тугун батальон фельдшери ажойиб рус кизи Оля Куприянова тақдири билан боғлиқ. Оля билан капитан Даврон ўртасида аллақандай жуда яқин муносабатлар, дўстона сирдошлик бор. Мансур бу муносабатларнинг тугал маъносини англаб етолмайди. Капитан Оляни севади деб айтай деса, бу ёқда Саломатхон бор. Севмайди дейишлик учун эса, улар бир-бирларига ниҳоятда яқин, ғамхўр, меҳрибон бўлиб кўринадилар. Шунинг учун Мансур ёшлигига бориб, дам Саломатхонни Даврондан, дам Давронни Оля Куприяновадан, Оляни эса капитан Ногаевдан қизғаниб юради. Мансур учун ноаниқ ҳолат бу ҳам бир тугун — шу тариқа иккитага етади. Ўқувчи ҳам бу воқеаларга Мансурнинг кўзи билан қарай бошлайди. Тугунларни тезроқ ечгиси, сирли муносабатларнинг тагига етгиси келади.

Лекин, асарнинг бошқа бир катта тугуни ҳам бор. Ҳали қийин-қистов кўрмай қирови тўкилмаган ёш сол-

датлар япон босқинчиларига зарба бериш учун кимсасиз, сувсиз Гоби сахросини, мушкул Хинган тоғларини босиб ўтишлари керак. Бу машаққатли сафарда Мансур, Арслон, Шоюсуф, Мирхайдар каби уруш нелигини билмаган солдатларнинг бошидан нималар кечиши мумкинлиги, уларнинг бу синовга қандай бардош беришлари маълум эмас. Бу — сафар ва синов тугуни. Ёшлар бу сафардан товланиб, чинакам йигит бўлиб чиқадилар.

Бу тугунларга капитан Ногаев муаммоси уланади. Бу одам жуда пўрим, олифта, аёлларга муомалада чапдаст ва «олғир» интендантлардан. У Оляга «илакишади», кизнинг кўнглини турли йўллар билан овлай бошлайди. Олянинг эса унга қандай муносабатда бўлиши, бунга капитан Давроннинг нима деб қараши қизиқарли интригалардан бирига айланади.

Мана шулар повестнинг ривож нукталарига боғланган, шу ривожни тезлаштириб, бир изга солиб, унга энергия бериб турган — муаммолардир. Лекин, гап шундаки, муаммолар шулар билан барҳам топмайди. Тугунларнинг ечими жараёнида ахлоқий-этик йўналишдаги бошқа бир муаммолар келиб чиқади ва повестнинг асосий оқимини тўлдириб, уни яхши маънода сербахра қилиб боради.

Одил Ёқубов китобхоннинг диққатини мана шундай воситалар билан ўзига жалб қилиб, унинг эътибор ва муҳокамасига тобора қизиқроқ, маънилироқ ҳаёт қатламларини ҳавола қилишга киришади.

Акс эттириляётган қатламларнинг чуқурлиги унда ҳаракат қилаётган одамларнинг жонлилиги, характер табиати ва шахсий микёсларига боғлиқ бўлади. Ёзувчи воқеаларнинг ҳаракатчанлигига қанча кўп эътибор берса, қахрамонларининг жонли ва ҳаётгий чиқиши учун шунча кўп жон куйдиради. У ҳар бир қахрамонни, ҳатто энг кичик персонажгача ишонарли гавдалантиришга жиддий эътибор беради. «Излайман»да ўн бешга қадар (ўртача повесть учун сон жихатидан кўпроқ) қахрамоннинг бўлишига қарамасдан, уларнинг деярли барчаси ўзининг характерли белгилари, жонли чизиқлари билан ажралиб туради. Бу жихатдан, айниқса, ёзувчининг капитан Даврон, Оля Куприянова сингари образлари кўнгилдагидек чиққан. Комбат Даврон Ғозиев урушнинг кўп аччиқ-чучукларини тотган одам. Барча ветеранлар каби унинг

хам кўкраги орден-медалга тўла. Повестда у матонатли, шердил, харбий иктидорга эга бўлган қаттиққўл, аини чоғда ўктам бир одам сифатида тасвирланган. Адабиёти-мизда харбий лаёқати кучли, кийин уруш шароитларида мустақил ҳаракат қила биладиган ўзбек командирлари образи етарлича яратилмаганини эътиборга олган ҳолда, комбат Даврон Ғозиев образини Одил Ёқубовнинг ютуғи деб баҳолаш керак бўлади. Даврон Ғозиев адолат хисси тарбия топган, воятда ориятли, масълага чуқур қарайдиган, мулоҳазаси кучли одам сифатида гавдаланади. У ёшларни жангда, машқда чиниктиришга, матонатли қилиб тарбиялашга катта аҳамият беради. У оғир яраланиб ўлим тўшагида ётганида ёшларга қарата мана шундай гапларни айтади: «Ҳа, эсларингда бўлсин, хар бир солдат ўз халқининг армиядаги вакили! Бошларингда қандай иш тушмасин, нолиманглар! Халқимиз номига иснод келтирманглар. С-сенга 6-батальондаги ҳамма ҳамшаҳарларга айтадиган 6-битта васиятим — шу, ука!» Бу гапларни бошқа бирон кимса айтганида, эҳтимол, унчалик таъсирли чикмаслиги мумкин эди. Лекин уруш оғирчиликларини, фожиаларини кўрган камтарин бир командир тилида бу сўзлар ўзгача қувват, салмоқ касб этади.

Одил Ёқубов жанг чоғлари ҳам уларни кўпроқ ўлим эмас, мухаббат ва хижрон қийнаганлигини, ноҳақлик ўртаганлигини, бу оддий инсоний туйғулар кишини ҳеч қачон, ҳеч қандай шароитда тарк этмаслигини яхши ифода қилиб беролган.

Повестда ёзувчи эришган жиддий ютуқлардан яна бири деб, унда образлари тасвирланган Оля, Харитонов, старшина Сало, Вася Колбаскинни таъкидламоқ ўринлидир. Одил Ёқубов бу образларнинг хар бирини ўзига хос жонли белгилари, характер хусусиятлари билан гавдалантиради.

Уруш айрилиқларсиз бўлмайди. Капитан Давронга бўлган бенихоя покиза мухаббати жавобсиз қолган ажойиб рус кизи Оля Куприянова фожиона ҳалок бўлади. Комбат Даврон Ғозиев жангда оғир яраланиб ўлади. Буларнинг ҳалокати урушнинг маънавий разолатини янада бўрттириб кўрсатади. Йўқотишларнинг микёсини, оилаларнинг мусибатини повестнинг сўнг боблари янада ёркинроқ, янада шоиронароқ қилиб чизди.

Мусибатда ёлғиз мухаббатнинг кудратига суюнган Саломатхоннинг покиза калби, зўр садоқати, ибратининг кучи билан қаттиқ хаяжонга солади.

Одил Ёқубов бу асаарида ҳам Пушкиннинг прозанинг онаси соддалик ва ҳаққониятдир, деган гапларига амал қилади.

У воқеликни бежаб-безантирмай, унинг ўзини мароқли қилиб ҳикоя қилиш услубини ёқтиради. Лекин, бу услуб, Пушкин, Чехов, Толстой, ўзбек адабиётида эса Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор ва улар билан изма-из келаётган Шухрат, Пиримқул Қодиров, Саид Аҳмад, Ўлмас Умарбеков, Учқун Назаров, Ўткир Хошимов услуби — ёзувчидан улкан тажриба ва маҳорат талаб қилади. Бу услубга амал қилувчи учун бир повестни яратишга олти ой эмас, олти йил ҳам камдир. Одил Ёқубов эса шу талабни яхши ҳис қиладиган ёзувчи. Бинобарин, повестнинг илк бобларида жонли ҳиссиётлар анча енгил эканлигини, умуман эса адабий-бадиий приёмларда, аллақим яқинда таъкидлаб ўтгандай, бирмунча сийқаликлар ҳамон учраб туришини, персонажлар ҳаддан ортиқ кўпайиб, сочилиб кетганлигини айтиб ўтсак, юқоридаги талабнинг маъноси янада ойдинроқ бўлади. Зотан шунда очқаган йўлчи белига туккан нонини йўлда унутиб юрмайди.

Одил Ёқубовнинг кўп гўзал қахрамонлари учрашувга оппоқ ипак кийиб, бир ҳуснларига ўн ҳусн кўшилиб, борадилар. Унинг барча асарлари китобхон билан учрашувга шундай покиза рух билан покиза туйғулар уйғотиб боришига ишонгимиз келади.

## ОДИЛОНА

Одиллик ва дадилликнинг бадиий инъикоси

*Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовнинг  
80 ёшига бағишланади*

Бу катта сарбаланд тоғ. Унинг қаърида буюк вулқон ўчоғи бор. Ўчоқда тинимсиз олов қайнайди. Етилган лаваларни ўз ичида сақлаб туролмайди, дам-бадам уларни ер юзига ошқор қилади. Одамлар вулқоннинг қайноқ нафасини доим хис қилиб турадилар. Бу вулқон жўш урганда унинг кудрати Ўзбекистондагина эмас, Москвадан тортиб Япониягача сезилиб туради. Ўқувчи, муҳлис, адабий жамоатчиликнинг сезгир сейсмик аппаратлари унинг безовта қалб тебранишларини қайд этиб борадилар.

Табиат бу зотга шижоат ва одилликни ато этди. Ўзбекча содда қилиб айтсак, бу тўғрилик дегани. Лекин фарқи бор. Одиллик барча тўғриликларнинг отаси ва фалсафасининг булоғи. Шуниси ҳам борки, ҳамма ҳам баробар одилликни ёқтиравермайди. Бу ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Лекин одиллик барча замонларда, барча одамлар наздида ҳурматга лойиқ.

Адиб Одил Ёқубов доим қайнаб яшайди.



Китоб жавонимда «Тенгдошлар» деган бир китоб сақланади. Уни 1952 йилда акам берган хайитликка Эски Жўвадаги машҳур дўқондан сотиб олганман. (Бу дўқонда болалигимда соатлаб турли китобларни томоша қилардим).

Китобни дарҳол ўқиб чиқиб, дунёга яхшилик тиловчи, одамларга яхшиликни соғинувчи бир одам келганлигини ўсмир юрагим билан туйганман. Бу китобни ҳамон сақлаб юраман. Нима учун? У жўшқин бир дарёнинг бошланиши бўлгани учун. Уни йўқотиб, назардан қочириб қўймаслигим керак. Негаки, ўша китобдан сўнг тенгдошларимга эътиборли бўлганман, дўстликни кадрлашни билганман. Бунинг устига билдимки, тенгдошлар одам

нинг ойнаси бўларкан. Уларга қарайсану ўзингни кўрасан. Разм соласану ўз ичинг аён тортади. Муҳаббат оқибатга тенг. Ёки муҳаббат оқибат билан мазмундор. Оқибати бўлмаса, муҳаббат нимаикан ўзи?.. «Тенгдошлар»дан ёш бошимга шундай сабоқ чиқарганман. Кейин тақдир тақозоси билан бу илк китобнинг муаллифи Одил Ёқубов билан ўн икки йил Давлат бадиий адабиёт нашриётида (1970–1982) ва олти йил «ЎзАС»да бирга ишладик. Нашриётда бир хонада (20-хона) рўпарамарўпара ўтириб нашриётчилик ва у билан чамбарчас боғлиқ ижодий ишлар билан шуғулланардик. «Тенгдошлар»ни унга совға қилмоқчи бўлдим. Хаёлимда балки унда сақланмагандир дедим. У эса: «Йўк. Ўзингизда тураверсин. Мен архив йиғишга унчалар ишқивоз эмасман. Бунинг устига сиз танқидчисиз. Керак бўлиб туради», деб айтди. Одил Ёқубов нашриёт ишларининг сезиларли олға силжишига катта ёрдам қилди. Унинг қўлидан кўп романлар, кассалар, насрий таржима адабиётлари сайқалланиб ўтди, китобхон қўлига етиб борди. Нашриётда унинг вақти қўлёзмаларни ўқиш билан ўтарди. Кечда уйига ҳам бир эмас бир неча папкаларни қўлтиғига қисиб олиб кетар, эртаси ўқиб келар, муаллифлар билан дилдан ўтириб бафуржа суҳбатлашарди. Нашриётчилар ҳаммамиз Одил Ёқубовнинг нашриётимизга келгани, ижодий ишларни яхши юриштирганидан хурсанд эдик. У қўлёзмалар ҳақида жуда ишончли, мутахассис ижодкорга хос фикрлар айтарди. Ёшу қари адиблар қабул қилишарди унинг фикр-мулоҳазаларини ва ишонишарди.

У бир пайтлар Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи бўлиб ишлаб, қўлёзмалар устида ишлашда анча тажриба орттирган эди. Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи ёзиб тугалланганда Одил Ёқубов унинг қўлёзмасини шиддат билан ўқиб кейин бўлган барча жараёнларда романни каттиқ туриб ёқлаб ўз фикрида ҳамма давраларда мустаҳкам турган эди.



Кейин «Тенгдошлар»нинг ёнидан бирин-сирин ёзувчининг янги-янги китоблари жой олди. Адибнинг йиллари бағоят серҳосил бўлди. У вақтни бекор кетказишни беҳад ёмон кўрар, вақти нафсиз ўтаётганини кўрса бундан каттиқ ранжир, ранжиётганини яшириб ҳам ўтир-



мас, баъзан эрта оқарган сочлари тикка-тикка бўлиб кетарди. Дунёда Худо ёмон кўрган иш фойдасиз машғулот, бекорга сарф бўлган вақт экан. Одил Ёқубов вақтининг кадрига етар ва уни ўз ижодининг камолига хизмат қилдира биларди. Шунинг учун кейинги эллик йил мобайнида «Тенгдошлар»нинг ёнига қатор-қатор йирик романлар, қиссалар, хикоялар, драматик асарлар, очерклар, бадиалар келиб қўшилди. Катта ижод саф тортди. Улкан карвонга айланди.

\* \* \*

Одил Ёқубов бахтли адиб. У иккинчи жаҳон урушида ёш кўнгилли аскар каби иштирок этди. Узоқ Шарқда Гоби саҳроларини марш билан босиб ўтди. Қочаётган япон кўшинлари ортидан то Хинган тоғларигача борди. Бу синов унинг ҳаётида сезиларли из қолдирди. У ҳарбий сафарларда чиникиб эр йиғит бўлиб етилди. Уруш йиллари отасини «халқ душмани»га чиқариб ноҳақ айблаб қамаганларида жуда эзиларди. Эзилган қалбда адабиётга улуғ бир меҳр уйғонди. Адабиёт доимо одиллик тарафида бўлгани учун бунга яхши фаҳмлаб уни севди. Сафар халтасида Абдулла Қодирийнинг романлари бор эди. Уларни тинимсиз ўқирди. «Ўтган кунлар» унга ёд бўлиб кетди. Нашриётда ишлаган кезлари ўзининг Гоби саҳросида бошидан кечирганларини ёзиб, «Излайман» деган қисса яратди. Ношир каби эслайман. Бу қиссани биргаликда ҳўб ўқиганмиз. Баҳслар қилганмиз. Баҳсларимизнинг охири менинг «Излайман» китобига сўз ёзишим билан ниҳояланди. Бундан илгарироқ адиб нашриётга «Қанот жуфт бўлади» деган янги қиссасининг қўлёзмасини топширган, уни ҳам бирга ўқиб хайрли муҳокама-лар қилган, қисса 1970 йилда нашр этилиб ўқувчилар томонидан муҳаббат билан қарши олинган эди. Бошқаларга ва адибнинг ўзига қандай билмадимۇ лекин назаримда «Қанот жуфт бўлади» асари Одил Ёқубов ижодида катта бурилиш бошланганидан дарак берган эди. Гарчи бу асаргача унинг аллақанча драмалари сахналарда ўйналиб, баҳслар, мунозаралар бўлиб, «Икки муҳаббат», «Тилла узук», «Муқаддас», «Бир фелъетон қиссаси», «Эр бошига иш тушса», «Матлуба» кенг ўқувчиларнинг муҳаббатини қозониб улгурган бўлса-да, «Қанот жуфт бўлади» ёзувчининг янги маҳорат поғонасига

чиқаётганлиги, услубда катта мумтоз проза услубига яқинлашаётганлиги, ўрганиш-изланиш даврининг илк ўн беш йили тугаб, янги санъаткорлик даврига кириб бораётганлиги аён сезилиб турарди. «Матлуба»да нишон берган бу санъаткорлик «Қанот жуфт бўлади»да батамом шаклланиб етган эди. Қиссанинг бир ерида унинг қахрамони Акрам севган қизини гўзал табиат оғушида интизор кутаркан, «Акрам гуллаб турган жийда навдасига юзини босди» деб бир гўзал тасвир бошланади. Шу гўзал жумла тасвирда адибнинг бутун борлиғи намоён бўлди. Балки муболага бўлиб кўринару, лекин ўша пайтда наздимда буюк эпопеялар ёзишган Михаил Шолохов ёки Марсел Пруст каби адиблар бундай жумлаларни ўқисалар эди, албатта ёзувчи махоратига тан берган бўлардилар, деб ўйлаганман. Бу қиссада тасвирлар шунчалар бой, самимий, гўзал эди.

\* \* \*

Одил Ёқубов нашриётда ғоятда баракали ишлади. Илгари «ЛГ»да Ўзбекистон бўйича мухбир бўлиб ишлаб тинимсиз югур-югурлар, тинимсиз сафарлар, тинимсиз ҳаққоний материал учун курашлардан тиниб нашриёт каби сокин бир масканда таассуротларни жамлаб олиш, ўтган йўлга назар солиш, келажакни қуриш режаларини кўздан кечириш имконияти туғилгандай эди. Тасаввур қилинг: ёзувчи шу етмишинчи йиллар орасида кетма-кет «Улуғбек хазинаси», «Диёнат» ва «Кўхна дунё» (1982) романларини ёзиб ўқувчига тақдим этди. Адиб бу пайтда эллиқни қоралаган эди. У тинимсиз адабий гурунгларда, ўқишларда қатнашарди. Ниҳоятда кўп ўқирди. Тендряков, Шукшин, Белов, Астафьев, Распутин, Айтматов, Нурпейсов, Васил Биков, Дудинцев асарларини ўқиб давраларда улар хақида суҳбатлар қуради. Бу ёзувчиларнинг асарларида кўринган кучли реалистик тасвир, ҳаёт ва инсон тақдирларининг ўта зиддиятли масалаларини кескин кўтариш ва ҳал қилишга жуда қойил қолар ва улардан ўта хавасланар, кучли таъсирланарди. У Лев Толстой асарларини муттасил мутолаа қилар, «Тирилиш», «Анна Каренина», «Крейцер сонатаси» ва айниқса, «Ҳожимурод» асарларини худди асар ёзгандай ўқир, фикрлашар, ўзига ҳаётий, бадий хулосалар чиқарарди. Бу асарларни у сувдай биларди ва севарди.

Одил Ёкубов етмишинчи йилнинг охирида Колумбия адиби Габриел Гарсиа Маркеснинг «Сто лет одиночества» («Юз йил танҳоликда») ва «Осень патриарха» («Бузрукнинг кузи») асарларининг китобини Москвадан топиб келди. Уларни бизга ҳам албатта ўқишни тавсия қилди. Бир неча йиллар бу фавкулудда қудратли асарларнинг таъсирида юрди. Бу пайтда мен Достоевскийнинг «Жиноят ва жазо», «Телба» романларини таржима қила бошлаган эдим. Одил Ёкубов менинг Достоевскийга каттиқ қизикқанлигимни кўриб, «Ибройимжон, Герценнинг «Былое и думы» асарини ўзбекчага албатта ўғриш зарур. Ким буни қила олади? Ўзингиз бир уриниб кўрмайсизми?» — деган таклифни билдирган эди. Бу ўқишлар унга куч берар, ижодий парвозларга илхомлантирарди. Бир куни у «Правда Востока» газетасида кизиқарли материал сифатида босилган Али Қушчи томонидан Мирзо Улуғбек китоблари, қўлёзмалари, олтин жавохирларининг ҳеч ким билмас тоғларда яшириб кўмилиши ҳақида ўқиб қолди-ю, бутун тинчлигини йўқотди-қўйди. У эртаю кеч шу ҳақда ўйлайдиган, шу ҳақда гапирадиган, шунга алоқадор бошқа материаллар ва фактларни қидирадиган бўлди. Бирон йил шундай безовта тинимсиз ахтаришлардан сўнг унда бу ҳақда катта асар яратиш ғояси ёнди. У жуда тез ишлади, романни калласида ёзиб битирди, ундан сўнг қоғозга туширди. Ишонарли, ҳаққоний роман дунёга келди. Китобхон бу асардан ғоятда мутаассир бўлди. Тарихий роман ҳақидаги тасаввурларимизни Қодирий, Ойбек, Алексей Толстой асарларини ўқиб олган эдик. «Улуғбек хазинаси» тарих ва тарихий персонажларга замонавий ёндошув тажрибасини берди. Воқеалар ва кучли зиддиятлар, инсон қисматлари фожиаларини реалистик услубда тасвирлаш, ёритиш, тарих ҳақиқатини рўй-рост очиш йўли очилди.

\* \* \*

«Улуғбек хазинаси»нинг муваффақиятидан сўнг Одил Ёкубов гурунгларида тарих ва тарихий шахслар ҳақидаги суҳбатлар яна ҳам қизиди. Роман тарихимизга янги-ча қараш ва муносабатни шакллантирди. Мен ҳам кутубхонамга Рим, Юнон, Араб тарихчиларининг асарларини жамлай бошладим. «Муқимхон тарихи», «Убайдуллонома»ларни ўқиб, каттиқ таъсирландим. Тарихимиз улуғ

кўриқ бўлиб ётганлигини тасаввур қилдим. Шу пайтларда Абулфазл Байхақийнинг рус тилига таржима қилиб нашр этилган «Тарихи Масъудий» китоби тушди. Бу жуда йирик асар «Тарихи оли Маҳмуд» асарининг фақат бир қисмигина экан. Бунда ғазнавийлар даври воқеалари шунчалар таъсирли ёритилган эканки, бир қанча вақтлар бу асар таъсирида юрдим. У ҳақда Одил Ёқубовга ҳам бир қанча гурунгларда хикоя қилиб бердим. Адиб бу тарихга самимий қизиқиб қолди. Байхақийнинг китобини бериб туришимни сўради. Китобни ўқиди-ю унга батамом асир бўлди. Унда катта ижодий ғоя туғилди. «Кўҳна дунё» шу тариқа дунёга келди. Мирзо Улуғбек, Али Кушчи, Абдуллатиф образларидан сўнг Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Ғазнавий сингари улкан тарихий шахслар ёрқин сиймолари образларининг теран бадиий маҳорат билан яратилиши адабиёт дунёсида катта воқеа бўлди.



Одил Ёқубов 1976 йилда элик ёшини ўз ўқувчилари, энди давраси жуда каттайган мухлислари, адабий жамоатчилик билан бирга қизгин нишонлади. Ўқувчининг ўз асарларига бўлган чексиз меҳр-муҳаббатини кўрди. Ўша тантанали анжуманда у китобхоннинг меҳр денгизида чўмиларкан, бу меҳрга жавобан тўлқинланиб: «Сизнинг бу меҳр-муҳаббатингизга мен бундан ҳам кўпроқ ишлаш, бундан ҳам кўпроқ ва яхшироқ асарлар ёзиш билан жавоб бераман. Мен ўзимни асар ёзадиган паллам келганлигини сезяпман», деган эди. Адиб роса тўлган, етилган экан, бу ваъдаси ерда колмади. Ваъдасини хатто ошириб-тошириб адо этди. Ўқувчиларига ўзбек халқининг замонавий ҳаёти ва бу ҳаётнинг ўткир муаммолари кўтарилган «Диёнат», «Оқ қушлар, оппоқ қушлар», «Адолат манзили», «Қайдасан, Морико», «Музаффар Темур», «Бир қошона сирлари» каби асарларини тақдим этди. Чингиз Айтматовнинг 70 ёшини Бишкекда бутун дунё жамоатчилиги иштирокида нишонланганда, унинг дунё тилларида чиққан асарлари улкан бир залга йиғилиб, намоёиш қилинган эди. Бир одамнинг шунчалар кўп китоб эгаси бўлиши мумкинлиги одамни ҳайратга солмай, лол қилмай иложи йўқ эди. Мана, адибимиз Одил Ёқубовга шундай шарафли қисмат насиб бўлаётир.

Унинг китоблари, жаҳон тилларидаги таржималари жамланса, шундай шукуҳли, файзли бир уй китоб бўлади. Улар бир заҳматкаш ижодкор инсоннинг пешона тери билан яратилган. Меҳнат, истеъдод инсонни қанчалар улуглаш, сарафроз этиши мумкин.

• • •

Одил Ёқубов Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Фафур Фулом, Чингиз Айтматов, Абдужамил Нурпейсовларнинг суҳбатларини кўп тинглади. Улар ижодидан ўзига жиддий ижодий сабоқлар олди. У узок йиллардан буён Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Шукрулло, Рамз Бобожон, Иброҳим Раҳим, Раҳмат Файзий, Асқад Мухтор, Ҳамид Фулом, Суннатилла Анорбоев, Саъдулла Кароматов, Максуд Қориев сингари ёзувчилар, Раҳим Бекжон, Исо Жаббор, Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Ҳибзиддин Муҳамедхонов каби кўп олим уламолар билан елка-елка туриб самимий, дўстона, ибратга тўлиқ мулоқотлар қилди. Закий, зариф Саъдулла Сиёев, жўшқин, дилбар Ашурали Жўраев каби талантли шогирд-издошлар етиштирди. Кўп ёш мунаққидларга хомийлик қилди, уларнинг адабиётда ўз ўринларига эга бўлишларига кўмаклашди.

• • •

Мустақиллик хаволари адиб Одил Ёқубов талантига янги-янги имкониятлар очди. Давлат тили қанот ёйди. Ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаётдаги мавқеини кўтарди ва мустаҳкамлади. Тил тўхтовсиз равишда янгидан янги тушунчалар, терминлар, сўзлар билан бойиш палласига кирди. Атамақўм раиси сифатида Одил Ёқубов бу тарихий жараёнга ўз хиссасини қўшди. Марказий Осиёнинг янги мустақил давлатлари ўз маданиятларини яқинлаштириш, дўстлик, қардошлигимизни янги босқичга олиб чиқишга интилиб, Маданиятлар Ассамблеяси тузишга қарор берилганда, озодлик йўргаклаган шу олижаноб ташкилотга Чингиз Айтматов президент, Одил Ёқубов вице-президент этиб сайланди. Одил Ёқубов бу юксак масъулиятли жабҳада муҳим ташкилотчилик ишлари олиб борди. Адибнинг асарлари Давлат мукофоти билан тақдирланди. Улкан ижодий, ижтимоий фаолияти учун адиб «Дўстлик», «Эл-юрт хурмати» орденлари нишондори бўлди.

Одил Ёкубов эҳтиросли, серхаяжон адиб. Унинг ижодий, инсоний қиёфасида шижоат ва матонатнинг алоҳида белгилари турфа жилоларда зуҳурланади. Етмишинчи йилларнинг охирида у роман тафаккури, реалистик тасвир ходисалари устида Умарали Норматов билан суҳбатлаша туриб, қани энди иложи бўлса, ўзимнинг олтмишинчи йилларда ёзган китобларимни ҳозир бошқатдан бошқача ёзган бўлардим, деган гапни айтган эди. Ўшанда у ўзининг реализм ва роман тафаккури борасидаги эстетик принципларини асослашга, бадиий маҳоратга бўлган қарашларини баён қилишга уриниб кўрди. Ва бир қатор кимматли фикр-мулоҳазаларни ўртага қўйди. Одил Ёкубовнинг олтмишинчи йиллар — ижодининг илк даври асарларини етуклик палласига кирганда бошқатдан ёзиш ҳақидаги фикри албатта эҳтирос билан айтилган фикр. У ўша даврнинг асарлари заиф экан-да деган маънони бермайди асло. Ўз даврида у асарлар ўқувчиларнинг катта меҳр-муҳаббатига, олқишларига сазовор бўлган эди. Одил Ёкубовнинг кенг шуҳрат қозongan машҳур ишларидан бири — унинг қайта қуриш даврида Москвада халқ депутатлари курултойида сўзлаган оташин нутқи. Денгиз пўртанасидек янграган бу нутқ ТВ орқали бутун дунёга намойиш этилган ва жуда катта ижтимоий таассурот уйғотган эди. Одил Ёкубов ўшанда ўзбек дехқонининг қисмати ҳақидаги барча аччиқ ҳақиқатларни шижоат билан ўртага қўйган эди. Ўзбек адиблари, шоирлари ҳамиша дехқонга яқин бўлганлар. Кимдир уларни доим улуғлаб келган, кимдир ширин рўёларга фарқ қилган, кимдир елкасига қоқиб тилёғламалик қилган. Лекин ҳеч ким ўзбек дехқонининг ахволини, тарихий ҳолатини, фожиа ва муаммоларини улуғ минбардан туриб бунчалар кескин одиллик билан баён қилиб бермаган, одамларнинг кўзларини очмаган эди. Орадан бироз вақт ўтиб Озод Шарафиддинов бу ҳақда «Нутқ ёки адиб ҳаётининг юлдузли онлари» деган бадиа ёзди. «Экранда кўзимга Одил ёлғиз эмасдай кўринди. Унинг орқасида залдагиларнинг ҳеч қайсисига кўринмай Одил болалигидан асарларини севиб ўқиган улуғ адиб Абдулла Қодирий ва улуғ устоз Абдулла Қаҳҳор тургандай эди. Одил уларнинг ҳам айтилмай қолган дардларини айтаётгандай Абдулла Қодирий ва Абдулла Қаҳҳор маъ-

куллашиб, «Баракалла, Одилжон», дея елкасига кокиб далда бериб туришгандай эди. Шундан кейин мен Одилдаги буюк жасоратнинг қаердан келганлигини англагандай бўлдим». Шундан кейин Озод Шарафиддинов Одил Ёкубовнинг бир гурунгда шу нутқ хусусида айтган бир фикрини келтиради: «Мен бутун ижодимни тарозининг бир палласига кўйсам, иккинчи палласига шу нутқимни кўйган бўлардим...» Мен ҳам бу сўзлар айтилганда бор эдим. Одил Ёкубов эр йигитнинг гапини айтган эди. Бу валломатлик остида ўша вулқон ҳамон тинмай жўш ураётганини сезган эдим. Одил Ёкубов ноҳақликларга қарши шижоаткор, пўртанадай тошқин асарлар бунёд қилди. Унинг янги «Осий банда» романи ҳам адибнинг ижодий эхтирослари авж пардаларда эканлигини кўрсатади. Бор бўлинг, Одил ака! Зеро, буни албатта хаёт дейдилар!

*18 октябр, 2006 йил*



## КЕЙИНГИ ЎН БЕШ ЙИЛ ИЧИДА

Ўзбекистонда шеърят яшашда давом этди. «Сен» ва «Мен» ўртасидаги мангу бахс янада кизиб — энди бу нарсаларни «интимлик», «торлик» деб айблаш ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмайди — янгича бир шиддат касб этди. Айниқса, «Мен» ва «Мен» ўртасидаги — яъни ўзи билан ўзи олишув — ўзи билан ўзи тортишув, жанг ҳар қачонгидан ҳам тугёнлироқ тус олмоқда. Бу жуда табиий. Одамларда ўзини таниш, англаш ва шунинг асосида ўзини кашф этиш шеърятда жуда характерли ҳодисага айланаётганини кузатиш мумкин. Абдулла Ориповнинг ҳаж туркуми ўзини илохий муждалар орқали кашф этиш. Ўзини янги концептуал баёнда кўриш; қалбнинг янги уфқларига талпиниш янги нажот қалъасини ахтариш ва топиш; рухониятнинг истиклолгача Ҳувайдо ва Сўфи Оллоёрдан кейин кўриқ бўлиб ётган ладунний майдонларига оҳиста қадам қўйиш.

Ўзини эркин инсон сифатида англаш ва топиш, инсоннинг, инсонийликнинг янги мавкейига кўтарилишга анча кучли интилишлар Муҳаммад Юсуф, Усмон Азим, Шавкат Раҳмон, Рауф Парфи, Ойдин Ҳожиева, Ҳалима Худойбердиева, Қутлибека Раҳимбоева, Шарифа Салимова, Сирожиддин Саййид, Абдулла Шер, Икбол Мирзо, Тохир Қаххор, Мирзо Кенжабек, Фахриёр каби оташзабон шоирларнинг эркин, фикрчан, замон ва инсон рангбаранг тўлқинлари барқ уриб турган шеъри намуналарида юзага чиқди.

Чўлпоннинг бутун улуғ ижодиётидаги ва Эркин Воҳидовнинг «Рухлар исёни» ва уч триптих қасидасидаги ОЗОДЛИК образи, ҳам фожиали, ҳам ҳаётбахш ОЗОДЛИК тимсолларидан сўнг номлари зикр этилган шоири замонларда озодликнинг янги шоирона, миллий, фалсафий қирралари — шоирона англамлари ва ҳаёлотлари пайдо бўлди. Янги шеърятимизнинг бузрук отаси Чўлпон маҳв этилгандан сўнг эллик йил ўтиб, шеърятимизда Чўлпоннинг буюк анъаналари тикланди. Чўлпоннинг шеърятдаги давомчилари — унинг фарзандларининг овозлари баралла янграй бошлади. Бу овозлар Ўзбекистоннинг барча лирика гўшаларидан эшитилиб турибди. Улар



факат давомчи эмас, бойитувчи, янги босқичга олиб чиқувчи сифатида ҳам кўринмоқдалар. Айниқса, бир-икки китоблари эндигина дунё юзини кўраётган ёшларнинг Чўлпонни янгича ўқиш ва уқишга — Чўлпон етиб боролмаган сохилларни очиш ва ишғол қилишга уринишлари эътиборга арзийдиган самаралар бера бошлади.

Нимасини айтасиз, озодлик тарихимиз, маданиятимиз, тафаккуримизнинг сон-саноксиз жароҳатларига ҳаёт малҳамини қўйди.

Модерн йўналишидаги илк шеърий тажрибалар кўзга ташланмоқда. «Ўзбек модерн шеърияти» китоби — назмининг сеҳрсоз нотаниш диёрига солинган ўзига хос сўқмоқдир. Аммо модерн шеърият ўзидан олдинги мумтоз ва номумтоз шеърият анъаналарига нисбатан янгилик ярата олсагина ва бунга жуда юксак иштиёқ кўрсата олсагина, ёки ўзидан олдинги «табуреткани» синдириб ташлай олсагина асил модерн номини қозонади. Бўлмаса, орзу ва роявий спекуляция бўлиб қолаверади. Акс ҳолда у Эркин Аъзамнинг куни кеча айтган таъбирича, адабий найрангдан бошқа нарса каби англандаслиги ҳам мумкин (тагини суриштириб келсангиз, ҳар қандай маҳорат бу ижобий маънодаги найрангдир)

Орадаги даврда жуда кўп жозибали шеърий шакллар (чунончи, эпиграммалар, станслар, романслар, албом шеърлар, сиёсий лирика турлари...) йўқолиб бораётгани, миллий шеърият бу каби (Гейнени — Гейне, Пушкинни — Пушкин қилган) шакллардан фойдаланмаётгани унинг либослари хазиналарини қашшоқлаштириб қўяди. Бу ҳозирги шеъриятда жуда билиниб қолмоқда. Маяковский шаклларнинг мағзини хўб чақарди. Шакл — шеъриятда энг асосий масала, дерди. Шеър ўз шакли, сатр, банд ўз шакли билан миянинг шеърга ажратилган лаззат олувчи бўлагига мустаҳкам кириб ўрнашади, деб айтарди. Эркин Воҳидовнинг илк топқир миниатюр шеърлари халқнинг ва ўша давр авлод кишиларининг хотирасига ялпи осон ўрнашганлигини ҳам эслайлик. Атоий шаклининг ўйноқилиги учун — Атоий, Лутфий — Лутфий. Ҳозир аксар истифода қилинаётган шакллар бир тусли ва номавзунки, уларни эслаб қололмайсиз. Мингта шеър — битта шеърга ўхшайди баъзан. Юзлаб шеърлардан тузилган тўпламлар баъзан битта шеърнинг турли вариацияларидай туюлади. Бу адабий ўқишлар сустлаш-

ган ва уларда изчил системанинг йўқлиги натижасидир. Лирик ситуациялар (айниқса, «Мен» ва «Сен» можаролари) бир хилдалиги, икки томчи сувдай ўхшашлиги, сон-саноксиз такрорлар адабий-бадиий саводхонлик, бадиий дид-фаросатни тарбиялаш ва бунинг самарали андозаларини ишлаб чиқиш ғоятда актуал вазифага айланганини кўрсатади...

## **БИРИНЧИ КИТОБ ТАЖРИБАЛАРИ**

### *Янги давримизнинг ёш шоирлари*

Ёшларнинг илк шеърий китобчаларини ўқиб, шеър ўқиган, шира бойлаётган овозларини эшитиб, кўксимга яна шеър нафаси урилди. Нақадар тоза ва нақадар титроқ у овозлар! Куни кеча адабиёт газетамизда ёш қаламкаш Шодмонкул Саломовнинг «Болаликнинг охириги куни» хикоясини ўқиб ҳаяжонларим бисёр бўлди. Дахватан, «Икки муҳаббат», «Чўл хавоси», «Қайдасан қувонч садоси», «Одамлар» деган янги юлдуз балққан кечаларни эслатган асарлар, Хайриддин Султон, Эркин Аъзам, Хуршид Давронларнинг илк хикоялари, илк шеърлари кўз ўнгимдан ўтди. Қандай фасих ибтидолар эди! Хар ҳолда у кунлар қандай беғубор ва қандай най овози каби чўзиқ ва сузук эди. Шеър лаззати сўз сарвати ҳам ўзгача эди! Ё бизга ўша вақтлар шундай туюларди!

Эркин Воҳидовнинг биринчи китобини қўлимизга олганимизда юзимизга тонгнинг сарин нафаси, онгимизга янги (неомумтоз!) шеър нафаси — неомумтоз — илгариги мумтозларда кўрилмаган нафосат табиий эпкин отиб кўксимизни кўтарган эди. Ўша олис олтмишинчи йиллар арафаларида биз эндигина босилиб чиққан Хемингуэй, Пастернак, Паустовскийни ютоқиб, туганмас хайратланиш ичида ўқирдик. Биз ўша пайтлар ҳақиқатан ҳам: «Юрагимда хис этдим қанот, Тилсим каби очилур ҳаёт», ёки: «Лекин олган жаҳонни фақат Перо бўлиб қуйилгач пўлат» каби сатрларни дилимизга маҳкам жо қилган эдик. Булар Эйнштейн, Норберт Винер — кибернетика ва коинот замонларида қалбдан кавну маконларга учаётган сўзлар сингари туюларди. Эндигина университетни тугатган, эндигина нашриётлар, университетларда иш бошлаган, тахририятларда қўлёзмалар ва

муаллифлар билан ишлаш сирларини ўрганишга киришган эдик. Университет даргохидан чиққан бу ёшларга ўшанда кўплар, жуда кўплар аллақандай, назаримда, ёлқинли умид кўзи билан қарардилар. Ҳар қандай одам ўзига умид чақнаб қараган кўзни сезмаслиги мумкин эмас. Бунга сезмайдиган, фарқига бормайдиган, кадрига етмайдиган одам шоир, ёзувчи, танқидчи, санъаткор бўлолмайди. Ёшлиқда, аввало ўзингиз... қолаверса, кўпроқ мана шу умидли кўзлар учун — уларнинг ишончини оқлаш учун ёзасиз — машаққатли, сертикан, сертош, сертўсиқ йўлга қадам қўясиз. Сўнг оёқларингиз шилиниб кетгунча йўл юрасиз, юролмай қолсангиз ҳам, юрасиз... хаёлан. Чунки юришни қисмат каби қабул қилгансиз. Сиз аниқ биласиз: ижодкорларга хос бу майлни — иродага айланадиган майлни ҳеч ким ҳеч қачон тортиб ололмайди. Ҳеч қачон!

Биринчи китоб бу сизнинг дунё эшитсин деб айтаётган баёнотингиз. Манифестингиз. Биринчи китобга етиб бораётганда сиз дунёга ижодий манифест киритиш, манифест ташлаш, мурожаат қилиш лаёқатини касб этасиз. Ҳеч бир улуг ижодкор йўқки, унинг биринчи китоби манифест бўлмаган бўлсин! Не ажабки, дунё ҳам уларни манифест — янги ижодий кредо эканлигини сезган ва шундай қабул қилган. Кейин кўп дохиёна асарлар дунёга келади. Лекин биринчи китобнинг шукуҳи бутунлай бошқа! У қайтарилмайди илк китоб шукуҳи! У такрорланмас!

Ижод жараёнининг қизиқ бир хусусияти, кейин яратилган катта-кичик барча асарларга биринчи китобдан доим ва мунтазам суратда нималардир ўтиб боради, нималардир давом этади. Илк китоб доим карвоннинг бошида боради ва асосий қўнғироқ унга ўрнатилган бўлади.

Озод Шарафиддиновнинг биринчи китоби «Замон — қалб — поэзия»ни илк бирга ўқиганмиз, нашрга тайёрлаганмиз, биргалиқда шу номни топганмиз. Менга ўша пайтда ҳам, ҳозир ҳам бу ном адабиёт учун жуда маънодор бўлиб кўринади. Унда градация ва узвий боғланиш бордек. Қалбнинг ўртада туриб у томонга ҳам, бу томонга ҳам таъсир кўрсатиши — рухоний, асрорий нур билан ёритиши, ҳақиқатан ҳам, маънодор! Озод Шарафиддиновнинг илк дадил таҳлилларига шу маънодорлик ва

ёшлик жасорати ўзгача тароват, янгилик бағишлаган эди. Темир йўл бекатлари ва вокзалларида кичкина, жуда кучли локомотивлар бўлади. Темирийўлчилар уларни эркалаб бизнинг пайтларда «кукушка» дейишарди. Менинг суюкли поччам шундай «кукушка»лардан бирини минарди. Биз вокзалга ёки Чукурсой бекатига чиқиб «кукушка»ларнинг у ёқдан бу ёққа пишкириб гулдураб югуриб юришларини, у вагонни бу поездга, бу вагонни у поездга улашларини, кечикканларни чекка йўлларга чиқариб ташлашларини томоша қилишни яхши кўрардик. У дамбадам кукулашиб, чинқириб жар солардики, бизни завқлантирадигани ҳам аслида шу ва унинг тинмай пишкириб у йўлдан бу йўлга шитоб ва чакқонлик билан ўтишлари эди. Хўб. Биринчи китоб таъбир жойиз бўлса мана шундай «кукушка»га ўхшайди. Унинг кучи кўп. Унинг маневр қобилияти кенг. У тинмай чинқира олади.

Шукурнинг «Оқ тулпор»и, «Тўлқинлар»ини қандай завқ-шавқ билан ўқигандик. «Митти юлдуз» эса бизга дунё эллик олтинчи йилдан кейин миллатлар фойдасига ўзгараётганлигини башорат қилган эди. «Ой ботган паллада», «Чоллар палатаси», «Дунёнинг сири», «Саодат сохили» — янги маънавий услубнинг қанча асрорий белгиларини уққандай бўлгандик бу каби хикояларда! Ўша олтмишинчи-стмишинчи йилларда ҳам, хозиргача ҳам бу илк китоблар, илк хикоялар, митти юлдуздай порлаган илк шеърларда инсон қисмати — бизнинг авлод қисматининг башоратлари муҳрлангандай туюларди. Айтилган башоратлар қанча! Айтилмаганлари қанча! Улардаги сатрлар, сўзлар, қуйма образлар, пўртаналар улуг денгизга жасорат билан кириб олиш ноаён йўллар, манзилларни кўзлаган кичкина қайиқчаларни эслатади. Уларни пўртаналар, денгиз қанча ирғитмасин, бари бир пўртаналарни ҳам, денгизларни ҳам забт этиш иштиёқи, завқлари нақадар кучли эди. Ажаб бир башоратки, Абдуланинг илк шеърларидан бирида нозик гиёҳ денгиз бағрида кўкка қараб ўсади ва денгизни елкасида кўтаради!

Илк китобларнинг ижод жараёнларидаги, ижод психологиясидаги ўрни ва қиммати ҳақида шунча омади даромад гапларни эсга олаяпмиз. Кеча Шодмоннинг «Болаликнинг охирги куни» хикоясини ўқиб, унинг ёзув столида турган илк китоби «Юрак иқлими»ни яна қўлимга олдим. Юрак иқлимига — Усмон Носир ва Чўлпон

мухитига киргач, шу ён-атрофда юрган, қўр ташлаётган Муҳаммад Сиддикнинг «Мўътадил лаҳзалар»и ва ундан Муҳиддин Абдусамаднинг «Учаётган киприклар» ва «У» деб номланган китобчаларига ўтдим. Сўнг булар ора яна янги иқлимлар ва иқлималар очилди кўз ўнгимда: мана Манзура Шамс, мана Дилрабо, мана Зумрад... Исмлардан кўзларим қамашди. Найдай овозлардан қулоқларим очилди. Ҳаммалари юрак шоири. Азалда ҳамма нарса ўйин асли. Уларнинг юраклари табиат ва фалакнинг ўйинларини кузатиб чарчамайди. Булар фалак бошидан сув қуяётган авлод:

*Ўйин эрур бор фалак иши  
Фалак ўйин қилмоқни суяр.  
Ердан кўкка кўтариб сувни  
Яна уни бошингдан қуяр...*

(Муҳаммад Сиддик)

Юрак иқлими деб бекорга айтмаганлар. Манифестларининг бир ҳарфи шу образдан бошланади. Уларда юрак иқлимлари табиат ва коинот иқлимлари билан туташиб кетган. Бу иқлимда ҳамма нарса ажойиб ва гаройиб. Бунда уларнинг дарахтлари япроқлари ва мевалари билан эмас, айни илдизлари билан осмога бўй чўзади. Булар илдизлари осмонга қараб ўсаётган авлод. Бу тавтология ёки парадоксга ўхшаб кетади. Агар илдизи осмонга ўсган дарахт бўлмайди десангиз, мана бу сатрларни тушуниш ва улардан ҳайратланиш осон бўлмасди:

*ҳар ким овиниш-чун  
нимадир қилар  
менчи овунаман  
сени согиниб...*

(Муҳиддин Абдусамад)

Ёки:

*ОНА ЕР,  
қачон  
хомиладор бўласин  
менга?!*

(Муҳиддин Абдусамад)

Булар гасавурида дарахт илдизи билан осмонга қараб ўсмасайди Муҳаммад Сиддикнинг «серфарзанд ўзбекка

ўхшар шафтоли» деган би. оз кўн кўринадиган, лекин тагидан анча маъно чиқади. са рини юракка яқин олмаслик ҳам мумкин эди. Шодмон, М ухиддин, Мухаммаднинг ўз ҳақиқатлари бор ва улар шеърларида тикилишиб, ўзларига жой таллашиб ётади. Бу ҳақиқатлар уларники. Уларни ўзлари топганлар. Ўзлари дунёга келтирганар.

*Манов ишқ осмони нега бунча кенг  
Катталиги қарийб юрагимга тенг  
Ишқ не деганга ишқ бу Худо денг  
Тангридан бошқаси сароб бўлади  
Неки гўзал бўлса азоб бўлади...*

(Шодмонкул Саломов)

Шодмоннинг тасаввур дунёларида юрак билан осмон шундай туташади. Муболаға сохта эмас, жуда табиий чиқади. Ахир ишқ осмони юракда бўлмай яна қаерда бўлсин ва унинг кенглиги юракда акс этмай яна қайда акс этсин! Ишқ бу Худо. Азалдан, сўз, калом туғилгандан бери бу тасаввур бор ва Шодмон уни тилга олгани билан эскириб, сийқаланиб қолмайди. Қайтанга Шодмон уни шундай оҳангга солиб айтадики, худди фикр биринчи маротаба айтилгандай эшитилади. Хамма гап жўнликдан янги шоироналик яратишда, эскиликни янгилашда. Бу илк китоблар худди шундай табиатга эга: улар жўнликдан шоироналиклар ва эскиликлардан кашфиётчилик қиладилар. Бу ҳолни уларнинг туб асил оригиналлик деб тушунишни истайман. Асли ҳам ўзи шундай бўлса керак. Биз ҳар қандай фикр, ҳар қандай доно фикр нисбий эканлигини қабул қилдик. Эркинлик, инсон ихтиёрининг таомили шундай. Гўзаллик — азоб деган фикр ҳам балки унчалик янгимасдир. Кимлардир айтгандир, манифестга айлантиргандир буни. Лекин Шодмоннинг тили ва услуби ва шеър тизимида бу — янгилик, бу — унинг гапи. Унинг «Юрак иқлими» шеъри худди Усмон Носирнинг «Нил ва Рим»и каби. Адоқсиз замонлар таҳлил қилса бўлади. Ўшанда ҳам охирига етиб бўлмас эҳтимол.

*Юрагимнинг тубида мудраб ётар бир азоб  
Авал уни уйғотинг, йўқса уйғонолмайма...*

Шодмон дард билан севинтиринг, дейди. Унга ҳақиқий қувонч шунда. Юракдаги азобни уйғотмагунча инсонга

чин маърифат муяссар бўлмайди. «Мен» бунда дунёнинг бутун кори-борини ағдар-тўнтар қилди:

*Авалло топиб беринг шу заминдан Худони  
Қисмат шу деб алдаманг, қисматга кўнолмайман...*

Азобни уйғотиш ва Худони топиб беришни шафқатсизлик билан сўраш — бу Шодмон шеърининг замирида концептуаллик жуда кучли ва жуда изчил тарзда кўзга ташланаётганидан. Бу концептуаллик унинг лирик қахрамони «Мен»ини жуда бой маънавият ва маърифат эгаси қилиб кўрсатади. Ва шу концептуаллик замирида ХХІ асрнинг янги бир шеъри туғилиб келаётганидан нишон беради.

*Мен ўзимга мағлубман, Ўзим эса зафарли  
Онамнинг берган сути энг покиза заҳардир...*

Ўз ҳақиқатлари бор деганда шу каби фикр оқимларини назарда тутган эдик. Онанинг сутини энг покиза захар деб топиш, бу — янги фикр.

Бўлмаса, дунёнинг азоблари, инсониятнинг туганмас дардлари қаердан пайдо бўлади? Шодмон дунё соҳилларидан ўз ҳақиқатларини кидириб янги фикр силсилаларига тўқнашади ва уларни очиқ шоирона ифода қилишга ўзида маърифатли бир жасорат топади. Унинг сўзлари туб ва қават-қават маънолидир:

*Худо ичганимга мени кечирсин  
Ичмасам ёдимга тушмайди Худо...*

Шодмоннинг Худо билан ўз баҳси ва ўз сўзлашув тарзи бордек туюлади. «Хайёмдан томчи» деб аталган шеърдан келтирилаётган бу сатрлардаги ичиш ва шароб бу — мажозий ичиш ва мажозий шароб. Бу мутафаккир сўфийларнинг Худо васлига етиш йўлидаги масту мустағракликни кидиришларига ўхшаб кетади. Лекин Шодмон сирни очикроқ, ошкорароқ баён этиб қўя қолади. Кейин у яна юрак иқлимига қайтади:

*Юрак ёлгон айтса, сажданг қабулмас  
Қалбга сажда учун ичмоқлик керак...*

Кўхна шаробга кўхна майхўрлик мажозининг замирида гўзал маънавият орзуси униб чиқади. Коинотни ўз юрагининг иқлими билан боғлайди ва ҳатто:

*Мен мозийман ҳам келажакман  
Юрагимни хаста холида  
Бухорога алишажакман*

— деб ахд қилади. Юрак иқлимидан туриб дунё ва инсонга ўз муносабатини билдиради ва замонавий бир шеър турини, услуби, шаклларини яратишга уринади. Бу биринчи китоблар ва илк ёшлик даври шеърлари ҳар учала қаламкашда табиат билан чамбарчас туташиб, бирлашиб кетган. Бунда ҳар бир фикр табиат билан боғланади, бир япроқни тулпор қилиб минади, терак учларига ой сирғасидай илинади:

*Севдим...  
Тогни даст кўтардим  
Дарёни ичдим  
Ойга бошим қўйдим  
Қуёшни қучдим  
Севилмадим...  
Тоглар қулаб тушди бошимга  
Дарёларни тоширди ёшим.  
Қаролмайин қолдим қуёшга  
Ойдек ерга эгилди бошим...*

(Мухаммад Сиддиқ)

Табиат билан шундай маърифатли боғланиш, уни маърифатли ҳис қилиш, маърифатли тасаввурга чулғаниш ўз навбатида бу қаламкашларни табиийликка олиб боради. Улар худди акаларининг ҳар қандай зулмларига чидаган, адолатсизликларни адолатга бўлган ҳеч тафт тортмас ишончи ва садоқати билан енгган ҳазрати Юсуф Сиддиққа, унинг жаҳонсўз табиийлигига менгзаб кетадилар. XXI асрда табиийлик ва табиий адолатга интилиш, зўравонликдан қочиш, зўравонликни маърифат қудрати билан енгиш — энг табиий ва энг олижаноб ва ўзига энг мафтункор келажак ҳозирлаётган ходиса, фикр-ходисадир.

Биз адбиётимизни, шеърятимизни бу тоза парвариш қаламкашлар, уларнинг илк маърифатли китоблари билан қутлагимиз келади.

*18 апрель, 2005 йил.*



## МУҲАББАТ ФАНИ

*Э ишқ, гариб кимиёсен.*

Навоий

Ер юзида шу бизнинг кунларимизгача қанча одам болалари ўтган бўлса, бари муҳаббат, севиш, яхши кўришни бошидан кечирган. Албатта, ибтидо замонларидаги муҳаббат ва севги билан ҳозирги замонлардаги муҳаббат, севги ўртасида еру осмонча фарқлар бўлгани табиий. У бундан кейинги инсониятнинг даврларида ҳам ҳеч шак-шубҳасиз бўлади. Фақат техника, генетика, клонлаштириш, ҳамма нарсаларни компьютерлар ва улардан ҳам қудратлироқ ашпаратларга солиб ҳисоблаб чиқариш каби ходисалар муҳаббат, севги, яхши кўришга вақт ўтган сари жуда кучли таъсир кўрсатди. Муҳаббат, севги тобора ҳисоб-китобларга — оқилона, яъни ақл билан машиналар ёрдамида чиқарилган аниқ ҳисоб-китоблар, тавсияларга бўйсунди. Шу пайтгача чеклаб, чегаралаб бўлмаган инсоният ҳиссиётларини ақлий (рационализм) доирасида чеклаш, мустаҳкам, изчил, қатъий мантиқ қолипига солиш имконияти туғилади ва инсоният шу имкониятни танлайди ҳамда унга илм асосида риоя қила бошлайди.

Биз бу ерда муҳаббат, севги, яхши кўриш деган тушунчаларни бир маъно доирасида қўлламоқдамиз. Улар асли бир нарса, лекин фикр-тафаккурда цивилизация ўсгани сари балки уларнинг маъно турланишлари ҳам юзага чиқа бошлаган бўлса сира ажаб эмас. Хусусан, Навоийнинг юкоридаги фавқулодда гўзал сўз-фикридаги ишқ билан биз тушунадиган ва ҳозир сўз юритаётганимиз муҳаббат, севги, яхши кўриш орасида ҳатто оддий назар билан солиштириб кўриш мумкин бўлган олам-олам ўзгачаликлар мавжуд бўлса керак. Навоий тилга олиб таърифлаган (унинг бундан ҳам турфарок ва бундан ҳам рангинроқ, теранроқ таъриф-тавсифлари асарларида саховатнинг қўлидан тинимсиз сочилаётган тилла зарралари — зарафшонлари каби порлаб ётадилар) ишқ коинот билан битта вужудга айланган ишқ. У коинот билан бирлик касб этган қалбларда яшайди ва ўз коино-

тий хиссиётлари ва хусусиятларини касб этади. Адабий қахрамонлар доирасида олсак, Мажнун, Фарход, Вертер, Мишкин ёки реал тарихий нисбатларда эса инсониятнинг энг табиий одамлари бўлмиш ҳазрати ялавочлар — пайғамбарлар, Худо элчиларининг ишқи — худди мана шундай коинот микёсларини ўзида ифодалаган ишқдир. Бу ишқ фақат табиий одамлардагина бўлади, табиий одамлардагина туғилади ва азалий камолот хусусиятига эга бўлади. Эсингиздами, Қайс билан Лайлининг Навоий достонида илк боғча сайлида кўришганлари? Қайснинг мажнунлиги ўшанда бошланди. У Лайлини кўриб дахвотан беҳуш бўлиб йиқилди. Унинг хиссиётлари висол ва гўзалликнинг қудратига дош беролмади. Эсингиздами, унинг бошига келган Лайли нима деди:

*Ишрат чоғи меҳнатинг не яъни?*

*Шўробайи ҳасратинг не яъни?*

Лайли ишқнинг тепасига етиб келди. Лекин унинг нима эканлигини ҳали тасаввур қилгани ва тушунгани йўқ. Шунинг учун беҳад хайроналик ва изтиробда шу ажойиб ифодаланган саволни бермоқда. У ҳали висолга етганда меҳнатнинг энг чексиз ва энг оғири бошланишини ва ҳасрат поёнсиз бир нуқтага чиқишини билмайди. Одамлар борки висол ишқнинг энг сўнгги нуқтаси, самараси ва ҳосиласи — бош мақсади деб тушунадилар. Уларнинг назарида висолга муяссар бўлиш билан ишқ яқунланади. Ёки яқун босқичига киради. У ёнига «проза» бошланади.

Лекин етай деганда етиб бўлмайдиган ишқ — Мажнун, Фарход, Вертерлар ишқи ҳам мавжуд.

Етганда сақлаб бўлмайдиган ишқ — Баҳром Гўрлар ишқи — бу бошқа. Унинг висолида ҳамиша аччиқ, аламли айриқлар ётади. Булар инсониятнинг Худога яқинлиги ва яна ҳам тўғрироғи, Худо зухуроти эканлигининг бизга маълум қилинган бир сирли белгисидир.

Юқоридаги тушунчаларимизга қайтайлик. Муҳаббат фани деб айтяпмиз. Муҳаббатнинг илми десак, муҳаббатнинг санъати десак, муҳаббатнинг нафосати десак, муҳаббатнинг маҳорати десак балки яхшийди. Муҳаббат ўзимизнинг қадим ўзбекчада севгига тўғри келади. Лекин нозик бир фарқи бор. Муҳаббат ҳабибликни билдиради. У икки одам ўртасида ҳосил бўлади, икки одам

ўртасида яшайди — бу икки одам миниб бораётган битта улов ёки сертўфон уммондаги битта қайик. Муҳаббатда бир-бирини англаш бўлади: буни биз юксак маънода хабиблик, дўстлик деймиз. Муҳаббат бир томонлама бўлмайди. Лекин мана севги, яхши кўриш эса тамомила бир томонлама бўлиш эҳтимолидан узоқ эмас. Севги ва яхши кўриш бир томонлама, яъни жавобсиз бўлиши мумкин. Унинг ожизлиги аянчлилиги шунда. Лекин муҳаббат хабибликда ва доимо икки томонлама яъни анланган ҳодисадир.

Энди «фан»нинг замирига қарайлик. «Фан» араб луғатларида «санъат», «нафосат», «нафислик» ва қолаверса, «хунар» деб тушунтирилади ва араблар ҳеч қачон «фан» деганда «илм»ни тушунмайдилар. Биз тушунган «фан»ни улар «илм» сўзи ва унинг ҳосилалари билан ифодалайдилар. Бизда қачон «фан» илм бўлиб кетди? Кейинги маданий замонларда жадидлик уйғонганда ва ҳаракат қудратини касб этганда, «илм-фан» деган қўшалок, жуфтланган тушунча қўллана бошланди. Бу тушунчани илк бора қўллаганлар жуда тўғри қўллаганлар ва тўғри тасаввурда бўлганлар. Ўзбек тилини янги тушунча билан тўлдирганлар ва бойитганлар. «Илм-фан» деганда улар илмлар ва санъатларни назарда тутганлар. Лекин кейин-кейин тилимизнинг стихиясига кенг киргач илк тўғри маъно унутилди ва «илм-фан» энди «илм-илм» ёки «фан-фан» деган маънода қўлланилиб кетди.

Навоийда «фан» сўзи анча кенг маъноларни қамраб олади. Ҳатто айрим ўринларда Навоий «фан» сўзига янги бир маъно йўналиши ҳам бағишлайди:

*Ҳақ ваҳмидин улки йиғламоқ фан қилгай,  
Ул ашк анинг кўзини равшан қилгай.*

Бу ерда «фан» сўзи «одат» маъносида қўлланмоқда. Навоийнинг машҳур:

*Қаро кўзум, келу мадрумлиг эмди фан қилгил*

мисрасидаги «фан» ҳам сўзнинг қутилмаган, гўзал «жадидий» маъносида ишлатилган. Академик Алибек Рустамий ҳам буни «одат қилиш», «хунарга айлантириш», «одамийлик касб этиш» маъноларида қўлланганлигини қайд қилиб ўтади.

Энди биз муҳаббат фани деганда муҳаббатнинг санъатлари, моҳирликлари, илтифотлари, хунарлари, одатларини тушунамиз. Уч харфдан иборат сўз тафаккур тараққиёти давомида шунчалар ажойиб маъноларни англатиш, ифодалаш қудратини касб этди. Бизнинг кунларимиздан икки минг эллик йил илгари ёзилган Рим шоири Публий Овидий Назоннинг «Севиш фани» деган гўзал асари жаҳонга машхур ва барча вақтларда севиб ўқилган. Овидий асарини аслиятда «арс аматория» деб атаган. Арс — лотинчада санъат, аматорий — севги. Бу асар Исо Масихо таваллудидан бир йил илгари дунёга келган. Бу китоб севиш санъатининг бутун ошублари, фитналари, ғамзалари, фасоналари, доғулиликлари, гўзал хунарлари ҳақида хикоя қилади. Рус тилига бу асар «Наука любить» деб ўгирилган. XX асрнинг буюк файласуфларидан бири Эрих Фромм «Севиш санъати» деб аталган фалсафий теран тадқиқот яратган. У муҳаббатнинг ранг-баранглиги ва инсоний, ижтимоий, эстетик моҳиятларини ҳозирги замон илмлари эришган тараққиёт нуқтаи назаридан туриб тадқиқ қилади. Муҳаббатга инсоннинг буюк бир қадрияти сифатида қарайди. Рус тилига Фроммнинг асари «Искусство любить» деб таржима қилинган. Шулардан келиб чиқиб, ўзбек тилимизга «муҳаббат фани» деган тушунчани киритсак, мабодо у тилнинг истеъмол стихиясида ўзлашиб борса, ифода ва тасвирий бойлигимиз ортади эҳтимол.

Ер юзида ҳозиргача қанча одам ўтган бўлса, бари-нинг ўз муҳаббати бўлган, муҳаббат, севги, яхши кўришни ўз қалбига доир тушунган ва амал қилган. Бир миллиард, ўн миллиард, юз миллиард муҳаббат, севги, яхши кўриш амалиёти ҳақида сўз юритиш мумкин. Шунчалар алвон ва ранго-ранг бу ҳиссиёт соҳаси.

Фромм ўша асарида «Муҳаббат амалиёти эътиқод амалиётини талаб қилади», деб ёзади. Дарҳақиқат, эътиқод даражасидаги муҳаббат энг олий муҳаббатдир. Қадим шоирларимиз Ҳаким Ота, Аҳмад Яссавий, Юсуф Хос Ҳожиб, тошбитикларимиздаги, Алп Эр Тўнғамиз тирик дostonидаги буюқдан буюқ ўланларда, Навоийгача ва унинг барча издошларида, Лутфий, Атоий, Машраб, Ҳувайдо, Сарёмий, Муқимийларда худди ана шундай амалиёти эътиқод даражасига кўтарилган ишқ-муҳаббат ҳақида ёзилганлигини кўрамиз. Ҳаким Ота «Ҳақ зикри-

ни хузур билан айтмиш керак», деганида ва унинг барча гўзал сатрларида эътикод ва муҳаббатнинг мислсиз чаманлари очилиб ётганлигини кўрамиз. «Хузур билан айтиш» бу том маънода муҳаббат билан айтишдир ва шундагина, фақат шундагина Ҳақ билан бирлик туғилади. Ҳақ билан бирлик туғилгандагина одам ўзини, ҳаётдаги ўрнини, вазифасини, инсонлик бурчини англаб, тушуниб етади. Англаб етиб, ҳаракат қилиш имкониятини топади. Ҳаким Ота яна айтади: «Ишқ очар ич кўзингни...». «Ич кўзи» ҳақидаги буюк тушунчанинг дунёга келаётганига эътибор беринг. «Ич кўзи» ҳақидаги тушунчани жуда замонавий жадидона тушунча — ҳатто модернистик, сюрреалистик тушунча деб билардик. Лекин бизнинг энг шимолий нуқта ва минтақадаги пири муршид, валий мужтабойимиз бу ҳақда узоқ XII асрдаёқ ўйлаган ва уни ишқнинг истилоҳлари ва шартлари доирасига киритган экан. Ич кўзининг очилиши инсон учун, — ҳа унинг ўзи учун тенгсиз гўзал самарага эга кашфиётдир. Ич кўзининг очилиши машаққатларда топиладиган кашфиётларнинг натижасидир. Қарангким, фикр гулзорлари булбулларининг ишини: Сулаймон Боқирғоний — жанобимиз Ҳаким Ота билан Европа фалсафасининг оталаридан бири Эрих Фромм муҳаббат ва унинг моҳияти борасида бир фикрга келиб, бир нуқтадан чиқиб турибдилар. Битта кичкинагина фарқ Фромм ўз фикрини Ҳаким Отадан саккиз аср кейин кашф қилди. Эзгуликнинг кечи йўқ деб шунга айтилса керак. Фромм яна: «Инсоният муҳаббатсиз бир кун ҳам яшолмас эди», деб айтади. Бу дегани муҳаббат одамзодга илгаридан худди сув, ҳаво, ўт, нур, ризқ-рўз, бошпана ва муомала каби яшаш ва яшашни давом эттиришнинг биринчи заруратлари ҳамда шартларидандир. У инсонга Худони таниш ва дунёни билиш каби муҳим. Европа фалсафаларидан ўз замонидаёқ саккиз юз — минг йилга ўзиб кетган ва ҳали хануз ўзишда давом этаётган Абу Ҳомид Ғаззолий муҳаббатнинг билиш билан чамбарчас боғлиқлигини кашф этган эди. У инсон табиатидаги тўрт сифатга эътиборни қаратган эди: баҳойим-ҳайвоний ҳислатлар; сабуъий — ваҳший ҳислатлар; шайтоний — шаккоклик ҳислатлари; рубубий — олий ҳислатлар. Очкўзлик ва жаҳолат бу — баҳойим; ғазаб, ҳақорат, қотиллик, исрофгарчилик бу — сабуъий; доғулилик, маккорлик, сотқинлик, мунофиқ-

лик, фирромлик, васвасага солиш бу — шайтоний; кибр, шухрат, мактанчоқлик, маддоҳлик бу — рубубий. Шулар ҳақида сўзларкан, Ғаззолий муҳаббатнинг фани нималигини очади ва ёзади: «Муҳаббат фақат билишнинг натижаси бўлиши мумкин, чунки инсон фақат ўзи билган нарсанигина севади. Муҳаббат билишга интилувчининг хусусияти...» (Ғаззолий. «Ихё...») Ғаззолий инсон муҳаббатини шу тариқа билиш ҳодисаси билан боғлайди. Билиш эса маърифатдир. Бундан мантиқан шундай хулосага келишимиз мумкинки, муҳаббат фан, илм, санъат, ҳунар, кашф қандай куч-қудратга эга бўлса, маърифат ҳам шундай кучга ва ҳаракатга эгадир. Ва янги бир тушунчани юқоридаги тушунчалар қаторига қўшиб қўямиз; муҳаббат маърифати. Бу маърифат устодлар ижоди дунёсида етакчи йўналишга эгадир.

Инсон ўзи ёқтирган нарсани севади. Ёқтириш жуда кучли бўлса муҳаббатга айланади.

Одам ўзини севмай туриб ўзгани севолмайди. Ўзини севиш орқали одам бошқаларни севишга муяссар бўлади. Ўзини севмаса, бошқаларни ҳам севолмайди.

Одам табиатан очик дунёда яшаб, курашиб, тажрибалар орттириб ҳаётий зарур хулосалар чиқарган. У доим ўлим ва бахтсизликлардан қочишни, ўзини сақлаш — муҳофаза қилишни истайди. У муҳаббатнинг лаззат, азоб, фароғатлари боис ўлим ва бахтсизликларни енгиб боради. Ҳаёт муҳаббати бу аввало уни давом эттириш муҳаббатидир. Одамнинг оиласи, бола-чақаси, мол-мулклари, яқинлари, дўстларини севишида ҳеч қандай ғайритабиийлик йўқ. Чунки булар ҳаётнинг давом этиши ва маърифат поғоналари сари кўтарилиб бориши учун зарур. Одам учун буларсиз ҳаёт ҳеч қачон тўлиқ ва бут бўлолмайди. Одам ўз-ўзини насли орқали сақлаш ва давом эттиришни истайди. Ўғил-қиз, набиралари ва улар тимсолида келажак узоқ наслларини севади. Одам туғилган элини ундан севги талаб қилмай туриб севади. Одам ота-онасини улардан севги-муҳаббат кутмай, тама қилмай севади. Одам фарзандлардан ҳеч нарса талаб қилмай уларни севади. Тамасиз, манфаатсиз муҳаббат унинг олий кўринишларидан ҳисобланади.

Лекин муҳаббат табиатан ҳиссиётлар меваси ва ҳодисаси ва доимо юрак, кўнгил мулкнинг ўта турфа зиддиятлари, қарама-қаршиликларини ҳам майдонга келтириб,

юзага чиқариб туради. Кўнгил мулкида, юракда Ғаззолий таърифлаган хиссиётлар хусусиятлари доим талаш, тортишиш, жанг, муолажа ҳолатида. Бизнинг азал ғаризаларимиз (инстинктларимиз) қадимгилар айтган нафси аммора (хайвонийлик), нафси лаввома (инсонийлик, одамийлик), нафси мутмайинна (илоҳий майинлик, юмшоқлик) мудом курашда. Шу курашларнинг натижаси сифатида муҳаббатда аҳду паймонлар, қасам ва қасамёдлар, қарор ва муқаррарликлар, қисмат ва толенинг қайта-қайта такрорланишлари юзага чиқади ва ҳукмга киради.

Ғарчи Овидий муҳаббат қувончлари қисқа, дейди. Муҳаббатга ўргатиб бўлмас. «Оху итларга ўзини тутишни ўргатармикин? Қушлар қушчига ўзларини қандай тутишни кўрсатармикин?» — дейди.

Ҳар кимнинг ўз муҳаббати бор. Муҳаббат одамга бамисли туғишган каби. Муҳаббат одамга туғма каби.

*Мен дутор бирлан туғишган кўҳна бир девонаман,  
Ўз туғишгоним билан бир ўтда доим ёнаман.*

(Чўлпон. «Ғалдир»)

Дутор деганда улуғ шоир бу ерда муҳаббатнинг чолғуси — унинг худди лира каби тимсолини назарда тутди. Муҳаббатнинг одамга бамисоли кўҳна сўз — илк бора пайдо бўлган Сўз, Калима, Логос сингари туғма, туғишган эканлигини шундай гўзал ифода этади.

Муҳаббат инсоннинг энг қудратли ва одамнинг руҳоний, жисмоний дунёларини ҳар томонлама ва бутунлай қамраб, чулғаб олгувчи, ўзига бўйсундиргувчи хиссиёт. Кўҳна адиблар ва уларгина эмас ҳозирги қаламкашлар ҳам севги, яхши кўришни мастлик, куллик, мубталолик, девоналик сингари тушунчалар — ҳолатлардан ажратмай тасвирлайдилар, минг бир турфа таърифлар, тавсифлар келтирадилар. Музика, фалсафа, поэзиянинг дунёга келишини муҳаббат орқали изоҳлайдилар.

Ҳиссиётларимиз бизни ҳамиша қайгадир, нимагадир, кимгадир йўллайди. Бизни йўллаб, ҳаракатга ундаб турувчи нарса бу — хиссиётлардир. У катта «МЕН» ва катта «СЕН»нинг ҳам йўлловчиси. Шахсимиз мағиз-маъносини, ички ва ташқи оламларимизни ташкил қилиб туради. Уюштиради. Фароғат ёхуд залолатга етаклайди. Ва бунда муҳаббат ва нафрат, ғазаб ва севинч, жаҳл ва жаҳолат, доим ёнма-ён ва доим бири иккинчисига айла-

ниб туради. Улар катта АҚЛни доим инкор қилади ва яна доим у билан яқиндан ҳамкорликда, муросаи мадорада бўлади. Уларни фақат биттасини ажратиб олиб тушунтириб бўлмайди. Тушунтириш тўлиқ бўлмайди. Уларни доим бир-бирига чоғлаб тушунтириш ва англаш тўғрироқ бўлади. Бунда диалектика ҳаммадан ҳам кўпроқ намён бўлади ва ўз табиатини ҳар томонлама ошкор қилади. Шунисиям борки инсон ҳиссиётларининг биронта ҳам осони, осон тушунтириб бўладигани йўқ.

Ўз тарихининг тамомила кутилмаган бобларини очароқ XXI аср кирди. Эндиликда муҳаббат, севги, яхши кўришни ким қандай англайди, ким қандай тушунтиради, ким қай тарз риоя қилади унинг фанига, санъатига, ҳунарварликларига, одатлари, равишлари, истиғноларига? Янги замонларда умуман буларга жой ажратилармикин, улар одамлар қалбидан янги жой топармикин? Бугун қандай муҳаббат ҳукмда?

Севиш, яхши кўриш, муҳаббат одамнинг ўзидан, ўз ўзидан баландроқ, юксакроқ кўтарилиши ёки баландроқ кўтарилишга интилишидир. Муҳаббат мастлик ва парвоз. Яхши кўрган киши қушдай енгил бўлиб қолади. Унинг бизга ҳар дамда ҳаёт бахш этиб турган шу гўзал ҳавочалик оғирлиги йўқ. Одам муҳаббат қошида безанишни, чиройли бўлишни хоҳлайди. Бу ҳиссиёт туфайли унда кодирлик, ҳаракатга ундовчи куч-қудрат ҳосил бўлади.

Муҳаббатнинг диалектикаси: қасамлар, чексиз-интихосиз таърифлар, лутфлар ва назокатлар... доимги ғўрлик ва балоғат орасидаги ҳаракат ва ҳаракатсизликлар:

*Юрагимни тарс ёрган лаззатсан, лаззат,  
Онгимдаги абадий оғриқсан, севги.*

(Иқбол Мирзо. «Севги»)

Шу пайтгача муҳаббат, тўғрироғи, севгининг лаззатлари ва оғриқлари фақат кўнгил мулкидагина рўй беради деб таърифланарди. Мана, янги замонанинг тасаввурида у энди онгга ҳам кўчаяпти ва ундан вақтинча эмас, мангу ўрин эгаллаяпти. Севгининг тили муболағаларни хуш кўради, муболағалар бу гўзал ҳиссиётнинг ўз стихияси. Лекин XXI аср аклиёт ҳукмрон бўлаётган аср, у муболағаларни ўз арсеналида қолдирармикин? Чайков ва ҳисоб-китоб, чексиз ҳисоб-китоб биринчи даражали



аҳамият касб этмасмикин? Севги юракни, кўнгилнинг бепоён дунёларини тарк этиб фақат АҚЛ ва ОНГда ўрнашиб олмасмикин? Онгни ўз маконига айлантирмасмикин? Шоир айтмоқчи унинг мангу оғриқлари энди фақат онг қаватларида кечмасмикин?

*Момо Ҳаво тўймаган ҳавосан, ҳарир,  
Одам Ато сўймаган жонлиқсан, севги.  
Чўкаётиб тутганим хассан мен учун —  
Севгилимдан минг карра ортиқсан, севги...*

(Ўша шеър)

Шоир бу ерда севги «англами» ҳақида сўзлайди. Бу англамлар ҳам мутлақ, айна чокда мутлақ бўлмаган, аксинча, муаллақ севги ҳақиқатлари. Навоий тасвирлаган фироқ тоғининг ғубори — севги туғиладиган коинот ғубори билан замонамиз шоири айтаётган ҳаво, харирлик, чанг ўртасида ошнолик, яқинлик кўринади, бу коинот чанги бир ердан олинган, зуваласи бир ерда пишган.

*Эй дўст, ҳеч ким эмасман  
хаёлим билан мастман  
жим суриб ўтсам дейман  
қадрдон қайгуларни.*

(Иқбол Мирзо. «Қадрдон»)

Севги ўз қувончлари, мастоналикларини алқаган каби ўз қайғулари, айрилиқлари, азобларини ҳам алқайди. Севги унинг эгасига мудом қайғу қадар ширин. Шунинг учун у севги.

*Ҳайдагандим дилимдан мунгни  
Юрак қурғур шивирлаб деди:  
Кўзларини севардинг уни  
Киприклари чиройли эди...*

(Зумрад)

Мунгни суюкли кўнгилдан қувишга қанчалар уринманг, у кетмайди. Унинг хайдалишида мангу қолиш бор.

Муҳаббат, севги, яхши кўриш мудом ғўрлик ва балогат орасида яшайди дедик. Одам муҳаббатда, бу гўзал хиссиётларда ўз бурчини англамаса бу — ғўрлик бўлади. Одам нимага бораётганлиги ва бу хатти-харакатлари-

дан нималар хосил бўлажагини билмаса, бу — ғўрлик бўлади. Юханно ёзиб қолдирган «Хушхабар» «Азалда Каломуллоҳ бор эди» деган бенихоя сирли муқаддас сўзлар билан бошланади. Бу юнонча Логос. Унинг замирида илоҳий куч ва мантиқ мавжуд. «Каломуллоҳ Худо наздида эди. Каломуллоҳ Худо эди Азалданок у Худода эди» ва сўнг бироз ўтгач: «Дунё у орқали бор бўлган эди», дейилади. Бу чексиз фикр теранликка заррача шак келтирмаган холда Азалда Муҳаббат ҳам бор эди ва Муҳаббатсиз Калом — Логос вужудга келмасди, десак, борлиқнинг яратилишидаги куч-қудрат ва мўъжиза равшанроқ, тушунарлироқ бўлади. Борлик, мавжудлик ҳали вужудга айланмаганда ҳам, муҳаббат коинот чексизликларида эди. Фақат у сўнг ҳамма нарса вужудга келадиган зарра эди.



— Дода, — деди бир кун олти яшар набирамиз овози қамиш найдан чиқаётгандек қалтираб.

— Айя...

— Мен сизни яхши кўраман. Сизга мерседес олиб бераман...

Мен бир пас сўз тополмай турдим. Ана, сизга сабий муҳаббат! Ва ана сизга муҳаббат тўлиқлиги учун гаров бўладиган севги тортиғи.

— Мен ҳам сизни яхши кўраман, — деб олти яшар ошиқни маҳкам қучиб қўйдим.

Муҳаббат қайси замонларда бўлмасин, тиниқ булганмаган булоқ эканлигига яна бир карра амин бўлдим. Бу ёзувларга шундан кейин ўтирдим. Замоналар оша ғўрлик ва балоғат орасидаги муҳаббатнинг «ғариб кимиёлари» ҳеч қачон тугамайди.

## НОЁБ СЎЗЛАР ПОЭЗИЯСИ

*«Бу жаҳон айвонида  
Ўтолмадим қир оша.  
Юрагим майдонида  
Тугамайди томоша...»*

Салим Ашур

Ижодкорларда кам қўлланилган ёки умуман тилнинг жонли амалиётидан қолган, истеъмолдан чиқиб кетган деймиз ёки ноёб шевалардагина яшаётган сўзларни матн мухораба майдонига олиб киришга кучли майллар, ишқибозликлар — ўз бадиий лафз оламини бойитиш, жозибали қилишга интилишлар бадиий маҳоратнинг бир кўрсаткичи сифатида амал қилиб келади. Камёб, айрим ҳолларда эса кейинги даврлар ижодий амалиётида ҳеч ким ишлатмаган, билмаган, дуч келмаган сўзларни матнда қўллашнинг ўзига хос жозибаси, романтикаси, мафтунокорлиги бор, албатта.

Ижод психологиясида буни ноёб сўз соғинчи деб айтиш мумкин. Бу ижодда наслий аломатлар — атавизмнинг юзага чиқишига — кутилмаган ерда ва кутилмаган ҳолларда юзага чиқишига жуда ҳам ўхшашиб кетади.

Ноёб сўзлар инсон онгининг ост қаватлари, пучмоқларида (онгости) жуда чуқур кўмилиб яшайди. Маълум бир шароитда ва маълум бир пайтда, маълум бир ҳолатлар, воқеалар, ассоциатив боғланишлар таъсирида у баноғох юзага чиқиш ва муаллифни шошириб қўйиши мумкин. Яқингинада босилган адабий намуналардан мисол. Икром Отамурод бир шеърида хоксор одамларни таърифлаб ва уларга ўз симпатиясини ифодалаб келади-да, ёзади:

*«Ройлари йўқ давразанон бўлишга,  
бардорлик қилишмас чизилиб...»*

Бу ерда ижодкор сўзларни умум қабул қилинган қоидалар асосида эмас, ўз ижодкор хоҳиши қўтарган ва буюрганча ёзади. «Рой» — хоҳиш, лекин у қабул қилинган луғатларимизда «раъй» тарзида ёзилади. Эҳтимол жонли сўзлашувда «рой» ҳам дейилса. «Чизилиб» ҳақида

хам худди шундай дейиш мумкин. «Тизмоқ» ва «чизмоқ»дан ўзбек тили жуда кўп анвойи сўзлар ясайди. Уларнинг бир-бирларидан нозик фарқлари ҳам, нозик маънодошликлари ҳам кузатилади. Шунинг учун луғатларда «чизилишиб»ни — «тизилишиб» деб ва «тизилишиб»ни — «чизилишиб» деб «таржима» қиладилар, изохлайдилар. Лекин аслида тизмоқнинг маъноси чизмоқнинг маъносидан бўлак. Парчадаги «чизилишиб» асли тизилишиб деган маънони англатади.

Аммо «давразанон» қайси шева, қайси луғатда қайд қилиндийкин? Унинг маъносини қаердан қидирсак бўлади? Агар чамаси, икки қисмдан иборат мураккаб сўзни «давр» ва «зانون»га ажратсак, «зانون» — хотинлар деган маънони англатса, унда даврагули бўлишга интиладиган хотинлар деган маъно келиб чиқади. Унда хоксор одамлар давраларнинг ўртасига тушиб ўзларини кўз-кўз қилишни истамайдилар, бунга уларнинг хоҳишлари йўқ, деган маъно кўзда тутилган бўлади. Энди «бардорлик қилишмас чизилиб» деган сатрнинг маъносини тушуниб олишимиз қолади. Бардор — чамаси «кўтарувчи» маъносиди. «Алпомиш» орқали бу сўз «бардор-бардор қилмоқ» шаклида икки жилдли изохли луғатимизга ҳам кириб келган. Лекин «бардор» шаклида алоҳида қайд этилмаган. Ижодкор сатрда уни ноёб шаклда қўллайди. Андак маъно қоронғулиги ҳам йўқ эмас. Нимани «бардор» қилишмас? — деган саволга жавоб йўқ. Асли «бардор» мустақил сўз тарзида эмас, балки «яловбардор» (илк бора Ғафур Ғулом томонидан машхур шеърида оммалаштирилган), «лаганбардор», «жиловбардор» каби мураккаб сўзларга бирикиб келади. Луғатларда унинг «тутиб туриш», «ушлаб туриш», «қўллаб туриш» сингари маъноларни англатиши мумкинлиги айтиб ўтилган. У яна «қўлма-қўл» деган маънони ҳам англатади. Ижодкор ўзи таърифлаётган хоксор одамлар бирон бир нарсалар ёки кимсаларни «кўтар-кўтар» қилишмайди, ҳуда-бехуда ялтоқланаверишмайди, одамни уялтирадиган даражада ўзларини ерга уриб хушомадгўйлик қилишмайди, демоқчи бўлади. Лекин муаллиф кўзда тутган ушбу маънони айниқса ҳозирги замон ўқувчиси узок қидириб топишига тўғри келади. Лекин эндиги тезкор ахборот асрида қайси ёшнинг бунга вақти ва тоқати бор? Бир қадам нарида уни компьютерлар, интернет хабарла-

ри кучоқ очиб кутиб, чорлаб турибди ахир! Шу шеърнинг ўзида яна қуйидаги сатрларга дуч келамиз:

*«юрагимга қададим бўзни  
синонлар бўзимга тиқилди...»*

Бунгача биз шеър қахрамонининг ўзни йўлларга топширгани, умри батамом йўлларга тўкилгани ҳақида хабардор бўлган эдик. Шундан сўнг ўша маънони янада кучайтириш учун бу сатрлар туғилди. Аммо кўриб турганимиз парчада «бўз» қайси маънода келдийкин? Яна луғатларга мурожаат қиламиз. Уларда жуда бой тилимиздаги тўрт турли «бўз» қайд этилган ва тушунтирилган, бўз — мато; бўз — ранг, тус; (бўз от, бўздай оқарди), бўз — қўриққа ташлаб қўйилган ер; (бўз бола, гўр ўсмир), бўз — ўсимлик тури (бўз ўт).

Гап шеър қахрамонининг йўлларда ўтаётган, қийинчиликлар ичида кечаётган умри ҳақида бораётгани учун унга мантиқан тақир, ёввойи, бўз ерлар деган фикр яқинлашиб боради. Агар мабодо шундай бўлса, унда ўқувчини «қадамоқ» феъли ўйлантириб қўяди. Юракка бўзни қадаш, яъни тақиш ёки санчиб қўйиш... Қахрамон тамомила беҳосил, курук, бефойда нарсаларни кўксимга, юрагим мулкига йиғишга мажбур бўлдим демокчи бўладимикин? Фаразан шу маънода тўхтасак (албатта, келтириლაётган сўзларнинг асил маъноларини зўрлаш орқалигина балки мумкиндир...) Энди қолади бизга шеърда қўлланган «синон» сўзини англаб олишимиз. Шунини хам айтиб ўтайликки, тил ва бадий образлаш йўл-йўриғи, табиати, қодаларини теран тушунадиган кишилар эҳтимол ижодкор назарда тутган маъноларни қийналмай топиб олишар. Лекин шеърлар оммавий адабиёт газетаси орқали кенг ўқувчиларга тақдим этилаётгани учун тушуниб олишга интилишимиз табиий ҳол деб қараймиз. Бадий адабиёт аввало тушунарли бўлиш орқали ўқувчиларнинг сезгилари ва ҳиссиётларига ва қолаверса, ақлидрокига, фаҳмгузарлигига таъсир ўтказади. Акс ҳолда асар муаллифнинг ўзидан ўзгага қимматли бўлмай қолади. Адабиёт тушуниш, тушунча бериш учун яратилади ва нашр этилади. «Бўз қадаш» ҳақидаги тушунчаларимизни мухтасар қилиб, энди мисолдаги «синонлар»га тўхталайлик. Яна бу ўринда биринчи қатордаги «бўз» билан кейинги қатордаги «бўғиз» ўртасида оҳангдошиқ

ҳосил қилинаётганига ҳам эътибор қаратиб ўтайлик. Аммо гап «синонлар»да. «Синон» сўзи икки жилдлик ўзбек изоҳли луғатига кирмаган. Лекин Навоий уни бир неча ўринларда қўллаган. Навоий луғатида келтирилишича, «синон» — найза ва унинг учини, ва яна маҳбубанинг киприкларини билдиради. Навоий найза кўтариб жангга кирадиган жангчини «синонвар», яъни найзадор дейди. Навоийдан ушбу тушунчани олганимиздан сўнг замонавий ижодкорнинг қайси маънони кузатгани англашилади. Ижодкор «найзалар бўғзимга тикилди» деб бемалол ишлатиши ва қўзланган маънони ифодалаши мумкин эдику. Лекин бунда чамаси маъно жўнлашиб, одмилашиб қоладигандай туюлади унга. «Синонлар» эса ҳам жангдор, ҳам кутилмаган, ҳам ҳали бошқа шоирлар ишлатмаган, оригинал... Энг муҳими, шу муаллиф дунёни қабул қилиш ва тушунтириш услуби ва йўриғига жуда мос. Аммо ўқувчи кийналади-да. Тарихий-маданий ёдгорликларимизда «синон»га икки томчи сувдек ўхшаб кетадиган «сунан» сўзи ҳам қўлланган. Чунончи, Термизийнинг «Сунани Термизий» китоби нашр этилди. Бундаги «сунан» — йўл маъносида. Масалан, пайғамбарлар йўли. Таҳлил қилинаётган шеърда ўзи йўл ва йўл босаётган одам ҳақида бораётгани учун хаёл «сунан»га ҳам кетади. Яъни таъбир жойиз бўлса: йўллар бўғзимга тикилди. Хўш ниҳоят, тиканларми ёки йўллармикин бораётган одамнинг бўғзига тикилган? Қайси бири олижаноб? Танлаб олиш яна ўша машҳур қоидага: ўқувчига қолади. Биз кўп нарсаларни ўқувчи фаҳмига қолдиришни яхши кўрамиз, ахир?

Икром Отамурод кўп изланадиган ижодкор. Унинг ушбу туркумдаги яна бир бандини бирга ўқийлик:

*«Шаҳр бирубирдай шовқин, талотўн,  
ҳабис ҳоллар кезар суйкалиб, тайиб.  
Онам сукунатдан қувват олди ҳўб,  
руҳланди Касбининг ёдида гайиб».*

Бу ердаги ноёб сўзлар ва улар орқали ифодаланмоқчи бўлган ноёб маъноларни уқиб олиш ҳар кимнинг ақлига келавермайди. Шунингдек, яна ушбу туркумда «гард сина», «тавин», «симан», «қайрона-қайрона», «тайрона-тайрона», «айсуслар», «ҳаворлаб», «зўраб» сингари камёб сўзлар ва ё сўз ясамалари учрайдики, луғат

ахтариб уларни топиш ва маъноларидан баҳрадор бўлиш мушкул. Контакт тугмалари ишдан чиккан.

Икром шу каби сўз издихомлари ичида яшайди. Айб эмас. Лекин ноёб сўзлар, ибораларни қўллашда поэтик меъёрни саклаш бу ҳам бадийлик ҳамда эстетик диднинг жуда муҳим элементи. Бусиз бадийят талафотга гирифтор бўлади.

Кутилмаган сўз кутилмаганда туғилади. Шундай бир ҳолат, кайфият, ўрин келадик, хотиранинг аллақайси унут сирдонларидан у пайдо бўлади. Шеърнинг хужайрасига жиз этиб ёпишади. Доғи ўтиб, қаттиқ тутаб, доғулига айланаётган товадаги ёғга жаз ташланса, худди шундай жазиллайди ва жазавага тушиб товани чир айланади. Ёки гулханга эски тўнка ташласангиз, чарсиллаб учқунлар сачратиб этак, қўлларингизни куйдирди. Чарсиллаб ёпишган учқунни дарров олиб ташлай олмайсиз. Дахвотан анча патирлайсиз. Худди пишиқчиликда кўйлагингиз ичига жиззаки ари кириб олгандай.

Кутилмаган ноёб сўз маданий муҳит, маълум йўналишдаги изчил интеллектуал тарбия, қарашлар, поэтик майлларнинг маҳсули бўлиб ҳам кўринади. Бир шарти: ўзини бадий, семантик оқласагина.

Қашқадарёда Рустам Очил деган сув иншоотлари устасини билмаган одам йўқ. Ёши ҳам олтмишлардан ошиб, етмишларни қоралаган. Бутун Қашқадарё чўлларининг бепоён ва ҳеч тинмағур илхоми шу одамда. У бизни Таллимаржон ва унинг гирдогирдида шиғалаб ястаниб ётган, одамнинг юрагини бехос гумиртириб юборадиган чўллар, ярим саҳроларни кездирди. Чўлдан ҳам кенгрок бу кишини ана шунда яқинроқдан билдик. Саховатли булут қандай ёмғир ёғса, денгиз бағрига етилган булутдан дўл қандай шиддат билан дўлласса, Рустам Очилдан ҳам шеър шундай ёғилади. Чўл каби шеърнинг ҳам охири кўринмайди. Шеър ёзмаса, айтмаса ҳамма нарсаларни шеърга солмаса, асло туролмайдиган одам! Қарангки, унинг икки салмоқли шеър китоблари чиккан. У ҳеч нарсани даъво қилмайди. Фақат жону тани шеър! Шеър сўз! Рустам Очил ҳам Икром каби Қашқадарё фарзанди. Фарзанд бўлганда ҳам недай фарзанд! Лекин шеърлари шунчалар содда, шунчалар халқона. Соддалиқда бу шеърларни буғдой дониға ёки икки тованинг ўртасида пишган чўпонларнинг кўмач нониға ўхшатиш мумкин.

Умр бўйи чўлларда уларга оби хаёт таратиб юрган бу ажойиб инсон не-не одамлар ичида бўлиб, не-не сўз жавохирларига дуч келганийкин. Бунга заррача шубха қилмаса ҳам бўлади. Боз устига Қашқадарё лахжалари, шевалари беҳад бой ва не-не кутилмаган, хали бирон бир шоир тутиб кўрмаган сўз хазиналарининг дурдоналари дурланиб ётади бу ерларда! Лекин Рустам Очилнинг шеърларида уларга дуч келмайсиз. Рустам Очил ўта содда, ўта тушунарли ёзади. Заррача тушунарсиз бўлган ҳар қандай ноёб сўздан қочади. Бу жуда сезилиб туради. Икромнинг бутунлай тескариси. Икром қайси бир шеърининг бўлмасин, бирон қатига ноёб, кутилмаган сўз чатиб, сачратиб, учкунлатиб қўймаса, илхоми ва каламидан сира рози бўлмайди.

Аммо ноёб сўз қўллашнинг ўз андозаси, Алибек Рустамийга кўра ўз адаб-одоби бор. Айтайлик, динда, фалсафада, эстетикада, маънавиятда андоза бўлганидек, шеърини санъатлар, шеър фанида ҳам андозалар, меъёрлар мавжуд ва уларни ҳеч ким бекор қилган эмас.

Бизга қолса, шеърини талантнинг тўксон фойизи — бу фаросат, андоз оханг ва сўз туйғусидир. Шакл бор экан, булар бўлади. Ушбу тўрт нарса мавжуд бўлсагина шеър, гўзаллик, поэтика устида сўзлаш, муҳокама, таҳлил юриши мумкин. Акс ҳолда қоғоз қоралашдан не мурод?

Ўқувчиларга сир ё нотаниш нарса эмас. Баъзи шеърларни қарасангиз, бари ноёб сўзлар. Худди камёб сўзлар луғати дейсиз! Сўзлар, ташбеҳлар, ундовлар, кўп нукталар чатирлаб ёғилади, ҳамма нарса бордек. Лекин асил шеър йўқ. Андоза, фаросат, гўзаллик бундай шеърларни яқинига йўламай қўйганга ўхшайди. Улар ўрнини аллақандай нотайин архаизмга майллар эгаллаган, айрим ҳолларда бу нарсалар қайсарликка айланиб кетган (мен шундай ёзаман, шундай ёзишга эрким, ҳақим бор). Лекин бадиий фаросат йўқлигини, эстетик ўзбилармонликни меъёр даражасига кўтариб, уни услубнинг оригиналлиги деб талқин қилиш антиэстетикагагина олиб бориши мумкин. Бадииятда қоидасизлик унинг таназулидан бошқа нарса эмас. Ҳақиқий ижодий таназулни авангард ёки модерннинг бўйнига ҳам ағдариш ҳалол гап бўлмайди.

Шеърятга тийрак талабчанлик билан ёндошишга интилаётган Эргаш Очилнинг бир мақоласида ойна песга



ўхшатишгани мисол келтирилади. Бу онамиз табиатга ҳам, зимистон кечаларимизни сирли шуълаларига фарқ қиладиган ойга ҳам ғирт тухмат. Ойнинг тили бўлса, бундай троп учун уни тўқиган кимсани қарғаган бўларди. Модерн бу эмас. Авангарднинг ҳам, модерннинг ҳам ўз буюк мантиқсизликдаги мантиқлари ҳаракат қилади. Баъзи бирлар сиёсатда демократияни ниқоб қилганларидай, айримлар бадиий ижод соҳаларида модерн ёки авангарднинг чексиз буюк табиатини билмаган, англамаган ҳолда ниқоб қилишга уринадилар. Бу ғоятда ожизона, ачинарли ҳолдир.

Навоий, Лутфий, Саккокий, Атоий — бари беҳад ноёб, тотал ноёб сўзлар ва услублар! Улар замирида не не мазмундорлик, маънодорлик, фасоҳатлар тўлқинланади. Улар сўзларни нақадар эъозлайдилар ва нақадар ўз ўрнидагина қўлайдилар. Уларнинг матнлари нозик дидли фазлшунослик учун чексиз имкониятлар очади. Лекин билим етарли бўлмаса, фазлшунослик ўрнига фазлфурушлик урчийди (дарвоқе, фазлфурушлик тушунчасини истеъмолга академик Алибек Рустамий олиб кирди).

Ўсмирлик чоғларимизда Фафур Фуломнинг «Чин арафа», «Куз келди», «Вақт», «Аввал ўқи» сингари ифрот кўтаринки шеърларини беҳад севиб ўқирдик. Улардаги юксак мазмундан ташқари «арғанун», «лолагун», «зилу бам», «чалишмоқ», «гулгун», «атан», «айҳаннос», «хумоюн», «сарзамин»га ўхшаш сўзларнинг маъносини билмасак ҳам, юксак маданият қатори жойлашаётганлиги, улар улвий шеър саройини буюк бир санъат ва мазмундорлик билан порлантириб, катта поэтик миқёслар яратаётганлигини, гўзал охангдорликни болаликнинг маъсум юраги билан сезиб, илғаб турардик.

*Кўшидан келарса жаранглаган сас,  
хушингни элитар ишқнинг гаммози.  
Тентагим, бу қизнинг кулгуси эмас,  
жонон пиёланинг янгроқ овози —*

деса, шоир мурожаат этаётган биз тентаклар бу сўзлардан чинакамига «жинни» бўлиб юрардик. Биронтамиз «гаммоз» нималигини билмасдик. Лекин ҳаммамиз гаммознинг сеҳрида эдик. Унинг фитна, алдоқ каби маънолари борлигини кейин билдик. Навоий бу сўзни қўлла-

ган экан. Навоий қўллаган ҳар бир сўз ўзбек поэтик арсеналига кирган ва истеъмол қобилиятига эга бўлган ҳисобланади. Фафур Гулом бир чеккаси биз мурғакларни мумтоз шеърятга, Навоий, Лутфийга йўллаётган экан. Кўринг, «гаммоз» шеърда қанчалар ўз ўрнини топган ва худди куёш каби чараклаб турибди.

Ҳозирги янги ўзбек алифбосида ўқиётган ёш ўғил-қизлар мактабда Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» қасидасини ёд оладилар. Қасида ёдланга осон, ўта жарангдор. Унинг матнида «пинхон», «Ўзлук», «Тархон», «қоон», «чашми гирён», «тийри камон», «мулки торож», «Зардушт», «будийй», «одамийлик дини», «кавкабистон», «осмон тоқи», «сиймтан», «муқимлик», «захм», «тийра шом» сингари ноёб сўзлар, тушунчалар, иборалар қўлланган. Уларни ўн-ўн икки яшар ашаддий компьютершунос ўғил-қизлар қандай тушунадилар, қандай қабул қиладилар. Қасиданинг улуғвор оҳанги уларни беихтиёр ўз қудратли тўлқинлари бағрига олиб, ортидан эргаштириб кетади. Улуғвор тарихий – миллий ранг касб этган сўзларни қасиданинг умумий кўтаринки руҳи талаб ва тақозо этади. «Мен буюк юрт ўғлидурман, мен башар фарзандиман» деган жуда катта инсоний тушунча ва эътиқод шуни тақозо қилади. «Олам узра номи кетганлик» шундай юксак поэтик фасоҳатни талаб қилади. Шоир бу улкан поэтик мақомдаги шеърни бир кун келиб, ниҳоят мустақиллик бўлиб, болалар мактабларда ўқиб ёд олиб юришади, деб ёзган эмас. Бу умуммиллатга ва унинг миллий ғурурига қаратилган шеър. Шоир ёш бўғинга тушунарли бўлишни мақсад қилиб қўйиб ўзининг образлаш дунёсини чекламаган. Ўзбегим бунда юксак ментал поэтик образ-тушунчага айланган. Шунинг учун янги замон ўғил-қизларига ғоятда баракали поэтик, эстетик таъсир кўрсатади. Уч яшар Алишер «Мантикут-тайр»ни ёдлаб, унга ошиқу беқарор бўлганда, ўн бир яшар тўртинчи синф ўқувчиси «Муҳаббат», «Ўзбегим»ни ёдлолмасин ва тушунолмасинми? Катта бадийй ижодда катта ва юксак бадийй универсалийлар ҳаракат қилади. Қаранг, Эркин Воҳидовнинг замонавий тафаккурида «темиртан даҳолар», «вируслар» каби (қолаверса, бунгача махсус тор доирада истеъмолда бўлган сўз тушунчалар) сўзлар даврнинг жуда характерли ходисаларини шои-

рона универсаллик даражасига кўтаради. Сўз-тушунчалар ўта таъсирчан поэтик-хаётий образга айланади.

Бугунги шеърятнинг дунёларида кезаркан, Абдула Шер, Шукур Қурбон, Чоршамъ, Қутлибека Рахимбоева, Тохир Қаххор, Ибодат Ражабова сингари шоирларнинг лафзи тоза шеърлари биз эскичароқ кишиларга худди мақом селидай бошқачароқ таъсир қилади. Улардаги ноёблик ўрни-ўрни билан хақиқий ноёблик каби туюлади. Ибодат бир шеърида «елкам — ховуз» дебди. Шу пайтгача «елкамнинг чуқури кўрсин» дейиларди. Мана, кутилмаган сўз, кутилмаган ва қаранг, накадар гўзал образ.

Эътибор берганмисиз йўкми, одамни баъзан бир умр ноёб, баъзан тушунарсиз, тушунарсизлиги билан жуда поэтик, яъни жозибатор сўзлар таъкиб этиб турадилар. Эллик еттинчи йилда Окмуллага кўрик ерларга буғдой ўримига борганмиз. Еру кўкни ўшанда буғдой босган эди. Хирмонларга кузови ағдарилмайдиган, брезент тўшалган машиналарда буғдой ташилар ва хирмонларга буғдойни куракларда кураб туширардик. Бир кунни машинамизнинг хайдовчиси озарбойжонлик киши Ўзбекистондан эканлигимизни билиб, Абдулла Қаххорнинг ўша пайтда «Литературная газета»да янги чиққан «Минг бир жон» хикояси хақида сўзлаб қолди. «Одам ишонмайди бундай воқеаларга, — деди у. — Ростдан ҳам шундай одамлар бормикин? Мен бу ерларда абгор бўлиб кетдим», деди. «Абгор» сўзини шундай айтдики, дархол унинг вужудида, бутун туриш-турмушида шу тобда чексиз-поёнсиз абгорлик ҳоким эканлигини кўрдим. «Абгор» сўзи ҳеч эсимдан чикмас бўлди. Сабий чоғларимда Тешикқопқоқ мазорининг Қичкириқ сойи томон ўрлаган тўқайлари, дўланазорларида «казаки-разбойники» ўйнардик. Мазорнинг дўланазор тўқайга туташган чеккасида баланд бакатераклар тагида кичкина қабрча тепасига бир парча темир тунукадан ёдгорлик ўрнатилган бўлиб, унга биргина АЛФИЯ деган сўз ёзилган эди. Бу саккиз яшар бевақт хазон бўлган қизчанинг қабри эди. Алфия сўзи миямга ёмон ўрнашиб қолди. У тушларимга тинимсиз кириб чиқарди. Мен кичкина, сариқ жингалак сочи олтиндай товланган қизчани тасаввур қилардим. Алфия сўзи бир умр мени таъкиб қилади. Нега шундай? Бунга Фрейд усулида балки жуда узоқ тушунтириш керакдир.

Лекин баъзан юзлаб қутилмаган сўзлар, номлар, қишлоқларнинг ўта фаройиб, беҳад гўзал, маънодор номлари одамга эргашиб юради, безовта қилади.

Ноёб сўз олами шундай-да. То ифодаси, ўрни, шаклини топмагунча тинчимайди. Навоий «Мухокамат ул-луғатайн»да фақат туркий тилларда амалда бўлган юзта хос феъл сўзларни бирма-бир келтиради. Булар бошқа тилларда йўқ. Бошқа тиллар уларнинг ифодасига ожизлик қиладилар, дейди. Санаб чиқдим. Юзта гўзал ноёб сўзнинг фақат эллик тўрттаси ҳозир ўзбек тилимизда ахён-ахён қўлланади. Қолганлари истеъмолдан чиққан. Нақадар катта йўқотиш! Кўрдингизми сўз бойлигининг ўзигина етарли эмас экан тилнинг улўғлиги учун. Сўз бойлиги тинимсиз ҳаракатда бўлгандагина бойлик ёнига бойлик қўшилади. Ҳақиқий яратувчи бойлик бўлади. Андақ умидим борки, ишлатилмай қолиб кетаётган, Навоий кўрсатган гўзал мазмун оттенкаларига тўла сўзлар тармок отиб кетган шеваларимиз ва лаҳжаларимизда балки ҳамон яшаётгандир, ҳамон торрок доирада бўлса-да қўлланаётгандир. Фақат биз фофиллар бундан беҳабардирмиз. Фофиллик боис тарихий ҳарбий санъатимиз сирларига доир неча юзлаб, балки минглаб сўзларни бой бериб қўйганмиз. Улар қачон тирилади. Ўлган сўзларимиз қачон қабрларидан чиқиб келади? Уларнинг фарёдини эшитайлик, Навоий тили билан айтганда, «ўз тил ва луғатларимиз кайфиятидан ҳамиша воқиф» бўлайлик.

Аниқ биламан: ҳар гўзал шеърдан йиғи товуши келади. Бу унинг ноёб кечинмалар ифодаси, саси эканлигидан. Кечинмалар ҳақиқий экан, ноёб сўзлар ҳам ўзини қўл куттирмай, албатта, етиб келади.

## МУҲАББАТЛИ ОДАМНИНГ ҲАЙРАТЛАРИ

*Умарали Норматов муаллим, олим, ижодкор*

*Ҳар кимга улум бўлса восил  
Гар дардию холи йўқ не ҳосил?*

Навой. «Лайли ва Мажнун». XXXVII

Одам боласи 70—75 йил бу дунёда юргандан кейин унинг ҳаёти бамисоли Севастопол жангининг панорама-сига туп-тус менгзаб колар экан: қаёққа қараманг, жанглар, қаёққа қараманг, хужум, химоя, муҳофаза, портлашлар, кўзни очирмайдиган аччиқ тутунлар, хайқириқлар, наъралар, ғалаба суронлари, мағлубият аламлари, хиёнат қинғайишлари, матонат сипоришлари, мафкура-ларнинг чинқириш ва чиранишлари... одамзод яна ҳам йўқ бўлиб кетмайди бу қирғинлар, қувди-қувдилар ичида, қатлиомлар ваҳшатида, тўфонлар, довулларнинг ўқириқларида...

1931 йилнинг илк баҳорида яна майса-қиёқлар илиётган ер бағридан ёруғликка, рўшноликка бўй чўзди. Фарғонанинг мажнунтоллари ипакдек ним куртак отди. Рапқоннинг минг йиллик ўриклари яна бужур бўлиб кетган таналари ичидан нафис қизариб бўртди. Баҳорнинг илмилик қуёши тонг чоғлари булутларнинг карвонларини олтин шамширлари билан тик ва адл кесиб ўтди, булутларнинг бағри тонг шуълалари билан ёришди.

1931 йилнинг аввал баҳорида Фарғонада бир китоб ўқийдиган бола дунёга келди.

У жуда қийин баҳор эди. Ўзбек қишлоқларини зўрлаб ялпи жамоа хўжаликларига бирлаштирмоқчи бўлишарди. Одамлар мол-ҳолларини келажаги номаълум коллектив хўжаликка топширишни истамай бозорга олиб чиқишар, бозорда сотишга олиб чиқилган моллар тикилиб кетган, базўр ярим баҳосига сотиб кетардилар. Коллективлаштиришнинг васваса, саросималари авжга минар, бунинг нималигини бирон кимса тушунмас ёки ҳамма ўзича бир-бирининг оғзига қараб тушунтирар: ҳамма бир кўрпада ётармиш... — дерди. Бир кўрпада ётишнинг ваҳимаси ҳаммани кўрқув ва изтиробга соларди. Фарғо-

нада миллий қаршилик ҳаракатлари ҳам ҳали тугаган эмас, қадим ўзбек қишлоқлари тарихнинг қонли ўйинларига майдон бўлиб қолган эди. Дохий Сталин махфий буйруқ устига махфий буйруқ чиқариб Марказий Осиёнинг патриархал маконларида синфий курашга зўр берар, унинг назарида қанча қон тўкилса, шунча яхши эди.

Коллективлаштириш баробарида 1931 йилнинг бошларидан, ҳатто ўтгизинчи йиллардан «кулоқ», сургун, кўч-кўч деган балойи азимлар ижтимоий катаклизмлар, халқларни таъқиб қилиш авж олди. Инсон қисматлари адоқсиз фожиалар гирдобларида чирпирак бўлди. Оламни қаҳру қазаб, қон тўкиш, ҳайдаш, қувиш, маҳрум қилиш ёппасига қамраб олди.

Шундай ва шунга ўхшаш воқеалар номи аллақандай сирли жаранглайдиган ва худди Зардўшт замонларидан қолган сўздай туюладиган Рапқонни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Ўша йили болалар коллективлаштириш фарёдлари, васвасалари ичида, коллективлаштириш дудларига фарқ бўлиб туғилдилар.

Умарали Норматов 1931 йилнинг аввалбахорида Рапқонда дунёга кўз очди. Мисли кўрилмаган ижтимоий янгиликлар ичида йўргакка йўргакланди.

Турдиали бобо, Нормат қориларнинг хонадони нисбатан ўзига тўқ, қадим-қадимлардан зиёга чулғанган, маърифатли удумларни каттиқ тутадиган хонадонлардан эди. Бу хонадонда аёллар ҳам саводхон, бунда доим оила давраси, қишлоқдошлар ҳам йиғилишиб келиб яссавий-хонлик, машрабхонлик, фузулийхонлик, дostonхонлик, қиссахонликлар бўлиб ўтарди. Тажвид билан Қуръон, диний китоблар, ҳадислар, авлиё-анбиёларнинг саргузаштлари ўқилар, ўргатилар, одамлар йиғлашиб, мунграшиб наъра тортишиб тинглашарди. Нормат қорининг уйи маърифат нурлари билан ёришган, бу уйда «Туркистон вилоят газети», «Турон», «Янги Фарғона» газеталари ўқилар, бинобарин, оила бошлиқлари Нормат қори, Сорабиби дунёдан анчагина хабардор, маърифат, ахлоқ, маънавият, гўзал, ҳикматли сўзнинг, яхши инсоний муносабатларнинг қадрига етадиган, уларга амал қиладиган замонавий кишилар, ўз муҳитининг зиёлилари эдилар.

Умарали Норматовнинг илк болалиги эртақлар ичида кечди. У онаси оғзидан «Уч оғайни ботирлар», «Ёрил-

тош»ларни эшитди. Уларни қулоғига маҳкам қўйиб ёдлаб айтиб юрди. У ўз тенгқурлари орасида хикоя қилишга уста бола бўлиб танилди. Онаси Сорахон хазин ун солиб ўқийдиган Машраб, Фузулий, Сўфи Оллоёр ғазаллари унинг маъсум ва мурғак қалбини шамдек эритди. Шамдек ёритди. Умарали бу ғазал байтларини онасининг ипакдек овозига мафтун бўлиб тинглар, селга ғарқ бўлар, баъзан чидолмай инграб юборар, йиғларди. У онасининг беҳад гўзал чиройидан маст бўлиб йиғлаётганими ёки ғазалларнинг мунгли, сирли оҳанглари шундаймиди, ўзи ҳам билмасди. Сорахон ўғлининг кўзларидан шашқатор ёшлар оқаётганини кўриб, ўқишдан тўхтар, унга ўзининг ҳам ёш халқоб бўлган маъюс кўзларини тикиб шундай қарар эдики, Умарали бу нигоҳ шуъласида бутун дунёни унутар ва хушидан айрилаёзарди. Сорахон шунда ўғлининг жингалак сочлари патила бўлиб турган бошини тиззасига олиб, унинг гул япроғидек пешонасини майин-майин силарди.

Онаизор тиззасига бошини қўйиб лаззатли кўзёшларига ғарқ бўлиб Машраб ноаларини тинглаган сабийнинг қалбида умр бўйи ўчмайдиган, йўқолмайдиган, ҳеч қандай шароитда адаштирмайдиган маъсумлик ва сирли муҳаббат уйғонди. Бу маъсумлик ошиқликка йўғрилиб уни кейин умр бўйи асло тарк этмади. У ҳар қандай вазиятда маъсумлигини йўқотмади. Онанинг ушшоқ овози доим қулоғида жаранглаб турди. Уни офатлар ва ғаразлардан ҳимоя қилди. Ҳали-хануз у машшоқларни эшитса, ўзини мусика садолари ичида йўқ бўлиб, дунёда фақат мусика қолаётгандай сезади. Бежиз эмас, бола шоирдай бўла бошлади. Ҳаммадан яшириб «Умар» тахаллуси билан машрабона шеърлар машқ қилди. Болаликдаги шеър дафтларини кейин мактабда ҳам, Конибодом педбилим юртида ҳам, Тошкентга келиб машҳур университетнинг кутлуғ даргоҳига қадам қўйганда ҳам доим ёнида олиб юрди. Назарида бу дафтар қатларига онаси Сорахоннинг кўзёшлари томгандай ва бунини ўзи билан бирга умр бўйи олиб юриши керакдай туюларди. Болалик дафтларини бегона кўзлардан доим асрарди. Назарида энг маъсуд шоирлик шу кўзёшларнинг изларида мужассамдай эди. Уни дунёнинг ҳеч қандай бойлигига, неъматига алишиб бўлмасди. Умарали жуда эрта китоб ўқишга ишқибоз бўлди. Қўлига нима тушса, ўқирди.

Онаси унинг саводини жуда эрта чиқарганди. Китоблар кўп эмас, лекин Нормат кори хонадонида улар етарлича топиларди. У ўз уйи токчаларидаги барча китобларни бирма-бир ўқиб чиқди. Китобга ўчлик тобора кучайди. Билим юртида ҳам унинг ўқимаган китоби қолмади. Унда китоблар таъсирида эрудиция шаклланди. Эрудиция фикрни ҳар томонга ўстиради. Одам яхши-ёмонни, дунёнинг ишлари, одамларнинг муомала-муносабатлари, ахлоқ ва яшаш нормаларини баҳолашга, киёслашга, ҳар нарсани фикрлаб ўлчашга ўрганади. Одам тор маънода, зарурат маъносида саводхон бўлиши мумкин, тор бир сохани жуда чуқур эгаллаши мумкин. Лекин эрудиция бўлмаса, у оми бўлиб қолаверади. Улкан илмий унвонлар қозониш мумкин. Лекин эрудиция бўлмаса, улкан унвонлар сохиби бошқа сохаларда оми бўлиб қолаверади. Умарали буни ўша ўсмирлик чоғларида ҳам, кейин университетда таҳсил олганда, илм сохаларига кириб борганда ҳам ҳаётда кўп кузатди. У бир куни анча кейинроқ Асқад Мухторнинг «Ойдин соната» шеърини ўқиди. Шеър эрудитдан худо асрасин, деган кучли сатр билан яқунланарди. Ҳамма нарсани биладиган ва қойил қилиб таҳлил қиладиган эрудит гўзал музикани чуқур ҳис қилишга қодир эмас. Ҳолбуки, мирзачўллик кишлоқ йигити мусиқани сел бўлиб тинглайди, қалбига жо қилади. Шоирга ҳамма нарсани биладиган ва таҳлил қила оладиган эрудитдан кўра мана шу соддагина мирзачўллик йигит маъқулроқ. Шунинг учун шеърини эрудитдан худо асрасин деб тугатади. Умарали ўйлаиб қолди. Наҳот эрудиция шунчалар ёмон нарса бўлса? Наҳот ҳар томонлама кенг илм, билим орттириш, нарса-ходисаларнинг маъзини чақиш қораланишга лойиқ бўлса? Ахир эрудицияни қоралаб, омилиқни ёқлаш қаерга олиб боради? У шоир билан ўз кўнглида баҳс қилди. Лекин кейин бу шеър ҳақида ёзганда у шоир нуқтаи назарига эргашди, уни танқид қилишга ёки ўз мулоҳазасини очик баён этишга ботинмади. Уни кўпинча шоирлар, ёзувчилар — катта талант эгаларининг салобати босади. Улар яратган асарларнинг салмоғи елкасидан вазмин босиб туради. Эркин ўз фикрини айтишга қўймайди. Эркин фикрини айтишдан андиша қилади. Шунинг учун кўпроқ хайратларини — таассуротларини баён қилиб ўтиш, асар-



ни қўллаш, маъқуллаш, адибга далда бериш самаралироқдай туюлади.

Умарали Норматов университет даргоҳида ўзбек миллий адабиётида яратилган барча асарларни битта қўймай ўқиб чиқди. Унинг атрофида ўқиш-ёзишга қизиқадиган, омил тенгқурлари кўп эди. Айримларини китоб жинниси дейишарди. Лекин уларнинг ичида китоб ўқишда Умаралига ҳеч ким етолмасди. На Саттор Хайдаров, на Шерали Турдиев, на Лазиз Қаюмов.

Умарали болаликдан муаллим бўлишни орзу қиларди. У эрудицияси кучли муаллим бўлди. Эрудиция ва муаллимлик, ўқилган китобларнинг муҳокамалари уни танқидчиликка етаклади. Танқидчи — алоҳида иқтидор соҳиби. Танқидчи — ижодкор. Ёзувчи ҳаёт орқали китобга боради. Танқидчи китоб орқали ҳаётга киради. У китобларни очади. Доим шу маънода кашфиётга мойил. Муаллимга эрудиция сув ва ҳаводай зарур. Лекин танқидчини эрудициясиз мутлақо тасаввур қилиб бўлмайди. Эрудиция етилгандагина танқидчи етилади.

Кўп йиллар ўтиб Умарали Сент Экзюперининг оламга донг таратган «Кичкина шахзода»сини ўқиди. Лол бўлди. Худди ўзини шу китобнинг ойнасида кўргандай сезди. У мудом Кичкина шахзодадай хис қилганларини англади. Китобга машҳур Европа рассомининг Кичкина шахзодани чизган суратлари илова қилинган эди. У суратларда ўз болалигини кўрди. У болалигида ростданам баайни Кичкина шахзоданинг ўзгинаси эди. Унинг йирик-йирик бўталокники мисол кўзлари атрофга шундай хайрат билан боқар ва ҳар қадамда алланималарнидир кашф этарди.

Рапқондан илгари ҳеч танқидчи чикмаган эди. Рапқондан илгари болалар ёзувчиси ҳам чикмаган эди. Рапқон деса, фақат Муқимийнинг машҳур «Саёҳатномаси»даги ўткир сатрлар ёдга тушарди, холос. Янги замон экан, Рапқондан энди Жанни Родарига ўхшаган, баъзи жиҳатларда балки ундан ҳам ўтиб кетган Худойберди Тўхтабоев чиқди. Рапқондан янги замонда кўп ўқиган муаллим, ижодкор олим ва танқидчи Умарали Норматов адабиёт майдонига кириб келди ва бу майдонда мустаҳкам ўрин ишғол қилди. Рапқонда Нормат қори хонадо-нида таниқли кишилар меҳмон бўлишарди. Абдулла Қаҳҳор бу хонадонга бегона эмасди. Бу хонадондан узок

эмас, олтмиш-етмиш чакирим нарироқда Сулаймон базознинг ўғли миллатпанох Абдулхамид Чўлпон ва яна шу атрофларда нозик ва нафис сўз сохибаси Саида Зунунова дунёга келган эдилар. Муҳит инсонни, ижодкорни етиштиради. Бекорга шоир, бекорга танкидчи бўлмайдилар. Ҳеч нарса тасодиф эмас ва ҳамма нарса тасодиф. Дунё доим тазод ичида: унинг бино бўлиши шундай. Умаралининг маъсумлиги ва ошиқона хиссиётларга берилувчанлиги узокдан ҳам бемалол кўзга ташланиб туради. У болаликданок қалбини тўлдирган хиссиётларини ҳеч ерга сиғдирилмасди. Хамиша ошиқона туйғуларини изҳор этишга енгиб бўлмас эҳтиёж сезарди. Бунинг учун аввало фақат китоблар энг садоқатли ва энг миннатдор соме эдилар. Умарали юрагини тоширган муҳаббатини китобларга изҳор этди.

У сирларни кашф этувчи ўз ёрилтошини топди. Ҳар ўқиган китоби Умарали учун мисоли ёрилтош бўлди. Ҳар бир китобни ўзининг олам сирларига ошно этувчи ёрилтоши деб қаради. Ҳар китоб, ҳар адиб, шоирга ёрилтош деб қараш кейинчалик тамомила етук ички эҳтиёж тусини олди. Ёрилтошларидан ардоқли саволлари, орзуларига жавоблар излади, кутди.

Танкид ва ижоднинг бахтли ёрилтоши уни донишманд, гўзал табиатли, гўзал салоҳиятли, эзгуликдан баҳрадор кишиларга дуч келтирди. Университетда ўқиркан, у Фулом Каримов, Озод Шарафиддинов, Субутой Долимов, Лазиз Қаюмов, Иззат Султон, Матёкуб Қўшжонов, Аҳмад Алиев сингари таниқли олим, муаллим, маърифатчилар билан учрашди, уларнинг дарсларини тинглади, қимматли сабоқлар олди, ижодий, илмий тажрибаларини қунт билан ўрганди. Ўз навбатида хамиша уларга садоқатли шогирд ҳурмат-эътиқодини бажо келтирди. Устозлар қарзини ҳеч қачон, ҳеч қандай шароитда бўйнидан соқит қилмади. Яхши шогирд бўлмаган яхши раванқ топмаслигини талабалик пайтидаёқ аниқ англаб етди. Умарали Норматов чин шогирдликда нашу намо топди.

\* \* \*

Адабиётни, китобларни яхши кўрадиган кишини адабиёт шайдоси дейишади. Шу сўзнинг тўла маъносида бадий адабиётга, танкидчиликка, муаллимликка Умара-

ли Норматовчалик шайдо кимса бормикин? Шайдолик унга Озод Шарафиддиновдан юкдимикин, ўтдимикин, ўзлашдимикин? Булар бир нарсалар каби кўринади-ю, лекин Озод Шарафиддиновнинг шайдолиги бошқачароқ. Умарали Норматовнинг шайдолиги бошқача. Озод Шарафиддинов ўз шайдолигида жиддийроқ, вазминроқ, ижтимоийроқ, сиёсийроқ, иродалироқ, матонатлироқ, кенг камровлироқ, теранроқ, тежамкорроқ... Умарали Норматовнинг шайдолиги — шоиронароқ, ошиқонароқ, тошқинроқ, экспрессивроқ, ва ҳаммадан ҳам... ўта маъсумроқ, болаларча ўз ёрилтошига ишонувчанроқ... Шайдоликнинг бундай белгиларини айта туриб адабий танқидчига зарур белги ва хусусиятлардан айримларини баён этаётганимизни сезиб турибмиз. Сент-Бёв, Лессинг, Белинский, Добролюбов, Чернишевскийларни бир кўз ўнгимизга келтирайлик. Уларда танқидчи учун зарур шундай хусусиятлар ўта даражада хос ва тўла мужассам бўлганлигини кўрамиз. Танқидчи мана шу хусусиятлардан куч олиб таҳлил қилади, бадииятнинг ички қонуниятларини очади, белгилайди, ижодкорликнинг сирлари ичига кириб боради, ўтган, бугунги, келажак йўлларига назар ташлайди. Танқидчи қонуншунос ва ҳукм ўқувчи кимса эмас. Асло. Улар аслан бадиий ижодкорликнинг қонуниятшунослари, ижодкор даражасидаги муҳаллилларидирлар. Муҳаллил сифатида улар адабиётшунос ҳамдирлар. Танқид ва адабиётшунослик бу — ўлмас кадрят. Улар бадиий адабиёт ва санъатнинг ижтимоий овози. Танқидчиликсиз адабиёт ва санъат ижтимоий (социал) овозга эга эмас.

Умарали Норматов 1952 йилдан танқид ичига кирди. Ўшандан буён ҳозиргача муболаға эмас, минглаб мақолалар ёзди. XX аср ўзбек адабиётининг ўзига замондош барча адиблари, катта-кичик қаламкашлар билан танишди, яқиндан мулоқотлар олиб борди, суҳбатлар қилди. Адабиётда катта эътибор қозонди, танқидчи, адабиётшунос сифатида тан олинди.

Адабий принциплари бўлмаган танқидчини — танқидчи деб аташ қийин. Танқидчиликка даъвогар киши хар қанча кўп ёзмасин, шовқин солмасин, кўча чангитмасин, унинг оригинал адабий-бадиий принциплари бўлмаса, унинг ёзганлари таъсирсиз, кадрсиздир.

Умарали Норматов ҳақиқий танқидчилар каби доимо адабий жараёнлар ичида бўлди. Жараёнларда қонуниятлар мавжудлигига эътибор қаратди. У адабий-бадиий анъаналарни чуқур таҳлил қилди. Анъаналарни бадиий адабиётнинг новаторлик хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқликда текширди. Ёзувчиларнинг тасвир, қаҳрамон, характер яратиш маҳоратлари ичига чуқур кириб борди. Айниқса, пластик тасвирга алоҳида эътибор қаратди, пластик тасвирнинг намоён бўлиш ҳолларини кузатди.

\* \* \*

Ҳақиқий танқидчи баҳсларда етилади, баҳслар ичида қайнайди, тобланади, ижодкор сифатида ўзига хослигини топади. Танқидчини баҳсларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. У жамиятда баҳс муҳитини яратади. Фикрларнинг тиниб, турғунликка гирифтор бўлишига йўл қўёлмайди.

Умарали Норматов баҳсларда моҳир. У доим адабий баҳслар ичида. Кейинги эллик йил ичида Ўзбекистон адабиёти ҳаётида бўлиб ўтаётган барча баҳслар, мунозараларнинг иштирокчиси. У эътиборли мулоҳазалари билан бу баҳсларни бойитади, тўлдиради, уларга жозиба бағишлайди. Баҳслар орқали адабий жараёнларни жонлантиришга, уларни маҳсулдор қилишга буюк ҳиссасини қўшади. Унинг нуктаи назари бундай баҳсларнинг кўпинча марказида туради.

Умарали Норматов салмоқли асарлар ёзган барча ижодкорлар билан адабиётнинг қайноқ, жўшқин, долзарб масалалари устида суҳбатлар қилди. Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Мирмуҳсин, Ҳамид Фулом, Назир Сафаров, Раҳмат Файзий, Эркин Воҳидов, Пиримқул Қодиров, Худойберди Тўхтабоев, Ўткир Ҳошимов ва бошқа қатор-қатор ижодкорлар билан суҳбатларида адабий жараён, адабиёт спецификаси, адибларнинг ўзига хос хусусиятлари, асарнинг дунёга келиш сир-синоатлари, яратувчиликнинг жозибали қирраларини очиб кўрсатди. Суҳбатларни адабий жараёнларнинг жонли ҳалқаларига айлантирди. Умарали Норматовнинг адабий суҳбатларида давр адабий-бадиий тафаккурининг такрорланмас белгилари акс этади. Бу суҳбатлар давр адабий ҳаёти, адиблар таржимайи холи, улар қарашларининг такрорланмас қимматли ҳужжатларидир. Ўзбек адабиё-

тимизда кейинги элик йил ичида ҳеч ким бунчалик кўп ва ҳўб суҳбат яратмаган. Уларда адибларнинг ўзига хос қарашларигина эмас, танқидчи Умарали Норматовнинг принциплари, ахлоқи, ижодкор сифатидаги кизиқишлари акс этади. Айниқса, талант тарбияси борасидаги масъулликни бўйнига олиши ва ҳис қилиши кўзга ташланиб туради. Бу суҳбатларда қанчадан қанча қимматли гувоҳликлар сочилган. Хассос шоир ва носир Шухратнинг, айтайлик, уруш хандақларида Ремаркнинг «Ғарбий мухорабада ўзгариш йўқ» романини ўқиб қайфияти тушиб кетгани, сўнг унга Тургеневни ўқишни тавсия қилишгани, Тургенев асарлари унинг ижодий булоқларини очишга ёрдам берганлиги ҳақидаги қимматли эътирофларни Норматовнинг суҳбатида ўқимасак, яна қаердан билардик? Ёки бу суҳбатлар бўлмаса, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Ҳамид Фулом романларининг ички сирларидан бошқа қаерда огоҳ бўлардик? Бу суҳбатларда ёзувчи ва танқидчининг фикрлаш чоғида гурсиллаб уриб турган юрак зарбаларини аниқ-аён сезиб турасиз. Бунда адабиёт ва унинг ранг-баранг муаммоларини жон-жони, қонқонига сингдирган, уларнинг ҳаётининг туб маъзига, ҳаётмамотига айлантирган бир маърифатли инсонга дуч келамиз. Бунда у адабиётнинг йирик, билимдон, эрудит мутахассиси сифатида бор бўй-басти билан кўзга ташланади. Унинг сиймосида йирик мутахассис билан йирик тадқиқотчи, адабиётшунос олим нур усти нур дегандай, миллий университетнинг тажрибакор ўқитувчиси яхлит бир шахсни ташкил этади. Бунда унинг мутахассислиги танқидчилигини, танқидчилиги — адабиётшунослигини, адабиётшунослиги — домлалигини тўлдириб, бойитиб туради. Мутахассислик инсонни жуда қимматли (ўзи ва ўзгалар, жамият учун) ижтимоий ҳодисага айлантиради. Мутахассис дегани алоҳида хос билимларни чуқур билувчи, соҳанинг хос хусусиятларини миридан сиригача эгаллаган, сир-асрорлардан тўла хабардор одам дегани. Хосият, хусусият, ихтисос, хослик каби тушунчалар ҳам мутахассиснинг белгиларидир. Мутахассис ижодкор бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Бунда шуниси равшанки, ихтисос ижодга кучли таъсир кўрсатади. Ижодкорликни салмоқли тарзда бойитади. Озод Шарафиддинов, Наим Каримов, Собир Мирвалиев, Абдуғафур Расулов Умарали Норматов мутахассис сифатида ўз ижодларини

ихтисос сирлари билан бойитиб мазмундор бир ходисага айлантира олганлар. Буни айниқса, Умарали Норматовнинг кўп захматлар чекиб, хақиқий энтузиаст сифатида тер тўкиб яратган дарсликлари, қўлланмалари, мажмуаларида қанчалар аҳамиятга эга бўлганини аниқ-аён кузатиш мумкин. Албатта, адабиёт жараёнларида қайнаган, миллий адабиётни ипидан игнасиғача билган ва тасавурида хамиша гавдалантироладиган танқидчи ижодкор, адабиёт тарғиботчиси бўлган муаллифнинг ёзган дарсликлари ўз илғор новаторона жиҳатлари билан кескин ажралиб турса, не ажаб! Умарали Норматовнинг 5-, 9-, 11-синфлар учун яратган дарсликларидан, «XX аср ўзбек адабиёти тарихи» дарслигига қўшган қатта улушидан манфаатдор бўлиб таълим олган ўқувчилар ажабмаски, миллий ва жаҳон адабиётидан чуқур, кенг билимлар, тасавурлар олади. Юрагида бадиий адабиётга муҳаббат чўғи ланғиллайди. Умарали Норматов жаҳон адабиёти жараёнларидан ҳам атрофлича хабардор, уларни доим кузатиб боришга интилади, улар билан ижодининг мундарижасини бойитади, ўзбек адабиёти жаҳон адабиёти мезонлари билан ўлчаниши ва бўйлашувини истади. У ҳозирги замон миллий адабиёт дарсликлари ва мажмуалари қандай бўлиши кераклиги устида ишлаганда, бунинг назарий-илмий асосларини, принципларини ишлаб чиққанда, албатта, жаҳон адабиёти тажрибаларини ҳисобга олади. Адабиёт дарсликларининг янги авлоди, янги туркумларига йўл очади.

\* \* \*

Умарали Норматов ҳаёт бўсағасига қадам қўйганда, ким бўлишим керак, деган жумбоққа жавоб излаганда, иккиланмай адабиёт муаллими бўлишга аҳд қилди. Китобларнинг сирли оламида яшашни кўнглига тугди. Орзуларини рўёбга чиқариш учун сабот билан интилди. Толейи ёр бўлиб ҳар икки орзусига тўла эришди. Венерахон Исақова билан биргаликда мунаввар уфқларга интилган мусаффо оила қурди, солих, олим фарзандларни вояга етказди. Бу мунаввар оила унинг ижодий интилишларини хамиша қўллаб-қувватлаб мададкор бўлди.

Умарали Норматовнинг рисолалари, бадиалари, суҳбатлари, тадқиқотларини ўқисангиз, «янги», «янгилик», «хайрат», «сеҳр-синоат», «сир» каби сўзларга дам-бадам

дуч келасиз. Булар оддий бўлиб кўрингани билан аслида Умарали Норматов ижодининг очкичлари, калит-сўзлар. Улар танқидчимиз учун жуда катта маънога эга. Умарали Норматовнинг танқидчиликдаги принципларидан бири янгилик излаш, янгилик олиб кириш, янгиликни қутлаш. У ижодининг бошланишиданоқ адабиёт ва ёзувчилар ижодида новаторликка алохида эътибор билан қарайди. Асарни аввало унинг қанчалар янгилиги, илғор изланишларга қанчалар жавоб беришига қараб баҳолайди. У доим асар ҳайратлантирсин, дейди. Ҳайрат эса унинг назарида новаторликдан хосил бўлади. Асарнинг сеҳр-жодуси танқидчимиз эътиқодича ёзувчининг қанчалар янгилик — янги образлар, янги қаҳрамонлар, янги бадий тасвирлар, талқинлар яратолгани билан ўлчанади. Умарали Норматов бир суҳбатида ўзи-га ўзи: «Ярим асрлик ижодий фаолиятимдан нима топдим?» — деб савол беради ва бунга яна ўзи: «топганим ҳайрат бўлди», деб жавоб беради. Адабиёт тортиқ қилган ҳайратнинг унинг ҳаётида, эстетик дунёсида тутган ўрни шунчалар катта. Ростдан ҳам Умарали Норматов ижодкор сифатида бошдан оёқ ана шу ҳайрат ичидадир. У худо берган танқидчи бўлмасайди, бутун умри, оъмолни адабиёт билан боғламасайди, асло шундай демасди. Демак, бу ҳаётий ва ижодий принципларнинг маълум бир хулосаси. Аммо ҳайрат бор — ҳайратдан фарқланади. Танқидчи назарда тутган ҳайратнинг оддий экзалатациядан фарқи бор. Бу ҳайрат донишмандликдан, билимдонликдан, эрудициядан, шоирона ҳис қила билиш ва бехато амал қиладиган дид-фаросатдан туғилади ва танқидчини — танқидчи даражасига кўтаради.

Умарали Норматовнинг сараланган асарларида биз новаторлик орзуси ва талаби уларни ич-ичидан ёритиб турганлигини кўрамиз. Булар кейинги ўн йилликнинг махсуллари. Танқидчи адиблардан, замондошлардан янгилини талаб қилсаю ўзи янгиланмаса, бу унинг асарларининг таъсир кучини йўқотади. Талаблари сохта, масъулиятдан холи талаблар деб қабул қилинади. Умарали Норматов замон билан баробар қадам ташлайдиган инсон сифатида доим ўзи ҳам ижодий янгилини борди. Эркинлик унинг ижодига, қарашларига том маънода янги тўлқинлар олиб кирди. Нитшедан келаётган, Нитшеннинг улуг кашфи бўлган, даврларнинг мафқуралари, таъли-

мотларига жуда кучли таъсир кўрсатган, оламшумул ўзгаришларга туртки бўлган «кадриятларни қайта баҳолаш» деган ўта муҳим тушунчаси Европадаги барча ўзгаришларга доя бўлди. Қадриятларни қайта баҳолаш XX асрдаги барча глобал ўзгаришларни ўз ортидан етаклаб борди.

Бизнинг эркинлик давримиз ҳам, ҳаётимиз ҳам «кадриятларни қайта баҳолаш» мазмунига тўла жавоб беради. Умарали Норматовнинг кейинги ўн-ўн беш йил ичидаги ижоди шу қайта баҳолаш шиори остида кечаётгани сир эмас. Умарали Норматов эркинлик ва демократик ўзгаришлар ҳавосида ўзини янги бир изга сол олди. Мана, унинг қизиқишларини ифодалаган мавзуларга эътибор қилинг: «Назария ва янги адабий жараён», «Романнинг янги умри», «Дунёни янгича кўриш», «Шахс хақида баҳс» ва ҳоказо. Умарали Норматов XX аср мумтоз адабиётимиз ва унинг намоёндалари ижодига бўлган қарашларини янгилади, у мумтоз адабиётимизни — Ҳамза, Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Фафур Гулом, Ойбек, Абдулла Қаххор каби адибларимизни қайтадан ўқиди. Уларга янгича нигоҳ ташлади. Эркинлик унинг қарашлари, ўлчовлари уфқлари, мезонларини кенгайтди ва жозибалироқ, ишонарлироқ қилди. Қайта баҳолаш жараёнида кўп нарсаларни ва хусусан модернизм деб аталиб келаётган авангард адабиётни, унинг айрим оқимларини ўзи учун кашф қилди. Унинг кейинги йилларда чиққан «Қодирий боғи», «Умидбахш тамойиллар», «Қаххорни англаш машаққати» китоблари ана шундай кадриятларни қайта баҳолашнинг салмоқли самараларидир. Ўқувчи унинг кейинги ўн йилларда ёзган асарларида адабиёт ва ҳаёт ҳодисаларини танқидчининг қайта баҳолашга интилаётганига ҳар дамда дуч келади. Бунда танқидчининг ишонтириш санъати янги юқори босқичга чиққанини кузатамиз. Алишер Навоий «Лайли ва Мажнун»нинг охириги бобида дostonни турк элининг шуҳрати жаҳонга тарқалишини мақсад қилиб ёзганлигини гўзал бир тарзда айтади ва дейдики:

*...невчулки букун жаҳонда атрок  
кўптур хуштабъу софи идрок  
гар модда камрак эса не гам  
чун завқлар асл — у эмас кам —*



Навой модда камрак деганда чамаси достон зимнига кирган воқеалар силсиласини назарда тутса керак. Бу камтарлик, албатта. Лекин у асл завқни чин бадийликнинг мезонларидан бири сифатида қараяпти. Умарали Норматов асарлардан янгилик, новаторлик, модерн тасвирларни қидирганда улар замиридаги асл завқни қидиради. Асл завқ унинг хайратларининг моддасидир. Танқидчининг таланти янгиланишга мойил эканлигига ўқувчилар тан бердилар. Шу билан бирга Умарали Норматов ўз янгиланишларида талантлар тарбиясига, адабий жонли мухит яратишга алоҳида эътибор бера бошлади. У ниҳоятда кўп ва хўб шоғирдлар етиштирди. Йилт этган истеъдод нишонасини қўллади. Уларни ўзи учун тортиқ деб қаради. Ёш истеъдодли адабиётчиларни ўз таъсири доирасига, суҳбатлари, мулоқотлари давраларига тортди. Раҳмон Кўчқор, Дилмурод Куронов, Раҳимжон Раҳмат, Улугбек Ҳамдам, Эргаш Очил, Шерали, Жаббор Эшонкул, Қозокбой Йўлдошев унинг тарбия мактабини кўришган. Улар изланаётган, дунё эстетик тафаккури даражасида фикрланшга, ёзишга интилаётган тафаккури кенг ва эркин янги авлод вакиллари. Умарали Норматов мана шу янгича қарашли ёшлар билан реализмнинг янгиланиши, универсаллашуви, авангард (модернизм) адабиёти тасвир ва ёндашув усулларининг миллий адабий жараёнга кириб келиши, адабиётнинг вазибаларига тамомила янгича қарашларнинг шакллана бошлаши каби ҳодислар устида профессионал савияда қизғин мулоқот, суҳбатлар қилди. Умарали Норматов бу суҳбатларда талантли ёшларнинг эстетик қарашларини, қизиқишлари доираларини аниқлаш баробарида ўзи ҳам модернизм устида фикрлар билдиради. Модернизм тамойилларининг миллий адабиётимизга кириб келишини ёқлади ва изланишларни жўшқин химоя қилди. Шу муносабат билан бундан ўттиз йил илгари бўлиб ўтган бир характерли гапни эслаб ўтиш ўринли. Умарали Норматов 1975 йили Асқад Мухтор билан суҳбатда адибнинг эътиборини «XX аср услуби», «янги стил», «атом асри услуби» борасида Фарба бўлаётган гапларга қаратди. *«Модернистлар, авангардистлар деб ном олган буржуа адиблари, — деб айтади Умарали Норматов, — ўз асарларини «санъатнинг сўнги кашфиёти», «новаторлик намунаси» деб атаётган бўлсалар-да, улар ада-*

биёт равнақиға, бадий тафаккур ривожига бирон жиддий янгилик қўшаётганлари йўқ. Чунки уларнинг асарлари қаҳрамонлардан, қаҳрамонликдан тамомила холи: бу хил адиллар адабиёт ва санъатнинг бош вазифаси — инсонни улуглаш эканини унутиб қўйганлар, улар инсон имкониятларига, келажигига ишонч туйғусидан маҳрумдирлар» («Гўзаллик билан учрашув» Т., 1976, 31 б.) Бу сўзларни шарҳимизга тортишдан аввал Умарали Норматов суҳбатларининг бирида ўзи босиб ўтган ижодий йўлига ўта танқидий назар ташлаб, тоғора билан бирга чақалокни ҳам улоктириб юборганлигини кўриб ўтайлик. У суҳбатда айтади: «Ўзимча хомчўт қилиб чиқсам, уларнинг (ўз асарларининг демоқчи) деярли тўртдан уч қисми бугун аҳамиятини йўқотибди... Бугун уларнинг ҳеч кимга, ҳатто ўзимга ҳам кераги йўқ», деб ўтмиш олдида хоксорлик қилади. Аммо албатта ўз даврида ёзилган асарларга адабий ходисалар ва даврнинг ҳужжати деб қараш тўғрироқ бўлади. Шу маънода Умарали Норматов юкорида келтирилган парчадан ҳам воз кечмаслигини истардим. Йигирма беш йил илгари ҳукмрон мафкура шароитида айтилган сўзлар қанчалар ҳавойи ва кеккаймачоқликдек кўринмасин, уларни ҳозирги қарашларга чоғиштириб кўрилса, адибимизда қанчалар ўзгаришлар бўлгани, қайта баҳолаш не миқдорга етгани ойдинлашади. Орадан йигирма беш йил ўтиб Умарали Норматов ёзади: «Воқеликнинг ўзида абсурд учун замин бор экан, воқеликни абсурддан иборат деб билувчилар, қолаверса, абсурд талқинига мойил китобхонлар мавжуд экан, бундай адабиёт яратилаверади. Абсурд асарларни хушламаслик, уларнинг муаллифлари билан баҳс-мунозара қилиш мумкин, аммо бир вақтлар бўлганидек, абсурд асарларга менсимай қараш, бундан ҳам ёмони, уни таъқиб ва ёки ман этишга уриниш қип-қизил жаҳолатнинг ўзгинасидир» («Умидбахш тамойиллар», Т., 2000, 10 б.) Танқидчи ниҳоят адабий жараёнларнинг характерли ходисаларини баҳолаш ва муносабат мезонларини аниқлашда тўғри, холис, демократик йўлни топади ва уни маҳкам ушлайди. Фақат бу ва бошқа ўринларда ва умуман баҳсларда абсурд ва модерн тушунчалари ўрнида авангард (авангардизм) тушунчаси қўлланса, тўғрироқ, аниқроқ бўлади. Абсурд (абсурд-драма, экзистенциализм, сюрреализм, дадаизм, экспрессионизм, онг оқими, янги роман,

фусункор роман, янги журнализм ва хоказо ва хоказо) авангардизм океанлари ичида бир оқим, бир сўқмоқдир. У авангардизмнинг универсал адабий-техник усуллари-дан биттасигина, холос. Умарали Норматов хақиқий танқидчи эмасми, ўш 25 йил аввал айтган сўзида ҳам авангардизмнинг нозик бир хусусиятини тилга олиб ўтади: «Уларнинг асарлари қахрамонлардан, қахрамонликдан холи». Бу жуда топиб айтилган фикр. Зеро қахрамондан ва қахрамонликдан холилик авангардизмнинг бош масаласи. Бу унинг энг чуқур фалсафаси. Авангард — ростдан қахрамонлардан, қахрамонликлардан онгли юз ўгирган, улардан безган санъат. Машхур Роберт Музил бекорга ўзининг улкан романини «Хусусияти йўқ одам» деб атамаган. Авангард сохта қахрамонликлар ва қахрамонларни инкор этди. Улар инсониятни фалокатга келтирди деб англади. Биз хозирча Камюнинг «Бегона» ҳамда «Вабо»си, Кафканинг «Жараён», «Кўрғон»и ва бошқа бир-икки модерн йўналишидаги асарларни ўқиб уларни миллий адабиётимизга тадбиқ этмоқчи, миллий адабиётдаги авангард элементлардан кенг хулосалар чиқармоқчи бўлаётирмиз. Бу юзакичилик. Авангардизмнинг камида юз эллик йиллик буюқдан буюқ тарихи ва тажрибалари мавжуд. Юз эллик йил ичида Фарб музыкаси, тасвирий санъати, киноси, поэзияси, прозаси, фалсафаси, социологияси, амалий санъат турлари, меъморчилиги авангард йўлида қамраб олиб бўлмайдиган ранг-баранг тажрибалар билан бойиди. Биз ғариб, тор, бирёклама мафкуранинг ёмон қурбони бўлиб камида юз йил кечикиб авангардизм ва унинг айрим оқимлари ҳақида фикрлай, кўрқиб-кўрқиб таржималар қила бошладик. Нитше, Фрейд, Юнг ва улардан кейинги барча файласуфларнинг асарларини билмай, ўзлаштирмай туриб авангардизм ҳақида тузук-қуруқ гап юритиш мумкинми? Мумкин дир балки. Лекин у хозиргидай ўта юзаки, чала ҳаспўшланган гаплардангина иборат бўлиб қолмасмикин? Ёшлар жуда қизиқиб, уриниб-суришиб экспериментал поэзия ва прозанинг техник элементларини қўллашга уришишмоқда. Холбуки, хали Жойс, Пруст, Беккет, Ануй, Ионеско, Фолкнер, Кортасар, Маркес ва бизга хали номи ҳам етиб келмаган йирик ижодкорлар, санъаткорлар тўғрисида бадиий, фалсафий тасаввуримиз йўқ. Гап янгиланиш ҳақида кетяпти. Умарали Норматов юқоридаги фикрларини давом эттириб тўғри бир хулоса чиқа-

ради: «Реализм бошқа ижодий-фалсафий оқим ва йўналишларни, жумладан, абсурдга хос тасвир ва талқинни ҳам ўз бағрига жо эта олади», дейди («Умидбахш та- мойиллар», **Ўша бет**). Бу еда ҳам гап абсурд устидагина эмас. Гап тўла маънодаги авангардизм устида кетяпти. Авангарднинг миллий адабиётимиздаги илк тажрибаларидан кескин ва катта хулосалар чиқаравермаслик, хулосалар билан китобхонларнинг таъбини қайтариб қўймаслик зарур деб ҳисоблаймиз. Умарали Норматовнинг Жаббор Эшонқул билан суҳбатига авангардизм ходисаларига маҳаллий қолип ва андозалар билан ёндошмаслик тўғрисида нозик бир фикр ўтади. Биз авангардни илк ўрганиш ва илк амалиёт босқичидамиз. Бу соҳада кўп ўқиб, кўп таржималар қилиб, кўп ва хўб фикрлай борсак, янгилашниларимизда умумжаҳон оқимига ҳам стиб борамиз.

Лекин Умарали Норматов минг бора ҳақ. Янгила- нишга бўлган интилишларни қутламоқ керак. Ҳар бир оқим, ҳар бир услубнинг сўз оламида ўз ўрни бор. Ким нимага қодир ва омил бўлса шу йўлда ёзсин. Адабиёт эркин. Қайси йўлда ёзмасин, фақат уятсизлик, ахлоқ- сизлик, секс савдоси ёмон. Мана бу нарсаларни қатъий тарзда қабул қилиб бўлмайди.

Умарали Норматов коллективлаштириш — ўз даври тузумининг янгилиги — шиддат ва зўравонликлар билан кириб келаётганда туғилди. У туғилиб шундай ижтимоий янгиликлар тўлқинларига дуч келди. Унинг янгиликка ташналиги, ўчлиги, орзумандлигини олисроқдан бўлса ҳам, ўша туғилган йиллардаги шароит билан балки андак изохлаш ҳам ўринлидир. Танқидчимизнинг кейинги китоблари, рисоалари унинг янги фикр уфқларига чиққанлигини кўрсатмоқда. Айниқса, «Қодирий боғи» ва «Қаххорни англаш» кодирийшунослик ва қаххоршуносликда янги сўз туғилганлигини билдирмоқда.

Бир пайтлар В. Вересаевнинг «Гогол ҳаётда» ва Лия Розенблюмнинг «Достоевскийнинг ижодий кундаликлари» тадқиқотларини ўқиб, беҳад мутаассир бўлган эдим. Оташин тадқиқотчимизнинг «Қодирий боғи», «Қаххорни англаш»ини ўқиб шунчалар суюндим. Юлдузга мениб олган Кичкина шахзода поёнсиз оламни кезаркан, унинг кашфиётлари ҳеч қачон тугамайди, деб ўйладим ва яна адабиётнинг боқий қудратига тан бердим.

*6—7 август, 2005 йил.*

## ЯХШИНИНГ ИЗЛАРИ

(Адиб Мақсуд Қориев ҳақида ҳикоя)

Доим ёшлардек шахдам, тетик, ғайрати қайнаб турадиган, яшаш забтига эга бўлган Мақсуд Қориев мана етмиш бешга кириб боряпти. У «Меҳригиё»нинг эшигини очиб ўтиради. Унинг атрофида эски ва янги одамларни кўп кўраман. Мақсуд Қориевни кўр тортиб келишади. Жон-дилдан суҳбатлашишади. Мақсуд Қориевнинг кўри ўчмаган. Чирок атрофига нарвона йиғилгандай одамлар шу кўр ялиғларига қараб ўтириб ўз юракларини очадилар. Дардлашадилар. Мақсуд Қориев ажаб бир мутабассим билан тинглайди. Тинглашдан эринмайди ва зерикмайди. Майли, гапириб олсин, енгил тортади, дегандай вужуди кулоққа айланади. Гапларингиз, гаплар нима, дардларингизни худди тилла танга бериб тортиб олаётгандай бўлади. Бундай одамларни дардкаш дейишади. Улар дардкашликка ўрганган эмаслар. Дардкашлик уларнинг табиатларида бор. Дардкашлик уларга она қорнида ёзилган, зувалаларига қоришган. Бундай одамларни аёллар яхши кўришади. Унинг теварак-атрофида том садоқат билан юришади. Аёллар буни қандайдир англаб бўлмас бир ички ҳиссиёт билан фарқ қилишади ва миллионлаб одамлар ичидан дардкашларни дархол ажратиб олишади. Одамлар Мақсуд Қориевни ҳам шундай ажратиб олишган. Уни дардкаш одам деб танишади. Боядан бери дардкашлик ҳақида сўзлаяпмизу чамаси аслида гап

---

Мақсуд Қориевнинг ижоди у бениҳоя севган ва умрини бағишлаган журналистика билан чамбарчас боғланганлигини Асқад Мухтор («Изланиш йўлларида»), Саид Аҳмад («Ҳаётим битта ҳарф устида», «Ўзб. овози». 1997, 14 август), Махкам Маҳмудов («Умр гулзорини безатган устоз». «Гулистон». 1996, 4-сон) Умида Раҳмат Файзи қизи («Фариштали муҳаррир». Суҳбат. «Инсон ва қонуни», 1996, 2 июл), Матёқуб Қўшжонов, Воҳид Зоҳидов, Абдусодиқ Ирисов, Собир Мирвалиев сингари ёзувчилар, олимлар, журналистлар қайд қилиб назардан кечирганлар. Журналистика бадий ижод учун беҳад бой ва ранг-баранг имконият яратади. Буни биз Бехбудий, Фитрат, Қодирий, Авлоний, Чўлпон, Шароф Рашидов каби улкан аллома адибларимиз фаолияти орқали ҳам яхши биламиз. Мақсуд Қориев мана шу адибларимиз ишларининг энг яхши давомчиларидан бири сифатида ўз ўқувчисининг ҳурмат-эътиборини қозонган. Унинг ижоди ҳаёт ҳаққонияти, самимият билан тўлалигини журналистиканинг баракали таъсиридан излаш ўринлидир.

меҳригиё устида кетяпти. Кишининг меҳригиёси устида. Биз меҳр-муҳаббатли инсонларни меҳригиёли деб биламиз. Меҳр-окибат одамни одамдан фарқ қилиб тургувчи, белгиловчи хусусият бўлса ажабмас. Ҳар кимда шундай одамийликни белгиловчи бир хусусият бўлмай иложи йўқ. Биров қаттиқ, биров юмшоқ, биров раҳмдил, биров сангдил, биров тангу тор, бировнинг бағри океанлар қадар кенг, биров яхшилик ва ёмонликни бир зумда ажратади, бошқа биров бир умр яхшилик нимаю ёмонлик нима — ажратолмай овораю сарсон... Ўзи сарсон бўлгани етмай бошқаларни ҳам умр бўйи саргардон қиладди, ўзи ҳеч ишни уҳдасига ололмагани каби бошқаларнинг ҳам ҳеч қачон ишини битирмайди. Ҳаммани чалкаштиради. Чалғитади, яшашдан кўнглини совутади.

Шундай иш битирмайдиган одамларга қандай қарайсиз? Мақсуд Қориев ҳузурига кирган одамнинг ҳеч қачон иши битмай чиққан эмас, унинг қошидан, унинг суҳбатидан кўнгли тўлмай, чала қурсоқ бўлиб кетган эмас. У одамларнинг дардларини хўб тинглаганчалик уларнинг ишлари, арз-додларини ҳам хўб битирар эди. У ишларни яхшилик томонга бурарди. Русларда жуда гўзал бир сўз бор: «миротворец» деган. Бу «за мир» — «биз тинчлик тарафдори» дегани эмас. Қаерда бўлса, қаерга қадам ранжида қилса, ўзи билан бирга осойишталик олиб борадиган одамни мен шундай «миротворец» деб тушунаман. Бундай одамдан кўнгилахотиржамлиги ёғилиб туради. Қуръони каримда бир қанча илоҳий оятларда иймонли мўъминларнинг дилларига Худо сакина ато этади дейилган. Шу сакина ичида равонлик ҳам, рўшнолик ҳам, саодат ҳам, ва шуларга яқин, қон-қардош барча нарсалар жамланади. Сакина бу — кўнгилахотиржамлиги, тинчлиги... Бир пайтлар буни мен кўнгил ва иймон ҳаловати деб тушунар эдим. Мақсуд Қориевнинг сакинаси — унинг меҳригиёси, одамларга оқибати. Бултур унинг «Эзгулик излаб» деб номланган хотиралар китобини ўқидим. Шунда Мақсуд Қориевнинг сакинаси қаердан пайдо бўлганлигини билдим. Бу сакина унинг маърифатли ота-онаси, аба-аждодларида бор экан... у қориевларнинг наслдан наслга ўтиб келаётган маънавий хазинаси экан. Мақсуд Қориев бу ажойиб хотира китобида ҳам, илгари ёзган бадиий асарлари — бир қанча романлари, қиссалари, хикояларида ҳам одамлар — қаҳра-

монларни шундай табиий, зўриқмай, бўямай-бежамай тас-  
вирлайди. Ким хақида ёзмасин, худди ўзи хақида, баай-  
ни ўзини ёзаётгандай бўлиб тасвирлайди. Унинг қарийб  
икки минг йил илгари бўлиб ўтган воқеаларни қаламга  
олган «Сўғд ўғлони» ёки «Ибн Сино» романларини ўқиб  
кўринг. Мақсуд Қориев Спитамен, Искандар, Ибн Сино,  
Махмуд Ғазнавийларни ҳам худди ўзини ёзаётгандай бир  
тарзда гавадалантиради. Бунда нотабиийлик йўқ. Аксин-  
ча, ажиб бир табиийлик, инсонийлик зухур этади...

Бундан балки сиз унда ёзувчи Искандар, Спитамен,  
Ибн Сино, Беруний ва яна кўпдан кўп машҳур тарихий  
сиймоларни ўз даражасига, ўз қолипига туширган экан-  
да, деган иштибоҳга бормасангиз эди дейман. Асло. Актёр  
Эдип ичига тугал кирмаса, ҳеч қачон Эдипни ҳаққоний  
гавадалантиролмайдди. Мақсуд Қориев ҳам шу йўлдан бо-  
риб ўз буюк қахрамонлари ичига кирган, қобилига кир-  
ган, кези келса, Спитамен бўлган, Искандар бўлган...

Зотан, рухан, хаёлан, заковатан у Искандар бўлиб  
кўрмаса, қандай қилиб уларнинг турли тарихий ўта му-  
раккаб ҳолатларини тасвирларди? Унинг тарихий қахра-  
монлари жуда мураккаб ҳолатлар, вазиятларда ўзларини  
айни шундай манглайига даҳо муҳри босилган ноёб зот-  
лар каби тутадилар, ноёб идрок, ақл-заковат, фаҳму  
фаросатни намоён этадилар. Сиз шунда шу Искандар,  
шу Спитамен, шу Одатида эканлигига беихтиёр ишона-  
сиз ва шу билан бирга булар Мақсуд Қориевнинг Ис-  
кандари, Спитамени... — улар шу ёзувчининг назарго-  
ҳида етилганлар. Бошқа ёзувчилар, тарихчиларнинг спи-  
таменлари, исқандарларидан шу жиҳатлари билан фарқ-  
ланадилар... Мақсуд Қориев уларни худди ўзини ёзган  
каби ёзган... Уларни меҳригиё билан озиклантирган... бу  
меҳригиё адибимизда қандай белгиловчи — доминанта  
куч эканлигини боягина биргаликда эслашиб ўтган эдик.  
Ёзувчи қалбининг қўрини шу каби қахрамонларига тўла  
берганлиги учун ҳам улар жонли чиқадиладар. Улар сиз-  
нинг ишончингизни қозонадилар. Ёшлиқнинг жуда на-  
фис туйғулари, фусункор интилишлари билан ёзилган  
унинг илк «Ойдин кечалар» асари ҳам олтмишинчи йил-  
ларнинг охири, етмишинчи йилларнинг ўқувчиларига шун-  
дай ноёб меҳригиёси билан танилган, кўпларнинг юрак-  
ларини ром этган, бу қиссани орадан шунча йиллар  
ўтиб ҳам, ёшлар ҳамон худди Вертерни, Ёдгорни, Ма-

нон Лескони қўлга олгандай бўлиб ўқийдилар. Бу қисса ўша пайтда ва ҳозир ҳам Одил Ёқубов, Саид Аҳмад, Пиримкул Қодиров, Ўткир Ҳошимов, Ўлмас Умарбеков, Шукур Холмирзаев, Неъмат Аминовнинг энг яхши асарлари ёнидан жой олган эди. Бунақа гўзал, шеър каби ўқиладиган қиссани ҳар бир ёзувчи ўз умрида бир бора ёзади. Гетенинг қанчадан қанча улуғвор асарлари бор. Лекин «Ёш Вертернинг изтироблари» ягона. Шекспирнинг не-не даҳо асарларини биламиз. Лекин менга «Ромео ва Жулетта» ягона бўлиб туюлади. Навоийнинг «Лайли ва Мажнун»ини айтмайсизми...

Ҳа, айтганча, Навоий айтган экан:

*Эй, Навоий, йиғламоқ оҳимга таскин бермади,  
Ваҳ, бу не ўттурки, йўқ таъсир тўфондин анга...*

Қаранг, ишқ ўтига тўфон ҳам писанд эмас! Тўфон ҳам уни ўчиролмайди. Ишқнинг ўтини бу қадар қудратли қилган ирс нима экан? Меҳригиё эмасми?

Яна андак шу хусусда сўзлагимиз бор. Баъзи бир шуълалар баъзи бир ерларга тушиб уларни жилвалантиряпти...

Максуд Қориевга олис қирқинчи йилларда Шароф Рашидовнинг назари тушди.

Шароф Рашидов унинг биринчи мақоласини ўқиди ва... ўша пайтнинг ўзи муҳаррирлик қилаётган энг катта, энг нуфузли газетасига ишга таклиф қилди.

Шароф Рашидовни ўша даврнинг қариялари «назаркарда» одам деб айтишарди. Хизр назари тушган кишини назаркарда дейишади.

Назаримда фақат чинакам устоз ва чинакам шогирд ўртасида шундай «назар» бўлади. Уста кўрмаган шогирд қанчалик салоҳиятли, ўткир ақл эгаси бўлмасин, устоздан назар топмаса, ҳеч қачон ҳақиқатнинг катта йўлини тополмайди. Инсоният тарихида бўлмаган бундай нарса... Искандар Арастудан назар топмаса... Данте Вергилийдан ғойибона назар топмаса... Пушкин Жуковскийдан назар топмаса... Навоий Жомийдан назар топмаса... Қодирий, Чўлпон Фитрат, Бехбудий Гаспралидан назар топмаса... қайда қачон ким устозсиз, раҳнамосиз назар топибди дейсиз.

Шундай. Шароф Рашидов ҳам меҳригиёли сиймо эди. Унинг назарида кимё бор эди деб тасаввур этаман. Кўп



одамлар Шароф Рашидов билан сўзлашган, учрашгандан сўнг бошқача бўлиб қолар ва неча замонлар шу учрашув, суҳбатнинг таъсирида юрардилар. Шароф Рашидовнинг нурли сиймоси одамларни, у билан бирга ишлашган кишиларни ижодкорликка рағбатлантирар эди. Балки янглишаётгандирман. Лекин назаримда Мақсуд Қориев, Саъдула Кароматов, Ўлмас Умарбеков, Ўктам Усмонов ва бошқа яна талай ижодкорларни Шароф Рашидовнинг кимёси кучли илҳомлантирган, уларга ижод тўлкинларини бахш этган эди. Шароф Рашидов энг яхши маънода рағбатлантирар, ижодга ундар, далда берар, яхши инсоний мақомга кўтарарди. Буни журналистикадан, мухаррирликдан бадий ижод ичига кириб келган Мақсуд Қориев, Ўлмас Умарбеков, Ўктам Усмонов каби ёзувчилар яхши билардилар. Мақсуд Қориев шундай илҳомлантирувчи, рағбатлантирувчи кучнинг таъсирини ўз бошидан кечирган ва бу унинг бутун ижодига, тарихий асарларига баракали таъсир ўтказган.

Бундай ҳолда биз меҳригиё меҳригиёга тушибди десак тўғрироқ бўлади. Шароф Рашидов устоз сифатида шогирдларида уларнинг яхши фазилатларини уйғотар, йўналиш берарди. Шароф Рашидов эзгулик одами эди. Ўз шогирдларини ҳам эзгу қилиб тарбиялади. Мақсуд Қориевни Шароф Рашидовнинг тарбиясини кўрган шогирд десак хато бўлмайди.

Мақсуд Қориевни эзгулик қизиқтиради. У ўзини инсон фаолиятининг шу томонларига чуқурроқ киришга чоғлайди. Ҳаётни, одамларни эзгуликнинг намоён бўлиши нуқтаи назаридан тасвирлайди. У ўзининг умр хотираларини «Эзгулик излаб» деб номлаши тасодифий эмас<sup>1</sup>. Баъзи бир одамларга бу жуда сийқа ибора ва тушунча

---

<sup>1</sup> Бу ерда шунини ҳам хурсандчилик билан қайд этиб ўтайликки, истиклолнинг ижодкорлик руҳи баракали таъсир кўрсатиб, кейинги бир неч йил ичиде Саид Аҳмадининг «Топганларим ва йўқотганларим», Шоислом Шоғуломовнинг «Умр мазмуни», Мақсуд Қориевнинг «Эзгулик излаб», Олмос Ғуломованин «Армон», Обид Акрамхўжаевнинг «Ҳаёт сабоқлари», Ражаб Иломбекнинг «Тахликали замонлар» сингари ажойиб хотира китоблари, Дадаҳон Нурий, Жонрид Абдуллахоновларнинг кизикарли асарлари майдонга чиқди. Бу китоблар одамни кўп ўйлантиради, фикр дунёсига олиб киради, буюк ибрат, жуда бой инсоний тажрибалари билан давр, инсон, тақдир, миллатнинг йўли, тараққиёт босқичларининг ўзига хосликлари тўғрисида ёрқин, тақрорланмас тасаввурлар беради. Бу хотира китоблар кейинги йилларимизнинг замон ва яқин тарихимиз ҳақидаги серхикмат, гўзал, ҳаётний шаходатномаларидир. Кейинги йилларнинг жуда қимматли инсоний маданий ҳодисаларидир.

бўлиб кўриниши ҳам мумкин. Лекин Мақсуд Қориев учун бу инсон ва ҳаёт мохиятини ўлчайдиган, белгилайдиган ўта муҳим ходиса. Мақсуд Қориев худди Шароф Рашидов каби ҳаётнинг қиммат ва инсон умрининг маъносини айнан мана шу маънавий ходиса — эзгулик билан, унинг конкрет намоён бўлиши билан белгилайди. Биз қайта-қайта тилга олаётган ва тушунтиришга уринаётган меҳриғининг замирида ҳам худди шу — эзгулик ётади. Эзгуликни меҳриғиё, меҳриғиёни эзгулик деб тушунтириш мумкин.

Мақсуд Қориевни эзгулик ёзувчи қилди. У ўзи дуч келган эзгуликлардан таъсирланиб қўлига қалам олади. Қодирийнинг машҳур: «Хавасимда жасорат қилдим...» гапи хўб топиб айтилган. Мақсуд Қориевни эзгулик жасоратга ундайди. У агар эзгуликда жасорат қилдим деб айтса, бу баайни Қориевнинг гапи бўлур эди, албатта.

• • •

Редакция эшигини очиб кирсам, Мақсуд Қориевни турли қўлёзмаларни ўқиб ўтирган холда кўраман. Унинг киртайган кўзлари уйқусиз тунлардан дарак беради. Лекин бу киртайган кўзларнинг туб-тубида севинч нурланади. У сизни кўрганидан, яна бир қарра дардлашиш, узок ўтмиш ва балкиб келаётган келажак ҳақида суҳбатлашиш имконияти туғилганидан севинади. У сиз — инсон ва ҳаёт борлигидан севинади. Бу фақат ва фақат эзгуликдагина бўладиган севинч...

*9 январ, 2000 йил.*

## ШУХРАТ

### *Ҳақгўй адиб ва инсон*

Тоғлар узоқлардан хайбатли кўринади ва яқинига борсангиз, уларнинг қорли чўққилари кўкларга туташиб кетгандай туюлади.

Ҳар бир одамнинг бир ўзак хислати бўлади. Бошқа барча хислатларни шу ўзак хислат бошқаради ва ўз ортидан эргаштиради.

Шоир, адиб, драматург Шухрат (Фулом Алимов)нинг ҳам шундай ўзак хислати бўлган.

Унинг ҳақгўйлиги одамийлиги ва адиблик фаолиятининг ўзак-негизи эди.

Шухрат ака ҳақгўй эди.

У ҳақиқат учун маҳкам турарди.

У ўз ҳаётини романларга, ўз қалбининг ноёб кўтаринки кечинмаларини шеърга, дostonга, балладага айлантирарди.

Зотан, унинг ҳаёти худди романга — йирик, кенг планли, бағирдор, тайёр романга ўхшарди.

Эсимда: «Шинелли йиллар», «Олтин занглас»ларни илк бора ўқиганда, бу икки ўзига хос бағри кенг асарнинг Элмурод ва Содик исмли бош қаҳрамонлари баайни Шухрат аканинг ўзи эканлигини кўриб, туйиб, хайратга тушганман.

Ёзувчи иложи йўқ: маълум маънода ва маълум даражада, меъёрда бичиб тўқийди, жиндак ёзаётганларига ёлғон ҳам қўшади, қаҳрамонлари ва улар бошига тушган воқеалар, кўргиликларни бўрттиради, идеаллаштиради, бир сўз билан айтганда, ҳар томонлама бойитади. Салмоқли, яхлит адабий ҳодисага айлантиради.

Албатта, Шухрат ўзбек адабиёти Қаҳрамонлари галереясида жуда ёрқин ўрин тутган ўз қаҳрамонларига ўзидан нималарнидир қўшгандир, умумлаштиргандир (танқидчи адабиётшунослар тили билан айтганда, агар бу шундай бўлса, бу адабий меҳнатда, бадиий хунарда жуда табиий ҳол, лекин «Шинелли йиллар», «Олтин занглас» ва сал сўнграқ «Жаннат қидирганлар»ни ўқиганда мен буни бир ўқувчи сифатида сезмаган, пайкамаган,

қаери тўқима, қаери тўқима эмас, қаери реал деб ўйлаб ўтирмаганман. Менга романларнинг ҳаётнинг ўзи қандай бўлса шундайлиги — бари рост, бари реал бўлиб кўринган. Шухрат романларини эстетик идрокимда шундай қабул қилганман.

Ёзувчи бамисли ҳеч нарсани бўрттирмаган, ҳеч нарсани боридан кўра чиройлироқ, ёмбирок, кабарикрок қиламан деб бош қотирмаган — балки борини борича ёзган.

Ноёб ва адабий ижодда беҳад қимматли ҳаётийликка, ҳаётий кабарикликка эришган. Буни қарангки, шу билан бирга Шухрат романлари айна чокда яна адабиётчилар тили билан айтадиган бўлсак, ҳаётдан нусха кўчириш ҳам эмасди. Бирор бир тасвирда натурализм кўринмас ва гашга тегмасди. Ва унинг тасвири «фотография» услидан, фотография ростгўйлиги ва аниқлигидан ҳам жуда йироқ эди.

Шухрат романларида ҳаётга бу қадар яқинлик, бу қадар ҳаётийликнинг сирини нимада эди?

Бу сирнинг калитини мен адибнинг ўзида, унинг ёрқин, азамат, девкор феъл-атворида, ҳаётга, одамларга, ўз ёзувчилик ва инсонлик қисматида бўлган ёндашувларида, қоядай мустаҳкам маърифатли ёндашуви — принципларида ва ҳеч йўлдан тоймас, оғмас, бўялмас, ўзгармас олижаноб адолатда кўраман.

Шуларнинг яқинлигида у Бехбудий, Фитрат, Қодирий, Авлоний, Мунавварқори, Чўлпон, Убайдуллаҳўжа, Усмон Носирларга келбати тортарди.

70-йиллар тугаётган бир паллада Шухрат уйига чақирди. Ойдин билан бирга бордик. Олча пишган пайт эди. Меҳмондўст Турсуной опа бир чинни товоқда тоза пишган «шпонка» олча териб, дастурхонга қўйди. Улар Ойдин билан ичкарида дардлашишаркан, биз Шухрат ака иккимиз ёз оқшомининг салқинида ором олиб, бир товоқ бўртиб таранг тортиб пишган «шпонка»ни паққос туширганмиз. Олчанинг хушёр тортирувчи туруш ва жуда ёқимли таъми кўксимизни тўлдирарди.

Сир йўқ: мен жадидларга, уларнинг ишлари, асарларига мубтало эдим. Асарлари ҳам, ишлари ҳам юрагимга саримойдай ёқарди. Сухбатда маълум бўлдики, Шухрат ака мандан кўра юз қарра, балки минг қарра ортиқ жадидлар мубталоси экан. Улар ижодини хўб ўқиган,

улар хаёти кирралари, фожиалари, ажиб қаҳрамонликларидан бохабар экан.

Ўшанда улкан, чуқур, сероб, сергўлкин дарё бўйида икки соат бирга ўтиргандай, дарё шукуҳи, файзи, улуғворлигидан бир умрга етгулик баҳра олгандай бўлганман.

Уйга қайтаркан, бутун ўй-хаёлимни Шухрат ака билан бўлган суҳбатнинг нашидаси чулғаган эди.

Ўйлардим: нега Шухрат ака шундай балоғат палласида жадидлар ҳақида роман ёзмайди? Нега бу бебаҳо қаҳрамонликларни акс эттирмайди? Ахир бу халқимиз учун бошқа ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган ва бошқа ҳеч нарса билан ўрни тўлмайдиган ибрат, қураш, ирода мактаби бўлиши мумкин эди-ку! Аммо ажаб! Бу бўшлиқнинг ўрни халқимиз учун хануз тўлмаган! Хануз бу улуғвор чўққилар адабиётимиз томонидан забт этилмаган, ҳамон бу улкан ижтимоий қимматга эга иш адиблар бўйида қарз бўлиб турмоқда! Агар Шухрат жадидлар ҳақида бир эмас ҳатто бир неча роман ёзишга ўтирса, бунга қурби-қудрати етар ва булар ўзбек халқининг улуғ ва ўлмас, қуримас романлари — ҳаёт ва гўзаллик булоқлари бўлурди! — ўша кеч суҳбатимиз таъсирида шундай ўйлардим ва ҳаёлим гўё ёзилмаган романларнинг саҳифаларини бирма-бир варақларди. Зотан, Шухрат акани жадидлардай улуғ миллатпарвар ва ижтимоий муборизлар ҳақида асарлар ёзишга баайни этилган, юксак инсоний, зиёли балоғатга эришган адиб деб танирдим.

Кўп йиллардан буён ҳаётда роман-адиблар бўлади деб юраман. Бехбудий шундай роман-одам эди. Фитрат, Қодирий, Чўлпон, Сўфизода, Ҳамза... шундай роман-одамлар эди. Назаримда бизнинг катта замондошимиз шоир ва адиб Шухрат ҳам худди мана шундай ва мана шулардай роман-одам ва роман-адиб эди. Ҳали ҳамон шу фикрдаман, шу ўйдаман.

Роман-одам, фикримча, йирик, салобатли, ўз ғоялари, ўз ҳаётий принциплари, ўз ижодий, инсоний фалсафасига эга шахсдир. У воқеалар атрофидамас, воқеалар унинг атрофида, унинг орбитасида гулдурас солиб айланади. Зотан, роман-одам катта ҳаёт фазоси — орбитаси бор одамдир. Бу орбитада даврнинг жуда кўп ранг-баранг воқеликлари, инсон тақдирлари, бири биридан улуғ,

серзарда, зиддиятли вокеалар чарх уради ва замон кишиларини ўз айланиш доирасига оханрабодай тортади.

Шухрат акани замондошлари ва тенгдошлари шундай улуғ орбитага эга инсон, адиб деб билишар, кадрлашарди. Унинг барча тенгдошлари, сафдошлари: Саид Ахмад, Шукрулло, Ёнфин Мирзо, Восит Саъдулло, Туроб Тўла, Аскад Мухтор, Вахоб Рўзиматов, Неъмат Тошпўлат, Хибзиддин Муҳаммадхонов, Пўлат Мўмин, Ҳаким Назир, Пиримқул Қодиров, Иброҳим Раҳим... уни ғоятда эъзозлашарди, қайда бўлмасин, буюк ҳурмат-эҳтиром билан Шухрат ҳақида сўзлашарди.


Шухрат ака ҳам ўзини биларди, куч-қудрати нималарга етиши, нималарга кодирлигини англади, хис қиларди. Бир куни у айтган экан: «Мен бу ҳаётнинг атрофидамас, нақ ичида бўлганман!» Бу ўта мардона гап! Ҳақгўй инсоннинг улуғ машаққатлар, уринишларда топган жон гапи! Шухрат ака: Содик бу — мен, Элмурод бу — мен! — деб балки айтмагандир. Лекин барча фозил замондошлари сезар эдиларки: ха, Содик бу — Шухрат, Элмурод бу — Шухрат!

Ўтмиш ҳукуматдорларининг барча тўп-замбараклари, ажал қуроллари буни қарангки, айни ҳақгўйларга қарши қаратилган эди. Ҳақгўйга ўзини меҳнаткашпарвар қилиб кўрсатишни севадиган давлат тузумида ҳам кун йўқ эди!

Шухрат ҳақгўй эди, толмас иродали эди — урушнинг бутун дахшатларини кўрди, Сталин лагерлари азобларини бошидан кечирди, нисбатан тинч, яхши замонлар келганда ҳам бу ҳақгўйни катта ҳаётдан четлатишга, иложи борича уни даф қилишга, овозини ўчиришга, асарларини бўғишга, эътиборсизлик, кадрсизлик чакалакзорига улоқтириб ташлашга кўп уриндилар. Метиндан бино бўлган Шухрат эса ўз жадид устозлари каби титрамади, адолатсизликлар олдида бош эгмади, алп қоматини ҳаминша тик тутди. Адиб Ўткир Ҳошимов Шухратнинг бу хусусиятини ҳўб ёрқин қилиб айтган: «Шоир, адиб, драматург Шухрат замон азобларидан йнқилиб, тўшаққа ёпишиб қолган чоғида ҳам титроқ қўллари билан ҳақиқат олдида титрамайди асарлар ёзди».

1998 йилда Шухратнинг «Машраб» романининг илк фрагментлари ва замондошларининг у ҳақдаги хотиралари бир китоб ҳолида нашр қилинди. Бу китобда Шухратни яхши билган бир қатор адиблар, унинг иқтидорли

шогирдлари, замондошларининг жуда қимматли гувоҳликлари, маълумотлари, қалбдан куюлиб чиққан изхорлари жамланган. Бу каби хотиралар айна чоғда адиблар ва ўқувчиларнинг Шухратга бўлган улкан муҳаббати, эҳтиромининг овозидир. Шундай муҳаббатга сазовор бўлиш инсонга мангу шараф, одамийлик шухратининг чинакамлигидир.



## АСҚАД МУХТОР ҲУЗУРИДА, БОҒДА

Қанчадан бери Асқад Мухторни кўргим келади. Турли иш-юмушлар билар ўралашиб, вақт тополмай киши ўкинади, қийналади. Яхшиларни кўришга шошилинг, деган сўз дам-бадам эсимга тушиб туради.

Ёз охирлади. Куз кирди. Осмон тиник. Офтоб яркирок. Лекин куёш нурлари майинлашган, ҳатто қоқ пешинда ҳам у шабадага қўшилиб елкангизни сийпалайди.

Боғда чойнакдай-чойнакдай зарғалдоқ шафтолилар пишиб ўтиб кетган, андак дайди шабададан дўпирлаб тўкилади. «Дўп!» этган товуш эшитилади. Яна жимжитлик. Кейин яна «дўп!» дейди. Яна дўп, яна дўп! Пишиб ўтиб кетган залворли шафтоли ерга тушгач, ўтлар устида ҳатто думалашга мажол топмайди. У иккига бўлиниб кетади. Ва ерга урилган жойин дархол қораяди. Ичидаги данаги ҳам қоқ иккига ажралади. Шарбат ичида яшаш осон эмас. Данак ниҳоят шабада кўриб энтикади. Гилосларнинг япроқлари қуюқ қорамтир тусга кирган, бехос уларнинг тагига бориб қолсангиз, вирр этиб алланима кўтарилади. Кулранг бойқуш бир зумда дарахтзор ичра сассиз ғойиб бўлади. Ўтлар хўп пишган, ўрсангиз, ўзи ўрилгиси келади. Ўрокнинг шир-шири пишган ўтнинг тўлиқ бўйини димоғингизга уради. Димоғингиз шу бўйга тўлиб, анчагача чарчамайсиз.

Ҳам кўрай, ҳам ҳукумат мукофоти билан Асқад акани табриклай деб, боғдан боғга чиқаман.

Боғ жим-жит. Узумлар товланиб, куёшда эркаланиб ётади. Ҳайбатли чинорлар бир маромда вазмин шовуллайди. Боғнинг овлоқ деворига ёнбошлаган тоғолча устида чумчуқлар издиҳоми кузги машваратга йиғилган.

Дарвозанинг қия очик темир панжара эшигидан охишта боғ ховлисига кириб бораман. Дарахтларга бурканган уй олдида кимса кўринмайди. Уй эшиги очик. Эшикнинг эски дарпардаси елвизакда хилшираб туради. Худди уй аста-аста нафас олаётгандай.

Ичкарига уч-тўрт қадам авайлаб босиб, уй деразаси тагида ховлидаги сўрида оқ ёстикчани бошига пана қилиб мудраётган одамга кўзим тушади.



Сас чикмай якинлашаман. Оқ тўшак. Оқ ёстик. Оқ кўйлак-лозим. Охиста «Асқад ака! Асқад ака!» — деб овоз бераман.

Асқад ака дархол кўзини очади. Шундай қараб, дархол ўрнидан туради. Кўришгани қўл узатади. Сўри оёғида мунгайиб турган узун таёқни олиб, оғирлигини унга ташлайди-да, мени шу яқинда турган стол атрофига бошлайди.

Асқад ака хижжалаб отимни айтади.

Уни ҳам ҳукуматнинг олий мукофоти, ҳам «Тафаккур»да чиққан янги асари — «Тундаликлар» билан табриклайман. Шунда юзига кекса одамлардагина бўладиган юмшоқ, беозор табассум ёйилади. Балки табассум ҳам эмасдир, табассумнинг шарпаси, Навоий сўзи билан айтганда, «мутабассим».

— Газ-ита чи-қаряп-сиз-ми? — дейди Асқад ака сўзларни бўғинма-бўғин бироз қийналиб талаффуз қилиб. — Мен ҳали ўқиганим йўқ. Менга айтишди. Яхши газ-зит. Наимжон келувди. Айт-ди.

Асқад ака менга тикилади. Аста сўзлайди:

— Ҳасса билан озгина юраман. Бошим айланади. Икки марта йиқилдим. — Асқад ака нарироқни, ҳовлининг ўртасини имо қилиб кўрсатади. Иккала қўли билан қандай йиқилганлигини тасвирлайди. — Укол қилишяпти. Ях-хши...

Қон мияда яхши айланмаса, шундай бўлса керак. Мия озиқсиз қолса, осмон кўз ўнгингда чархпалак бўлиб кетади.

— Йигирма йил илгари дўхтир айтган эди. Қон айланиши секин деб. Қулоқ солмаган эдим. Энди укол... дори қиммат... Роза опангиз ҳам... юролмайди... оёғи... оғрийди... болалар тез-тез хабар олиб туришади... Газ-зит қандай?

Асқад ака гапимга диққат билан қулоқ солади. У ҳар доим одамни диққат билан эшитади. Ўзини паришонликка солмайди. Ўзини сиздан паришонликка олиб қочмайди. Одамни тинглай билиш ҳам жуда катта одамгарчилик. У юрак ва онгнинг тарбиясидан дарак беради.

Асқад ака эшитиб ўтириб, дейди:

— Ҳозир ях-хши. Лекин анча қийинчилик бор. — У «бор»ни ҳийла чўзиб, узоқ талаффуз қилиб айтади. — Иқтисодда... маданиятда... ўнглаб кетади. Ёшлар кўра-

ди. Биз кўрмаймиз... Қоғоз кийин... Иркутскка ўхшаган Россия вилоятлари билан тўғри алоқа қилиш керак.

— Ўзимизда қоғоз фабрикалари қуришмоқчи.

— Ях-хши. Лекин бир дарё сув керак. Бир дарё оқар сув керак қоғозга. Шаронт кўтармайди. Серсув, ўрмонзор мамлакатга билинмайди. Кейин нимадан олишмоқчи қоғозни?

— Пахта, турли чиқиндилар, терак, каноп, қамиш, шилипя...

Асқад ака тушунгандай бўлиб бошини чайқайди.

Ўйга чўмади. Юзи тиник. Кўзлари маъсум, осуда боқади. Чехраси очиқ. Лекин анча давом этган касаллик уни хийла пийпалаган, оби-тобини олиб қўйган, лекин чамаси, бу иродали одамни енголмаган.

— Асқад ака, ёзясизми? — дейман ёзувчининг ярасини тирнаб қўйишдан ҳайиқиб. Ҳар қандай ёзувчини касаллик ёки етишмовчилик эмас, ёзолмай, ўқий олмай қолиши қаттиқ қийнайди ва ўртайди. Дунё кўзига қоронғу кўриниб кетади.

Асқад ака бош чайқайди.

— Ёз-золмайман. Дўхтир ёзма, ўқима, дейди. Бош айланади... бо-ош кетган... ярамайди...

У маъюс тортади. Ёзмаган билан, ўқимаган билан ёзувчининг мияси бир зум бўлсин фикрлашдан тўхтамайди. Ёзувчи қоғозга ёзолмаса, миясига ёзади. Мия ёзувчида — тегирмон. У то сўнги нафасгача ишлайди.

— Хуршид мақола ёзипти. Ўқимадим. Газ-зит йўқ. Ёзилганман. Почта кути доим бўш-ш.

Мен уни чарчатиб қўйяпман деб хижолат ичида ўрнимдан кўзгалмоқчи бўламан. Асқад ака дарҳол:

— Сиз-з шош-шманг, — дейди. — Сиз шош-шманг.

— У ўрнидан таёкқа таяниб туради ва авайлаб, аста кадам босиб, уй ичига юради. Андак вақт ўтиб, ичкаридан бир товоқ сап-сарик анжир кўтариб чиқади.

— О-линг... муздек... о-олинг.

Анжир совуқхонада музлағудай бўлиб қолибди. Бирини олиб авайлаб оғизга соламан. Яхдай жаннатий лўкма тил устида аста эрийди.

Асқад аканинг боғида анжирлар тоза етилган. Улар қахрабодай шохларга тизилган, юзларида илк куз шуьлалари ўйнайди. Ҳар куни адиб бир товоқ анжир узди.

— Э-энг катта пр-р-облема... — дейди Асқад ака яна чехрасига маъсум, осуда, тиник ифода қайтиб. — Проблема... икки-уч йил яшаш... пр-р-облема, — деб так-рорлайди у.

— Бу кризис ўтиб кетади, Асқад ака! — дейман ишонч билан. — Балки ўтиб ҳам кетгандир. Хали узоқ яшайсиз. Ёзасиз хали! Тўқсон, юздан камига рози бўлманг, Асқад ака!

Асқад ака мутаббассим бўлиб ўтиради. Ақл унинг чехрасига нурли жозибасини ёяди. Чехра ақлдан танав-вур бўлади.

Асқад ака сукутга чўмади. Унинг ўйчан кўзларида, касалликдан кичрайган, салқиган чехрасида, кенг «асқа-дона» манглайида фикр қалқийди. «Асқад аканинг фикр-сиз колган дамлари ҳам бўлармикин?» — деб ўйлайман. Узоқ олтмишинчи йилларнинг боши ёдимга тушади. Эл-лигинчи йилларда Ёзувчилар уюшмасига Ваҳоб Рўзиматовга машқларимни пайдар-пай олиб борган чоғларимда бу ерда Асқад Мухторни ҳам кўрар эдим. У Ваҳоб аканинг хонасига тез-тез кириб турарди. Унинг кичкина, пухта жуссасидан ғайрат, фикр, безовталиқ ёғиларди. У очик одам эди. Унга ҳеч ҳайикмай, тортинмай, кисин-май мурожаат қилиш мумкин эди. Одамшавандаларча ва биродарларча гаплашиб кетаверарди. Такаббурлик ва калондимовлик унга ёт эди. Олтмишинчи йилдамикин, Асқад Мухтор «Туғилиш» романини ёзиб битирди. Мен романнинг муҳокамасида қатнашдим. Роман худди биз ҳақимизда, ўша олтмишинчи йилларга кириб бораётган ёшлар ҳақида ёзилгандек эди. Биз хали университетни тугатмаган бўлсак ҳам, Давлат бадиий адабиёт нашриётининг ишларига қарашиб турардик. Нашриёт бадиий адабиёт бўлимининг мудирини таржимон Лола Тожиева бош-қа бир қанча қўлёмалар қатори «Туғилиш» романи-нинг қўлёмасини менга такриз қилиш учун берди. У пайтлар тунларни кундузларга улаб китоб ўқирдик. Қўлёмаларни ҳам ташналик ва синовчанлик билан му-толаа қилар, жон-дил билан таҳлил ва муҳокамаларга киришиб кетардик. «Туғилиш»ни мириқиб ўқидим. Уни худди ўзим ёзгандай суюндим. Воқеалар, коллизиялар, қахрамонлар шунчалар одамга яқин ва таниш эди. Тўли-қиб-тошиб такриз ёздим. Асарни ўша пайтда университет ва ҳаёт мактабида ҳосил қилган идеалларимиз асосида

бахолашга, қахрамонлар тақдири хақида айрим мулохазалар билдиришга журъат этдим.

Лола Тожиева, тақриз Асқад Мухторга ёқди. Уни яна бир қарра кўриб чиқинг, романга сўнгсўз қилиб бермоқчимиз, Асқад акангиз шундай деяптилар, деган тақлифни айтди.

«Туғилиш» менинг сўнгсўзим билан босилиб чиқди. Шундан эътиборан Асқад акани яқинроқдан билиш, унинг атрофида юриш, шеърлари, романларини биринчилардан бўлиб ўқиш, фикрлашишга муяссар бўлдим. Асқад Мухтор «Шарқ юлдузи», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Гулистон»да бош муҳаррирлик қилганда, ёзувчилар уюшмасида фаол котиб бўлган чоғларида хамиша биз ёшларни унутмас, мақолалар, тақризлар ёзишга ундар, турли адабий анжуманларга тақлиф этар, қайнок ижод мухити, адабий мухитга тортар, бизга ҳар ерда ишонч билдирар, кўлидан келган ҳар қандай ёрдамни аямасди.

Асқад Мухторни севар эдик. Унинг интеллекти кўри атрофида бўлишга интилардик. Ҳеч кам ёшларга Асқад Мухторчалик дўст эмас, деб тушунардик. Унинг «99 миниатюра», «Сизга айтар сўзим» шеърый китобларини шеърят мўъжизасидай ўзимиз билан олиб юрардик. Улар бизга риторикадан чиқиш ва қутулиш йўлини кўрсатаётгандек бўларди...

... Асқад аканинг рўпарасида икки туп олхўрининг миллионлаб кўзлари қорайиб, қуёшда шаҳлоланиб порлаб бизни кузатади. Олхўрининг ҳар бир шоҳига тирговуч қўйилган. Лекин ҳосили шунчалар мўлки, тирговучларга яна қўшимча тирговуч қўйиш керак. Асқад аканинг зиёли нигоҳи олхўри шоҳлари оралаб сингиб кетади.

Одам у билан суҳбатлашиб тўймайди. Лекин киши касали оёқлаб бораётган адибни толдириб қўйишдан чўчийди.

Аста хайрлашиб, адибнинг анжирлар пишиб, шоҳлари солланиб ётган боғидан чиқаман.

Ҳосилдор боғ мени сокин, ўйчан кузатиб қолади.

— Салом денг... — дейди оҳиста Асқад ака. — Ойдиной қизлар билан келиб кетишди. Хур-р-сандман...

## БАҲОР САБОСИ СИЗНИ ЙЎҚЛАДИ...

Шоир Сайёр ўта дилбар ва назокатли, шарқона лутф ва маданиятли инсон эди. Ҳаммадан ҳам, у адабиётни худди маҳбубадек севарди. Унга худди маҳбубага хизмат қилгандек хизмат қилар ва ҳаётининг бир зумини ҳам шу адабиётсиз, унинг ранг-баранг вакилларисиз, дўстларисиз тасаввур килолмасди. Ҳаётда бир эр йигитнинг юки ва қарвони қанчалик оғир, залворли бўлмасин, уни зарра шикоят ва шиква қилмасдан ўзи тортарди ва юк тортаётганлигини ҳеч кимсага писанда қилмасди. Мард, танги, садоқатли, мурувватли инсон эди Сайёр ака!

Куни кеча баҳорнинг сарсар эсанг ўзгарувчан шамоллари қанотида қазонинг хабари келди: Сайёрнинг умр қарвони охирги бекатга етибдир.

Умримизнинг Сайёр дўст, биродар, ака бўлиб тўлдириб турадиган катта бир қисми бўшаб, хувиллаб қолди. Водариг! Умр нақадар ўткинчи! Мангу масканлари нурхона бўлсин, абадий сакинат ато этсин ва ягона Оллоҳ мағфират этсин!

Сайёр ўз умрининг мазмунини ёзишда деб биларди. Тинмай ёзарди, ёзишдан мислсиз завқ оларди. Унинг жонона тиниқ дастхати билан тўлдирилган оппоқ шеър варақлари кўп редакцияларнинг ғаладонларида шошилмай, шошилтирмай ўз навбатини кутаётган бўларди. Сайёр даста-даста шеърларини газета-журналларга тақдим этардию сўнг ҳеч кистаб сўрамасди: «чиқариб беринг!» — демасди. Чунки унинг ҳаёлини энди янги ёзилажак шеърлар шуқуҳи банд этарди. Шу бандлик лаззати, фароғати олдида у бошқа нарсаларни унутарди.

Бир куни у тигиз икки жилд қўлёзмаларини кўтариб келди.

— Ҳа, Сайёр ака?

— Кўринг. Ўқиб чиқсангиз, миннатдор бўламан. Кейинги вақтларда ёзган хотираларим... «Шарқ»да бир китоб қилиб чиқаришмоқчи. Балки сизга маъқул бўлса, бир оғиз сўз ёзарсиз... — деб қолдириб кетди. Унга «Мулоқот сабоқлари (ўқиш китоби)» деб ном қўйилган-

ди. Унда Сайёр дунё кезиб адабиётнинг турфа оламларида орттирган дўст-биродарлари, улкан устозлар, гўзал тийнатли инсонлар ҳақида сайёрона маърифат ва самимиятга тўла хаяжонли сўзларини айтган эди. Улар Сайёр бунчалар улуғ адабий мактабларни кўрганлиги, билганлиги, уларда сабоқ олганлиги ва бой тажрибалар орттирганлигидан дарак берар, хикоя қиларди. Уларни ўқисангиз, фақат Сайёр Симонов, Севак, Нозим Хикмат, Смеляков, Миртемир, Зулфия ва бошқа ўнлаб буюк адибу удаболар тўғрисида шундай ёзиши, хикоя қилиши мумкин деган фикр хаёлингиздан ўтади.

Шоир Сайёрнинг ўз севган дунёлари бор эди. У Эркин Воҳидов ҳақида сўзласа ҳам, Мискин ҳақида ёзса ҳам, шу севган дунёсига ихлос ва эътиқодини тўла намойиш этарди. Сайёр мансуб адабий авлод аста ўтиб бораётир. Бу авлоднинг Ўлмас Умарбеков, Хайридин Салоҳ, Юсуф Шомансур каби пешқадамлари ва бошқа дилраболар хотирамизда мангу из қолдирдилар. Мана, Сайёр ҳам... ўтди деёлмайман. Тилим бормаиди бунга. Чунки қўлимда унинг менга қолдириб кетган хотиралар китоби турибди. Маҳбуб, дўст каби ўзи учун беҳад суюкли воқеаларни сўйлаяпти.

## САЙЁР — ЙЎЛ ЮРУВЧИ ДЕГАНИ

*Куйларимнинг энг сози қани?!*

*Кўнглимнинг энг дилбар овози қани?*

Эркин Воҳидов

Хар бир умр ўз-ўзича ва ўз холича қимматли. Давр хар бир одамнинг ўзи билан келади ва ўзи билан кетади. Ўлчовсиз, ўлчамсиз ҳунар йўқ. Ўлчов, ўлчам, ҳунар мавжуд ерда баҳо ҳам мавжуд. Умрга, ҳунарга, босиб ўтилган йўлга одамлар албатта баҳо берадилар. Баҳо-лардан тарих ҳосил бўлади.

Ўтган асрнинг эллагинчи, олтмишинчи, етмишинчи йиллари биздан тобора узоқлашиб боряпти. Ўшал умрлар худди бу умрлар сингари тирик, оғриқли, аламли, кези келса, ўта қувончли изланишлар, инсоний курашлардан ҳосил ва бунёд бўлган эди.

Катта ўзбек адабиётимизда айни урушдан кейинги йилларда ўз майдонига кириб келган, эллигинчи йилларнинг дастлабки кўп эйфорияли йилларида илк шеърлари, ҳикоялари, мақолалари, қиссалари, дostonлари чиққан бир ажойиб авлод бор. Сайёр, Хайридин Салох, Юсуф Шомансур, Хусниддин Шарипов, Худойберди Тўхтабоев, Йўлдош Сулаймон, Олимжон Ҳолдор, Охунжон Ҳаким, Жуманиёз Жабборов, Умарали Норматов, Эйтибор Охунова, Эркин Самандар, Жонрид Абдуллахонов, Азиз Абдураззok, Латиф Маҳмудов, Фарход Мусажонов, Учқун Назаров, Муҳаммад Хайруллаев, Тўлқин ва бошқа булардан сал илгарироқ ва пича кейинроқ сўзнинг дорул-салтанасига кириб келган қаламкашларни қандай қилиб авлод деб атамаслик мумкин. Уларнинг ҳаммаларининг ўз ижод ва ҳаёт салтанатлари мавжуд. Улар ҳақида танқидчилик кўп ва бот-бот ёзмагандир, тумтарок тахлиллар қилмагандир. Уларнинг ўзлари ҳам қаламкаш сифатида кўп кўзга ташланаверишга интилмагандирлар. Улар камтарлик юлдузи остида туғилганлар. Камтарлик юлдузи уларга хомийлик қилди. Бу авлод ўта камтаринлиги билан таниқлидир. Лекин уларнинг овози доим майдонларда эшитилиб турган ва доим жонли адабиёт бўстониининг катта бир чаманзори улар томонидан яратилган ва улар томонидан мустаҳкам ишғол қилиб келинган. Фитрат, Қодирий, Чўлпонлар авлоди; Фафур Фулом, Ойбек, Қаҳҳор, Шайхзодалар авлоди; Саид Аҳмад, Ҳамид Фулом, Шухрат, Шукрулло, Рамз Бобожон авлоди; ва ўттизинчи йилларнинг биринчи ярмида туғилганлар авлоди... Уларнинг ўз ёркин қиёфалари, хусусиятлари, белгилари, ижодий йўналишлари бор... Эҳтимол, бу каби авлодлар бир-биридан келиб чиққандир, лекин бир-бирига асло қоришиб ва бири иккинчисининг ичида йўқ бўлиб кетмаган.

Умри ганжинаси вафо қилганда Сайёр бу йил етмишинчи ёз пишиқчилигини қаршилаган бўларди. 2001 йилнинг кўкламида у ҳаёт ва адабиёт видосини қилди. Лекин адабиёт у билан хайрлашгани йўқ. Адабиёт шундайин бир саховатли онаки, у барча фарзандларини агарчандики, улар бир оғиз сўз айтган бўлсалар ҳам, ўз бағридан чиқармайди, асрайди ва замонлар оша яна замонларга етказди. Ким нима деб баҳо берса, бераверади.

Сайёр (у баъзан ёзган асарларига Сайёр, Сайёр Пўлат, Сайёр Пўлат Файзуллаев деб ҳам ном кўярди) илк шеърларини 53-йили чиқарган бўлса, қирқ саккиз йилдан ортиқ фаол қалам тебратди. Бу орада йигирмадан ортиқроқ китоблари нашрдан чиқди. Китоблари кўпгина қардош ўлкаларда қардош тилларда дунё юзини кўрди. Унинг биринчи китоби «Авторнинг биринчи китоби» туркумида Давлат бадий адабиёт нашриётида 1960 йилда шоир ва адиб Шухрат таҳририда босилиб чиқди. Бундан сал илгарироқ 1958 йилда шеърятга жуда катта умидлар билан кириб келган Хайридин Салоҳнинг «Чашма» деган китоби шоир Мамарасул Бобоев таҳририда шеърхонлар кўлига теккан эди. Булардан пича кейинроқ — олтмишинчи йилларнинг бошида Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповнинг шеърятда бурилиш ясаган, янги адабий даврни бошлаб берган илк тўпламлари дунёга келади. Сайёр 1957–1962 йилларда Москвада М. Горький номидаги Адабиёт институтида таҳсил олди. Унгача ҳарбий хизматни ўтади. Ярослав Смеляков мактабини кўрди. Ўз даврининг жуда кўп машхур адиблари, шоирлари билан яқин дўстлашди. Назари ва феъли кенг шоир бўлиб етишди. Албатта бу авлоднинг идеаллари бошқа эди. Улар Данко жасоратини куйлар ва шундай жасоратни орзу қилардилар. Сайёр учун ҳарбий хизмат ва олий таҳсил йиллари битмас-туганмас илҳом манбайи бўлди. Унинг барча насрий ва шеърый китоблари, адабиёт ва адабиётчилар ҳақидаги кўплаб мақолалари шу йилларнинг таассуротлари билан тўлиб тошгандир. Бу йиллар тўғрисида у бир шеърда «қаддимга қад қўшдим, туйғумга туйғу» деб ёзган, ҳақиқатан бу йиллар унга ажиб бир инсоний чиниқиш мактаби, кучли синов майдони бўлган эди. У «Уйқу» деган шеърда бежиз ёзмаган:

*Юрак билмас уйқу, вужуд тинч қолмас,  
Нега юмилмоғи керакдир кўзим,  
Қошим кескир қилич, қорачиг — олмос,  
Ватан вужудида юракман ўзим!*

Сайёр эллик бешинчи йилда ҳарбий хизматда юраркан, мактабдош дўсти Эркин Воҳидовдан бир мактуб олади. Эркин Воҳидов унга шоирона хат билан бирга бир китоб совға қилиб жўнатади. Унинг мактубида чу-



нончи шу сўзлар дўстнинг Пўлат номига лутф қилиниб, шеърга солинган эди:

*Кувноқ сафимиздан шарафли мактаб  
Харбий ҳаёт сари юрдинг мардона.  
Ватан олдидаги бурчингни ўтаб  
Пўлатдек тобланиб қайтарсан яна.  
Яна завқ бергувчи кўчалар бўйлаб  
Кезарсан, қўлингда мен берган китоб.  
Шунда Пўлат қандай тобланди, дейман,  
Ўйла, ўшангача топиб қўй жавоб...*

Ўшанда бу шеърий гўзал самимий мактуб Сайёр қалбида кўп ҳаяжонлар уйғотган, унинг ўзини ўзи англашига ажойиб бир туртки бўлган эди.

*Қаддим тоғ, кўзларим чақнаган чақмоқ!  
Жангда голиб чиқмоқ осонмас ахир.  
Ўзни тайёрламоқ зарур чўнг, қобил  
Сўзларинг юракда гулханлар ёқур,  
Сўзларим юракдан чиқар, эт қабул!*

деб шеърий жавоб ёзган эди Сайёр дўст мактубига. Мана шу чорланиш, чоғланиш, аҳдланиш сўзлари ёзилганига ҳам қарийб ярим аср бўлиб қолибди.

Булар ёшликнинг чорлови, декларацияларигина эмасди. Сайёр агар адашмасам, туғма чорланган инсон эди. Биз урушдан кейинги йилларда Тахтапулдаги 22-мактабда бешинчи-олтинчи синфларда ўқиб юрганимизда Сайёр акамиз юкори синфларда ўқир эди. Мактабда жуда кўп маданий, маърифий, сиёсий тадбирлар ўтказилар, Сайёр акамиз уларга бош-қош бўларди. Сахнадан жарангдор овоз билан сиёсий мавзуларда шеърлар ўқир, декламациялар қилар, мактаб драмтўгарагининг ишларида ғайрат билан ёниб-куйиб қатнашарди. Кейин сайёрлар гуруҳи мактабни битиришиб кетишдими, уларни анчагача йўқотиб қўйдим. Сўнг 61-йил университетни битириб, Тўлқин билан бадий адабиёт нашриётида ишлай бошлагач, ҳаёт йўлларимиз яна Сайёр акамиз билан туташди. Сайёр олий адабиёт таҳсили олиб қайтгач, бизнинг нашриётимизда, радиода, журналлар ва газеталарда, ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи бўлиб хизмат қилди. У бизни кўплаб учрашувларга бошлаб борар, уларни ўзи бош бўлиб завқ-шавқ, ҳаяжон, кўтаринкилик билан

ўтказарди. Учрашувларда у беҳад очилиб кетар, бутун вужудидан шеър, файз, фазл ёғиларди. Лекин қаерда учрашувга бормасин, гапнинг аввалини Эркин Воҳидовдан бошлар ва Эркин Воҳидов билан тугатарди. Унинг барча шеърларини худди ўз шеърлари каби бошдан охир ёддан билар, ёд ўқир ва чиройли таҳлил қиларди. Тингловчилар беҳад мутаассир бўлиб ўтиришарди. Бу мактабдошлик, ижодий ҳамкорлик туйғуси уни ҳеч қачон тарк этмади. У ўз атрофидаги барча тенгдошларини жуда юқори баҳолар, ёшларга йўл кўрсатар, улар билан хамиша махрамона, дўстона муносабатларда бўларди.

Сайёрнинг дунёга келиши ҳам қизиқ бўлган. Унинг отаси хурматли Иноятилло Файзуллоҳ Самарқандда СамДУни битириб, оғироёқ хотини Манзурахон Фулом кизи билан поездда Тошкентга қайтишаётганда Чинозга кириб келаётганда туғилган эди. Шунинг учун унга Сайёр деб ном қўйишган эди. Сайёр хассос шоира Гулчехра Жўраева билан чиройли оила қурди. Уларнинг биргалликда яратган нафосат гулшанида вужудга келган фарзандлар ота-она шаънини эъзозлаб, уларга муносиб, элга муносиб хизмат қилмоқдалар.

Зеро, буюк рассом Фирдавс Файзуллоҳнинг ўта нозик қилқалами ҳам икки шоир — Сайёр ва Гулчехра Жўраеванинг рутбасидан куч олди.

Бир замонлар Сайёр «Бир шоир умри» деган шеърини ёзиб, унда чунончи шундай сатрлар битганди:

*Инсонни-ку ўзи яратган фалак,  
Ери қаттиқ жуда, узоқдир осмон!  
Инсоннинг кўнглини юмшатар қўшиқ,  
Ер кўксини эрита олур одамлар!*

Сайёр ўз юрти, одамларга беҳад ишонарди. Уларга муҳаббатли эди. Дардларга малҳам бўлишни истарди. Йўлчи дўстимиз ҳамон йўлда бардавом. Унинг йўли тугамас.

21 июнь, 2004 йил.

## ХАССОС ДАРЁ

### *Тоғай достони*

Тоғай Муроднинг илк асарларини ўқиганда уларнинг кутилмаган поэзияси мени ўзига ром этди. Эсимизда, ўша асарлар дунёга келиб ўкилаётганда жуда кўпчилик ўқувчиларга ва қалам аҳлларига бу кутилмаган поэзия шундай жуда чуқур таассурот қолдирган эди. Улар яқин-йироқ адабиётлар сарҳадлари ва уфқларига қараганда ҳам ўхшаши йўқ адабий-бадий ходисалар эканлиги кўри-ниб турарди.

Грузинларнинг Пиросмани деган рассоми ўтган. Унинг суратлари барчаси худди жуда талантили болалар чизган суратларга ўхшайди. Буни примитивизм ҳам дейишади. Яхши маънода. Пиросмани шу ўта одми суратларида грузиннинг қиёфаси, грузиннинг то шоирлиги — санъат-корлиги ва ўз-ўзига бўлган ишончини жуда ёрқин ва такрорланмас тарзда акс эттирган. Пиросманининг Тоғай Муродга ҳеч алоқаси йўқ. Лекин Тоғай Мурод ҳам худди шу грузин рассоми каби такрорланмас, халқонадир.

Тоғай Муродни ўқисангиз, одам дам-бадам тўлиб кетади. Йиғи. Завқ-шавқ. Илхомга.

Тоғай Мурод бу — Тўполон дарё. Уни мен дунёдаги энг чиройли дарёлардан бири деб биламан. Вой, бу дарёнинг шўхлиги! Вой бу дарёнинг ўзига одамни сиғдирмаслиги! Бир кафт сув ололмайсиз! Бир зум оёғингизни роҳат тўлқинига солалмайсиз. Кўймайди! Шитоб билан оқизиб кетади. Чирпирак қилиб юборади. Лекин бутун Сурхон унинг боис гул-гул яшнади, очилади, тириклик қўшиғини айтиб жар солади.

Ниагара Америка диёридаги шоирларни яратганми яратмаганми, айтолмайман. Лекин Тўполон дарё Сурхонда Тоғай Муродни яратган. Унга ўз шаддод шоирлигидан улуғ улуш ато этган. Мени бу икки улуғвор хас-сослик доим ҳайратга солади. Бу икки дарё бўйида доим одамнинг бағри кенгайгандай, яйрагандай, дунёнинг таҳлил этиб бўлмас сирларига ошно бўлгандай сезади одам ўзини.

*14 март, 2005 йил.*

## АСР ВА ОЛИМ

(Лазиз Қаюмов — устоз)

Ҳар бир аср, унинг мухити сиёсати ва осмонида тинимсиз сайр этган куёши билан биргаликда шу аср, шу мухит, шу сиёсат ичида яшаган ҳар бир инсон киёфасига ўз мухирини босади. Шунинг учун асрнинг одами, мухитнинг маҳсули деймиз.

Лазиз Қаюмов йигирманчи аср иккинчи ярмининг одами ва олими эди.

Эллик олтинчи йилнинг сентябрида университетдаги илк курсимизнинг илк лекциясига Лазиз Қаюмов кирган. У пайтда у чинордай келишган, кўркам, ҳамма қилиқлари ўзига ярашган, йигитликнинг айни етук палласига кирган чоғлари эди. Уни яхши кўрмасликнинг иложи йўқ эди. Уни талабалар ичида кўпчилик яхши кўрар ва (талабалик — одамнинг эргашиш пайти) унга эргашар эди. У Адабиёт назариясини ғоятда завқланиб, ўзи ўқиган шеърлардан ўзи аввало шавққа тўлиб мурғак дилларимизни назарияга ҳам, шеърга ҳам, шеър оҳанглирига ҳам — умуман, гўзал сўзга — сўз гўзалликларига ром этарди. Чурк этмай, мудрамай, эснамай тинглардик. Мудраб ва айниқса эснаб қолган студентнинг шўри қурирди. Навқирон, куч-ғайратга тўлган домламиз эснашга тоқат қилолмас эди. Дарров эснаганни койиб дашном берар, агар эснаш паталогик даражада бўлса, ташқарига чиқариб ҳам юборарди. «Дарс эшитгани келдингми, дарс эшит, марҳамат қил, бўлмаса, Анҳор бўйига бориб ялпизингни тер...» — дерди. Лекин кўпинча Лазиз Қаюмовнинг дарсларида эснашга вақтнинг ўзи бўлмасди. Домла бизни ўз муҳокамалари кетидан адабиётнинг узоқ-яқин маконларига етаклаб, эргаштириб кетарди.

У адабиёт, санъатни теран билар, дид-фаросати ўсган, мукамал — биз шогирдларга ҳам шу нарсаларни сингдиришга интиларди. У адабиётга муҳаббатимизни чуқурлаштирди, уни маърифий муҳаббатга айланишига ёрдам берди. Лазиз Қаюмов, Озод Шарафиддинов бизни жонли адабиёт ичига киришга доим ва тўхтовсиз чорлашар ва ҳар бир дарсларида Ёзувчилар уюшмаси ва умуман

ёзувчилар, қаламкашлар ҳаётида рўй бераётган янгиликлар тўғрисида бизни хабардор қилар, уюшмада бўладиган адабий ҳаётга — мажлислар, учрашувлар, янги асарларнинг муҳокама-мунозараларида қатнашишга ундардилар. Биринчи Май кўчасидаги, кейинчалик Ҳадича Сулаймонова кўчасидаги адабий йиғинлар бизнинг жону дилимиз эди. Хўб тинглардик. Тирик ёзувчиларни кўрардик. Уларнинг бошқаларникига ўхшамайдиган сўзлари, қочиримлари, киноялари, найзадай ўткир танқидларини жон қулоғимиз билан эшитиб, адабий кураш нималигини аста англай борардик. Домламиз биз илк кўрганда, фан номзоди эди. Ҳаял ўтмай мамлакатдаги энг ёш фан докторларидан бири бўлди. Унинг юлдузи чарақлар, тез ўсар, шитоб билан катта миқёсдаги адабий давраларга чиқиб борарди. Ўша пайтда адабий алоқаларга жуда катта мафкуравий эътибор берилар ва Лазиз Қаюмов тез орада адабий алоқаларнинг энг кўзга кўринган намоёндаларидан бирига айланди. У жуда катта халқаро адабий анжуманларда иштирок этар ва долзарб мавзуларда маърузалар билан чиқарди. Ўша пайтлар унинг адабий алоқаларни ёритишга бағишланган қатор-қатор китоблари дунёга келди.

Домла ниҳоятда эътиқодли, эътиқоди мустаҳкам ва собит одам эди. У адабиётни севарди ва адабиётга бўлган севгисига заррача бўлсин хиёнат қилмасди.

У буюк маърифатпарвар ва миллатпарвар Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг тамомила шайдоси эди. Ҳамза ҳаётининг бутун саналарини батафсил ўрганишга, бунда биронта ҳам қоронғулик жой қолдирмасликка интиларди. Бу ишга Мухсин Олимов, Марҳамат Аминова каби қатор-қатор барча талантли шогирдларини ҳам тортарди. Ҳамза деган оғизга бол тутарди. Фақат мафкура чегаралари ва меъёрларига сира сиғмайдиган Ҳамзадай улуғ миллатпарвар ва озодлик жарчисини мафкура платформаларига ва унинг чегаралари ичига сиғдириш, тортиб олиб киришга уринарди. Ҳамзанинг серқирра ижоди ва тарихий фаолияти эса бунга албатта сиғмас ва ўз бошига исён қиларди. Лазиз Қаюмов Фафур Фулом, Ойбек, Комил Яшин, Абдулла Қаххор, Зулфия, Максуд Шайхзода, Миртемир, Собир Абдулла, Шароф Рашидов, Воҳид Зоҳидовга ҳам шундай эътиқод ва муҳаббат билан қарарди. Уларнинг ижодини таҳлилларига тортар-

ди. Ақаси — улкан адабиётшунос олим ва жамоат арбоби Азиз Қаюмовга ҳам шоғирдоғ ва ихлос ва укалик ниёзи билан қарарди. Эркин Воҳидов, Ўлмас Умарбеков, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимовларни бошига қўйгудек эъзозларди. Адабиёт ва унинг масалалари, адабий намояндалар ҳақида хавойи гапларни ёқтирмасди. Фикрлари доим аниқ, ўлчовли ва ишонарли, назарияга тўғри бўларди. Совет мафкуравий адабий сиёсат жабҳаларида хорижлик «советшуносларга» муносиб жавоб бериб туриш урфга айланган эди. Ўзбек совет адабий сиёсатида «советшуносларга» жавоб бериш чамаси сўзамол, нотик, кучли мантиқ билан фикр юритувчи Лазиз Қаюмовга топширилган эди. Домла «советшуносларни» қатъи суратда рад этарди. Чамаси, уларнинг асарларини тузук-курук ўқимаёқ уларга жавобини бериб юборар эди. «От ворот — поворот» деган русча ҳикмат бу ерда аниқ урфга кирган эди.

Аммо Лазиз Қаюмов ҳақиқий муаллим, ҳақиқий устоз, ҳақиқий муҳаррир, ҳақиқий юксак дидли тарғиботчи эди. Бир оиладан икки улкан адабиёт намояндаси камдан-кам чиққан. Бир хонадондан учта улкан адабиётшунос чиқиши ундан ҳам ноёб ҳодиса. Улкан муаллим ва маърифатпарвар Пўлатхон Қаюмий хонадони адабиётимизни ўзининг уч таниқли намояндаси билан тақдирлади. Уларнинг адабиётимизга кўрсатган хизматлари ва таъсирлари бениҳоя хайрлидир. Унутилмасдир.

*14 март, 2005 йил.*

## КЎНГИЛДАН ЎЧМАЙДИ

(*Эзгу инсон Нуриддин Шукуров*)

1960—80-йиллар ораси адабий анжуманларда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Нуриддин Шукуров билан кўп учрашардик. У адабиёт оламини яхши билар, яхши кўрар, унинг катта-кичик намояндалари билан яқиндан таниш, қаламкашлар, олимларни — зиёли кишиларни жуда кадрлар, хурмат-эътибор кўрсатарди. Адабий давралар, китобхонлар билан учрашувларда Фафур Фулом, Шайхзода, Аскад Мухтор сингари алломайи замонларнинг шеърларини гўзал бир ихлос билан шеърнинг завқи-сурурини жон-жондан туйиб ёд ўқирди. У ўзбек шеърляти ҳақида тўликиб, тошиб ёзарди. Шеърлят ҳақида ёзганда унга бамисоли муҳаббат изхор қилаётгадай бўларди. Нуриддин Шукуровнинг шеърлят тадқиқотларига бағишланган барча китобларини ўқиганман. Уларда унинг билимдонлиги, юксак дидфаросати ҳар бир сўзда кўзга ташланиб турарди.

Нуриддин Шукуров юксак касбий маҳорат соҳиби эди. Фафур Фулом ҳақида Ҳомил Ёқубов, Салоҳиддин Мамажонов сингари олимлар йирик тадқиқотлар ва текширишлар олиб борганлар. Нуриддин Шукуровнинг Фафур Фулом шеърляти юзасидан олиб борган кузатишлари, таҳлиллари, талқинлари ўзига хос теранлиги, кузатишларининг оригиналлиги ва нозиклиги билан ажралиб турарди.

Умуман, Нуриддин Шукуров поэзиянинг ичидаги унинг ўз одами, муҳаллили эди. Ажаб эмаски, унинг кузатишлари, таҳлиллари ҳали-ханузгача ўз тароватини йўқотмаган, ўз адабий қимматини сақлаган.

Нуриддин Шукуров беҳад нозик муомалали киши эди. Одоб-икром фазилатлари кўпчиликка ўрнак бўладиган даражада эди. У талантларни ниҳоятда кадрларди. Барот Бойқобилов, Омон Матжон, Ўткир Раҳмат, Хуршид Давронлар билан том маънода фахрланарди.

Самарқандда унинг адабиёт тўғараги жуда машҳур эди. Нуриддин Шукуровнинг адабиёт тўғарагидан ўнлаб таниқли қаламкашлар етишиб чиқишди. У ўз шоғирдла-

рига ҳеч қачон бепарво бўлмас эди. Доим қаерда бўлма-синлар улар билан хабарлашиб турар, имкони етган қадар уларга ғамхўрлик кўрсатар, улардан инжа, суюкли сўзини аямасди. Айниқса, талантли шогирди Омон Матжон билан ғоятда фахрланар, фахрланганини яшириб ҳам ўтирмас, Омонни ўтқизгани жой тополмасди. Шогирдларининг ижоди, уларнинг намуналарини ёд биларди.

Нуриддин Шукуров ҳар йили таътил чоғларида Дўрмондаги ижод боғида бир ой-ярим ой турар, адабиёт на-мояндалари билан учрашар, тахририятлардаги, нашриётлардаги дўстлари билан мулоқот, суҳбатларда бўлар, шундай мулоқотларни беҳад севарди, улардан ўта завқланарди.

Ўта меҳрли, ўта риояли инсон эди Нуриддин ака!

Чин муаллим ва чин зиёли эди. Унинг оқ-сарикдан келган чехрасидан ҳам ақлнинг шуъалари таралиб тургандай бўларди. Унинг суҳбатлари одамни зериктирмас, маърифатли оҳанрабоси билан ўзига торгарди. У сизга худди юракдан меҳрини тортиқ қилаётгандек бўлиб сўзлар, охиста, шикаста овозда айтилган сўзлари кўнгилда муҳрланиб коларди.

Нуриддин ака ёруғ олам билан видолашиб кетганда бу ёруғ олам, қадим, азимий шаҳар ҳам назаримизда хувиллаб қолгандай бўлди. Гарчи олам яхши одамлардан ҳеч қачон холи эмас, лекин Нуриддин Шукуровдай чин инсон ва олимларнинг ўрни ҳамisha билинади. Унинг ҳамон жавонларимизни тўлдириб турган китобларига қараб, зиё машъали ўлмайди дегинг келади.

*2 май, 2005 йил.*



## ЖИМ-ЖИТ БУЛУТ ИЧИДАН ЧАҚИН

*Азим Суюн ҳақида ҳикоя*

### Хаёт учун курашмоқ имондандир

Хаёт учун кураш деган иборанинг мазмунини шоир ва журналист Азим Суюннинг бугунгача босиб ўтган умр йўлини бир бутун холда кўз ўнгингда гавдалантирганда, чуқур тушуниш мумкин.

Хаёт учун кураш оддий бир нарса эмас. У одамнинг одамлиги ва одамликнинг белгиси -- ироданинг иродалигини кўрсатади.

Кўп одамларни кўрасиз: улар хаёт учун курашмайдилар. Балки хаёт берган неъматларни изланмай-қидирмай, беллари оғриб жафо чекмай, бир натижани машаққат билан қўлга киритмай, исёнсиз-туғёнсиз қабул қиладилар ва то умрлари поёнигача тасарруф этиб ўтадилар. Уларнинг осойишта, бир маромдаги пором умрларига, топиш-тутишларига, эл аро яшаш — кун кечириншларига ҳавасинг келади. Бундай ҳаётга эришиш жуда қийин бўлса керак дейсан. Бунинг учун жуда бақувват илдишлардан озик олишинг, бақувват заминда кўкаришинг керак дейсан. Аммо ҳаммага ҳам бундай бақувват илдишлар ва бундай эмингарчилик замини насиб этавермайди. Қани энди, мен ҳам шундай тинчгина тинчиган қўлмакда бўлсайдим, қўлмакнинг ўзи бўлсайдим, қани энди, ойлар, қуёшлар, осмонлар шундай жимирлаб, оҳиста мавжланиб устимдан ўтиб кетсалар эди, зотан ҳар қандай гирдоблар, талафотлар, пўртаналар бу тинчгина қўлмакни албатта четлаб ўтади, деб армонларга ботасан киши вақтбевақт. Лекин бундай осуда ҳаётни қаерга буюриб топасан, азизим. Яхшиси, бундай осойишта жозибани инкор қилмаган, ундан нафратланмаган ва уни таҳқирламаган холда, яна ҳушёр тортиб ўзингга ўзинг ҳисоб бера бошлайсан, йўқ, мен бундай осуда умргузаронликни истамаган, соғинмаган ва уни ўз яқинларим, биродарларим, юртдошларимга ҳам раво кўрмаган бўлардим, деб ишончинг ортади ўйлаб кўрсанг.

Азим Суюн университетда тахсил олишни соғинди. Гулдурос карсакли шеър ўқиладиган давраларни орзу қилди. Одамларга ўз сўзини айтиш иштиёқида ёниб юрди. У қийналиб ўсди. Машаққат нималигини хўб билди. Анча замонлар илк шеърларини бирга ўқидик. Бирга ўйладик. Бирга фикрлашдик.

Азимнинг фикр тинглашга ташналиги ва зийраклигини ёктириб қолдим. Юпунгина кийинган, кўзлари хамиша ўйчан ва маъюс боқадиган бу йигитчанинг ишонгани шеър эди. Шеърга ишониб яшайдиган ноёб одамлар каби зехнининг толалари доим таранг ва нозик тортилган эди. У яхшилиқни, яхши сўзни тез уқар, тез қабул қилар, тез риоя этарди.

Шунга қарамасдан, шеър деган хур, серфироқ нарса унга осон келгани йўқ. Излана-излана, ўргана-ўргана у ўз қалбидаги мудраб ётган кўхна ҳужайраларни, мудраб ётган кўхна оҳангларнинг торларини уйғотди.

Азим кўп тиришқоқ йигитча эди. Эллигинчи йилларнинг нари-берисида дунёга келган болалар шеърят, насрда яхши давра олдилар. Азим ёрқин истеъдодли дўстлари, тенгқурлари, университетдошларига жўровоз бўлди. Уларнинг гулдуросли тўлқинларига муносиб қўшилиб борди.

Мурод Мухаммад Дўст, Хайридин Султон, Эркин Аъзам, Усмон Азим, Хуршид Даврон ва яна неча-неча уларнинг тенгдошлари адабиёт ва у орқали ижтимоий ҳаётга миллий эрк орзуларининг янги тўлқинлари, янги садоларини олиб кирдилар. Уларнинг асарлари билан адабиёт янгиланиш жараёнига кирди.

Азим Суюн шу авлоднинг садосига ўз жарангдор наърасини қўшди.

Унинг лаёқати чархланишга мойил эди. Чархланса, чархланадиган истеъдодини Азим ўзи кашф этди.

Етмишинчи йилларнинг бошимикин, Азим бир даста шеърларини ийманган, тортинган, бетламаган бир тарзда олиб келди.

— Ўқиб, беринг, Иброхим ака. Бўлади, қол десангиз, қоламан. Бўлмаса, юртимга кетаман. Овчи бўламан. Ёзмайман. Мендан шоир чиқмайди, вассалом! — деб айтди у қаттиқ хаяжон ичида. У қийнала-қийнала шу қарорга келганга, аҳдидан қайтмайдиганга ўхшарди. Бундан илгари ҳам унинг кўп машқларини бирга ўқиган ва

бирга буларни хали матбуотга беришга эрта деган хулосага келгандик.

Азим уйғониб, ўзини англай бошлаган эди. Янги ёзган туркумларида бу баралла сезиларди. Шеърларида дўлворлик, танги, мардона, бағирдор оҳангларга ўрин алмашаётгани кўриниб турарди. Шеър тошқинлари унинг вужуди, қалбини ларзага келтириб, росмана ўз забтига олаётган кезлар эди.

— Бундай шеърларингиз кўпми? — деб сўрадим ундан. — Кейинги тўпламга ҳам егадими?

— Кўп, ака, жуда кўп. Тинмай ёзаман. Лекин ўзим билмайман, бу бало нима, соғманми, телбаманми?

Тез орада Азим Суюннинг биринчи китоби — «Менинг осмоним» чиқди. У ижоднинг жўшқин палласига кирди. Шеър унга адирлардан сурон солиб келадирган сел каби ёғилди. Кетма-кет китоблари чиқди. Катта давраларда гулдираб шеър ўқиди. Ўз йўли, киёфасига эга бир шоир майдонга келди.

Азимдан шеър худди момақалдиروқдан чиққан чақиндек чиқди. Бу тоғ момақалдиуроғи, тоғлар чақинлари, тоғларнинг ёлқинлари эди. Азим саксонинчи йиллар бошида энди ўзини, ўз юртини, ўз тоғларини, ўз юртдошлари ва уларнинг орзуларини тўла очган эди. Унинг шеърига, асарларига, сал кейинроқ журналистика билан шуғуллана бошлагач, публицистикасига Нурота тоғларининг шукухлари бутун колорити билан кириб келди.

У Нурота оҳанглари топти. Худди Усмон Бойсуни топгандай, худди Хайриддин Паркентни топгандай, худди Мурод Галатепани топгандай, Азим Нуротани топти. Ахир, кичкинагина бўлса ҳам, ўз ерингни ишғол қилмасанг, дунёга қандай чиқасан, уни қандай ишғол этасан? Азимнинг барча шеърларини ўқинг: ҳаммасида Нурота зарблари, Нурота сойларининг мангу овозлари, бургутларнинг мунгли қийқириқларини эшитасиз.

Баъзан-баъзан газетчиликнинг машаққатли ишларига шўнғиб кетган чоғлар Азимни бир ой-ярим ой йўқотиб қўяман. Сўнг кўришган чоғларда у:

— Тоғларда эдим. Чўккиларга чиқиб кетдим. Чўккиларга чиқиб турмасам, яшолмайман! — деб хикоя қилиб беради.

— Чўккиларнинг хатарини севасизми ё хавосини? — деб сўрайман.

— Чўккилардан узоқларга боқишни яхши кўраман. Олам фақат чўккилардан бунчалар кенг ва яхлит кўри-нади, — дейди Азим.

Бу гап унга ярашади. Бу ўша жим-жит булут. Бу ўша бағрига чақинларини яширган булут. У чўккилар-сиз туrolмайди.

Унинг шоир қалби панорамани истайди. Олам манза-раларидан бир бутун ҳолда такрорланмас тархлари, ранг-ларининг ажиб издиҳомларидан завқланади. Балки у чўккиларда кураш завқини туяр. Толиққанда, сусайган-да, яна шу завқларни янгилamoқ учун чўккиларга бо-ради. Нуротами, Туркистонми, Чотқолми, Боботоғми, Хисорми, Зарафшонми, Олойми, Шохимардонми, Қол-дирға тизмаларими — чўккиларни пиёда кезади. Ҳис-сиётларининг залворини синайди чўккиларда: юрт ис-тиқболини кўришни истайди чўккилардан. Чинми булар-нинг бари ё ўйинми — сохтами? Ажратиб олишликни истайди.

Яшаш учун кураш! Азим Суюннинг барча ёзганлари бу — яшаш учун кураш. Шу курашнинг сўзлари. Шу курашнинг илҳомлари.

Азим Суюннинг бадиий журналистикаси ҳам унинг ҳаёт уфқлари қанчалар кенгайиб ранг-баранг бўлиб. мус-тақил ва озод Ватаннинг собит зарбларига тўла ҳам оҳанг бўлиб, уни қутлаб, алқаб, суюб, кучиб, эркалаб дунёга келаётгани аён!

Озодлик Азим Суюн ва у мансуб авлоднинг ҳаёт ва орзу уфқларини беҳад кенгайтирди. Уларга янги рух, янги нафас бахш этди. Улар миллий мустақилликни орзу қилган, унга эришган, унга бутун инсоний, фарзандлик муҳаббатини берган авлод! Азим Суюн шу авлод сафида собит матонат билан бораётир. Унинг сўзи Истиқлол ишига, миллий равнақимиз манфаатларига жон-дил би-лан хизмат қиляпти.

Азим Суюннинг сўзларида азим истиқлол ва унинг фаровон уфқлари гавдаланади.

## ЗАМИНГА ТУТАШ АНТЕННА

Саъдулла Ҳакимнинг биринчи шеърлари матбуотда кўрина бошлаганига ўттиз йил, унинг илк китоби «Ҳамал тонглари» нашр этилганига йигирма йил бўлиб қолибди. Умри узун ва сермева бўлсин, ёши ҳам мана, элликни қоралабди. Тошкентга илк бора келганида бу йигитчанинг кўзлари порлаб, ҳамиша шеър завқи билан жўшиб турар эди. Қанча шамоллар эсиб ўтди, қанча булутлар босиб ўтди, қанча айқирган сойларни кечиб ўтди, қанчадан-қанча ўтли шеърый сатрлар дунёга келди. Саъдулла ҳамон ўша-ўша виждон амри билан яшайди, илҳом амри билан шеър бўстонларига киради.

Саъдулла Ҳаким боғбоннинг ўғли. Ҳаким Раҳмат боғбоннинг ўғли. Отасига ҳаёт йўлларида бўталоқдек эргашиб катта бўлган. Не ажабки, унинг шеърдан боғ иси, боғ таровати келади. Умуман, боғларнинг эмас, балки баайни Гараша боғлари, Гараша узумзорлари, тоғларидаги анвойи ўт-ўланларнинг ҳиди, таровати гуркираб келади.

Унинг шеърлари, ёзганларини ўқиганда, Гарашанинг тоғлар, тоғ этакларига хос, тоғ афсонаси акс этиб турадиган, содда бўлса ҳам, лойсувоқ бўлса ҳам, кўркем уйли хонадонларига кириб боргандек бўласиз.

Балки сиз билан биз кўпчилигимиз Гарашада бўлмагандирмиз. Балки сиз билан биз сал берироқдан, айтийлик, Азим Суюннинг тоғ этагидаги сўлим қишлоғидан қайтгандирмиз. Лекин Азим Суюн куйлаган Кўлтўсину Накрутдан ҳам, дунёнинг бениҳоя олис чеккасида қолиб кетгандай туюладиган Қораабдолдан ҳам Гараша кўришиб туради. Мабодо сиз сўрамасангиз ҳам, дўстларимиз: «Хў-ўв нарида Гараша қишлоғи бор, у ерда Саъдулла Ҳаким туғилган» дейдилар. Накрут Азим Суюн номи билан танилган бўлса, Гараша Саъдулла Ҳаким номи ва шеърлари билан танилди. Холбуки, илгари не-не тарихлар ўтиб, Гарашанинг Гарашалигини ва Накрутнинг Накрутлигини жуда камдан-кам одамларгина биларди. Икки шоирнинг номи билан бу тоғ қишлоқлари шеърятимиз тушунчалари, жўғрофиясига кириб келди.

Яхши шеър жойни, маконни абадиятга мухрлаганидек, яхши шоир элининг шухратига шухрат қўшади. Шеърый забон билан ҳалқ маданиятли халқлар сафига киради. Учинчи синфда ўқиётган набирам ўзининг ширин тили билан «Ўзбегим»ни ёдлапти, яъни шеърый тили чиқаяпти. Мурғак дилига миллат руҳи, тарихи ва тарихининг қатламлари ўрнашяпти.

Шеърый сўз ҳамиша халқ маданиятининг биринчи белгисидир. У халқда фикр ва туйғулар маданияти равнақ олганлигидан далолат беради. Некўз, Олтиариқ, Бойсун, Спасск-Луговиново, Ясная Поляна, Тархани, Қоратош, Ғазни, Руставели, Мўлиёна ва инсониятнинг бошқа юзлаб касабалари шундай шеърый, бадиий сўз билан обод бўлган, оламга донг таратган.

Худди шунингдек, Накрут ва Гараша ҳам бу шоирлар билан бирга номдор бўлди. Қишлоқлар уларнинг номларига уйғун тушди.

Бир куни Азимбой Сувайрилиш деган жойга борганимизда «Иброҳим ака, бу ёнига кирсангиз, кириб кетаверасиз. Бири бирдан ёввойи, гўзал жойлар, ҳали ўз шоирини топмаган...» деди. Олдимизда Нуротанинг сирли тизмаларига кириб кетадиган ажиб тоғ оралиқлари худди ўқилмаган китоблардай бўлиб, ваҳший жозибаси билан кўзларни ром этиб ётарди.

Саъдулла Ҳакимнинг шеърлари ҳам шунақа — ичига бир кирсангиз кириб кетаверасиз, тоғма-тоғ, боғма-боғ, юракма-юрак ўтиб бораверасиз, ўқиб бораверасиз, меҳр ўртада камаймайди. Баъзи шеърлари бамисоли Гарашанинг оппоқ патири — умрлар яшаб ҳеч таъмини унутмаймиз.

Нурота тоғлари томонларда, тоғлар ичида, тоғлар этакларида, тоғ қишлоқларида одамлар дўлвор, танти, содда, худди қоялардай мустаҳкам, тоғ сойлари каби жўшган ва ўта самимий бўладилар. Шунинг учун бўлса керак, бу юртнинг валийлари кўп, бахшилари сероб.

Саъдулла Ҳакимнинг шеърлари танти самимияти билан одамни ўзига қаратади. Мабодо, бир қояга ҳар томондан қарасангиз, у ҳар турли қиёфада кўринади. Тоғ чўққиларига турли нуқталардан қарасангиз ҳам шундай: турли томондан турли кутилмаган манзаралар кўзга ташланади.

Шоирнинг шеърларида, унинг «Олис юлдуз» деб аталган тарихий достонида, насрий сочмаларида ҳам шундай кутилмаган гўзал манзаралар, тасвирлар, ажиб шеърый ифодаларга дуч келасиз. Назарингиз улардан оддий бир нарса каби сирғалиб ўтмайди, тўхтайди, нигохингизни ўзига жалб этади бу шеърлар. Улар Саъдулла Ҳаким оригинал бир шоир эканлигидан далолат беради. Уларда шоир уйғоқ виждон, одамгарчилик идеалларига амал қилаётганлиги, инсон ахлоқининг гўзаллигини шуларда кўраётганлиги равшан кўзга ташланиб туради.

*Наҳот менинг исёним  
Дилимда қотиб қолган,  
Шеърлар битганим ёниб  
Наҳотки бари ёлгон?*

Ўқувчи бу безовта сатрларни виждоннинг тирик овози каби қабул қилади. Саъдулла Ҳаким миллатнинг уйғониши ва унда ҳар биримизнинг тугган ўрнимиз ҳақида ўйлар экан, «сафоли, вафоли боғланишлар бор» дейдида, сўнг:

— Бизни боғлаб турсин одамгарчилик! — деган сўзлар билан шеърга яқун ясайди. Баъзан ёлғизлик, Яратган олдидаги «минглар ичра ёлғизлик», инсон истаклари учун ўта ноқулай қурилган дунё одамдан фолиб келишга интилади, лекин шунда ҳам киши одамгарчилик билан, ботиний салохият, идрок қудрати билан улардан устун чиқишга муяссар бўлади. Бу ҳақда Саъдулла Ҳакимнинг гўзал сатрлари бор:

*Осмон гувлар,  
Оқар нидолар,  
Бу қай садо, бу қизалоқ ким?  
«Мен опаман ўзим-ўзимга,  
Мен сингилман ўзимга ўзим»*

*Нотинч бу сас келмиш қай ердан,  
Бўзтўрғайдек бўзлаган у ким?  
«Мен акаман ўзим-ўзимга,  
Мен укаман ўзимга ўзим»...*

Саъдулла Ҳакимнинг шеърларидаги мана шундай гўзалликларнинг манбааларини ўйлайсиз. Хаёлингизга донишманд Жуманбулбул оҳанрабоси келади. Хаёлингиздан Нурота тоғларининг қадим тилсимотли шукухи

ўчмайди. Саъдулла Ҳакимни Нурота тизмаларини фусункор қилган чўққилардан қўшиқ айтиб туриб келаётган ҳолда тасаввур қиласиз.

Бу гаплар билан Саъдулла Ҳакимни илҳомёр шоир демоқчиман, холос. У дил қўшиқлари билан одамлар қалбидан ўрин олди. Унга шоирликни табиатнинг ўзи ато этган. У бундан ҳеч қаерга қочиб қутулолмайди. Табиат ато этмаган нарсанига эса ҳеч қачон ҳеч ким қувиб ета олмайди.

Бу шоирнинг шеърларини ўқиганда эртақлардаги Эромон ботир тоғлар, адирлар оша кўҳна ўзбекона содда қўшиқларимизни дилдан овозини баланд қўйиб айтиб келаётгандек бўлади. Бу куйларда яшаш ва севиш завқлари баралла янграб туради. Бу қўшиқларни куйлаётган одам ҳамиша, ҳар қандай шароитда матонатли сўзларни айта биладигандек кўринади.

Саъдулланинг отаси марҳаматли Ҳаким Раҳмат ўғли, шу ўзбек боғбони Гарашага биринчи маротаба радио олиб келган экан. Шоир отасининг маърифатга шундай талабгор ва ошно бўлганлиги билан фахрланади. Ўша онгда ўрнашган болалик хотираларининг таъсиридамикин, у катта бўлганда, шеър илҳоми куйилиб келганда ўз шеърларининг заминга туташ антенна бўлишини орзу қилади. Овозимни шояд эшитса, ўзбекнинг саси олам билан робита боғласа, дегандай бўлади.

Эзгу орзу. Ва ғоятда яхши сўз: шеър — заминга туташ антенна!

*2001 йил*



# III

АХЛОҚНИ СОҒИНИШИ  
ҲАЁ-ҲАЛОҚКОР



## ҲАЁ — ХАЛОСКОР

Адаб — одамийликнинг ўзаги. Балки одамийликнинг бари бошдан охир адабдан иборат. Адабнинг илиги эса — ҳаё. Илик қуриган ерда ҳаё бўлмайди. Ҳаёни орномус, ҳамият, орият, шаън, уят сингари тушунчалар қаторига қўямиз. Буларнинг бир-бирларидан сира ажра-тиб бўлмайдиган томонлари, жиҳатлари бўлганидек, жуда нозик маънавий ўзига хосликлари ҳам халқ ичида фарқ қилинади.

Уят — жуда қадимдан келаётган туркий ўзбакий сўз ва тушунча. У ёпиш, паналаш маъноларини англатади. Уй, уя — панажой, одамнинг бошини, бошинигина эмас бутун вужуд борлигини оламнинг хавф-хатарли ҳаводисларидан муҳофаза қилади. Уят — туркийча, ҳаё — арабийча, шарм — форсийча келиб чиқишга эга. Руслар бу тушунчаларни «стыд», «срам» сўзлари билан ифодалашади.

Ҳаё лугатларда тушунтирилишича, одамнинг турли ноҳўя хатти-ҳаракатлардан ўзини тортиш, тийиш, сақлашини билдиради. Ҳозирги форс тилида «шарманда» сўзи тортинчоқлик, уятчанлик сингари маъноларни англатади. Уятчан, тортинчоқ қизчани — духтари шарманда деб юритадилар. Тортиниш, қисиниш, уялинкарашни «шарманда шудан» дейдилар. У шарманда шуд — у уялди. Ўзбек тилимиз бу тушунчани ўзига хос тарзда ўзлаштирган ва маъносини чегаралаган. Сўзлар, тушунчалар бошқа тиллардан ўтганда, кириб келган ва ўзлаштирилганда, миллий тил уларни ўз стихиясига киритади, уларнинг маъносини ўз тарихий табиатига кўра аниқлайди, умумлаштиради ва баъзан уларга тамомила янги маънолар бағишлайди. Шарманда, ҳаё, иффат ўзбек тилимизда ўз нозик маъно товланишларига эга, улар тилнинг ажралмас органик узвиги айланиб ўзлашиб кетган.

Ҳаё, уят тўғрисидаги энг қадимги тушунча ва тушунишларни Аристотелнинг «Никомах этикаси» асаридан топамиз. Аристотель шарм-ҳаё, уялишни яхшилик, эзгу

хислатлар қаторига киритмайди. «Лекин ҳаёли киши — мактовга лойиқ ва маълум нарсаларда ўртача йўл тутади. Тортинчок киши ҳамма нарсалардан уялаверади. Агар кишига уят, ҳаё етишмаса ёки булар унда умуман бўлма-са, унинг бети жуда қаттиқ, ўртача йўл тутувчи киши эса, ҳаёлидир», деб ёзади (Никомах этикаси 90-бет).

Аристотель уят, ҳаё кўпроқ хирсу эҳтиросни эслатади, дейди. Уни инсон феъл-атворидан кўра хиссиётга яқинроқ деб қарайди. Одам ёмон от чиқаришдан кўрқади. Шу кўрқинчдан ҳаё туғилади. Киши уялганда қизариб, бўзариб кетиши унинг хиссиёт ва эҳтиросга қанчалар яқин алоқадорлигини шундоқ кўрсатиб туради.

Шарм-ҳаё кўпроқ ёшликка хос деб қаралиб келинади. Ёшларни алқаганда, аввало кўпроқ уларнинг шарм-ҳаёси учун мактаймиз ва севамиз.

Каттадир-кичикдир ҳаё эътиборсиз қараладиган нарса эмас. Чунки ҳаёсизлик кўп фожиаларни келтириб чиқаради. Шекспирнинг «Қирол Лир»ини севиб томоша қилганмиз. Берилиб ўқиганмиз. Кичик қиз Корделия отасини балки ҳаммадан ортиқ иззат-икром қилади, энг тегран фарзандлик муҳаббати билан севади. Лекин буни Қирол Лир истаганчалик тўлиқ ва муболағадор ифода-лаб беролмайди. Бунга унинг қизлик ҳаёси йўл қўймайди. Лир эса буни Корделияда чин севги йўқ экан, деб англайди ва суюкли қизини дуои бад қилиб, уни тахту бахтидан мосуво этади. Бутун давлатини катта қизларига беради. Катта қизлари эса Лирни хору зорликка гирифтор этувчи сиёсат олиб борадилар. Ҳалокат дамларида Лирга таҳқирланган Корделиягина мададга келади, чин фарзандлик жасоратини кўрсатади. Ана унда кекса Лирнинг ахволини кўринг! Ер ёрилмайди-ю ерга кириб кетмайди эл-юрт ва Корделия олдида! Шекспир ўзбекларнинг «Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ» деган мумтоз сўзини балки ўқимагандир. Лирнинг дастлаб Корделияни тушунмай уни ёмон таҳқирлашида, катта қизларнинг Лирга муносабатларида худди мана шу ўзбек ҳикмати тўла амал қилади. Ўзбек ҳикмати инглиз драматурги яратган ўта зиддиятли ҳолатга қанчалар мос келганлигини кўриб танг қоласиз. Отелло эса ўз шаъни, номусини сақлаш учун қаранг... ўта ҳаёсизликка борди. Дездемонадай гўзал, вафодор аёлни ўлдирди. Сўнг алданганини билди. Отеллодаги уят-алам энди дунёга сиғ-

майди. У хаё пардасини зўравонлик билан йиртди. Бу пардани тикламаоқ учун энди унга ўлимдан ўзга чора йўқ. Шўрлик маъсума Офелия-чи? Унинг қизлик хаёси қасос ўтида ёнган Хамлет қошида гул япроғидек қалтирайди ва дунёнинг кўтариб бўлмас хаёсизликларидан бешиб, гул япроғи каби сувга оқиб кетишни афзал билади.

Офелия бамисоли ҳазрат Навоийнинг сўзларини ўқиган ва ёдлаган ва бу сўзларга чин эътиқод қўйгандай:

*Фосиқдан хаё тилама,  
Золимдан вафо...*

Шекспирнинг барча асарларида уят — уятсизлик, хаё — хаёсизлик, номус ё номуссизлик беҳад кескин ва беҳад шиддатли талқинлар топади.

Хаё ҳам, ундан кўра кенгроқ тушуниладиган уят ҳам қалбнинг маҳсули. Ҳар бир халқнинг хаётида бу тушунчалар борасида поёнсиз тажриба қонлари қазилган, дуржавохирлар қазиб олинган.

Шуниси ҳам борки, Аристотель айтганидай, хаёни кўпроқ хотин-қизлар, бола-бақра, навқирон ёшлар хулқининг мулки деб қарашади. Машҳур шоиримиз сатрларида келганидай:

*«Бизнинг хотинларга хаё фазилат».*

Ёки Ҳабибий айтмоқчи:

*«Хаё бирла адаб ёшлик чиройин орттирур».*

Шарму хаёни баъзида бўлса ҳам бўладиган бўлмаса ҳам бўладиган ёки еса ҳам бўладиган, емаса ҳам бўлаверадиган оралик бир нарса деб қарайдилар. Навоий, Шекспир, Қодирий, Чўлпон бундай деб қарамаган. Улар хаёни фақат ёшлардангина талаб қилинадиган ахлоқий меъёр деб билишмаган. Хаё кенгроқ қараганда, фақат ахлоққагина эмас, сиёсатга ҳам тўла маънода алоқадор. Сиёсатда хаёсизлик, бети қаттиқлик охир-оқибат тоталитаризм, яқка ҳукмронлик, империализм ва фашизмга олиб боради. Ўзга ерларни босиб олиб тасарруф этишларда, яқин кунлар тарихини олиб қарасангиз, генсекларнинг Венгрия, Чехословакия, Афғонистонларга қўшин киритишларида, гитлерларнинг жаҳон ҳукмдорлиги гавғоларини кўзгашларида соф маънодаги бети қаттиқлик ва сиёсий беҳаёлик ётади. XX асрнинг охиригача ҳам маълум ер

юзи доираларида сиёсат беҳаёе бўлиши керак! — деган ўта бетамиз ғоя расмий-ғайрирасмий тарзда ҳукмрон бўлиб келди. Аслида эса сиёсат энг юксак ахлокий нормалар асосидагина инсониятни оғир фожиалар, олдимизда турган экологик драмалардан халос этади. Ҳозир қазиб олинмаётган нефть захиралари эллик йилда тугайди деб аниқ прогноз қилинмоқда. Кўплар, э-ха, ҳали ярим аср бор экан-ку деб, бемалол бўлишмоқда. Лекин дўппини олиб ўйлаб кўрсангиз, бундан одамнинг юраги орқага тортиб кетади. Беихтиёр Ер олдида ҳаё қилайлик, одамлар! — деб юборганингизни билмай қоласиз.

Табиат поёнсиз бир оқилоналик билан қурилган. ХХ асргача инсоният шу оқилоналикни барбод қилиш йўлида кўп саъй-ҳаракатлар, жидду жаҳдлар кўрғазиб келди. Табиатга мувофиқ яшайлик! — деган ҳақимларнинг нидолари урушлар, тинимсиз шовқин-суронлар ичида эшитилмади.

Холбуки, бизга ато этилган табиатда ҳар бир нарса ўлчовлик! Ҳар бир нарса ҳарир пардаги ўралган! Ҳар бир нарсанинг ўз ҳимояси яратилган! Энг яланғоч бўлиб кўринган нарсаларнинг ҳам пардаси мавжуд. Кўрган кўз кўради. Кўрмаган кўз кўрмайди. Ердан тортиб уруғгача — пардасизми? Ер пардасиз, уруғ пардасиз бўлса, Ер юзида ҳаёт пайдо бўлмас эди ҳам, пайдо бўлганда, узокка бормай тугар эди ҳам! Ер ўз ҳаёти, ҳаракати, бардавомлиги учун зарур барча катта-кичик нарсаларни мустаҳкам қобиққа ўраган. Ана шу парда, ана шу қобиқ табиатнинг, онамиз Ернинг ҳаёси! Бу ҳаё фақат ҳимоя учун, сақланиш учун яратилган. Ерни қават-қават қатламлардан, атмосферани қават-қават қатламлардан иборатлигини ҳамма билади. Аслида қатламлар — булар Ер ва Ҳавонинг муҳофаза пардаларидир. Улар барча тирик жонзот қаби инсониятнинг яшаши, бахту саодати зарурати.

Бундан икки ярим минг йил аввалроқ табиатга мувофиқ яшамоқ бахт деб айтишган.

Айтгим келади: номусни дарахтдан ўрганинг! Қаранг, у ҳаёт шарбатлари югураётган танасини қандай парда қобиқ билан ўрайди. Бир жойи кесилса, дарҳол шу кесилган ўринни қобиқ билан беркита бошлайди.

Табиатда ҳаё ҳукмрон. Яшаш зарурати шуни такозо қилади.

Кўриб туриб, билиб туриб, қараб туриб турли даражадаги ахлоқсизликлар қиладиган кишиларни: «уялмайди, беҳаё!» — дейдилар.

Нима, уятчанлик, ҳаё қилиш, ибо билан муомалада бўлиш, сўзлаш, иш юритиш бу ожизликми, заифлик белгисими? Эҳтимол, сиёсатни бузғунчилик, товланиб туриш деб тушунадиган айрим тоифалар шундай деб тушунишар.

Холбуки, уят, ҳаё, номус — ахлоқнинг жилваси. Эркин Воҳидов ўзининг халқ менталитетини тасвирлаб берган машҳур шеърисида «одамийлик дини» деган тушунчани қўллаган.

### *Одамийлик дини бирла тоза иймон ўзбегим...*

Ҳеч ким буни шу пайтгача эътибор билан таҳлил қилиб кўрмади: ахир одамийлик дини нима? У инсониятга нима беради? Бу шеърда шу фавқулодда тушунча илк бора дунёга келди. Одамийлик динида балки инсон ҳар нарсадан афзалроқдир. Одамийлик динида ахир экстремизм, терроризм, фашизм ва бошқа шунга ўхшаш офатлар бўлмайди. Уларга йўл йўқ! Бу Навоийнинг «одамий эрсанг...» деб бошланадиган ҳаётий улуғвор ғоясининг давоми, балки ундан туғилаётган тушунчадир. Одамийлик динида адаб, шарму ҳаё, халқпарварлик, оддий одамларнинг дардларига дармон бўлиш, барча одамларни бир одам деб қараш ҳукмрон бўлади. Одамийлик динида одамлик энг қимматли, энг кадрли ходисага айланади. Бизнинг бу ерда ҳаё деб айтаётган барча гапларимиздан мурод ҳам шунинг ўзи.

Тўғри уятчанлик, тортинчоқлик маълум бир ёшда бўлади. Унинг айби йўқ. Лекин у уятчан одамнинг ўзи учун беъманиликка айланиб кетиши мумкин. Аммо одамни кўп нарсалардан маҳрум қилишга олиб келадиган, бошқалар томонидан ожизлик белгиси деб қараладиган уятчанлик, тортинчоқликнинг ҳаёга даҳли оз.

Ҳаё имон, қаноат, собирлик, шукрона сингари одамийлик хусусиятларида доим бор ва буларнинг айни олтин қобирғасини ташкил этади.

Мендан муҳаббатнинг гўзаллиги нимада? Унинг лаззатларидами? Унинг шахватларидами? Унинг хирсий интилишларидами? Лайлидай, Мажнундай сарсон-саргар-

донликларидами? Умидсиз тонгриқишларидами? — деб сўрасалар, булар бари қалбга доир ва уларни ҳеч қачон инкор қилиб бўлмайди, дердим. Шунинг билан бирга мухаббат булар билан гўзал эмас, балки баайни ҳаё билангина гўзал ҳамда ҳаммадан ортиқ лаззатли, деб жавоб берган бўлардим.

Уятчанликда эса қилиниши мўлжалланган иш қилинмайди, битиши зарур иш битмайди. Уятчанлик шунинг учун зарарли бўлиши мумкин. Буларни уятчанликни ҳаё деб биладиганларга қарата айтишни истардим. Уятчанликда оғриқдан, азобдан қўрқиш, ундан қочиш, ўзини табиий тарзда асрашга интилиш яширингандир. Одамнинг ахир бутун ҳаёти ўзини ўзи асрашдан иборат.

Ҳаё ракета эмас, улкан самолёт эмас, бизни бир зумда Франкфуртга элтиб қўядиган. Ҳаё Чўлпон яратган шеърӣй образга суяниб айтсак, бинафша. Ё баланд тоғ чўққиларининг музликлари устида очилган бойчечак. У шунчалар қудратли ва дунё, коинот шиддатлари қаршида шунчалар титраб-қалтираб туради. Унинг итоатчанлигида ҳар қандай зўравонликларга итоатсизлик барқ уриб туради.

Ислом яратган улуғ илоҳӣй Китоб ота-онангнинг бетига қараб уф тортма, ух дема, улар сени кичикликдан тарбият қилдилар, дунёга келтирдилар. Сенинг уф тортишинг уларни адоӣн тамом қилади. Биз боламизга қаноатли ҳаёт беролмабмиз-да, деб ўқинтиради, дейди. Мана шу ота-она юзига тик қараб уф тортиш — ҳаёсизлик, ух тортмаслик, ичингдан қиринди ўтаётган холда ҳам буни билдирмаслик, бу — ҳаё. Тўғрироғи, ҳаёнинг ибтидоси. Узум гуллаганини кўрганмисиз? Илк ҳаё ана шу узумнинг гули. У ҳали ширин узум эмас, лекин усиз ширин узум ҳеч қачон етилмайди. Мард одамнинг мардлиги ҳам, қаҳрамон одамнинг қаҳрамонлигида ҳам шундай ҳаё гули мавжуд. Ҳаё бўлмаса ботирлик бўлмайди.

Ғарбда, Россияда маънавий тозаланиш хусусида кўп орзулар билан ёзишади. Лекин нечукдир сира ҳаё устида гап бормайди. Маънавий тозаланишни ҳаёдан ҳоли тарзда кўз ўнгига келтириб бўлармикин? Айрим файласуфлар XX асрда Освенцимдан сўнг Ғарбда Худо ўлди деб ёзишди. Аслида ўлган ҳаё эди! Худо ўлмайди. Яқинда Англия Ташқи ишлар вазира жаноб Стро: «Биз ўз вақтида Фаластин ва Исроил чегараларини тўғри белги-

лаганимизда ва ҳар иккала давлатга бир кўз билан қараганимизда эди, ҳозирги кўргуликлар бўлмас эди. Бизнинг ўша вақтдаги хатоларимиз мана шу келишмовчиликларга сабаб бўлди», деб узрхоҳлик қилди. Бу жуда кеч тан олинган гап. Лекин у бизнинг кунларимизда тан олинганлигининг ўзи XXI аср ҳаёга қайтиш асри бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Сиёсатда ҳаё инсониятни бундан кейин кўп оғир талафотлардан асраши мумкин. Маънавий тозариш ҳам шундай муайян фикрлаш ва муайян одил, оқил ҳаракатлардан бошланади.

Ҳамма одамлар битта одам: жони бир хил оғрийди, бир хилда қорни очади, бир хилда қулайликлар бўлишини хоҳлайди, обод, тинч яшашни истайди. Касал бўлишдан бир хилда қўрқади. Шу билан бирга ҳар бир одамнинг ўз тақдорланмас қимматли хислатлари бўлади. Уни шундай хислатлари турли ҳаётини муаммоларни ечишга қодир қилади. Барча инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тенг. Лекин ҳаёли инсон билан ҳаёсиз инсон тенг эмас. Сизганмисиз: ҳаёли инсон доим сизда ўзига ишонч уйғотади. Ҳаёси бор инсондан қўрқмайсиз. Ҳаёли инсон қўрқитмайди ҳам. Ҳаёсиздан эса қўрқасиз. Ундан эҳтиёт бўлиб турасиз. Бу жисмоний қўрқиш эмас. Балки инсон шаънининг топталиши, поймол бўлишидан ҳазардир. Илоҳий китоб ўғит беради: имонли одамлар кўзларини тийсинлар. Аъзоларини сақласинлар. Кўз ҳаёси, аъзоларни пок сақламоқ ҳаёси — устун ҳаёдир. Қаҳрамонликларга ундаган ҳаёдир. Қаттиқ тикилиб қарамоқ, ўқраймоқ булар бетамизлик, демак, беҳаёлик билан баробардир.

Навий одамийлик фалсафасини яратаркан, ҳаё устида ўзининг барча улуғвор устозларидан кўра кўпроқ фикр юритади. Унинг машҳур байтлари:

*Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,  
Лек шараф келди ҳаёву адаб.  
Чунки ёгин манбайи ўлди ҳаё,  
Қатраси тупроғни қилур кимё...*

Ёгин манбайи бу — ҳаво, булут. Булут ва ҳаво бу — пардалар. Булут ва ҳаво бўлмаса ерда ҳаёт йўқ. Шулардан қатралар ва зарралар борки, ҳаётмиз, бормиз, мангумиз. Ҳаё ёмғири шундай қудратлики, у қаро тупроқни олтинга айлантиради. Унинг кимёси боис ер юзида борлиқ нарсалар униб-ўсади, кўпаяди, нашъу намо



топади. Навоий бу ерда элнинг шарафи нимада? — деган саволга ҳам жавоб бериб ўтмоқда. Тожу тахтлар, Зухро юлдузига бориб уланадиган шажаралар, насаблар эмас, балки энг оддий амал қилинадиган нарсалар — ҳаё ва адаб элни шарафлантиради.

Сукротнинг умри доим турли фалсафий бахсларда кечарди. У ёшларни ориф ва оқил, замонадан анча илгарилаб янашга ўргатарди. Кўп холларда ўз ҳақлигини билгани учун қаттиқ қизишиб кетарди. Баъзи ўзини билмаганлар аламнинг зўридан уни тепиб, уриб-сўкиб юборишарди. Сукрот эса кулиб тураверади. «Нега сизни тепган кишига муносиб жавобини бермайсиз?» — деб сўрашса, Сукрот: «Эшак мени тепса, нима, эшакни қозига етаклашим керакми?!» — дерди. Ҳеч қачон ҳақоратга ҳақорат билан жавоб қилмасди. Бу Сукротнинг қўрқоклиги эмас, унинг буюк инсоний ҳаё эгаси бўлганлигидан эди. Ҳаё уни кимсанинг шаънини ерга уриш, топташга сира йўл қўймасди.

Ҳеч қачон онамнинг яланғоч тўпигини, унинг биз болалар олдида бўйинини яланғочлаб бош ювиб ўтирганлигини кўрган эмасман. Ҳозир бундай нарсалар кулгили, ажаб эскирган, ҳеч нарсага арзимайдиган гаплар бўлиб кўриниши мумкин. Яланғочликка кўзлар тобора кўникиб боряпти. Ҳолбуки, булар кўникиладиган нарсалар эмас. Яланғочлик ҳаёсизлик деб қаралмаяпти. Ҳатто Ғарб дунёсида яланғочликни табиийлик деб қарайдиган тоифалар, гуруҳлар пайдо бўлган. Кўргансиз: баъзан мусобақалар олдидан стадионларда тайлоқ бўлиб югуришади. Тайлоқ бўлиб соҳилларда тюленларга ўхшаб ётишади. Саҳналар, томошалар, экранлар, газета-журналлар, китоблар яланғочликлар, эротик тасвирларга зўр бериб интилишади. Рекламалардаги эротикадан, еб-ичишлардан кўнглингиз озади. Бундай ҳориж махсулларига қарасангиз, ҳаё, ор-номус, орият, ибо, ҳамият ортикча, эскирган, ялтироқ кир машина олдидаги жомашовдай бўлиб қолганми дейсиз. Файритабий хирсий жинсий майларни-ку асти қўяверинг. Бамисоли Лут қавмининг баайни ўзгинаси. Ҳатто ундан юз минг баробар ўтиб ҳам кетишди. Файритабий никоҳлар! Буларнинг барини баъзан «эркинлик», баъзан «табиий майлларни адо этиш» деб аташади. Инсон эркин, ҳар нарсани қилишга ҳақли! Афсус! Бу асло эркинлик эмас. Табиий майллар эмас.

Бунинг оти бузгунчилик, беҳаёлик! Бориб турган ёмон касаллик! Улар инсонни хароб қилади. Уни инсонлик сонидан чиқаради. Сурати одам бўлиб кўринган билан асли ўзи одам эмас. Бундай ахлоқсизликларни кенг суратда тарғиб қилиш инсониятни тузатиб бўлмас таназзулга олиб боради. Англия маликаси Диананинг интим ишқий хатларини унинг ошиғи 16 миллион долларга сотишини яқинда газеталарда маълум қилди. Биз ҳаёнинг баҳоси йўқ деймиз. Лекин беҳаёликни қаранг. У пул билан ўлчанади ва баҳоланади. Беҳаёлик доим сотилади. Сотиш учун ишлаб чиқарилади. Лаэртнинг ўз синглиси Офелияга айтган гапи эсингиздами:

*Мабодо деразадан қиз ўз бетини  
Ҳатто ойга рўй қилса одобдан эмас...*

Шекспир билан Навоий қанчалар бир-бирларига ўхшайдилар инсоний одоб ва ҳаё талқинларида! Яланғочликка хушомад қилаётган ҳирсий тилёғлама санъат нақадар юзаки ва нақадар одамийликдан йироқ.

Яланғочни ер ҳам қабул қилмайди.

Одамийликда ҳаё халоскор. У хамиша разолатдан кутқаради.

*22 декабрь, 2002 йил.*



## ОДАМНИНГ ЎЗАГИ

### *Ирода эркинлиги ва умуман ирода тўғрисида*

Одамлар бирор мушкул ишни хал қилиш гали келганда, бош қотира-қотира жўяли бир тўхтамга келолмаган пайтларда: «Менда ихтиёр борми?» — деб қўядилар. Худди шунингдек, «Сизда ихтиёр борми?», «Унда масалан, ихтиёр борми?» — деб сўрайдилар.

Ихтиёр балки йўқ эмасдир-а, лекин уни рўёбга чиқариш ёки намоён қилишга ирода етарлимикин? Оддий ҳаётда ҳамма гап шунда. Сабабдан заруратнинг юзага келиши учун ихтиёр керак, лекин унинг ўзигина кифоя қилмайди. Заруратнинг бино бўлиши учун ҳаракат муҳимдир. Ҳаракат эса иродадан туғилади. Хоҳиш, истак — ироданинг энг содда ва энг азалий шакли. Хоҳиш деймиз. Бизнинг бутун вужудимиз, бутун тузилишимиз — бизнинг бошдан оёғимиз хоҳиш. Биз хоҳишдан бино бўлганмиз ва хоҳишдан тузилганмиз. Лекин ўз хоҳишимиз устида узок ўйлаб ўтирмаймиз. Бизни, бутун хатти-ҳаракатларимизни вужудимиз, борлиғимиз, табиатимиз, юрагимизнинг бепоён қаърларида жойлашган хоҳишлар бошқараётганлигига кўпда ҳисоб бериб ҳам ўтирмаймиз.

Қадим-қадимлардан хоҳиш дер эдик. Кейин-кейинлар ислом диний маданияти таъсирида тилимизга «тақдир», «қадар», «қазо», «таваккал», «таваккул», «ихтиёр» ва «ирода» деган сўзлар, тагида жуда мураккаб мафҳумлар яшириниб ётган тушунчалар кириб келди. Ислом динида, исломий маданиятда ирода — қазо ва қадар тушунчалари билан чамбарчас боғланган. Бир замонлар шу тушунча атрофида қадарийлар мазхаби вужудга келган эди.

Ирода атрофида фикрлаш донишмандлар ва файласуфларнинг энг кўхна замонлардан бери суюмли машғулотлари сирасига киради. Буюк немис файласуфи Артур Шопенгауэр «Олам ирода ва томоша каби» деган қалин асар ҳам ёзган ва иродани азалдан мавжуд қадар деб тушунтиришга уринган. Одамларни — европаликларни ирода ва томоша зимнида қандай инсонга муносиб

яшашга ўргатишга, барча ҳаёт маромларининг марказига ҳамдардликни қўйишга ҳаракат қилди.

Одамзод ҳамиша туғилиш ва ўлим ўртасида яшайди. Унинг умри вақти чегараланган. Шунинг учун «ирода эркинлиги» деганда, кўплар ва ҳатто улуғ файласуфлар ҳам шундай эркинлик бўлиши мумкинми? Ахир, одам чегара ичида истиқомат қилади. Унинг хоҳишлари шу чегарадан ташқарига чиқиб кетолмайди. Ирода азалдан, олдиндан белгилаб қўйилган ходиса деб айтадилар. Ирода эркинлиги тушунчаси «инсон эрки» тушунчаси билан туташ, қариндош. Қолаверса, ҳозирги замонда инсоннинг яшаш ҳақ-ҳуқуқларидан — уларнинг жамидан ирода рўёбга чиқади.

Одам боласи ўз камчиликлари, хатолари, нуқсонлари, адашишлари, ёмонликлари, яхшиликларининг азоби ичида яшайди. Азалда мавжуд бўлган нуқсонлар, ёвузликлар қанчадан қанча улуғ динлар, эътиқодлар, ақл ва тафаккур ўйинларига қарамасдан ҳозиргача ҳам давом этиб келади. Одам ўзидаги ёмонлик, ёвузлик, шафқатсизликдан, ўзига ўхшаганларга ёмонлик қилиб, шунинг воситасида суюниш, хурсанд бўлиш ва ҳатто ҳаётининг мазмунини шунда кўришдан қутулолмайди. Шунга қараганда, одамлар ўз камчилик ва нуқсонларини биладиларми? Улар устида ўйлайдиларми? Фикрлайдиларми? Ўйласалар, фикрласалар, уларни тузатиш, ислоҳ қилиш, яхши хулқ-ахлоқ эгаси бўлишга хоҳиш-ирода, яхши ният мавжудми? Агар бу нарсалар мавжуд бўлмаса, унда одамни ёмонлик ва ёвузликдан қандай сақлаш, тузатиш керак? Ақлнинг ёлғиз ўзи билан буни амалга ошириш мумкинми? Бу каби саволларга кўп улуғвор жавоблар топилган бўлса-да, лекин улар ҳамон очик, ҳамон тинмай ўйлаш, фикрлашга ундайди. Шопенгауэр ва ундан кейинроқ фикр даҳоси Нитше бунда фақат ҳамдардлик, дарддошлик — инсониятга ва алоҳида ҳар бир одамга дарддошлик халоскор маънавий куч бўлиши мумкин деган хулоса чиқардилар. Балки маънавиятда ҳамдардликдан ҳам ортиқроқ бир нарса бордир. Лекин унинг пайдо бўлиши учун одамнинг онгида нимадир ўзгариш рўй бериши керак. Одамнинг хоҳиш-иродасида қандайдир ҳамдардликни ҳам ичига қамраб оладиган ўзгариш бўлиши зарур. Лекин нима?

Хозиргина қутулиш деган сўзни ишлатдик. Нимадан қутулиш? Нуқсонлардан, адашишлардан қутулиш! Лекин бу қандай рўй беради? Умуман, бунинг иложи борми? Умуман, ер юзида инсон онгидан ўзга онг борми? Инсон онгидан фарқли бошқа онг мавжуд бўлса, у қанақа онг? Азалий камчиликлари, нуқсонларидан, «хом сут эмганликдан» қутулишга ожиз бўлса, унда инсон онгидан ташқаридаги онг бунга қодирми?

Онгдан ортиқроқ онг?

Инсониятга берилган илохий битикларда хидоят баён этилган. Барча англаган, тушунган инсонларга тузук ва йўриқ. Хидоят онги инсон онгидан ортиқроқ онг эканлигини тушуниб, ақл билан идрок қилиб бўлармикин? Гап Мутлақ онгга келди.

Одам ўз нуқсонларини ўз истак-хохиши билан ислоҳ қилолмаса, тузатолмаса, қутулолмаса, уни Мутлақ онг эгасидан бошқа ким қутқаради? Мутлақликдан ўзга ким бунга қодир? Онгдан ўзга онг ҳақида ўйлаганда фикримиз шу ерга келиб тўхтайтиди. Бу тўғрими?

«Одамларнинг кўп эзгуликларга эга бўлишлари уларга асло яхшилик қилишга ёрдам бермайди. Сен тушуна билмоқ ва ҳамдарад бўлмоқдан бошқа барча яхшиликларга эга бўлишинг мумкин ва шу билан бирга ашаддий тарзда ёвуз бўлишинг ҳам мумкин. Гапнинг пўст калласини айтганда, агар сен аксар яхшиликларга эга бўлмасанг, унда сендан ҳақиқий ёвуз чиқмайди. Диктаторларга ҳам қойил қолиш керак: уларнинг айримлари ўз эзгуликлари билан қарийб Иблиснинг ўзидан ҳам ўзиб кетдилар» (Олдос Хаксли. «Кўп замонлар оша». Бу сўзларни романнинг қаҳрамони Проптер деган тарихчи олим инсон умрини узайтириш муаммолари билан шуғулланиб, каламушлар, ҳайвонлар устида тажрибалар ўтказётган ёш олим Питерга айтади). Проптернинг муҳокамалари жуда қизиқ. У вақтни потенциал ёмонлик билан боғлайди. Унингча потенциал яхшилик эса вақтга боғлиқ эмас. Яхшиликни у вақтдан ташқаридаги нарса деб билади. Қанча узоқ яшасанг, ёмонлик билан шунча кўп тўқнашасан. Қизиқ жойи шундаки, одамлар нима учундир ҳамиша ёмонлик муаммоси билан шуғулланиб келганлар. Яхшиликка эса бу ўз-ўзидан тушунарли бўлган нарса деб қараганлар. Ақтуал яхшилик вақтдан холи, вақтдан ташқарида. Вақт (замон) — потенциал ёмонлик.

Потенциал яхшилик эса фақат замондан ташқарида актуаллашмоғи мумкин. Проптер вақтдан озод бўлиш, истаклар ва кечинмалардан озод бўлиш, одамнинг ўз шахсидан озод бўлишини хақиқий маънодаги яхши иш деб хисоблайди. Шопенгауэр, Нитше агар шахсга, унинг индивидуаллигига, онгига жуда катта аҳамият бериб қарган бўлсалар, Олдос Хакслининг қаҳрамони одамнинг ўз шахсидан озод бўлишини яхшилик деб қарамоқда. Рангбарангликни қаранг! Проптернинг бу ўта ғаройиб фикрлари Шарқда айрим мусулмон сўфийлар, хинд файласуфларининг қарашлари ва фикрларига уйғун эшитилди. Проптер ўз фикрини изохлаб яна айтадики, вақтга ҳаддан ташқари берилган, вақтга шайдо одамда фанатизм ва қарамлик кучаяди, унда ёмонликка майл зўр келади, у ўз «Мен»лигининг кули бўлиб қолади. Зеро ҳар қандай шахсият бу — зиндон. Актуаллашган яхшилик эса бу зиндондан ташқарида, у вақтдан ҳоли, тоза, манфаатлардан ҳоли онгда мужассамлашади. Гуманитар илм-фанлар, санъат агар озод бўлишга хизмат қилсалар, улар яхши. Агар шахсиятнинг кучайиши учун хизмат қилсалар, унда ёмондир. Идеал эса шахсиятнинг муболағали аксланиши. Идеал ҳам агар шахсиятдан ҳалос этса, у яхши. Гуманитар инсон ўз идеалига ҳаддан зиёд содиқ, берилган бўлиши мумкин, лекин бу охир-оқибат ўз шахсиятининг бирон бир томони ёки жиҳатига берилиш бўлиб чиқади. Шахсиятнинг ҳолислиги ўз «Мен»идан ҳолислик эмас. Бошқача айтганда, бу ҳам қарамликка солишнинг бир шакли. Фан ҳам ҳалоскор бўлиб кўринади, аслида Проптернинг фикрича, у ҳам қарамликка олиб боради. Ҳар ҳолда янги қурол-яроғлар, бомбалар, самолётлар, ракетаалар, термоядро жараёнларининг такомиллашувлари кўркинч, қарамлик, фатализм ва нафратни кучайтиради.

Булар бари инсон иродаси билан боғланган ҳодисалар. Ирода эркинлиги. У қандай ва ҳатто қаергача? Ва яна у қаерда? Одамнинг ичидами? Ё ташқаридами? Ташқи муҳитдами? Ташқи муҳит билан чегараланганми? Ёки дилдами? Қалбдами? Юракдами?

Дилда, қалбда, юракда у мутлақ ҳокимми? Мутлақ озодми ёки дилда ҳам чегараланганми? Чегараланган бўлса, чегара эгаси ким? Чегараланмаган бўлса, бунинг ҳукми кимда? Албатта, инсон мутлақ эрқка эга эмас.

Туғилиш ва ўлиш мавжуд экан, мутлақ эркнинг бўлмаслиги табиий. Лекин олам, коинот мутлақ уйғун ирода билан бино қилинган. Одамнинг вақти туғилиш ва ўлиш билан ўлчанган экан, одам ўлса, унинг вақти ҳам ўлади.

Лекин одам тириклигида кўрсатилган ирода — эркин ирода у ўлгандан кейин ҳам узоқ замонлар яшайди. Бошқаларнинг иродаси, балки замонларнинг иродасига таъсир кўрсатади. Бу умуминсониятнинг иродасини шакллантирадиган ирода. Чунончи Шекспир, Данте, Навоий, Сукрот, Гераклит, Пушкин... иродаси шундай умуминсоният иродасини шакллантирганлиги шубҳасиз. Пайғамбар, валийлар, одамзод маънавияти, маърифати ва аклининг шаклланишига таъсир кўрсатган башарият устозлари, муаллимларининг иродаси ана шундай ирода...

Умуминсоният иродаси инсониятни у қаерда яшамасин, қаерда туғилмасин, қайси ирққа мансуб бўлмасин, бирлаштириб туради. Инсоният бошига ҳавф тушган кезларда бирлашади. Акс ҳолда инсоният фашизм вабоси ёхуд термоядро жалалари остида аллақачон йўқолиб кетган бўларди. Бу умуминсоният иродаси уруш офатларига қарши курашда, диний, миллий, иркий терроризмнинг хавфини биргаликда бартараф этишда, табиат экосистемаларини омон сақлаш учун ҳаракатларни актуаллашувида, технологияларни ер юзи табиатида кечадиган чексиз жараёнларга оқилона мувофиқлаштиришга уринишларда тобора кучайиб кўзга ташланмоқда. Табиат бугун инсониятдан ўзини сақлаш, муҳофаза этиш йўлида фаоллашувларни тобора қатъият билан талаб қилмоқда. Ё ҳаёт, ё мамот... Одамзод бундан келиб чиқадиган барча зиддиятли карама-қарши ходисаларнинг бирини танлашга мажбур. Дунё океанлари тобора ифлосланиб бормоқда. Ернинг Қутбларидаги муз қатламлари юпкалашмоқда. Мўъжизавий Тож Маҳал юксаклигидан кўрдим. Буюк муқаддас Жамна бўтанадан ҳам бўтанарок бўлиб, қора балчиққа айланиб базўр оқмоқда. Улуғ дарёлар инсоният мағзавалари, мойли чирк бўтаналаридан нола-фарёд чекмоқда. Бундай ходисалар, санайверсак, ҳар бир мамлакатда адоғи йўқ.

Бундай шароитда фақат инсоннинг ягона иродасигина офат, фалокат, турли фожиаларга қарши туролади, уларга бас келюлади. Зотан ҳар бир одамнинг фаол

иродасидан умуминсоний, олий мақомдаги ирода туғилади.

Одамга ато этилган ирода эркинлигидан кўра улуғроқ куч йўқ. Қадим файласуфлар ва кўхна динлар бари бу куч — инсон ирода эркинлигининг нақадар хайратомуз қудратга эгаллигини билган ва бу қудратни изга солишга, яратувчилик, бунёдкорликка жалб қилишга, қолаверса, уни бутунлай жиловлашга ва ҳатто турли усуллар, йўллар билан кишанлашга, асоратга солишга, бандалик ва бандиликда тутиб туриш ҳаракатида бўлганлар. Инсониятнинг онгли тарихи мана шу ерда маърифат ва жаҳолат, маданият ва фанатизм, илм ва хурофот тамомила қоришиб, талашиб, майдон суришиб ётганлигини кўрсатади.

Дикқатроқ қилиб қаранг, барча динлар ва барча тоифадаги эътиқодлар, диндорликлар инсон ирода эркинга мурожаат этади. Шу ирода эркидан туғилади, унга суянади. Зеро улар ягона олий иродадан — Ягона Яратувчининг Мутлақ иродасидан бино бўлгандир. Қуръонда инсон: доим эҳтирослар мавжида, у ўз ранг-баранг эҳтиросларининг қули. Шу билан бирга доим четга чиқиш, адашишга мойил. Ахир инсон ожиз яратилган-да! Оллоҳ ҳаминша унинг ахволини енгиллатишга ҳаракатда бўлади («Нисо», 32-оят). «Сиз ҳаёт, жанг қийинчиликларидан кўрқиб ёки бешиб ўлимни истаган бўлишингиз мумкин. Лекин ҳар бир жон фақат Оллоҳнинг изни ижозати, унинг белгилаган муҳлатидагина ўлмоғи жойиз» («Оли Имрон», 137, 139-оятлар) «О имон келтирганлар! Ўз ўзингизни ўлдирманг!» («Нисо», 33). Қуръонда таърифланган инсон доим иккиланиб туради («Алмаориж», 19), у шошқалоқ, беқарор. Лекин инсонга нажот йўли беркилган эмас. У бу иродасизликлардан фақат имон эгаси бўлибгина халос бўлиши, ёки уларни енгиб ўтиши мумкин. «Ал-исро» сурасида: «Ҳар ким ўз холича амал қилур. Парвардигорингиз тўғри йўлдаги зотларни жуда яхши билур» (83-оят). Шундан сўнг сал қуйироқда «Сизларга жуда оз билим берилгандир» дейилади (85-оят). «Бас, хоҳлаган киши имон келтирсин, хоҳлаган кимса кофир бўлсин» (29-оят). Қуръон ирода эркинлигини шундай талқин қилади. Инсон ҳавойи нафсга, исрофгарчиликка, ғофилликка берилган ва шулар боис золимлик ва куфрга кетган. Бу залолатлардан қутулиш йўли Қуръон



хақиқатига имон келтиришдир. Мутлақ ирода ва мутлақ ҳукм «Фақат Оллоҳ хоҳлаган вақтдагина хоҳларсизлар» («Инсон», 30). Хавойи нафсга берилганда, бахтсизликлар одатда гўёки бахтга интилишдан туғилади. Бу борада даъволар қанча қатта ва кучли бўлса, тақдир ўйинларини қарангки, бахтсизлик ҳам шунча кенгайиб боради. Шопенгауэр ҳам бахт кетидан қувиш бахт эмас, деган фикрни айтади. Унда нега биз фарзандларимизни бахтга, бахтли бўлишга ундаймиз. Бутун тилакларимизни шунга қаратамиз. Болаларимизни шунга кўниктиришимиз тўғрими? Бу росмана хавойилик эмасми? Муҳими: одамнинг ўзини яратиши, ўз ҳаракатларини яратиши ва уларни бошқариши эмасми? Муҳими: ўзига масъул, ўз хатти-ҳаракатларига масъул бўлиш эмасми? Одам боласи қоя бўлиши мумкин, минора бўлиши, қўрғон бўлиши мумкин, лекин у барибир ўта ожиз ва ҳимояга мухтож. Одам боласи «Мерседес» ёки «Конкорд»да қушдан ҳам тез учиши, қитъалардан қитъаларга, сайёралардан сайёраларга кўчиши, Муштарийни суратга олиши мумкин. Лекин у асли ожиз, ўта нозик ва ҳимояга мухтож зот. Ана шу ҳимоя унинг иродасида, ирода эркинлигида. Гераклит деган буюк файласуф ўтган. У худди афсонавий Геракл каби ажойиб қахрамонликлар қилган. У хавойи нафсларни енгиб ўтиш ҳақида шундай гувоҳлик қолдирган:

«Мен лаззатларни енгдим, пулни енгдим, лаззатпарастликни енгдим, қўрқоқликни йиқдим, хушомадни йиқдим, қўрқинч мен билан баҳслашаолмайди, кайф менга гап қайтаролмайди, азоб мендан қўрқади, ғазаб мендан қўрқади. Мана менинг курашим». Мана шу, бундан уч минг йиллар илгари ирода эркинлигининг юзага чиқиши. Гераклит худомасни худо деб билиш разолатга олиб боради, дейди. Унинг наздида ва тасвирида асил Худо бу Яратувчи: «Қуёшнинг ишлари Худонинг борлигига гувоҳ. Кун ва тун унга гувоҳ. Йил фасллари — унга гувоҳ, ер юзида барча ўсимлик, майсалар унга гувоҳ. Ойнинг гардиши — унинг иши, само унга гувоҳ». Худди шунингдек, инсон ҳам олий ироданинг — ҳамма иродаларга сабаб бўлган ироданинг тажассуми ва маҳсули. Навоий коинотнинг қурилиши ҳақида фазовий фикрларкан, «барчадин ғараз инсон эди» деб айтади ва бу қанчалар кўтаринки бўлиб туюлмасин, беҳад теран маънога

эга. Инсон — коинотнинг тожи ва бу тож унинг бошига эмас, иродасига қўндирилгандир. Инсон жаранглаб тургувчи лой ва унда исён ҳамда жаҳолат офати бор. Шунингдек, у тавба қилиш қудратига эга ва маънавияти бирла рухоний одамларни бошқаради. Унинг ҳаракатларидан кашфиётлар нурланиб чиқади. У поёнсиз зиддиятлар, иккиланишлар, турланишлар ичида яшайди. Шу зиддиятлар ичида ҳазрат Иброҳим каби ёнади ва ирода қудрати билан улардан тирик чиқади. Исони дунёга келтирган ирода билан уни оғочга қоққан ирода коинотда битта иродадек туюлади. Ҳолбуки, бири иблис иродаси — ёвуз ирода, иккинчиси — илоҳий ирода. Улар ягона космик чексизликдан чиққан.

Кўрдингизми, ирода эркинлигининг ўзи ҳам туганмас карама-қаршиликларга эга. Олам, коинот тинмай айланаб туради. Одам ҳам коинотнинг бир оловли зарраси. У ҳам тинимсиз айланади. Кўхна туркий тилимиз билан айтганда, тинимсиз эврилишда. «Эврилиш» феъли одамнинг тинимсиз ўзгариб, қарори бекарорлик билан алмашиб туришини кенг ифодалайди.

Боболар бу феълдан ном ҳам ясаб, айланаб турувчи оламни «Эврон» деганлар. «Фалак»ка нисбатан «эврон»да маъно тўлғинроқ ва ҳодисани жуда ёркин билдиради. Ирода эркинлиги сузлик қилиб биз бу гўзал сўзимизни унутдик. Яна қанчалаб гўзал аниқ маънолар ташийдиган сўзларни ёдимиздан чиқардик. Беҳбудий айтмоқчи, асил сўзларимизга нисбатан марқуқлик қилдик.

Ирода эркинлиги — асли бу танлаш, сайлаш эркинлиги, ўз инсоний ҳақ-ҳуқуқларини тўла юзага чиқариш, ўз қурбига монанд аъмолини, интилишларини рўёбга чиқариш эркинликларидир. Инсоний ирода эркинлиги айниса одамнинг ижодий интилишларини, сиёсий қизиқиш ва манфаатларини юзага чиқаришда намоён бўлади. Ирода эркинлиги ташқи оламнинг кучли таъсирида — давлатий қарашларда, ҳуқуқий меъёрларда, қонун-қоидалар таъсирида ҳад-чегара касб этади. Даврдан юқори турса-да, даврга мослашади. Одам қонунлар, инсоний меъёрлар таъсирида ўз хоҳиш-иродасини чегаралашга мажбурият сезади. Ташқи муҳит одамни қолипга солади. Ташқи муҳит таъсирида унда иккиланиш, бекарорлик кучаяди. Ирода ва унинг эркинлиги тўла яхши анланмаган ерда ожизликлар ортади. Ироданинг сузлиги бу

ожизликдир. Ирода суствлигидан турли йўқотишлар, қарамликлар, адашишлар, оқибати ачинарли фожиалар рўй беради.

Ирода эркинлиги улуғ маънавий неъмат. Лекин ирода суствлиги бу туганмас кулфат, ҳасрат ва надоматлардир. Бориб турган хорлик, қашшоқлик ҳам ирода суствлигидан, асло бошқа нарсадан ёки бошқанинг қилигидан эмас. Қарамлик, тобелик, қуллик каби сал-пал ўзини билган инсон асло тоқат қилолмайдиган ўта аянчли ходисаларнинг битта қолмай ҳаммаси иродасизлик, суствликиннг эшигидан кўчага чиқиб таркалади.

Айрим тоифа одамлар иродасиз яшаш — пассив ҳаёт кечиришни ўзларига қулай деб биладилар. Қорин ғамидан бошқани ҳатто ҳаёлга ҳам келтирмайдилар. Ўз иродаларини қулчилик ва тобеликка бўшатиб берадилар. Бўйсунишда, иродасизликда беҳад ҳаловат, тинчлик, шукргузaronлик топадилар. Албатта, тақдир, қазову қадар, пешанада борини кўриб, охир-оқибат ҳисоб-китобдан ҳеч ким холи эмас. Зотан тақдирни тағйир билан ўзгартириб бўлмас дейишади.

*Киши санчиқ сўз айтса, сан чиқ андин  
Ямондин қоч, ямондин қоч, ямондин...*

Эшон Сўфи Оллоёр ҳазратлари мўъминларни ўта ожиз бандалар деб билиб, уларни дунё ва инсонийлик қийинчиликлари, зиддиятлари қаршисида саботли бўлишга ундаб (сабот — чидаш дегани бўлиб, ироданинг бир тури, лекин ироданинг ўзи эмас) кўп маъни дурларини сочганлар. Ҳазратнинг ўз замондошларига қарата қилган жиддий мавъизалари — насихатлари бугун не ажабки, ўта кинояли сўзлар каби эшитилади. Ямондан қочиш бу — яхши. Ўнг бетингга урсалар чап бетингни тут ҳам яхши. Лекин бу, ҳақиқата ҳам, Эшон ҳазратлари топиб айтганларидек, фақат ожизларнинг иши. Ожиз ҳақиқатан ҳам ямондан қочиб қутулади. Унинг бошқа чораси йўқ. Ямонга қарши туришга, боз устига, мабодо тўғри келиб қолса, уни енгишга ожизнинг кучи етмайди, бунга тоқати ҳам уч бермаган. Қочиб қутулиш ожизлар саботи, ожизлик иродасининг бир маънавийгина эмас, ҳатто айттайлик, ижтимоий белгиси ҳамдир.

Лекин кучли, иродали, ўзини таниган, билган, ўзини эл-юрт хизматига чоғлаган киши ҳам ямондан қочиб қуту-

лиш йўлини танлаши керакми? Ёки бунда улус равнақи, эл фойдаси учун бошқа бир ҳаракатлар тақозо этилади-ми?

Умуман, ямондан қочиб қутулиб бўладими? Замона-миз тили билан айтганда, муаммони ечиб бўладими? Хўш, қочиб, унга жойингизни, юртингизни бўшатиб берасиз-ми? Бу каби пассивлик, пессимизм одамзодни кўп тентиратди. Ожизлар фалсафасининг ҳам ўз тушунча устунлари бор. Бу таваккул. Бизнинг содда тилимиз билан айтганда оқиллик эмас, таваккалчилик. Лекин диний таваккул кўп диндорлар назарида улуғ бир ходиса. У ҳаққа ишониш ва бутун иродасини ҳаққа топшириш. Таваккулда исломийлик нуқтаи назаридан имон башорати бор. Асли таваккулда буюк бир инсоний ирода, ҳаракатга чорланиш кўзга ташланади. Аммо маълум бир дунё-қарашларда ва маълум бир ўта тушкунлик, таназзул замонларида таваккулдан фаоллик, ғайрат, ҳаракат улоқтириб ташланди. Таваккулда фақат ожизлик, пассив бўйсунуш қолди. Ҳаракатдан ҳаракатсизлик афзал кўрилди. Ҳинд, Хитой қадим фалсафаларида ва ҳатто исломда ҳам таваккул ва ҳаракатсизлик тутшиб кетди. Балки бу маълум бир тоифа кишилар учун ва хусусан ишқ дунёсига мубтало сўфийлар учун, улар танлаган ҳаёт учун эҳтимол тўғридир. Аммо халқ ҳаракатсизлик — таваккал фалсафасига эргашса, унинг яшаш қурбатлари тез борада тугаган ва халқ сифатида тамомила барҳам топурди. Қулнинг ихтиёри ўзида бўлмайди деган фикр қанчалар урф бўлди бир вақтлар. Бу ер юзининг гултожи қилиб юборилган инсонни фаолликдан маҳрум қилишга, очилмай сўлишгача олиб келди.

*Агарчандики қўймас эркимизга  
Берибдур ихтиёри жузъи бизга  
Муносиб иш эрур, ё номуносиб  
Ани қилмоқға банда бўлди косиб...*

«Саботул ожизин»

Эрkning йўклиги, ихтиёрнинг жуда ҳам кичкиналиги бу ўша ўн еттинчи асрлар фикри ожизи. Бу тарздаги фикрлашлар ва улар асосида яшашлардан кейин Туркистон тонги йўқ ҳасратли кечалар қўйнига ботганлиги тарих саҳифаларидан ўқувчиларимизга яхши маълум. Тақдирга бунчалар таслим бўлиш, унга барча инон-ихтиёр

ва барча ҳуқуқларини топшириб қўйиш аламли мухорабалар, замон синовларида тузатиб бўлмас йўқотишларга, хору зорликларга олиб келиши батамом исбот топди. Узок чўзилган нарса узок асоратга эга бўлади. Бу пасивлик асорати хали ҳам танларимиздан кетган эмас. У боис зиёлиларимиз Муқимий, Фуркат, Завқийлар қанчалар ёниб-қуйган эдилар. У боис қанчалар ўртаниб ижтимоий азоб бўҳронларини бошларидан кечиргандилар жадид маърифатпарварлари. Йигирманчи аср сўнгида бу асорат билан хайрлашиб улгурдикми? Улгурганимизда эди йигирманчи асрнинг тўқсонинчи йилида шоир ёзмаган бўларди:

*Исканжадан етим зурриёд,  
Қатагондан бева қолган тул,  
Кўҳна замиш қаъридан фарёд —  
Юрагингда макон тутган қул.*

*Бургут эдинг парвози баланд,  
Сенга ҳам ёр зулфиқор, дулдул,  
Нечук увол мусича монанд —  
Юрагингда макон тутган қул...*

(Эркин Воҳидов. «Юрагингда макон тутган қул»)

Ирода эркинлиги эмас, ирода сустлиги ҳаётнинг йўриғи қилиб олинса ва яна бу турли-туман баҳоналар билан оқлана бошланса, пасивлик кашшоқликнинг онасидай яшайверади, фақат унинг кўкраги қуриган, ундан ҳар қанча уринганда, бир томчи оби ҳаёт чиқмайди. Лекин асли бундай эмас эди. Туркий қадим битикларимиз қанчалар жанговарлик, ирода жасорати билан тўлганлигини маърифатли ўқувчиларимиз яхши биладилар. Ислом ақидаларида ҳам илгари бошқа йўналиш, бошқача қарашлар, фикрлар ҳам бор эди.

*«Аъробий сўради:*

*— Эй Оллоҳнинг Расули, туяни боғлайми ёки эркин қўйиб, таваккул қилайми?*

*Расул буюрдилар:*

*— Боғла. Таваккул қил!»*

(Абу Хомид Ғаззолий.

«Мукошафатул қулуб». М. Аъзам таржимаси)

Туяни боғлаб қўйиш, яъни йўқотиб қўймаслик таваккулдан олдин келаётганлиги қўп ғайратли хаётий фикр-дир. Бунда ихтиёр, ирода бирламчи ходиса, яъни зарурат деб қаралмоқдаки, соғлом фикрга устунлик берилмоқда. Ғаззолий асарнинг «Таваккул — ризк» бобида яна бир ўта ибратли воқеани келтиради. У бизнинг мухокамаларимизни тўла қувватлантиргани учун бу ерда тўлиқроқ келтиришни лозим кўрилди:

«Шақиқ Балхий ризкни таъминлаш учун ишламас, ризк топишга бахона изламасди. Бир пайт хаж сабаб бўлиб, Маккада Иброҳим ибн Адхам билан учрашиб қолди. Иброҳим ибн Адхам ундан, ризк топиш учун бундай ҳаракат қилмаслигинга сабаб нима, деб сўради. Шақиқ Балхий ҳикоя қилди:

— Қачонлардир бир пайт чўл сари йўлга чиққандим. Чўл ўртасида қаноти синиқ бир қушни кўрдим. Ҳаракат қилмас, учолмас эди. Ўзим-ўзимга: «Қани, кўрайчи, бу қуш қаердан ва қандай озикланаркан!» — дедим ва бироз нарироққа бекиниб, кута бошладим. Туйқусдан оғзида чигирткаси билан бир қуш учиб келди ва чигирткани қаноти синиқ қушнинг оғзига солди. Шундан кейин мен ҳам ўз-ўзимга дедим:

— Бу соғлом қушга бу қаноти синиқ қушни таъминлатган Оллоҳ мени ҳам таъминлагай!

Кейин ишлашни ташладим, фақат ибодат билан банд бўла бошладим. Шунда Иброҳим ибн Адхам деди:

— Нечун сен ногирон қушни таъминловчи соғлом қуш бўлмайсан? Ҳаракат қилувчи қуш бўлсанг янада фазилатли ва янада шарафлироқ бўлардинг! Эшитмаганмисан Расулulloҳ шундай буюрганлар-ку:

— Берган қўл олган қўлдан хайрлироқдир.

Хамда доимо ҳар ишда ҳар нарсанинг энг юксак даражасига толиб бўлмоқ мўмин учун шон-шараф ҳисобланади. Чунки Оллоҳнинг солиҳ бандалари мартабага фақат шу тарзда юксаладилар.

Иброҳим ибн Адхамнинг бу сўзларини эшитган Шақиқ Балхий янглиш йўлда юрганини англаб етади, унинг қўлини ўпади ва:

— Сен менинг устозимсан! — дейди. Шу тарика яшашга бахона излаш ва ўз иродасининг эгаси бўлиш ҳар қандай инсон учун шараф даражасида экан».

Одамнинг ўз иродасини очиши ва намоён қилиб яшашга интилиши унинг ҳаёти ва умргузаронлигида шубҳасиз гўзал кашфиётга айланади.

Ирода эркинлигида не-не гулшанлар очилишга шайланиб туради. Гераклит айтгани каби «табиат ўзини яширишни севади». Ирода табиат бўлгани учун у ҳам не ажабки яширинишни севади. Ким иродасини очмай яшадим... билингки, у яшамади...

*Октябрь, 2003 йил.*

### **ҚАЕРДАН КЕЛГАНМИЗ, НИМА УЧУН ЯШАЯПМИЗ...**

Одамнинг тарихи ҳаёл ва тасаввур чулғай олмайдиган коронғуликларга чўкиб ётади. Бу сирли зулматга одамзод то кўзлари йиртилиб кетгунча қарайди. Лекин ундан бир нарсани илғаш мумкин эмас. Кўп закий зотларнинг илғаган нарсалари жуда ноаён ва тархлари жуда коронғу. Тархлари ғоятда коронғу нарсалар инсониятнинг асотириларига айланди. Асотириллар тарихдан илгариги одамзод ўтмиши кўмилиб ётган сирли, туганчсиз зулматнинг қаърларига ҳаёлот қуввати воситасида кириб боришга гўзал ва беҳад доно уринишлардир.

Неча миллиардлаб йиллар илгари фазовий зарраларнинг қуюнидан ер бунёдга келди. Қуюннинг ақл бовар қилмас шиддатидан ўт ва сув тугилди. Ер аввал ўтга, сўнг неча замонлар музга бурканиб ётди. Кейин Қуёш, Ер, Ой ва сайёраларнинг ҳозирги ҳаёт ва ҳаракат тартиботи шаклланди. Миллион-миллион йиллар ўтиши билан ўт ер устидан ер тубига кирди. Унинг устига ёппа муз келди. Яна миллион-миллион даврлар ўтди. Ёппа муз эриди. Ер усти ёппа сувга айланди. Ер юзасида сув ҳукмрон бўлгандан сўнг миллион-миллион даврлар ўтди, дастлабки фазовий қуюн ичра замин қоришмасига кирган ҳаво ўт ва муз исканжасидан халос бўлди, сув билан абадул-абад дўст тутинди. Миллион-миллион даврлар ўтиб, ер юзида ҳаво даври бошланди.

Қуюн даври... ўт даври... муз даври... сув даври... ҳаво даври... Биз ҳамон шу ҳаво даврида яшамокдамиз. Коинотнинг эгаси бу тўрт муқаддас нарсанинг қоришмасидан ўз махлуқларини — жамики жонли ва жонсизларни яратди.

Биз ақл бовар қилмайдиган илм асосига қурилган айланамиз. Ҳеч нарса сокин эмас. Ер юзига тинимсиз суратда ўтнинг хосияти сувга, сувнинг хосияти ҳавога, ҳавонинг хосияти заррага айланади. Бир ховуч хок, бир томчи сув, биттагина учкун, бир тўплам хаво — шу ҳаёт, сиз билан бизга ато қилинган тирикликнинг мағзи. Биз ва жами жонли ва жонсиз Муқаддас Айланада бўлганимиз сабабли ҳар қандай яратилмиш нарса ҳеч қандай истисносиз, изоҳсиз равишда яна бир томчи сувга, бир ховуч хок, битта учкун ва бир ютум хавога айланиб кетади. Истисно йўқ. Ажал лавҳида шундай битилган ва шундай бўлади.

Нимани қандай ва нима учун яратган фақат ёлғиз Худонинг ўзига аён. Бизнинг Ақлимиз ва ўрганадиган билимларимиз ниҳоятда чекланган. Парданинг озгина бир учи очилганми-очилмаганми, ҳеч ким айтолмайди. Тўрт унсурдан ҳосил бўлган чексиз Муқаддас Айлана ҳақида-ку андак ҳаёлот қилишга қодирмиз. Тўрт хоссадан чексизлик ва чексиз хоссалар пайдо бўлишини қандайдир бир тарзда ақлимизга сиғдироламиз.

Беш минг йиллик анланган, маданий, ёзувли тарихимиз кўз ўнгимизда. Беш минг йилни, айтайлик, икки миллиард йил ичида тасаввурга келтироладиган АҚЛ бормикан? Буюк Муқаддас Айланада бу икки миллиард йиллик давр ичида биз тасаввур қилоладиган ҳаёт неча бор пайдо бўлиб, неча бор интихо топди экан? Биз эришгандек маданиятлар неча бор юзага чиқиб, неча бор яна адам чексизлигига кетди экан?

Муқаддас Айланада Азалдан бормиз. Қандай бўлсак, шундай бормиз. Вужуд аро мавжудмиз. Акс ҳолда Муқаддас Айланада жисмлар — вужудларнинг қандайлигини, хоссаларини тушунтира оламизу, лекин... Рух... Рух... қаердан пайдо бўлганлигини ҳеч қачон тушунтириб беролмаймиз.

Рух, яъни жон, яъни нафас қаердан пайдо бўлган? Қаерга кетади? Муқаддас китоблар Рухни Биру-Борнинг нафаси дейдилар. Шак йўқ. Рух тўрт унсурнинг Муқаддас Айланаси ичидами ёки ташқаридами?

Бунинг жавобига Ақл ожиздир. Чунки одамзоднинг барча билимлари ва Ақлининг қудрати маълум бир ҳадга етгач тўхтайтиди. Ҳар қандай мураккаблик маълум бир



нуктага боргач. Ўзининг зиддига, яъни азал соддаликка кўчади. Муқаддас Айланада ҳар қандай ҳадларнинг ўз навбатида яна ҳадлари бор. Охирига етгач, яна бошига қайтилади. Муқаддас Айлананинг азалий қонуни шундай.

Муқаддас Айланада ҳамма нарса муттасил ва доимо ўзгариб туради. Тадрижий такомил эса ғоятда нисбий тушунча. Тадрижий ўсиш фақат маълум бир ҳадлар ичидагина рўй беради. Жисмоний, маданий, ақлий такомил ўша Муқаддас Айлананинг ҳадлари — чекланган чексизлик ародир.

Яна Худога аён: балки барча яратилмиш ва яратилганлар коинотдан азал қандай ҳолда бўлсалар, шундай пайдо бўлганлар.

Одам ва Ҳаво асотирда улар жаннатдан ер — заминга тушдилар. Жаннат — бу — Коинот. Осмон қаватлари.

Иккинчи асотир: Ҳазрати Нух алайҳиссаломнинг кемаси. Кема ҳам — Коинот рамзидир. У Муқаддас Айланада сув ҳоким бўлган даврлар ҳақида бизга бирмунча тасаввурлар беради.

Одамзоднинг Руҳи Коинот билан чамбарчас боғланган. У Коинотдан тушган ва доим Коинотни соғиниб яшаган. Коинотга интилади. У ўзи билиб-билмай азал маконга қайтишни орзу қилади.

Одам ва Ҳаво коинотдан Сарандибга қандай Ақл ва қандай ҳиссиётлар билан тушган бўлсалар, орадан саноқсиз замонлар ўтган бўлишига қарамай барча насларининг то бугунга қадарли ақллари ва ҳиссиётлари ўзгарган эмасдир. Коинотдан Яратган азми иродаси билан Заминга қўнганларида улар қўрқдилар. Нотанишлиқдан қўрқиш, номаълумлик олдида қўрқиш ўшандан бери жисминизда яшайди. Уларни Худо жуда қизиқувчан қилиб яратган эди. Ўзларидаги қизиқишни енголмадилар, амрни буздилар. Шу қизиқиш, шу амрдан ташқари иш қилишга уриниш, яратишга иштиёқ ҳамон инсон болалари қонида яшайди. Жаннатдан кетиш — қувилиш билан боғланган барча ҳиссиётларнинг ранг-барангликлари — васваса, мухаббат, эришиш, муяссарлик — бари-бари неча минг, балки миллион замонлар ўтганига қарамай, ўша-ўша. Туғилиш ва ўлим ўртасидаги ҳеч бир жараён ўзгарган эмас.

Одам боласи бу қадар қийналиб дунёга келади. Қийнала-қийнала вояга етади. Бошқа ҳеч бир махлуқотда бу қадар қийинчилик, машаққат йўқ. Жўжа тухумни тешиб чиққан заҳоти ер чўқишга тушади. Тошбақа боласи қум орасини ёриб ўтган ҳамон денгизга югуради ва сувга тушган замон сузиб кетади. Дархол нимани ейиш ва нимани емаслиги, нимадан эҳтиёт бўлиши зарурлигини билади. Бунинг олдида одам жишининг қийинчиликларини тасаввур қилинг-чи! Бутун хинд фалсафаси қайта яратилишнинг азобларидан қўрқиш ва сақланиш нидоси билан суғорилган.

Шу қийналиш эвазига Одамзодга Ақл, Онг ва ер юзида Саодатмандлик ато қилинди.

Миллати, ирки, ранги-рўйидан қатъий назар, барча одам болаларининг рухлари коинот ва Яратган билан чамбарчасдир. Ота шонасида ва она архомида нутфа — томчини — аёлоқни коинот ва сайёралар тарбият этадилар. Барча одамларнинг томирлари бир ва улар муқаддасдирлар. Ирқий ранг-барангликлар ердаги иқлим шароитларининг қўланкаси, холос.

Одамзод шунчалар муқаддас экан, унда беш минг йиллик анланган, маданий, ёзув тарихи орасида нега у ўзини бунчалар қон тўқишлар, биродарқушликлар, туганмас мол-давлат талашиниш можароларига гирифтор қилди?

Одам туғилишда кафтини чангаллаб ёруғ дунёга келади. Яланғоч дунёга келишнинг ваҳимаси уни кейин ҳам ҳеч қачон тарк этмайди. Бу ваҳима Онгнинг фазовий қуйи коронғуликларида милтиллаб туради. У яланғочликдан қутулишга уринади. Яланғочликдан халос бўлиш истаги эса эгалик қилиш истаги билан қоришиб кетади. Худо одамни яратиб, унга ўзидан нафас ато қилганда, унга ўзининг жамики гўзал сифатларидан ҳам шу рух ичра ато этди.

Қаранг: одам яратмаса, ижод қилмаса, бир нарсани иккинчи нарсага айлантормаса, туролмайди. Бу Яратганин Яратувчилиги ва Мусаввирлигидан. Худо одамга ўз Маликлигидан ҳам нишон ато этди. Ва одам ер юзида Малик ва барча нарсалар ва жонзодларнинг сарвари бўлди. Одамнинг рухи, қони муқаддас. Бу ҳам Худонинг чексиз Қуддуслигидан. Одамдаги оқиллик, ирода,

сабр ва раҳм-шафқат ҳам Худонинг марҳаматларидан бўлди.

Қон — муқаддас. Инсон қони муқаддас. Қон тўкиш Худо олдида энг оғир кечирилмас гуноҳдир. Худо Иброҳим алайҳиссаломни қон тўкишдан, одамни қурбон қилишдан тўхтатди. Бу — бутун инсониятга даъватдир. Инсоният саодатмандлик йўлига чиқаётган ҳозирги дамларда ҳам қон тўқилмоқда. Ҳайлаб кўринг: булар ўтмишда тўқилган ноҳақ қонларнинг тўғридан тўғри давомидир. Кеча қон тўқилмаганда, бугун тўқилмас эди. Лекин бу қон тўкиш оқаваси яқин замонлар ичида тугайди. Одамзод қон тўкиб адолат ўрнатиш разолатидан бутунлай воз кечади. Буни англаш учун беш минг йиллик тажрибалар анчайин етарли.

Ер юзида тугал оқиллик, меъёр ва ирода билан яшамокдан ўзга чора қолмади.

Оқиллик, меъёр ва ирода!

Одамзодни шу уч нарса қутқаради. Бу уч нарса эса чексиз, буюк нарсанинг фарзандларидир. Оқиллик, меъёр, ирода имондан туғилади ва имондан кўпаяди. Яқин орада барча одамзод шу фикрга келади. Имондан саодатмандлик бошланади.

## ИККИ ДУНЁДА АЗИЗ

Муҳаббат, шафқат, меҳрибонлик, саховат, эътиқод, дин, одоб-ахлоқ, иззат-икром, тавозуъ, мурувват, жасорат, ғайрат-шижоат, бағрикенглик, хилм ва нафси ўлдирish — ҳаммаси одам боласининг зийнати, кўнгили беазаги, бойлиги, шулар бор — одамлар бор, шулар йўқ — одам ҳам йўқ. Лекин булардан бошқа ҳам одам кўнгилининг яна қанчадан-қанча фазилатлари мавжуд. Уларни бирма-бир санаб ўтишнинг ҳожати йўқ.

Саналган ҳислат — фазилатларнинг бари ўз зиддига эга. Яъни, қайдаки муҳаббат бор экан, унинг зидди ҳам бор. Муҳаббат нафсоний-ҳирсий бўлиши мумкин — Хисрав муҳаббатини эсланг. Ёки саховатни олинг. Қандай олижаноб фазилат бу! Лекин исрофгарчилик, совориш, нобудгарчилик ҳам саховатдан пайдо бўлади. Саховат соворишга айланганда, одам боласининг ярамас ва хунук иллоти тарзида қабул қиланади.

Ёки — дин, эътикод. Одамзодни динсиз, эътикод машъалисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Лекин юзаки диндорлик баъзан хайратланарли тарзда инсонда мутаассиблик, жаҳолат ва оғир фанатизмга айланади. Дин ва эътикодни жонли бир ҳодиса эмас, котиб қолган, мутлақ ўзгармас бир ҳодиса тарзида англаш, тушуниш ва бошқаларга ҳам шундай англашни, тушунтиришни сингдиришга уриниш жаҳолатдан бошқа нарса эмас. Дин ва эътикод — жонли ходисалар экан, демак, улар доим инсон каби ўсиб боради. Фақат Худонинг борлиги ва ёлғизлиги, Аллоҳдан ўзга илоҳнинг йўқлигигина мутлақдир, мутлақ ҳақиқатдир. Ўзга ҳамма нарса-ходисаларни Худо жонли жараёнда яратди. Уларнинг ҳаммаси фақат жонли жараёндагина қимматга эга.

Одам муҳаббатсиз яшай олмайди. Муҳаббат бўлмаса, ҳар қандай мол-дунё, обрў-эътибор татимайди. Ёш ўтиб муҳаббат ўлади, ўрнига иззат-икром келади, дейишади. Шундай бўлиши мумкинми? Муҳаббат ўрнини иззат-икром боса оладими? Йўқ. Муҳаббат ўлиши мумкин, агар уни ўлдирсангиз. Муҳаббат яшнаши мумкин, агар уни яшнатсангиз. Бу ноёб ҳодиса инсоннинг ихтиёр-иродасига, ўзини нималарга ва қандай тайёрлаганига боғлиқ. Одам ўзида ўлмайдиган муҳаббатни тарбиялаган бўлса, бундай муҳаббат, билинги, тўқсонда ҳам ўлмайди. Тўқсонда ҳам одам ёш йигитлардек ишқий ғазаллар ёзади, мўйқалами ўта хассос сувратлар чизади, одамзодни лол қиладиган ажиб мусиқалар яратади. Инсоният бунинг кўп ажойиб мисолларини билади.

Хўш, қаримайдиган, ўлмайдиган муҳаббат — қандай муҳаббат? Бир умрга етгулик муҳаббат бўлиши мумкинми? Одам саксон-тўқсонда ҳам йигитлардек севадими?

Қандай муҳаббат ўлмайди?

Қандай дин ўлмайди?

Қандай саховат ўз зиддига айланмайди?

Мен ўлмас муҳаббатларнинг тағ-заминига, мохиятига кулоқ осиб, уларни фақат бир нарса худди абадият дарахтидек яшнатиб турганлигини кўраман.

Бу — маънавият.

Ҳа. Муҳаббат заминида маънавият тургандагина, у ўлмасдир.

Ҳа. Эътикод заминида маънавият тургандагина, у олижанобдир.

Ҳа. Дин заминида маънавият тургандагина, у ўлмас-дир.

Ҳа. Саховат, меҳр-шафқат заминида маънавият тургандагина, улар одамийликнинг улуғвор фазилатларига айланади.

Ватанпарварлик ва миллатпарварлик сингари эътиқодий ҳодисаларни ҳам фақат маънавият билан чамбарчас боғлаган ва ундан заррача айрилмаган ҳолдагина тушуниш, шунга яраша саъй-ҳаракатда бўлиш ҳар бир халқ учун чин мўъжизалар яратади. Маънавиятдан маҳрум ватанпарварлик ва миллатпарварлик ўз-ўзинигина кўркўрона севишга, димондорликка, такаббурликка олиб боради, аслини олганда, такаббурликнинг жаҳолатдан сира фарқи йўқ. Такаббурлик ҳам, жаҳолат ҳам, ўзгалар ҳақ-хуқуқларини менсимаслик, беписандлик ҳам — маънавиётсизликдан ҳосил бўлади.

Маънавиётсизликни Бобораҳим Машраб тангдиллик деб атаган эди. Тангдиллик тор кўнгиликдан ҳам ўтиб кетгани, унинг маънавиётсизликка айланган шакли.

Зулм, золимлик, босқинчиликлар остида тангдиллик ётади.

Киши тангдил бўлмаса, ҳеч қачон ўзи каби одамларга зулм қилмайди, уларнинг ҳуқуқларини чекламайди. Ўзгаларга Худо томонидан ато этилмиш ерларни кўзини чирт юмиб туриб, бу бизнинг ерлар, деб айтмайди. Фақат тангдилликкина азалдан бировларга тегишли ҳодисалар ва нарсаларни ўзиники деб билади, ўзиники қилиб олишга уринади.

Бобораҳим Машраб тангдил одам ҳақида шундай дейди:

*«Худонинг розига маҳрам эмастур  
кимки тангдилдур»*

Тангдиллик — доим сиқилишда бўлиш, доим норози ҳолатда юриш — Худонинг Коинот, Ер юзида яратган маърифатини англамасликдир. Сиқилиш ҳолатида бўлган кимса ундан қутулиш учун бировга зулм қилиш, ўзгаларга захрини сочишни истайди. Бир тангдил одам айтади: «Бошим оғриси, биров билан қаттиқ уришаман — оғриқ босилади». У одамнинг эса боши тез-тез оғриб турарди. Одамлар ҳам унинг тажанглигини билиб, ўзла-

рини иложи борича ундан четга олишарди. У ўз оғриғининг кули бўлиб қолган ва бундан бошқаларга зулм қилибгина қутуларди.

Тангдиллик — кўнгилнинг занг босишидир.

Кўнгли занг босган киши мухаббат деганда хирсни тушунади. Мухаббат фақат маънавият билангина гўзал эканлигини ақлига сиғдиrolмайди. Дин деганда, унинг фақат расм-русумларинигина қабул қилади ва шуларни адо этади. Лекин дин ғоятда теран ва ғоятда жонли, такомил топиб борувчи ходиса эканлигини бир зум бўлсин, ўйлаб кўрмайди. Дин ўз ақидалари ва қоидаларига тўла риоя этишликнигина талаб қилмайди. У аввалбошидан ва ҳаммадан олдин инсондан такомилни, доим ўсиб боришни, Худонинг Комил, Ориф ва Ҳаким зот эканлигини англашни ва шу англаш жараёнида маънавият ганжларини ҳосил қилишликни талаб этади. Яъни, дин инсонда мукамал маънавият бўлишини зарур қилиб қўяди. Дин билан маънавият маданиятга айланади. Дин камолга етиш жараёнини тайёрлайди. Лекин у жараённинг барини тўла қамраб ололмайди. Чунки бу жараённинг мавжудлиги чексизлик ва туганмасдир. Дин сизни жараён ичига олиб киради, лекин жараёнда қотиб қолинг демайди. Қотиб қолиш — жаҳолат. Дин ва жаҳолат бири бири билан ҳеч қачон чиқиша олмайди. Собик тоталитар мафкурада жоҳил диндорлар деган тушунча кўп тилга олинарди. Ва бу — дин жоҳилликдир, ёки юмшоқроқ қилиб айтганда, жоҳилликка олиб боради, деган маънони англатарди. Бу ўтакетган чайқов гап эди. Чунки жоҳиллик диндорликнинг белгиси эмас. Асло! Жоҳиллик билмасликнинг, нодонликнинг белгисидир. Жоҳиллик — динни нодонларча тушунишдир. Кимдир жоҳил бўлса, бунга дин айбдор эмас. Дин комилликни, маънавият эгаси бўлиб яшашни, маънавиятни ўз аҳкомлари даражасидан туриб теран англашни тақозо этади.

Жоҳилнинг осийдан фарқи шундаки, жоҳил динга ишонади, унинг қоидаларига риоя этади ва шу қоидалардан бошқа ҳеч нарсани кўрмайди. Мансурнинг нега аналҳақ деганини ҳеч қачон англашни истамайди. Унинг хаёли бу теран фикрни англамоқдан ожиз. Ва у ўз ожизлигини яшириш учун Мансурни дорга тортиб қутулади. Осий эса Ҳақни инкор этади. У кўз ўнгидаги ҳаётнигина ҳаёт деб билади ва кўз ўнгидаги ҳаёт билангина яшайди.

Осийлик, жохиллик, нодонлик том маънодаги тангдилликдир.

Барча ёвузликлар шу тангдилликдан пайдо бўлади.

Дин, хусусан, ислом дини золимни қарғайди, лаънатлайди. Унга дўзах мудҳишликларинигина раво кўради. Ислом нафсни қарғайди ва нафс аждаҳосидан қутулиш йўлларини кўрсатади.

Нафс, бу — даъволардир.

Нафс: «Адаштираман», — дейди, «Ҳамиша адаштираман», — дейди. «Эътиқодларингни пучга чиқараман, ҳамиша пучга чиқараман», — дейди. «Кўзингга юртинг ҳам кўринмайди, элинг ҳам, халқинг ҳам, мустақиллигинг ҳам, озодлигинг ҳам кўринмайди, — фақат даъволар товланиб кўринади, ишваланиб кўринади», — дейди.

Нафс кули бўлган одамларга ватанпарварликдан, миллатпарварликдан, озодликдан сўзласангиз, башарангизга қараб туриб, оғзини катта очиб, узоқ эснайди. Кўзига вагон-вагон ёғочлар, ароқлар, ашёлар кўринади. Ўз ери қолиб, ўзга ерлар жилваланади. Ўз ери учун аскар бўлишликни истамайди. Аскар бўлишликдан ор қилади.

Нафс бандаси ўз-ўзинигина бой-бадавлат ва обод этиб юрса, бундан хурсанд бўлиш мумкин. Жилла курса, элнинг бир бурчи, бир хонадони обод ва фаровон бўлдику, дейсиз. Лекин «асил» нафс бандаси шундай эмас. У элга зиён-заҳмат етказиш ҳисобига, ришвагарлик, зараркунандалик ҳисобига давлат орттиради. Бундай одамларга маънавият керак эмас.

Муҳаббат, эътиқод, шафқат, ватанпарварлик, миллатпарварлик, озодлик маънавияти билан авлодлар қалби лиммо-лим сугорилишини истаймиз. Зеро, нафс кетидан югурганлар эмас, маънавият ортидан борганлар ҳамиша фолиб, у дунёю бу дунё азиздирлар.

## **ЎЗИНГ МУРАББИЙСАН, ЎЗБЕКИСТОН!**

Мухтарам адибларимиздан Саид Аҳмад бўлса керак, ўзининг ёшини истиқлолнинг ёши билан баробар деб айтган эди.

Ёшини истиқлолимизнинг ёши билан ўлчаётганлар озми бугунги Ўзбекистонда!

Умрининг мазмунини истиқлолнинг мазмуни ва салмоғи билан баробар кўраётганлар озми бугунги Ўзбекистонда!

Бу истиқлолнинг янги фикри ва янги онгининг кўрнишларидан эмасми.

Ажабланадиган гаплар кўп, лекин нимасига ажабланасиз! — деб хар дамда бошингиздан совуқ сув қуйиб юборадиганлар ҳам йўқми бугунги Ўзбекистонда.

Тандирингизга совуқ сув тўлдириб қахратонда музлатиб қўйишни хоҳловчилар озми теварак-тумонотларимизда!

Лекин шуларга қарамай озод, ўз фаровонлигига интилаётган Ўзбекистон яшайди, олға интилади.

Бугун Ўзбекистон дунёнинг ҳамма ерларидан баралла кўриниб турибди.

Илгарилар жигари куйган зиёлилар Ўзбекистонимиз пасткамлик, чуқурликларда қолиб кетаётир, деб қайғурар эди. Ўксинарди. Ўксик замонлар ўтиб кетди.

Дунёнинг ҳамма бурчақларида Ўзбекистоннинг қадам товушлари эшитилмоқда. Дунё ўзбеклар келаётганлигини сезмоқда.

Поёнсиз тарихимиз ва маънавиятимизнинг неча замонлар нам ҳамда захкаш босиб ётган гугуртлари ёлқин, аланга, энергия бериб ҳаётимизни ёрита бошлади.

Кўпдан-кўп нарсаларга янгича қарашни, янгича назар ташлаш ва янгича хулосалар чиқаришни ўргандик. Болаларимизнинг исмларини умид билан севиб Темур, Миртемур деб қўяр эдигу, лекин асил Темурнинг кимлиги, моҳияти, аҳамиятини тўла англамасдик, балки четдан келган талқинларга берилиб, англаб етмас, англаб етмаганимизга ҳатто аҳамият ҳам бериб ўтирмасдик. Уйғонган, ўзини англаган миллатга, мана билдик, Амир Темурдай сиймолар улуғ сардор экан! Тарих ва келажак йўлларини ифтихор нури билан ёритишга қодир экан! Имом Бухорий чангалзорларда, Имом Термизий тупрок остиларида қолиб кетган замонлар офир туш каби ўтиб кетди. Ҳамон одамнинг ишонгиси келмай туради баъзан. Ўзбекистоннинг ҳамма ерларида кўхна боболар, аждодлар қад кўтарди. Уларнинг олтин мероси озган халққа озуқа эканлигини бугун англамаган бирон зот йўқ Ўзбекистонда. Ёшлик, болалик чоғларимизда озодлик, истиқлол бу — инкилоблар, тинимсиз курашлар, бир синф-



нинг бошқа синфларни йўқ қилиши, конли жанглар... — деб ўқир, тушунар, тасаввур қилардик. Франция, Германия, Англия, Россия, Италия, Испания, АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Венгрия, Польша ва бошқа жуда кўп маърифатли мамлакатлардаги озодлик, эркинлик, умуминсоний тенглик учун бўлган инқилоблар ҳақида ўқиганларимизда бизнинг мурғак кўкракларимизни хаяжон ва қўрқув босарди. Инсоният тарихининг бурилиш нуқталари бўлган бу каби ҳаракатларда одамзодга қанчалар ибратлар бор.

Дунё миқёсида қарасак, бизнинг миллий мустақиллигимиз ХХ аср сўнггидаги шиддатли тус олган глобаллашув жараёнларининг узвий бўлаги, маҳсули. Дунёда турли мамлакатлар, халқлар, эл-элатлар ўртасида янги инсоний муносабатлар туғилаётганлиги, жараёнлар янгича тезлик, янгича мундарижа, янгича йўналиш, янгича сифат даражалари, белгилари, хусусиятлари касб этаётганлигининг натижаси. Бизнинг мустақиллигимиз жаҳоншумул ходиса. Ўз озодлиги ва миллий истиклолини дунёда ҳеч қайси халқ, ҳеч қайси мамлакат бу қадар тинч, бу қадар ялпи, бу қадар бутунликда қўлга киритмаган эди.

Бизнинг тақдирдан шод ва миннатдор бўладиган томонларимиз кўп.

Баъзан хаяжонларимни яширолмай қолган кезларим: агар ҳамма кунларимни бир ерга йиғсам, сенинг Ўзбекистон, лоақал бир сониянгча бўлмас! — деб хайкиргим келади. Кўксимдан отилиб келаётган сўзлар, туйғуларни тўхтатолмайман: ЎЗБЕКИСТОН!

ТАН БЕРАМАН: СЕН ОТАСАН! ТАН БЕРАМАН: СЕН ОНАСАН! ТАН БЕРАМАН: СЕН МУРАББИЙСАН!

Шавқларга тўлиб ёш боладай санасам, ўнсан. Барча яхшиликларда ёнимда ўнгсан.

Менинг ҳаёт ва тириклик қовурғаларим сенинг ўн харфингдан бино бўлган: яъни:

Ў — ўзлимиз, ўқтам забоним

З — зеби жаҳоним

Б — бағри кенг баланд осмоним

Е — етмиш минг асрнинг жонли садоси

К — кўзим қароси

И — иймон сафоси

С — сузугим

Т — тузугим

О — оромни жоним

Н — Нону тузим — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Сен ёлқиним, сен тўлқиним ва мени маъзур тутгайсан бу кўтаринки сўзларим учун.

Дунё бозори кеча-кундуз тинмайди. Уйқу нималигини билмайди.

Лекин биз гоҳо ҳамон турли қийинчиликларни рўқач ва баҳона қилиб, вақтимиз, имкониятларимиз, ресурсларимизни бой бераётганга ўхшаймиз. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ҳозирги тинимсиз замонда бюджет, бизнес, иқтисод, бозор тизимлари саккиз соат эшикни очиб ишлаб, қолган вақт эшикни ёпиб, дамга берилсалар, бу юмшоқ қилиб айтганда, давримизда ғафлатдан бошқа нарса эмас. Ҳисоблангки, улар кеча-кундузнинг учдан икки қисми, яъни ўн олти соатини яратувчилик учун бой бердилар. Кеча-кундузнинг учдан икки қисмида операциялар тўхтади, даромадлар ҳам эшикда мўлтайиб кутиб турди. Э ундай эмас, бу даромадларни бошқа кеча-кундузнинг кадрига етадиганлар ва ўз ишларини йигирма тўрт соатга мўлжаллаб ташкил этадиганлар тўлалигича илиб кетдилар ва анча олисларга бориб қолдилар. Бундай бориға қаноатланиб ўтириш, ўз-ўзини аллалаш ва алдашдан бошқа нарса эмас.

Дунё бозори, дунё ақли, тадбиркорлиги бир зум ҳам ухламаслиги, уйқуга берилмаслигини қачон англаб оламиз. Истиқлолга ўн йил бўлаётган чоғларда ҳам энди ўтган йиллардаги баҳоналар билан ўтириш ҳеч кимга ярашмайди ва бу бойлик ҳам келтирмайди. Қачон мамлакат миқёсида ишларимизни шу кунга мослаб қурамиз, ташкил этамиз?

Бугун мустақил ҳаётга саксонинчи йилларнинг пурнеъмат ёшлари кириб келаётирлар. Уларга катта бой тажрибалар ўрнига қийинчиликлардан шикоят қилиб яшашни ўргатамизми?

Бедана, хўроз уриштирувчилар яхши биладилар: айрим бедана, хўрозлар чўқиб қочишга ўрганган бўлади. Баъзи хўрозлар рақибни бир чўқиб сўнг чеккага бориб томоша қилиб турадилар.

Шундай «чўқиб қочиш» ҳодисаси айрим тадбиркорликлар ва айниқса, ўрта ҳамда кичик бизнесни ташкил этиш, бозор муносабатлари, муомалаларини вужудга келтиришда ҳам жуда характерли ҳодиса каби кўзга ташланади. Лекин бу ўрта ва кичик бизнес каби бозор иқтисодининг фаровонлик келтирувчи соҳалари — таассуфки,

ўша «чўкиб қочиш»га ўрганиб қолиш, янги уй битгунча, ёки янги машина олингунча тер тўкиб, сўнг жуда қойил қилгандай ташлаб кетиш энди жуда ярашмаган қилиқлар, оқибати хайрли бўлмаган енгилтак одимлар эканлиги замондошларимизга маълум бўлиб қолаётир.

Истиклолимиз бизга барча юксак ҳаёт кадриятларининг эшиқларини ланг очди. Уларни манзиллардан манзилларга тобора ортиб боражак файзу шукуҳ билан етказиб бориш — истиклолимизнинг ўн йиллигида ҳар биримизга бундан кўра ҳам улугроқ вазифа, бурч йўқ.

*24 январь, 2001 йил.*

## **АДОЛАТ ВА ИНСОНИЙЛИК МЕЗОНЛАРИ**

Ҳар бир кишининг шарафи, орияти, номуси, жамиятдаги обрў-эътибори унинг шахси, толейининг дафтари, фаолиятида адолат деган ҳодисанинг қанчалар мужассам бўлгани билан ўлчанади. Чунки шараф ва номус ҳеч қачон адолатдан узоқ ерда юрмайди. Адолат оқилликдан ҳосил бўлади. Самимийлик, соддалик, очик юзлилик, оқиллик, олижаноблик, меҳр-оқибат, мурувват ва муросаи мадора каби маънавият ҳодисалари ҳаммаси адолатга қандай муносабатда эканлиги билан синалади, қиммати англанади. Булар адолатнинг қўшинлари. Улар адолатга хизмат қилмаса, уни ўрнатмаса, мустаҳкамламаса, ҳаракатчан кучга айлантирмаса ўз моҳиятини тўла юзага чиқара олмайди. Улардан адолат туғилмаса, ўрнини мунофиқлик, иккиюзламачилик, фирромлик, муғомбирлик эгаллаб олади.

Адолат шундай бир нарсаки, у ҳеч қачон зулм, зўравонлик, миллий эзиш, талончилик, асоратда тутиш билан чиқишолмайди. Булар билан адолат ўртасида антогонизм мавжуд.

XX аср текис, кенг, тўғри, мустаҳкам йўлларни қуриш ва шундай йўллардан юришни инсониятга ўргатди. Узоқ манзиллар яқин бўлди. Оғирчиликлар енгилликлар билан алмашди. Инсониятга номаълум бўлган қитъалар қолмади. Инсоният онгли тарихи давомида қилган энг улуг орузулардан бири тўғри йўлга эга бўлиш эди. XX асрда шу орузусига етди. Инсоният тўғрилиқни ниҳоятда қадрлайди. Бу унинг адолатни қадрлагани.

Адолатни тиклаш, адолатли ҳукм, адолатли қарор, адолатли танқид, ҳар бир шахснинг ҳаётида жуда катта ўрин тутади. Уларнинг тугал қонунийлиги ва ҳаққонийлиги инсон ҳаётига мўътадиллик бахш этади, шулар билан у ўзини тўла бахтиёр ва эркин сезади. Нафрат, ғазабга тўлган одамнинг адолат қилиши қийин. Адолат мўътадиллик, эътидол, муодиллик, мувосо, тоқат билан боғлиқ. Одил туйғу, одил бурч шулардан яралади.

Илгари ўтган замонларнинг барчасида адолат ҳукм, ҳукмронлик билан боғлиқ эди. Одил ҳукм — барчанинг идеали эди. Идеал ҳукмдор орзуси ҳам шундан туғилган. Ҳозир адолат фақат қонун, қонун интизоми, демократик принциплар амалиёти билан чамбарчас боғланган. Қонун кучи ҳар томонлама амалда бўлган ерда осойишталик ҳукмрон. Бинобарин, адолат осойишталикнинг гарови.

Адолат инсон ҳаётида қаердан пайдо бўлди?

Бунга жавоб бериш учун илк жамоа даврларига озгина бўлса ҳам мурожаат қилишимизга тўғри келади. Чорингни унутма дейилганидек, биз илк жамоа даврларини эслаб туришимиз ҳар жиҳатдан хайрли бўлиб кўринади.

Одамлар жамоага бирлашиб яшаш ва жон сақлашга ўрганганларидан сўнг асосий тирикчилик манбаи ов қилиш бўлиб қолди. Қолаверса, ов туфайли одамлар чорва ва улов асрашга ўргандилар. Ов бутун жамоа аъзолари билан биргаликда қилинар ва қўлга киритилган ўлжанинг бари жамоа аъзолари ўртасида бўлинарди. Ҳар ким ўз насибасини оларди. Ўлжа жамоа аъзолари ўртасида баробар тақсимланмаса, норозилик туғилар, агар бунинг олди ўз вақтида олинмаса, жамоанинг бўлиниб кетишига олиб келарди. Холбуки, парчаланиш, бўлиниш жамоа учун жуда хатарли эди. Айрилганни бўри ер деган хикматли сўз ўша замонлардан қолган. Жамоа бўлинганда овга чиқувчи кучли, чапдаст эркакларнинг сафи камаяр, ўлжа ҳам шунга яраша салмоғини йўқотар, жамоа аъзоларига тегадиган улушнинг ҳиссаси ҳам албатта озаярди. Бундан ташқари, бўлиниш турли табиий хавф-хатарларга қарши туришда жамоанинг кучи, қобилятини қирқиб қўярди. Овнинг бошида турадиган жамоа бошлигининг ўлжани тақсимлашда барчани тенг кўришида жамоани бирлаштириб турувчи мана шундай қудрат муҷассам эди.

Адолатнинг илк кўриниши мана шу тақсимлаш, бўлиш, ибтидоий жамоа аъзолари назарида эса тақдирлаш адолати эди. Тарих гувоҳ: қанчадан қанча давлатлар қанчадан қанча айюханнос солган кўшинлар, ижтимоий гуруҳлар, тўдалар тақсимлашда адолатсизлик боис бир зумда тарқалиб кетганлар, мавкеларини бой берганлар.

«Она», «ота» сингари инсониятнинг илк сўзларини эслайлик.

Учинчи бўлиб одамзод шулардан сўнг «бўл» сўзини айтишни ўрганган эди. Баъзан «ота», «она» сўзини шароит тақозосига кўра ҳар куни тилга олмасак-да, лекин «бўл» («бўлди», «бўлмок») сўзини ҳар куни ҳар дамда тилга оламиз. Ҳеч кимнинг ҳеч иши бу сўзсиз битмайди. Ҳеч қайси фикримизни усиз суҳбатдошимизга тушунарли қилиб етказа олмаймиз. Мана шу «бўл» сўзи ов ўлжасини жамоа ўртасида бўлишдан бошланди. Ўлжани тенг бўлиш ҳамма тушунадиган бир маънони тўғрилиқ, тузликни англатадиган бўлди.

Тенг бўлиш, тўғри тақсимлаш ҳеч кимда норозилиқ, эътироз туғдирмасди. У амалда бўлган ерда жамоанинг боши доим ковушган, ов доим барорида, ўлжа мўл, жамоа табиий хатарларга қарши ўзини яхши химоя қила оларди. Тақсимот, тақдирлашдаги адолат аввало жамоанинг, сўнг замонлар ўтиб қабила, ундан сўнг халқнинг куч-қудрат манбайига айланарди.

«Адолат» сўзи анчалар кейин — тилимиз араб ва ажам маданияти билан яқин ошно ҳамда ҳамкор бўлгандан сўнг кириб келди. Унгача «адолат» тушунчаси замиридаги маъноларни «боботуркий» тилимизда «тўғри», «туз», «тенг», «тенглик», «бўл», «бўлиш» сўзлари кенг маконларда турли алфозларда яшаган қабилаларга ҳаммага осон, тушунарли тарзда англатиб келарди.

Шундан бўлса керак, хали-ханузгача халқимиз ўзининг жуда бой маънавий-ахлоқий анъаналари, яшаш удумлари ва урф-равишлари, тўғрилиқ, тенглик ҳақида фикр юритганда бунда доимо адолатни англайди. Тўғрилиқ борасида сўзлаётган одам адолат тўғрисида гапиряпти деймиз.

Арабу ажамда хамиша қинғир-қийшиқ ишларни тўғрилаш, сохта, бачкана бўлиб кетган нарсаларни табиий холига келтириш, уй-жой, иморат ясаганда ўр-қирларни текислашни адолат сўзи орқали билганлар.

Одамлар аро издан чиккан муносабатларни ўрнига қўйиш — мўътадиллаштириш, зиддиятларни юмшатиш — муомалаларни яхшилаш катта ижобий инсоний ходиса хисобланиб, буларни ҳам адолатга йўйганлар. Тик, тўғри турувчи, тўғри фикр айтувчи, тўғри хукм қилувчи одамларни «одил» деб алкаганлар. Ишларни тўғри ҳал қилувчи, қонун-қоида, низом-интизом, туз-тузукка эътибор берувчи идорани «адлия» (юстиция) деб атаганлар. Тенглик, баробарликка риоя қилишликни «таодил» деганлар. «Эътидол», «мўътадил», «мутаодил», «муодил» сингари мумтоз адабиётимиз истифода этган сўзлар ҳам келишганлик, кўркамлик, уйғунлик, бири-бирига баробарлик, тенглик, ўртачалик, тенглашганлик, кучларнинг тенглиги каби инсон учун жуда қимматли гўзал маъноларни билдирган.

Қадимий тилимиздаги «туз» («тўғри»), «тузук» (Амир Темур яратган яшаш ва ижтимоий муносабатлар қоидлари ва таомилларининг тўплами) таг-томирлари билан адолатга дахлдор, балки адолат ва унинг қиёфаларининг худди ўзидир. Лекин пайдо бўлишига кўра худди «бўл» каби қадимийроқдир.

Ўқувчи яхши сезаётгандирки, сўз бораётган «таксимлаш адолати» «тенг бўлиш»нинг моҳият мағзида хулқ, ахлоқ турибди. Маълумки хулқлар, ахлоқларнинг йиғиндисидан маънавият ҳосил бўлади. Жамоа кучлар воқитида эришилган, қўпнинг меҳнати, пешона тери тўкиши туфайли юзага келган неъматларни жамоа ўртасида тенг бўлиш, таксимлашдан инсоният илк бора адолат принципини кашф этди. У одамзоднинг яшовчанлигини таъминлаган ўлмас, йўқолмас, туганмас маънавий-ахлоқий принципга айланди. Уни инсоният бугун амалда қўллаётган барча ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, ахлоқий, ҳуқуқий принципларнинг онаси десак ҳам ўринлидир. Бугун у инсон моҳияти ва унинг асосий ҳуқуқларига тўғридан тўғри тегишли тушунчага айланди.

Инсон фаолиятининг қайси бир бўлагини олиб қараманг, одам тўғрилиқка асосланмаса, иш бузилади, бузилишлар бошланади, издан чиқади. «Куч — адолатда» деган машҳур ҳикматнинг маъноси тўғрилиқни қўлдан берманг деганидир аслида.

Адолатнинг бошига жуда қўп кизиқ ишлар тушди. Инсоният тарихи бунга гувоҳ. Адолатнинг табиати, феъл-

атвори, куч-қудратини яхшироқ тушуниш ва тасаввур қилиш учун кўхна киссаларга ҳам мурожаат қилмай иложимиз йўқ. Шунда унинг «муроса-мадора», «мурувват», «шафқат», «сабр-тоқат» деган ахлоқий-маънавий ҳодисалар билан туғишган биродар эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Дунёнинг осойишталиги дўстларга мурувват, душманга муроса-мадора билан бўлади, дейилган кўхна сўзнинг тагида бугун ҳам инсоният учун туганмас ибрат тўлғаниб турибди. Адолат ҳеч қачон мурувват, муроса бўлмаган ерда юзага чиққан эмас. Яна ҳам тўғрироғи, қаерда мурувват ва шафқат, силайи раҳм бўлса, ўша ерда адолат бор, ўша ерда адолат қарор топади.

Одам эканмиз, бизнинг адолат борасидаги тушунчаларимиз, тасаввурларимиз ҳам, ундан кутган нарсаларимиз ҳам ғоятда ранг-баранг.

Бир яхши одам олтига қиз фарзанд кўради. Табиийки, ўғли бўлишини ҳам орзу қиларди. Эр-хотин йигирма йилдан ортик турмуш қурганликларига қарамай ҳамон бир-бирларига келин-куёвлардай иззат-икромларини йўқотмаган эдилар. Олти қизни меҳру муҳаббат билан тарбиялаб вояга етказдилар. Лекин ҳамон эрнинг кўнгли тубида ўғил кўриш орзуси ўчмаган эди. Хотин бунга сезар, у ҳам ич-ичидан бунга истарди. Лекин ҳеч қачон бунга бир-бирларига оғиз очиб айтмас, айтсалар ўрталаридан нимадир энг зарур нарса кўтариладигандек эди. Хотин элликларни қоралаганда эрини суюб яна бўйида бўлди. Икков илҳақ кутдилар. Дамлар келди. Врачлар бирмунча хавотирда эдилар. Хотин кишига ёши элликни қоралаганда туғишнинг ўзи бўлмайди. Лекин аёл жуда ишонарди. У эрининг севинчи қандай бўлишини билар, кўз ўнгига келтирарди. Кунлар-тунлар дилидан бир фикр кечар, миясида такрорланарди:

— Э Худо, адолатинг борми! Ўғил ато эт!

Ой-кунлар, соатлар, дамлар ўтди. Тўлғоқ кечикди бир неча кунга. Хавотир кучайди. Сўнг ниҳоят тўлғоқлар турди. Лекин улар ниҳоятда кучсиз эди. Аёл икки кун туғолмай учинчи кунга жон таслим қилди. Болани ёриб олдилар. У жонсиз эди. Лекин ўғил бола эди!

Табиатнинг бу каби адолати ва адолатсизлигида қандай хикмат бор эди? Билиш қийин. Бундай ҳолларда ҳазрати Хизор билан ҳазрати Мусо ўртасида бўлиб ўтган воқеа эсга тушади. Ҳазрати Мусо ҳазрати Хизрдан доно-

ликни ўрганмоқчи бўлди. Улар бирга сафарга отландилар. Ҳазрати Хизр фақат бир шарт қўйдилар. Мен нима қилмай «нега?» деб сўрамайсиз, дедилар. Лекин улар шундай фаройиб, ақл бовар қилмас воқеаларга дуч келдиларки, нега деб сўрамасликнинг ҳеч иложи йўқ эди. Мусо: «Нега?» — деб сўрадилар. Бу ҳол уч маротаба такрорлангач, ҳазрати Хизр шартни бажаролмаганликлари учун Мусо ҳазратлари билан сафарни тўхтатдилар. Улар дуч келган ҳар уч воқеанинг тагида жуда катта рамзий маънога эга адолат истаги яшириниб ётарди. Ҳазрат бунинг сирини вақти етмасдан туриб очишни ўзларига эп кўрмаган эдилар. Адолат баъзан жуда узок йўл босиб келади.

Бошқа бир қадим қиссада хикоя қилинганидек, ҳазрати Одамнинг Хобил ва Қобил исмлиқ фарзандлари бор эди. Уйланур пайти етганда Қобил ота ризосига қарши борди. Унда иккинги Худого қурбонлик ато этинг. Кимнинг назри қабул бўлса, ўша Иқлимага уйлансун, дедилар. Хобилнинг қурбонлиги қабул бўлди. Уйланиш, ота мероси энди Хобилга ўтади. Қобил эса бунга чидамайди. Хобилни ухлаб ётганда тош билан уриб ўлдирди. Одам боласи одам боласини биринчи бор ўлдириши шу эди. Қобил авлодларига қон тўкиш лаънат тамғаси босилди. Ноҳақ қон тўкиш суяк суриб бизнинг замонларгача етиб келди. Ноҳақлик нимадан бошланди? Ота ризосига қарши боришдами? Таксимот тўғри бўлмаганидами? Қобилда мулк ва мулкдорлик васвасаси бош кўтарганиданми? Буларга ҳа, деб жавоб бериш мумкин. Таксимот-ку адолатли бўлган эди. Қобилга тўғри йўл кўрсатилган эди. Лекин Қобилда мулкдорлик ва ҳирс жўш уриб, таксимотни ўзи учун адолатсиз деб топди ва оға қонини тўқди.

Таксимот тенг ва тўғри бўлса ҳам уни тенг ва тўғри эмас деб топиш, зўравонлик билан таксимотни ўз фойдасига ҳал қилишга уриниш шу тариқа пайдо бўлди. Таксимотни ўз манфаати нуқтаи назаридан ўз фойдасига ҳал этиш одамзодга Қобилдан мерос қолди. Бу Қобил синдроми. Барча адолатсизликлар, зўравонликлар, талончиликлар, муттаҳамликлар, зулм замирида шу Қобил синдроми ётибди. У ҳамон ҳар дақиқада ер юзининг дам у ерида, дам бу ерида сон-саноксиз инсон тоеларида қонли фожиаларни ўйнайди.



Таксимотда ва тақдирлашда, меҳнат натижаларини баҳолашда тенгликни сақлашга социализм уриниб кўрди. Лекин унинг асосига қўйилган шафқатсиз мафкура тенгликни майнавозчиликка айлантириб юборди.

Унда адолатни сақлашнинг барчага баробар принципини қандай рўёбга чиқариш мумкин?

XX асрнинг ўртасида инсоният бунга фақат инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини сақлаб, рўёбга чиқарибгина, тинчлик, биродарлик, демократия шароитидагина эришиш мумкин деган қатъий хулосага келди. Шу билан чамбарчас боғлиқ тарзда Европа ва АҚШ илмий-сиёсий, фалсафий тафаккурида инсонийлик мезонлари (ўлчовлари) деган янги бир тушунча, атама дунёга келди. Инсонийлик мезонлари Умумжаҳон декларациясида, Хелсинки Яқунловчи ҳужжатида, ЕХХТнинг кейинги ўн беш йил давомида қабул қилган ҳужжатларида кенг, ҳар томонлама таҳлил, тадқиқ этилди. Инсонийлик мезонларини ҳаёт амалиётига киритишнинг йўл-йўриқлари, йўналишлари, қоидалари ишлаб чиқилди. Бугунги Европа, Ижтимоий ва инсоний адолатга ўлчовлари ғоятда равшан бўлган инсонийлик мезонларини қарор топтириш орқалигина эришиш мумкинлигига ишонч билдирмоқда, демократия, сўз эркинлиги, инсон ҳақ-ҳуқуқлари принциплари бугун адолат ва мурувват принциплари каби англана бормоқда. Инсон ҳуқуқларини кенг маънода қарор топтириш ҳозир ва бундан кейин ижтимоий ҳаётда адолат принципини қарор топтириш билан баробар. Таксимот ва тақдирлашдаги адолат бу кенг англанадиган универсал принципнинг узвий бўлақларидир, холос. Чунки инсон ҳуқуқлари ишламаган, амалда бўлмаган ерда адолат ҳам ишламайди, амал қилмайди. Буларни бир-бирдан ажратиб бўлмайди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ўтмиш тарих, маданият, маънавий-ахлоқий кадриятлар, инсон шайни шавкати бутун ҳаққонияти билан тикланаётгани, оз сонли эл-элатларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатлари ишончли ҳимоялангани, дин ва эътиқодлар эркинликлари таъминланаётгани, жаҳон мамлакатлари билан Ўзбекистон ва унинг фуқаролари ўртасида маданий, маърифий, илмий-таҳсиллий, оилавий-маиший, ранг-баранг инсоний борди-келди алоқалар, ҳамкорликлар ўсиб, жонланиб бораётганлиги, жазоларнинг енгиллаштирилаётгани, ўлим

жазосининг қисқараётгани — булар бари инсонийлик мезонларининг аста-секин амалга кириши, адолат принципларининг илдиз отиши, томир ёйиши палласига кираётганлигидан дарак беради.

Инсонийлик мезонларини амалга ошириш механизмлари, инструментлари мавжуд экан, улар ҳукумат ва турли-туман таъсирли жамоат идораларининг, бошқарув тузилмаларининг асил механизми ва инструментларига айланаркан, тенглик, биродарлик, фаровонлик орзу-умидларимиз реал воқеага айланади. Ҳаётда ҳеч қачон тенглик бўлмаган ва бўлмайди, адолат бўлмаган ва бўлмайди деганга ўхшаган тушқунликлар ҳаёт кун тартибда анахронизмга айланади. Инсонийлик мезонлари асосида ҳар бир шахс, давлат ва нодавлат идоралари, ранг-баранг жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар дадил, ошқора, рўй-рост, қийинчиликлардан кўркмай эркин иш олиб борса, халқимиз ўз менталитетини умумжаҳон миқёсидаги янги тушунчалар, йўналишлар, йўл-йўриқлар замирида қайта кўриб чиқиб, саракни саракка пучакни пучакка ажратиб ташласа, янгиланса, инсонийлик мезонлари шунга кўра ҳар биримизнинг ҳаётимизда расм бўлади.

Ўқсак технологиялар, ахборот инқилоблари, компьютерлаштириш, глобализация замонида инсонийлик мезонлари ғоятда уйғун ва ўта муодилдир. У маънавий-ахлоқий принципларимизнинг энг гўзал томонлари, қирраларини юзага чиқаришга, ўткирлаштиришга хизмат қилади. Тобора шиддатли тарзда актуал бўлиб бораётган табиатни асраш; қашшоқлик, оммавий касалликлар, гиёҳвандлик, ирқий, миллий камситишлар ва ниҳоят мудҳиш терроризм балосидан тамомила халос бўлиш ҳам охир-оқибат инсонийлик ва адолат принципларини қай тарз ва қай даражада амалга оширишимизга чамбарчас боғлиқ бўлиб қолади.

Кўплар ҳамон адолатни фақат одил суд ҳукми деб билишади. Холбуки, одил ҳукм адолатнинг битта қирраси. Тўла адолат эса аслида сиз билан бизнинг қандайлигимиз, ҳаётни қандай кураётганлигимиз, ундан нималарни кутаётганимизда. Бунда кичкинагина адолатсизлик бутун жамиятга акс-садо беради.

Лекин гунаш ер устина душса поймол ўлмаз, дейилганидек, адолатда завоқ йўқ, адолат поймол бўлмайди.

*20 октябр, 2002 йил.*

## ҚАҲРАМОНИМИЗНИ ҚАЕРДАН ТОПАМИЗ?

Уруш пайтининг қаттиқчиликлари, ярим очлик, ярим яланғочликларини кўриб болаликдан қолган соф ўзбекча бир таассуротим борлигини айтмай. Кўп ўзбек хонадонларини кузатганман. Бир ховлида икки туп ўрик дарахти ва бир туп катта тут бўлса, — ўзбек ховлиларининг кўпида аксаран тутлар жуда йирик ва бир ярим ой пишиқчилик кайфиятини бериб турарди, — шу ховли ҳеч қачон очликдан ўлмайди. Бир туп тут ва икки туп ўрик ўзбекка доим халоскор бўлади. Болаликда биринчи ўзим чиқарган хулосам шу эди. Балки уни катталардан эшитгандирман. Лекин кимдан эшитганим эсимда йўқ. Дарахтларни меҳнаткаш деб таниганман. Ўрик ва тут ўзбек учун алоҳида меҳнаткаш. Тирик жонзотлар ичида уларга фақат кўйгина ўхшайди. Кўйнинг одам тириклиги ва тирикчилиги учун биронта ҳам бефойда, бенаф жойи йўқ. Туёғидан шохигача фойда келтиради. Ўрик ҳам шундай. Тут ҳам. Мен тутлар, ўриклар устида ўсганман. Боғзор маҳалламиз атрофидаги барча улкан ўрикларни яхши танирдим, ҳар шохидида кўноқ бўлганман. Ўриклар чаман бўлиб гуллаганда ўрик гуллари ичида дарахтнинг қир учига чиқиб ўтиришни севардим. Ўрикнинг меваси, данаги, хўли, қуруғи, шох-шаббаси, илдизи, япроқлари ва ҳатто данагининг пўчоғи ҳам тирикчиликда асқотади. Ўзбеклик ғояси ҳақида ўйлаганда шу икки туп ўрик ва бир туп тутдан ҳосил бўладиган тириклик ҳикмати одамнинг ҳаёлини олиб қочади. Амир Темурнинг сон-саноксиз лашкарларига улкан дош қозонларда ўрик қайнатиб ичиргани ёдга тушади. Ҳар бир халқнинг дарахтдан ўз тимсоли бор. Русларнинг тимсоли оқ қайин, қарағай. Ўзбекларнинг тимсоли — ўрик. Канадалиқлар ўзларини болутга, лубнонликлар кедрга қиёслайдилар. Қадим туркийлар шумтолни муқаддас тутганлар... Дарахт, ўрик, тут, ховли, ўзбек... Ўрикдек пишиқ ва ҳамиша фойдали меҳнат қилади. Унинг меҳнатидан тириклик ҳосил бўлади. Ўзбекнинг ғояси — фойдали меҳнат ғояси. Ўрик, тут — ўзбек эъзозлайдиган тириклик, тинчлик, эминлик, фаровонлик, пишиқчилик рамзи. Ҳар бир ўрикнинг пишиқ, пухта, метиндай мустаҳкам ва лазиз танасидан бир ўзбек чиқиб келаётганга ўхшайди. Миллатимизнинг яшаш ғоялари бу азал тирик-

ликка ғоятда уйғун, ғоятда содда ва ғоятда яшовчан. Лекин одам жуда мураккаб ижтимоий ходиса. Ўрик, тут, ховли ва тириклик бу — ибтидо. Одамнинг эхтиёжлари улар билангина битмайди. Одам энг оддий нарсалар ризку рўз дунёсидан энг мураккаб, тушуниш, англаш, билиш қийин рухоният дунёси қадар кўтарилиб боради. Мева еб очликдан сақланишни маймун ҳам билади. Бирок рухоният ва маънавиятдан қанот боғлаб, болу пар ясаб, кўкларга парвоз қилиш қудрати фақат одамзод чекига тушди. Эркинлик ва парвоз орзуси одамзотни ерда фақат судралиб яшаш қисматидан халос этди.

Эркинлик ва парвоз орзуси бу — юксак маънавиятдан. Эркинлик ва парвоз истак-майллари фақат бадиий адабиётгина тарбиялайди. Бадиий адабиётдан ҳам кенгрок, устунрок сўз тарбиялайди. Сўз орқали жон шаклланади. Жон бу — адабиётнинг қахрамонлари. Адабиёт ўз жонбахш сўзи ва турфа қахрамонликлари билан киши камолотига хизмат қилади. Бадиий адабиёт яхши ривожланмаган ва етарли кадрланмайдиган ерларда инсоннинг ўқиши, ўсиши, фаровонликка интилишлари ҳам унчалик кадр топмайди. Одамлар бундай ҳолларда ибтидоий, ўта жўн интилишлар билан ўзларини овутиб юрадилар. Сўзнинг энг кучли тарбия воситаси эканлигини инсоният эсини танигандан бери жуда кучли ҳис қилади. Сўзни эъзозлайди. Ўзбек ўрик донасидай лазиз сўз, қилич дамидай ўткир фикрни севади. Унинг бу қадар бой фольклор, ҳикматли сўз яратгани шу севги, муҳаббатидан дарак беради. Миллий ғоямизнинг бош фикри — камолот касб этиш. Юртни камолот даражасида туриб обод ва кучли қилиш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ёшлар тарбиясига бағишланган чиқишларда уларнинг ватаний тарбиясига алоҳида урғу бермоқда, бу тарбияда устувор аҳамиятга эга эганлигини кўрсатмоқда. Ёшлар тарбиясида уларнинг характерлари ҳамда дунёқарашлари, эътиқодларини тобловчи асарлар яратиш, уларда ибратли қахрамонларнинг таъсирчан сиймоларини гавдалантириш жуда муҳим эстетик аҳамият касб этишини уқтирмоқда.

Ҳар бир тарихий даврнинг, ҳар бир миллатнинг ўзига хос ибратли қахрамонлари бор. Улар муайян мамлакатдаги мавжуд маълум бир сиёсий-ижтимоий, иқтисодий-маданий вазият, талаб ва эхтиёжларнинг юкини

кўтарадилар. Миллатга мансуб характерли интилишларни акс эттирадилар.

Ўтган совет ноэркин тузуми даврларида советча инқилобий қурилишларнинг ўзига хос қаҳрамонлари, ўзига хос қаҳрамонлик идеаллари яратилган эди. Ўн йилларча ҳукмронлик даврларида совет қурилишининг вазифалари ўзгариб, мураккаблашиб боргани сайин совет мафкура-расига мос қаҳрамонлар ҳам, уларга бўлган талаблар ҳам ўзгариб борди: улар инқилобчилар, коллективчилар, саноат қурилиши фидокорлари, уруш кишилари, бамчилар, қўриқ ерларни ўзлаштирувчилар, илғорлар ва колоқлар эди. Аввало большевизм ва қолаверса, советизмга жон-жаҳди билан берилган бу ибратли қаҳрамонлар ўзларининг ўта ғоявийлиги, онглилиги, совет тузумига садоқати билан ажралиб турар, асарларда ҳам, ҳаёт жабҳаларида ҳам худди социалистик ғоянинг юргизиб юборилган механизми каби ҳаракат қилардилар. Барча ҳолларда темир ирода ва коллектив темир оқим хусусиятлари ҳамда ҳукмларини ифода қилардилар. Ғоявийликда, иллюстративликда, сиёсий мақсадларни кўзлашда ноёб бир адабиёт яратилган: чапаевлар, корчагинлар, маресьевлар, ёш гвардиячилар ва уларнинг миллий адабиётлардаги шарпалари идеал коммунистик ибрат намунаси тарзида талқин қилинар ва онларга сингдириларди. Ҳаққонийлик, ҳаётийлик, табиийлик, реализм талаблари билан ижод қилишни истайдиган адибларга тазйиқлар кўрсатилар, уларнинг яшаши, ижод қилиши қийин, мушкул шароитларга қўйиларди. Шунга қарамай реализм ва ҳаққонийликдан чекинмайдиган адиблар ҳам миллий адабиётларда оз эмас эди. Уларнинг асарлари таъқибларга қарамай севиб ўқиларди.

Эндиликда миллий адабиётлар тамомила озодликка эришди. Бугун энди ҳеч ким қандай бўлмасин, ғояга иллюстрация яратишни ўйламайди. Зотан, коммунистик ғояларнинг қулларини яна тирилтириш XXI асрда ўта кулгили ва аянчли ҳол бўлур эди. Бундай уринишлар юз берган тақдирда ҳам улардан ҳеч нарса чиқмас эди. Чунки соғлом ақл соҳиби ҳеч қачон қуриган қудукқа челақ солишни ҳатто ҳаёлига келтирмайди.

Миллий истиқлол даврида одамлар энди бутунлай янги ижтимоий эстетик вазифаларни бажарадилар, олди-

ларига янги олижаноб инсоний-ижтимоий мақсадларни кўядилар.

Бизнинг ҳозирги миллий адабиётимиз тоталитаризм асоратларидан қутулиб бораётган, миллий ўзлик ва умум-инсонийликни озод инсон даражасидан туриб англаш, инсон ва унинг камолотга интилишларини тасвирлашни асосий мақсад қилиб кўйган, ҳаёт ва ижтимоий жараёнларни уларнинг бутун ранг-баранг мураккабликлари, товланишлари, кўринишларида қабул қиладиган, эркинлик ҳиссиётларини улуғлайдиган адабиётдир. «Камол эт касб-ким...» деб бошланадиган ғоя бу адабиётнинг бош инсон-парварлик ғояси ва шу маънода у инсоният мумтоз адабиётларининг давомчисидир. Мумтоз ўлчовлар бу адабиётнинг ўлчови, мумтоз ёндошувлар унинг ёндошувларидир.

Маърифат ва озодлик қаҳрамонлари бу адабиётнинг асил ибратли қаҳрамонларидир. Шу билан бирга бу адабиёт энг оддий одамлардан ҳам қаҳрамонлик хусусиятларини топа олади. Бу адабиётга инсон эркини бўғиш, экстремизм, фашизм, ирқпарастлик ва бошқа шу каби одамзодга оғир фожиалар келтирган разилликлар тамомила ёт-бегонадир.

Яшаш учун кураш ўлмайди. Лекин одамзодни емирилишдан, шахсни емирилишдан сақлайдиган курашгина ўзини оқлайди.

Баъзан диний адабиётларни қизиқиш билан қўлга оламан. Инсонни диёнатли, имонли кўриш менга жуда ёқади. Дарвоқе, бу кимга ёқмайди? Уларда ўз фикрини эхтирос билан исботлаш майлларини кўриб одамнинг ҳаваси келади. Лекин бу диний адабиётлар кўп ҳолларда бир томонлама ёзилган бўлади. Ҳар бир дин ўз ақидаларининг афзаллиги ва устунлигини зўр бериб ёқлаш, исботлашга берилиб кетади. Ҳолбуки, ҳар қандай диннинг асосий вазифаси одамларни ёмонликдан қайтариш, яхши амаллар эгасига айлантириш, уларга Худо маърифатининг чексизлигини уқтириш.

Фашизм ўз ирқий афзаллигини уқтириб, неча миллионлаб бегуноҳларнинг қонини тўқди.

Большевизм ўз ғояларининг илғорлиги ва афзаллигини уқтира-уқтира бутун бир мамлакатни тиканли сим билан ўралган зиндонхонага айлантирди, энг яхши одамларни ўз ғоясининг қурбони қилди. Салб юришлари,

католиклар, протестантлар, мужтахидлар, хизбутчилар ва яна-яна аллакимлар бари ўз афзаллигини исботлайман деб вахшат ноғорасини чалади. Ўз ғоясини зўравонлик қуролига айлантиради.

Хозирги Ғарб адабиёти, фалсафаси Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари даҳшатларини ўз кўзлари билан кўриб, ўз бошидан кечиргач, эллигинчи йиллардан бугунга яшаш учун курашдан ғоятда зерикди. Ғарб фалсафаси, Ғарбнинг бадиий тафаккури Освенцимдан сўнг худо ўлди деган хулосага келди. Чунки освенцимларни ҳам инсон боласи худди ўзига ўхшаш инсон боласига қарши ўйлаб топган, бу инсон бошига тушиши мумкин бўлган хор-зорлик, кулфат, фалокатларнинг энг сўнгги чўккиси эди! Ҳолбуки, Худо бўлса, бунга асло йўл қўймаслиги керак эди, дейишди Ғарб файласуфлари. Ғарб ўзининг энг улуғ файласуфлари, социологлари томонидан тан олинган шу хулосадан сўнг тамомила таназзулга йўл тутди. Унинг бош мавзуси инсон емирилиши, унинг ҳаётдан беизиши бўлиб қолди. Бу адабиёт тирикликни чек-чегарасиз азоб ва бутунлай маънодан маҳрум ходиса, тасодифотлар йиғиндиси каби тасвирлашга зўр берди. Инсон тоқат қилишига ақл бовар қилмайдиган жуда оғир, жуда шармандали сексуал инқилоблар ва фахший разолатларни бошидан кечира бошлади. Фахш эркин севги каби талқин қилинди. Одамнинг одамдан яширадиган ҳеч нарса бўлмаслиги керак деб яланғочлик тарғиб бўлди. Оммавий тус олган фахш кўп миллий адабиётларнинг саҳифаларини бутунлай эгаллаб олди. Илм-техника беқиёс таракқиётга кўтарилган, технологиялар одамзоднинг энг ақл етмас ҳаёлий орзуларини рўёбга чиқаришга киришган, онг беқиёс даражада ўсган, рационализм ҳам, иррационализм ҳам бутун нозикликлари билан англандиган, талқин қилинадиган бир шароитда одамларнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб ахлоқсизликларга берилишларини нима билан изоҳлаш мумкин? Худо ўлди, унинг куёши ботди, инсоният шом қоронғулиги сари йўл олди, сингари фикрлагандан сўнг яна нима халоскорлик қолади оқил инсонга! Наҳот, одамзод ҳаёти, умргузаронлигида сексдан бошқа қизиқарли нарса қолмади? Бугунги жуда юксак бадиий маҳорат билан яратилган кўпгина Ғарб китобларини ўқисангиз, аксаран ҳаётга қизиқишларини йўқотиб

қўйган қахрамонларга дуч келасиз. Фаровонлик, эркинликнинг барча афсонавий неъматларига эришганларидан сўнг, улар мутлақ зерикиш остида қолганлар. Ўзларини ўзлари танимайдилар. Ўзлари ўзларига бегона бўлиб кўринадилар. Одамлардан қочадилар. Дунё уларга ёт, улар дунёга ёт. Ўртада сарсон ҳаёт. Минглаб саҳифаларни физиология ва метафизика эгаллаб ётади. Яқинда француз адиби Эмил Мишел Чораннинг кундалик дафтарини ўқидим. Фикр қайнаб, титраб, тирқираб, эзилиб, улкан ақл вайроналарида ётибди. Ўқиб дилингиз вайрон бўлади. Инсонда шунчалар ақлий, ғайриақлий зиддиятлар бўлиши мумкинлигига ақл бовар қилмайди. Бугунги Фарб адабиётининг фожиали изланишларини тушунишга ёрдам берар деган фикрда Чораннинг айрим парчаларини таржима қилиб келтириш балки ўринли бўлар:

*«Менинг ҳар кунги асосий туйғуларим: ўз-ўзимга ачиниш, нафрат, юракнинг ҳувиллаб ётиши, қўрқув, қўмсаш ва бошдан оёқ емирилиш».*

*«Биронта ҳам тирик жонни қизиқтирмайдиган нарса яратилар. Мен бунга деярли эришдим».*

*«Мен ўзимни биламан. Шунинг учун ўзимга тоқат қилолмайман».*

*«Ҳаётга нафратим йўқ, ўлим истаги ҳам йўқ, бирдан-бир истагим — тугилиб дунёга келмаслик. Тириктан ҳам, ўлимдан ҳам, мен тугилмасликни афзал биламан. Тугилмаганликка ҳавас қиламан. Кўп яшаганим сари менда бу ҳавас ортиб борапти»...*

*«Мен ҳозиргина ўлгандай бўлиб яшайман».*

Фақат Чорандагина эмас, бошқа кўпгина Европа адибларида фикр, туйғу, кечинмалар мана шундай чала ўлган илондай тинимсиз типирчилаб ётади. Фарб адабиёти худди тўхтамайдиغان конвулсиялар, контузиялар ичида қолгандай ва йўқолиб бораётгандай.

Фарб адабиёти ўз ўртанишлари ўз ич-этини ейишлари, инсон ҳаёти ва унинг маъносига янги мезон, ўлчовлар кидириш ичида. Миллий истиқлол ва озодлик адабиётимизнинг қахрамонларини қаердан топамиз? Ёшлар ва катталарни ғайриинсонийлик ва ғайрихлоқийликка қарши тоблайдиган юксак маънавий мезонлар, ходисаларни қаердан топамиз?



Бу савол қаршисида тушкун ўтириш мумкин эмас. Файрихлоқийлик қизиқарли ахлоқийлик қизиқарли эмасми? Разолат қизиқарли камолот қизиқарли эмасми? Фаҳш қизиқарли пок севги қизиқарли эмасми?

Шарқ ҳамиша инсон муносабатларида, адабиётларида юксак инсоний, ахлоқий андозаларга суянади. Бу томондан у Шарқ мумтоз адабиёти анъаналари билан чамбарчас боғланиб кетгандир. Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, яна неча ўнлаб носирлар, шоир ва шоираларимизни халқ нима учун севди? Улардаги юксак инсонийлик ва одамийлик ахлоқининг ёрқин тараннуми учун эмасми? Халқнинг ўрик данагидек мустаҳкам иродаси, ҳаёт ва тириклик тамаллари, гўзал маънавиятини тоза дурдона сўз билан тасвирлаганларида эмасми бу миллий озод адабиётнинг жозибаси ва унинг инсон тийнатишни тоблантиргувчи қудрати!

*1 май, 2001 йил.*

## **БИЗНИНГ ТИЛ**

Тилимиз қоматини ростлади. Шунга ҳам ўн бир йил бўлди. Айтишга осон. Лекин унинг қад ростлаши учун фарзандларнинг азамат ҳаракатлари керак бўлди. Тил таракқий қиладими? Албатта, барча жонли ходисалар каби тил ўсиш, бойиш, кенгайишни яхши кўради. Бирок ўсиш, бойиш, қобилятли бўлиш наслларнинг саъйи ҳаракатлари билангина юзага чиқади. Ўтгани эси кетган эслайди дейишади. Лекин қараб ўтириб ўтмишнинг ибратидан нега ўзимизни маҳрум қилайлик. Ахир шу яқин-яқинларда эмасми ўта аралаш-қуралаш, ғализ бир тилда сўзлашиб, муомала қилишиб юрганларимиз. Яқин кунларда эмасми, тилимизнинг таъсир доирасини кенгайтириш, муомалада тил гўзаллигини сақлаш учун шу «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетамизда «Нутқ одоби ва маданияти» ҳақида кичкинагина жилға очмоқчи бўлиб уринганимизда, шунга ҳам ўта қатъият билан қаршилиқ кўрсатилгани, йўл берилмагани? Шундай руқн очилса, миллий тил аҳволи ва таракқийетиға эътибор берилгандай бўлиб қолар ва бундан бошқа тиллар ва хусусан, улуғ тил ўзини камситилгандай сезар экан. Лекин андак ҳаракатлар бўлди. Руқн бир-икки қўзга ташлан-

ди. Сўз тоталитаризм тоши остига бостирилди. «Балоғат ва бутунликка эришолмаган ҳаф қандай одам у ёки бу неврозга гирифтор ва шунинг азобини чекади», дейди Эрих Фромм. Ўйлайманки ва кузатганларимдан хулоса қилиб айтаманки, номустақиллик замонларида тилимиз ҳам, унинг эгалари ҳам эркинлик ато этилган бутунликдан махрум ҳолда ҳамиша невроз ҳолатида, яъни асосий бир нарсаларидан айрилган ёки асосий бир нарсалари тортиб олинган каби юрар, яшар, нафас олардилар. Газеталар амалиётида эса бундай камситиш, тўсиш, қарахт қилиш воқеалари кўп учрарди. Тил наслларнинг аҳволини яхши акс эттиради. Ғайратли, кучли насл билан тил ҳам кучаяди, унинг имкониятлари кенгайди, истеъмол доираси ортади. Ҳеч ким мажбур қилган эмас Абулғозихонни «Шажарайи турк» ва «Шажарайи тарокима»ни ёзишга. У шоҳ эди. Қўшин суриб юраверса бўларди. Лекин у ўтмишни излади ва ўтмиш уни хавотирга солиб қўйди:

«Абдуллохоннинг оталари бирлан бизнинг оталаримизнинг айрилган еридин то бизга келгунча тарихларини битмай эрдилар. Бу тарихни бир кишига таклиф қилади теб фикр қилдук. Ҳеч муносиб киши топмадук. Зарур бўлди. Ул сабабдин ўзимиз айтдук. Туркнинг масали турур: «Ўқсуз ўз киндигини ўзи кесар», теган».

Абулғозихон ота ва ақаларимизнинг бепарволиги ҳамда бевакуфлиги (беҳабарлиги)дан куйган, тарих йўқ бўлиб кетиш фалокати олдида турганлигини сезган. Ва ўзининг улуғ бир сайи ҳаракати, ғайрати билан маҳкум тарихни тиклаган. Рабғузий ва Навоийдан сўнг она тилида тарих яратишнинг, ҳадсиз-ҳисобсиз тил бойликлари, хазиналарининг эшикларини очган, булар бўлмаса, Бобур бўлмаса, билмадик, тарихимиз не кечар эди. Тил шундай азаматларнинг жидду жаҳдлари билан тараққий қилади. Бу ўринда Хоразмийнинг буюкдан буюк «Муҳаббатнома»-сидан ҳам бир парча тилимизнинг учида туради:

*Муҳаббат нардини кўплардин уттунг,  
Шакардек тил била оламни туттунг.  
Тиларменким, бизинг тил бирла пайдо  
Китобе айласанг бу қиш қотимдо  
Ким уш елтек кечар айёми фоний  
Жаҳонда қолса биздин армуғоний...*

Хоразмий яна чин ўғлон каби фахрланиб айтади:

*Қиличтек тил бирла туттум жаҳонни...*

Унинг бу фахру ғурури бугун ҳам бизнинг бағримизни иситиб туради. Кўринг, тил билан жаҳонни тутиб туриш мумкин экан-да, деймиз. Бу жаҳонбонликлар ичра энг оташин жаҳонбонликдир. Тил фақат ва фақат шундай саъий ҳаракатлар билангина тоза яшайди ва тараккий қилади. Тил миллатнинг энг биринчи ҳақидир. Шу ҳақ ўкситилган бўлса демак, миллат ўзини ўзи ўкситиб келгандир.

Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг қабул қилингани Ўзбекистон тарихидаги энг улуғ ҳодисалардандир. Миллатнинг уйғониши маълум маънода шу Қонун шуқуҳи билан бошланди. Тарихнинг яна бир мантиғини ҳам инкор этмайликки, балки ушбу Қонун шарафи билан тебранмас бўлиб туюлган Иттифок тебраниб кетди, ларзага тушди ва тез орада бу ларзани кўтаролмай ўз-ўзидан барҳам топди. Унгача биздан ҳеч ким тилингиз нега бунча камситилмоқда, деб сўрамаган эди. Аксинча, ҳар қандай камситишлар рағбатлантирилар, йўлга солинарди. Тил амалиёти соҳаларимиз ўта торайиб қолган эди. Фан, давлат юритиш ва бошқариш соҳалари миллий тилимиздан шиддат билан узоклашиб борарди. Асримиз бошидаги миллий тил борасидаги курашлар ва изланишлар эсингиздами? Бу пайтга келиб қиличтек тил билан жаҳонни тутиш мумкинлиги худди ҳамманинг ёдидан кўтарилиб бўлгандек эди. Бехбудий, Қодирий, Чўлпон, Авлоний ва яна аллақанча боболар замонавий миллат тилини яратиш учун ҳаракатга кирдилар. Замонавий бадиий адабиёт тили — Чўлпон, Қодирий тили майдонга келди. Бир тил ичида жуда кўп тил бўлишини кўрдик. Ойбек, Ғафур Ғулом, Қаххор, Миртемир, Зулфия тили шан нуктага кўтарилди. Лекин фақат Қонун туфайлигина фан тили, илм тили, дарсликлар тили, янги тарих тили, давлат бошқариш тили, сиёсат тили равнақ ола бошлади.

Миллий тилимиз бугун мисли кўрилмаган инқилобни бошидан кечирмоқда. Ўзбекистон мустақиллик боис очик жаҳонга чиққандай тилимиз ҳам очик жаҳон билан муомалага кирмоқда. Миллий тил доирасида бутун-бутун янги қитъалар пайдо бўлаётир. Бизнес, банк, алоқа, компьютер соҳаларининг тили бугун шундай миллий қитъа.

Миллий қонунлар яратиш тобора тараққий қилиб қонунлар тили ва усули қитъаси пайдо бўла бормоқда. Фанимиз кашфиётларини миллий тил қитъаларидан баён қилиш урф бўлмоқда. Халқаро тиллар, халқаро терминлар, тушунчалар худди океан каби миллий тилимиз билан яқин ҳамкорлик қилмоқда. Энди фондни жамғарма дейиш ёки принципни тамойил дейиш ёки самолётни тайёра дейиш кифоя қилмайди. Тушунчаларда чалкашликлар бўлмаслиги учун минглаб бундай сўзлар, терминларни ўз ўрни, ўз аниқ маъно доирасида қўллашга тўғри келади. Булар бари миллий тилдаги жуда катта инқилоб ҳодисаларидир. Умид қиламизки, бу зарурий инқилоб ичида миллий тилимиз йўқолиб кетмайди, балки ундан бойиб, янги хазиналарга эга бўлиб, имконият ва ифода қудрати кучайиб чиқади. Бошқа тилларда сўзлашганда, уларнинг жозибасини ҳис қилганда, ўз миллий тилингнинг кучи ва фасонасини англаб турмоқликда ҳам инсон учун туганмас бахт-саодат бор.



Ўз миллий тили ҳақида ғамхўрлик қилмаган одам аслида тил ҳақида эмас, ўзи ҳақида ғамхўрлик қилмаган бўлади. Тилни унутиш — ўзини унутишнинг бир кўриниши. Ўзини унутиш эса миллий илдизлардан узилишга ва қаерда бўлмасин, муваққат, яъни туп ёймай омонатгина кун кечиришга олиб келади.

Миллий ижтимоий муҳитда тилга, унинг тараққиётига бефарқлик билан қараш авж олиб боряпти. Халқ ичида қоришиқ сўзлашув тили ғоят кучайиб, жонли тилнинг четдан кирган ўғай сўз ва иборалар ҳисобига «ёввойилашиб» бориш тенденцияси кузатилди. Халқ ичида тил тарбияси ва таълими олиб борилмаганлиги учун тил фақат «муомала воситаси» деб қаралди ва «муомала воситаси» қандай бўлиши эътибордан соқит қилинди. Тил «даласини» шу тариқа турли ёввойи ўтлар тобора шиддат билан забт этди. Тилга қаровсизлик мутлақо хавфли тус олди. Тилнинг расмий муомаладан сиқиб чиқарилиши янада кучайди.

Расмий муомала қадри ва мавқеини йўқотган миллий тил аста-секин ўз ўрнини бошқа тилга бўшатиб бераверади ва тарихан узоқ муддат ўтмай «ўлик тиллар» қаторидан жой олади...

## МЕХРИНГИЗНИ ЖОН КАБИ АСРАЙМАН

От кишнашиб топишар, одам эслашиб дейилганидай...

Мехр-муҳаббат, шафқат-мурувват деганда одамнинг эсига дарров онаси келади. Она деган сўздами, она деган тушунчадами, мехру мурувватга тенг бир кимё бор. Мехр-мурувват бизнинг жисмимиз ва руҳониятимизда балки онадан бошланади...

70-йилларда томимнинг бўғотига кетмас бўлиб қорлар ёғди. Ёлғиз дилдираб қолган кезларим оқшомлар кекса донишманд Лазиз Азиззода ҳовлимизга кириб келар, мен «гўдакнинг» ҳолидан хабар оларди. Тонг оқаргунча мени ёлғиз қолдирмай шахмат ўйнар, 20-йилларнинг номардликлари, фирромликлари, мустабидларнинг ўтакетган мўлтонликлари, сургунда обхоналарда ўтган кунлари, дўқ-пўписалар остида берган сўроқларини ҳикоя қилиб ўтирарди. Домланинг ёши ўшанда саксонларда, лекин қалин сочларининг паҳмоғи зарра камаймаган эди. Унинг туганмас дардлари, сургунларда, қийноқларда кечган ҳаёти, бой берган орзу-армонлари олдида менинг бошимдан ўтаётган воқеалар жуда ҳам одми, ҳатто сўйлаб беришга ҳам арзимас бўлиб туюларди. Дарҳақиқат, домланинг ҳақиқатлари олдида мен бамисоли гўдакдек бўлиб қоладим. Унинг шундай дилхоҳликларида отам йўқлиги, онам йўқлиги, акаларимдан айрилганимни унутардим...

Ўз оти каби менга беҳад азиз бу қариянинг киши билмас, сўз билан айтилмас далласидан руҳланиб ҳеч чарчамай Достоевский билан тиллашардим, Рашидов асарларининг беш томлигини нашрга тайёрлардим. Домла мендан кўра ёшроқ кўринар ва дардларимиз унинг оҳанграбо жумлалари, ибратли хотиралари океанига фарқ бўлиб кетарди. Мурувватли, нозик сезгили, кечиримли шундай одамлар бўлмаса, дунёнинг холи не кечарди дейман гоҳо ўз-ўзимга...

Отам баъзан элигинчи йилларнинг бошларида қаттиқ диққат бўлган чоғлари айтардилар:

— Шу Сталиннинг онаси бўлганмикин? Ўша Гитлери онаси эмизганмикин? Жуда кўзлари хунук-да буларнинг...

Мен отамнинг сўзларига қўшилиб уларнинг оналарига надомат қилмоқчи эмасман. Лекин қатъий бир қарор-

га келганман: онасини севиан ва онаси томонидан севилган одам инсонлар бошига ҳеч наҳон бундай кулфатларни солмас ва уларни инсониятга соғинмасди хойнахой. Шуларни ўйласам ва эсласам, худди Домлам каби ёдимга домлаларимнинг домласи ҳазрат Навоийнинг сатрлари тушади:

*Менинг бошима бас қаттиқ тушти иш  
Чу тоқ бўлди бу дард ила тоқатим.  
Харобот аро кирдим ошуфта ҳол  
Май истарга илгимда сингон сафол...*

Биз ҳам худди шундай синган сопол идишимиз билан озоқ бўлмаган ҳаёт майини ичмоқчи бўлиб яшардик...

Холис ният билан яхшилик қилиш, яъни қилган яхшилигингга мақтовлар кутиб ўтирмай...

Отам ҳарбий хизмат ёшидан анча ўтиб кетган бўлса ҳам, уруш йиллари ҳарбий эшелонларда хизмат қиларди. Эшелонлар Тошкентга қайтган чоғларида отам ҳарбий паёғидан биз жужуқлар учун орттириб юкхалтасига йиғиб асраган қора, ғоятда дағал булка нонлар билан сарғиш каллақандлар олиб келарди.

Онам эса нонларни чиройли қилиб қирқиб, бир неча бўлакларга бўлиб, ҳар бир бўлакка битта ёмби каллақанд парчасини қўшиб, оқ сочиқларга ўраб қўни-қўшниларга тарқатиб чиқарди. Қариндошларга алоҳида улуш қолдирарди ва биз уларни туғишганларнинг эшикларига элтардик. Биз ҳам бир неча кунлар лунжимизга каллақанд бўлагини тикиб, сўлакларимизни оқизиб, урушнинг аламли хабарлари кезган тупроқ кўчаларимизда тотланиб ўйнардик...

Уруш йиллари боғларимизнинг этаklarини узоқ ўлкалардан келган ота-онасиз қолган болалар уйларига ажратиб берилган эди. Улар «детдом» деб машхур бўлган эди. Бошлари тақир қирилган, сап-сарик йод суртилган бу болалар ҳаммаси олти-тўққиз яшар бизнинг тенгқурларимиз эди. Улар бизнинг ичкари ва ташқари ҳовлимизда ҳам худди ўз уйларидай тортинмай юраверишар, улар билан «Қароқчи-қароқчи» ўйнар, маҳалламизнинг чеккасида қурилган «окоплар», «блиндажлар»да «немислар» билан урушардик. Олисдан келган дўстларимизни сизлар немисларни кўргансизлар, биз «қизиллар» бўламиз, сиз «немислар» бўласиз деб, дўппида ёнғоқ, жийда

бериб базўр кўндирардик. Албатта, «уруш-уруш»да «немислар» устидан биз «ғалаба» қозонардик.

Онам тун бўйи мижжа қокмай кўйлак, дўппи тикиб топадиган жиндаккина пулларини шу ўн беш-йигирма «уруш болаларини» нон келтириб боқишга харж қиларди. Уларга кийим-кечаклар тикиб берарди. Бизга онамиз биздан кўра «детдом» болаларига кўпроқ қарайдиган, меҳрибонлик қилаётгандай туюларди. Бизнинг эса энг буюк давлатимиз — тирик ота-онамиз бор эди. Ёз ойлари сомонсувоқ томларда бир том бўлиб тизилишиб ётардик. Сўзамол, биздан андак тикроқ болалар урушнинг ғаройиб туганмас эртақларини сўйлаб ётишарди. Тонг қоронғусида осмонда ҳаддан ортиқ яраклаган юлдузлардан кўрқиб чиқардик...

Урушдан кейин мендан катта акам оғир касалга чалиниб қолди. У ўн беш ёшда эди. Турли касалхоналарда узок ойлар ётарди. Онам мени етаклаб тинмай касалхоналарга қатнар, мени эшик тагида қолдириб, ичкарида жуда узок қолиб кетар, сўнг эски Тошкентнинг айланма туганмас кўчаларидан соатлаб пиёда юриб, уйга хориб-чарчаб мунғайишиб қайтардик. Акам тузалиб кетмади. Ўн етти ёшида эрта баҳорда казо қилди. У жуда ҳам кўркам йигитча бўлиб келаётган эди. Шундан сўнг дамбадам онамнинг бўғзига нимадир қаттиқ нарса тошдай бўлиб тикиладиган бўлди. Онам бунинг оғриғига ҳеч чидолмай беҳуш бўлиб ётиб қоларди.

... Пахтаобод ҳокими билан Уйғурқишлоққа ўтдик. Машинамиз кўримсизгина, томоркали, чоғроққина боқчали бир эски дарвоза олдида тўхтади. Ҳовлида жўхори-поялар сочилиб ётар, бир чеккада эса эскириб кетган иккита «Москвич» машинаси мунғайиб тўкилиб ётарди. Пастак, кўримсиз лойсувоқ айвондан тўмтоқ оёғида сакраб-сакраб ғўлабир чол бизни қаршилади. Ҳоким уни кучоклади. Бағрига узок босиб турди. Сўнг яраклаб турган «коляска»ни унга тўғрилади. Чолнинг соқол босган, қорайган юзи ёришиб, табассумдан фавқулудда чиройли бўлиб кетди. Бизни янги «коляска»сига ўтириб кузатиб қоларкан, кунботарга қараб дуо қилди:

— Илоҳо, озод Ўзбекистон абадул-абад пойдор бўлсин!

Ҳоким ёшланган кўзларини кўзойнагини тақиб яширди. Раҳбар ҳамиша шундай эл-юрт ичида юрса, эл-юрт-

нинг холидан огоҳ бўлса, элнинг дуоси давлатни пойдор қилади.

Ва аксинча, элдан тортинса, ундан ўзини баланд тутса, кўнгиллар гулув ва иштибоҳларга тўлади.

Инсоният ўзини танигандан бери кибр, такаббурликни қоралайди. Лекин такаббурлик нечукдир ҳеч йўқолмайди. Баъзи ерларда раҳбар лавозимида турган кишиларнинг нимадандир ғоятда кибрланиб кетаётганликларига дуч келяпмиз. Улар ойлаб хасталик ва ногиронликда кўкка термулиб ётган кишилар, эҳтиёжманд бевабечораларнинг холидан хабар олишни хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Негадир уларнинг ҳаммаларининг вақти йўқ. Уларнинг энг танқис нарсалари фақат шу — вақт. Қолган ҳамма нарсалари бор, етарли. Баъзилари оддий одамларни яқинларига йўлатмайдилар. Ҳеч илож қолмаса димоқ-фироқ билан дўк пўписага мойил бўлиб ғалати муомала қиладилар. Қараб турсанг, зардалари тошни ёради. Шуниси ажабланарлики, курсиларидан шундоқ тушишлари билан дарҳол сўлжайиб қоладилар. Бу кеккайишлар, халқдан ўзини тортишлар, унга паст назар билан қарашларнинг боиси нима экан? Мансаб кутуртирармикин? Ё тагида маънавият ўта пастмикин? Асли нўр бўлган ходисот кимса тасодиф билан мансаб курсисига ўтирдимикин? Бозори қизиган пайтда бозордан қайтишни унутдимикин? Лекин у боис қанча одамлар дилгир бўлди, қанча одамнинг ҳаётдан кўнгли совуди, қанчалар: «раҳбар деган нахот шунақа бўлса?» — деб амал курсисига ишончни йўқотдилар. Нолону гирён одамлар биздан сўрайди: қори хайру савоб қани?

Инсонга ғамхўрлик ва меҳр-мурувват борасида мамлакат раҳбари олиб бораётган ишларнинг салмоғи, таъсирчанлигини кўрганда, Мақсуд Шайхзоданинг халқ ичида, унинг турли маърака, ҳашамларида тез-тез айтиб туриладиган ўша машҳур сатрларини эсга олмай илож йўқ:

*Дўстлар, яхшиларни авайлаб сақланг!  
«Салом» деган сўзнинг салмоғин оқланг!  
Ўлганда юз соат йиглаб тургандан  
Уни тиригида бир соат ёқланг!*

Қандай топиб айтилган экан бу сўзлар! Қани эди бу ўғит, бу инсоний шиор ҳар бир одамнинг яшаш мезонига айланса!



Меҳрнинг кўринишлари турфа.

Бир шоирамиз ҳар дамда Навоийнинг ўзи севган байтларини такрорлаб, улардан куч-қувват олиб ўтиради:

*«Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлағай,  
Онча борким, Кавба вайрон бўлса, обод айлағай...»*

Навоийнинг сўзлари одам руҳиятига, маънавиятига шундай эътиқодий сарошарда бўлади.

Кўринг, инсон меҳри қанчалар турфа, ранг-баранг! Ҳар қалб илохий меҳр-мурувват нуруни ўзи кашф этади, ўз юрагининг такрорланмас орбитасида кашф этади. Хал-қимизда, шоирларимизда «жон каби асрамоқ» деган ибора учрайди. Ҳар бир одам ўзига ердан, кўкдан иноят бўлган меҳрни худди жон каби асрайди. Асрама-са, у хоҳ гитлер, хоҳ Сталин, Бериядир — ўта жинояткордир.

Меҳрдан инсон қиёфаси ҳосил бўлади ва шаклланади. Меҳр йўқ ерда инсон ҳам йўқ. Бизнинг илдишлари теран маънавиятимиз меҳрдан қорилган, меҳрга қурилган.

Шунинг учун уни жон каби асраймиз.

Ён-веримиздан ўтиб бораётган, табассуми лазиз одамлар, юртдош, элдош, жондошларимга қарата яна ва яна шу сўзларни айтгим келади:

— Меҳрингизни жон каби асрайман, эй, сиз менинг азизларим! Ахир меҳрдан ортиқ нима бор!

## **ҲАР КИМНИНГ ИЛИГИ ТЎҚ БЎЛСИН**

Иймонли одамнинг иймонсиздан фарқи бўлгандай, илиги тўқ одамнинг илиги пучдан албатта фарқи бўлади.

Жиллакурса илиги тўқ одам меҳнат-машаққатда тез толиқмайди. Қийинчиликларга дуч келганда ўтириб қолмайди ва турмушдан нолиб ўтирмай ночорликнинг чорасини топади.

Умуман, табиат бўшлиқни, пучликни кўтармайди, хуш кўрмайди. Бизга ташқаридан бўшлиқ бўлиб кўринадиган маконлар ҳам аслида табиат тарафидан асил нарсалар, айтайлик, ҳаво, сув, қум ва бошқа жисмлар билан тўлди-

рилгандир ва улар Ер юзида, унинг қаърларида, осмон қаватларида мангу ҳаётнинг манбалари ҳамда мазҳарлари ҳисобланади.

Худди шунингдек, миямиз, фикримиз, дилимиз, ҳиссиётларимиз, айниқса, ҳавосизликни асло «ҳазм» қилолмайди. Бўшлиқ уларнинг табиатига мутлақо зид. Мия, фикр, дил, ҳиссиётларда бўшлиқ, «ҳавосизлик» ҳосил бўлиши одам учун хавфли: киши «яримта» бўлиб қолади, ўз инсоний бурчларини ўтолмайди, тўлақонли яшолмайди, ўзга турли таъсирларга дош беролмайди, уларга берилувчан бўлади. Кўпгина ғайриқонуний, жинояткорона хатти-ҳаракатларнинг замирида шу бўшанглик, бўшоблик, манқуртликка мойилликлар ётади.

Одам боласига ҳамиша мақсад, ғоя яшаш негизларида унга таянч ва суянч бўлади. Тирикликка, борлик ҳаётга мазмун ва маъно киритади.

Биз ҳамиша тўлғинликни севамиз, ёқтирамыз: тўлғин ақл, тўлғин ҳиссиётлар билан яшашликни истаймиз.

Тўлғинликнинг ўзи нима?

Тўлғинлик нимадан ҳосил бўлади?

Бизнинг миллий-ҳаётий қарашларимизда тўлғинлик алоҳида ўринда туради. Буни қадим боболаримиздан Адиб Аҳмад Югнакий жуда чиройли келтириб, ўта ўзбекона қилиб айтган:

*Биликлик биликсиз қачон тенг бўлар,  
Сўнғакка йиликтак эранга билик...*

Пуч суякда ҳаёт қувватлари қолмаганидай инсон мияси, ақли, заковати худди мана шу нарса, яъни билик билан тўлдирилмас экан, у ғўрлигича қолиб кетаверарди. Биз ҳозир «билик» сўзини унутганмиз, истеъмолимиздан чиқиб кетган. Унинг ўрнига «билим» деган сўз, тушунчани қўллаймиз. Лекин «билим» тўла маънодаги «билик» эмас. «Билик»нинг маъноси кенгрок, туркиёнарок, қадимийроқдир. «Билик»да билишнинг барча ходисалари ва жараёнларининг ҳосиласи бор. «Билим» эса бизнинг бугунги наздимизда мактабда, университетда ўрганилган илм-фанлардан ҳосил бўлган тажрибалардир. Шунинг учун Адиб Аҳмад Югнакий янада гўзалроқ қилиб айтган:

*Билик била билинур саодат йўли...*

Шу бизнинг уйғониш даври, Навоийгача бўлган замондаги миллий ғояларимиздан бири. Балки миллий ғоямизга асос бўлган фикр.

Биликка интилиш, худди бирликка, бирлашишга интилиш каби ўзбек халки, миллати, кўпдан кўп қавмлари учун беҳад қадимийдир. Бизнинг бутун адабиётимиз, тарихимиз, маданиятимизни билик ғояси ич-ичидан ёритиб туради, орзулар, идеалларимизнинг асил мағзи ундадир.

Энг қадим аждодларимиздан бири Афросиёб — Алп Эр Тўнга ҳақида тарихлардан келаётган бир нақл бор: унда Афросиёб шаҳарлар қурди деб маълумот берилади. Бухоро, Самарқанд, уларнинг яқин-узок атрофларидаги шаҳарларга Афросиёб асос солган. Афросиёб шаҳарлар солиб туркийларни бирлаштириш, уларнинг маданий маконларини барпо этиш тилаги билан яшаган. «Билик»ни халқ фаолиятининг марказига қўйган. Олдинроқдир, балки кейинроқдир — Зардўшт Турон текисликларида камол топиб, «билик» тушунчасига яхши ният, яхши сўз, яхши ишни қўшди. «Билик»ни гўзал бир маърифат билан янада мунаввар қилди. Бу ёлғиз зардўштийлик ақидаси эмас. Балки туркийларнинг, туронликларнинг умум ҳаёт тажрибалари маҳсулидир. Туркийларнинг умумҳаёт тажрибалари шу ғояда мужассамини топди. Фикрни, ниятни тоза сақлашга интилиш туркийларнинг ҳаёт ва тарбия тарзларига жуда чуқур сингиб кетган эди.

Яқинда дўстларимиз билан Эллиққалъага борганимизда бизга қадим йўл бўйидаги жуда эски тупроқ қалъа харобасини кўрсатишди. Унинг бутун қиёфаси, тарихи асрлар қаъридан келаётганлигини билдирарди. Бу тупроқ қалъанинг устида Султон Увайс бобо оқариб келаётган кунни, қизариб ботаётган қуёшни кузатиб қолар экан. Султон Увайс бобо бу қақраган сахро ўртасида қўрғон тепасида ўтириб нималарни хаёл қилди экан? Унинг сукутга ботиб ўтирган еридан шўх, шиддаткор Амударёнинг қаердан келаётганлиги ва қаерга бораётганлиги яққол кўзга ташланиб турарди. Дарё тонгда ҳам, тунда ҳам ярақлаб, саҳрони қиличдек ёриб ўзанини ташлаб кетишга ҳар дамда чоғланарди.

Нималарни ўйлаб хаёлга толди экан Султон Увайс бобомиз?

Дарёни тўхтатмоқчи бўлдимикин?

Уни инсофга қақирдимикин?

Туркийларни ташнаком қилмасликни Яратгандан ўтиндимикин?

Нелар ўтса ўтгандир Султон Увайс бобонинг теран хаёлларидан. Бугун Султон Увайс бобо пойидан Ўзбекистоннинг ўз темирўли ўтяпти. Бобо кунчиқардан кунботарга ўтар йўллар, обод манзилларни кўз ўнгига келтирмаган, улар унинг хаёлхонасида кўринмаган бўлса, бугун бу темирўл тушармиди, бу сахро — сахро бўлса ҳам ўта табаррук ерларга.

Орзу ҳеч қачон ўлмайди. У халқнинг миллий ғоясига айланиб, уни хамиша келажак сари етаклайверади. Биз эса бобо орзуларидан бино бўлганмиз...

### ҲАР ЮРАКНИНГ ҚЎРИ

Ватанимиз бахтсиз, ўзимиз ночор бўлиб қолмаслигимиз учун ҳам бизга миллий ғоя керак. Аср бошида миллий ғояга санокли асил одамларгина интилган эдилар. Унинг халқ, мамлакат, давлатчиликдаги ўрнини чуқур англаган, билган, англовлари, билгиларини бутун халққа етказишга уринган эдилар. У пайтлардаги халқнинг саводхонлик ва билик даражаси билан ҳозирдаги саводхонлиги, маърифати ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Миллий ғоянинг мавжудлиги ва ҳаракатга қобиллиги аввало саводхонлик билан белгиланаркан, ҳозир саводхон бўлмаган кимса йўқ. Ҳозир ҳар бир юракда миллий ғоя авж олиб ўса оладиган замин етилган. Улуғ жаҳид боболар бутун куч-ғайратларини замин ҳозирлашга қаратган эдилар. Бизнинг ишимиз осонроқ. Биз тайёр заминга эгамиз. Бу заминга қандай ишлов бериш, уни турли экологик ва ўзга офатлар, балолардан асраш ўз қўлимизда, иродамизда. Бўшангликни қули бўлиб юрадиган замонлар аллақачонлар ўтиб кетди. Бозор иқтисоди, инсон эркинликлари, демократия ҳар бир одамдан кучли бўлишни талаб қилади. Ҳар бир одамдан аввало ўзининг қиёфасини белгилаш ва шакллантириш, кейинги пайтларда қўп айтаётган ва ёзаётганимиздек, комил инсон каби ҳаракат қилишимизни вазифа қилиб қўяди.

Комил инсон бўлиш аввало миллий ғояни юракка жойлаб яшаш демакдир.

Миллий ғоя кўзга чалиниб, ҳар биримизнинг эшигимизни қаттиқ-қаттиқ тақиллатаётган пайтда, бу қандай бўларкин, ҳаммани яғона ғоя билан яшашга мажбур қилинса, бунинг биз базўр қутулган тоталитаризмдан фарқи қоладими, деганга ўхшаш фикрда бўлаётганлар бор; қолаверса, бу ҳол Конституциямизга зид бўлмайди-ми? Ахир бош қонунимизда: «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади» (12-модда) деб олтин сўзлар билан ёзиб қўйилган! — Инсон учун энг олий кадриятлар белгиланган. Ҳа шундай! Лекин бу ўзагимизни тутиб турадиган улур қоидалар ҳеч қачон миллий ғоя ва ундан ўсиб етиладиган миллий мафкурага зид эмас. МИЛЛИЙ ҒОЯ ТОМ МАЪНОДА фикрларнинг хилма-хиллигини тақозо қилади ва ҳатто талаб қилади! Ислоҳ Каримов сўзи билан айтганда, миллий ғоя фикрлар хилма-хиллигига туртки беради, фикрлар хилма-хиллигини қучайтиради. Вужудга келиши мумкин бўлган мафкуравий бўшлиқларнинг ўрнини тўлдирди. Кишини сохта, захарли ғояларнинг хуружлари, тажовузларига қарши курашга қуроллантиради. Ислоҳ Каримовнинг миллий ғояни яғона миллат байроғига қиёслаши бежиз эмас. Байроқ сафланиш, бирлашиш, бир мақсадга интилиш, миллий ифтихор ва ишонч рамзи бўлганидек, миллий ғоя ҳам халқ учун келажакка интилиш ва боришда шундай руҳоний-маънавий, маърифий қуч-қувват манбайидир.

Миллий ғоя оила, мактаб, жамият ва инсон қалбининг обу ҳавоси, унинг қанчалар бойлиги, тозаллиги, яхши яшашга ҳозирлиги...

Миллий ғоя ҳар қандай меҳнатнинг иксири, яна ҳам тўғрироғи, иксири аъзами. Усиз меҳнат, халқ тили билан айтганда, «қора меҳнат», яъни ҳосилсиз меҳнатдир. Бундай меҳнат одамни бой қилмаганидек, халқ ва мамлакатни ҳам бой қилмайди. Биз миллий ғоямизнинг бошига меҳнатнинг сифати, даражаси, самарадорлиги ўзимиз ва мамлакатимизни қанчалар бой ва қудратли қилиши билан ўлчанишини ёзиб қўямиз. Чунки фақат меҳнатгина ибодат ва ибодатдан кейинги роҳат, инсон ўзини ҳақиқий маънода инсон деб ҳис қилиб яшашининг онасидир.

Миллий ғоя ва ҳаёт, оилани бир-бирига боғлиқлик томонларини муқояса қилган ва чамалаганда, кўз ўнги-

мизда азим тирик дарё пайдо бўлади. Ана энди мана шу азим дарё, тирик дарё бугун ҳар оила, ҳар бир мактаб, ҳар бир хонадон, маҳалла, жамоатчилик идоралари ичидан ўтса, ҳар бир юракни ўз оқими шиддати билан ўраб олса, унда олижаноб шиорлар фақат шиоргина бўлиб қолмасдан, балки нақ ҳаёт — жонли, ранг-баранг, жозибали ҳаётнинг ўзига айланади. Биз шу кунгача бу тирик дарёнинг рўпарасида яшадик ва унга бепарво, лоқайд бўлдик. Дарё бизнинг ёнимиздан ўз теранликларида ўтиб кетаверди. Энди бундай беғамликка имкон ҳам, шанс ҳам қолмади. Тарих, замон бизни ўз глобал қудрати, забтига олди, бизни тезлапти, шоширяпти. Энди сусткашлик, ланжлик, лапашангликка асло ўрин йўқ.

Ҳа, энди миллий ғоянинг тирик дарёсини юракларимиздан, онглариимиздан, толейимиздан ўтказайлик. Дарё ичимиздан оқиб ўтсин.

Шунда миллий ғоя ҳаракатларимиз, меҳнатларимиз, интилишларимиз қанчалар маъноли, қанчалар мазмундор, қанчалар самарали бўлаётганлиги, давлатчилигимиз, ҳаётий, умуминсоний манфаатларимизга қанчалик мос, муносиб, уйғун, тўғри юзага чиқаётганлигини кўрсатиб, белгилаб туради.

Одамнинг юрагида гавҳар бўлади, дейдилар. Миллий ғоя ана шу гавҳарни сайқаллайди, уни порлантиради, зиёсини абадиян ўчмас қилади. Ранг-баранг интилиш, ўй, фикрларимиз ана шу гавҳарнинг шуълаларидан файзланади. Ибодатдан сўнг меҳнатга буюради Худо. Меҳнат, ибодат, Худога интилиш бир-биридан ажралмас ва ҳамиша бири бирини тўлдиради. Комилликнинг кўрсаткичи шудир. Миллий ғоянинг иймон билан чамбарчаслиги ҳам шудир. Миллий ғоя — бир ўлчов. У бизнинг ранг-баранглигимизни синайди, фикрларимизнинг хилма-хиллигига тошу тарози бўлади.

Миллий ғоя ранг-баранглик ва демократияни кучайтирса кучайтирадики, асло сусайтирмайди. У худди зилзила каби юракдан барча ортиқча, бефойда нарсаларни чиқариб ташлайди. Ва фақат комиллик ҳамда ҳаёт равнақига доир нарсаларни қолдиради ва уларга куч бағишлайди. У бизга ҳамиша ўғирда сув туймасликни ўргатади ва шундан огоҳлантириб туради. Машхур бир шоирнинг мисраларида айтилганидай:

*Асло тиним билмасин юрак!  
Ўғирда сув туймаслик учун  
Юрак меҳнат қилмоғи керак  
Кеча-кундуз, кечаю кундуз.*

(Х. Даврон таржимаси)

Миллий ғоя мана шу юрак меҳнатини хамиша йўналтиради. Уни ўйлайлик, ўйлайлик ва яна бир карра ўйлайлик ва юрагимизнинг мулкига айлантирайлик.

## **МИЛЛИЙ ҒОЯ, ИМОН ВА ЭЪТИҚОД**

Нақадар орзулаб етишган истиклолимизнинг илк тонгида Ислому Каримовнинг нутқларида миллий ғоя, миллий мустақиллик мафқураси, миллий мафкура деган тушунчаларга дуч келганда, қайта қуриш, ошқоралик шовкин-суронларида кўп нарсаларни кўрган, билган бўлсакда, тўғриси айтсам, шошиб қолганмиз. Бу қоронғуликдан, фақат биргина ранг ҳукмрон бўлган оламдан ёруғликка чиққан эски зиёлиларнинг доводиришига ўхшарди. Бошқаларни айтолмайман, лекин ўзим бу тушунчалар олдида доводиранман. Уйимда қирқ йилдан бери йиққан китобларим, ўзим севган, беҳад қадрлайдиган рангбаранг луғатларимни бирма-бир синчиклаб варақладим. Бу тушунчаларни қидирдим. Уларнинг маъно-моҳиятини англаб етишни истадим. Лекин шўро даврида нашр этилган луғатлар, энциклопедияларнинг биронтасидан бу тушунчаларни кундузи чирок ёқиб ахтариб тополмадим. Кутубхоналарда ўтириб луғатлар ва адабиётлар кўрдим. Биронтасида миллий мафкура, миллий ғоя тушунчаси учрамади. Улар совет луғатларидан тамомила бадарга қилинган эди. «Синфий кураш», «синфий онг», «синфий жамият», «синфий мафкура», «тарих — синфлар кураши» деб урғу берган луғатлар, ўта бир тусдаги ва ўта зерикарли коммунистик адабиётлар миллий ғоя, миллий мустақиллик мафқураси, миллий онг, миллий қарашлар деган тушунчаларни Сибирдан ҳам узокроқларга сургун қилиб юборган, уларни истибод остидаги миллатларнинг тили, тушунчаси, луғати, тафаккуридан мутлақ суриб чиқарган, бу тушунчаларни халқ онгига етказувчиларни эса ашаддий қатъият ва шафқатсизлик билан қат-

ли омга дучор этган эди. Ислом Каримов асарларини ўқиб, унинг нутқларини тинглаб миллий мафкура, миллий ғоя миллат тугал шаклланиб етганда, ва тугал, бутун миллат эканлигини исботлаганда, тугал эркинлик ва мустақилликка эришганда, ўз тақдирини ўзи қуриш иродаси ва онгига эга бўлгандагина дунёга келиши, куч олиши, халқнинг рухоний ўзагига айланишини англадик. Озодлик учун, ўз мустақил давлатчилиги анъаналарини тиклаш, яратиш ва булар йўлида ҳар қандай курашга тайёр туриш, ўз конституцияси асосларини бунёд этиш ва сўнг бу асослардан заррача ҳам чекинмаслик, бунда ирода қудратини ҳар дамда тўла намоён этиш миллат ва миллий ғоянинг пайдо бўлганлигини билдиради.

Миллий ғоя эркинлик ва фаровонлик йўлида халқни бирлаштиради. Унинг ўқини ўздиради. Халқлар, мамлакатлар аро кетаётган маданий, илмий, иктисодий, ислоҳий мусобақаларда мақсад ва оёмол уфқларини очади. Халқнинг ҳаракатига қувват ва маъно бағишлайди. Ислом Каримовнинг куни кеча нашр этилган «миллий мафкура ҳақида» деган мажмуасини яна бир қарра ўқиб, бу ерда бир неча йиллар мобайнида, истиқлолни қуриш ва мустақамлаш, ислохотларнинг энг муҳим йўл ва йўналишларини аниқлаш амалиёти жараёнлари ва осон бўлмаган тажрибаларида туғилган ва бири бирини тўлдириб, бири бирини тобора бойитиб борган ўй, фикр-мулоҳазаларни жамулжам ҳолда онгимиздан ўтказдик, миллий ғоя ва ундан ўсиб етиладиган миллий мафкура том маънода миллий манфаатларнинг инъикоси, зухуроти — миллий манфаатларнинг тажаллийси ва ифодаси эканлигини англаб етдик.

Халқ дунё ҳодисаларига, тарих ва дунёдаги ўрнига ўз миллий манфаатлари жамулжамидан келиб чиқиб қарайдиган, баҳо берадиган, ўлчайдиган ва энг муҳими, шулар асосида бу ўта мураккаб оламда ҳаракат қилиш рағбатига эга бўлганда, бу халқнинг ҳақиқатан ҳам миллий ғояси бор экан, дейдилар. Америка ўз содда, равшан миллий ғояси туфайли Америка бўлди. Америка мана, уч юз йилдан бери ўз миллий манфаатларини озодлик ва инсон ҳуқуқлари ва шулар учун ҳар қачон, ҳар қандай шароитда кураш мажбуриятини хис қилиб, англаб Америкага айланди. Америка асри деган ибора



бекор айтилмаган. Америка асри дегани — Америка ғояси — миллий ғояси дейилганидир.

Ўз конституциясига тўла ва оғишмай риоя этиб, жамиятни курувчи ва ривожлантирувчи мамлакат — адолатли мамлакат. Фуқаро ўз ҳуқуқлари ва қонуларни истифода этиб яшаётган мамлакат. Бунда фуқаро ва жамият бир-бирига ўта уйғун, бир-бирига ўта мос ва муносиб. Фуқаронинг фуқаролиги унинг ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва давлатни идора қилувчи қонуларни билиш, тушуниш билангина белгиланмайди. Айни замонда фуқаро ўз ҳуқуқлари ва қонун имкониятларини рўёбга чиқариш мажбуриятини ҳам мукамал эгаллаган бўлиши зарур. Ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ўртасидаги уйғунлик, мутаносиблик муайян давлатни ҳам, унинг фуқароларини ҳам кучли-қудратли қилади. Ҳуқуқлар бошқаю мажбуриятлар тамомила бошқа бўлиб қолса, бу уйғунлик, ижтимоий мутаносибликнинг бузилиши турли фожиалар, адолатсизликлар, ўз тақдири учун маҳкам туролмаслик ва энг ёмони, қашшоқликлар, муҳтожликларни келтириб чиқаради. Бир сўз билан айтганда, сиёсий, ижтимоий ҳуқуқлар сиёсий, ижтимоий мажбуриятлардан ажралмасдир. Фуқароларнинг сиёсий ҳафсаласизлиги Ватан, миллат, мамлакат, давлат олдидаги ва қолаверса, ўз тақдири олдидаги мажбуриятларни англамасликдандир.

Фуқаронинг мана шундай ўз инсоний, фуқаролик мажбуриятларини англаши ва улар асосида ҳаракат қилиши фақат ва фақат миллий ғоядангина туғилади ва мустаҳкамланади. Шўро нима курса, зўрлаб қурдирди. Бирон бир иш зўравонликсиз рўёбга чикмади. Шўро одамларга ва тобе халқларга юклаган мажбуриятлар зўравонлик мажбуриятлари эди. Шўро одамлари унинг мажбуриятларидан ҳаддан ортиқ безган ва ҳаддан ортиқ чарчаган эдилар. Ҳозир ҳам мажбурият деганда одамларнинг ёдига ўша шўро мажбуриятлари тушади. Бизнинг энг оғир асоратларимиздан бири — шу. Ўша шўро мажбуриятларини эслаб, титраб-қакшаб бугун ҳам мажбуриятлардан ўзимизни иложи борича олиб қочишга интиламиз. Ҳолбуки, шўровий мажбуриятлар билан миллий истиқлол ҳар биримизнинг зиммамизга ихтиёрий тарзда юклаётган фуқаролик мажбуриятлари тамомила бошқа-бошқа моҳиятга эга ходисалардир. Эркин фуқаро, эркин инсоннинг мажбуриятлари билан тобе, қарам, ўз тақдири-

ни ўзи хал қилолмайдиган одамга зўрлаб ўтказилган, сингдирилган мажбуриятларнинг ер билан осмонча фарқи бор. Истиқлол ва эркинлик мажбуриятлари халқ, миллат, давлатнинг туб манфаатлари ва уларни ҳимоя қилиш, оғишмай амалга оширишдан туғилади ва шу билан белгиланади. Миллий мафқура инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ўртасида туб мувозанат, уйғунлик, мутаносиблик яратади. Мана шунда миллий мафқура ва миллий ғоянинг моҳияти! Бунда одам ҳар бир нарсага, хоҳ ижтимоий ва хоҳ шахсий, хусусий ходисаларга миллий манфаатлар ва қадриятлар нуктаи назаридан ёндошишга, муносабат билдиришга, ўз ҳаётий позициясини белгилашга ўрганади, одатланади. Бу энг олий инсоний одатланишдир! Нақадар лазиздир бу эътиқод, бу имон, бу миллий ғоя!

Биз шу билан ортиқ даражада фахрланамизки, Бехбудий, Авлоний, Қодирий, Чўлпон, Мунаввар Қори ва уларнинг нодир сафдошлари асримиз аввалларида миллий ғоянинг тажассуми бўлган, бўлолган эдилар.

Миллий ғоя ўзи нима? — деган саволга мен: Конституциямизнинг муқаддимасида миллий ғоямиз ўзининг бениҳоя ёрқин ва аниқ ифодасини топган деб жавоб берган бўлар эдим. Дунёга чиқиш ва мустақил эркин демократик давлат қуриш, эркин яшашнинг етти принципи — миллий мафқураамизнинг базасини ташкил этади. Шу етти принципда ўзбек халқи, ўзбек миллати ва кенг маънода Ўзбекистон халқининг — миллатидан қатъий назари — миллий мақсади, миллий ғояси ўз аксини топган. Бизнинг миллий ғоямиз XX аср мобайнида маърифат, уйғониш ва мустақилликни орзу қилишдан мустақиллик, эркинлик, демократия, ўз тақдири, ўз давлатчилигини ўзи қуриш, яратиш ва шу амалиётда ўзини намоён қилиш даражасига — миллий тикланиш даражасига кўтарилди. Энди миллий ғоя аср бошидагига қараганда тамомила янги қиммат касб этади, янги аҳамиятга эга бўлади. Бугун биз турли сохта, зўраки ғояларга, ақидаларга дадил ва жанговар қарши тура оладиган, мафқуравий бўшлиқларни янги ҳаёт нафаси билан тўлдира оладиган майдонга, бардошли миллий ғояга эгамиз. У Ислом Қаримов айтганидай, инсон учун янгидан янги кашфиётларга ҳақиқий маънодаги туртки бўлажак.

XX асрнинг жуда аччиқ ва ўта фожиали тажрибалари бизга шундан дарак берадики, миллий истиқлол мафкураси маърифат ва таълим заминида туғилади, илм-фан ва эътиқод ичида улғаяди. Агар таъбир жойиз бўлса, у халқ, миллат, мамлакатни турли қутилган ва қутилмаган таҳдидлардан сақловчи, ҳимоя қилувчи ишончли қурол — ишончли эътиқоддир. Миллий ғоя ва истиқлол мафкурасига суянмаган, шундай ғоя ва мафкурани яратмаган давлат узок яшамайди. Тарихнинг шиддатли зарбалари остида тарқалиб, йўқ бўлиб кетишга маҳкум бўлади. Ажойиб бир ҳол шуки, ўтмишда улғуф аждодларимиз инсон, мамлакат, халқ дардига дармон бўладиган, кучли ҳимояга қобил шундай ғояни излаганлар. Амир Темур куч — адолатда деган фикрни ўз тузуклари асосига қўйганда, шундай умуммиллий ғояга яқинлашган эди. Лекин у замонлар бу етук ғояни ҳаракатга соладиган миллат хали тарих саҳнасига чиқмаган эди. Бобур ўз давлатчилигининг туганмас армонларига чора излаб, қўп нарсаларни ўйлатадиган жуда дардли сўзларни ёзиб қолдирган эди:

*Нетайин, не қилайин дардим учун,  
Чора кимдин тилайин дардим учун?  
Чора дардимга магар пир этгай,  
Чорасиз ишима тадбир этгай.  
Найлайин, муршиду нетай иршод,  
Қобилият қанию истейдод?*

Бу изтиробли сўзлар миллий ғояни зўр бериб излаган буюк ватандошимизнинг бўз нидоси бўлиб эшитилди.

XXI асрга кириб бораётганда миллий ғоямизнинг қудрати ва яшовчанлигини энди ўқитиш сифати, таълимнинг даражаси, соғломлаштиришнинг миқёси хал қилади. Булар қолаверса, миллат сифатида тақдиримизни хал қиладиган янги замон ҳодисаларидир. Ва уларнинг амалиёти, такрор айтишга тўғри келади, ҳар биримизнинг ўз мажбуриятларимизни қандай ўташимиз, адо этишимизга боғлиқ. Миллий ғоямиз ва унинг бирла биз ўзимиз ҳозир шу тобда икки улғуф савол қаршисида гавдаланиб турибмиз:

1. Бу дунё глобал ҳаракатларга кирган дунё. Биотехнология, компьютерлар, информациялар, янги алоқа сис-

темалари, янги таълим тизимлари, савдо-сотик, бизнес ва инвестицияларнинг қудратли тўлқинлари ер қуррасининг барча мамлакатларига шахд билан кириб бораётир. Мана шу улуғ оқим ичида бизнинг тикланиб келаётган миллий ғоямиз қандай мазмун ва қандай моҳият касб этади? У ўз ўрни ва мавқеини топишга қодирми?

Назаримда, у буюк меросий қадриятларга суянгани боис дунё оқимига дош беради ва ундан товланиб чиқади.

2. Ислом Каримов учрашувда эслатди: Халқнинг бир қисмига миллий ғоя ҳали етиб боргани йўқ. Гапнинг рости, бу одамнинг уйқусини ўчириб юборади. Миллий ғоядан четда турганлар. Хўш, уларни қандай йўл, қандай чоралар билан миллий мафкура мухити билан қамраб оламиз?

Ҳар биримиз замоннинг бу саволларига мажбуриятларимизни қандай адо этаётганимиздан жавоб кидириб кўрайлик.

## **ИНСОНИЯТ ОЗОН ТУЙНУГИДАН УЧИБ КЕТМАЙДИМИ?**

Бу йил ёз иссиқ келди. Узоқ давом этди. Тошкент атрофларида осмон уфқлари ҳали яқин орагача худди тандирдек яллиғланиб турди. Қуёш ботиб кетгандан кейин фазо уфқларининг бундай — худди қизиган, ёнган кесакдек бўлиб яллиғланиб туриши илгарилари жуда кам кузатилган эди. У эртага ҳам ва яна узоқ вақт иссиқ ҳаво сақланиб туришидан дарак берарди. Одамлар шундай пайтлар кўп бетоқат бўладилар. Сабабсиз нолийдилар. Ҳаво етмаяпти деб безовталанадилар. Кейинги пайтларда ҳамманинг оғзидан бир гапни эшитасиз: Ер юзида иқлим ўзгаришти. Одамлар бу ўзгаришларни савки табиий билан сезадилар. Зотан бутун космосда бўлаётган ўзгаришлар одам организмиде ҳам акс этади. Шунинг учун ўриб олинган бугдойзорларни ноқисона ёқиб юборилиши, газлардан, сувлардан, электр энергияларидан тежамсиз фойдаланиш, бўлар-бўлмасга автоларни у ёқдан бу ёққа югуртириш, тежамсиз тарзда «ха, ўзимнинг пулимга олиб ёқяпман-да!») бензин, керосин ёқиш ва шу каби бугунги кунда ғоятда исрофгарчилик каби қабул

қилинадиган ишлар тобора кўпчиликка хуш келмай, меъ-дага тега бошлади. Ахир одамзод ер юзини сакламаса, қаерга бориб яшайди? Одам зарралардан тузилган. Коинот, бизнинг фазомиз ҳам зарралардан — беҳад ақлли зарралардан ташкил топади. Фазонинг емирилиши, бузилиши — одамнинг емирилиши ва бузилиши ва ўз навбатида одамнинг емирилиши ва бузилиши фазонинг емирилиши ва бузилишидир.

16 сентябр — Халқаро озон қатламини химоя қилиш куни. 2003 йилнинг 16 сентябрида у Ўзбекистонда учинчи маротаба нишонланди. Бу кундан балки биров хабар топгандир, балки топмагандир. Айби йўқ. Аммо бундай нарсалардан беҳабарлик ёки уларни менсимаслик одамга жуда қимматга тушади. Бу ушбу дамда ҳам сезилиб турибди.

Лекин БМТ ўзининг бир қанча атроф-мухит Дастури бўйича иш юритувчи ЮНЕП, ЮНИДО, УНЕП сингари эътиборли ташкилотлари билан биргаликда озонни муҳофаза этишни халқаро кун сифатида белгилаганлиги бу нафақат табиат, атроф-мухит, балки бутун инсониятнинг борлиги, унинг келажагини химоялаш мақсади билан чамбарчас боғланади.

Ўтган асримизнинг 60—70-йилларидан эътиборан ер юзи олимлари иқлимшунос, табиатшунос, физиклар, биологлар куррайи заминнинг стратосферасида (атмосферамизнинг юқори қатламлари) кислороднинг махсус атомларидан таркиб топган газсимон озон қатламида ўпирилиш ва емирилишлар рўй бераётганлигини айтиб, инсониятни огоҳлантириб бонг ура бошладилар.

Ерни ўраб турган 15—20 км юксакликдаги харир озон қатламларининг очилиб қолиши Коинот ва Қуёшдан тушадиган кучли таъсир кучига эга ултрабинафша нурлар ер юзасига ҳеч қандай тўсиксиз етиб келиши оқибатида барча тирик жонзотларни куйдириб ташлайдиган даражада ҳалокатли таъсир ўтказиш, натижада заминда олдини олиш қийин фалокатлар, бўҳронлар юз бериши мумкинлиги тўғрисида хабар бердилар. Булардан биз озон ернинг химоя пардаси эканлигини билдик. Бу парда йиртилган, ёки худо кўрсатмасин, йўқолган тақдирда ер юзида ҳаёт тугайди. Бу ҳақда жуда кўп илмий асосли, хавотирга тўлиқ мақолалар ёзилди. Олимлар, мутахассисларнинг кенгашлари ўтказилди. Уларда

стратосферадаги озон қатламларида рўй бераётган ўзгаришлар фақат ва фақат инсониятнинг кенг миқёслардаги хўжалик, техник, маиший фаолияти туфайли вужудга келаётганлиги беҳад катта муаммо каби ўртага қўйилди. Олимлар, мутахассислар озон емирилишига сабаб бўлаётган ходисаларни ўрганиш, таҳлил қилишга киришдилар. Натижада, озон қатламига хлорфторуглеродлар, галогенлар, галогенуглеродлар емирувчи таъсир кўрсатаётганлигини аниқладилар.

Маълумки, хлорфторуглеродлар (қисқача ХФУ) ва уларнинг бир қатор хосилалари совутиш системаларида совутувчи моддалар сифатида жуда кенг қўлланилади. Ранг-баранг совутгичлар, кондиционерлар ва бошқа жуда кўплаб турдаги музлатиш ва совутиш техник системалари фаолиятини бу каби моддаларсиз тасаввур қилиб бўлмасди. Ҳамма гап шундаки, хлорфторуглеродлардан ҳосил бўладиган газсимон кимёвий моддалар ҳавога тарқалиб, озон қатламларигача кўтарилиб, кимёвий реакцияга киришиб, натижада озоннинг сийраклашуви, баъзи ҳолларда эса анча катта миқёсларда очилиб қолишига олиб келади. Яъни ернинг — тирик жонзотларнинг коинотдан муҳофаза пардаси йиртилади. Ердаги ҳаётнинг муҳофаза салоҳияти заифлашади. Кейинги ўн йилликларда иқлимимизнинг иссиқлаб бораётганлигини олимлар, иқлимшунослар, қолаверса, ушбу ходисанинг авж олаётганлиги билан ҳам изоҳлайдилар.

Албатта, ерда иқлимнинг кескин ўзгараётганлигига ёлғиз ХФУлар ва бошқа шу каби хоссали моддаларгина таъсир кўрсатаётган эмасдир.

Инсониятнинг кейинги эллик йил ичида ер остидаги газлар, нефть ҳамда улардан ҳосил қилинадиган турли туман моддаларни ақл бовар қилмайдиган даражада ишлатиш, ёқиши, ўрмонларни кесиши, саноатда кўплаб кислород ишлатиши, ядро синтезларига ружу қўйиши, қишлоқ хўжалигида кимёнинг кенг ва адалсиз қўлланиши, умуман саноат ишлаб чиқаришига зўр бериши — булар ҳаммаси бир бўлиб ернинг ўзига ҳам, унинг қобикларига ҳам, атмосфераси, стратосфераси ва ҳатто ундан баландроқларга ҳам кучли таъсир ўтказаяётгани сир эмас.

БМТ инсоният бошидаги мана шулардан келиб чиқадиган ҳалокатларни олдини олиш мақсадида 1985 йилда

Вена Конвенциясини ишлаб чиқди. Конвенция «Озон қатламини муҳофаза қилиш ҳақида» деб аталади. Ҳозирда Вена Конвенциясини 178 мамлакат қўллаб-қувватламакда. 1987 йилда озон қатламини ҳимоя қилиш чоралари бўйича яна бир қадам олға ташланди. Канаданинг Монреал шаҳрида Протокол имзоланди. Унда озон қатламинини емирувчи моддалар қайд этилиб, емирилишнинг олдини олиш, емирувчи моддаларнинг ўрнини бошқа зарарсиз моддалар билан алмаштириш, зарарли моддаларни йиғиб олиб тўплашнинг аниқ тадбирлари белгилаб чиқилди. Энг муҳими, ХФУлардан фойдаланишни қисқартириш, уларни ишлаб чиқаришни камайтириш ҳақида қарор қабул қилинди. Монреал Протоколини қабул қилишда 24 давлат қатнашган бўлса, ҳозирга келиб уни дунёнинг 177 давлати имзолади. Шундан сўнг масалага эътибор янада чуқурлашиб, 1990 йилда Лондон тузатиш, 1992 йилда Копенгаген учрашуви қарорлари дунёга келди. Уларда ХФУнинг беш турини, галоннинг уч турини ишлаб чиқаришни тўхтатиш, назоратга дахлдор моддалар рўйхатини кенгайтириш, зарур чора-тадбирларни амалга оширишда иқтисодий ўсиш босқичида бўлган ҳамда ривожланётган мамлакатларга техник, моддий ёрдам кўрсатиш, Протокол моддаларини олишмай тадбир этиш чоралари белгиланди.

Ўзбекистон 1993 йилда Вена Конвенцияси ва Монреал Протоколини имзолади. 1998 йилда Лондон ва Копенгаген тузатиш ва қўшимчаларига қўшилди. 2001 йилда Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси қошида Озон офиси идораси ташкил топди.

Ҳозирда қатор халқаро ташкилотларнинг қўмағи, саъй-ҳаракатлари натижасида озон қатламини емирувчи моддаларни ишлатиш, уларнинг ишлаб чиқарилишини тўхтатиш, йиғиб олиш ва шунингдек улар ўрнига озон қобиқлари учун зарарсиз моддаларни қўллаш, янги технологияларни жорий этиш бўйича катта амалий ишлар олиб борилмоқда. Улар ҳозирда бутун дунё мамлакатларида шу соҳада олиб борилаётган глобал тарздаги ишларга тўла ҳамоҳангдир. Бу борада Ўзбекистон ҳукумати 2000 йилда махсус қарор қабул қилиб, унда Ўзбекистоннинг озон қатламлари ҳимояси юзасидан халқаро мажбуриятларини бажаришнинг қатор муайян чоралари бел-

гиланди. Унга кўра, Ўзбекистонга озон қатламини емирувчи моддаларни киритиш қисман тўхтатилди ва қисман чекланди. 2000—2002 йилларда БМТ ташкил этган Глобал экология фонди озонни сақловчи технологияларни жорий этиш учун Ўзбекистонга 3.356.194 АҚШ доллари миқдорида хайрия ёрдами кўрсатди. Шунга кўра, чунончи, 2001—2003 йилларда қарийб 70 тонна хавфли ХФУ — 12 моддаси йиғиштириб олинди. Совутгичларни ўрнатиш, таъмирлаш билан шуғулланувчи 500 дан ортиқ мутахассислар қайта ўқитилди, янги ишга ўргатилди. Озон учун зарарли моддалар экспорти ва импортини назорат қилиш учун божхона ходимлари ихтисосини ошириш чоралари кўрилди. Янги ишга зарур ўқув қуроллари, асбоб-ускуналар келтирилди. Ҳозиргача озонни сақлаш юзасидан қатор дастурий ишлар йўлга қўйилди. Ўнлаб махсус семинарлар ўтказилиб, уларда 350 мутахассис таълим олди. Машҳур «Сино» эса хорижга чиқарадиган махсулотларини янги технологиялар асосида яратиш учун 1,5 млн. долларлик асбоб-ускуналар келтирди. Ҳозир озонни сақлашнинг махсус лойиҳалари асосида иш олиб борилмоқда. Уларга Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бош-қош бўлмоқда. Булар бари Ўзбекистоннинг атроф-муҳитни сақлаш глобал тадбирларида юксак маданий мамлакатлар билан бир сафда туриб, инсониятнинг келажаги, олижаноб инсонпарварлик мақсадларига ўз улушини қўшиб бораётганлигини кўрсатади. Бу ишлар БМТ ва унинг ташкилотлари, дунё мамлакатлари билан яқин ҳамкорликда тобора авж олишига ишончимиз комил.

«Озонэкшн» халқаро нашрининг хабар беришича, Янги Зеландиянинг Отаго, Американинг Нью-Хемпшир университетлари олимлари ўтказган тадқиқотларда озон қатлами тутиб қололмайдиган ултрабинафша нурлар Антрактиканинг 2,5 метр қалинликдаги музларини ёриб ўтиб муз остида яшовчи тирик организмларга таъсир кўрсатяпти. Денгиз қиршилариининг одатда дум-думалок бўлгувчи тухумлари ғадир-будир қинғир-қийшиқ бўлиб қолган, уларнинг сиртки пўстлоғи худди куйиб, сўхта бўлиб кетганга ўхшайди. Бошқа бир қисми эса тамомила ҳаётга яроқсиз холга келган. Олимлар ултрабинафша нурларнинг йўлини тўсиш учун маълум бир жойларга



тўсиқ экранлар ўрнатишган. Тухумлар экран қўйилмаган жойларда радиация таъсирида 30—40 фоизгача ўсишдан тўхтаган. Муз қатлами бўлмаган денгизнинг очик жойларига қўйилган тухумлар эса тўла нобуд бўлган.

Кейинги йилларда Антарктика узра озон қатламининг емирилиши кўпроқ сентябр ойида кузатилмоқда. Бу пайтда булутлар стратосферада Кутб тепасида юксакда ҳосил бўлиб, ХФУлар билан реакцияга киришиб, озоннинг юшқа қобигини емирмоқда. Худди шунингдек, ҳар қўклам фаслида жанубий Кутб — Антарктика фазосидаги озон қатлами сийраклашади. Озон сийраклашган ерлар бу пайтда бемалол АҚШнинг ер майдони ҳажмига баробар бўлади. Озон сийраклашиб туйнук ҳосил бўлган жойлар Янги Зеландия ва Австралия устида ҳам сезиларли даражада мавжуд.

Яқинда Нидерландиянинг Утрехт университети тадқиқотчилари Европа фазосида ҳам озон қатламини емирувчи метилхлорформ (МХФ) бирикмалари борлигини кайд этдилар. Бунинг сабаби ер остига қўмилган МХФ чиқиндилари бўлиши мумкинлигини айтмоқдалар. Умуман, ер остига қўмилган, сув остига ташланган зарарли кимёвий ва ядро чиқиндилари ҳеч қачон тинч ётмайди. Сизиб, буғланиб, парланиб, парчаланиб яна юқорига — ҳавога чиқишга доим мойил бўлади. Европада МХФ зарарли бирикмаларининг қанчалигини аниқлаш мақсадида махсус тайёралар Алп тоғлари, Марказий Европа, Германия, Ирландия, Жанубий Европа устида доимий учиб, ҳаво қатламлари ҳолатини мунтазам ўрганмоқди. Фазодан келаётган, йўлига тўсиқ қўйилмаган кучли радиация одамнинг иммун тизимларини ўта заифлаштиради, тери саратони касалликларини авж олдиради, кўзнинг турлича касалланишига олиб келади. Фазодан келаётган радиация қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликнинг тушиб кетиши, уруғларнинг айниши, айрим ўсимлик турларининг бутунлай йўқолиб кетишига сабаб бўлади. Тоғларда емирилишлар кучаяди, асрий музликлар юққалашади, ёрилади.

Жанубий Кутбда озон туйнуғи даврий тарзда кенгайгани боис Кутбга яқин Чилининг жанубидаги Пунта-Арена шаҳрида махсус фонарлар қўйилган. Фонарларнинг чироғи қизил тусда ёна бошлаганда шаҳар аҳолиси

кора кўзойнак тақади, ялангбош юрмайди, қалин шляпа кияди, устиларига узун енгли кўйлак илишади.

Ер юзидаги мамлакатлар бирин-сирин куррамиз атрофида ҳаво ҳамда озон қатламларини тоза сақлаш, муҳофаза қилишга киришмоқда. Кўп муваффақиятли лойиҳалар ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Ахир ер юзида айни бир дамнинг ўзида неча миллионлаб моторлар, двигателлар, компрессорлар, иссиқлик энергияси манбалари, атом энергияси манбалари ишлаб туради. Уларнинг бир дақиқа ичидаги энергия қуввати қанча бўларкин? Ердаги иқлим яна ҳам ўзгармасинми? Ҳарорат кўтарилмасинми? Кислород тақчиллиги сезилмасинми? Ўрмонлар ёнмасинми? Сув босмасинми?

Кўриниб турибдики, озонни емирилишдан сақлаш, муҳофаза қилиш экологиянинг битта буюк долзарб масаласи. Ҳа, хайрли лойиҳалар ишга тушмоқда, катта-катта сармоялар жалб қилинмоқда. Махсус асбоб-ускуна, анжомлар, техник воситалар ишлаб чиқилмоқда. БМТнинг озон офиси бир вақтнинг ўзида 77 лойиҳа бўйича иш олиб бормоқда. Шундай интенсив чоралар кўргандагина олдимизда турган эллик йил ичида фазонинг озон қобиғи XX асрнинг 80-йилларидаги ҳолатга келиши мумкинлигини айтмоқдалар. Озонни емирувчи моддаларнинг фазога чиқиши бўйича энг катта кўрсаткич АҚШга тўғри келади. Саноат ривожланмаган Африкага эса бор-йўғи 3 фо-йиз. Илмий ахборотларга қараганда, Американинг битта «Спейсшатл» фазо кемаси учганда бирваракай 10 млн тонна озонни емиради.

Битта мисолнинг ўзидан ҳам кўриниб турибдики, барқарор тараққиётнинг глобаллашуви, ишлаб чиқариш ва истеъмол юксак маданий ва оқилона даражада бўлиши, табиий ҳамда экологик ресурсларни бошқаришда сақлаш, муҳофаза чораларининг эффектив қўлланиши, буларни амалга оширишда доимий тарзда реал қадамлар қўйилиши ер юзидаги барча мамлакатлар, барча халқлар, барча инсонларнинг ҳаёт-мамот вазифаси.

Озон туйнугидан инсониятга боқаятган ҳалокат ҳар биримизни ўйлатмай, ҳаракатга ундамай иложи йўқ.

## БАЛОФАТГА ПЕШВОЗ

Истиклолимиз ўзининг балофат ёшига қадам кўймоқда. Дарвоқе, 12 ёш бу — балофат ёши — навқирон балофат. Одам ҳақида агар гап кетса, у ўн икки ёшда хар томондан бахтиёр бўлади. Истиклол кўп йилларни босиб, кўп тарихий босқичларнинг пиллапояларидан ўтиб, кўп қийин доvonлар ва доvonлар оша ижтимоий тикланиш чўққиларини ишғол этарок, бу гўзал, ўктам ёшга етмоқда.

Экилган соғлом уруғлар гуркираб униб чиқди ва олди уруғ хосилга кирди. Ўзбекистон қисқа тарихий вақт ичида бир томонлама тараққиётдан (пахта ўлкаси!) кўп томонлама ривожланиш йўлига ўтди. Қисқа бир муддатда ғаллакор мамлакатга айланди. Дехконларнинг чехраси ёришди. У меҳнати натижасини кўра олди. Унинг истиклолни қабул қилиши меҳнатининг натижаларига қараб бўлди. Эл-юрт ўн икки йилдан буён зўр ҳиммат, сабртоқар кўрсатиб қурган, мамлакатнинг барча бурчакларида комат кўтарган спорт майдонларида ёшлик энди ғайрат, шижоат билан спортнинг сирларини ўзига бўйсиндиришга киришди. Бу хайрли ҳаракат оммавий тарзда авжу ривож топаверади: Ўзбекистон ялпи спорт мамлакатига айланаверади. Ёшлар спорт майдонларида машаққатли, лекин беҳад хузурбахш синовлар, чиникиш, тобланишлардан ўтиб умумжаҳон спорт мусобақалари сари йўл олмоқда. Байроғимиз инсон маҳорати, жасорати, иродаси синовдан ўтадиган олам нигоҳидаги ерларда юксалиб ҳилширамоқда. Ўзбекистон! — мамлакатнинг қутлуғ номи шараф ва қаҳрамонлик шохсупаларида бот-бот тилга тушмоқда! Янги дунё солномаларида ёзилмоқда! Ўз ўчмас саҳифаларини очмоқда!

Ўзбекистон — 12 йил ичида серқирра маърифатли мамлакат — коллежлар, лицейлар мамлакатига айланди. Хар бир коллеж, лицей, мактаб бугун истиклолий, озод маърифатнинг ўчоғи. Ёшлар уларни завқ-шавқ кунту ихлос билан битириб, мамлакатнинг фаҳри бўлган университетларнинг мухташам қонқаларини дадил, шахдам тақиллатмоқда.

Зотан бугун Ўзбекистон — университетлар диёри. Университетлар халқимизнинг ўғил-қизларига замонавий билимлар берибгина қолмай, улар саф-саф келаётган ёшларни замонавий яшашга — замон кишиси бўлишга — ўз тақдирини ўзи муваффақият билан қуришга ўргатади. Информатикаю кибернетикаю компьютер чексизликларю янги иқтисод асосларию жаҳон тиллари!.. Эҳе-эҳе! Не-не поёнсиз инсон камолоти уфқлари очилмоқда.

Ўзбекистон ёшлари олдида очилаётган илм, билим, фан ва улар орқали турли замонавий ихтисосларнинг чўққилари, сир-синаотларини эгаллаш имкониятлари бе-хисоб! Ота-оналар Ўзбекистонда буни жуда теран сез-моқдалар ва ўзлари ҳам ўғил-қизларига қараб, уларнинг қадди-камолти, ақли-оъмолидан суюниб ҳар дамда бир бош ўсмоқдалар.

Халқ ўзига нотаниш бўлган жуда оғир иқтисод йўлларидан қийнала-қийнала, ўз инсоний ҳақ-хуқуқларини таниб, ўзини батамом озод одам деб ҳис қилиб, англаб, катта тарихидан қувват олиб, катта халқ сифатида ўзини таниб ва жаъм бўлиб, куч-қудратини тушуниб — демократия, озодлик, истиқлолнинг яратувчиси, бинокори, бунёдкорига айланмоқда.

12 йил тиришиб-тирмашиб, тежаб-тергаб, ўқиб-ўрғаниб, тикланишнинг алифбосини ўзлаштириб, ўзини заррача чалғитишларига йўл қўймай бугунги ўта мураккаб дунёнинг юрак зарблари, ижтимоий тўлқинлари, мамлакатларнинг бориш-келишлари, хирад, ақл мўъжизаларининг ғолиб кучга айланаётганларини кўра-кўра, кулок тута-тута халқ ўз янгиланаётган мустаҳкам тараққиёт заминларини яратди.

12 йилни биз янги ҳаёт асосларини яратиш даври деб атасак нақадар тўғри! Зеро, мамлакатгина эмас, ҳар бир одам бу мамлакатда ўзига, келажагига асос солди!

Ҳар бир одам ўзини одам деб сезди.

Зеро, бугун ҳар бир хонадон, оиланинг ўз старт майдончаси бор!

Биз шаҳарлар, туманлар, олис-олис қишлоқларда учрашувларда, халқ орасида истиқлол гурунглирида бўлганимизда, нуруний, пиру бадавлат қариялар, донишманд кишилар, фарзанд етиштираётган ота-оналар «Дуо денглар! Дуо денглар! Тинчлик, омонлик бардавом бўлсин!» — деб такрор-такрор айтадилар. Замонага шукро-

на билдирадилар. Бу шукрона замирида ўзил-қизларнинг истикболига буюк бир ишонч ўқиймиз. Не-не оналар ўғил-қизларини илм-фан чўққилари сари парвозга отлантираётганлари, бу йўлдаги барча қийинчиликларни кемириб-симириб ўтаётганликлари бутун элга равшан!

Бугун улуғ байрам хаяжонлари тилимизга кўчаётир:

- Истиклол! Кел, сени бағримга босай!
- Озодлик! Кел, бағримни шукуҳинг билан тўлдир!
- Эркинлик! Кел, жонимдан бир дам ҳам айрилма!



## МЕХРИБОН МУАЛЛИМЛАРИМНИ СОҒИНИБ

### Биринчи муаллимим

1. 1943—44-йиллар эди. Биз тилсиз жужуқларга ўқиш, ёзиш, алифбони Хайдарали ака деган ёш муаллим ўргатган. У урушнинг дастабки йилларидаёқ оғир ярадор бўлиб қайтган, қорамағиз, хушсурат, чиройли кийиниб, ниҳоятда озода, покиза юргувчи порсо киши эди. У қора доскага алифбо ҳарфларининг белгиларини ҳафсала билан ўхшатиб чизар, бизнинг ҳам ҳар биримизнинг қандай чизаётганлигимизни кузатар, ширин сўз билан қўлларимизни қалам ва қоғозга тўғрилар, шу ҳарф келадиган сўзларни оҳангдор қилиб қайта-қайта такрорлар, содда, қисқа жумлалар тузар, бизни ҳам ҳарфларни уларнинг оҳанги билан тўғри талаффуз қилишга даъват этарди. Унинг дарс ўтишига одамнинг хаваси келар, ҳар бир дарсига баъзан катталар ҳам кириб ўтиришарди. Дарсга ажратилган соатлар қандай ўтиб кетганлигини билмай қолардик. Хайдарали аканинг дарс соатлари тўхтамай давом этса, тугамасайди, дердик. Бошланғич синфларга дарс беришда Хайдарали акадан ўтадиган киши йўқ деб айтишарди. Унинг мактабда, ўқитувчилар ўртасида ҳурмати жуда баланд эди. Баъзан унинг урушда орттирган жароҳатлари азоб берса керак, бир қанча вақтлар дарсга келмай қўяр, шунда унинг ўрнига ёшгина муштипар қизлар, эри урушга кетган келинлар дарс ўтишарди. Улар бизга бениҳоя меҳрибон, ўқувчилар эмас, туғишган укалари каби муомала қилардилар. Биз уларни севардик. Совқотсак этаклари барига ўраб, дилдираган жонимизни иситар, эркалардилар. Икки-уч кунлаб келмай қолсалар, уйларига бутун синфимиз билан бирга излаб борардик. Оғир уруш йиллари муаллималаримиз баъзан бутунлай келмай қўйишар; биз уларни кутиб толиқар, соғинар, лекин улардан ҳеч дарак тополмасдик. Уруш пайти қийинчиликлари одамларни ҳар суратда енгар, дам йўқчилик, дам очлик, дам чексиз аламли айрилиқлар, ҳижрон доғлари одамларни йиқитарди...

Сабр-тоқатли, меҳрибон одамлар эдилар биринчи муаллимларимиз, гоҳо яқинларимиздан кўрмаган меҳрни муаллимларимиздан кўрардик. Бизга ота-онамиз, акаларимиздан сўнг энг яқин кишиларимиз муаллимларимиз эди. Улар баъзан қаҳратон киш чоғлари совукдан ёрилиб кетган қонталаш оёқ-қўлларимизни кўриб, билин-тирмай йиғлаб олишарди.

Биз мактаб остонасига қадам кўйган 1943—44-йиллар қаҳрли, жуда қаттиқчилик йиллар эди. Катталар барчаси урушда, тарбиямиз онамиз кўлида, феъл-атворимиз уларнинг кўз ёшлари, мунглари, тунги инграшлари, йиғламсираган хонишлари остида ийланарди. Биз мурғакларни аждодлардан қолган боғларгина боқар, баҳор, ёз, куз — ҳўл лазиз мевалари, қиш туршак, қоқи, анорлари, шипларга қатор терилган ноку узуму беҳилари, қайнатиб ғамланган шиннилари билан боқар, боғлар боис жон сақлардик.

Мактабимизга юз-икки юз йиллик улкан ўрикзорлар ичидан ўтиб борар, ўрикзорлар одамга далда бераётгандай, биз бормиз, ҳеч қачон очдан ўлмайсиз, деб биз болақайларни суягандай кўринар, дарҳақиқат, бу ўрикларга ишонса, суянса бўларди. Мен ўз-ўзимча жавраб юрадиган бола эдим. Ўриклар билан, гуллар билан, капалаклар билан, кўкқарғалар билан, — ишқилиб атрофимда нимага кўзим тушса, шулар билан гаплашаверадиган ғалати одатим бор эди. Мен ҳеч зерикмас эдим. Бир нарсалар тўқийверардим. Бир куни синфимизга комиссия келди. Рисолат опам мени уларга тоза мактади. Комиссия мендан баҳор ҳақида икки оғиз иншо ёзиб беришимни сўради. Мен узоқ вақт ўтириб нима ёзишимни билмадим. Рисолат опам: «Ёз, ёзсанг-чи, қани-ўқиб юрганларинг?» — деб мени қистар, мен баттар нима ёзишни билмай ручкамни тишлаб ўтираверардим. Баъзан кутилмаган масъулият тушганда одамнинг мияси шундай тормозланиб қолади. Мен ўшанда Рисолат опамнинг ишончини оқламаганимдан кўп хижолат бўлганман. Мактабда катта танаффус пайтида бериладиган «уруш тортиси» повидлоли пирожкини ҳам егим келмай қолган... Гап боғ ва болалик ҳақида кетаётганди. Боғлар мазали мевалари, туршаклари, данаклари билан ҳамиша жонимизга оро кирар, роҳат бағишлар, очлик нималигини билмай ўсардик. Ўша котил уруш йиллари биз сабий-

ларнинг меҳрибонларимиз ўриклар, боғ, она, нақш ол-малар, муаллимларимиз эди. Уларнинг ўхшашликлари кўп эди... Биринчи муаллим ва муаллималарим шундай азиз, меҳрибон кишилар эди...

## Тили болдек одамлар

2. Бизнинг у ўқиган мактабларимиз чоғроқ, шинам, жуда озода, оппоқ килиб бўялган, киш пайтлари кўмир ёкиб иситиларди. Ҳозирги кошона мактаблар, коллежлар, лицейлар билан ҳеч солиштириб бўлмайди. Биз мактабимизга лойсувоқ, томи сомонли лой билан сувалган пастак уйларимиздан чиқиб борар, шунинг учун мактаб икки қаватли томи шифер билан ёпилган, ҳеч қачон чакка деган нарса ўтмайдиган улкан хашаматли саройдай кўринарди. Мактабимизни эъозлардик. Узок йиллар ўтгач, яқинда синфдош дўстларимиз билан ўша кадрдон мактабимизни бориб кўрдик. Ҳозир Себзорда бу мактабнинг улкан замонавий корпуси қад кўтарган. Ўша мактабимиз, синфлар, митинглар ўтган зал энди бизга жуда кичкина, ночор бўлиб кўринди. Бу ердаги бизга улкан бўлиб кўринадиган залда ўша чоғлар Эркин Воҳидов, Сайёр Пўлат Файзуллаевларнинг илк шеърлари жаранглар, нутқлари эшитиларди. Бино кичрайиб қолибди, энди у бичув-тикув ҳунар мактабига айланибди. Ҳоким ака, Йўлдош ака каби муаллимларимиз энди улуг ёшларга етиб қартайибдилар. Аммо уларнинг кўзлари ҳамон илм нури, муаллимлик зиёси, ёшлик тиниқлиги билан чакнаб туради. Она тилини бизга ўргатган, она тилининг файзи ва гўзаллигини илк бор бизга англаган овози ҳамон ўшандай ёш ўқитувчим Йўлдош ака Абдуллаев! Қандай жарангдор овоз билан берилиб дарс берарди Йўлдош ака! Ҳар бир коидани дона-дона килиб тушунтирар, тушунтиришдан ҳеч эринмас, биздан ҳеч ҳафа бўлмас, шўхликларимиздан жаҳли чиқмас, шаҳдам сўзли, мустаҳкам илмли инсон Йўлдош ака! Менинг тоғам, умрини ўқитувчиликка бағишлаган ажойиб инсон, адабиёт муаллими Хусанбек Ибодов билан Йўлдош ака қалин дўст, маслакдош эдилар. Хусанбек Ибодовнинг адабиёт дарслари болалар ўртасида машҳур эди. Адабиётга, китобларга, адабий қаҳрамонларга чексиз эҳтиросли муҳаббат ҳоким эди унинг дарс соатларида! Унинг бу гўзал муҳаббати ёш дилларимизга жуда чуқур ўрнашарди.



Кўнглимизда илк орзу шу улуг фаросатли ўқитувчиларимиз туфайли пайдо бўлган, кўпларимиз, — мен аввало ўзимни гапирай, — Йўлдош Абдуллаев ва Хусанбек Ибодовга ўхшашликни, улардай ажойиб инсон бўлишликни орзу қилганмиз. Хусанбек Ибодов дарсларини муштоқлик билан кутар, дарсда кимир этмай уларнинг оғизларига махлиё бўлиб ўтирардик. Ҳа, уларнинг дарслари хақиқатан махлиё қиладиган дарслар эди. Ҳайдарали ака, Акрам ака, геометрияни худди поэмадай ўтадиган бухоролик Умар ака, Эрмат ака, Зухриддин ака, Хусанбек Ибодов, Йўлдош Абдуллаев мактабимизнинггина эмас, балки бутун маҳалламизнинг зиёли, беҳад файзли, обрў-эҳтиборли кишилари эдилар.

Тоғам боболаридан мерос ховли-жойда турар, синчли, дахлизли бир хос уйлари бўлар, уйнинг баланд тоқчалари ойнаванд шкафга мослаштирилган, бу шкафларда юзлаб, минглаб китоблар сақланарди. Тоғамнинг шу кутубхоналарини жуда севардим. У ердан чиққим келмасди. Бу китобларнинг ҳаммасини ўқиб чиқаман! — деб ўзимга ўзим аҳд қилардим. Тоғам барча дарсларга кирган ўзбек ва қардош адибларга алоҳида-алоҳида папкалар тутар, матбуотда чиққан материалларни уларга йиғиб борар, мактаб, институт, оқартув техникумидаги дарслари, имтихонларида улардан қўшимча адабиёт сифатида фойдаланар эди. Тоғам ҳар бир дарсга алоҳида ва ҳар томонлама тайёргарлик кўрар, барча адибларнинг ҳаёти, асарларини ёд билишларига қарамай, доим янгиликлардан хабардор бўлиб, уларни ўқувчиларига ҳам етказар эдилар. Адабиётга меҳр менга тоғамдан ўтди. У кишидан китобни севиш, ардоқлаш, ўқиш, укишни ўргандим.

Йўлдош акалар билан хонадонларимиз яқин эди. Бир куни Йўлдош аканинг ховлисига қандайдир юмуш билан чиқдим. Йўлдош акам: «Келавер, келавер», — дедилар уй ичкарасидан туриб. Айвондан ўтиб уйга кирдим. Уй ичи теп-текис бўйра устига бошдан оёқ турли ёзувлар ёзилган, диаграммалар чизилган варақлар билан тўлган, уй саҳнида қадам қўядиган жой қолмаган эди. Йўлдош аканинг ўзи қуруқ сандал ёнига кичкина курсича қўйиб ёзиб-чизиб ўтирарди. У киши эски ўзбек мактабларида ўқитиш усуллари бўйича илмий асар ёзаётган экан. Варақларни бутун уйга ёзиб қўйганининг сабаби,

шундай қилса, барча варақлар кўз ўнгида турар ва уларга исталган вақтда зарур ўзгартиш, таҳрирларни киритиш осон бўлар экан. Бобларни бир-бирига мослаш ҳам қулайроқ бўларкан. Йўлдош аканинг бу «илмий усули» мега таъсир қилди. Фақат фидокор одамларгина олим, ижодкор бўлиши мумкинлиги ўшанда илк бор хаёлимдан ўтган.

— Иброҳим, мана мен эски матбуотларимизни ўқияман. Ўша пайтларда жуда кўп қизиқ газеталар, нашрлар чиққан. «Туркестанские ведомости»га ўхшаган. Кўп мактабдорлар, маърифатчилар ўтган. Шулар ҳақида ёздим. Сен ҳам ўша нашрларни топиб ўқигин. Улар тарихимизнинг хазинаси... — деган эди.

Шояд балки ўшандами, менда Йўлдош акадек олим, маърифатчи бўлиш ҳаваси уйғондимикин, ҳар ҳолда шундан сўнг ўқитувчимга бўлган ҳурматим юз чандон ортган.

## Илк сабоқлар

3. 1945—46- йиллардан мустақил китоб ўқий бошладим. Илк ўқиган китобим шоир Уйғуннинг уруш пайти чиққан кичкина оқ муковали шеърлар китоби эди. У шеърлар қахрамонлик руҳи билан менга қаттиқ таъсир қилди. Кейин «Шум бола», «Сен етим эмассан», Миркарим Осимнинг тарихий ҳикоялари (Жалололдин ва Темур Малик ҳақида)ни ўқидим. Акам ҳам уч синф саводи бўлишига қарамай жуда китобхон, ҳар ердан турли китобларни топиб келиб, дарахтларнинг соясида ўқиб ётарди. Айниқса, ўзбек халқ эртақлари ва дostonларини. Кейин билсам маҳалламизда гап-гаштақларда, кўпинча гапларсиз ҳам йиғилишиб киссахонлик қилишар, эски Абомуслим киссаларини ўқишар, акам шу киссахонликларда қатнашар ва китоб ўқишга иштиёқи ҳаммавақт ортар экан. Мен ўша пайтларда лотин алифбосини ҳам ўрганиб олган, урушдан олдин чиққан китобларни ҳам бемалол қийналмай ўқийверардим. Тоғамнинг кутубхонасидан ўша сабийлик йилларида Козимийнинг «Қўрқинчили Техрон», Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён», Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» китобларини олиб ўқиб, тўртинчи синфдан эътиборан тамом китоб шайдосига айланганман. Олтинчи-ет-

тинчи синфларда рус тилини бирмунча тушунадиган бўлгач, янги чек-чегарасиз китоблар олами очилди. Шу билан бирга «Кунтуғмиш», «Гўрўғли», «Ширин ва Шакар», «Авазхон» дostonларини қайта-қайта ўқир, дoston шеърларининг гумбурлаган садоларидан масту мустағрак бўлардим.

· Мактабни битириб зўр орзулар, қаттиқ интилишлар билан университетга ўқишга киришга муваффақ бўлдим. Ўша вақтда университетнинг ғоятда бой кутубхонаси бор эди. У мен учун туганмас ғазна топган билан баробар бўлди. Илк бора шу кутубхонадан Конфуций хикматлари, «Русские писатели о литературном труде» деган кўп томлик китобнинг 1—2-жилдларини олиб, бор дикқатимни қўйиб мутола қилиб чиқдим. Уларда ҳаёт ва адабиётнинг сир-синаотлари, ёзувчи бўлишнинг саодати ва машаққатлари қандай бўлса шундай, ўта таъсирчан ёзилган эди. Адабий меҳнатнинг бу каби изоҳлари, асrorлари билан танишиб, бошқа ҳеч ердан топиб бўлмайдиган маънавий-эстетик бойликка ошно бўлдим. Энди китоб ўқисам, гўё Короленко, Герцен, Пушкин, Толстой, Гоголь, Гаршин, Ушинский, Радищев, Горький, Маяковскийларнинг кўзи билан ўқирдим. Уларнинг адабий ўлчовлари, мезонлари билан баҳолардим. Бирон китоб ўқисам, китоб ўқимаган куним эса йўқ эди, — дарҳол қўлимга қалам-қоғоз олиб у ҳақда ёзгим келарди, ёзардим ҳам. 1955-йиллардан Ҳастимом бозоридаги китоб сотувчилардан «Иностранная литература» ва «Литгазета» нинг эски сонларини сотиб олиб ўқийдиган бўлдим. Сўнг уларга ўзим ёзилдим. Университетнинг биринчи курсидан менга жаҳон адабиёти хазиначилари очилди. Ҳамкурс дўстларим Тўлқин, Ҳасан Тўрабеков, Шавкат Шомухамедов, Азиз китобхон йигитлар эди. Бир куни Ҳасан менга Конст. Паустовскийнинг «Олтин гул» китобини: «Ўқиб чиқ! Сенга ёқади», — деб берди. Ҳақиқатан қўлимга «Олтин гул» киргандай сездим ўзимни. Шу китоб таъсирида менда адабиёт ҳақида ёзиш нияти мустаҳкамланди. Умримни шу ишга бағишлашим кераклигини англадим. Яхши кўрар эдим китоблар ва ёзувчилар ҳақида ёзишни! Бу хавас мен билан умр бўйи бирга қолди.

Адабиёт, она тили муаллими фақат адабиёт ва тил ўқитувчи кишигина эмас. У кенг маънода маънавият му-

аллими ҳамдир. Маданият муалими, маърифат муаллими. У ўқувчини илк бор нафосатга ошно қилади. Шу буюк оламга олиб киради. Жамиятга эндигина кириб келаётган ёш авлод маънавияти, нафосатни англаш даражаси, фаросатининг тарбияси адабиёт ва она тили муаллимларига, уларнинг савияси, фидокорлиги, ўз ишини нечоғлик севиши ва билишига боғлиқ. Менимча, ўқитувчининг ватанпарварлиги қандай бўлса, ўқувчининг ватанпарварлиги ҳам шундай. Бунда истисно йўқ даражада. Қатъий ишонаманки, ватанпарварлик адабиёт ва она тили муаллимидан бошланади. Мустаҳкамланади. Шахснинг фазилатига айланади. Озодлик, эрк, мустақил одам бўлиб яшаш туйғулари, ниятлари, аҳд-паймонлари ҳам адабиёт ва она тили ўқитувчиларидан бошланади. Энг яхши туйғуларни шу олижаноб муаллимлар тарбиялайдилар. Шунинг учун уларнинг замон адабиёти, унда бораётган изланишлардан хабардорлиги ўз миссияларини адо этишда бебаҳо аҳамиятга эга. Чала муаллим — чала ўқувчи.

## ТАРАҚҚИЁТ ЁШЛИКНИ СЕВАДИ

Ёшларнинг эркинликда яшаётганликлари, ўз орзу-истакларини эркинликда рўёбга чиқариш имкониятларига тўла эга бўлганликлари энг муҳим воқеа. Қанчадан қанча илм ва таҳсил даргоҳлари очиланти. Университетларнинг бағри кенгайанти. Булар бари ёшлар учун. Уларни илм-маърифатли киши бўлиб етиштишлари йўлида мамлакат жуда катта куч сарфляпти, маблағларни аямаяпти. Мамлакатнинг тақдири ёшларнинг қўлида. Мамлакати тараққиёти билан боғлиқ барча соҳаларга раванк бериш, уларни энг яхши жаҳон андозалари даражаси ва миқёсига кўтариш ёшларнинг қўлида. Улар кескин рақобат ҳукмрон дунёга кириб бораётганликлари ва бу дунё ичида ожизлик, гўллик, соддалик, лапашанглик, ялқовлик кечирилмас бир ҳол деб қаралишини бир зум унутмасликларига тўғри келади. Ўзбекистоннинг келажаги илм-фанмизмнинг қандай бўлиши, қандай ривожланишига тубдан ва ҳар томонлама боғлиқ. Ўзбекистон илм-фанини янги марраларга олиб чиқиш, илм-фанмизмга янги тўлқин бағишлаш, бутун хўжалик ва молия соҳаларидаги ишларимизни чуқур илмий, фанний асосда кай-

тадан яратиш ёшларнинг елкасига тушади. Одамийликнинг сифати ва мундарижаси ҳам кескин ўзгаради. Мана шу ўзгаришларда ёшларнинг саъй-ҳаракатлари, ғайратлари, иродалари синалади, тобланади. Фаровон ҳаёт йўли албатта илм-фан орқали ўтади. Яхши яшаш учун илм-фан океанида ғаввосдек бўлмоқ зарур.

Мустақил ҳаёт яратган ва яратаётган ва бундан кейин яратиб борадиган имкониятлар чексиз-чегарасиз. Қанчадан қанча халқнинг энг зарур маблағлари сарфланиб улкан спорт иншоотлари бино бўлди, яна қанчалаб қурилади ҳали. Булар бари халқимиз учун, ва айниқса ёшлар учун эмасми? Нега кортларда, янги ажойиб стадионларда ёшлар ҳали ҳар ҳолда сийрак? Нега улар спортга жонжаҳдлари билан киришмаяптилар? Ахир спортда тинимсиз натижалар бор. Тинимсиз жисмоний ва маънавий камолот имкониятлари мавжуд. Нега биз бу имкониятлардан ҳар томонлама фойдаланмаяпмиз? Нега болалар шунча маблағлар сарфлаб қурилган стадионларга сийрак борадилар? Ёшларимиз спортга, жисмоний тарбия соҳаларига қарашларини тубдан ўзгартирмасалар сира бўлмайди. Спорт одамга ажиб бир қанот бахш этади. Нега аксар ёшларимиз бу қанотдан ўзларини маҳрум қилиб келадилар? Ер бағирлаб яшагандан кўра ўз ички имкониятларини очиб қанот боғлаб учган яхши эмасми?

Ёшларни мен спорт, илм, малака мусобақаларида жаҳон доирасида энг олдинги ўринларда кўришни истардим. Бизнинг ёшларимиз бунга қодирми? Уларга биз бу жиҳатлардан яхши йўлдош ва яхши кўлдош бўлолмаяпмизми? Қишлоқларда ва шаҳарларда қанчадан қанча ёшлар ўз вақтлари ва кучларидан унумли фойдалана олмасдан ҳафсаласизликка берилмоқдалар. Ёшлиқ шундай даврки, унинг ҳар бир дақиқаси замирида келажакнинг мазмуни яшириниб ётади. Ёшлиқда бой берилган вақтнинг ўрнини кейин тўлдириб бўлмайди. Мен ёшларнинг ўз вақтлари ҳамда ўз тақдирларининг эгаси бўлишликларини истар эдим. Ҳар бир одамда табиатдан ато этилган ноёб хислатлар, фазилатлар бор. Уларни рўёбга чиқариш аввало Яратганнинг қарами, қолаверса, одам боласининг ўз қўлида.

Тилагим: ёшлиқнинг ажиб ғанимат дамларини бой берманг.

## Ўзни билиш

Ўзини билган инсон учун мустақилликдан ортиқ қадрият йўқ. Одамнинг ор-номус, шон-шараф билан яшаши, умргузаронлик килишида у биринчи даражали аҳамиятга эга. Шунинг учун уни қадриятларнинг қадрияти деб аташ тўғрроқ бўлади. Бошқа қадриятларнинг бари у мавжуд бўлгандагина кучга киради ва ўринга эга бўлади. Шу боисдан уни энг улуғ деймиз. Мустақиллик озодликнинг мураббийси. Ва умуман, мустақиллик — мураббий. Одамийлик тарбияси ундан ва одамнинг шан-шавкати ҳам ундан. Шунинг учун уни энг азиз деймиз. Имон бўлсаю мустақиллик ва озодлик бўлмаса, бу имон нимага ярайди ва унинг кучи нимага етади? Озод бўлмаган, озодликни истамаган, унга интилмаган одам боласида имон хамиша чала ва ҳаракатдан қолгандир.

Қулчилик ва мутелик иллатларидан холи инсонни тарбиялашга алоҳида ва муттасил эътибор қаратишга тўғри келади.

Бизни заифлаштириб, ожиз қилиб қўйиши мумкин бўлган киши билмас бир ёмон иллат мавжуд. У ҳам бўлса, уруғ-қабилачилик, маҳаллийчилик кайфиятлари, урф-одатлари, қилиқлари, хатти-ҳаракатларига берилиш; бу жуда чуқур илдиз отган иллат. Қўплар уни билмайди, у ҳақда ўйламайди. Лекин ҳаётда уларга риюя этади ва ҳатто уларга тўла суяниб, ишониб кун кечиради. Баъзи одамларнинг озодлик ва озод эмасликнинг мутлақо фарқига бормай, ҳатто булар устида сира ҳам ўйламай яшаётганликлари ва ўз назарларида ёмон яшамаётганликларининг асосий сабаби ўша қabila-уруғчилик ва маҳаллийчилик касалликларида. Ҳуқуқларимизнинг мутаносиб ривожланишига, конституциявий тушунчаларнинг кишилар онгида, қарашларида чуқур илдиз отишига эришилса, уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик ўз-ўзидан маъносиз бир нарсага айланиб бораверади. Ўзбекистонимизнинг ҳаёт-мамоти илм-фанимизнинг изчил ва қудратли тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ. Барча соҳаларда юксак малакали кадрларни етиштириш — мамлакатнинг қудратини ташкил этади. Маънавият, маърифат, мафкура соҳасида олиб бориладиган ишларнинг асосий мақсади ва мазмуни шунда бўлиши бизга яқин йиллар ичида туганмас дивидентлар келтирадиган ягона ютқиқсиз жабҳадир.

Ўзбекистоннинг ҳаёти айникса, яқин қўшни мамлакатлар ҳаёти билан жуда чуқур боғланган. Биз барча қўшилариимиз билан алоқалариимизни янада мустаҳкамлашимиз, муносабатларни юксак халқаро нормалар заминда ривожлантириб боришимиз, яқин қўшилариимизнинг бари бизга том маънода қондош, жондош эканлигини бир зум ҳам унутмаслигимиз ва қондошлик томирларини соғломлаштириш, ўртада меҳру муҳаббат ва ўлмас дўстлик ришталарини ҳормай-толмай тарбиялаб, алқаб, савдо-тижорат, илмий-маданий, иқтисодий, инсоний ҳамкорликларга биринчи даражали имтиёз беришимиз айни муддао бўлур эди.

## Демократик тафаккур

Жамиятнинг истисносиз барча институтларида демократик тафаккур одатий ходисага айланганда, кўникма тусини олганда, ёш бўғинларга эркин тузумларда мавжуд анъаналар чуқурроқ, изчилроқ сингдирилганда ёшлар орзу қилиб, ўз орзуларига етишиш йўлларидан ҳеч қандай тўсиқсиз бориш имкониятига эга бўлганларида ва катталар уларни бу жиҳатдан ҳар томонлама тушунганликларида, қўллаганларида эркин фикр юритиш кўникмалари ривожланиб боради. Ҳозирги авлод бунга жуда тез эришади деб ўйлайман. Чунки улар тазйиқлар, якка фикр ва ғоянинг ҳокимлигидан, тоталитаризмдан бутунлай холи бўлган кишилардир. Биз ўйлаган нарсалариимизнинг мингдан бири, миллиондан бирини ҳам айтолмасдик. Фикрни бўғиш энг учига чиққан замонларда яшадик. Эндиги ёшлар — фикр қулчилигини билмаган озод ёшлар — уларга ҳавасим келади.

Бугун дунёнинг ранг-баранг адабиётларини таржима қилиш билан фақат «Жаҳон адабиёти» журналигина шуғулланыпти. Бу катта мамлакатнинг миллий адабиёти учун етарли эмас. Бошқа адабиётлардан қилинадиган бадий таржималарсиз миллий адабиётнинг ривожланишини тасаввурга ҳам келтириб бўлмайди. «Фауст»ни, Есенинни таржима қилиб Эркин Воҳидов қандай серқирра шоирга айланган, «Дўзах»ни таржима қилиб Абдулла Ориповда қандай янги мазмундорлик ва шакл изланишлари туғилган бўлса, миллий адабиёт ҳам жонли организм сифатида энг яхши асарларнинг таржимаси орқали

бойиб, ўзгариб, ўзини бадий жихатдан ислоҳ қилиб боради. Таржима бўлмаса, миллий адабиёт нимага қараб ўзини ислоҳ қилади, янгиланади? Ўз махсиси билан мактаниб ўтираверадиган адабиётни тасаввур қилиш мумкинми? Адабий алоқалар деган нарсани коммунистлар ўйлаб топган эмаслар. Бу жаҳон адабиётининг тажрибаси, тараққиёт талаби ва тақозоси.

*24 апрель, 2001 йил.*

## **МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ҲОЯЛАРИ РЎЁБГА ЧИҚМОҚДА**

Одамлар мустақил мамлакатда яшаш ва ишлашни ўрганишяпти.

Дунёдаги ҳеч бир мамлакатда тараққиёт йўли текис, сип-силлиқ бўлган эмас. Ривож бор экан, унинг қийинчиликлари ҳам табиий бўлади. Буни одатда ўсиш, ўз ҳаётини тиклаш қийинчиликлари дейишади. Мустақил Ўзбекистон ҳам ўз тараққиёти ва тикланиши йўлида турли иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий қийинчиликларни енгиб ўтмоқда. Қийинчиликлар бўлиши табиий. Уларга нисбатан бизнинг турлича муносабатларимиз ҳам — табиий. Бунда хайратга тушиб, ажабланиб ўтирадиган фавқуллоҳда бир нарса йўқ. Ҳамма гап қийинчиликларни кўра била туриб уларни келтириб чиқараётган сабабларни тушуна туриб, айна вақтда улар ичида узок ўралашиб ўтириб қолмасликда. Ҳамма гап ўша кўпчиликни қийнаётган, ўйлатаётган муаммолар комидан ва домидан тез чиқиб кетишда. Айрим иқтисодий, маънавий-ахлоқий муаммолар, айтайлик, саноатимизни тез ва эффектив тиклаш, янгидан янги самарадор иш ўринларини яратиш, инсоннинг яшаш даражасини изчил кўтариш, ёшларни ижтимоий фойдали ҳаракатларга кенг миқёсда тортиш, унумдорликнинг илмий-техникавий асосларини мустаҳкамлаб бориш кабилар, — ҳаётимиз кундалиги, яшаш шароитимиз, кун тартибимизда бир неча вақтлардан буён ҳал қилишликни кутиб келаётган экан, демак, бу узокқа чўзилишнинг туб илдизларини топиш, уларни ечишнинг янги даражаси ва миқёсида кўтарилишимиз зарур.



Замон — техника замони. Интернет замони. Бизнес ҳаракатлар замони. Эътибор бериб қарайлик. Булар каби замона соҳалари ҳаётимизга шитоб ва шиддат билан кириб келаётир. Техника руҳсат сўраб ўтирмайди. Киради ва ҳаётни эгаллайди. Чунки замоннинг обу ҳаво-си, таракқиётнинг темпи ва даражасини шу илм-техника белгилайди. Обу ҳаво эса инсон ҳаётига табиий зарурат каби киради ва инсон ҳаётини етарли миқдорда куч-қувват билан таъминлайди. Бизнинг ҳаётимиздан кучли ўрин эгаллаётган, ҳаётимизнинг маъноси ва мазмунига айланаётган бу каби XX аср сўнггидагина биз эгаллашга киришган соҳаларнинг бари миллий мустақиллик, эркинлик, демократия, қарашлар плюралиزمи туфайли кириб келяпти. Демак, мустақиллик, эркинлик, демократия, миллий тикланишнинг ғалабаси улар билан ҳар томонлама боғлиқ, улардан куч-қувват олади. Ҳозир атрофимизни қуршаётган турли-туман техникалар, ишлаб чиқариш усул-идоралари, қонунлар, ҳужжатлар, бизнес ва илмга бўйсунадиган бозор йўриқлари, ахборот технологиялари ва уларни ўзлаштириш, буларнинг ҳаммасини миллий мафкура тизимлари ўртага қўяётган вазифа-мақсадлар билан боғлаш энди бундан буён жўнлик, соддалик, лақмалик, бепарволик, ими-жимиди қулай кун кечиришга уринишларни кўтармайди. Кўтармайдигина эмас, ҳатто буларни қатъий рад ва инкор этади. Ўт билан сув, ёруғлик билан қоронғулик қандай чиқишмаса, янги техника, технологиялар, информатика, интернет билан жўнлик, соддалик, лоқайдлик ҳам шундай чиқишмайди.

Таракқиётнинг дунёвий миқёс ва миқдор касб этиши бу — эндиги замонларнинг энг характерли белгиси. Биз яшаётган замоннинг холис борлиғи. Ундан ҳеч ким юз ўгиролмайди ёки уни инкор этолмайди. Замон билан баравар қадам ташлайман деган киши уларни ўз ҳаёт режаларида ҳисобга олади. Ўзбекистонимиз бу нарсаларнинг қатъий суратда ривожланишидан манфаатдор. Уларсиз буюк мамлакатни яратиб бўлмайди.

Ҳозирги пайтда биздан замон талаб қилаётган энг қатта нарса: бу — интеллектимизни кўтариш. Интеллектимизни замонавийлаштириш ва уни замонга қобил қилиш. Интеллектимизни Интернетга, янги-янги технологияларга мослаштириш ва тўхтовсиз янгилаб бориш... шулар билан биз замонавий миллатга айланамиз.

Ўтган — ўтди, кечган — кечди, деймиз яқин ва узок ўтмишларни эслаганда, улардан ўзимизга маъно-мазмун қидирганда. Бир томондан бу шундай. Иккинчи томондан шундай эмас. Йиллар ва унинг иссиқ-совуқлари дарахт танасининг ўрайларида из қолдирганидек, одам боласи ҳам ўз ўтган кечмишлари, яшаган умрининг маҳсулоти. Биз ўттизинчи йилларнинг охирида ёруғ дунёга келганмиз. Истиқлол бизнинг ҳаётимизда жуда чуқур из қолдирди. «Ўзбек халқи ҳам ҳақиқий миллий, ижтимоий-сиёсий озодликка чиқармикин?» — деган ўта изтиробли савол мен мансуб авлоднинг юрак қаърларида яшарди. У биз учун туганмас, етиб бўлмас жумбоқ эди. Лекин ҳамиша биз билан бирга эди. Боши йўқ, охири йўқ ўйловларимиз шу ҳақда эди. Ишонмай ишонардик. Қоронғу умидсизлик ичида умид қилардик. Кўпнинг энг эзгу миллий тилаги XX асрнинг охирида рўёбга чиқди. Миллат ўз мустақил давлатчилигини тиклашга эришди. Инсон учун озодлик ва мустақилликдан кўра ҳам қимматлироқ нарса йўқ. Маданий, ўзини таниган инсон бу нарсаларсиз яшолмайди. Истиқлол Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросига у ёки бу тарзда ўз таъсирини ўтказди. У бизни қонунлари, қонуниятлари тамомила ўзгача бўлган ҳаёт ва жамият ичига бошлаб кирмоқда. Истиқлолни англамаган фуқарода жуда ҳам муҳим бир нарса етишмай туради. Истиқлолни англамаслик фуқаро сифатида кишининг шаклланмаганлигини кўрсатади. Биз ўтмишдан келаётган одамлар ўзимизни қаламқаш, журналист, ношир, таржимон деб билардик. Миллий истиқлол бизни ўзининг жуда катта ижтимоий сиёсий ҳаёт жабҳаларига тортди. Биз илк бора босиб олинган мамлакатда эмас, ўз мамлакатимизда яшаётганлигимизни ҳис қилдик. Ўз мамлакатингда ўзга йўриқ билан яшашнинг азобини асти қўяверинг. Истиқлол бизнинг олдимизга сиёсатчи ҳам, жамоатчи ҳам, публицист ҳам, тарғиботчи ҳам бўлиш, бир сўз билан айтганда, халқ ичида ишлаш вазифасини қўйди. Энди биз учун истиқлол манфаатлари учун ишлашдан ҳам ортиқ бахт-саодат йўқ.

Одам ўз-ўзини ўзгартирмагунча унинг ҳаёти ички томондан ҳам, ташқи томондан ҳам ўзгармайди. Истиқлол одамга шундай ўз-ўзини ўзгартириш ва камолга етказиш имкониятларини берди. Одамлар кайфиятларида доим

бир хусусият бўлади: кўпинча кишилар ўз-ўзларини ўзгартириш устида қайғурмайдилар-да, жамиятдан ўзгаришни талаб қиладилар. Жамият ўзгаришини кутадилар. Ҳолбуки, жамият ҳеч қачон ўз-ўзидан ўзгармайди. Унинг ўзгариши учун ҳар биримиз ўзимизни ўзгартиришимиз зарур. Жамиятдаги ҳар қандай ўзгариш бизнинг ўзимиздаги ўзгаришлардан бошланади. Жамият ва одам бир-бирига шунчалар мустаҳкам боғланган.

Ўзбекистон жўрофий-иқтисодий нуқтаи назардан ҳам, маданий-тарихий нуқтаи назардан ҳам, халқнинг феъл-атвори, ҳаётий қарашлари нуқтаи назаридан ҳам буюк мамлакат. Буюкликка муносиб мамлакат Лекин бу буюклик ўз-ўзидан бўлмайди. У ҳар биримизнинг юрагимизда етилади. Юрак буюклиги билан юрт буюклиги бир нарсага айланса, шахс билан юрт ўртасида унсият пайдо бўлади. Маърифат, маънавий камолотнинг биринчи белгиси шу. Натижа шу.

XXI асрда илм-техника мислсиз тараққий қилади. Бу тараққиёт олдида XX асрнинг илм-техникаси жуда ибтидоий нарса бўлиб қолади. Одамнинг муносиб фаровон яшашини эндиликда технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. XXI аср одамлари миллатидан қатъи назар жуда мураккаб ва жуда гўзал технология жараёнларида яшайдиган одамлар. Технологиялар ақл-идрок, укув-қобилиятларга жуда кучли таъсир этади. Технологияларни қанчалик табиийлик билан ўзлаштириб боришимиз ва технологик миллатга айланишимиз бизнинг қандай халқ эканимизга ўлчов ва мезон бўлади. XXI аср жўнлик ва содалликни тан олмайди, ёқтирмайди, ҳисобга киритмайди. У қолақ яшашга баҳона бўлолмайди.

Ўсиш, ўзгариш, иш, турмушда яхши, хайрли натижаларга эришиш бу одам ақлининг аҳволига кўра бўлади. Ақлимизнинг аҳволи қандай бўлса, яшашимиз ва унинг даражаси, юксаклиги ҳам шундай. Умр вафо қилганча ўз севган ишларим билан машғул бўлишни орзу қиламан. «Миллий тикланиш» газетаси узлуксиз чиқиб турса дейман. Халқимизнинг турли қатламлари замоннинг шу энг улур ғояси — миллий тикланиш теварагида бирлашсалар, унинг йўлида савий-харакатларини аямасалар деб умид қиламан.

Ўн ёшга чиқаётормиз. Бола ўнга кирганда унда ўйлов пайдо бўлади. Келажакнинг ширин орзулари туғилади.

Бу ўйловлар жаҳонда юртимнинг бўйини ўстиришига, ўз миллий марраларни мустаҳкам эгаллашига хизмат қила- жагига аминман.

17 май, 2001 йил.

## **ВАҚТ — УЧИБ БОРАЁТГАН ҚУШ**

### **Вақт ҳақида**

Вақт осмонда учиб бораётган қуш. Дунёга келдингиз: бошингизга сояси ё тушди, ё тушмади. Сизнинг толейингизга қайрилиб қаради, ё қарамади. Қанча уринманг, унинг қаерга, нима максатда кетиб бораётганлигини ҳам билолмайсиз. Зум кўринади, зумда ғойиб бўлади.

Сиз кузатибгина қоласиз вақтни. Лекин уни кутиб ололмайсиз.

Бу самовий вақт. У ҳеч нарсага тобе эмас. Ҳамма нарсалар унинг ичида: пайдо бўлади, йўқолади, яна қайта пайдо бўлади. Бундай вақт самовий, фалсафий ҳодиса. У ҳаво, ўт, сув, нур каби моддий эмас.

Одам боласи само, қуёш, ер, ой, шамолларнинг айла- нишига қараб кеча-кундузларни ойу йиллар, асрлар, минг- йилликлар, соатлар, дақиқалар, сониялар ва сониялар- нинг илғаб бўлмас улушларига бўлди. Йигирма тўрт со- ат — бир кеча-кундуз — вақт ҳақидаги тушунчамиз ҳозирча шу. Келажакда бу тушунча ўзгариши мумкин. Лекин бунинг учун одамзоднинг ақли, вужуди ҳам ўзга- риши керак. Кеча-кундуз — нисбий ўлчов, Коинот айла- ниб турибди. Унинг нур тезлигидаги мезонлар билан ўлчанадиган ўз ўлчовлари бор. Одамзод, махлуқот, юл- дуз ва буржлар бўлмаган замонларда ҳам вақт бўлган. Одамзод тарихини қарасангиз, бор-йўғи беш минг-ўн минг йил. Тарихнинг нариги томони эса чексиз, чегарасиз, сир-синоатларга тўлиб ётган вақт, бизга фақат тасаввур- лар ва фантазияларгина қолган.

Шу чексизлик-бепоёнликда битта жамлама юрак бор. У барча тирик ва биз жонсиз деб биладиган махлу- қотларнинг юраги. Вақт деган нарсангиз шу битта, яго- на юрак ичидан ўтади. Вақтни юрак ҳис қилади, сеза- ди.

Вақт юракда уриб туради. У юрагимизда уриб турга- ни учун ҳам вақтга, унинг ўтишига жуда нозикмиз. Одам-

га ҳамма вақт у жуда ҳам қисқа бўлиб туюлади. Одам боласига доим муттасил суратда вақт етмайди. Вақт етмаслигидан нолимаган кимсани учратмаганман. Аслида вақт етади. Вақт етарли. Ҳар қандай ишга вақт етади. Ҳар қандай ишга етарли вақт ажратилган.

Одам болалик чоғларида вақтини қаерга қўйишни, уни нима қилишни билмайди. Болалик чоғларингизда вақт ўтмаётгандек, жуда имиллаб ўтаётгандек кўринади. Одам катталарга, кексаларга ҳавас қилади. Қачон мен ҳам катта бўламан, дейди. Катталарнинг ҳамма нарсалари бор: уйлари, машиналари, касб-корлари, дўстлари, яқинлари, кийим-кечаклари ва энг муҳими, хоҳлаган ишни қилишади, хоҳлаганча еб-ичишади... Болаликнинг эса болалиқдан бошқа ҳеч нарсаси йўқ. Шунинг учун болаликнинг вақти бепоён ва у ҳеч олға силжимаётгандек туюлади.

Вақтни тутиб бўлмайди. Ҳеч ким уни орқага қайтаролмайди. Лекин соф инсоний нуқтаи назардан қараганда, болалиқдан бошлаб вақтни ютган — ютади. Сизга ажратилган вақтнинг чегараси бор, албатта. У чангалингиздаги бир ҳовуч қумдек тўхтовсиз ва аёвсиз тарзда тўкилиб туради. Одам шунга қараб: вақтнинг қўлдан берма. Вақтинг кетди — бахтинг кетди, каби хикматли гапларни ҳаёт ва толе тажрибаларида топганлар.

Одам учун вақтнинг бир хусусияти: у доимо моддийлашиб боришга мойил бўлади. Болалиқда у тўғри тарбия орқали моддийлашади, яъни бизнинг феъл-атворимизга айланади. Болалиқда одам илмлар, тиллар, ҳунарлар, санъатларни тез ва ҳўб ўрганади. Спорт машғулоти воситасида жисмонан мустаҳкамланади, инсоний, ижтимоий вазифаларни бажаришга қобилият касб этади. Тарбия ва илмлар орқали эса ақлан ва маънан бойийди. Баъзан бир соат ишлаб, ўн соатлаб дам олаётган, яъни вақтини совураётганларга бот-бот дуч келамиз. Улар бир соат ишлаб ўзларини ўн соат ишлагандек қилиб кўрсатадилар, дарҳақиқат, улар ўн соат ишлаб чарчагандек кўринадилар. Вақтини биладиган, ўзини вақтга тайёрлаган киши бир соатда ўн соатлик ишни қилиб қўяди. Кўп кўрганман бундай одамларни. Баъзан одамнинг иши бир кеча-кундуз ишласа ҳам, тугамайди. Унга вақт етмайди. Бу одам вақтнинг маърифатини билмайди,

ундан беҳабар. У ўзи қилиши керак бўлган ишларни чегаралаб олмаган. Шунинг учун у қанча кўп ишламасин, елкасига қанча кўп ишларни ортмасин, ишида ҳеч қачон унум ва самарадорликка эришолмайди. Достоевскийнинг «Иблислар» романига қараб туриб, Толстойнинг «Уруш ва тинчлик»ини мутолаа қилиб ўтириб, Сино, Беруний, Навоий сингари зотларнинг асарлари маҳобатига лол қолиб битта нарсага — улар вақтни қанчалар моддийлаштира олганликларига қойил қолмаслик мумкин эмас. Улар ўзларига ажратилган вақтни ютганлар. Уни то инсоният бор экан, мангулаштирганлар. Бу ҳам нисбий. Лекин одамзод мангуликнинг ўзга ўлчовини билмайди ҳали.

Улар толстойлар, улар достоевскийлар, улар синолар-да, дейишингиз мумкин. Лекин бошқа барча камтарин одамлар ҳам ўзларига табиат томонидан ажратилган вақтни шундай олижаноб ишларда моддийлаштиришлари мумкин. Қирқ яшар италян ёзувчиси Алессандро Барикко «Денгиз-океан» деган жуда ғаройиб роман ёзди. У босилиб чиққандаёқ Италиянинг энг обрўли адабий мукофотини олди. Уч йил ичида йигирма саккиз мартаба қайта нашр этилди ва қанча кўп нашр қилинмасан, тарқалиб кетаверди. Шу романда бир олим ҳамма нарсаларнинг поёнини қидиради, ҳамма нарсаларнинг охири ва энг бошланғич нуқтасини топиш устида изланади. Масалан, у денгизлар, океанларнинг энг сўнгги ва энг бошланғич нуқтаси қаердалигини топишга интилади. Шу романнинг бошқа бир қаҳрамони эса одамлар айтадиган дуоларни йиғиб юради. Унинг дафтарида турли муносабатлар билан айтилган минглаб дуолар жамланган. Улар бир-бирига ўхшамайди. Буларни шунинг учун айтяпманки, вақтдан тўғри ва унумли фойдаланиш, вақтдан ютиш учун Сино, Беруний бўлиш шарт эмас. Вақтдан тўғри фойдаланадиган одам энг оддий ишларни ҳам инсонийликнинг энг улуғ ишларига айлантира олади.

Маънавиятнинг маърифати вақтни билиш ва ундан тўғри фойдаланишда, уни бой бермасликда, уни йўқотиб қўймасликда, вақт етмайди деб нолиб юрмасликда.

Вақт етади. Сиз фақат унинг маъносига етсангиз ва умрингизнинг зебига айлангирсангиз, бас.

## Одам нега дунёга келади?

Одам ўзини дунёга намоён қилгани келади. Ва одам боласи ташқи дунёнинг жуда кўп таъсирлари, таассуротлари, мурожаатлари, даъватлари ичида яшайди. Инсон шуларнинг жамулжами ичида ва шулар қурган сахнада ҳаракат қилади. Одамнинг ўз зумраси ва табиатига жойланган қобилиятларни тўла намоён этиши, юзага чиқариши — баъзан бу талант жуда-жуда оддий нарсаларда бўлиши мумкин — ўз табиати ва талантига мос иш тутиши, ўз табиати ва талантига мос бўлмаган ишларни қилмаслиги ва бундай нарсаларга уринмаслиги — назаримда одамни ўз умридан қаноатлантиради. Шундай қаноатда балки ҳақиқий бахтнинг нишонлари бордир. Лекин бахт деган тушунча ўта нисбий ва ранг-баранг талқинларга эга. Уни ҳар ким ўзича талқин қилади. Одам беҳад гўзал яратилган хилқат. Одам ўзини қанча кўп ва чуқур англаса, билса, бошқаларни ҳам шунчалар чуқур ва ҳар томонлама англаб, тушуниб, билишга муяссар бўлади. Ўзини ва ташқи дунёни билмаслик, тушунмаслик алдаш-алданишларга сабаб бўлади. Одам ўзини ҳам, бошқаларни ҳам алдаб яшашга мойил бўлади. Бу ўта бахтсизлик бўлса керак. Бу бахтсизликдан яна кўп бошқа бахтсизликлар тарқалади. Эркақдир аёлдир ўзига ишониб, ўзини билиб яшасин. Ўзига ишониб яшаш асло ўзига бино қўйиш, устунликка эришиш, устунлик билан тинимсиз мақтаниш дегани эмас.

## Ақли расолик нима?

Одам бўлгандан кейин ақли расо бўлса дейсиз. Одам ақли расоларни соғинади. Ақли расолик табиий ва тарбиявий бўлади. Қонунларга, ахлокий меъёрларга риоя қилиб яшаш ақли расоликнинг бир белгиси. Ҳозир бутун дунё бир қишлоққа айланиб борапти. Яшаш ва ўз фаолияти учун зарур қонунларнинг меъёрларини билиш тўғри ва соғлом кун кечиришда заруратга айланиб қолди. Қонунлардан беҳабар яшаш кўзни маҳкам бойлаб ҳозирги замоннинг серҳаракат кўчаларида юриш билан баробар. Бунда одам кўп туртинади, суринади, балки ҳалокатга учрайди, ўзигагина эмас, бошқаларга ҳам кат-

та зиён-заҳмат етказади, заволга сабаб бўлади. «Ҳуқуқий маданият» менга биров баландпарвоз тушунча бўлиб кўрилади. Унинг теранлигини биз хали тўла ўзлаштириб, тасаввуримизга сиғдирганимизча йўқ. Ҳуқуқий маданият — қонунларини билиш ва уларга ўз амалиётида риоя қилишнинг ўзигина эмас. Бу аввало ўз ҳақ-ҳуқуқларини таниш ва ҳақ-ҳуқуқларнинг амалда намоён бўлиши, самара бериши учун ҳаракат қилишдир. Ҳақ-ҳуқуқини танимаган, билмаган одамдан нимани кутиб бўлади. Фақат ўта содда одамларгина: «Э, қонунларнинг ҳаммасини ўрганиб, охирига етиб бўлармиди, йигирма беш миллион аҳолининг ҳаммаси қонунларни билиши шартми? Худо еткизганига қараб шукур қилиб яшайвер-да», деб ўғит қиладилар. Ҳолбуки, эндиликда содда одамнинг араваси лойга ботиб ётаверади. Соддалиқда ижобийлик қолмади. Соддалиқ ҳамма ҳаётий кадриятларни ютқизиш, бой бериш, орқага сурилиб кетавериш билан баробар бир нарсага айланди. Ҳуқуқий маданиятнинг йўқлиги ёки заифлиги тушқунлик, бўшанглик, кўрқоқлик, оғзидаги нони ни олдириб қўйишга олиб келади. Бўшанг одамнинг ризқини ваҳшийлар талаб ейдилар. Ваҳшийларнинг таланчилигига йўл қўймаслик — мана шу ҳуқуқий маданият. Акс холда у йўқ.

## Универсал демократия

Демократиянинг универсал принциплари мавжуд. Улар инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларидир. Бошқача демократия йўқ. Қолганлари ўз ўлчовига кўра бичиб-тўқишлардир. Ҳамма гап қарашларда, нуктаи назарларда, фикрлашларда. Бу нарсаларда Фарбда ҳам, Шарқда ҳам не турфа ранг-барангликлар бор. Ва бу жуда ҳам яхши. Фарб дунёсининг айрим қатламларида эркинликни чек-чегараси йўқ, бир ходиса деб тушунишади. Ақл бовар қилмайдиган яланғочликлар, отиш, ўлдириш, зўравонликларни ортиқ даражада бўрттириб ёзиш, кўрсатиш, тасвирлаш, талқин қилиш, ғайритабиий никоҳларни қонунийлаштириш, ахлоқсизликлардан оғзининг таноби қочиб лаззатланиш, ота-онага, яқинларга андишасизлик қилиш сингари адабиётлар, экранлар, газеталарнинг саҳифалари, интернет орқали бизга ҳам етиб келаётган ҳодисалар



маълум бир тоифалар томонидан эркинликнинг кўриниши деб баҳоланар экан, унга қўшилиб, уни ёклаб бўлмайди. Ғайритабиий алоқаларга интилиш ва бу нарсаларни халққа кенг тарғиб қилиш одамзоднинг илигини қуритади, уни таназулга олиб боради. Табиатнинг ўзи чексиз меҳр-муҳаббат билан аёл ва эркак, нар ва модани жуфт қилиб яратди. Ҳаётни шу жуфтликнинг асосига қурди. Хўтук билан кучук ҳам қилмайдиган ишларни одам боласи қила бошласа, бу ҳаётнинг охириги нуқтаси; инсоният бу оғир разолатдан ўзини тўхтатиши зарур.

### Ҳаёт тизимлари

Ҳаёт тизимлари, таомиллар шиддат билан ўзгариб борапти. Биз энди ер юзининг фуқароларимиз. Дунёнинг қаерида бўлмасин, бир воқеа рўй берса, унинг бизга ҳам даҳлдорлиги сезилмоқда ва ҳаётимиз, қарашларимиз, фикримизда акс-садо бермоқда. Адабиёт, матбуот, маданият, санъат мана шу ўзгарувчан ва ўта фикрчан дунё қаршисида турибди. Бу шундай оқимки, эндиликда ҳеч ким ундан четда туролмайди, ундан ўзини олиб қочолмайди. Ҳеч кимса, ҳеч бир давлат ернинг бирор парчасини коинотга ёки Ойга олиб чиқиб кетиб яшолмайди. Ер — шу Ер. Ўзга ер йўқ. Миллатларнинг ер юзида бир оила бўлиб яшашга хизмат қиладиган белги ва хусусиятлари қолади. Тасодифий, ошини ошаб, ёшини яшаб бўлган белгилар ва хусусиятлар, чизгилар ўчиб кетади. Ҳамма нарсаларни ҳамкорлик белгилайди. Ҳамкорликнинг даражаси белгилайди. Жуда катта ва олижаноб ишлар қиляётган «Жаҳон адабиёти» журналининг минг нусха атрофида чиқиши ва шунинг ҳам зўр-базўр тарқалаётгани ўта ташвишли ходиса. Биз ўзимиздан бошқа нарсага қизиқмасак, ўз чўнтагимиздан ўзга нарсани ўйламасак, қаерга борамиз, дунё анжуманига қандай ва нима билан кирамиз? Маънавий, маданий, адабий-бадиий, илмий-фанний сиёсатимизни шу жиҳатдан тинимсиз ислоҳ қилиб бориш ҳаёт-мамот билан тенг масаламиз бўлиб турибди. Янги насларни бу каби масалаларни муваффақиятли ечишга лаёқатли қилиб тарбияляапмизми? Ушбу саволга қанчалар матонат ва қанчалар адолат билан жавоб бера оламиз? — Гап шунда.

## Ҳар бир одам гўзал ахлоқнинг манбайи

Ахлоқ бизни гўзал ва олижаноб қилади. Биз ахлоқ деганда ундан шуларни кутамиз, ундан шуларни истаймиз. Бу ахлоқнинг бир томонлама ҳаракати. Ўз навбатида биз одам сифатида ахлоқни гўзал ва олижаноб қиламизми? Ҳа, биз ахлоқни ўз навбатида гўзал ва олижаноб қила оламиз, деб жавоб бериш қудратига эга бўлсаккина унда ахлоқнинг ҳаракатини икки томонлама асосга қўйган бўламиз.

Яъни ахлоқ бизни бойитибгина қолмай, биз ҳам ахлоқни тинимсиз бойитиб борамиз.

Хўб, ахлоқ ва ҳаёт бир томонлама ҳаракатни ҳам инобатга олади. Шундай ҳам бўлиши мумкинлигини ўз назар-эътиборидан кочирмайди. Лекин ҳаёт бир томонлама ҳаракатга қурилган эмас. У ҳамиша икки томонлама ҳаракатни талаб ва тақозо қилади. «Қарс икки қўлдан чиқади», «Сиздан ҳаракат — биздан баракат» деганга ўхшаш ҳикматли сўзларнинг тагида ҳам ҳаёт ва ахлоқнинг икки томонлама ҳаракат асосига қурилганлиги ҳақидаги маъно ётади. Шу маънодаги турмуш маишати ва таомиллари ҳақида гап борганда ҳам, халқ андак киноя ва андак ўз устидан кулибми, «Бор товоғим — кел товоғим», «Сиздан угина биздан бугина» деб айтади. Баъзан бир томонлама ҳаракат меъёридан ортиб, бошқа тирик жонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари олигархизм тамойиллари устун келиб поймол бўла бошласа: «Ҳай энди инсоф ўзингизга берсин, тегирмон навбати билан бўлсин!» — деб қўйишади. Ахлоқ адаштирамайди. Доим ўз ҳақ-ҳуқуқлари билан биргалликда ва чамбарчас боғлиқликда ўзгаларнинг ҳам ҳақ-ҳуқуқлари риоя қилинишини ўлчаб, белгилаб келади. Инсонга оид жуда кўп нарсасоҳибдорларнинг пул билан ўлчанадиган эквивалентлари мавжуд. Чунончи инсон ақли, иқтидорининг маҳсули бўлган асарлар, ихтиролар, кашфиётлар, хизматларнинг пул эквиваленти бор ва буни одамлар жамиятларида табиий, адолатли ҳол деб қаралади. Инсон кучи, меҳнати, вақти унинг кийматига баробар келадиган ҳақ билан ўлчанади.


Фақат ахлоқ, маънавият ва улар асосида турадиган ҳаё деган кимё — эликсир пул билан ўлчанмайди. Унинг пулда ўлчанадиган эквиваленти йўқ.

Урушлар, босқинчиликлар, зўравонликлар, хунрезликларнинг бари ҳеч қандай истисносиз ахлоқсизликлардан, ҳаёсизликлардан келиб чиқди. Сиёсатлардаги ҳаёсизлик урушларнинг, босқинчиликларнинг азал манбайи бўлди.

Ҳаё ожизлик эмас эди. Лекин беҳаёлар уни ожизликка айлантиришга уриниб келдилар. Сиёсатлардаги беҳаёликларни турли баҳоналар билан оклаш йўлига кирдилар.

XX асрда ўтган иккита дахшатли жаҳон урушининг таг заминига қаранг: тамомила беҳаёлик! XX асрнинг улуғ хулосаси: инсоният сиёсатни фақат ахлоқ ва ҳаё асосига қурибгина урушлар, босқинчиликлар, зўравонликларни енгиб ўтиши мумкин деган қарорга келди. XXI аср ахлоқий сиёсат мезонларини кўриб чиқди. Сиёсат ахлоқий бўлиши керак, деган буюк фикрга келди. Сиёсатнинг тозалиги ва ахлоқийлиги XXI асрда инсоният қўлга киритган барча ютуқларнинг энг каттаси бўлади.

Одамийлик бир жойда қотиб қолмасин, уни ўрнидан жилдирайлик. Фаол, ҳаракатчан кучга айлантирайлик.



## МАЪНАВИЯТ — ЯРАТИШ КЎНИКМАСИ

### Тақдирни куриш. Саломатлик маънавияти.

Миллий истиқлолга эришилгани туфайли мамлакатимизда ижтимоий ҳаракатлар авж олиб, миллат ҳаётида биринчи даражали аҳамиятга эга демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар бирин-кетин дунёга келиб, одамларга янги фаолият майдонлари очилди. Жамиётда фақат биттагина партия ҳукмрон бўлганда ва сиёсат юритганда бу партия эмас, балки мустабидликка асосланган тоталитар режимнинг ҳукм суриш кулоли, усули ва инструментига айланишини аччиқ, аламли воқеа-ҳодисаларда аниқ-тиниқ кўрилди. Якка фикр ҳукмронлиги, якка шахслар ҳукмронлиги, бир халқнинг бошқа халқлар устидан устунлиги ва ҳукмронлиги кўпгина миллатлар ҳаётида ўта оғир фожиаларни келтириб чиқарди. Оти меҳнаткашларнинг озодлиги деб юритилса ҳам, аслида бу тизимлари маккорона тарзда ишлаб чиқилган бошқети кўринмас қарамликдан бошқа нарса эмасди. Биргина мисолни олинг. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўша замонларда фақат ва фақат ички масалаларни ечиш билангина шуғулланарди. У ташқи сиёсатда мутлақо ҳеч нарсани ҳал қилмас, мустақил тарзда бирор масалани кўришга ожиз эди. Яъни мустақилликнинг оти бору ўзи аслида йўқ эди. Бу миллатнинг хўрлиги ва хорлигидан бошқа нарса эмасди. Миллий истиқлол Ўзбекистон учун мислсиз буюк йўллар ва имкониятлар очди. Тақдирни яратиш халқнинг ўз иродаси ва эркига, ихтиёрига ўтди. Одамнинг униб-ўсиши ўтган замонларда кишининг ўз ихтиёрида эмас, балки фақат партиянинг қўлида ва инон-ихтиёри, измида эди. Партиянинг изнисиз, руҳсатисиз ҳеч ким ҳеч қачон бир қарич ҳам олға силжий олмас ё бир поғона ижтимоий пиллапоялардан кўтарила олмас эди. Толейимизга ноширлик, қаламкашлик, журналистлик, жамоат билан ишлаш ёзилган экан. Йигирма беш йил бош муҳаррирларнинг ўринбосари бўлиб ишладим. Китоблар ва газеталар нашр этишга

умримнинг энг ноёб вақтларини сарфладим. Истиклол мени ўзининг энг улдуф нәмлари, ғоясини ифодалаб аталган «Миллий тикланиш» газетасига бош мухаррирликка таклиф қилди. Етилган ижтимоий фикр ва шароит таъсирида бир гуруҳ атоқли зиёлилар билан бирга Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясини тузишга муваффақ бўлдик. Зиёли манфаатларни ифодаловчи тамомила янги, миллий асосга эга сиёсий партия юзага келди. Шу сиёсий партиянинг фаол аъзолари ва етакчиларидан бири сифатида истиклол манфаатлари учун ишлаётганимиздан ўзимда беҳад мамнунлик ва инсоний бир нуқтаи назардан қониқиш сезаман. Кўппартиявийликнинг вужудга келганлигини истиклолимизнинг энг катта галабаларидан бири деб биламан. Чунки эркин демократик жамият ранг-баранг партиялар, ранг-баранг қарашлар, нуқтаи назарларнинг ҳаракати ва амалиётидагина юзага келади, миллат ва мамлакат тараққиётига хизмат қилади. Демократик институтлар ўлик бўлган ерда жамият ҳаракатдан тўхтайдди, тараққиёт ўлади. Мафқураларнинг хилма-хиллиги сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлар, жамоатчилик муассасаларининг хилма-хиллиги ва фаолиятга қодирлиги билан ўлчанади. Инсоният жамият тараққиётининг бошқа йўлини топган эмас. Менга мухлис дўстларим танқидчилик қолиб кетди-ку, деб кўн таънали сўзларни айтишади. Лекин кимлардир миллат учун сиёсий партияларнинг оёққа туриши, ривожланиши, ўз сиёсий табиати ва бурчига кўра ҳаракат қилиш учун шуғулланиши ҳам керак-ку! Жамият ва етилиб келаётган насллар мамлакатнинг эҳтиёжларига ярайдиган ҳаракатчан ва қобил демократик механизмларга эғалик қилишлари, улар доирасида иш юритишлари керак-ку! Бундан ташқари, миллий истиклол биз зиёлиларга тарихий меросимизнинг маданий қатламларига чуқур кириш, маънавиятимизнинг ранг-баранг қирраларини кашф этиш, иқтисодий ислохотларда маънавият ва маърифатнинг ўрни ва аҳамиятини аниқлаш, белгилаш ва бу йўлда тинимсиз тарзда тадқиқотлар олиб боришга чорлади. Маънавият миллатнинг менталитети билан нақадар чирмашиб кетганлиги, у турмуш ва яшаш тарзи билан бирга узвий ўзгариб янгиланиб бориши, халқаро муносабатларнинг ҳар томонлама ривожланиб бориши замирида янги-янги ва гоҳо ўта кутилмаган қирралар ва хусусиятларни касб

этиши, яъни маънавият қолиб қолган бир ходиса бўлмай балки тамомила бошдан оёқ ўсиб-ўзгаришдаги ходиса эканлигини англай бошладик. Маънавият ўз-ўзича ҳеч нарса эмас. Ўз-ўзича унинг қиммати баланд бўлолмайди. Маънавият ҳаракат кўникмасига айлангандагина қиммат касб этади. Яратиш кўникмаси сифатидагина маънавият қимматга эга. «Бобурнома»ни яратиш Мирзо Бобурнинг буюк маънавияти. «Хамса» яратиш Навоийнинг мангу тирик маънавиятидан дарак беради. Истиқлол учун иш-лаш истиқлол маънавиятидир. Маънавият бизнинг олижаноб инсоний кўникмаларимизнинг ўзагида барча томирларимизни кучлантириб, ҳаракатга ундаб тургандагина қимматли ва ўшандагина у ҳақда сўзлаш ўзини оқлайди.

Шуни яхши билиб олайликки, миллийликни намоён қилиш, унга интилиш бу асло миллатчилик ёки миллатпарварлик ҳам эмас. Тил хусусан бу миллатнинг намоён бўлиши. Тил йўқолса, миллат ҳам йўқолади. Ҳар бир миллий тил неча минг, балки неча миллионлаб йилларнинг маҳсули, маданий ҳосиласи. Уни ноёб, беҳад қимматли ходиса каби асраш, авайлаш, ривожлантириш ҳар бир миллат фарзандининг тўғридан тўғри биринчи даражали бурчи, вазифаси. Истиқлол учун ишлайдиган одам аввало тил учун ишлайди. Фақат яна шуни ҳам билиб қўйликки, бир тилни бошқа тилдан устун қўйиш, афзал кўриш, зўрлаб ёйишга уринишларгина миллатчилик ва шовинизмга олиб боради. Ҳар бир миллий тилга умуминсоний маърифат ва маданиятнинг намоён бўлиши ва зухур этиши деб қараганимиздагина биз она тилимиз — давлат тилимизнинг ўзга тиллар чаманларидаги ўрнини аниқ белгилаб, тўла тасаввур қила биламиз. Булар бизнинг истиқлолий фаолиятимизнинг ажралмас зиёли бўлақларидир.

Соғлиқни сақлаш тизими маънавият тизимлари билан чамбарчас боғлиқ. Булар халққа қанчалар яқин бўлса, шунча яхши. Одамлар врачлардан жуда кўп нарсаларни кутадилар. Улуғ умид билан врач ҳузурига кирадилар. Врачнинг сўзини ўта диққат билан тинглайдилар. Одам ўз соғлигини энг қимматли бойлиги деб билади. Яхши врач ҳузуридан одамнинг юзи ёришиб чиқади. Қасалхоналар, поликлиникалар, тиббий пунктлар, санаторийлар одамларнинг эҳтиёжларига тўла мосланганми? Биз бу-

тун халқ кириб чиқадиган бу даргоҳлар, бу эшикларнинг мукамал бўлишини жуда истаймиз.

Врачлари зўр мамлакатдан касал қочади. Касал кам ерда билингки, врачлар зўр. Зўр врач бўлиш учун катта иқтидор, лаёқат, теран билимлар керак. Чала билим билан яхши врач бўлиш мумкинлигига сира ишонмайман. Врач бўлишни орзу қилган ёшлар алоҳида танланишдан ўтишлари зарур деб ўйлайман. Назаримда малакали врач, малакали ўқитувчи, малакали ишчи деган сўзлар одам боласи учун энг олий мақтовли сўзлардир. Ёш йигит-қизлар ҳақиқатан ҳам малакали врач бўламан, шунга лаёқатим, иқтидорим етади, матонатим етади деб ўзларига ҳисоб берсалар, жонларини аямай замонавий медицина илмларини ўзлаштирсалар, охир-оқибатда касб маҳоратига эга бўлсалар, бундан ортиқ яна нимани орзу қилиши мумкин врач бўлажак киши!

Врач бўлсин — юксак малакали бўлсин, кимни, нимани қандай даволашни аниқ билсин, тасаввур қилсин. шундагина касалга аниқ ташхис қўяди, аниқ дори-дармон белгилайди. Одамнинг бахти, омади касал бўлганда яхши, билгич врачга дуч келишда деб биламан.

Ўзбекистонда медицинанинг корифейлари оз эмас. Наби Мажидовнинг лептоменингитлар таснифини яратганлиги дунё миқёсида тан олинган. Ўктам Ориповнинг инсон органларини кўчириб ўтказиш соҳасида 60—70-йилларда олиб борган изланишлари медицинамизнинг олтин кашфиётларидан. Унинг дунёда биринчилар қатори буйракни кўчириб ўтказганлиги бебаҳо жасорат, врачлар маҳоратининг буюк чўққиси эди. Ёлқин Тўракулов, Ражаб Исломбековларнинг эндокринология соҳасидаги кашфиётлари ҳар қандай миллатнинг фахр-ифтихори бўлолади. Илмда юксак чўққилар бўлмаса, бундай кашфиётлар ўз-ўзидан дунёга келмайди. Маҳмадjon Комилов, Вали Мажидов, Шабот Хўжаев, Абдиманнон Раҳимжонов ва бошқа яна ўнлаб юксак иқтидорли врачлар, медицина фанининг улуғ заҳматкашлари халқимизга қанчадан қанча яхшиликлар қилдилар. Неча ўнлаб, юзлаб, минглаб одамларнинг кўзларини очдилар, ўлим чангалидан олиб қолдилар. Ўз касбини баланд чўққиларга кўтарган, фан шарафи учун ишлаган, кишиларнинг дардини ҳар жиҳатдан енгил қилган улуғ врачларимиз, врач олимларимиз қанчадан қанча. Уларнинг

иктидори, малакаси, захматкашлигига ҳар қанча таҳсин айтилса оз. Улар орасида яна Саиджалол Баҳромов, Эркин Қосимов, Карим Усмонхўжаев, Шухрат Эргашев, Турғунпўлат Даминов, Ҳамид Каримов сингари фан фидойиларининг номларини алоҳида ҳурмат билан эслагим келади. Улар яхши врач, олим сифатидагина эмас, шу улўф соҳанинг жонкуяр ташкилотчилари сифатида ҳам эл-юртга тер тўкиб хизмат қилмоқдалар.

Халқ табобатидан кўз юмиб бўлмайти. Табобатнинг тажрибақорлигига тан бермай илож йўқ. Ўз ўрнида унинг хизматлари асқотади. Аммо касалликларни, эпидемияларни фақат замонавий медицинагина енгиб чиқа олади, фақат угина тўла ҳажмда қоникарли муолажага қодир. Халқ табобати билан замонавий медицина ўзаро рақобатда эмас, ҳамқорликда ишласалар, балки фойда кўпроқ бўлади. Медицина туғма лаёқат бўлишни талаб қилади. Ёшлардаги туғма лаёқат ва қизиқишларни аниқлашнинг аниқ ишланган тизимлари яратилса, яхши врачлар кўпаяди. Олий ўқув юртларининг малакали экспертлари мактабларда, лицейлар, коллежларда лаёқатли болаларни аниқлаш, таҳсилга жалб этиш учун ҳормай-толмай, эринмай, бунга панжа орасидан қарамай иш олиб борсалар, медицина соҳасидагина эмас, бошқа барча соҳаларда ҳам аниқ ва салмоқли натижаларга эришса бўлади. Қаровсизликда, бепарволикда бўлажак эйнштейнларни ҳам, ўктам ориповларни ҳам оппа-осон йўқотиб қўйиш мумкин.

Аҳолини соғломлаштиришда санитария-гигиена шароитларини яхшилаш биринчи даражали аҳамиятга эга. Овқатланиш, ўзи учун муносиб соғлом муҳит яратишнинг медицинага доир томонлари устида аҳоли ўртасида кенг илмий-тарғибот, хатто оқартув ишларини тинмай олиб бориш зарур деб биламан. Атроф муҳитида соғлом шароит яратадиган ва шунинг учун қурашадиган одам соғломлик асосини яратган одамдир. Ҳаётда ундан кўп улўф ишлар қутса бўлади.

Миллатимиз намояндалари барча замонавий касб-қорларни ҳар томонлама муқаммал эгалласалар, барча соҳаларда кўплаб аъло даражали мутахассислар етишиб чиқсалар, халқ шу орқали ўз келажагини таъминлаган, ким бўлмасин, бировга, хатто давлатга қарам бўлишдан



қутулади. Чала-чулпа илм-билим билан давлатманд, бой-бадавлат бўлиб яшашга уриниш бу — ўта ғайриқонуний ва ғайритабиий иш. Лақмалик нафратга лойик.

## ТЕНТАК ҚИЛАМАН ДЕСАЛАР

### Психофизик муҳофаза нима?

*Замонамиз шундайки, миямиз ва шууримиз атроф-муҳитнинг турли тусдаги «хужумлари»дан бир зум ҳам ҳоли эмас.*

Телеканаллар, газеталар, истасангиз-истамасангиз кўча-қўйларда кўзингизга урилаверадиган рекламалар... сизни ўз холингизга қўймайди. Ўз дунёсига ҳаммаси ўзига хос йўллар билан чорлайди. Одамнинг қулоғига ғалати эшитилади: эшитмайман десангиз ҳам, эшитасиз: психотрон курол дейдилар, ултрамия назорати дейдилар, авомни ялпи зомбига айлантириш (манқуртликнинг ўзига хос кўриниши, лекин асли мохияти бир), парапсихологлар мўъжизалари ҳақида тинмай ёзадилар. Эски асрнинг охири, янги асрнинг аввалида инсоният бошида ўзгаришлар жуда кўп: лекин улар ичида одам миясини ишғол қилишга уринишлар ҳаммасидан ҳам ўтиб тушади: астрология, парапсихология, оккултизмга қизиқмаган бир жон йўк хисоби... Нима, булар сизу бизнинг бечора миямиз ва шууримизга ҳақиқий маънодаги «хужум» эмасми? Миямизни «ишғол» қилишга уринишлар эмасми?

Кўпчилик бўлиб йиғилиб вирди забон (медитация) қилиш, калима қайтариш, узоқ ўтириб гуруҳ-гуруҳ бўлиб ибодатга машғул бўлиш, пайдарпай ўзини оч тутиш — булар ҳаммаси инсоннинг бечора онгига жуда кучли таъсир кўрсатади.

Рақсу самога берилиб зикр тушиш (сўфийлар тажрибаси), узоқ вақт давра олиб айланиш ва шунга ўхшаш такрор-такрор бир маромда адо этиладиган ходисалар одамнинг иродаси, куч-қуввати, хатти-харакатларини ўзгартириб, бошқа ўзанга буриб юборади.

Профессор Андрей Ли айтишича, бундай мақсадга йўналтирилган ритмик хатти-харакатлар натижасида миянинг ички фаолиятида ўзгаришлар рўй беради, кишининг хулки ҳам, равиш-рафтори ҳам, қолаверса, феъли

хам бошқача бўлиб қолади. Шундай ҳаракатлар давомида гипнотик таъсирлар билан қўшилиб, одам беҳушлик ҳолатига тушгандан сўнг (шок) унга ҳар қандай фикр ва сўзларни қайта-қайта айтиб сингдириш мумкин. Бундай сўзларни қабул қилиш жараёни ҳам қизик. Олдин одам: «Э, шу ҳам гап бўлдими, кип-қизил аҳмоқлик-ку!» — дейди. Кейин: «Тавба, қаранг-а, бу гапда жон борга ўхшайди», дейди. Яна бироздан сўн: «Э-ҳа! бу бор гап экан!» — деган хулосага келади. Ана, психологик зарарли вирус сизга шундай усуллар билан «юктирилади». Вирус юктириш модели бир неча одамлардан ташкил топган катта гуруҳларда иш олиб борилганда, тез натижа беради.

Чунончи, айрим шубҳали диний гуруҳлар ўртасида шу каби усуллардан кенг фойдаланадилар. Айниқса, ёш, таъсирчан, маъсум йигит-қизларнинг онги, фикри шу йўл билан тез оғдириб олинади. Уларнинг онгига оғули яширин ахборот (информация) усталик билан ўраб-чирмаб сингдирилади. Миянинг тирик нуқталарига «едирилади». Гуруҳдаги шахслар беҳушлик ҳолатига киргач, оғули хуфя информациялар уларга кучли таъсир кўрсатади ва шу усулда «эътикодли курашчи» тайёрланади.

Бундай гуруҳларни тузиш ташкилотчилари эски ўзбек мақолида айтилганидек, «чиллаки чиллакини кўриб чумак уради» деган мақолга амал қиладилар. Ғаразли мақсад эгалари гуруҳ ичида ўта зарарли психологик вирусни урчитиб, вирус онг ҳужайраларида мустаҳкам ўрнашиб олишига тиришадилар. Гуруҳ беҳушлик (шок) ҳолатига киргач, ташкилотчилар унга истаганча амру фармон бера биладилар. «Беҳуш»ни истаган мақомга ўйнатиб, «йўрғалатадилар». Биз баъзан ҳайрон бўлиб деймиз: «Бу қандай бўлди?», «Нахотки шундай қилиш мумкин?» Ҳолбуки, соғлом ақлга тўғри келмайдиган, соғлом ақл сира қабул қилолмайдиган ҳатти-ҳаракатлар ана шундай тарзда урчитилади. Таъсирга тушган беҳушлик ҳолатидаги одам ўзининг нима қилаётганлигини билмайди, ҳисоб бермайди, фақат миясига едилган амрни адо этади ва тўхтовсиз унга беҳушлик ҳолатида юктирилган сўзларни такрорлайверади. Кўзига на ота-она, на ёр-биродар, на Ватан, на миллат кўринади.

Доктор Александр Ли илмий изланишларида маълум

бўлишича, кўз тўқимачалари (тўрлари)нинг турли бўлма-ларидан ахборот (информация) бош миянинг турли бўлма-ларига етиб боради. Ва у ерда турлича қабул қилиниб, турлича тахлилдан ўтади. Мана шундан фойдаланиб, таъсир остига олинган шахс ёки шахсларга исталган йўналишдаги ҳис-туйғуларни — қувонч, сурур, ғазаб, нафрат, зўравонлик, босқинчилик сингариларни сингдириш мумкин. Бундай таъсир ўтказишда товуш тўлқинларидан, ранглардан ҳам усталик билан фойдаланилади.

Ҳозир информацияни ўз манфаатлари ва ғаразларини кўзлаган ҳолда жуда катта гуруҳларга етказиш, сингдириш, уларни ўз ҳукми остида тутиб туришнинг ана шундай нозик усулларидан фойдаланиш ҳоллари рўй бермоқда.

Одамларнинг ҳушини ўғирлаш, ақл-ҳушини турли ҳолатларга солиш, айтайлик, сайловлар чоғида бир яшик ароқ, совун, чой ёки тилла рўмол билан алдашга ўхшаш уринишлар ҳам шу ҳолларга мисол бўлолади.

XXI асрда ақл-ҳушни издан чиқариши мумкин бўлган ахборот (информациялар) дўлдай ёға бошлайди. Ахборот тизимлари эса кучайиб боради.

Хўш, шундай экан, шахс ва омма ақл-ҳушини ўйинчоққа айлантириб, уни турли қўйларга солишга уринишларнинг олдини олишнинг иложи борми?

Доктор Александр Ли бунга халқаро миқёсдаги жиддий масала деб қарайди. Инсоннинг психофизик муҳофазаси, психосфераси ҳимояси билан халқаро миқёсда барча давлатлар шуғулланишлари зарур деб ҳисоблайди.

Инсон психик оламини фақат давлат ҳимоя қила олади.

Бунинг учун махсус давлат дастури тузиш, зарур қонунлар қабул қилиш керак бўлади.

Зомбилашув эҳтимолига қарши маърифатли кураш давлат ва инсон аҳамиятига молик муаммодир.

## **Муаллақ қолмагай!**

Бир замонлар ишқ ҳамда тирикликнинг кимёсини кўп қидирган, ажиб шўх, ўйноқи лахжали шеърлар ёзган гўзал шоиримиз Саккокий Улуғбекка бағишлаб яратган

улуғ унли қасидасида чунончи шундай сатрларни айтган эди:

*Бу кундин сўнгра кўп тинглай раиятлар риоятдин  
Улус ҳаққида минг турла атодин меҳрибон келди...  
Кўнгуллар бўлди хуш равшан кўруб қолмади бир зарра  
Қоронгулуқ кетиб ҳоли чу хуршеди замон келди...*

Миллий ғоя ҳамда миллий мафкура ҳақида айтилган сўзлар, илгари сурилган ғоялар ҳар қандай бир мамлакатнинг эндиги тақдири учун узоқ йилларга етади, тўла кифоя қилади. Биздан бу сўзлар ва ғояларни юракнинг моторига жойлаб, уларга энг яхши маънода амал этмоқ, онгларга сингдирмоқ лозим. Боз устига бу ғоялар кеча ё бугун, шу лаҳзада дунёга келган эмас. Улар истиқлол билан бирга туғилиб, мана, яқин ўн йилдан бери ҳаётнинг турли осон-мушкул жабҳаларида сайқалланмоқда, фикрларнинг чин, чин эмаслиги озод турмуш қурилиши синовларидан ўтмоқда. Истиқлол мафкураси худди тирклик нафаси каби дам-бадам ҳаётимизга кириб келмоқда.

Саккокий замонларида раият деб халқ ва фуқароларни тушунар эдилар. «Риоят» — сақланиш деганидир. Халқнинг тинчлиги, хавфсизлиги, эминлиги, эркин фаровонликка интилиш, унга қадам-бақадам етиши, ҳимояси, муҳофазаси — ҳаммаси ана шу риоят тушунчаси ичида тўла мавжуд. Халқнинг риояти, яъни сақланганлиги, хавфсизлиги, унинг замон бўрилари ва даррандаларидан ҳимояланганлиги бу — улуғ ғоя — Улуғбек мамлакат тепасига келганда яна тирилган эл-юртнинг осмонида умид-ёруғлик билан яна кўтарилган эди. Саккокий яна «қоронғулик кетиб...» деган тушунчага урғу бераётганига эътибор қилинг. Раиятнинг тиниши, риоят топиши нотинчлик, қоронғуликлар, хавф-хатарларнинг барҳам топиши билан чамбарчас боғлиқ. Қоронғулик кетганда, халқ кўнгли равшан тортади. Миллий ғоя сифатида халқ учун бундан ортиқ бир нарса йўқ. Ҳар қандай олижаноб интилишлар худди шу ерда қарор топади. Тикланиш, тирилиш, тараққиётнинг ҳам тугал мазмуни ва маъноси шунда.

Мустақил Ўзбекистон мамлакатаида халқнинг сақланиши, тикланиши, миллий ўз шаън-шукуҳига эга бўли-

ши, тинчлиги, фаровонлиги бош миллий ғоя сифатида илгари сурилмоқда ва ушбу миллий сиёсат халқни ҳам иш-харакатга ундаб келмоқда. Ҳамма нарсадан миллий мафкура кидириш ва ҳамма нарсаларни миллий мафкурага бўйсундиришга уриниш тўғри бўлмайди. Миллий мафкура деворларга елим билан ёпиштириб кетиладиган қоғоз парчалари эмас. У бир кунда яратилмайди ва бир кунгина амал қилинмайди. Миллий мафкура бизнинг яшаш ва интилиш, орзу-умидларимизга етиш, ета олиш, шунинг учун курашиш ва кураша олиш тарзимиздир. Ҳа, миллий мафкура бизнинг яшаш тарзимиздир. Бизнинг яшашга нечоғлик қобиллигимиз ва қодирлигимиздир.

Ҳеч кимга сир эмас: иқтисод ва бозорнинг ўз шиддатли, ўта қатъиятли қонунлари бор. Улардан қўз юмиш, инкор қилиш телбалиқдан ўзга нарса деб баҳоланмайди. Иқтисод қонуниятларининг риоя қилиши кимнингдир иродасига боғлиқ эмас. Жаҳон иқтисоди ва маданиятига интеграция ҳам шундай масала. Биз ҳар қандай ҳолда ҳам жаҳон иқтисодига интеграциядан сақланиб, бир чеккада қўл ковуштириб туролмаймиз. Лекин жаҳон интеграциясига, глобализация жараёнларига ўз миллий мафкурамиз, яшовчан, ҳаётий ғояларимиз ва энг муҳими, ўз маънавиятимиз билан кириб борсак, марра бизники. Ана унда биз интеграция кули бўлмаймиз. Ана унда интеграция — бизнинг мулкимиз бўлади. Ана унда бутун ер юзини биз ўз оиламиз деб ҳис қиламиз. Шу ягона оила туйғуси билан яшашга ўрганамиз. Ахлоқимиз, динимизни сақлаган ҳолда ўзга ахлоқлар, ўзга турли динлар билан чиқишамиз, ҳамкорлик, ҳамдастлик қилишга ўрганамиз. Уриш-жанжалларни давлат сиёсати даражасига кўтарган тўдалар, экстремистик гуруҳлар олдида ўзимизни энгилмас эканлигимизни кўрсатамиз. ХХI ас арафасида турли варақалар тарқатиб юриш ўта бачканалик эканлигини англаймиз. Кучинг бўлса, Ватан учун, мамлакат учун, миллат учун ишла! Райятни тиндир! Кучинг бўлса, ранг-баранг технологияларни олиб кел! Барча ёшларни уларни тўла, аъло эгаллаб олишларига хизмат қил! Гўзал босмаҳоналар олиб кир! Гўзал нашрлар чиқар! Райятни тиндир! — шу бизнинг амалимиз, ишимиз.

САЁЗ, БОЛАЛАРНИ ЁНДИРМАЙДИГАН, ҚИЗИКТИРМАЙДИГАН НАРСАЛАР БИЛАН БОЛАЛАРНИ МАЙИБ ҚИЛИБ ҚЎЯМИЗ!

Бундай сўзлар айтилаётганда лоқайд, беқайд ўтириб бўлмайди, қараб туриб бўлмайди. Булар ҳаммаси халқ ичида бу янги замонда ўқиш, амал, эътиқод билан бўлади. Нега сиз ўзингиз асил миллий ғоянгиз миллий тикланиш бўла туриб, миллий тикланишдан четда турасиз? Тўғрироғи, четда турмоқчи бўласиз? Ахир бу бировнинг ғояси эмас-ку! Ахир бу истилочининг четдан олиб келган, сизни кул қиладиган ғояси эмас-ку.

Назаримизда миллий мафкурамиз ва маънавиятимиз изчил кучайиб борсин десак, биринчи навбатда аҳоли бўш қолмасин ва ҳар қандай ҳолда ўз меҳнатининг самарасини кўрсин.

Аҳоли бўш қолмасин ва замон руҳида, жаҳон интеграцияси руҳида тарбиялансин десак, аҳолининг барча қатламларини ўқиш — таълим билан қамраб олайлик.

Ўқишлар:

- маънавий ўқишлар бўлсин;
- маданий ўқишлар;
- мафкуравий-сиёсий;
- иқтисодий;
- ҳуқуқий;
- ижтимоий

Бўлсин! Уларнинг ҳаммасида аҳолининг билими, маънавияси, касбий таълимни муттасил кўтариб боришга энг асосий диққат-эътиборни қаратиш зарур бўлади. Корхоналар, муассасалар, давлат ва нодавлат ташкилотларида барча меҳнатга яроқли одамларни бир ҳафталик, ойлик, уч ойлик, йиллик ўқишларга, таълим курсларига тортишнинг амалий дастурларини яратиш — миллий ғоя руҳида тарбиялашнинг энг таъсирли йўли, ишончли усулидир. Бунда динга сиёсий куч ва қуроли сифатида эмас, балки соф маънавий-ахлоқий қарашларни тарбияловчи куч каби қараш алоҳида аҳамият касб этади. Дин дилда яшасин. Дил ба ёру даст ба кор! — шиори муқаддас Қуръоннинг жавҳарий маъно-мазмунини ифодалайди. Одамлар бу олтин сўзларни таржима қилиб юришади. Бу жавҳарни таржима қилиш шарт эмас. Унинг маъносини билмаган ўзбекистонлик йўқ, ўзбек йўқ. Уни қан-

дай айтилган бўлса, шундай қабул қилайлик. Шундай амал қилайлик. Бу — бугун ҳам миллий мафкурамининг ўмрови. Бунда дунёвийлик, илоҳийлик, динийлик ажиб бир тарзда бирлашиб, туташиб ётади.

Миллий мафкура соҳаларида бугун ўз йўлимиз бор. Бу бизни фақат ўз ичимизгагина олиб бормай, балки бизни дунёга ҳам олиб чиқади ва ўз ўрнимизни эгаллашга хизмат қилади. Ҳар бир ўзини яхши таниган, халқига, унинг тақдирига қайишган киши миллий ғояларимизнинг ҳаётий мазмунини очиб бериш ва энг муҳими, миллий ғояларимизнинг жозибасини кўрсатишга бел боғласин.

Миллий ғояларимизнинг мафтункор кучи нимада?

Бу саволга жавоб бериш учун ҳаммамиз ўз қалбимизга қарайлик. Унда нималар зухурланяпти?

Шояд бу савол кўкда муаллақ колмагай!

## Биз учун мўъжиза

Инсониятга янги минг йилликнинг дарвозалари очилди.

Ҳар бир воқеа-ҳодисанинг албатта ўз ҳисоби ва ўз чўққиси — апогеи бўлади.

XX асрнинг нимасини айтасиз, ўтган юз йил ер юзида яшаган ҳар бир одамнинг юрагини беармон зириллатди. Ҳаётимизга кўп ларзалар солди. Ойга учдик. Марсга етдик. Орада Орол курди. Ер юзини шўр босяпти. XX асрнинг тиним билмаган қонли можаролари, инсон телбаликларига, террор ваҳшатларига ҳар биримиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Беҳбудийлар, фитратлар, кодирийлар, чўлпонлар, авлонийлар XX асрнинг эшикларини озодликни орзу қилиб очган, бу аср Ўзбекистоннинг мустақиллик асри бўлишини ҳар нарсадан ортиқроқ истаган ва шу йўлда ортга қайтмай кураш олиб борган эдилар. Уларнинг муқаддас орзулари, интилишлари аср сўнггида рўёбга чиқди.

Кимгадир Ойга чиққани, Марсга учиб унинг тупроғи сувратини олиб қайтгани тенгсиз мўъжизадир. Бизнинг мўъжизамиз XX асрнинг шу каби бошқа мўъжизаларидан асло қолишмайди. Балки ўша мўъжизалар сафида порлаб туради. Ўзбекистоннинг XX асрдаги энг буюк мўъжизаси — унинг истиқлоли, ўз тақдирини ўз

қўлига олгани. Унинг озодлиги. Бу Амир Темурдан кейинги тарихимизнинг ҳақиқий маънодаги чўққиси, апогейидир. Инсонга озодликдан кўра қимматлироқ ва қадрлироқ нарса йўқ. Бошқа барча кадрятлар фақат озодлик бўлгандагина яшайди ва ўсади. Бугун миллий тил озод, тарих озод, маданият, маънавият озод ва ҳар қандай таҳдидли таъсирларга қарши туриш қудратига, ривожланиб бориш лаёқатига эга. Миллий сиёсатимиз тизимлар яратиб, тизимларнинг бир мустаҳкам учини тарих қаърларига ташлаб, истибод ва тоталитаризм зулми остида қоронғуликка ботган тарихимиз маконларидан амир темурлар, улуғбеклар, бобурлар, имом бухорийлар, имом термизийлар, фарғонийлар, марғинонийлар, мотуридийлар, ва ўзга улул-азм алломайи замонларни бугунги ҳаётимизга етаклаб олиб кирди. Бугун улул-азм инсонлар — аждодларимиз биз билан биргаликда истиқлолни қурмоқдалар, давлатимиз ва халқимизнинг туб ўзагини мустаҳкамламоқдалар. Буларни Ўзбекистон дунё олдида мақтаниш, ўз тарихини кўз-қўзлаш учун қилаётгани йўқ. Биз истиқлолимизни бутун тарихимизнинг қудрати баробарида қуриш зарурлигини англаб етаётимиз. Истиқлол озодлик, яхши иш, яхши сўз, яхши ният бутун анъаналаримизга теран сингиб кетишини иштаймиз. Мустақиллик туфайли қарамлик нималигини билмайдиган наслимиз вужудга келди. XX асрнинг биз учун қиммати у келажак бўғинларимизга, наслларимизга мустақиллик ва озодликни мерос қилиб қолдираётганида.

XXI аср XX асрга ўхшармикин? Қадим сўзли ўзбекда онасини кўриб боласини ол, деган хикмат бор. Янги аср бизнинг асримиздан туғилади. У тамомила ўзгача аср бўладими? Унинг ўзгачалиги ер юзидаги одамларнинг, сиз билан бизнинг қандай бўлишимизга боғлиқ.

Кўнгилдаги дарду ғам аввалгиларга ўхшамас, дейди Навоий. Ҳаёт ҳеч қачон бир ерда турмайди. Аср бошидаёқ, айтайлик, гўзал шоир Муқимий билан Бехбудий ўртасида ақл бовар қилмас фарқлар бор эди. Биз кечаягиларга ўхшамаганимиздек, эртангилар ҳам бизга ўхшамайдилар. Лекин одамийликнинг янги даражаси, маданийликнинг янги даражаси юзага чиқиши тайин. Биз



келар наслларга қанчалар мураккаб ва ибтидоий бўлиб кўринмайлик, улар яратадиган, амал қиладиган одамийлик ва маданийлик биздан бошланади.

*«Насносни одам этмак бўлмас» —*

дейди Навоий. Насносни XXI аср ҳам ўз технологик кудрати билан ҳам одамга айлантиролмайди. Наснос ўз тўдасига ҳужум қилмайди. Ўз жонли тўдасига ҳужум қиладиган насносларни эса инсоният эндиликда тўла жиловлаб олади.

## **МАВЗУН СИСТЕМА — МАВЗУН ИНСОН**

*Биз ҳамон «Инсон ўзи нима?» — деган саволга жавоб қидирамиз*

Умр ўтаркан, вақт ўтаркан, баъзи мангу саволларга жавоб топиш осон бўлиши керакдек эди. Лекин «ИНСОН ЎЗИ НИМА?» — деймиз ва ҳамон аниқ-тиник жавоб беролмаймиз. Бу саволга Зардушт замонларида ҳам, ундан илгарироқ муборак Нил бўйларида ҳам жавоб ахтаришган, лекин жавоб топишолмаган эди. Лекин шу саволнинг қўйилишининг ўзи инсоният тарихида мислсиз савол фикр гирдобларини яратган эди. Фикр қуюнлари хали ҳамон тўхтаган эмас. Илк юнон мутафаккирларидан бири Парменид: «Ахир бу борлиқдир» деган экан. XX аср файласуфларидан Мартин Хайдеггернинг ёзишича, Пармениднинг шу жуда осон, жуда содагина сўзининг асил маъносига неча минг йиллардан буён хали донишмандлар тўла тушуниб етмаган эканлар. Парменид нима демоқчи деб хали-ҳанузгача баҳс қиладилар. Шундай чоғларда жуда осонга ўхшаб кўринган нарсалар унчалар ҳам осон эмаслиги ойдин бўлади.

Инсоният коинотнинг бир бўғими. Самони туганмас, боши ва охири йўқ бир жонзод деб қарасак, инсон шу чексизликдаги жонзоднинг бир сегменти каби яшайди ва ўз тақдири, тарихини яратади. Хулиқал инсону мин ажалин — инсон шошқалоқ ҳолда яратилгандир деб хабар беради илохий муқаддас КИТОБ. Инсоннинг ҳамшиша фикр қуюнлари ичида яшашига ишора бор бунда.

XX асрнинг довруқли парапсихологларидан бири Тур-

кистонимизни хўб сайру саргузашт этиб кетган мўъжиза-кор инсон Журжи Гуржиев ўз асарларида «Инсон — машина» деган ғояни илгари суради ва буни етарлича исботлашга уринади. Исботлай олган ҳам! Асли инсонгина эмас, бутун оламнинг ўзи ҳам етук, барча ҳисоб-китоблари неча минг ва неча миллионлаб йилларга аниқ чиқарилган хайратомуз машина каби қурилган ва ҳар дамда одамни лол қилиб қўядиган ҳаракатларда бўлади... Одам машина бўлса, унинг хўш, ҳиссиётлари-чи? — деймиз. Одам ахир тўксон фойиз ҳиссиётлар, кечинмалардан ташкил топади-ку! Ҳиссиётлар одам — машинани тўхтовсиз ҳаракатга солувчи, унинг барча ҳаракатларини маъноли-маъносиз қилгувчи куч-қудратдир.

Мана шу ҳис-кечинмаларнинг куч-қудратига қараб туриб Амир Низомиддин Алишер Навоий **ОДАМДАН ОДАМИЙЛИК ҚИДИРАДИ**. Одам яратилиши, борлигининг маъносини унинг одамийлигида кўради. Одамийликка эътиқод қилади. Навоий доим таъкидлаб келтирадиган унинг гўзал ўғитларидаги одамийликни биз бугун мустақил миллат каби бунёд бўлаётиб маънавийлик деб англамоқдамиз ва билмоқдамиз.

Борлиқ бу — тухфа каби яралган. Одамзод ҳам борлиқнинг энг нурафшон тухфасидир. Унга борлиқнинг энг қимматли тухфаларидан бири деб қарасак, унинг одамийлигидан мурод-мақсад қанчалар қимматли ва қанчалар борлиққа ҳам, инсониятнинг ўзига ҳам аҳамиятли эканлигини англай бошлаймиз. Навоий соғлом, идеал ахлоқли инсон ҳақида ўйлайди. У одамийликни қанча улугламасин, одамнинг бошқа жиҳатларидан ҳам ҳеч қачон кўз юрмайди. У одамнинг шошқалоқ тарзда яратилганлигини доим назарда тутди. Шошқалоқликдан пайдо бўладиган элементларни яхши тасаввур қилади ва уларга мудом эътиборни тортади:


*Одам авлодида камдур одамлиг шеваси,  
Одам эрмас улки майли одамизод айлагай...*

Бошқа ўринда бу фикрнинг яна бир қиррасини очди:

*Ҳеч иш ўлмас айру холиқ амридин,  
Илтижо махлуққа келтурма кўн...*

Навий одамийликнинг мазмунини элга хизмат қилишда, эл оғирини енгил қилишда, эл юкини кўтаришда кўради.

Биз бугун маънавиятли халқ, маънавиятли миллат, маънавиятли инсон ва маънавиятли шахс ҳақида орзу қиляпмиз. Тараққиётнинг омилини шунда кўряпмиз.



## МУНДАРИЖА

### I ҚИСМ

#### МИЛЛАТНИНГ БИЛЛУРЛАНИШИ

Миллатнинг биллурланиши . . . . .	6
«Миллий хаёллар» ва «Садон Туркистон» . . . . .	23
Беҳбудий шахсияти... . . . .	40
Фитрат ва миллат танкиди . . . . .	48
Амир нега Беҳбудийга қўл бермади? . . . . .	67

### II ҚИСМ

#### АДИБЛАР ГУЛШАНИ

Фазл. Фасоҳат. Заковат ( <i>Ўзбекистон Қаҳрамони</i> <i>Эркин Воҳидов</i> ) . . . . .	82
Ғафурина тарона ( <i>Вақтни енгиб</i> ) . . . . .	106
Чараклаб турган кун ( <i>Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад</i> ) . . . . .	125
Саид Аҳмад ва Саида . . . . .	130
Орфей ва Олий жамол . . . . .	135
Даштлар майсаси... ( <i>Ўзбекистон Қаҳрамони</i> <i>Абдулла Орипов</i> ) . . . . .	141
Кўтирбулок . . . . .	151
Матонат ва муҳаббат ( <i>Ўзбекистон Қаҳрамони</i> <i>Озод Шарафиддинов</i> ) . . . . .	158
Замон заргари ( <i>Абдулла Қаҳҳор — ўтмиш ва номсиз</i> <i>қаҳрамонлар</i> ) . . . . .	166
Муҳаббат ноласи . . . . .	174

Инсонийлик рисоласи . . . . .	186
Ойбек бизнинг хаётимизда . . . . .	205
Дунёни тинглаганда ( <i>Шайхзода — интеллект тажассуми</i> ) . . . . .	216
Зулфия хақида сўз . . . . .	225
Назм ҳамма вақт хур . . . . .	228
Робия Қиздоридан Зулфиягача . . . . .	233
Қисматнинг овози ( <i>Усмон Носир илҳомлари</i> ) . . . . .	238
Ижод майдони ( <i>Одил Ёқубовнинг «Излайман» китобига сўз</i> ) . . . . .	246
Одилона... . . . .	255
Кейинги ўн беш йил ичида . . . . .	264
Биринчи китоб тажрибалари ( <i>Ёш шоирлар</i> ) . . . . .	266
Муҳаббат фани . . . . .	273
Ноёб сўзлар поэзияси . . . . .	283
Муҳаббатли одамнинг хайратлари ( <i>Умарали Норматов — муаллим, олим, ижодкор</i> ) . . . . .	293
Яхшининг излари ( <i>Адиб Мақсуд Қориев ҳақида ҳикоя</i> ) . . . . .	309
Шухрат — ( <i>Ҳақгўй адиб ва инсон</i> ) . . . . .	315
Асқад Мухтор хузурида, боғда . . . . .	320
Баҳор сабоси сизни йўқлади . . . . .	325
Сайёр — йўл юрувчи дегани . . . . .	326
Хассос дарё ( <i>Тоғай достони</i> ) . . . . .	331
Аср ва олим ( <i>Лазиз Қаюмов — устоз</i> ) . . . . .	332
Кўнгилдан ўчмайди ( <i>Эзгу инсон Нуриддин Шукуров</i> ) . . . . .	335
Жим-жит булут ичидан чақин ( <i>Азим Суюн ҳақида ҳикоя</i> ) . . . . .	337
Заминга туташ антенна ( <i>Шоир Сабдулла Ҳаким ҳақида ҳикоя</i> ) . . . . .	341

### III ҚИСМ

#### АХЛОҚНИ СОҒИНИШ. ҲАЁ — ХАЛОСКОР

Ҳаё — халоскор . . . . .	346
Одамнинг ўзаги ( <i>Ирода эркинлиги</i> ) . . . . .	355

Қаердан келганмиз, нима учун яшаяпмиз...	367
Икки дунёда азиз . . . . .	371
Ўзинг мураббийсан, Ўзбекистон! . . . . .	375
Адолат ва инсонийлик мезонлари . . . . .	379
Қахрамонимизни қаердан топамиз? . . . . .	387
Бизнинг тил . . . . .	393
Меҳрингизни жон каби асрайман . . . . .	397
Ҳар кимнинг илиги тўқ бўлсин . . . . .	401
Ҳар юракнинг кўри . . . . .	404
Миллий ғоя, имон ва эътикод . . . . .	407
Инсоният озон туйнугидан учиб кетмайдими? . . . . .	412
Балоғатга пешвоз . . . . .	419
Меҳрибон муаллимларимни соғиниб . . . . .	422
Миллий тикланиш ғоялари рўёбга чиқмоқда . . . . .	432
Вақт — учиб бораётган қуш... . . . .	436
Маънавият яратиш кўникмаси . . . . .	444

**И. ҒАҒУРОВ**

**МАНГУ ЛАТОФАТ**

*2-китоб*

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2008

Мухаррир *Н. Тошматов*  
Бадий муҳаррир *М. Аъламов*  
Техник муҳаррир *Р. Бобохонова*  
Компьютерда саҳифаловчи *Л. Бацева*  
Мусаххих *Ш. Хуррамова*

Босишга рухсат этилди 17.12.2007. Бичими 84x108<sup>1/32</sup>. «Петербург» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма тобоғи 24,36. Нашриёт-хисоб тобоғи 24,30. Адади 5000 нусха. Буюртма № 4199. Баҳоси келишилган нарҳда.

**«Шарк» нашриёт-матбаа**  
**акциядорлик компанияси босмаҳонаси,**  
**100083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**